**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги**
**Андижон давлат университети**



***«ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР, ИШЛАНМАЛАР АМАЛИЁТГА: муаммолар, тадқиқотлар ва ечимлар»***
**Халқаро онлайн илмий-амалий анжуман**

***«ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ, РАЗРАБОТКИ В ПРАКТИКУ: проблемы, исследования и решения»***
**Международная научно-практическая онлайн конференция**

***«INNOVATIVE IDEAS, DEVELOPMENTS IN PRACTICE: problems, research and solutions»***
**International scientific and practical online conference**

**2021 йил 21 апрель, Андижон**

**«ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР, ИШЛАНМАЛАР АМАЛИЁТГА:**
**Муаммолар, тадқиқотлар ва ечимлар»**
Халқаро илмий-амалий онлайн анжуман материаллари тўплами
(2021 йил 21 апрель, Андижон).

Ушбу Халқаро илмий-амалий анжуман Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-F фармойишига асосан ташкил этилган.

Анжуман материалларида глобаллашув жараёнининг ижобий ва салбий оқибатлари, янги муқобил энергия манбааларини ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, геоэкологик муаммолар; иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотларнинг ҳозирги замон мазмуни; гидрология ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари, иқлим ўзгариши муаммолари; ахборот тизимларининг амалий аҳамияти; замонавий таълим ва тарбия соҳасида олиб борилаётган инновацион тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш ва мувофиқлаштириш асосида Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш, такомиллаштириш ҳамда бу жараёнга хорижий тажрибаларни қўллаш, хорижий ва республика олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари олимларини, шунингдек ёш тадқиқотчилар ва мутахассисларни кенг жалб этиш масалалари қамраб олинган.

Анжуман материалларидан аниқ ва техник, табиий, ахборот технологиялари, ижтимоий-гуманитар, амалий фанлар соҳалари мутахассислари, илмий ходимлар, мустақил изланувчилар, докторантлар, магистр ва бакалавр талабалар, олий ва ўрта махсус, умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари ҳамда барча қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

**Таҳрир ҳайъати:**
**Бош муҳаррир:** т.ф.н., проф. А.А.Запаров
**Ҳайъат аъзолари:** ф.-м.ф.н. доц. М.К.Махкамов
ф.-м.ф.н. доц. Н.М.Умрзақов
ф.-м.ф.н. доц. Ш.А.Эрматов
т.ф.н., доц. М.У. Тўраев
ф.-м.ф.н. доц. Х.Ж. Мансуров
к.ф.д. проф. И.Р.Асқаров
б.ф.д. проф. Қ.Тожибоев
т.ф.д., проф. М.Ғ.Абдуллаев
ю.ф.д. проф. Т.Т.Мадумаров
ф.ф.н., доц. Д.А. Нурмонова
п.ф.н. Н.Ж. Абдуллаева
каф.мудири С.Тошпўлатова

**КОНФЕРЕНЦИЯ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ ТАРКИБИ:**

1. Юлдашев А.С. –Андижон давлат университети ректори, б.ф.д., профессор, раис;

2. Расулов Б.М. –Андижон давлат университети илмий ишлар ва инновация бўйича проректори, тарих фанлари доктори, профессор, раис ўринбосари;

3. Махкамов М. К. - Андижон давлат университети ахборот технологиялари бўйича проректори, ф.м.ф.н., доцент;

4. Имирсинова А.А. - Андижон давлат университети илмий тадқиқотлар ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи б.ф.н., доцент;

5. Муллажонов Р.В. – Андижон давлат университети ўқув–услубий бошқармаси бошлиғи, ф.м.ф.н., доцент.

6. Зайнобидинов С.З. – Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси академиги, ф-м.ф.д., АДУ профессори; 4.

7. Нигматов С.Н. – Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси академиги, т.ф.д., профессор;

8. Мамадолимов А.М. – Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси академиги, ф.м.ф.д., ЎзМУ профессори;

9. Тўраев М.У.– Андижон давлат университети Педагогика факультети декани, т.ф.н.;

10. Мансуров Х.Ж. – Андижон давлат университети Физика-математика факультети декани, ф.м.ф.н., доцент;

11. Мадумаров Т.Т. - Андижон давлат университети Ижтимоий-иқтисодиёт факультети декани, ю.ф.д., профессор;

12. Тошпўлатова С.Ю. - Андижон давлат университети Умумтехника фанлари ва мехнат таълими кафедраси мудири;

13. Умрзаков Н.М. –Андижон давлат университети Математика кафедраси мудири, ф.м.ф.н., доцент;

14. Запаров А.А.– Андижон давлат университети Умумтехника фанлари ва мехнат таълими кафедраси профессори, т.ф.н.;

15. Абдуллаева Х.Я. - Андижон давлат университети Тахририй нашриёт бўлими бошлиғи.

## ТАБРИК СЎЗИ

Ҳурматли халқаро анжуман қатнашчилари!

Глобализация даврида мамлакатлар бир-бирлари билан ўзаро муносабатларини кенгайтириб бормоқда. Ўзбекистон жаҳонга юз тутиб, жаҳон интеграциясига чуқур кириб бормоқда. Қўшни мамлакатлар билан яхши қўшничилик, жаҳон ҳамжамияти билан тенг ҳуқуқли муносабатлар ривожланмоқда. Бунинг ёрқин мисоли сифатида мамлакатимиз Президенти муҳтарам Ш.М.Мирзиёевнинг қатор хорижий давлатларга давлат ташрифларини келтиришимиз мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда катта ўзгаришлар бўлиб ўтмоқда.Туб ислоҳотлар жамиятимиз ва иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олмоқда. Жумладан, олий таълим тизимида ҳам ана шундай жиддий ўзгаришлар амалга оширилиб, илғор хорижий тажрибалар асосида инновация жараёнларига катта эътибор қаратилмоқда. Нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан алоқалар кенгайиб, уларнинг филиаллари юртимизда ташкил этилмоқда. Ўқув, илмий, технологик, инновацион лойиҳалар кенгаймоқда.

Бугун Андижон давлат университетида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-F фармойишига асосан бўлиб ўтаётган **«ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР, ИШЛАНМАЛАР АМАЛИЁТГА: муаммолар, тадқиқотлар ва ечимлар»** мавзуидаги Халқаро илмий-амалий онлайн анжуман айнан шу мазмундаги ишларни яънада ривожлантириш ҳамда замон талаблари даражасига кўтариш мақсадида ўтказилмоқда, деб ҳисоблаш мумкин.

Анжуман мавзуси бугунги кун талаблари асосида танланган. Анжуман ўз олдига жиддий мақсадларни қўйган бўлиб, анжуман дастурида глобаллашув даврида мамлакатимиз ва ҳалқаро миқёсда ўз ечимини кутаётган долзарб масалалар қамраб олинган. Хусусан, глобаллашув жараёнининг ижобий ва салбий оқибатлари, янги муқобил энергия манбааларини ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, геоэкологик муаммолар; иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотларнинг ҳозирги замон мазмуни; гидрология ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари, иқлим ўзгариши муаммолари; ахборот тизимларининг амалий аҳамияти; замонавий таълим ва тарбия соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш ва мувофиқлаштириш асосида Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш, такомиллаштириш ҳамда бу жараёнга хорижий тажрибаларни қўллаш, хорижий ва республика олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари

олимларини, шунингдек ёш тадқиқотчилар ва мутахассисларни кенг жалб этиш масалалари қамраб олинган.

Кўтарилаётган масалалар кенг мушоҳада юритишга ундайди. Ушбу анжуман Ўзбекистон фанининг нуфузини янада ошишига хизмат қилади. Анжуман қатнашчиларига сиҳат-саломатлик, илмий-педагогик фаолиятларида улкан муваффақиятлар тилаб қоламан.

**Андижон давлат университети ректори,**
**биология фанлари доктори, профессор А.С. Юлдашев**

# ОЛИЙ ТАЪЛИМГА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТДАГИ АҲАМИЯТИ

**А.С. Юлдашев – АнДУ Ректори, А.А.Запаров – АнДУ профессори.**

***Аннотация:*** *Ушбу маърузада мамлакатда таълим соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш жараёнида инновацион ёндашувлардан самарали фойдаланиш масалалари ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *олий таълим, фан, ишланмалар, инновация, инновацион ривожлантириш, интеграция, ривожланиш, ижтимоий тараққиёт, техника, технология таълим тизими, инновацион ёндашувлар, педагогик технологиялар, таълим ислоҳотлари.*

***Аннотация:*** *Данный доклад посвящен вопросам эффективного использования инновационных подходов в сфере реформы образования в стране.*

***Ключевые слова:*** *высшее образование, наука, разработка, инновация, инновационное развитие, интеграция, развитие, социальное развитие, техника, технология, система образования, инновационные подходы, педагогические технологии, образовательные реформы.*

***Abstract:*** *This article focuses on the effective use of innovative approaches in the field of education reform in the country.*

***Keywords:*** *higher education, science, processing, innovation, innovative development, integration, development, social development, technics, technology, educational system, innovative approaches, pedagogical technologies, educational reforms.*

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ таълим соҳасига давлат даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёш авлодни тарбиялашнинг асосий истиқбол ва йўналишларини белгилаб берди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълимни тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилган. Унда “Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади” - деб кўрсатилган [1, 3].

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг тўртинчи - Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устивор йўналишининг “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш” деб номланган

бандида 2017-2021 филларда “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” [2,] кўзда тутилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бундай юқори марраларга эса таълим жараёнига илғор, инновацион ёндашувларни жалб этмай туриб эришиб бўлмайди. Дарҳақиқат, илғор педагогик технологиялар таълим жараёнини унумдорлигини оширади, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш жараёнини шакллантиради, ўқувчиларда билимга иштиёқ ва қизиқишни оширади, билимларни мустаҳкам ўзлаштириш, улардан амалиётда эркин фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантиради. Инновацион педагогик технологияларга асосланган таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти доираси аниқ белгиланади, таълимни ташкил этишнинг аниқ технологияси кўрсатилади.

Бугунги кунда жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш жараёнларини инновацияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Жамиятнинг барча соҳаларига инновацияларни жорий этилиши ижтимоий ҳаётнинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Таълим тизимида инновацияларни жорий этилиши эса, жамият ижтимоий ва иқтисодий такомилини таъминлаш, аҳоли турмуш фаравонлигини ошириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш жараёнида ўзининг муҳим ўрнига эгадир.

Ҳозирги кунда таълим жараёнига инновацион технологиялар ва интерфаол усулларни қўллашга қизиқиш тобора кенг тус олмоқда. Бундай усулларни қўллаш таълим самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширади, ўқувчиларда дарс мазмунини теран англаш кўникмасини шакллантиради.

Таълимнинг инновацион методлари ўқувчиларнинг улкан таълимий кудратидан фойдаланиш ва фаоллаштириш, ўқув жараёнига мусобақа элементларини киритиш имконини беради. Таълимнинг интерфаол методлари таълимда янгиликлар сирасига киради. К.Ангелевский фикрича, «… барча давлатлар таълимга имкон қадар кўп янгилик киритишга интилмоқда… Бугунги янгиликлар уларга уюшган, режали, оммавий… ёндашувни талаб этади. Янгиликлар келажак учун узоқ муддатли инвестициялардир… Новаторликка қизиқиш уйғотиш, янгилик яратишга интилувчан шахсни тарбиялаш учун таълимнинг ўзи янгиликларга бой бўлиши, унда ижодкорлик руҳи ва муҳити ҳукм суриши лозим» [4].

Инновация инглиз тилидан олинган бўлиб, янгилик яратиш, янгилик каби маънони англатади. Демак, анъанавий таълимдаги каби бир хил қоидалар асосида эмас, балки янгиликлар асосида таълим жараёнининг таъсирчанлигини оширишга қаратилган иш шаклидан фойдаланиш

инновация демакдир. Таълимда педагогик технологияларга асосланиш ва инновацияга интилиш, ўқувчиларни фаоллаштиришга қаратилган турли интерфаол услублардан фойдаланиш таълим мақсадини самарали амалга оширишга ёрдам беради.

Инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шаклланган янгича ёндашувлардир. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, таълим мазмунини ривожлантириш учун истиқболли бўлади. Шунингдек, умуман таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Инновация – маълум бир фаолият майдонидаги ёки ишлаб чиқаришдаги технология, шакл ва методлар, муаммони ечиш учун янгича ёндашув ёки янги технологик жараённи қўллаш, олдингидан анча муваффақиятга эришишига олиб келиши маълум бўлган охирги натижадир.

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини такомиллаштириш ва инновацион ривожлантириш имкониятларининг мавжудлиги қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

– биринчидан, мамлакатда олий тизим ва илмий муассасалар илмий изланишлар ва тадқиқотлар олиб бориладиган асосий маскандир;

- олий таълимда инновацион ғоялар яратиш ва амалиётга жорий этиш бўйича илмий ва педагогик кадрлар салоҳияти мавжуд;

– учинчидан, хорижий давлатларнинг таълим тизимида инновациялар бўйича тажрибаларини кенг ўрганиш ва маҳаллий шароитда жорий этиш имконияти мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев: “Бу ўринда, менинг назаримда, иккита асосий вазифани ҳал этиш зарур: биринчи – илмий муассасаларнинг моддий-техник базасини илғор хорижий марказлар даражасида ва олимлар талабларига мувофиқ сезиларли равишда мустаҳкамлаш керак. Бунда, албатта, давлатнинг эҳтиёжлари ва унинг мақсадли вазифалари инобатга олиниши шарт; иккинчи – академикларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, моддий рағбатлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш” деб таъкидлаган (1, 46).

Таълим тизимини инновацион ривожлантириш Ўзбекистонда ёшларга ҳар томонлама шарт-шароитлар яратилиб берилаётганлиги билан чамбарчас боғлиқдир. О.Муҳаммаджоновнинг таъкидлашича, “Ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши ва тарбияланишига шароит яратиш Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб ёшларнинг манфаатларига оид давлат сиёсатининг устувор йуналиши ҳисобланади. Зеро, бу келажакка йўналтирилган сармоя ҳисобланади” [4,28].

Олий таълим тизимининг инновацион ривожлантиришда, авваламбор, олий ўқув юртларини мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий салоҳиятида ўрнини юксалтириш юзасидан қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Уларни фақатгина таълим даргоҳи эмас, балки илмий ғояларни ишлаб чиқиш, реал ҳаётга янги маҳсулотлар, техника ва технологиялар барпо этувчи муассасалар сифатида ривожлантириш, илм-фан билан шуғулланувчи олимларнинг ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг меҳнат натижаларини халқ хўжалигига кенг жорий этиш борасида чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

“Мустақил миллий ижтимоий тараққиёт янги сифатий босқичга ўсиб ўтишини таъминлашда моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнларини диалектик тарзда уйғунлаштиришнинг яна бир усулини инновацияларни иқтисодиёт ва маънавият соҳасига жорий этиш асосида уларни уйғун тарзда ривожлантиришни йўлга қўйиш ташкил этади. Бу усул ёшларнинг меҳнат фаолиятини иқтисодиёт ва маънавият билан уйғун тарзда ташкил этиш асосида ривожлантиришнинг диалектик хусусиятларини ўзида ифодалаган воситалар орқали иш юритади” [4,64]..

Олий таълимда инновацияларни жорий этиш учун ўқитувчи ва талабаларда онгида янгича тафакурни шакллантириш, замонавий фикрлаш тарзини ошириш, технологик ғояларни шакллантириш лозим. “Бугунги жамиятни ривожлантириш учун воқеликка янгича ракурсдан туриб қараш, янгича, яъни инновацион ёндашув лозим бўлади. Бу янгича методология, янгича технология, хуллас инновацион ёндашувдир. Инновацион, яъни янгиликка асосланган технологиялар, янгича бошқарув жараёнларини жорий этиш учун янгича тафаккурга таяниш лозим”[4, 12].

Олий таълимда талабаларга фанлардан фақат билим бериш билан биргаликда, долзарб илмий-техника муаммоларни ечишга жалб этиб, инновацион жараёнлар иштирокчисига айлантириш лозим. Бу жараёнларни ташкил этишда олийгоҳларда илмий-инновацион марказлар, тажриба-техник ва конструкторлик бўлинмалар, технопарклар, юқори технологик жиҳозларга эга замонавий лабораториялар ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу жараёнда ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий салоҳияти, янги ғоялар ва инновацияларга илмий ва амалий кўникмалари ошади.

Хулоса қилиб айтганда, инновацияларга оид тушунчаларни атрофлича ўрганиш орқали келгусида мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилувчи муҳим йўналишларда муваффақиятларни қўлга киритиш истиқболлари мавжуд.

## АДАБИЁТ:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак, -Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017. –Б.46.
2. 2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 3-сон.
4. О.Муҳаммаджонов. Конституция: халқ манфаатларининг ҳуқуқий кафолати. –Тошкент, “Муҳаррир нашриёти”, 2017. –Б.28.

# ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ВОСПИТАНИЯ МОЛОДЕЖИ В ПАТРИОТИЧЕСКОМ ДУХЕ И ИХ ПРОБЛЕМЫ

**Фарух Аббасов, Хожакбар Мадалиев, Командования войск охраны категорированных объектов**
***Телефон: +998915525229, e-mail: faruxabbasov92@mail.ru***

***В современных условиях противостояния в информационном пространстве, усиления борьбы за «умы и сердца» особенно молодого поколения, значительно возрастают роль и место патриотического воспитания.***

***Ш.М.Мирзиёев***

***Abstract:*** *In the article explains the important role and significance of patriotism in modern conditions. The author analyses the purposes and anticipated results of patriotic education of development youth. Plus in the article define the tasks and the principles, as well as the tendencies and the problems of the young people's patriotic education at the present state of Uzbek society.*

***Key words:*** *patriotism, patriotic spirit, directions of patriotic education of youth.*

***Аннотация:*** *В данной статье обосновывается роль и значение патриотизма в современных условиях, рассматриваются цели и предполагаемые результаты патриотического воспитания молодого поколения. Обозначены задачи и принципы, а также тенденции и проблемы патриотического воспитания молодежи на современном этапе развития узбекского общества.*

***Ключевые слова:*** *патриотизм, патриотический дух, направления патриотического воспитания молодежи.*

***Annotasiya:*** *Ushbu maqola vatanparvarlikning zamonaviy sharoitdagi o'rni va ahamiyatini asoslab, rivojlanib kelayotgan yosh avlodni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashning maqsadlari va kutilayotgan natijalarini o'rganilib chiqilgan. O'zbek jamiyati rivojlanishining ayni bosqichida yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashning vazifalari va tamoyillari, shuningdek, tendentsiyalari va muammolari bayon etib o'tilgan.*

***Kalit so'zlar:*** *Vatanparvarlik, vatanparvarlik ruhi, yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashning yo'nalishlari.*

Идея патриотизма и патриотического воспитания в истории Узбекистана всегда являлась одной из ключевых позиций. Исторические факты свидетельствуют о том, что роль и особое место патриотизм приобретает в периоды важных поворотов в истории страны, когда объективные тенденции преобразования общества сопровождаются повышением физических и

духовных сил граждан, что характерно прежде всего во время военных и социальных конфликтов, революционных потрясений и стихийных бедствий. Проявление патриотизма в данное время отмечается высокими благородными порывами, особой жертвенностью во благо народа и своей Родины.

Молодое поколение является ответственным за будущее нашей страны, за сохранение и преемственность культуры, истории, национального и духовного единства. От позиции молодежи в общественной жизни, ее политической и социальной активности зависит политическое и социально-экономическое будущее страны. Но снижение воспитательного потенциала образования, культуры и искусства привело к изменению отношения молодого поколения к духовно-нравственным ценностям, патриотизму, историческому прошлому. Особую тревогу вызывает утрата современной молодежи патриотических ценностей. В связи с этим особую значимость приобретают вопросы современного патриотического воспитания молодежи что требует уточнения понятия «патриот» и раскрытия направлений патриотического воспитания молодежи на современном этапе развития нашей страны.

Патриотом является человек, который любит свое Отечество, предан своему народу, а также способен отстаивать его интересы. Патриотизм – это нравственное качество человека, выражаемое в любви и преданности Родине, осознание величия Отчества и переживании духовной связи с ним.

Патриотизм является социальным явлением, которое связывает основу существования и развития государства и нации. Вопросы патриотического воспитания молодежи являются чрезвычайно актуальными в настоящее время. Если недооценивать патриотизм как важную составляющую общественного сознания, то это ведет к ослаблению духовных, культурных, социальных, военных, экономических основ развития государства и приоритетность патриотического воспитания современной молодежи.

Система воспитания патриотизма в ВУЗах должна способствовать созданию условий воспитательного процесса, позволяющих молодежи самостоятельно формировать свое отношение к патриотическим ценностям такие как:

выработке навыков самостоятельной работы;

развитию чувства ответственности за общественные дела;

индивидуализации воспитательного процесса.

В определение «патриотизм» в большинстве случаев доминируют когнитивные и эмоционально-целостные подходы к содержанию данного понятия.

В последнее время в нашей стране предпринимаются значительные шаги для укрепления и развития системы патриотического воспитания граждан Республики Узбекистан. Включительно было разработано постановление Президента Республики Узбекистан «о дополнительных мерах по патриотическому и физическому воспитанию молодежи и совершенствованию порядка подготовки призывников по военно-

техническим специальностям» и даны дополнительные поручения по совершенствованию системы военно-патриотического воспитания населения. В первую очередь вовлечению молодежи, в процесс осуществляемых в стране реформ, реализации ее интеллектуального и творческого потенциала. Так же следует особо отметить, что по вопросам усиления внимания к молодежи, широкого вовлечения ее к культуре, искусству и спорту, формирования навыков использования информационных технологий, пропаганды чтения книг среди молодого поколения и обеспечения занятости женщин 24 мая 2019 года была разработана от Главы Республики Узбекистана 5 инициатив.

По этой причине актуальность сохраняют вопросы молодежной политики в сфере патриотического воспитания, современный уровень который в полной мере отвечает задачам формирования патриотического настроения.

Формами реализации патриотического воспитания молодежи являются:

организация встреч молодежи (студентов, учеников) с ветеранами Великой Отечественной войны, участниками войны в Афганистане и других боевых действий, что дает возможность получить представление с высоком моральном духе защитников, их готовности выполнять гражданский долг;

для первокурсников знакомство с историей возникновения и развития ВУЗа, с его местом и ролью в истине высшего образования страны;

проведение открытых занятий по правовым вопросам, организация встреч с известными юристами и правозащитниками.

Сущность патриотизма связана с духовно-нравственным, политическим, социально-гуманитарным и национальным проявлением.

Характерными чертами именно узбекского патриотизма являются:

чувство собственного достоинства и самоуважения, которые не нуждаются в доказательствах;

жизненная стойкость и мужество, являющиеся количествами, которые питают твердость духа в сложные времена для отечества;

особая любовь и привязанность узбекских людей к родным местам и природе, что остро чувствуют соотечественники оказывающиеся за рубежом.

Успешная реализация направлений патриотического воспитания молодежи основывается на объединении усилий деятельности органов государственной власти всех уровней по решению проблем патриотического воспитания с учетом единой государственной политики.

**Заключение.** Таким образом, проведенные мной экспериментальные исследования в рассмотрении проблемы патриотического воспитания молодежи на теории и практике могут быть объектом для дискуссий. Основываясь на труды Ш.М. Мирзиёева, и многих других деятелей науки, хотелось бы сделать вывод о возможности и целесообразности рассмотрения и реализации патриотического воспитания молодёжи как комплексной образовательной платформы. Включающей в себя совокупность средств, форм, методов и приемов обеспечивающих достижение поставленных целей. При этом основную нагрузку по патриотическому воспитанию подрастающего поколения должны нести образовательные учреждения,

начиная с дошкольных и заканчивая Высшими учебными заведениями. Особую роль призваны играть учебные заведения силовых ведомств.

**Список литературы:**


1. Долкад Президента Республики Узбекистан в ходе праздника “День защитников Родины”. – 2020 г. 10 января.
2. Куликова Г. Г. Современные подходы к патриотическому воспитанию студентов: исследования, опыт, проблемы // Инновации в образовании. – 2008, - №8. С. – 127-133.
3. Зайцева О. А. Патриотизм в сфере молодежи // Мониторинг общественного мнения. – 2011. - №4 (104). С. -103-106.
4. Никондров Н.Д., Вера и нравственность: православные традиции и современность // Сибирская православная газета. (Электронный документ). Режим доступа: http: // www.ihtus.ru.
5. Томилина С. Н., Туктаров Р. Р. Государсвенно-патриотическое воспитание молодежи как педагогическая проблема // Человек и образования. - 2014.-№4 (41) С. 31-36.

# ЁШЛАР СИЁСАТИНИНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

**Б.Мардонов – ЎзМУ мустақил тадқиқотчиси,
Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти
катта ўқитувчиси.**

***Аннотация.*** *Мақолада мамлакатимиз учун муҳим сиёсий йўналиши – ёшлар сиёсатини шакллантириш ва руёбга чиқаришга оид сиёсий-ҳуқуқий асосларининг эволюцияси кўриб чиқилган. Муаллиф бу борада инновацион ёндошувни қўллаб, янгиланиётган Ўзбекистонда ёшлар сиёсати борасида ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифларни илгари сўрмоқда.*

***Калит сўзлари:*** *ёшлар сиёсати, инновацион ёндошув, янгиланиётган Ўзбекистон, жамият манфаатлари, очиқлик ва шаффофлик тамойиллари, маънавий ва маданий қадриятлар, юрт истиқболи учун масъулият.*

***Аннотация.*** *В статье рассмотрена эволюция политико-правовых основ формирования и реализации важнейшего политического направления нашей страны – молодежной политики. Автор применяя инновационный подход, выдвигает предложения по совершенствованию в обновляющемся Узбекистане нормативно-правовых документов в сфере молодежной политики.*

***Ключевые слова:*** *молодежная политика, инновационный подход, обновляемый Узбекистан, интересы общества, принципы открытости и прозрачности, духовные и культурные ценности, ответственность за будущее страны.*

***Annotation.*** *The article examines the evolution of the political and legal foundations for the formation and implementation of the most important political direction of our country - youth policy. The author, applying an innovative approach, puts forward proposals for improving the regulatory and legal documents in the field of youth policy in the renewing Uzbekistan.*

***Key words:*** *youth policy, innovative approach, renewable Uzbekistan, public interests, principles of openness and transparency, spiritual and cultural values, responsibility for the future of the country.*

Замонавий дунёда ёшлар жамиятнинг энг ҳаракатчан, олдинга интилувчи қатлами, ислоҳотларнинг давомчисидир. Шу жиҳатдан, ёшларга Ўзбекистоннинг келажак бунёдкорлари сифатида қараш ва амалда шу қарашга мос фаолият олиб бориш муҳим вазифалардандир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар

бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз" [1], дея қатъий фикр билдиргани эътиборлидир.

Ёшлар сиёсатига ҳукумат даражасидаги эътиборнинг кўламини таҳлил қиладиган бўлсак, уни мустақилликнинг илк даврларидан бошлаб ўрганиш заруратини пайдо қилади. Мустақилликнинг дастлабки кунлари қабул қилинган қонунлардан бири айнан ёшлар сиёсатига дахлдорлигини қуйида кўришимиз мумкин. 1991 йил ноябрда ҳукуматнинг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонуни [2], қабул қилинганлиги фикримизни тасдиқлайди. Мазкур қонун юртимизда ёшлар сиёсатининг ҳуқуқий, амалий йўналишини белгилаб берганлиги билан аҳамиятлидир. Ушбу қонуннинг биринчи моддаси "Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиш ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкон борича тўла-тўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир" [2], деган жумлалар билан бошланади. Албатта, мазкур қонун муайян давр ўтгандан сўнг ўз ўрнини янгиланган, давр талабларига мос янги қонунга бўшатиб берди. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқоридаги қонун маълум бир давр ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берди. 2016 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" [3] ги қонуни қабул қилинди. Дастлабки қабул қилинган қонундан янги қабул қилинган қонуннинг фарқи шундаки, янги қонун давр руҳига мос, жаҳон сиёсатининг замонавий қарашларини ўзида акс эттирган, халқаро тажрибани мужассамлаштирганлигини кўриш мумкин. Қонуннинг 3-моддасида ёшлар сиёсатининг субъекти сифатида 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган фуқаролар назарда тутилади. Қонуннинг 4-моддасида эса "Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- очиқлик ва шаффофлик;
- ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда ёшларнинг иштирок этиши;
- ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;
- маънавий, ахлоқий ва маданий қадриятларнинг устуворлиги;
- ёшларнинг камситилишига йўл қўйилмаслиги" [3] каби асосий йўналишлар белгилаб берилган.

Модомики, ёшлар сиёсатини самарали амалга ошиши учун аввало мукаммал қонунчилик талаб этилар экан мамлакатимизда ўтган давр мобайнида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар кўламига эътибор қаратиш жоиз. Ёшларнинг қизиқиш ва интилишларини қўллаб-қувватловчи, уларнинг мамлакат тараққиётига ҳисса қўша оладиган малакали кадрлар бўлиб етишишлари, ёшларни маънавий ва ахлоқий баркамол бўлиб етишишларига қаратилган қатор фармон ва қарорлар эълон қилинган. "Хусусан, Ўзбекистон

Республикаси президентининг ташаббуси ва амалий кўмаги асосида ёшлар ҳаётига бевосита тааллуқли бўлган жами 40 та қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикасининг 3 та қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси президентининг 5 та фармони, 8 та қарори, 2та фармойиши;
- Вазирлар Маҳкамасининг 18 та қарори ва 4 та фаомлйиши имзоланди.

Шунингдек, бугунги кунга қадар Қонунчилик палатасида, сиёсий партиялар фракцияларида ўтказилган 20 дан ортиқ йиғилишларда 500 га яқин ёшлар ўзларининг 30 га яқин таклифлари билан қонунлар муҳокамаларида иштирок этиш имконияти яратилди” [4].

Юқорида таъкидлаганимиздек, ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий эволюциясига кўра дастлаб қонунчилик асослари мустаҳкамланган бўлса, кейинчалик мамлакат ёшларининг хоҳиш-истаклари, ўй-кечинмалари, орзуларидан келиб чиқиб муайян таклифлар, ташаббусларни илгари суриш соҳа ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар таълим тарбиясини янада мустаҳкамлаш, уларга жамият ҳаётида ўз ўрнига эга бўлишлари учун етарли имкониятларни яратишни ўзида мужассамлаштирган комплекс дастур 5 та ташаббуснинг амалиётга жорий этилиши муҳим воқелик сифатида эътироф этилмоқда.

“Хусусан 5 ташаббусни амалга ошириш доирасида 2019-2020 йилларда 2 миллион нафар ёшларни маданият ва санъатга жалб этиш, 19 мингга яқин ижтимоий соҳа объектини юқори тезликдаги интернет тармоғига улаш, ҳар бир ҳудудга 1 миллион донадан бадиий, тарихий, илмий, оммабоп мавзулардаги китоблар етказиш ҳамда ахборот кутубхона марказларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, тадбиркорлар томонидан халқ кутубхоналарини очиш, ҳар бир туманда енгил конструкцияли тикув-трикотаж корхоналарини қуриш ва аёлларни банд этиш каби вазифалар белгиланган” [4; 5].

Ёшлар сиёсатининг ҳуқуқий асослари эволюциясига эътибор қаратсақ, қонунчилик соҳасида тизимли ислоҳотлар олиб борилаётганлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида кўриш мумкин. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли Фармонлари ҳам ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш билан боғлиқ аниқ ва мақсадли стратегияни амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари,

ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини тизимли йўлга қўйишда муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати.**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз / Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи. 2016.

2. Қосимов Р.С. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати, унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари. // Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истиқболлари" мавзусидаги илмий-амалий конференцияси. Тошкент, 2019.

3. https://lex.uz/docs/140894

4. https://www.lex.uz/acts/3026246

# THE ROLE OF MODERN FAMILY IN THE FORMATION OF PERSONALITY

**Madumarov Talantbek Tolibjonovich**
Doctor of Law, professor Dean of the Faculty of Socio-Economics of Andijan State University
E-mail: talantbek4848@mail.ru

**G'ulomjonov Odiljon Raximjon o'g'li**
Andijan State University 3rd year student of the basics of national ideology and legal education
Email: gulomjonovandu@gmail.com

***Annotation:*** *The article deals with the role of the modern family in the formation of personality. It highlights the main directions to solve the problem of optimization of family relations. It characterizes the role of a tradition in the process of family education.*

***Key words:*** *family; family education; formation of personality; traditions.*

The centuries-old history of the relationship between society, family and personality has proved the expediency of the existence of the family as a "unit of society", however, recently, well-grounded messages about the crisis of the family and even its disintegration sound louder and louder; all over the world, the issues of rendering assistance to spouses, family, children have become relevant, the task of creating a package of documents that would provide for the protection of family, childhood, paternity and motherhood is not removed from the agenda. At all levels, they strive today to solve the problems of preserving the health of the nation, reviving and strengthening traditional family values. Significant measures to overcome the demographic crisis, which has been in the focus of attention of legislators and experts for several years, give hope for the preservation and support of the family as a social institution. But all these measures will be insufficient if the family is not restored to its former prestige.

Society should seriously think about what and by what means was brought up in this young man. Did he have behavioral breakdowns, with the help of what texts of school textbooks and works of art was his moral position formed? Have there been omissions in developing beliefs? Today, in our opinion, it is more expedient to engage not in strengthening security measures, but in strengthening the psychological service at school and, in particular, as professional support for the teacher. We also consider it reasonable to organize monitoring of the internal emotional state of students.

Such a form of work as the creation of outsourcing centers for psychological assistance in relation to the school can also be very effective. However, the most effective will, nevertheless, work with parents, at the moment seems to be the most difficult task of the school. If the family realizes that it is their son or daughter

(and not an abstract student or student) who will become those adults who are called upon to be the honor and support of the family, to conduct successful professional activities, to contribute to the improvement of their native state, then almost half of the work can be considered completed.

With regret, we have to admit that Russia has not yet developed a well-functioning state system of social and educational work that is capable of timely, promptly and in full to help parents in need of it. And although there is a considerable number of those who strive for the full development of their children, such parents do not always have the opportunity to receive qualified psychological and pedagogical assistance from the state, public institutions and professional communities. We agree with scientists who identify the following main directions for solving this problem: "actualization of family topics in public consciousness, science and practice; creation of a state program for educational activities in the field of family education and family law; creation of special training programs for pedagogical education of parents in schools and family courses at all stages (stages) of professional training of specialists; tightening laws against irresponsible parents; coordination of the activities of all state and public organizations aimed at helping the family ".

It is very important to pay attention to the ritual side of the life of the family, since ritualism, as a system of certain customs in the social and cultural life of a person, as a constant and universal phenomenon, is characteristic of all peoples, at all times. Without an established system of rituals - one of the signs of the stability of society - its full existence is impossible, it is an integral part of the way of life of society. Ritualism is considered an effective means of education. Following what is accepted in society, as everyone does, a person imperceptibly assimilates these requirements, norms and rules.

An effective means of forming spirituality and protecting the younger generation from lack of spirituality is the use in the family of the positive experience of folk pedagogy - the universal wisdom of upbringing. The educational ideas of each nation are imbued with the national spirit, the idea of a dialogue between diverse cultures. The latest research by scientists has made it possible to establish that in the conditions of the development of democracy, ethnopedagogization of an integral pedagogical process within the framework of a universal movement towards humanistic ideals of education is one of the driving forces for improving modern education and upbringing. In the most difficult time for the country, the family continues to be the guardian of national spiritual values. The pedagogical significance of family traditions is enormous, since they simultaneously act both as a result of the educational efforts of the people for many centuries, and as an irreplaceable educational tool. Through a system of traditions, including family traditions, each nation reproduces itself, its spiritual culture, its character and psychology in a series of successive generations.

As a social phenomenon, customs and traditions are manifested in all spheres of society's existence, reflecting the diverse relationships of people, their habits and actions, which have received universal recognition. The invariable repetition of customs and traditions leads to the fact that they are accepted by the majority as

mandatory norms of life, which each new generation adopts. In the age-old educational customs and traditions, a large moral and ethical experience of regulating the behavior and actions of people is concentrated. The functioning and observance of them is carried out thanks to such socio-psychological mechanisms as the inner conviction of the individual in the expediency of following them, the authority of public opinion, etc.

The development of the younger generations and assistance to them cannot be separated from the realities of family life. The relationship between parents and children is closely related to the nature of the relationship between the parents themselves, with the family's lifestyle, and its well-being. In the family, the child receives the basics of knowledge about the world around him, and with the high cultural and educational potential of the older members of the family, his entire subsequent life continues to receive not only the basics, but also absorbs the culture itself. A family for a child is a kind of school of relations with people: the family helps to develop ideas about good and evil, decency, and a respectful attitude towards spiritual and material values. With close people in the family, a person experiences feelings of love, friendship, justice, responsibility, duty. The process of personality formation is significantly influenced not only by the father and mother, but also by other family members, both older and younger. It is very important that the younger generations grow up in a friendly atmosphere, so that parents do not have disagreements about the methods of their upbringing, so that the wards do not witness quarrels and conflicts. Otherwise, they can turn out to be asocial personalities, harming themselves and others.

Thus, the main task of the family at the present stage is the fulfillment of educational functions: maintaining certain relationships between adults and children, creating the prerequisites for these relationships; the approval of a family lifestyle that would contribute to the harmonious and comprehensive development of the personality; elimination of parental uncertainty about raising children; the implementation of conditions under which the physiological, intellectual and emotional needs of the child will be satisfied at the required quality level and sufficiently. The result of such upbringing will be a healthy, happy and prosperous child.

In modern conditions of development of society, the problem of forming a traditional family and marriage is characterized as relevant for specialists in different directions and profiles: pedagogy, psychology, philosophy, sociology. Studies conducted in recent years in this direction consider this problem as a system of traditional family relationships and reveal the need to prepare young people for family life in order to strengthen the traditional institution of the modern family.

The modern traditional family is a social unit of society that develops in the interests of satisfying the personal and social needs of mankind and can rightfully be called a school of love, mutual respect and support, where we learn the basic lessons of humanity and elementary norms of human life: decency, conscientiousness, honesty, kindness, politeness , hospitality, piety, respect, mercy, etc., which are universal values.

**List of used literature:**

1. Kazaryants.K.E Individual culture and culture of the pedagogical community: monograph. Moscow: Ileksa, 2007.176 p.

2. Protasova IA Zenkovsky about the influence of family and school on the process of social education of the individual. Protasova, N.V. Girfanov // Psychological and pedagogical heritage of the past in modern social and pedagogical activity. Materials of 6 international Makarenko student pedagogical readings. Yekaterinburg // [Electronic resource]. - April 9, 2009. URL: http://makarenko-museum.narod.ru/news/Ekat/2009/Ekat 2009 12.htm (date of access: 26.04.2016).

3. Subbotsky.E.V Childhood in different cultures // Questions of psychology. 1979. No. 6. URL: http://pedlib.ru/Books/4/0422/4 0422-12.shtml # book page top (date of access: 26.04.2016).

4. Khomenko.I.A The problem of responsible parenting in modern Russia // Family as a factor in the formation of the spiritual culture of the individual and society, as an institution of socialization in a multicultural space. Symposium XIV. Materials of the IV International Congress "Peace in the North Caucasus through languages, education, culture". September 21-24, 2004 Pyatigorsk: PSLU, 2004.S. 199-202

## O‘ZBEK FOLKLORI TO‘Y MAROSIMIDA SOVCHILIKNING O‘RNI

**V.A. Saidov**
**O‘zbekiston Davlat Sa’nat va Madaniyat instituti magistranti.**

**Annotatsiya:** *O‘zbek to‘ylarida urf-odatlar turli ko‘rinishda o‘z ifodasini topgan. To‘ylarda sovchilik asosiy vazifa ekanligi ko‘rsatilgan. Sovchilar yigit tomonning elchisi ekanligi ifodalangan.*

**Kalit so‘zlar:** *Sovchi, yigit, qiz, to‘y, marosim, urf-odat, nikoh to‘yi, oilaviy-maishiy marosim, kelin, kuyov, serfarzand.*

**Аннотация:** *На узбекских свадьбах обычаи выражаются по-разному. На свадьбах говорят, что в это время невеста должна выглядеть как можно лучше. Говорят, что женихи - послы молодой стороны.*

**Ключевые слова:** *жених, парень, подруга, свадьба, церемония, обычай, свадьба, семейная церемония, невеста, жених, ребенок.*

**Annotation:** *At Uzbek weddings, customs are expressed in different ways. At weddings, it is said that the bride has to look her best during this time. The suitors are said to be the ambassadors of the young side.*

**Keywords:** *Bridegroom, boyfriend, girlfriend, wedding, ceremony, custom, wedding, family ceremony, bride, groom, child.*

O‘zbek xalqining asrlar davomida o‘ziga xos xilma-xil urf-odatlari, marosimlari ko‘p ming yillik tarixga ega. Bu urf-odat va marosimlar doimiy takrorlanishi va xalqimizning ularga amal qilib kelishi natijasida umrboqiydir.

Jamiyatning turmush tarzi o‘zgarishiga qarab, zamoniga qarab ularning ayrimlari unutiladi va yangilari paydo bo‘ladi, eng xalqchillari esa avloddan-avlodga o‘tib keladi. Xalqimizda “To‘y” marosimlarning bekamiko‘st, chiroyli o‘tishida aziz ayollarimizning hissasi katta bo‘lgani bois xalqimizning eng qimmatli urf-odatlarini avloddan-avlodga yetkazishda ham ularning o‘rni beqiyosdir.

Marosimlarning oilaviy-maishiy va mavsumiy marosim turlari mavjud. Oilaviy-maishiy marosimning ichiga kiruvchi nikoh to‘yi marosimini alohida oladigan bo‘lsak, bu – balog‘atga yetgan yigit bilan qizning o‘zaro roziligi bilan oila qurishi, bir yostiqqa bosh qo‘yishi, kelin va kuyovning nikohlash marosimi. Nikoh-umuminsoniy qadiryatlarni o‘zida mujassamlashtirgan urf-odat bo‘lib, ibtidoiy jamiyatning so‘nggi davrida yuzaga kelgan va keyinchalik marosim shaklini olgan [4]. Aytishinggiz mumkunki, to‘y tantanalari bir kunda, bir necha soatlar davomida o‘tib ketadi-ku deb, lekin ungacha bo‘lgan tayyorgarlik va to‘ydan keyingi rasm-rusumlarini hisobga olganda bir necha kunga cho‘ziladi. O‘zbek xalqining nikoh to‘ylari marosimi qadimdan sovchilikdan boshlangan va hozirgi kunda ham bu rasm-rusumga rioya qilib kelinadi.

Voyaga yetgan qizning uyga qizni kelinlika so‘rab borish odati sovchilik deb ataladi. Bunday muhim vazifani bajaruvchi insonlar esa sovchilar deb ataladi. Yer yuzidagi xalqlarda bu odat turlicha bo’ladi. 7—8 asrlarda UrxunYenisey bitiklarida Sovchilikka oid ilk ma’lumotlar uchraydi. “Irq bitigi” (“Fol kitobi”)da esa “sab”— suz, “sabchi” — xabarchi, so‘z keltiruvchi ma’nosida qo‘llanilgan [5]. “Sovchi — kelin va kuyov orasida bir-biriga xabar eltuvchi”, deb yozgan Mahmud Koshg‘ariy[1].

O‘zbeklarda qadimdan sovchilikka kelishilgan holda dastlab ayollar, so‘ngra erkaklar tashrif buyurishgan. Yigit tomon o‘zi mo‘ljallagan oilaning qiziga sovchi yuborishdan avval, u qiz birovga fotiha qilinganmi yoki yo‘q ekanligini bilish uchun o‘sha oilaning yaqin qarindoshlari yoxud qo‘ni-qo‘shnilari orqali surishtiriladi. Bu odat xalqimizda “og‘iz iskaldi” deb yuritiladi. Sovchilikka asosan, kuyovning tog‘asi, amakisi yoki yaqin qarindoshlardan obro‘li, ko‘pni ko‘rgan, uvalijuvali, serfarzand va bir nikohli, fozil kishilar yuborilgan. Nima uchun sovchilikka uvalijuvali, serfarzand va bir nikohli, fozil kishilar yuborilganligining sababi shuki oila quradigan yigit ham shu insonga o‘xshab baxtli, taxtli bo‘lib yashasin deb niyat qilishgan. Yigitni uylantirish faqat ota-onaninggina emas, balki qarindosh, do‘stu birodarlarning ham tashvishi hisoblanadi. Hamma yaxshi qizni o‘ziga kelin qilishni istagani kabi yaqin qarindoshlar ham yigitga munosib qizni ko‘z ostiga olib yigitning onasiga uni darak qilishgan. Shaharlarda yigitning onasi, ammasi yoki xolalaridan biri yoki dugonalari bilan qiz xonadoniga dasturxon yasab tashrif buyurib, “mehmonga keldik” bahonasi bilan qizni ko‘radilar va bir yo‘li saranjom-sarishtaligi, dasturxon bezalishi, uy egalarining mehmondo‘stligiga razm soladilar. “Onasini ko‘rib, qizini ol” deganlaridek, qizning onasi bilan suhbatlashishadi [2].

Asosan sovchilar qiz tomonning qo‘ni-qo‘shnilari, xizmat yeridan so‘rab surishtiradilar. Qishloq joylarida hamma bir-birini yaxshi bilgani uchun sovchilikka o‘zlari bormay, mahalladan yoki qarindoshlaridan 2—3 kishini olib boradilar. Qiz tomon tanish-bilish yoki qarindosh bo‘lsa, sovchilar ikki-uch

borgach, fotiha to'yi belgilanishi mumkin. Agar kelgan sovchilar qiz tomonga notanish bo'lsa, qiz tomon ham so'rab-surishtirib, bir qarorga kelguniga qadar, yigit tomon o'z elchilarini yuborib turadi. Sharqona odobga ko'ra, yigitning onasi o'z o'g'lining yaxshi tomonlarini ko'rsatishga urinishi yaxshi sanalmaydi. O'zbekchilik odobi, milliy madaniyatga ko'ra, sovchilar tomoni ham, qiz tomon ham bir-birlarining sha'nlariga tegadigan gap aytmaydilar. Hatto rad javobini ham nozik andisha pardasiga o'rab, og'ir botmaydigan qilib yetkazadilar. Sovchilar "qizi borni nozi bor" degan naqilga amal qilib, sovchilikka 3-4 marta boradilar. Qiz tomon rozi bo'lsa, dasturxonni ochib, qatlama-patirlarni, shirinlik-mevalarni oladi, rozi bo'lmasa, dasturxonga tegmasdan qaytaradilar. Ayrim joylarda qiz tarafning rozilik belgisi sifatida sovchilarni yaxshi taomlar bilan siylaydi. Bu odat "og'iz moylandi" deyiladi [3].

Sovchilar huzurida qiz va yigit bir-birlariga unashtirilganligi e'lon qilinadi va sovchilar keltirgan dasturxon ochilib, noni sindirish, so'ng "oq o'rar" marosimi o'tkaziladi. Odatda, bu marosimda eng yaqin va tabarruk qarindoshlar ishtirok etishib, ikki tomonning quda bo'lishiga rozilik belgisi sifatida oqlik beriladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**


1. Mahmud Koshg'ariy. Devoni lug'otit turk. Birinchi jildi. Toshkent; Fan.1960
2. M.Sattor "O'zbek udumlari" Toshkent-2007
3. M.Jo'rayev, L.Xudoyqulova. Marosimnoma. Toshkent:. A.Navoiy nomidagi O'zbekiston milliy kutubxonasi nashriyoti. 2008

**Internet saytlari:**

4. www.ziyonet.uz
5. uz.wikipedia.org


## ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИ-ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР БИЛАН


**Кадирова Халима Бувабаевна**

**Низомий номли Тошкент давлат педагогика университети "Ижтимоий фанлар" кафедраси доценти. Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**



***Аннотация:*** *Бугунги кунда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда туризмни ривожланишига катта эътибор қаратилмокда. Туризмни ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий ва иқтисодий асослар яратилиб, тегишли чора - тадбирлар, қонун ва қарорлар қабул қилинмокда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда туризм хизматларини ривожлантириш иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоийзки, идентиклигини намоён этишда туризм соҳасини ривожлантиришнинг ҳам ўзига хос характерли жиҳатлари мавжуддир.*



***Таянч сўзлар:*** *глобаллашув, тарихий хотира, миллий ўзликни англаш, инновация фаолият, ҳудуди, экологя, маданият, туризм*



***Аннотация:*** *Сегодня Узбекистан и Каракалпакстан уделяют большое внимание развитию туризма. Создана необходимая правовая и экономическая база для развития туризма, принимаются соответствующие меры, законы и решения. В настоящее время развитие туристических услуг в нашей стране выходит на уровень государственной политики как приоритет экономического развития. Следует отметить, что развитие туристической индустрии имеет свои особенности в выражении идентичности.*

***Ключевые слова:*** *глобализация, историческая память, национальная идентичность, инновации, территория, экология, культура, туризм.*

***Annotation:*** *Today Uzbekistan and Karakalpakstan pay great attention to the development of tourism. The necessary legal and economic basis for the development of tourism has been created, and appropriate measures, laws and decisions are being taken. Currently, the development of tourist services in our country is reaching the level of state policy as a priority for economic development. It should be noted that the development of the tourism industry has its own characteristics in the expression of identity.*

***Key words:*** *globalization, historical memory, national identity, innovation, territory, ecology, culture, tourism.*

Бугунги куннинг долзарб муоммоларидан бири инновация фаолияти ютуқларидан кенг фойдаланиш давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан изчил ва барқарор ривожлантириш, муҳим омили бўлиб бормоқда.

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида кишиларнинг жамиятдаги, миллатлар ва давлатларнинг жаҳондаги ўрни ва мавқеи қандай бўлишида идентиклик хусусиятлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Миллий ўзликни англаш эса нафақат тарихий хотира, ўтмишни ўрганишдангина иборат бўлиб қолмай, балки миллат, халқнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар, маданитяи, ўтмиш тарихи ва миллий манфаатларга эмоционал куйинишидир[1,б.195.].

“Барчамизга маълумки, ҳар бир суверен давлат ўзининг бетакрор тарихи ва маданиятига эгадир. Бу тарих,бу маданиятнинг ҳақиқий ижодкори, яратувчиси эса ҳақли равишда шу мамлакат халқи ҳисобланади”[2,б.132.].

Чунки идентиклик бир вақтнинг ўзида тарихий-ретроспектив, замонавий –стратегик характерга эга бўлган муоммодир. “Унинг тарихий илдизлари ҳар қандай идентикликнинг бирламчи асосида ҳудудий, иқтисодий ва этнологик омиллар ётганида бўлса, унинг замонавий – стратегик характерга эга эканлиги идентиклик социомаданий парадигманинг ўзгарувчи ва плюралистик табиати таъсирида шакилланаётгани, глобаллашув таъсирида идентиклик кўп қатламли тузилма ҳосил қилаётгани, шунингдек, у келажакда нафақат индивидуал ёки миллий, балки, гендер, фуқаровий идентикликларнинг асосини белгилаб, давлатчилик идентиклиги ва стратегиясига тамал тоши қўйиши билан белгиланади” [3,б.16.].

Идентикликни яни ўзига хосликни урф-одат, анъаналарсиз, миллий ўзлигини англашсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Идентикликда ҳар бир халқнинг фалсафаси, анъаналар ва қадириятларнинг ижтимоий моҳияти, уларнинг инсон маънавий дунёқараши, кишиларнинг турмуш тарзи орзу-умидлари, қизиқишлари ўтмиш тарихи, ҳудуди, экологяси ҳамда тафаккур тарзида мужассам бўлиб ана шу уйғунликда халқларнинг ўтмиши, бугуни ва келажагида намоён бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш жойизки, Қорақалпоқ идентиклигини намоён этишда туризм соҳасини ривожлантиришнинг ҳам ўзига хос характерли жиҳатлари мавжуддир.

Ҳозирги кунда туристик бизнес Мексикада валюта даромадларининг 44

фоизи, Италияда 41 фоизини ташкил қилади. Туристик хизматлар бозорида пешқадамлик қилаётган Франция, Италия, Япония, АҚШ каби мамлакатларда туризм ялпи ички махсулотни ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқларидан бирига айланган (15-20 фоиз атрофида). Айни пайтда улкан туристик салоҳиятга эга булган Ўзбекистонда эса ушбу кўрсаткич 1,8 фоизни ташкил этади. Лекин Ўзбекистоннинг туризм сохасидаги имкониятлари жуда катта бўлиб бу имкониятлардан тўла фойдаланишга эришилса, тармоқнинг ялпи ички махсулотдаги улуши туризм юқори ривожланган ва туристик бозорда пешқадамлик қилаётган мамлакатлар сафидан ўрин олиш учун барча имкониятлар мавжуд.

Манбаларга эътибор берадиган бўлсак 1987 йилдан бошлаб бугунги кунга қадар ушбу тармоқнинг дунё миқёсида ривожланиш даражаси ўртача 14,8 фоизни ташкил этди, ваҳоланки бошқа тармокдарда тегишли давр оралигида ушбу кўрсаткич 8,8 фоиз даражасидан ошмади.[1] Бугунги кунда халқаро туризм тармоғига дунё буйлаб яратилаётган ҳар ўн иккинчи янги иш ўрни тўғри келиб, кейинги ўн йилликда дунё микёсида 120 миллион кишининг (ишсиз аҳолининг 3,5фоизи) ушбу тармоқда иш билан таъминланиши таҳмин[2] қилинмокда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда ҳам туризмнинг ривожланишига катта эътибор қаратилмокда. Сабаби, ҳозирги кунда мамлакатимизда туризм хизматларини ривожлантириш иқтисодий тараққиётнинг устувор йуналиши сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Туризмни ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий ва иқтисодий асослар яратилиб, тегишли чора - тадбирлар, қонун ва қарорлар қабул қилинмокда

Зеро, Ўзбекистон Республикаси ва унинг таркибига кирувчи Қорақалпоғистон Республикаси туристларнинг диққат-эътиборини тортадиган тарихий обида ва ёдгорликларга, турли хил меросларга, ўзига хос анъана ва қадриятларга бой мамлакатдир. Хозирги кунда Ўзбекистон худудида таниқли ташкилот - ЮНЕСКО томонидан ўтмишдан қолган маданий ва ўз тарихига эга булган мерос сифатида руйҳатга олинган тўрт мингдан зиёд маданиий ёдгорликлар, моддий ва маънавий қадриятлар мавжуд. Булардан аксариятининг тарихи узоқ ўтмишга, яни 2000, 3000 йиллар олдинги даврларга бориб такалишини эътиборга олсак, дунёнинг камдан-кам мамлакатлари бу сохада Ўзбекистонга тенглаша олиши мумкин. Ўзбекистоннинг купгина шаҳарлари, айниқса, Самарканд, Бухоро, қадимий Хива, Тошкент, Термез Шарқ цивилизациясининг олтин бешиги, илму-фан маркази бўлганлиги, унинг номи билан бутун дунёга машҳур буюк

---

[1] Лапицкая Л.В., Стрелец Е.В. Маркетинговые исследования тенденций развития регионального туристического рынка. Выпуск 17. Проблемы региональной экономики

[2] http://www2 .unwto.org/ru

шахсларнинг (А.Темур, М. Улуғбек, Ибн Сино, А.Навоий, Ал Хоразмий ва бошқалар) хаёти ва ижоди узвий боғликлиги мамлакатни сон-саноқсиз туристлар учун дилкаш, жозибали, ўзига тортувчи, катта қизиқиш уйғотишга молик туристик маскан сифатида тан олинишига асос бўлаолади. Дунёда Ўзбекистоннинг оламда машҳур қадимий шаҳарларини бир кўриш, буюк инсонлар қадамжойларини ва мақбараларини бир марта зиёрат қилиш иштиёқи билан яшаб юрган инсонларнинг сон-саноги йуқ. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш учун катта имкониятлар туғдириши билан бирга Ўзбекистон Республикаси таркибидаги Қорақалпоқ халқи миллий идентиклиги ва маданиятини бутун дунёга танитишга ҳам замин яратади. Маданият - бу ҳар қандай давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг асосий омилларидан бири бўлиб, ҳозирги вақтда маданий туризм дунё миқёсида иқтисодиётнинг жадал ривожланиб бораётган секторига айланмоқда. Интеллектуал ва моддий характердаги сармоялар иқтисодиётни қайта тиклаш ва маданий индустрияни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентнинг 2017 йил 28 февралдаги “2017-2018 йиллар даврида Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорига мувофиқ тўқимачилик, фармацевтика ва электротехника маҳсулотлари, томчилаб суғориш ускуналари, пластмасса қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, балиқчилик ва туризмни ривожлантириш бўйича имкониятлар ишга солинди.

Бугун Мўйноқ туризм марказига айланиб бормоқда. Яқинда Мўйноқ туманидаги “Mo’ynoq – orzular oroli” МЧЖ томонидан 2 та туристик автобуслар кредит ҳисобидан харид қилиниб, хорижий ва маҳаллий туристларнинг Мўйноқ туманига саёҳатлари ташкил қилинмоқда кенг файдаланилмоқда. 2018 йилда жами Ўзбекистон бўйлаб туристик тоифадаги автотранспортлар сони 133 тага етди. Булардан 48 таси – автобус, 85 таси – микроавтобуслардир. Бундан маълумки Ўзбекистоннинг барча туристик жойларига ва Қорақалпоқ халқи идентиклигини миллий қадриятларини намоён этишда ўзига хос восита бўлиб хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки бугунги кунга келиб Мўйноққа саёҳат қилувчилар сони ҳам ортиб бормоқда. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг якуний ҳисоботига кўра, 2018 йилда Ўзбекитонга 5,3 млн нафар сайёҳ ташриф буюрган. 2017 йилда уларнинг сони 2,69 млн нафарни қайд этган, яъни сайёҳлар сони бир йилда 97 фоизлик ўсишни кўрсатиб, икки бараварга ошган. 2016 йилда эса уларнинг сони 2,07 миллион нафарни қайд этган.[3]

Туманда туристик салоҳиятни кўтариш мақсадида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Эски кемалар йиғилган жойни Кемалар музейи

[3] https://kun.uz/uz/news/2019/01/30/

замонавий мажмуасига айлантириш ва мукаммал таъмирлаш бўйича ҳам ишлар қизғин олиб борилмоқда

Хулоса қиладиган бўлсак туризм хозирги боскдчда дунё мамлакатлари буйича энг тез суръатлар билан ривожланиб бораётган ва жаҳон хужалиги таркибида иқтисодий улуши тобора ортиб бораётган тармоқлардан бири ҳисобланади. Чунки, бу соҳа қисқа давр мобайнида айрим мамлакатларда миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига, миллий даромадни шакллантиришнинг асосий манбаига айланди. Эътибор берадиган бўлсак ҳозирги кунда жаҳон савдо айланмасининг 7 фойизи халқаро туризм улушига тўғри келади.

**Фойдаланилган адабиёлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2017. Б-132., Б-134., Б-94.
2. Атамурадов С. Национальная культура и национальное самосознание в процессе обновления общества. – Т.: “Ўзбекистон” 1992. С.–195
3. Мадаева Ш. Идентиклик антропологияси Тошкент “NOSHIR” 2015. – Б.25
4. Раҳмонов С. “Сайёҳларни чорлаётган сирли масканлар”.// “Халқ сўзи” газетаси, 2019 йил 16 март, № 52 (7282)
5. Раҳмонов С. “Ҳалқ сўзи” мухбири. Мўйноққа қайноқ ҳаёт

## FARG’ONA VILOYATINI RIVOJLANTIRISHNING AYRIM MASALALARI

**Akramxonova Mumtozbegim – talaba.**
**Farg’ona davlat universiteti**

***Annotatsiya:*** *Tezisda innovatsiyaning ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlarni yangi bosqichga olib chiqishdagi o’rni, Respublikamizda, xususan, Farg’ona viloyatida innovatsiyalarni joriy qilish holati va ushbu jarayon bilan bog’liq muammolar hamda ularni hal etish bilan bog’liq takliflar bayon etilgan.*

***Kalit so’zlar:*** *innovatsiya, innovatsion rivojlanish, texnologik innovatsiya, innovatsion tadbirkorlik.*

***Annotation:*** *The thesis states the role of innovation in bringing socio-economic relations to a new level, the state of innovation in the country, in particular, in the Fergana region, and the problems associated with this process and suggestions for their solution.*

***Keywords:*** *innovation, innovative development, technological innovation, innovative entrepreneurship.*

***Аннотация:*** *В тезисе описывается роль инноваций в выводе социально-экономических отношений на новый уровень, состояние инновационной деятельности в стране, в частности, в Ферганской области,*

*а также проблемы, связанные с этим процессом, и предложения по их решению.*

***Ключевые слова:*** *инновации, инновационное развитие, технологические инновации, инновационное предпринимательство.*

Bugungi kunda iqtisodiyot va globallashuv sharoitida jahon ilm-fani yutuqlari va yangiliklaridan keng foydalanish davlat va jamiyat barcha sohalarining barqaror rivojlanishida muhim rol o'ynaydi.

Innovatsiyalarning joriy etilishi iqtisodiy o'sish va bozorda raqobatbardoshlikning muhim omiliga aylandi. Bu, o'z navbatida, barcha sohalarda innovatsiyalar sohasida ilg'or ilmiy ishlanmalar va texnik yutuqlardan samarali foydalanishni, shuningdek mavjud iqtisodiy potentsialning raqobat ustunligini kuchaytirishni talab qiladi. Shunga asoslanib, bugungi kunda ko'plab davlatlar ilmiy tadqiqotlar va innovatsion faoliyatni rivojlantirishga katta mablag' sarflamoqda.

Hozirda O'zbekiston Respublikasida mamlakatning innovatsion faoliyatini baholaydigan eng muhim ko'rsatkichlardan biri bo'lgan tadqiqot va ishlanmalarga sarflanadigan xarajatlar YaIMning 0,2 foizini tashkil etadi.

Shu sababli respublika rahbariyati tomonidan innovatsiyalarni jamiyat hayotining barcha jabhalarida jadal joriy etish talab qilinmoqda. Darhaqiqat, innovatsiyalar va ularni amaliyotga joriy etilishining samarali tashkil etilishi rivojlangan mamlakatlarda bo'lgani kabi yuqori iqtisodiy-ijtimoiy taraqqiyot darajasiga erishish uchun muhim omil hisoblanadi.

2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasida ilmiy va innovatsion faoliyatni rag'batlantirishga, ilmiy va innovatsion yutuqlarni amaliyotga tatbiq etishning samarali mexanizmlarini yaratishga, oliy ta'limga alohida e'tibor berilgan.

Shu bilan bir qatorda, mamlakat rahbariyati barcha mintaqalarda ilmiy salohiyatni tiklash va intellektual salohiyatni integratsiyalashgan rivojlanishida samarali foydalanish bo'yicha aniq vazifalar qo'ymoqda. Hududlarda yoshlarni ilmiy-tadqiqot ishlariga faol jalb qilish, ushbu muammolarni hal qilishda ijtimoiy-iqtisodiy sohadagi real muammolarni hal qilish uchun ilmiy tadqiqotlarni safarbar qilish, fan va ishlab chiqarishning yaqin integratsiyasini ta'minlash va o'z navbatida foydalanish samaradorligini oshirish mexanizmlarini yaratish juda muhimdir.

O’zbekistonning rivojlanishi bevosita uning tarkibidagi hududlar rivojlanishiga bog’liq bolgani holda, Farg’ona viloyati bunda alohida o'rin tutadi.

Viloyatning mamlakat miqyosidagi makroiqtisodiy ko’rsatkichlariga nazar tashlaydigan bo’lsak, 2020-yilda  Respublika Yalpi ichki mahsulot hajmi  joriy narxlarda 580,2 trln. so`m ni tashkil etgan bo’lsa, Farg’ona viloyatining Yalpi

hududiy mahsuloti 16773,1 mlrd.so`m miqdorida bo’lgan. Mazkur yilda O’zbekistonda 27,9 trln. so`mlik sanoat mahsulotlari ishlab chiqarilgan bo’lsa, ushbu ko’rsatkich viloyatda 1775,5 mlrd. so`mni tashkil etdi. 2019-yilda Qishloq, o’rmon va baliq xo’jaligi sohasida Respublika miqyosidagi 224 288,8 mlrd. so`mning atigi 11 069,9 mlrd. so`m miqdori viloyat ulushiga to’g’ri keladi.

Yuqori ijtimoiy-iqtisodiy potensialga ega bo‘lgan Farg‘ona viloyatida fan va ishlab chiqarish o‘rtasidagi bog‘liqlikning ta'minlanishi viloyatda barcha sohalarda mavjud muammolarni samarali hal qilishda muhim omil bo‘lib xizmat qiladi. Bunda oily ta’lim muassasalariga mavjud muammolarni taqdim etish, ularni hal qilish yuzasidan va ayni sohalarga qanday mutaxassis kadrlarning zarurligi borasida hamkorlikda ishlash ham maqsadga muvofiqdir.

2020-2021-yil holatiga ko’ra, viloyatda jami 10 ta oliy ta’lim muassasasi, ularda jami 1605 ta professor-o’qituvchilar faoliyat yuritmoqda. Ilmiy tadqiqot va tajriba-konstruktorlik ishlanmalarini bajargan, shuningdek, oily ta’lim muassasalarining pedagogik faoliyat bilan bir qatorda ilmiy izlanishlarni bajargan ilmiy-pedagogik xodimlarini qo’shgan holda ilmiy daraja va ta’lim darajasi kesimida xodimlar soni 1787 tani tashkil qiladi. Shuningdek,viloyatda 2018 yilning 1-sentyabr holatiga ko’ra, jami 27860 dan ortiq korxonalar faoliyat yuritmoqda.

Yoshlarni ayni damda jahon bo’ylab eng qimmatli hisoblangan intelektual mulk, ya’ni ijodiy-aqliy faoliyat mahsullarini yaratish va yana eng tez suratlarda taraqqiy etayotgan dasturchilik sohalariga ko’proq jalb etish, bunday o’quv maskanlari faoliyatini keng yo’lga qo’yish ham rivojlanish tomon qo’yilgan katta qadamlardan bo’ladi.

2018- yilda Farg’ona viloyatida joriy qilingan innovatsiyalarning asosiy qismi texnologik innovatsiyalar bo’lib, innovatsiya joriy qilgan tashkilotlar soni 84 ta, joriy qilingan innovatsiyalar 203 tani tashkil qildi.

Mamlakatimizda ishlab chiqarishni modernizatsiyalash bo‘yicha olib borilayotgan islohotlar nafaqat korxonalarda ishlatiladigan texnika va texnologik jarayonlarni yangilashni, balki boshqaruv va hisobini tashkil etishda innovatsion yondashuvni talab etadi. Shu nuqtai nazardan korxonalarda ishlab chiqarilgan mahsulotlarni baholashning amaliyotda qo‘llaniladigan ayrim jihatlarini tadqiq etish katta ahamiyatga ega. Farg’ona viloyatida 2018 yilda 86 ta korxona va tashkilotlar birinchi marta innovatsion mahsulot, ishlar, xizmatlarni o’zlashtirgan bo’lib, ular tomonidan 60304,2 mln. so’mlik innovatsion mahsulotlar ishlab chiqarildi.

O’z kuchi bilan innovatsion mahsulotlar, ishlar, xizmatlar ishlab chiqargan kichik korxona va mikrofirmalarning Moliyalashtirish manbaalari bo’yicha innovatsiyalarga xarajatlarning eng katta qismini tashkilotlarning mablag’lari

hamda tijorat banklari kreditlari hisobiga tog'ri kelganligini 282215.7 mln.so'mlik innovatsion mahsulotlar, ishlar, xizmatlar hajmi (QQS va aksizsiz) va 201377.5 mln.so'mlik bajarilgan va sotilgan innovatsion mahsulotlar, ishlar, xizmatlar hajmi (QQS va aksizsiz)dan ko'shimiz mumkin. Ammo shunga qaramasdan, viloyatning o'sish ko'rsatkichlari sezilarli darajada deb ayta olmaymiz.

Ishlab chiqarishga fan-texnika yutuqlarini jalb etishda imkoniyatlar yuqoriligiga qaramasdan, ushbu yo'nalishda qator muammolar mavjudligini ko'rish mumkin.

Shu bilan birga bugungi kunda xizmatlar sohasi Farg'ona viloyati iqtisodiyotining nisbatan jadal rivojlanayotgan tarmoqlaridan biri hisoblanadi. Joriy yilning yanvar-noyabr oylaridagi holat bo'yicha iqtisodiy faoliyat turlari kesimida viloyatda **x**izmatlar tarkibida eng katta ulushlarni savdo xizmatlari (32,1 %), transport xizmatlari (21,1 %), moliyaviy xizmatlar (14,2 %), aloqa va axborotlashtirish xizmatlari (5,9 %), shaxsiy xizmatlar (5,2 %) hamda ta'lim sohasidagi xizmatlar (4,2 %) tashkil etadi. Yuqoridagi ma'lumotlar savdo va transport xizmatlarining yetakchi o'rinlarda ekanligini ko'rsatadi.

Xususan, 2019-yil yanvar-noyabr oylarida iqtisodiy faoliyat turlaridan transport xizmatlari hajmi Farg'ona viloyatida 2 152,7 mlrd. so'mni tashkil etdi. Shundan, avtotransport xizmati 2 001,1 mlrd. so'mni, jami transport xizmatlarining 93,0 % ni tashkil etadi. Ushbu ko'rsatkichlardan ma'lumki, viloyatda avtotransportdan boshqa transport xizmatlari faoliyati sezilarli darajada ortda qolmoqda. Bunday muammoga yechim sifatida, temiryo'l transporti qatnovini rivojlantirish, temiryo'llarning qurilishini jadallashtirish, ko'rsatilayotgan servis xizmatlarining sifatini oshirish va internet xizmatini yaxshilash yordamida chiptalarning mobil qurilmalar orqali online savdosini orttirishni ko'rsatish mumkin. Aholi zichligining yuqori ekanidan ko'rsatilgan chora-tadbirlar orqali avtotransportga talab nisbatan kamayadi va viloyatning turli hududlaridagi aholi hudud markazlariga, turli korxona va zavodlarga tez, qulay va xavfsiz qatnab ishlash imkoniyatiga ega bo'ladilar.

Shu o'rinda eng so'nggi 2018-yildagi ma'lumotga ko'ra, Respublikamizda o'rtacha Ishsizlik darajasi 9,3% ga to'g'ri kelsa, bu ko'rsatkich viloyatda 9,7% ga teng. Bu nafaqat Farg'ona viloyatida, balki Respublikaning barcha hududlarida ish bilan bandlikni ta'minlashga e'tibor qaratish, yangi ishchi o'rinlari yaratadigan tadbirkorlikning boshqa yo'nalishlarini rivojlantirsh zarurligini ko'rsatadi.

Bundan tashqari, viloyatda chiqindini qayta ishlash tarmog'i deyarli faoliyat yuritmaydi. Shu sababdan bunday korxonalar faoliyatini yo'lga qo'yish orqali yangi ishchi o'rinlarining yaratilishi bilan bir qatorda, ekologik muhitning yaxshilanishiga erishiladi.

Farg’ona viloyat Statistika boshqarmasining “Farg’ona viloyatida innovatsion faoliyat“ to’g’risidagi ma’lumotlariga ko’ra, tadbirkorlik sube’ktlarining innovatsion faolligini kuzatish so’rovnomasi tanlanma kuzatuv natijalari bo’yicha savollarga javob bergan respondentlar fikridan innovatsion faoliyatga to’sqinlik qiluvchi omillar sifatida moliyaviy mablag’lar (47%), yangi innovatsiyaga zarurat yo’qligi (38%), malakali xodim yetishmasligi (5%), yangi mahsulotga talab pastligi (5%) va yangliklar qimmatligi (5%) aniqlandi. Yuqorida qayd etilgan omillarni hisobga olgan holda, ularni bartaraf etishga doir chora-tadbirlarga ham alohida e’tibor qaratish Farg’ona viloyatining innovatsion rivojlanishiga olib keladi.

Yuqoridagilardan xulosa qilib aytish mumkinki, Farg’ona viloyatida yuzaga kelayotgan muammolar va xato-kamchiliklarni ayni soha va tarmoqlarda innovatsion usullarni qo’llagan holda bartaraf etish bizning islohotlar yo’lidagi sa’y-harakatlarimizning yaqqol namunasi bo’lib xizmat qiladi. Innovatsion tadbirkorlik faoliyatini rag’batlantirish ham Davlat siyosatining mintaqa miqyosida amalga oshirilishida asosiy omillardan biri hisoblanadi.

## Foydalanilgan manbalar:

1. https://stat.uz/en/press-center/analytical-articles/2-uncategorised/3938-innovative-development-is-the-foundation-of-the-future1
2. https://www.abacademies.org/articles/strategy-of-innovative-development-as-an-element-to-activate-innovative-activities-of-companies-8385.html
3. http://farstat.uz/uploads/tahliliy/INNOVATSIYA%202019.pdf
4. http://farstat.uz/uploads/tahliliy/Yalpi%20hududiy%20mahsulot%20hajmi.pdf
5. http://web.stat.uz/open_data/uz/makroko'rsatkichlar1_uz.pdf
6. http://web.stat.uz/open_data/uz/11.2%20OD_Unemployment_rate_uzb.pdf
7. http://farstat.uz/uploads/press19/XIZ-PR-UZ-11-2019.pdf
8. https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statystyka-uz/6551-43563453
9. http://web.stat.uz/open_data/uz/3.2%20OD_graduation_Higher_uzb.pdf
10. https://www.stat.uz/uploads/docs/sanoat_uz_yanvar.pdf
11. https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/7850-o-zbekistonda-yil-boshidan-buyon-yalpi-ichki-mahsulot-hajmi-necha-foizga-o-sdi
12. https://stat.uz/uploads/docs/VRP-uz-17.pdf

# MODELS OF SOCIETY IN THE WORKS OF AMERICAN SCIENCE FICTION WRITERS

**Akhmedov Rafael Sharifovich - senior lecturer,**
**Gulistan state university**

***Abstract**. The article analyzes the features of the societies created in the works of Lyon Sprague de Camp “Lest Darkness Fall” (1939), Isaac Asimov “Foundation” (1951-1953) and Orson Scott Card “Empire” (2006). It is revealed that most of these models of societies have been created following the example of the Roman Empire, and main heroes fight ignorance and act in the name of technical progress.*
***Keywords**: science fiction, model of society, Camp, Asimov, Card.*

***Annotatsiya**. Ushbu maqolada Leon Spreg de Kampning “Zulmatning qulashi” (1939), Isaak Azimovning “Tashkilot” (1951-1953) va Orson Skot Kardning “Imperiya” (2006) asarlarida yaratilgan jamiyat modellarining xususiyatlarini tahlil qilinadi. Ushbu modellarning aksariyati Rim imperiyasi misolida yaratilganligi va bosh qahramonlari texnik taraqqiyot yo'lida harakat qilishlari va jaholatga qarshi kurashishlari aniqlandi.*
***Kalit so'zlar**: ilmiy fantastika, jamiyat modeli, Kamp, Azimov, Kard.*

***Аннотация.** В данной статье автор анализирует особенности моделей обществ, созданных в произведениях Леона Спрега де Кампа «Падение тьмы» (1939), Айзека Азимова «Основание» (1951-1953) и Орсона Скотта Карда «Империя» (2006). Выявлено, что большинство этих моделей созданы по примеру Римской империи, а главные герои действуют во имя технического прогресса и борются с невежеством.*
***Ключевые слова:** научная фантастика, модель общества, Камп, Азимов, Кард.*

The concept of creating a model of society is at the heart of nearly all serious science fiction books. Most of them represent such subgenres as social science fiction, utopia (dystopia), satirical science fiction, space opera etc. It is interesting that among all models of the future societies, the most popular among writers was a model similar to the model of the Roman Empire. In fact, the concept of empire in science fiction was first explored from a literary point of view by Patricia Kerslake in his work “Science Fiction and Empire” [1, 47].

In the works of American science fiction writers, there are examples of societies built on the basis of existing ones (alternative reality, utopia / dystopia), on the basis of empires created for protection or, conversely, to conquest (space opera) or as a result of the struggle for survival (apocalyptic / post-apocalyptic

science fiction). Ideologically and thematically, the values associated with empires are often positioned as negative. The empire oppresses the people, invades the territories of weaker rivals, thrives on corruption and survives only by virtue of its strength. Consequently, positive aspects are also noted, among them are – stability, potentially high opportunities for the development of science, a fairly high standard of living of at least some segments of the population. Of course, science fiction writers raise different problems, depending on the author's intention, the chosen subgenre, and the writer's personal style.

It is impossible to cover all the books suitable for the role of the object of our research in such a small scale article, therefore, three works were selected, for the creation of which their authors were inspired by the history of the Roman Empire: the novel “Lest Darkness Fall” (1939) by Lyon Sprague de Camp, the trilogy “Foundation” (1951-1953) by Isaac Asimov and “Empire” (2006) by Orson Scott Card.

In the novel “Lest Darkness Fall”, the Roman Empire of 535 is described, where the archaeologist Martin Padway from Italy of 1938 finds himself in an unknown way. Padway uses all the knowledge and skills of his time to fight the arrival of the dark ages and prevent the collapse of civilization. There are also interesting parallels that the author draws between the Roman Empire of 535 and Italy of 1938, which is ruled by Mussolini, who believes in the reincarnation of Julius Caesar. The author of the novel makes such a comparison for a certain reason – the Roman Empire before its collapse and a fascist state that cannot have a future. While the author himself in the introduction to his collection of short stories “The Wheels of If, and Other Science Fiction” (1948), insists that the novel “Lest Darkness Fall” is no more than entertainments, that “social significance is just the thing I studiously avoid in the story”. He goes on to say, “these yarns are meant purely to amuse and entertain, and neither to instruct, nor to incite, nor to improve” [2, 5]. In general, Lyon Sprague de Camp’s description of the Roman Empire is quite detailed, the focus in most of the plot is on specific actions of one or two characters.

A completely different picture can be seen in Isaac Asimov’s trilogy. The author’s desire to show the reader as much general picture of the society as it is possible, leads to the fact that a fairly large volume of the work is devoted to descriptions of the empire, its functions, historical references (which are given in the form of the so-called “Galactic Encyclopedia”). Asimov’s trilogy is based on “The History of the Decline and Fall of the Roman Empire” (1776-1788) written by the English historian Edward Gibbon. Although the presence of several worlds at once allowed Asimov to rely on other works, among which critics call the “Decline of Europe” (1918-1922) by German philosopher Oswald Spengler and

the fundamental historical work in 12 volumes “Comprehension of History” (1934-1961) written by English historian, sociologist, philosopher and cultural scientist Arnold Joseph Toynbee. Undoubtedly, on the pages of his trilogy Asimov creates an impressive universe. Unlike the novel “Lest Darkness Fall”, in Asimov’s trilogy, not everything boils down to the actions of the main character, whole organizations, states, and even whole planets operate there.

In addition, there are also common features in both works. Thus, historical laws are valid both in de Camp’s novel and in Asimov's trilogy. In addition, the idea of the fall of any major civilization is supported by both authors. The belief of both authors in history as a science is strong. In a sense, Asimov’s “psychohistory” is nothing more than a mathematical expression of the psychology of humanity, that is, a mathematical translation of the works of Spengler and Toynbee.

The situation is somewhat different in the novel “Empire” by Orson Scott Card. With a strong political focus, the novel is dedicated to the fall of the modern empire represented by the United States. The writer sees the cause of the collapse in the shortsightedness of politicians, in the incitement of bloody conflicts, in the vacuum of real power, in the stupidity of the military and the cunning of selfish corporations. As the writer himself notes, “I used to be sure that civil wars are possible only in countries like Rwanda, Bosnia, Serbia, Sudan. And the script presented in the novel at first seemed implausible. But if you really think about the rationale, anything can be made realistic... I have polarized today’s political situation in America to the extreme point. And when I did this, I realized that a civil war could start anywhere, even in our country” [3, 77].

Thus, in all three works under consideration, there is an empire in one form or another, events are described that can both lead to its collapse and save it from complete disintegration. The actors, most often, are both the leaders of the empire and the first persons of the state, as well as ordinary people who are in a difficult situation and trying to do everything possible to direct the process of historical development in the most favorable direction for mankind.

**References**

1. Kerslake, P. (2011). Science Fiction and Empire. Liverpool: Liverpool University Press. 217 p.

2. De Camp, L.S. (1970). The Wheels of If and Other Science Fiction. New York: Berkley Publishing. 191 p.

3. Collings, M.R. (2014). Orson Scott Card: Penetrating to the Gentle Heart. Scotts Valley: Create Space Independent Publishing. 426 p.

# FARZANDLARIMIZNING TARBIYASI BIZNING ENG MUHIM VAZIFAMIZ

**Azima Sayfullayeva SHuhratbek qizi**
**Guliston davlat universititi Pedagogika fakulteti**
**`Boshlang`ich ta`lim 50-20-guruh talabasi**

*Tarbiya biz uchun yo hayot- yo mamot*
*yo najot –yo halokat , yo saodat - yo falokat masalasidir.*
*Abdulla Avloniy.*

***Annotatsiya:*** *maqolada hozirgi zamonning eng muhim omili bo`lgan tarbiya, uning ahamiyati, avvalari berilgan tarbiya va ayni vaqtdagi tarbiyaning farqi. Yoshlarni tarbiyasidagi muommolar va ularni bartaraf etish yo`llari yoritilgan.*

***Анотация:*** *В статье образование, которое является важнейшим фактором современности, его значение заключается в разнице между образованием ранее, и образованием, полученным в настоящее время. Освещены проблемы в воспитании молодежи и способы их преодоления.*

***Abstract:*** *In the article, the most important factor of modern education, its importance, the difference between the previous education and the current education. Problems in the upbringing of young people and ways to overcome them.*

***Kalit so`zlar:*** *tarbiya, ajdodlar, avlodlar, zamon talabi, farzand, oqillik, xalq, inson, tarbiyachi.*

***Ключевые слова:*** *образование, предки, поколения, требование,ребенок, мудрость, люди, человек, недогог.*

***Key words:*** *education, ancestors, generations, the demand of the time, child, wisdom, man, educator.*

Hayotimiz davomida shunday insonlarni ko`ramizki, ular bizni o`z aqillari , bilimlari yoki iqtidorlari bilan lol qoldira oladilar. Ammo, shunday holat bo`lishi ham mumkunki, biz ularni yaqinroq bilganimiz sari, ular bizni e`tiborimizdan qolishlari ham , yanada ko`nglimizga xush yoqib qolishlari ham mumkin. Nega deysizmi, sababi insonni qanchalar yaqinroq bilib borsak u haqida, uning tarbiyasi haqida ko`proq bilib olamiz. Insonning tarbiyasi, u haqida fikr yuritishimizda juda katta rol o`ynaydi. Sababi insonlar haqida tarbiyasi orqaligina to`g`ri xulosaga borish mumkin.

Tarbiyali inson atrofidagilarga , yaqin do`stlariga muloyimlik bilan murojaat qiladi, to`g`ri so`zlaydi, kam, ammo, ma`noli gapiradi. xar-hil vaziyatlarda o`zini tuta oladi, vaziyatdan oqillik bilan chiqa oladi , muommolarni o`rinli hal qila oladi . Shuning uchun ham dono xalqimiz doim birinchi navbatta bolaning tarbiyasiga katta ahamiyat qaratishgan. O`z farzandlariga, nabiralariga to`g`ri tarbiya berishga

intilganlar. Shu sababdan ham xalqimiz orasidan juda ko`p oqil, dunyoga dong taratgan bobolarimiz yetishib chiqqanlar. Ularning hayot yo`llari va olib borgan ishlari bizga muhim dastur-amal bo`la oladi.
Ammo bir narsani unutmaslik va aytib o`tish kerakki, bu masala ayni vaqtda davrimiz fojiasiga aylanib qoldi. Hozirda oilalar o`z yumushlari, ishlari yoki arzimas hoyu – havaslari bilan bo`lib, farzandlariga e`tibor ham qaratmasdan, vaqt ham ajratmasdan qo`ydilar. Bolalar turli tarbiyachilar, enagalar qo`lida yoki o`zlari yolg`iz katta bo`lmoqdalar, o`smoqdalar. To`g`ri tarbiyachi va enagalar ham bolalarga bilim beradilar, sifatli qaraydilar, ammo bolaga ota va ona mehri, muhabbati va e`tibori yetishmas ekan , uning qalbida biroz bo`lsada kemtiklik bo`lib qolayveradi.

Bu kemtiklik albatta, kuni kelib uning tarbiyasiga, yurish turishiga, rejalariga, maqsad va orzulariga ta`sir etadi. Oddiy tuyulgan bunday vaziyat esa oqibatda yaxshi bo`lmasligi ham mumkin. Shu sababdan ham barcha ota-onalar o`z farzandlari uchun ko`proq vaqt ajratishlari, ularni yonida bo`lishlari kerak. To`g`ri ota –onalar oilalarini, farzandlarini moddiy tomondan ta`minlash uchun harakat qiladilar, ta`minlaydilar ham, shu ish tufayli ko`p band bo`lib qoladilar. Chindan bolaga shart-sharoit kerak, bu zamon talabi, ammo ota-ona e`tiborichi u ko`proq kerak emasmi, ota- onasi bilan birga yurishni, o`ynashni, gaplashishni , ota-onasiga yutuqlari va boshqa qilayotgan ishlari haqida gapirib berishni bolalar, albatta, xohlaydi. Ota-onalar aslida o`z farzandlari uchun tez-tez vaqt ajratib turishlari, farandlaridan o`qishlari, ishlari qay yo`sinda ketayotganini so`rashlari, bolalarining nimalarga qiziqishi, ularni sevimli mashg`ulotlari haqida suhbatlashishlari muhum hisoblanadi. Ota-onalar o`z farzandlariga oilalarini tarixi, shajarasi haqida gapirib berishlari, bolani yetti avlodi bilan tanishtirishlari kerak. Sababi yetti avlodini bilish ko`p xalqlarda faxr hisoblanadi. Bolalar hayotdagi eng ko`p bilimlarini yoshliklarida, oilalarining bag`rida o`rganadilar. Shu sababli birinchi navbatda ota-ona bolasiga tarbiya berishi, o`z urf-odatlari, milliy qadriyatlari bilan tanishtirishi, Vataniga ,xalqiga muhabbat ruhida tarbiyalashi, ongiga ezgu g`oyalarni singdirishi, o`z dinini va e`tiqodini bilishi, unga amal qilishi uchun bilimlarni o`rgatishi, qisqa qilib aytganda komil insonni tarbiyalashlari kerak. O`z farzandiga ayni vaqtda berayotgan tarbiyasi kelajakda katta ahamiyat kasb etadi.

## Xulosa

Agar biz mehribon farzandlarimiz bo`lishini bizga g`amho`rlik qilishini hohlasak,farzandimizga ulardan kutayotgan barcha narsani hozir berishimiz kerak. Oldinda bizni kelajak kutmoqda , uni qanday bo`lishi o`zimizga bog`liq. Agar qalban hohlasak, In shaa Alloh bizni barcha havas bilan qaraydigan solih farzandlarimiz bo`ladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro`yhati**
1.Ma`naviyat asoslari. V.Qo`chqorov, O. Mahmudov, Z.Zamonov . Toshkent " Yangiyo`l poligraf servis".
2. Milliy istiqlol g`oyasi. O`zbekiston Respublikasi Xalq Ta`lim Vazirligi. Toshkent "Ma`naviyat" 2015.

# ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР ВА ФАЛСАФИЙ БИЛИМЛАР ЖАМИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

**Мамадалиев Музаффар Умарович**
**АДУ Фалсафа кафедраси мустақил тадқиқотчиси**

*Мақолада юртимиздаги таълим тарбия сохасидаги ислохатлар, давлат ва жамият ривожи, маънавий баркамол инсон, фалсафий билим ва фалсафий тафаккур хақида фикрлар айтилган. Инсон унинг онги ва маънавиятини шаклланиши, илм фан тараққиёти ва ўзгариши тахлил қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *фалсафа, фалсафий билим, маънавият, дунёқараш, қадрият, онг, тафаккур.*

*В статье рассматриваются реформы в сфере образования в нашей стране, развитие государства и общества, духовно зрелая личность, философские знания и философское мышление. Анализируются становление человеческого сознания и духовности, развитие и трансформация науки.*

***Ключевые слова:*** *философия, философские знания, духовность, мировоззрение, ценность, разум, мышление.*

*The article discusses the reforms in the field of education in our country, the development of the state and society, a spiritually mature person, philosophical knowledge and philosophical thinking. The formation of human consciousness and spirituality, the development and transformation of science are analyzed.*

***Key words:*** *philosophy, philosophical knowledge, spirituality, worldview, values, consciousness, thinking.*

Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. [4]

Бугунги кунда давлатимиз томонидан таълим сохасидаги амалга оширилиб келинаётган ислоҳотларнинг асосий мазмун-моҳиятларидан шуни кўришимиз мумкинки асосий мақсад ҳар томонлама камол топган маънавий етук ёшларни тарбиялашдир. Юксак салоҳиятли, маънан баркамол,

[4] https://president.uz/uz/lists/view/4057. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12.2020

жисмонан соғлом интелектуал ёш авлодни камол топтириб вояга етказиш зарурияти жамият ва давлат ривожи, унинг истиқболи ҳамда барқарор миллий давлатчилик асосларини янгилаш ва янгича муносабатларни вужудга келтирди. Амалга оширилаётган таълим тизимидаги ўзгариш ва ислохатлар бугунги кун ёшлар маънавиятини шакллантириш нақадар мухим вазифа эканлигини белгилаб бермоқда.

"Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш"[5] каби вазифалар ўз ўрнида таълим ва тарбия соҳасидаги ислохатларнинг барча ўринларида давр талабларига мос унга жавоб бера оладиган маънавий баркамол авлодни тарбиялаш асосий вазифалардан бир эканлигини тақозо этади. Шу нуқтаи-назардан қараганда, маънавиятни шакллантириш, фалсафий тафаккур ва фалсафий билим, илмий дунёқараш каби масалалар жамиятни ривожлантириш, таълим тизимидаги ислоҳотлар давлат аҳамиятига молик устувор вазифа сифатида намоён бўлади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг давлат ва жамият истиқболи ҳамда унинг ривожига оид қарашларида маънавият, миллий ғоя, фалсафий тафаккур каби фикрлари баркамол авлодни жамият ҳаётига тайёрлаш давлат аҳамиятига молик вазифалардан эканлиги алоҳида ўрин эгаллашини айтиб ўтадилар. Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш жараёнлари энг аввало ёш авлодда маънавият, фалсафий билим ва илмий дунёқараш асосида таълим тизимини янги халқаро талаблар асосида ривожлантириш муаммосининг илмий асосларини тадқиқ этишни талаб қилади. Шунинг учун ёшлар маънавиятини шакллантириш, уларда фалсафий билим ва илмий дунёқарашнинг тутган ўрни уларда, фалсафий билимларини мутафаккирлар мероси асосида ўрганиш мухим ахамият эгадир.

Мустақилликнинг тараққиёт йўли мамлакатимизда фан ривожи учун кенг имкониятлар яратди. Фаннинг барча соҳаларидаги каби фалсафада ҳам туб ўзгаришлар содир бўлди. Зеро, энг қадимий ривожланиш тарихига эга бўлган фалсафа ўзида турли даврларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини мужассамлаштириб, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини англашни, нафақат англаш, балки уларга муносабат билдиришни шакллантиради. Модомики шундай экан, бугунги кунда фалсафани янада ривожлантириш, ёш авлодни фалсафий дунёқараши замонавий фан ютуқларига асосланган фалсафий билимлар билан қуроллантириш муҳим аҳамият касб этади. "Аслида, ҳар қандай ислоҳотнинг энг муҳим самараси аввало халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса чиқариши

[5] https://lex.uz/docs/3107036 Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Тошкент ш., 2017 йил 7-феврал пф-4947-сон

билан белгиланади."[6]

Фалсафий тафаккурнинг ижтимоий-сиёсий асослари ҳар қандай жамият халқининг ижтимоий онгини ўзгартиришга, унинг пировард мақсадларига хизмат қилишга қаратилган. Бугунги кунда фалсафий тафаккурнинг янгиланиши нафақат умумий маънавий муҳитнинг, балки ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши ҳамдир. Бу эса ислохатлар жамиятда инсон буюк алломалар орзу қилган фозил одамларнинг комил фазилатларини шакллантириш ва такомиллаштиришга замин бўла олади.

Фалсафа фани ундаги билимлар фалсафий тафаккур, илмий дунёқараш каби масалалар хамма вақт жамиятнинг ривожланиши мухим асослардан бири хамда таълим ва тарбия масканларида ўрганиш мухим бўлган фундаментал фан ва мавзулардан бири бўлган ва шундай бўлиб келмоқда. Фалсафанинг моҳиятини ўрганишимиз жараёнида, унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашимиз, инсон ўз-ўзини қуршаб олган дунёни англаб етишида қандай рол ўйнаши, давлат ва жамият ривожланишидаги ахамиятини тушуна бошлаймиз. Зеро, "Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади"[7]. Бу эса ёш авлодни хар томонлама ривожлантириш уларнинг маънавиятини шакллантириш, ахлоқий муносабатларда фалсафий тафаккур билан фойдаланиш мухум ахамиятга эгалгидан далолатдир. Зотан давлат ва жамият ривожи жараёнида унга қаршилик қилувчи маълум бир тўсиқлар, салбий иллатлар, ахлоқсизлик каби тушунчаларга қарши албатта ёшлар онгу тафаккурида миллий ғурур ва миллий мафкура фалсафий тафаккур хамда теран мушохада қила олиши зарур. Бу эса истиқлол мафкурасининг шаклланиши жамият ривожи унинг тарихий илдизлари билан биргаликда фалсафий илдизлари ҳам унинг шаклланишига кучли таъсир этган. Миллий ғоянинг шаклланиши билан бир вақтда унинг фалсафий илдизларини ўрганиш ва тадқиқ этиш ижтимоий соҳанинг энг долзарб мавзуларидан бири сифатида намоён бўлиб жамиятимизда миллий онги, миллий ғурури, миллий ифтихори, маънавий дунёсининг кундан – кунга бойиб бораётганлидан англатмоқда. Бу эса давлатимизнинг маънавий ривожи ва фалсафий асосини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Маънавий баркамол, маърифатли, руҳан тетик, янгича тафаккурлаш қобилиятига эга инсонгина жамият ва давлат тараққиёти йўлидан шараф билан ўта олади. Бу эса халқимизнинг моддий ва маънавий мероси, юксак қадриятларини чуқур англаган уларани онгига сингдирган авлодни маънавий етук, фидоий комил шахс сифатида тарбиялашни тақозо этади.

Хулоса қилинадиган бўлса жамиятнинг ривожланиши ва маънавиятнинг шаклланишида фалсафий билим ва фалсафий тафаккурга асосланган холда миллий ўзликни англаш, жамиятнинг ғоявий-мафкуравий асосларини билиш

---

[6] Каримов.И.А Юксак маънавият енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. 76-б
[7] Каримов.И.А Юксак маънавият енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. 83-б

ва унга содиқ қолиш асосида ўзининг дунёқарашини шаклланиши мухим ахамиятга эга. Давлатимизда бу борада катта ишлар амалга оширилди ва давом эттириб келинмоқда. Бу борада бажарилиши зарур бўлган ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида ёшлар илмий салохиятини янада мустаҳкамлаб уларни онгу ва тафаккурида фалсафий билим асосларини шакллантириш боришни талаб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**


1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12.2020
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Тошкент ш., 2017 - йил 7-феврал пф-4947-сон
3. Каримов.И.А Юксак маънавият енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008-йил


## ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИГА ЁНДАШУВ ВА ФАЛСАФИЙ ФИКРЛАР


**Мамадалиев Музаффар Умарович**
**АДУ Фалсафа кафедраси мустақил тадқиқотчиси**



*Мақолада маънавий баркамол инсон тарбияси, аждодлар мероси, таълим тарбия сохасидаги ислохатлар, ижтимоий сиёсий жараёнлар, маънавий баркамол инсон, комиллик, фалсафий билим ва дунёқараш хақида фикрлар айтилган.*



***Калит сўзлар:*** *фалсафа, фалсафий билим, маънавият, маърифат, тафаккур, дунёқараш, тарбия, ахлоқ.*



*В статье рассматривается воспитание духовно зрелых людей, родовое наследие, реформы в сфере образования, социально-политические процессы, духовно зрелая личность, совершенство, философские знания и мировоззрение.*



***Ключевые слова:*** *философия, философское знание, духовность, просвещение, созерцание, мировоззрение, воспитание, этика.*



*The article discusses the education of spiritually mature people, ancestral heritage, reforms in the field of education, socio-political processes, spiritually mature person, perfection, philosophical knowledge and worldview.*



***Key words:*** *philosophy, philosophical knowledge, spirituality, enlightenment, contemplation, worldview, upbringing, ethics.*


Ўтмиш бугун ва келажак биздан мустақиллигини мустаҳкамлаш, истиқлолимизнинг кенг кўламлардаги истиқболини таъминлаш эхтиёжлари маънавиятимиз ривожи унинг замона талаблари даражасидаги юксакликка кўтаришни ўта кескин, долзарб бир зарурат белгилаб бермоқда.

Давлатимизнинг тараққиёт йўли жамиятимизда мисли кўрилмаган мураккаб вазифаларни мумкин қадар тезкорлик билан ҳал этишга имкон берди. Ақл-заковат, тафаккур асосида, уларга таяниб иш кўриш фақат

инсонга хос фазилатдир. Умуман олганда, ушбу инсоний фазилатни улуғлаш, тараннум этиш маънавий маданиятимизнинг туб хусусиятларидан биридир

Бугунги маънавий тараққиётимиз биз буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур идрок этиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида яшаш, демократик ғояларни ёш авлод қалби ва онгига теран сингдириш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий шарти ва миллий тараққиётимизнинг кафолати эканлигини англатади.

Баркамол инсон тарбияси ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган инсониятга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб тушунчадир. Юксак маънавиятли шахсни шакллантиришда узлуксиз таълим тизимининг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Бу жараёнлар бугунги кунда давлат сиёсати даражасида амалга оширилмоқда. Маънавий сохадаги ихлохатлар ва ёш авлодда маънавиятнинг шаклланиши унинг дунёқарашини кенгайиши ва тарбиясига аввало унинг ота-онаси, таълим ва тарбия муассасалари маҳалла, жамоат ташкилотлари, ўқув юртлари, атроф-муҳит, оммавий-ахборот воситалари, санъат, адабиёт сохасидаги фалсафий ва илмий фикрлар бевосита таъсир кўрсатмоқда. Тарбиянинг асосий вазифаси-шахснинг ақлий, ахлоқий, эркин фикрловчи ва жисмоний ривожланиши, унинг қобилиятларини ҳар томонлама очиш учун имконият яратишдир. Негаки ёшларда таълим-тарбия масалалари таълим муассасаларининг доимо диққат марказда бўлиши ва уни амалга ошириш учун шахс маънавий камолотини ҳимоялаш ҳар бир кишининг асосий вазифасидир.

Юксак маънавий комиллик, юрт озодлиги, ободлиги ва халқ фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиш, ўзига ва атрофдагиларга нисбатан талабчан бўлиш, ўзида миллий сифатларни тарбиялай олиш, интилувчанлик, ташаббускорлик, ташкилотчилик, ижодкорлик ҳамда мустақил фикрлаш лаёқатига эга бўлиш каби хислатларни мустақил Ўзбекистон Республикаси ҳаётида устувор бўлган тамойиллар сифатида эътироф этиш мумкин[8].

Ёшлар маънавий камолотида маънавий-ахлоқий жиҳатлар фалсафий билим ва илмий дунёқараш таянч омиллар сифатида намоён бўлади. Таълим ва тарбияни тўғри йўлга қўймоқ учун инсон дунёқарашини кенгайтириш ва уларда фалсафий билимни аҳоли, айниқса, ёшлар онгига сингдириш мақсадга мувофиқдир. Бу йўлда турли механизмларни ишлаб чиқиш ҳамда уни амалиётга жорий этиш асосий мақсадлардан бири бўлмоғи зарур.

Бугун юртимиз ҳаётининг қайси соҳасини олманг, барчасида жиддий ўзгариш янгиланиш жараёнини чуқурлашаётганини, иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий ҳаёт, маънавий-маърифий жабҳада ҳамда кишилар онгу шуурида

Nutq sur’ati bayonning mazmuniga, so‘zlovchining individual xususiyatlariga va uning hissiy kayfiyatiga bog‘liq bo‘ladi. Ko‘pincha sud notiqlari nutqni ichki ko‘tarilish, hissiy taranglik bilan so‘zlashadi, bu esa nutqni biroz tezlashtiradi. Ammo shuni esda tutish kerakki, juda tez so‘zlash berilgan barcha ma’lumotlarni anglab yetishga xalaqit beradi. Juda sekin so‘zlash esa sudni charchatadi; agar nutq sur’ati juda sekin bo‘lsa, bu tinglovchilarda «notiq ish materiallarini yaxshi bilmagani uchun, dalillarning yetishmasligi tufayli nutq so‘zlashda qiynalyapti» degan fikrni keltirib chiqaradi. Sekin so‘zlangan nutq odatda sudyalarning muhokama mavzusiga befarq qarashiga sabab bo‘ladi.

Nutq biror o‘zgarishsiz, optimal sur’atda (taxminan daqiqasiga 120 ta so‘z) so‘zlanganda ham qiyin tushuniladi, chunki turli mavzular haqida ayni bitta sur’atda gapirish imkonsiz (masalan, ishni bayon qilish va sudlanuvchining harakatlarini baholash, tibbiy ekspertiza xulosasi va sudlanuvchining shaxsini tavsiflovchi ma’lumotlarni bayon qilishda). Ish materiallarini tahlil qilishda notiq muayyan dalillarning haqiqiy yoki yolg‘onligini muhokama qiladi, asoslaydi, rad etadi, xulosa chiqaradi. Tabiiyki, bularning barchasini bir xil sur’atda bayon etib bo‘lmaydi. Ularning eng muhimlari biroz sekinroq sur’atda aytiladi va bu bilan fikrlarning ahamiyatini ta’kidlaydi, chunki sekin sur’at fikrni ta’kidlaydi, uni alohida ko‘rsatadi va unga alohida diqqat bilan to‘xtalishga imkon beradi. Nisbatan kamroq ahamiyatga ega bo‘lgan qismlar biroz tezroq va osonroq ifodalanadi; qandaydir hodisaga nisbatan hissiy baho ham biroz tezroq sur’atda bayon etiladi.

Sud nutqining ifodali chiqishi uning intonatsiyaga, boyligiga ham bog‘liq. Intonatsiya deb so‘zlarning turli xil ohangiga, balandligi, tembri, sur’ati bo‘yicha bir-biridan farq qiladigan ohanglar ketma-ketligiga aytiladi. Ohang tovush tebranishlarining chastotasi bilan belgilanadigan tovush balandligidir. Tembr esa har bir kishining o‘ziga xos bo‘lgan, boshqa birovda takrorlanmaydigan tovushning tabiiy bo‘yoqdorligidir. Ammo tembr notiqning jismoniy va ruhiy holatidan kelib chiqib, uning suhbatdoshlarga, nutq mavzusiga bo‘lgan munosabatiga qarab o‘zgaradi.

Intonatsiya sud nutqiga o‘ziga xos musiqiy shakl beradi, uning ravonligini va ta’sirchanligini oshiradi. Noto‘g‘ri tanlangan ohang butun nutqni barbod qilishi yoki uning qismlarini buzishi mumkin.

Ohangni o‘zgartirish orqali nutqning musiqiy qiyofasi yaratiladi. Sud notiqlarining nutqqa xilma-xil ohangdorlik bera olishi maqsadga muvofiqdir.

Afsuski, ba’zi sud notiqlari ovoz modulyatsiyasiga unchalik ahamiyat bermaydi, shuning uchun ularning chiqishlari monoton, zerikarli bo‘lib qoladi, ishonchlilikni yo‘qotadi, chunki nutq jur’atsiz so‘zlangandek tuyuladi; «so‘zlovchi o‘z so‘zlarining ahamiyatiga va yuridik nuqtai nazarining to‘g‘riligiga ishonmayapti» degan fikrni keltirib chiqaradi. Odatda monoton, past tovushdagi nutq prokuror yoki advokat ish to‘g‘risida kam ma’lumotga ega bo‘lgan hollarda kuzatiladi; bu bilan ular tinglovchilarga befarqligini namoyon etishadi, o‘z nutqining cheklanganini, nutqining intonatsion qashshoqligini ko‘rsatadi, loqayd, xohlamasdan gapiradi. Bunday nutqlarda deyarli har doim vizual vositalar yetishmaydi, ulardan (masalan, kontrast, ritorik savollar, gradatsiya, takrorlar) foydalanish uchun so‘zlovchida ovoz kuchi ham, ko‘nikma ham yetishmaydi.

Har bir so‘zga chiquvchi uchun o‘zini barcha jarayonlarda monoton, quruq nutqlarni tinglashiga to‘g‘ri kelayotgan sudyalarning o‘rniga xayolan qo‘yib ko‘rish foyda beradi. Loqayd prokuror yoki advokat ovoz modulyatsiyasi, tembri, ohangi psixologiya nuqtai nazaridan muhim ahamiyatga egaligini hisobga olmaydi. Psixologlarning ta’kidlashicha, intonatsiya ma’lumotning 40 foizgacha bo‘lgan qismini yetkazib bera oladi. Masalan, ta’sirchan ohangda gapirayotgan notiq o‘zining qat’iyligini namoyish etadi, psixologik jihatdan tinglovchilarga bosim o‘tkazadi. Bu bahsdagi hiylalardan biridir. Hiyla – so‘zlovchi bahsni o‘zi uchun foydali tomonga og‘dirishga va boshqa tomon uchun qiyinlashtirishga urinishda foydalanadigan har qanday usul.

Bu bahsda qo‘llanadigan noto‘g‘ri vositadir. Ishonch bilan aytilgan, qat’iy ohang fikrni singdirishga yordam beradi. Fikrni singdirish odamning irodasiga va ongiga ta’sir ko‘rsatishdir. To‘g‘ri tanlangan, ishonchli intonatsiyalar, qoralovchi yoki himoyachining hissiy reaksiyalari notiq tomonidan yoritilayotgan masalaga sudyalarning diqqatini qaratishda yordam beradi.

Sud notig‘i jarayon ishtirokchilariga o‘z nutqining eng nozik ma’noviy farqlarni ham yetkazib bera olishi kerak. Buning uchun esa u o‘z vaqtida pauza qilishni bilishi lozim. Pauza nutqning muhim qismlaridan biri bo‘lib, so‘z yoki so‘z birikmasini ma’noviy va hissiy jihatdan ajratib ko‘rsatishning asosiy vositasi hisoblanadi. Og‘zaki nutq paytida ko‘pincha keyingi fikrni ifodalashda kerak bo‘ladigan so‘zlarni, ifoda shaklini va til vositalarini tanlab olish uchun pauza qilinadi.

Psixologik nuqtai nazardan dastlabki pauza muhim ahamiyatga ega bo‘lib, bunda auditoriya notiq bilan tanishadi va unga moslashadi. Notiqlik san’ati nazariyotchilari nutqni darhol boshlamaslik kerakligini, balki 10-15 soniya pauza qilish kerakligini maslahat berishadi, bu vaqt ichida notiq tinglovchilar bilan ko‘z aloqasini o‘rnatadi. Nutq so‘zlash uchun chiqqan sud notig‘ining bunday harakati esa biroz noo‘rin tuyulishi mumkin, chunki auditoriya bilan ko‘z aloqasi

allaqachon sud jarayonida oʻrnatilgan boʻladi. Bundan tashqari sud nutqi eng avvalo sudyaga, sud maslahatchilariga qaratilgan boʻladi. Boshlangʻich pauza, agar notiq undan keyin past ovozda, biroz sekin surʼatda mazkur ishning oʻziga xosligi yoki mazkur jarayonda uning oldida turgan vazifaning qiyinligi haqida gapirishni boshlasa, yanada koʻproq psixologik taʼsir koʻrsatadi. Bu uning soʻzlariga salobat qoʻshadi. Biroq pauzalardan koʻp foydalanish ham toʻgʻri emas, chunki bu nutqni uzuq-yuluq qilib qoʻyadi va tinglovchilarda notiq nutq soʻzlashga yaxshi tayyorlanmagan degan taassurotni keltirib chiqaradi.

## Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ortiqov A. Nutq madaniyati va notiqlik sanʼati. – Toshkent, 2004.

3. Тарасов А.А., Шарипова А.Р. Риторика для юристов. – М., Юстиция, 2017.

4. Xojimatova M. Nutq sanʼati. – T., Yangi asr avlodi, 2011.

5. Qoʻngʻurov R., Begmatov E., Tojiyev Y. Nutq madaniyati va uslubiyat asoslari. – T., Oʻqituvchi, 1992.

## ҲОЗИРГИ КУН ЁШЛАРИНИ ОИЛАГА ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**Худайбердиев Абдуазиз Абдувалиевич - т.ф.н.доцент.**
**Жиззах политехника институти**

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада гўзал ва бетакрор одатларимизни қайта тиклашимиз кераклиги, улар давр тақозоси билан ҳомийлик шаклида яна турмушимизга қайтиб келаётганлиги, лекин ҳозиргидек мажбурий тарзда эмас, балки ихтиёрий тарзда амалга оширилса, ўзининг ҳақиқий қимматини сақлаб қолган бўлар эди ва ёшларда орият, қадр-қиммат, ҳамият, ғурур туйғуларининг йўқолиб кетишига йўл қўймаслигимиз зарурлиги хусусида қисқача фикр юритилган.*

***Калит сўзлар:*** *байрам, маросим, садоқат, ҳурмат, таълим, тарбия, маънавият, мафкура, мерос, маданият, халқ анъаналари, тарих, достон.*

***Аннотация:*** *В этой статье утверждается, что нам нужно восстановить наши прекрасные и уникальные привычки, что они возвращаются в нашу жизнь в форме спонсорства в соответствии с требованиями времени, но что если бы это было сделано добровольно, а не принудительно, как сейчас, это было бы сохранить свою истинную ценность. есть краткая мысль, что мы не должны позволить угаснуть нашему чувству гордости.*

***Ключевые слова:*** *праздник, церемония, преданность, уважение, образование, воспитание, духовность, идеология, наследие, культура, народные традиции, история, эпос.*

***Abstract:*** *This article argues that we need to restore our beautiful and unique habits, that they return to our lives in the form of sponsorship in accordance with the requirements of the time, but that if it was done voluntarily, and not forced, as it is now, it would be preserved its true value. there is a brief thought that we must not let our sense of pride fade away.*

***Key words:*** *holiday, ceremony, devotion, respect, education, upbringing, spirituality, ideology, heritage, culture, folk traditions, history, epic.*

Ҳозирги кунда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда педагогика жуда катта маънавий манбага, тажрибага эга-ки, булар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини, ўз қийматини йўқотгани йўқ.

Ёшларни халқ педагогикаси анъаналари руҳида тарбиялаш бугунги кунда энг етакчи муаммолардан бири бўлиб турибди. Айниқса, асрлар давомида яшаб келаётган урф-одатларимиз удумларимиз, қадриятларимиз, жумладан, чойхона суҳбатлари, учрашувлар, мавсумий байрамлар, лола сайиллари, «бойчечак» айтиш, қовун сайиллари, бола туғилиши билан боғлиқ ақиқа маросимлари, қизлар мажлиси, «юз очди», «келин саломлари», сумалак, эчки ўйини, улоқ ўйини каби маросимларнинг ҳаммаси ҳам ёшларни ўзбекона оилавий ҳаётга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Халқимиз томонидан амал қилинаётган миллий одатларимизга кўра катталарга биринчи бўлиб салом бериш, катталар суҳбатига аралашмаслик, уйга меҳмонлардан сўнг кириш, эшикни биринчи бўлиб очиб, ушлаб туриш, давраларда катталардан юқорига ўтмаслик каби одоб қоидаларига риоя қилиш талаб этилади [1].

Шу билан бир қаторда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда халқ байрамлари, айниқса, Рамазон ва қурбон ҳайитлари, Наврўз байрами катта тарбияловчи характерга эга. Масалан, юқоридаги мавзуларда таъкидлаб ўтилганидек, Наврўзда жуда ранг-баранг халқ ўйинлари, мусобоқалар, касалларнинг кўнглини сўраш, қариндош-уруғларни йўқлаш, уришганларнинг ярашиши - ҳаммаси ёшларда меҳр-мурувватли бўлиш, ўзгаларга оқибат кўрсатиш, аҳиллик, кечиримли бўлиш, иноқлик каби хислатлар ҳам таркиб топтириладики, бу хислатлар оилавий ҳаётда ниҳоятда асқотади. Маҳалланинг тарбияловчилик таъсири ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда ниҳоятда кучлидир.

Тўйлар, келин салом, юз очдиларда бажариладиган удумлар, айтиладиган панд-насиҳатлар, маслаҳатлар жуда катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Энг асосийси - ота-она шахсий ибрат намунасидир. Ота-онанинг ўзаро муносабати, бир-бирига ҳурмати, бир-бирига ёрдами, бир-бирини аяши - ана шунинг ўзи тарбиядир. Бу борада ҳам халқимиз гўзал тажрибаларга эга. Масалан, Бобур Мирзонинг онаси қутлуғ Нигорхоним, опаси Хонзодабегим, хотини Моҳимбегим билан мулоқоти мақтовга лойиқдир. Амир Темурнинг Бибихонимга муносабати ҳам ўрганса, ҳавас қилса арзийдиган мнособатдир. Бибихоним Амир Темурнинг чет эллик элчиларни қабул қилиш маросимида ҳам қатнашган. Ёки Бобур онаси қутлуғ Нигорхонимга “Ҳазрат онам”, опасига “бегим” деб ҳурмат билан мурожаат қилган. Ўз навбатида онаси ва опаси ҳам Бобурга “Ҳазрат ўғлим”, “Ҳазрат укам” деб мурожаат қилишган.

Ота-онанинг ёши катталарга, кичикларга, қариндош - уруққа, қўни-қўшнига муносабати ҳам фарзандлар учун сабоқдир. Фақат муносабати эмас, қилган ишлари ҳам болалар учун ўрнакдир [2].

Маънавий меросимизга назар ташлайдиган бўлсак, Абу Райҳон Беруний ўзининг “Ҳиндистон” асарида ўз қизларига шундай насиҳат қиладилар, яъни қизларини оилавий ҳаётга руҳан тайёрлайдилар: “Эй қизим, сен ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш хонадонга кетмоқдасан, сен бўлажак куёвингнинг ҳамма хусусиятларини билмайсан. Сен ер бўлсанг, у осмон бўлади. Демак, сен у билан шундай йўл тут, унинг олдида ер каби камтар бўлсанг, у осмон каби олижаноб бўлади. Осмон шифоли ёмғири билан ерни кўкартиргани каби у ҳам ўз меҳри билан сени хушнуд этади. Эринг сендан фақат юмшоқ ва ширин сўзлар эшитсин, ярамайдиган ёки эски либосда, сочларинг тартибга солинмаган ҳолда унинг олдида ўтирма... Яхшиси сен у билан хушмуомалада ва ширин сўзли бўлгин... бу ишинг

ҳар қандай сеҳр-жодудан яхшидур. Сувдан тез-тез фойдалангин. Ўзинга хушбўй нарсалардан оро бер. Покизалик ҳамиша йўлдошинг бўлсин” [3].

Берунийнинг қизига берган бу панду насиҳатлари ўнинчи асрга тегишли бўлишига қарамай, улар ҳозирги кунда ҳам оила қуриш олдида турган ҳар бир қиз учун бахтли турмуш қуришнинг калити бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон оилавий ҳаётга алоҳида, ишлаб чиқариш фаолиятига алоҳида, жамият ҳаётига алоҳида тайёрланмайди. Шахс қисмларга бўлиб тайёрланмайди ва тарбиянинг бирор соҳасида оқсаши бошқа соҳаларнинг натижаларига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Инсон ҳаётининг ҳар бир соҳаси ҳамда ҳар бир фаолият тури унга ёш авлодни турмушга тайёрлашни ҳисобга олишни талаб қилади.

Халқ педагогикаси бир томондан ҳар томонлам ривожланган шахсни, яъни ахлоқий ва меҳнат тарбияси асосида тарбиялашни, иккинчи томондан ёш инсонни оилавий ҳаёт учун зарур бўлган билим ва малака билан қуроллантиришни назарда тутади. Болалар турмуш жараёнида катта авлоддан ўзга жинсдаги инсонга муносабат ҳақида, никоҳ ҳақида, оила ҳақида тақлидан анча билимларни ўрганиб олади, аҳлоқ меъзонларини ўзлаштиради. Уларда ўртоқлик, дўстлик, ор-номус, қадр-киммат туйғуси эрта ривожлана бошлайди. Бу эса уларнинг олий инсоний туйғу - муҳаббат ҳақида, никоҳ - оила муносабатлари ҳақида тасаввурларининг тўғри шаклланишига ёрдам беради [4].

Хозирда педагогикада ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг омиллари қуйидагилар:




## АДАБИЁТ


1. Гаппаров Б.Н., Жуланов И.О. “Ёшларни оилага тайёрлаш”. “Замонавий тадқиқотлар, инновациялар, техника ва технологияларнинг долзарб муаммолари ва ривожланиш тенденциялари” мавзусидаги Республика миқёсидаги илмий-техник анжуман. Жиззах. 10-11.04.2020, 1-том. 343-344 бетлар.
2. А.Я.Хатамов IX “Халқ педагогикасида ёшларни оилага тайёрлаш” Международная научно-практическая конференция «Global science and innovations 2020: Central Asia», г.Нур-Султан (Астана), Казахстан. 22.06.2020 г. Стр.14-17.
3. И.Ғайбуллаев ва бошқалар. “Педагогика”. Маърузалар матни. Тошкент. 2000. 344-бет.
4. Г.А.Ҳайдарова, К.У.Пардаева, Б.Н.Гаппаров “Халқ педагогикаси”. Ўқув қўлланма. Тошкент. “Тафаккур” нашриёти. 2009 йил.151-153 бетлар.
5. М.Р.Алишбоева “Ҳозирги кунда ёшларни оилага тайёрлаш педагогика ёрдамида ечадиган масалалари”. “Таълим фидойилари” илмий-услубий журнал 2021 йил.2-сон, 2-жилд, 2-қисм, 593-598 бетлар.

# МАҲАЛЛА ТИЗИМИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

**Алимова Мавлуда Шухратбековна –иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими бошлиғи,**
**Запарова Зулхумор Қодировна – тарих ўқитувчиси.**
**Андижон давлат университети, Андижон туман 47-мактаб.**

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада жамоатчилик назоратининг маҳалла тизимидаги кўринишлари, уларни шаклланиб ривожланиши тўғрисида қисқача маълумотлар келтирилган.*

***Аннотация:*** *В данной статье представлен краткий обзор проявлений общественного контроля в системе махалля, их становления и развития.*

***Resume:*** *This article provides a brief overview of the manifestations of public control in the makhalla system, their formation and development.*

***Калит сўзлар:*** *маҳалла, жамоатчилик назорати, диний уламолар оқсоқол, сайлов, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамият, ҳокимият.*

***Ключевые слова:*** *махалля, общественный контроль, духовенство, старейшины, выборы, НПО, общество, правительство.*

***Keywords:*** *mahalla, public oversight, clergy, elders, elections, NGOs, society, government.*

Маҳалла қадим замонлардан бошлаб ривожланиб келаётган, шарқ анъаналарини ўзида акс этирган ижтимоий институтдир. Баъзи манбаларда дастлабки маҳалла эрамиздан илгариги II асрда вужудга келган, деган тарихий манбалар учрайди. “Маҳалла” ибораси (арабча محلة) “жой”, “қароргоҳ”, “шаҳар квартали” маъноларини беради.  У турли минтақаларда маҳаллот, жамоа, элат, элод каби атамалар билан ифодаланган. Ўзбекистонда эса маҳалла қадимдан жамоа бўлиб яшаш маъносини беради. Марказий Осиёда ҳар бир маҳалла ёки шаҳарнинг маркази ёки марказлари одатда масжид ҳисобланган. Одамлар жамоаси яшаш тарзини мувофиқлашитувчи куч – бу маънавий ҳаёт меъёрлари ҳисобланган. [1]

Жамоатчилик назоратининг дастлабки кўринишлари қадим замондан бошлаб маҳаллада шаклланиб ва ривожланиб борган. Маҳалла бошлиғи, унинг маслаҳатчилари, диний уламолар дастлаб раиятнинг шариат мезонларига амал қилиши назорат қилинган. Даврлар ўтиши билан одамлар маҳалла оқсоқоли ва бошқа бошқарувчиларни сайлаш ҳуқуқини олган. Албатта, бу каби сайловларларда овоз бериш оддий аҳолининг жамоатчилик назорати сифатида шаклланди. Кейинчалик аҳоли томонидан маҳалла бошлиқларини иш фаолиятини назорат қилиш бошланди.

Ўзбекистон ҳудудида қадим даврлардан бошлаб жамоатчилик назоратининг турли шакллари пайдо бўлган. Илк ўрта асрларда ислом

динини кириб келиши, диний жамоаларни фаоллашуви, масжидларни кўпайиши, жамиятни шариат асосида бошқариш зарурати ўша даврларда жамоатчилик назоратининг илк шаклларини пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бу даврларда маҳаллий ҳокимият органларини назорат қилиш шариат асосида диний уламолар томонидан амалга оширилган. Маҳалла ва қишлоқларда эса турли диний маросимларда маҳаллий амалдорларнинг фаолиятига оид муҳокамалар – ўзига хос жамоатчилик назоратининг шакли амал қилган.

Тарихий асарлардан маълумки, деярли давлатчилик шаклланиши билан бир вақтда маҳаллага шариатга биноан ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи берилган. Барча шаҳарларда маҳалла аҳолиси маҳалла оқсоқолини ўзлари сайлаган. Маҳалла аҳли томонидан оқсоқол маҳалла аҳолисининг маиший, ижтимоий турмушига оид масалаларни ҳал этишга масъул бўлган. Шунингдек, оқсоқол маҳаллада тартиб сақланишида шаҳар ҳокими вакили бўлган. Қишлоқларни кенгайиб бориши, уларда аҳолини кўпайиши натижасида уларга ҳам маҳалла институтига нисбатан зарурат туғилган.

Ўзбекистонда жамоатчилик назоратининг ўтмишдоши – собиқ иттифоқ даврида тузилган ва фаолият юритган халқ назорати ҳисобланади. 1979 йил 30 ноябрда “СССРда халқ назорати тўғрисида”ги қонунга мувофиқ халқ назорати таркибига жамоат ташкилотлари вакиллари билан бир қаторда давлат ҳокимияти органлари вакиллари ҳам кирар эди. Совет бошқарув тизимининг хусусиятига биноан совет жамиятининг ҳамма соҳалари режалаштирилганлиги туфайли халқ назорати органларининг асосий вазифаси “СССРда халқ назорати тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасига биноан “иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш давлат режаларини ва режалардаги вазифаларни бажарилишини” назорат қилиш эди.

Совет ҳокимиятининг охирги даврида ҳам халқ назоратига “халқ манфаатларини ҳимоя қилишда, ишга давлат нуқтаи назаридан ёндашишни тарбиялаш, халқ мулкига омилкорлик билан муносабатда бўлишда уларнинг сиёсий етуклиги ва фаоллигини ривожлантиришнинг муҳим шакли” сифатида қаралди.[2] Кўриниб турибдики, иттифоқ даврида халқ назорати авваламбор иқтисодий муаммоларни ҳалқ қилишга ёрдамлашишга қаратилган назорат шакли эди.

“СССРда халқ назорати тўғрисида”ги қонунга кўра халқ назоратчиларининг муҳим ва биринчи даражали иш йўналиши “давлат аппарати ишини такомиллаштириш, меҳнат ва бошқарувни илмий тарзда ташкил этишни жорий этиш, давлат бошқаруви органлари қабул қилган қарорларни ижросини текширишни яхшилаш”дан иборат эди. [3]

Марказдаги халқ назоратига оид меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистон ССР қонунчилигига ҳам кўчиб ўтган эди. Демак, республика ҳам марказ, ҳам

республика қонунларига амал қилиши талаб этилар эди. Албатта, бу даврдаги қонунчилик хужжатлари қоғозда эди. Аслида халқ назоратини тузиш, унинг меъёрий асосларини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш КПСС ва унинг қуйи органлари тасарруфида эди. Шунинг учун партия ташкилотлари халқ назорати органларига ўзлари мақбул деб ҳисоблаган ҳар қандай топшириқларни бераверар эди. Бунда авваламбор партия дастури манфаатларидан келиб чиқилар эди. Бу ташкилотлар кўпроқ қонунлар ижроси ёки ижроия ҳокимияти тузилмаларини назорат қилишдан кўра партия топшириқларини бажарувчи орган сифатида намоён бўлди. Бу назорат шаклида кўпроқ фуқаро ҳуқуқи ва эркинлиги эмас, балки унинг бурчи ва вазифасига масъуллик биринчи ўринда турар эди.

Мустақиллик даврига келиб мамлакатда фуқаролик жамияти қуришнинг асосий стратегик пировард мақсад сифатида эълон қилиниши натижаси унинг муҳим институти сифатида демократик тамойиллардаги жамоатчилик назоратини шакллантиришга зарурат туғилди. Мустақилликнинг дастлабки даврида собиқ маҳалла қўмиталари “маҳалла фуқаролар йиғини” (МФЙ) сифатида тубдан ислоҳ этилди.

Мустақилликнинг дастлабки 25 йилида маҳаллага оид 50 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, иккита — «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Бу даврда ўн мингга яқин ўзини ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ваколатлари тобора кенгайиб борди. Даставвал маҳаллалар асосан, фуқароларнинг мурожаатлари асосида иш кўриб келган бўлса, кейинчалик улар “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддасига асосан, йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти доирасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари бўйича тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш ҳуқуқига эга бўлди. Мазкур механизм жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфияти, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситасига айланди. Маҳаллалар ёшларни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ислоҳотлар моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш, уларни турли зарарли оқимлар таъсиридан

ҳимоялаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, болалар ва ёшларни спорт билан шуғулланишга жалб этишга ҳам муносиб ҳиссаларини қўша бошлади.

Шунингдек, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг аҳамияти тобора ортиб борди. Ҳозирги вақтда жамоат фонди таркибида 14 та ҳудудий бўлим, 196 та туман ва шаҳар бўлинмалари фаолият кўрсата бошлади.[4]

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг 10-моддасига биноан ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик назоратини амалга оширишга оид ваколатлар берилди. Лекин 1991-2016 йилларда МФЙ оқсоқоллари ва йиғинларига жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун берилган ваколатлар аксар ҳолатларда ишламади. Чунки, маҳаллий ҳокимият органларида вакиллик органлари билан ижроия ҳокимияти тузилмаларини бирлашиб кетганлиги, вилоят, шаҳар ва туманларда ҳокимиятларнинг бир-бирларини тийиб туриш ва бир-бири билан мувозанатда бўлиш принципларига амал қилинмаганлиги учун ўзини ўзи бошқариш органлари авторитар бошқарув исканжасида қолди. Бу ҳолат уларнинг жамоатчилик назоратини амалга ошириш ресурсларига эга бўлишига имкон бермади. Бу каби ҳолатнинг пайдо бўлишига яна мамлакатда фуқаролик жамияти институтларининг ривожланмаганлиги, уларнинг ижроия ҳокимиятидан мустақил эмаслиги, бу институтларнинг фаолият юритиши учун ҳуқуқий ва сиёсий шарт-шароитларнинг етарли эмаслиги сабаб бўлди.

Шу билан бирга, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, корхона, муассаса ва ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари устидан миллий хавфсизлик идоралари вакилларининг кураторлик вазифасини бажаришга сафарбар қилинганлиги натижасида маҳалла оқсоқолларида ташуббускорлик ва фаоллик сифатлари ривожланмади. Қолверса, МФЙнинг ўзидаги кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммолар, улар раҳбар кадрларининг оз сонли қилиб белгиланиши, уларнинг иш ҳақини камлиги сабабли бу соҳада ҳеч қандай мотивациявий омиллар яратилмаган эди.

2012 йилда Интернет ижтимоий тармоқларида тарқалган Нурилло Остоннинг қуйидаги таҳлиллари ўша давр ҳолатини чуқурроқ англашга ёрдам беради: "Барча ривожланган давлатларда бошқарув тизимида фаолият кўрсатаётган раҳбарлар, ҳатто Президент жамоатчилик назоратида бўлади. Масъул вазифада ишлаб турган амалдор мансабини суистеъмол қилса, ҳаддидан ошса, жамоатчилик таъсирида унинг ковуши тезда тўғрилаб қўйилади. Бизда жамоатчилик назорати деган ибора энди-энди шаклланиб келаяпти.

...Хуллас, у эмас бу эмас, бундай нохуш ҳолатларнинг ҳаммаси Президентимиз айтганидай, жамоатчилик назорати бўлмаганлиги, хато-камчиликлар очиқ-ошкор айтилмаганлиги туфайли содир бўлди. Жамоатчилик назоратини кучайтириш, шу орқали раҳбар томонидан қилинаётган ишларнинг ошкоралиги унинг халқ олдидаги обрўсини оширади. ...Замон ўзгараяпти, дунёқарашлар ўзгараяпти. Ошкоралик, адолат, ҳалоллик устивор бўлмаган жойда қабоҳат ва пасткашликлар кучаяди. Бу эса жамиятни таназзулга олиб келади".[5]

**2010 йил 12 ноябрда биринчи Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги** "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли **маърузасида "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонунни** қабул қилиш фурсати етди. Қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарур" [6] деб таъкидланган эди.

Лекин, бу қонун қабул қилинмади. Шунинг учун ҳам бу даврда мамлакатда жамоатчилик назорати ривожланмади. Фақат 2018 йилга келиб Президент Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ни қонун қабул қилинди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Узбекская махалля – пережиток прошлого или действенный институт гражданского общества. 17 сентября 2019 й.// https://yandex.uz/turbo/ia-centr.ru/s/experts/sanzhar-saidov/uzbekskaya-makhallya-perezhitok-proshlogo-ili-deystvennyy-institut-grazhdanskogo-obshchestva/.

2. XXVII съезд Коммунистической партии Советского Союза, 25 февраля – 6 марта 1986 г.: стенографический отчет. Т. 1. М.: Политиздат, 1986.-С.595.

3. Закон о народном контроле СССР от 30 ноября 1979 года: с изм. и доп., внесенными Указом Президиума ВС СССР от 01.04.1987. URL: http://www.zaki.ru/pagesnew.php?id=1814.

4. Саидов А. Жамият ривожланишининг янги босқичида.// http://parliament.gov.uz/upload/iblock/5a3/owshgfygcncm%20jajuzolbizsmumasxmzlistpxrwafz%20mpawjalu%20bttugogghethqczjrx-aoxfojuofeoryq.pdf.

5. Остон Н. Жамоатчилик назорати (ҳажвия).// https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/nurullo-oston/nurullo-oston-jamoatchilik-nazorati-hajviya/.

6. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси// **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси** (12.11.2010 й).// https://lex.uz/library/127.

# ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БОШҚАРИШ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛАЁТГАН УСУЛЛАР

**Ф.П.Азимова- катта ўқитувчи , Р.Махмудова- талаба**
**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти**

***Аннотация.*** *Мақолада тўқимачилик корхонаси фаолият самарадорлигини бошқариш жараёнида қўлланиладиган усуллар ўрганилган.*

***Калит сўзлар:*** тўқимачилик, самарадорлик, бошқариш, самара, уюшма, молиявий усул, бюджет бошқаруви усули.

***Аннотация.*** *В статье исследуются методы, используемые в управлении эффективностью текстильного предприятия.*

***Ключевые слова:*** *текстиль, эффективность, менеджмент, эффективность, ассоциация, финансовый метод, метод управления бюджетом.*

***Annotation***. *The article examines the methods used in the management of the efficiency of the textile enterprise.*

***Keywords:*** *textile, efficiency, management, efficiency, association, financial method, budget management method*

Сўнгги йилларда тармоқда рақобатнинг кескинлашиши сабабли унинг барқарор ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммолар чуқурлашиб борганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сонли “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Республикамиз енгил саноат корхоналари фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев томонидан белгилаб берилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” асосида амалга оширилмоқда.[ 1]

Бугунги кунда тўқимачилик корхоналари фаолияти самарадорлигини бошқариш жараёнида қўлланилаётган усул бюджет бошқаруви усули ҳисобланади.

Бюджетни бошқариш (бюджет бошқаруви) - бу бюджет орқали жавобгарлик марказлари томонидан корхонани бошқариш тизими бўлиб, ресурслардан энг самарали тарзда фойдаланиб, ўз мақсадларингизга эришиш имконини беради.

Ўз функционал вазифаларини бажариб, тўқимачилик корхонасининг ҳар бир бўлинмаси ўз ҳаракатлари билан даромад ёки харажатларнинг улуши кўринишидаги умумий молиявий натижага кўмаклашади. Даромад ёки харажатлар - бу бирликнинг функционал фаолият турига ва шунга мос равишда бўлинмалар эга бўлган бошқарув дастакларига қараб белгиланади.

Агар тўқимачилик корхонасининг барча бўлинмалари фаолиятидан олинган барча даромад ва харажатларни таққосласа, умумий молиявий

натижага эришилади. Функционал вазифаларни бажаришни даромад ёки харажатлар даражаси билан боғлаш ва шу билан бундай иккиёқлама жавобгарликни белгилаш орқали бирлик жавобгарлик марказига айланади. У ўз функционал вазифаларини шундай бажариши керакки, унда белгиланган молиявий жавобгарлик даражасига риоя қилинсин.

Бошқарув цикли босқичларига мувофиқ тўқимачилик корхонаси ўзининг ривожланиш мақсадларини белгилаб беради, улар ликвидлик, рентабеллик ва харажатларнинг аниқ молиявий жиҳатидан ифодаланади. Улар мақсадларга эришиш учун режалаштирилган барча қарорларни амалга ошириш мумкин бўлса, корхонанинг ҳолатини акс эттиради.

Тўқимачилик корхонаси ўз мақсадларига ташкилий тузилманинг бевосита ижрочилари — бўлинмалари орқали эришади. Мақсадлар эса ўз навбатида бюджетларда ўз аксини топади.

Тўқимачилик корхоналарида бюджетларни тузиш ва юритишдан мақсад компания фаолиятининг молиявий натижаларини режалаштириш ва ҳисобга олишдир.

Бошқарув объектига қараб бюджетлар тўқимачилик корхонаси бюджетларига, функционал ва оператив бюджетларга бўлинади.

*Корхона бюджети* жисмоний ва пул жиҳатидан кейинги давр учун тузилган маълумотларни режалаштириш, тўплаш ва фаолиятни таҳлил қилиш ва компаниянинг режалаштирилган даромадларни олиш учун зарур бўлган ресурсларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш воситасидир.

*Функционал бюджет* - компания фаолиятининг маълум бир жиҳатини тавсифловчи бюджет.

*Операцион бюджет* - молиявий жавобгарлик маркази (financial accounting center) нинг иш операцияларини тавсифловчи бюджет.

Бюджетларнинг предмети нуқтаи назаридан бюджетларнинг қуйидаги турлари ажратилади:

- пул маблағлари ва мажбуриятлар айланмасини тавсифловчи харажатлар бюджетлари;
- микдор ва қиймати жиҳатидан активлар айланмаси тавсифловчи натурал-киймат бюджетлари.

Бюджетлар бир хил турдаги хўжалик операцияларини режалаштириш ва ҳисобга олиш амалга ошириладиган бандлардан иборат.

Хўжалик фаолиятининг алоҳида соҳаларини бюджетлаштириш модели энг содда бўлиб, унинг мақсади корхона раҳбариятига назорат учун аҳамиятли бўлган корхона фаолияти соҳалари ҳақида маълумот беришдан иборат. Бундай модель бир нечта натурал ёки қийматли бюджетларга эга бўлиши мумкин.

Бу моделнинг моҳияти ташқи таъсирдан чиқариш ва ички ишлаш кўрсаткичларини ҳисоблаш асосида корхонанинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашдан иборат. Ушбу моделда самарадорлик ўсишининг асосий кўрсаткичлари харажатларни камайтириш орқали эришилган фойданинг ошишидир. Корхона ҳолатини таҳлил қилиш ўтган

даврларнинг ҳисобот маълумотлари асосида амалга оширилади, келгуси даврлар самарадорлиги олдиндан эришилган натижаларга бевосита боғлиқдир.

Ушбу модель доирасида турли ёндашувлар вакиллари.[2] мақоласида таклиф этилган ёки муаллифлар таклиф этган.[3]усули каби бир нечта асосий кўрсаткичларга асосланган ёки анъанавий иқтисодий параметрларнинг бутун мажмуини акс эттирувчи интеграл кўрсаткичларни ҳисоблайдиган ягона кўрсаткич асосида корхонанинг самарадорлигини аниқланди.[4]

*Молиявий оқимларни бюджетлаштириш* - бу модель эҳтимол, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасида энг кенг тарқалган. Бу унинг қуйидаги афзалликларига боғлиқ:

- бюджетларнинг кичик сони ва улар ўртасидаги алоқалар туфайли амалга оширишнинг юқори тезлиги;
- натижада, амалга ошириш нисбатан паст баҳо;
- бу модель ликвидлиги бошқариш рентабеллик ёки қиймат бошқариш кўпроқ тегишли бўлган ўсиб бораётган «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси иқтисодиёти учун, айниқса, жавоб беради.

*Товар оқимини бюджетлаштириш модели* олдинги бюджет моделларига қараганда мураккаброқ. Бироқ, бу модель тўқимачилик корхонаси учун энг муҳим кўрсаткични - асосий фаолиятнинг фойдалилиги рентабеллигини бошқариш имконини беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати**

1.Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”. 2017й

2.Лумпов Н. А. Фондирование как метод управления затратами // Финансовый менеджмент. – 2007. – № 4.

3..Булгакова Л. Н. Исследование и доработка существующей системы экономических показателей // Финансовый менеджмент. – 2001. – № 6.

4.Васильев А. В. Интегральный показатель эффективности экономической деятельности предприятия. – Электронный ресурс. – URL: http://ekonomika. ru/articles/integralnyj-pokazatel-effektivnosti-ekono micheskoj-deyatelnostipredpriyatiya-2160.html.; Паневина Е. М. Оценка эффективности управления предприятием с помощью интегрального критерия // Российское предпринимательство. – 2009. – № 11. – Вып. 2 (147). – С. 56–

# ЖАМИЯТИМИЗДА СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР МАСАЛАСИ

**Гаппаров Беҳзод Нематиллаевич**
**Жиззах политехника институти катта ўқитувчиси**
**Telefon:+998(99) 556 06 50**
**E-mail: gapparov1174@mail.ru**

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари, айниқса бошланғич таълими ўқитувчиларига ўқувчиларнинг касб танлаши масаласига алоҳида эътиборни қаратиш хусусида қисқача фикр юритилган.*

***Калит сўзлар:*** *таълим, тарбия, маънавият, мафкура, мерос, маданият, халқ анъаналари, тарих, достон.*

***Аннотация:*** *в этой статье кратко обсуждается необходимость того, чтобы учителя общеобразовательной средней школы, особенно учителя начальной школы, уделяли особое внимание выбору учащимися карьеры.*

***Ключевые слова:*** *образование, воспитание, духовность, идеология, наследие, культура, народные традиции, история, эпос.*

***Abstract:*** *this article briefly discusses the need for mainstream secondary school teachers, especially primary school teachers, to pay particular attention to students' career choices.*

***Key words:*** *education, upbringing, spirituality, ideology, heritage, culture, folk traditions, history, epic.*

Бизга маълумки, И.А.Каримовнинг “Фарзандларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатидан уйғун ривожланган, замонавий билим ва тажрибаларни пухта эгаллаган, Ватанимиз ва халқимиз келажаги учун маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол инсон бўлиб вояга етиши учун қўлимиздан келган барча-барча ишларини амалга оширишдан иборатдир” деган фикри давлатимизнинг таълим-тарбия соҳасидаги сиёсатининг асосини ташкил қилади.

Бу борада фикрлайдиган бўлсак, соғлом авлодни вужудга келтириш оиладан бошланади, шунинг учун оилани мустаҳкамлаш борасида конституциямизда қуйидаги моддалар мавжуд:

**63-модда.** Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

**64-модда.** Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиши ва тарбиялашга мажбурдирлар.

**66-модда.** Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Ушбулардан келиб чиқиб, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 66-модда фақат бизнинг конституциямиздагина бор.

Мустақиллик йилларида соғлом авлодни вужудга келтиришда мамлакатимизда қатор дастурлар қабул қилинди. Жумладан, “Она ва бола скрининги” дастури, “Соғлом она – соғлом бола” дастури, “Соғлом бола йили” давлат дастурларини олиш мумкин.

Яқин тарихга назар ташлайдиган бўлсак, 2014 йил якунларига кўра “Соғлом бола йили” давлат дастури доирасида 4,8 триллион сўм ва 280 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарф қилинди, шундан:

- 13 миллион 600 мингдан зиёд аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Бунинг натижасида 2,8 миллион аёл ва 2,5 миллион бола соғломлаштирилди;
- Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида ўтказилган мураккаб операциялар туфайли 100 нафар боланинг эшитиш қобилияти тикланди;
- Скрининг марказлари томонидан 20 мингдан зиёд нуқсонли бола туғилишининг олди олинди;
- Бу йил миллий эмлаш календарига ротавирус вакцинаси киритилиб, қарийб 300 минг бола ушбу вакцина билан эмланди;
- Ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш, уни қуриш ва реконструкция қилиш, узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарларни ҳарид қилиш учун қарийб 215 миллиард сўмлик ипотека кредитлари ва 57 миллиард сўмлик фоизсиз қарз маблағлари ажратилди;
- Чекка қишлоқларда “Гўзаллик салон”лари, таъмирлаш ва тикув цехлари, маиший техникаларни тузатиш шаҳобчаларидан иборат 150 дан ортиқ хизмат кўрсатиш комплекслари барпо этилди (Даракчи. № 48. 25.12.2014)

Мустақиллик йилларида оналар ўлими 3,1 баравар, гўдаклар ўлими 3,2 баравар, нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 баровар камайди.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу ютуқлар Ўзбекистоннинг дунёда болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик қиладиган ўнта мамлакат қаторидан жой олишини таъминлади.

Интеллектуал салоҳият омилларига нафақат оила – озиқ-овқат, насл, оилавий тарбия балки таълим берувчи устоз маҳоратига ҳам боғлиқ.

Шунинг учун ҳозирги кеча-кундузда олий таълим муассасалари битирувчилари, ўқитувчилар олдида ҳам таълим-тарбия самарадорлигини ошириш борасида қатор вазифалар қўйилмоқда.

Юқорида баён қилинганларни ҳисобга оладиган бўлсак, умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари, айниқса бошланғич таълими ўқитувчиларига ўқувчиларнинг касб танлаши масаласига алоҳида эътиборни қаратиш масаласи ўртага қўйилмоқда. Касб танлашга тўғри йўллаш учун:

- Мамлакатнинг қандай касб эгаларига эҳтиёжи борлиги;
- Ўқувчининг лояқатини аниқлаб, унинг қандай касбга мойиллигини борлигини ўзига тушунтириши;
- Касблар ҳақида батафсил маълумот бериши;
- Мамлакатимиз сиёсатидаги устивор йўналишлар ҳақида ўқувчиларга тушунчаларни доимо сингдириб бориши зарур.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳатлар мазмуни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурида кўрсатиб ўтилган. Бу дастур 2015 йил 16-январда ўтказилган 2014 йил якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор вазифалари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан ўқилган маърузада айтилган фикрлар асос қилиб олинган.

Юқорида билдирилган фикрларни жамлаган ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, ҳозирги кунда бозор муносабатлари талабларига жавоб берувчи, аниқ мақсадни олдига қўйган, интелектуал салоҳияти юқори бўлган ёш авлодни тарбиялаш ушбу мавзусини танлашга педагогик муаммо сифатида асос қилиб олинди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” Тошкент. “Маънавият”. 2008 йил.
2. Г.А.Ҳайдарова, К.У.Пардаева, Б.Н.Гаппаров “Халқ педагогикаси”. Ўқув қўлланма. Тошкент. “Тафаккур” нашриёти. 2009 йил.
3. И.А. Каримов “Юксак салоҳиятли авлодни тарбиялаш – энг муқаддас мақсад”, “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизатсия қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги (2012 йил 17-февралда) халқаро конференсиянинг очилиш маросимидаги нутқи. Халқ сўзи. № 35 18-феврал 2012 йил.
4. Ғуломов С.С. “Мустаҳкам оила – билимга таянган инноватсион иқтисодиёт асоси”. Таълим тизимида сифат менежменти. Низомий номли ТДПУда малака ошириш курсида ўқиган маърузаси. 2013 йил январ.
5. Каримов И.А. “Амалга ошираётган ислоҳатларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг

асосий омилидир” Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Жиззах ҳақиқати № 99, 7-декабр 2013 йил.
6. Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суратлари билан ривожлантириш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳатлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. 2014 йил 17 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган йиғилишдаги маърузаси. Жиззах ҳақиқати № 8, 22 январ 2014 йил.
7. Khidirov, K. I., Ortikov, O. K., Yodgorov, Z. S., & Ernazarov, A. A. (2015). Military management and army structure of Sheybanids. In The Fourth International conference on development of historical and political sciences in Eurasia (pp. 8-11).
8. Ачилова С.С. “Таълим фидойилари” илмий-услубий журнал. Тошкент. 3-сон, 1-жилд, февраль 2021 йил.

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТНИНГ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ МОҲИЯТИ

**Гаппаров Беҳзод Нематиллаевич**
**Жиззах политехника институти катта ўқитувчиси**
**Telefon:+998(99) 556 06 50**
**E-mail: gapparov1174@mail.ru**

***Жамиятда ўқитувчи касби энг нуфузли ва обрўли касб бўлиши лозим.***
***Ш.Мирзиёев***

***Аннотация:*** *ушбу мақолада бозор муносабатлари талабларига жавоб берувчи, аниқ мақсадни олдига қўйган, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган ёш авлодни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги хусусида фикрлар билдирилган.*

***Калит сўзлар:*** *жамият, тафаккур, билим, таълим, тарбия, интеллектуал солоҳият, маҳорат, технология.*

***Аннотация:*** *в статье подчеркивается важность воспитания молодого поколения с высоким интеллектуальным потенциалом, отвечающего требованиям рыночных отношений, с четкой целью.*

***Ключевые слова:*** *общество, мышление, знания, образование, воспитание, интеллектуальная компетентность, умение, технология.*

***Abstract:*** *the article emphasizes the importance of educating the young generation with high intellectual potential, meeting the requirements of market relations, with a clear goal.*

*Key words: society, thinking, knowledge, education, upbringing, intellectual competence, skill, technology.*

Бизга маълумки, маданият ва санъат — жамиятнинг бебаҳо хазинаси, у инсон тафаккурининг буюк кашфиётидир. Бу соҳалар ижод ва маҳоратнинг, тинимсиз изланишнинг энг олий даражасида яратилгандагина инсон кўнглини ишғол қила олади. Ижодий тафаккур ва қобилият эгалари эса инсонлар кўз ўнгида ҳайратлар яратадилар, инсонга мислсиз куч-ғайрат ато этадилар.

Чунки улар узоқ тарихга бориб тақаладиган миллим урф-одатларимиз, анаъаналаримиз, халқ оғзаки ижодиёти, классик, мумтоз, замонавий қўшиқчилик, миллий мақом, бахшичилик, музейлар ва театрлар, концерт ташкилотлари, ижодий жамоаларнинг фаолиятини тартибга солувчилар, халққа етказиб берувчилар саналадилар. Зеро, ҳар бир халқнинг санъати шу халқни дунёга танитади, жаҳон саҳналарида шу халқнинг номидан сўз айтишга шароит яратади.

Ўзбекистон мустақиллигининг 29-йиллиги тантаналарида Муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев юртимизда Учинчи Ренессанс даврига пойдевор қўйилаётганини алоҳида таъкидладилар. Илму ижод ҳар қандай қуролдан, ҳар қандай табиий бойликдан, ҳар қандай кучдан афзал эканлиги, маърифатли, теран тафаккурли миллатнинг эртаси ёруғ бўлмоғини эътироф этдилар. Бу - ёшларнинг илму ижод чўққиларини эгаллашлари, дунё саҳнида Ўзбекистон номидан бўй кўрсатишлари учун олиб борилаётган ҳар қандай ташаббус кенг қўллаб-қувватланишининг исботидир.

Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс даврининг талаби - замон билан ҳамнафас, дунё ёшлари билан билим тафаккур борасида беллаша оладиган, мустақил фикрлайдиган, тафаккури, диди баланд, хорижий тиллар билимдони, ҳар тарафдан етук ёшларни тарбиялаш-бугунги куннинг кечиктириб бўлмас вазифасидир. Улуғ мутафаккирлардан бири Абу Наср Форобийнинг ***“Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади, тарбия эса амалий иш, тажриба билан бўлади”***, деган пурҳикмат сўзлари ҳар бир истеъдод эгасининг ижоди билан, амалий ишлари билан ўрнак бўлишини талаб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларининг бошиданоқ И.А.Каримов иқтисодий мустақилликка эришиш бир кунда бўлмаслигини назарда тутган ҳолда кадрлар масаласига асосий эътиборни қаратди. Шунинг учун кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий асоси бўлган “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури тўғрисида”ги қонунларни чиқарди.

“2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг давлат умуммиллий дастур”нинг эълон қилиниши республикамизда мактабларимизнинг моддий техник базаси – бинолари, ўқув қуроллари ва кадрлар билан таъминланиши ҳамда ўқув жараёнини янги меъёрий ҳужжатлар – давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлар яратилиши муҳим ҳодиса ҳисобланади. Республика бўйича 9 мингдан зиёд умумтаълим

мактаблари янги лойиҳа асосида қайта қурилди, реконструкция қилинди. Бунга жуда катта маблағ сарфланди. Бунга ҳаражат қилиш нима учун керак эди деган савол туғилиши табиий. Бунинг сабабини И.А.Каримов томонидан айтилган “Фарзандларимиз бизданда кучли, ақлли ва соғлом бўлиши керак” деган фикридир. Мамлакатимизнинг таълимга берган эътибори ўз самарасини бера бошлади.

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимида олиб борилаётган давлат сиёсатини кўплаб чет элликлар тан олмоқда. Бунинг амалий исботини 2012 йил 17-18 февралда Тошкентда БМТ, Осиё тараққиёти банки (ОТБ), Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки ва Буюк Британия, Германия, Италия, АҚШ, Япония, Россия, Жанубий Корея каби жаҳоннинг 48 мамлакати вакиллари иштирок этган узлуксиз таълим ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга бағишланган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференциянинг ўтказилишидир.

Шу ўринда таълим соҳасига эътибор бўйича Ўзбекситоннинг 141 мамлакат ичида иккинчи ўринни эгаллаши ҳам эътиборга сазовордир.

И.А.Каримов томонидан айтилган “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур” деган фикр ҳозирги пайтда ижтимоий соҳада олиб борилаётган давлат сиёсатининг асоси бўлиб қолмоқда. Чунки интеллектуал салоҳиятни оширишда озиқ-овқат, оила, таълим-тарбиянинг ўрни бир хилдирдир.

Инсон комиллигининг мезонларини эслайдиган бўлсак жисмонан соғлом, ақлан етук, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган фарзандларимизгина Ўзбекистоннинг келажагини белгилайди.

Жисмонан соғлом авлодни вояга етказиш учун соғлиқни сақлаш тизимида она ва бола соғлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели шакллантирилди. “Соғлом она – соғлом бола” дастури амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда даволаш, профилактика муассасаларини модеронизация қилиш ва энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун 750 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оналар ўлими 3,1 баравар, гўдаклар ўлими 3,2 баравар камайди. “Она ва бола скрининги” дастурини амалга ошириш натижасида туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 баробар камайди.

Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик қиладиган ўнта мамлакат қаторидан жой олганлиги бежиз эмас.

***Интеллектуал солоҳият*** (ақлий етуклик даражаси) омиллари насл, озиқ-овқат, ўқитувчи маҳорати каби компонентларга боғлиқ насл, озиқ-овқатга оила жавобгардир.

Ўқитувчи маҳоратига эса таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар жавобгардир.

Ўқитувчининг вазифаси фақат ўқитишдан иборат эмас, балки мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳатларнинг мазмунини ва мақсадини ҳар бир ўқувчининг англаши ва тушуниб етишишига эришишдир.

***Ҳозирги кундаги ислоҳатларнинг мазмуни:***

- Ишлаб чиқариш жараёнларини техник ва технологик қайта жиҳозлаш;
- Ҳар бир соҳада тежамкорлик тизимини жорий қилиш;
- Энергияни кам истеъмол қилувчи техника ва технологиялардан фойдаланиш;
- Ҳар бир соҳага ахборот-коммуникацион технологияларни жорий қилиш;
- Таълим тизимида янги педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқорида санаб ўтилган масалаларнинг барчаси – бозор муносабатлари талабларига жавоб берувчи, аниқ мақсадни олдига қўйган, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган ёш авлодни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


4. Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон мустақиллигининг 29-йиллиги тантаналарига бағишлаган тадбирда сўзлаган нутқи. 2020 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуни. 1997 йил. 12-моддаси.
6. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонуни. 1997 йил.
7. “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг давлат умумтаълимий дастури”. 2004 йил.
8. И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга 17 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган тантанада ўқиган маърузаси (5 декабр 2009 йил).
9. Ҳайдарова Г.А., Пардаева К.У., Гаппаров Б.Н. “Халқ педагогикаси”. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2009 йил.
10. И.А.Каримов “Юксак салоҳиятли авлодни тарбиялаш – энг муқаддас мақсад”, “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизатсия қилишнинг энг муҳим шарти” маърузасидаги маърузаси (17-феврал 2012 йил).
11. И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 январдаги 2013 йил якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган йиғилишда ўқиган маърузаси.
12. Отаёров О. “Ақлий салоҳиятни ошириш сирлари” маърифат газетаси. № 101 (8646) 18-декабр 2013 йил, 12-бет.
13. Khidirov, K. I., Ortikov, O. K., Yodgorov, Z. S., & Ernazarov, A. A. (2015). Military management and army structure of Sheybanids. In The Fourth International conference on development of historical and political sciences in Eurasia (pp. 8-11).
14. Ғаффоров С.Т. “Таълим фидойилари” илмий-услубий журнал. Тошкент. 3-сон, 1-жилд, февраль 2021 йил.

# ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИНГ ҚУРИЛИШИДА ОИЛАНИНГ РОЛИ

**Дониёрова Азиза Маҳмудовна**
**Гулистон давлат университети магистранти**

***Аннотация***

*Мазкур мақолада оиланинг инсон ҳаётидаги аҳамияти, оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг объектлари, мазмуни уларнинг мулкий ва мулкий бўлмаган хусусиятдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларидан иборатлиги ҳақида фикрлар баён этилган. Давлат ва жамиятнинг қурилишида оиланинг роли ва оилани мустаҳкамлаш ҳатто бутун давлатни юксалтириш ва мустаҳкамлашга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида тавсиялар берилган.*

***Аннотация***

*В статье рассматривается значение семьи в жизни человека, объекты семейных правоотношений, содержание которых складываются из их имущественных и неимущественных прав и обязанностей. Были сделаны рекомендации о том, что роль семьи в строительстве государства и общества и в укреплении семьи может даже привести к подъему и укреплению всего государства.*

***Annotation***

*The article examines the importance of the family in human life, the objects of family legal relations, the content of which consists of their property and non-property rights and obligations. Recommendations were made that the role of the family in building the state and society and in strengthening the family may even lead to the rise and strengthening of the entire state.*

***Калит сўзлар:*** *ҳуқуқий муносабат, субъектлар, объектлар, фуқаролик қонунчилиги, юридик шахслар.*

Оила ҳар бир инсон ҳаётида ҳам, умуман жамият ҳаётида ҳам энг муҳим аҳамиятга эга. Оила энг муҳим ижтимоий функцияларни бажаради. Жамият фаровонлиги кўп жиҳатдан оила фаровонлиги ва оилавий муносабатларнинг ривожланишига боғлиқ.

Оила қонунчилиги оилани мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларни ўзаро севги ва хурмат, ўзаро ёрдам ва барча аъзолари оиласи олдида жавобгарлик туйғуларига асосланиб қуриш, оила ишларига кимдир ўзбошимчалик билан аралашишига йўл қўймаслик, оилавий муносабатларни ўрнатиш зарурлигидан келиб чиқади. Оила аъзоларининг ўз ҳуқуқларини тўсиқсиз амалга ошириши, ушбу ҳуқуқларни суд томонидан ҳимоя қилиш имконияти...

Оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари оила аъзолари, турмуш ўртоқлар (никоҳга кирган эркак ва аёл), қариндошлар (бир-биридан тушган ёки умумий аждодга эга бўлган шахслар), асраб олувчилар ва асраб олинган болалар, ҳақиқий тарбиячилар ва тарбияланувчилардир, ўгай оталар, ўгай оналар, ўгай ўғиллар, ўгай қизлар.

Оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг объектлари - бу оила аъзоларининг ҳаракатлари (оилавий ҳуқуқий муносабатлар субъектлари), шунингдек буюмлар.

Оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни уларнинг мулкий ва мулкий бўлмаган хусусиятдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларидан иборат.

Оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши (шунингдек, ўзгариши ва тугаши) учун қонуний фактлар - ҳаракатлар (масалан, никоҳ) ва ҳодисалар (масалан, бола туғилиши) муҳимдир. Шахсий ҳуқуқ тизимида оила ҳуқуқи фуқаролик қонунчилиги билан бир қаторда мустақил ўринни эгаллайди. [1]

Эътибор берадиган бўлсак, оилавий ҳуқуқнинг ўрни бўйича олимлар ўртасида бирдамлик мавжуд эмас. Улардан баъзилари оилавий ҳуқуқни мустақил тармоқ сифатида тан олмайдилар, бошқалари эса, аксинча, мустақиллигини оқлайдилар. [2]

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари деганда фуқаролик қонунчилиги нормаларига асосланиб, мулк, иш, хизмат ва номоддий имтиёзларга нисбатан вужудга келадиган юридик жиҳатдан энг, мулкка боғлиқ бўлмаган ва ташкилий жиҳатдан белгиланган субъектлар ўртасидаги боғлиқлик тушунилади.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини иккига бўлиш одатий ҳолдир. Мулкий ва шахсий номулкий. Биринчиси мулк тўғрисида, иккинчиси шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий  нарсалар тўғрисида пайдо бўлади.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида иштирок этиш учун субъект ҳуқуқий лаёқатга эга бўлиши керак. Жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий лаёқати туғилган кундан бошлаб, юридик шахслар эса - юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ягона давлат реестрига ёзув киритилган пайтдан бошлаб пайдо бўлади. Жамият субъектларининг ҳуқуқий лаёқати улар яратилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Фуқароларнинг ҳуқуқий лаёқати катта ёшдан бошлаб пайдо бўлади, яъни 18 ёшга тўлганида. Қобилиятли фуқаролар мустақил равишда фуқаролик ҳуқуқларидан фойдаланиши ва мажбуриятларни ўз зиммасига олиши мумкин.

Ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни ҳақидаги савол энг мунозарали масалалардан бири ҳисобланади. М.М. Агарковнинг сўзларига кўра, ҳуқуқий

муносабатларнинг мазмуни унинг иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларига асослангандир. [3]

Бошқа фуқаролик ҳуқуқи экспертларининг фикрига кўра, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг мазмуни ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи шахсларнинг субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларидан иборатдир. [4]

А.И. Загоровский оилавий муносабатлар бўйича тадқиқот олиб борган ва ўрганиш жараёнида оилавий муносабатлар жисмоний табий ва ахлоқий туйғу эҳтиёжларига, фуқаролик эҳтиёжлари эса иқтисодий эҳтиёжларга асосланган деб ҳақли равишда ишонган. [5]

Ушбу тизимда биринчи ўринда оила сўзи қўйилади. Агар классик оилавий қадриятлар жамиятда мамнуният билан қабул қилинмаса, агар никоҳ масалалари иккинчи даражага туширилса, бундай жамият ва умуман давлат деградация йўлида бўлади.

Оила - бу давлатнинг миниатюра модели. Шунингдек, у давлатни бошқариш шаклини акс эттиради. Оила давлатнинг барометридир. Муайян мамлакатларда никоҳ институтини ўрганиш, умуман давлат тўғрисида хулоса чиқаришга асос бўлаолади. Давлатнинг ҳар қандай иккиланиши оилада акс этади.

Давлат ва жамиятнинг қурилишида оила етакчи роль ўйнайди. Агар давлат сиёсати анъанавий равишда оила институтини мустаҳкамлашга қаратилган бўлмаса, бундай давлат ички ва ташқи инқирозга маҳкумдир. Кейинчалик бу давлатнинг таназзулига олиб келиши мумкин. Агар давлатда жамиятнинг бир бўлаги сифатида кучли ва барқарор оила ҳукмронлиги бўлмаса, давлат дарҳол ушбу йўналишда иш бошлаши керак. Айрим давлатни ташкил этувчи омиллар иккинчи даражага тушиб кетиши мумкин. Аммо оилани мустаҳкамлаш ҳатто бутун давлатни юксалтириш ва мустаҳкамлашга олиб келади. Шунингдек, кучли ва классик оилаларнинг мавжудлиги умуман иқтисодий вазиятга таъсир қилади. Оддий оила жамиятнинг асоси бўлганлиги сабабли, иқтисодий кўрсаткичлар ва умуман давлат ўсишининг кафилидир.

**Фойдаланилган адабиёти:**

1. Ласько Александр Игоревич № 6 (30) Июнь 2014«Политика, государство и право»

Кузнецова И.М. Семейное право: Учебник. — М., 1999;

2. Тарусина Н.Н.Семейное право: Учеб. пособие. — М., 2001 и др.

3. Агрков М.М. Обязательство по советскому граж-данскому праву. — М., 1940. С. 22. См.: Гражданское право: Учебник: В 2 т. Т. 1. / Отв. ред.

4. Суханов Е.А. 2-е изд., перераб. и доп. — М.: БЕК, 1998. С. 92.

5. См.: Загоровский А.И.Курс семейного права / Под ред. и с предисл. В.А. Томсинова. — М.: Зерцало, 2003. С. 2—3.

# ЁШЛАРНИ ҚУЛЛАБ - ҚУВВАТЛАШДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ МАЗМУНИ ВА СИФАТИ

**Рахматуллаев Мустафоқул - доцент,**
**Турабов Анвар Мавлонқулович - катта ўқитувчи**
**Жиззах политехника институти**

***Аннотация.*** *Мақолада ёшларни қуллаб қувватлашда таълим хизматлари мазмуни ва сифати, таълим тизимининг фаолияти жараёнида вужудга келувчи ички ва ташқи иқтисодий муносабатлар унинг иқтисодий категория сифатидаги моҳияти айтиб ўтилган.*

***Аннотация.*** *В статье описаны содержание и качество образовательных услуг в поддержку молодежи, внутренние и внешние экономические связи, возникающие в процессе функционирования системы образования, ее значение как экономической категории.*

***Annotation.*** *The article describes the content and quality of educational services in support of youth, internal and external economic relations that arise in the process of functioning of the education system, its importance as an economic category.*

Мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш, ишлаб чиқаришда модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишда таълим тизими муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнлари микёсини ортиши юқори малакали ва кўникмали ишчи кучига бўлган талабни кескин ўсишига олиб келади. Истеъмолчи таълим хизматлари мазмуни ва сифатини танлар экан, эгаллаган маълумоти, касбий тайёргарлигини меҳнат бозорида ва меҳнат фаолияти жараёнида ишга солиш жараёнида қандай фойда олиш мумкинлигидан келиб чиқади. Бундай фойда микдорини у муайян таълим хизматларидан фойдаланиш учун қилинган ҳаражатлар билан қиёслайди.

Иқтисодий адабиётлардаги таълим хизматлари хусусидаги илмий қарашлар тахлилида турли ёндашувлар мавжудлигини кўрсатади. У.Зиннуров таълим хизматлари деганда “умумтаълим ва махсус хусусиятга эга билимлар йиғиндиси сифатидаги ўқув ва илмий ахборот ҳажмини, шунингдек, шахсга муайян дастурлар бўйича бериладиган амалий кўникмаларни” тушунади. А.Х.Эшбаевнинг фикрича “...таълим тизимининг фаолияти жараёнида вужудга келувчи ички ва ташқи иқтисодий муносабатлар унинг иқтисодий категория сифатидаги моҳиятини ифодалайди”. Б.С.Рябушкин: “Ўқув юртлари ходимлари - жамиятнинг таълим хизматлари деб ном олган ўзига хос иқтисодий неъматларга бўлган эҳтиёжини қондиришади”, - деб ёзади. Г.Ахунова “Олий таълим

муассасаларининг фаолияти таълим хизматлари кўрсатишнинг икки, яъни бир томондан, шахснинг олий маълумот олишга бўлган эҳтиёжини қондириш; иккинчи томондан, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш нуқтаи назаридан туриб муҳокама этилади" деб таъкидлайди. БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти "таълим хизматлари" атамасига "ўзида таълимга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадларида амалга ошириладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ва мунтазам фаолиятнинг барча турлари маъносини ифода этади" деган таърифни беради. Бизнингча, таълим хизматлари деганда - инсон фаолиятининг муайян билимлар йиғиндисини олиш натижасида қўлга киритилган фойдали самарани, шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондирувчи, бозор ва нобозор  муносабатларни мужассамловчи аралаш неъматни тасаввур этиш мақсадга мувофиқ келади.

Таълим хизматларини тадқиқ қилишда классик ёндашувни қўллаш унинг қуйидаги хусусиятларини аниқлаш имконини беради: хис этмаслик; манбадан ажралмаслик; номунтазамлик (гетерогенлик); сақланиб қолмаслик; мулк ҳуқуқини йўқлиги. Таълим хизматлари барча хизматлар учун хос умумий жихатлар билан биргаликда бошқа хизматлардан фарқловчи қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

-таълим хизматларини индивидуаллаштириш;

-таълим хизматларининг аралаш неъмат сифати мавжуд бўлиши;

-таълим хизматларининг умумийлиги;

-уларни ишлаб чиқаришга нисбатан узоқ давом этиши;

-таълим хизмати кўрсатишга ҳақ тўлашни нормалашни қийинлиги;

-истеъмолчи ёшининг таълим хизматлари миқдор – сифат даражасига мувофиқлиги;

- ижтимоий истеъмол.

Таълим хизматлари бозори амал қилиш механизми талаб, таклиф, нарх ва рақобатнинг ўзаро муносабатда бўлишини тақозо этади, бунинг натижасида кишилар таълим, ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилади, таълим хизматларини истеъмол қилиб, ушбу хизматларга бўлган эҳтиёжни қондирадилар.

Таълим хизматлари бозорининг амал қилиш механизмини қуйидагича тасаввур этиш мумкин: таълим хизматлари истеъмолчилари, одатда меҳнат бозорида талаб бўлмаган касбдаги кадрларига ўқиш учун ҳақ тўлашга мойил эмаслар. Бу ҳол таълим муассасаларини бундай ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни қисқартиришга мажбур этади. Аксинча, агар меҳнат бозорида мақбул ҳолатни эгаллаш имконини берадиган таълим хизматларига талаб катта бўлса, таълим муассасалари ушбу касблар бўйича кадрлар

тайёрлашни амалга оширишади. Таълим хизматлари бозоридаги талаб деганда, биз харидорларнинг муайян миқдор ва сифатдаги таълим хизматларига тўлов қобилиятига эга эҳтиёжни тушунилади. Ушбу бозордаги талаб уни бошқа бозорлардаги талабдан фарқловчи ўзига хос хусусиятларга эга.

Таълим хизматларига талаб нарх билан боғлиқ бўлмаган ва нарх омиллари таъсирида шаклланади. Нарх билан боғлиқ бўлмаган омилларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- истеъмолчиларнинг эҳтиёжини қондириш учун таълим хизматларининг бирон – бир турини афзал кўриш;

- таълимга талаб мамлакатдаги ижтимоий – иқтисодий вазият, ижтимоий, тарихий ва психологик омиллар, оила анъаналари таъсирида шаклланади;

- таълим хизматлари истеъмолчисининг даромади.

Истеъмолчи даромадининг камайиши таълим хизматларини истеъмол қилишни чеклашга олиб келади. Истеъмолчи томонидан сифатли маълумот олишни устувор мақсад қилиб қўйилса, у таълим хизматларидан фойдаланиш эҳтиёжини қондириш учун бошқа товарлар ва хизматларга қилинадиган харажатлар ҳажмини қисқартиришга мажбур бўлади, яъни истеъмолчиларнинг муайян товарлар ва хизматларга бўлган эхтиёжлари. Мавжуд савиядаги малака билан ишга жойлашиш бўйича истиқболда кутилган натижа таълим хизматларига бўлган жорий талабга таъсир кўрсатиши мумкин, масалан: таълим хизматлари бозоридаги талабгорлар сони.

Таълим хизматлари истеъмолчилари ўртасидаги рақобат уларга бўлган талабда ўзгариш қилиши мумкин. Талабга таъсир этувчи, нархга боғлиқ бўлмаган қатор омиллар фақат таълим хизматлари бозорига хос бўлади. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- муайян минтақада жойлашган олий ўқув юртлари микдори. Ушбу минтақада олий ўқув юртлари сони қанча кўп бўлса ва бозорда турдош ихтисосликлар қанчалик кўп таклиф этилса, алоҳида олинган ташкилотда талаб ҳажми шунча кам бўлади.

- таълим муассасасининг нуфузи ва мақоми. Таълим хизматлари бозорида ҳар бир истеъмолчи олий ўқув юртининг мақоми ва бошқа таълим муассасалари ўртасидаги мавқеи, профессор - ўқитувчилар таркиби миқдори ва сифати жихатидан устун даражада белгиланадиган малакали хизматдан баҳраманд бўлишга интилади.

Шундай қилиб, таълим муассасасини нуфузи қанча юқори бўлса, таълим хизматлари истеъмолчиларининг унга бўлган талаби мутаносиб

равишда юқори бўлади. Таълим хизматлари бозоридаги таклиф деганда, олий ўқув юртлари томонидан маълум давр мобайнида муайян нархда кўрсатилиши мумкин бўлган маълум сифатдаги таълим хизматлари миқдорини тушунамиз. Таълим хизматлари таклифи таълим муассасаларининг ўқув ўринларини тўлдириш эҳтиёжини кўрсатади. Таълим хизматлари таклифи дастлаб, таклиф қилинаётган хизматлар нархи билан миқдори ўртасидаги бевосита алоқани акс эттирувчи нарх омиллари таъсирида шаклланади ва таълим хизматларини нархи қанча юқори бўлса, улар таклифининг ҳажми ҳам шунча катта бўлади. Таълим хизматлари таклифини белгиловчи нарх ва нархга боғлиқ бўлмаган омилларни ажратиш мумкин. Таълим хизматлари бозоридаги таклифнинг хусусияти шундан иборатки, ушбу хизмат кимгадир тўғридан - тўғри йўналтирилмаган. Ўқув юртларининг конкрет истеъмолчиларга ўз таълим хизматларини таклиф қилиш билан бюджетдан зарур молиявий маблағ олиш учун мутасадди давлат бошқарув органларига йўналтирилган таклифи ўзаро боғлиқдир. Таклиф сифатида аниқ таълим хизмати эмас, балки унинг ҳар бир хўжалик субъекти томонидан қийматига қараб турлича қабул қилинадиган образи таълим хизматларининг характерли хусусияти сифатида ахамиятлидир.

Талаб ва таклиф маълум ихтисослик бўйича таълим хизматлари ортиқчалиги ёки танқислигини вужудга келтириб, миқдор ва сифат жиҳатдан аксарият ҳолларда бир - бирига мос тушмайди. Ўқиш тўғрисидаги тўлов-шартномаси ҳужжатли расмийлаштирилганидан кейингина таълим хизматлари сотувчилари ва харидорларнинг манфаатлари бир – бирига мос келишига эришилади. Таълим хизматларининг тўлов - шартномаси битими негизида уларнинг қиймати ва истеъмол қийматининг пулдаги ифодаси сифатида нарх ётади. Бирон - бир таълим хизматлари нархнинг мувозанати талаб ва таклифнинг бозор нисбати билан белгиланади. Сотувчиларнинг таълим хизматлари таклифи билан харидорлар талаби ўртасидаги фарқ нархдаги ўзгаришни келтириб чиқаради. Бу ўзгариш пировард натижада, бир – бирига қарама– қарши ушбу икки таклифни ўзаро мувозанатга келтириш йўли билан мантиқий якунига етказилади. Таълим хизматларининг энг паст нархи уни ишлаб чиқаришга қилинган харажатдан келиб чиқиб белгиланади ва ушбу хизматнинг ишлаб чиқарувчиси – таълим муассасаси томонидан белгиланади. Энг юқори нарх эса истеъмолчиларнинг талабларидан келиб чиқиб белгиланади.

Умуман, таълим бозорида нарх шаклланишига қуйидаги омиллар жиддий таъсир кўрсатади: таълим муассасасининг нуфузи, таклиф этилаётган таълим хизматлари сифати, рақобатчилар томонидан белгиланадиган таълим

хизматлари нархи, ушбу олий ўқув юртида тайёрланган кадрларга меҳнат бозорида бўлган талаб ва ҳ.к.

Хулоса қилиб айтганда таълим хизматлари бозори моҳиятининг назарий таҳлили унинг бирлаштириш, тақсимлаш, ахборот бериш, рағбатлантириш, табақалаштириш ва ижтимоий функцияларини ажратиш имконини беради. Таълим хизматлари бозорини бозор иқтисодиётининг ўзига хос сегменти сифатидаги моҳияти унинг ижобий ва салбий жиҳатларини ажратиб кўрсатиш имконини яратади.

**Адабиётлар:**

1. Ахунова Г.Н. Таълим хизматлари бозорида маркетинг фаолияти ва уни такомиллаштириш: И.ф.д.илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореферати.-Т., 2004.- Б.45.

2. Ижтимоий ҳимоя: атамалар изоҳли луғати. А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти.- Т., 2007. -Б. 434.

3. Захидова Ш.Ш Олий таълим хизматлари бозорининг амал қилиш механизми самарадолигини ошириш: И.ф.н.илмий даражасини олиш учун 96 ёзилган дис.автореферати.-Т., 2012.

4. Қосимов С., Рахматуллаев М. Таълим жароёнида инновация услубларни ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг ташкилий жиҳатлари. Республика илмий-техник конференцияси материаллари. Жиззах 2020й.  464 бет.

# ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИК САВОДХОНЛИГИНИ ОШРИШДА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

**Кадирова Якитжан Бувабаевна - мустақил тадқиқотчи.**
**Низомий номидаги ТДПУ**

***Аннотация:*** *Бугунги кунда жамиятнинг барча соҳаларда кенг кўламли демократик ислоҳотлар амалга оширилиши натижасида «Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан бошланади», ғояси асосида таълим-тарбия тизмини ҳам тубдан ислоҳ қилиш учун  мисли кўрилмаган даражада эътибор қаратилмоқда. Илм – фан, маданият ва санъат, адабиёт, спорт соҳаларини ривожлантириш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёшларнинг истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.*

***Таянч сўзлар:*** *жамият, демократик ислоҳотлар, мактаб, ғоя, таълим-тарбия, ҳуқуқий онги ва маданият, фуқаро, тарих, ёш авлод, илм-маърифат.*

***Аннотация:*** *Сегодня, в результате масштабных демократических реформ во всех сферах жизни общества, беспрецедентное внимание уделяется радикальной реформе системы образования на основе идеи*

*«Новый Узбекистан - начинается со школы». Проводится большая работа по развитию науки, культуры и искусства, литературы, спорта, повышению эффективности духовно-воспитательной работы, реализации талантов и способностей молодежи.*

***Ключевые слова:*** *общество, демократические реформы, школа, идея, образование, правовое сознание и культура, гражданин, история, молодое поколение, наука и просвещение.*

***Resume:*** *Today, as a result of large-scale democratic reforms in all spheres of society, unprecedented attention is paid to a radical reform of the education system based on the idea of "New Uzbekistan - starts from school." A lot of work is being done to develop science, culture and art, literature, sports, to increase the efficiency of spiritual and educational work, to realize the talents and abilities of young people.*

***Key words:*** *society, democratic reforms, school, idea, education, legal consciousness and culture, citizen, history, young generation, science and education.*

Бугунги кунда ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида кенг ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, иқтисодиёт либераллашиб, ислоҳотлар жабҳаси ҳар бир соҳада чуқурлашмоқда. Олиб борилаётган ислоҳотлар фуқароларнинг тафаккури, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириб, ўз миллий ва шахсий ҳуқуқларини химоя қилиш борасида ҳам амалий кўникмаларга эга бўлиб бормоқда. Биламизки жамият аъзоларинг ҳуқуқий онги ва маданияти қанчалик юқори бўлса, яратилиб борилаётган давлат ҳам шунчалик демоктарияга асосланган фуқаролари ҳуқуқий жиҳатдан кўчли бўлган жамиятга айланиб боради. Агарда жамиятда қонун устуворлиги бўлмаса, жамият аъзолари ўз фуқаровийлик ҳуқуқий меъёрларга онгли ҳолда роя қилишга одатланмаса, бундай жамиятда келажакда фуқаровий ҳуқуқий демократик тамойилларга асосланган давлатни тасаввур этиб бўлмайди. Фуқаролик ҳуқуқининг асосий функцияларидан бири, тартибга солиш ва муҳофаза қилиш ҳисобланади. Шунингдек яна бир фуқаролик ҳуқуқининг ўзига хос функцияси шундан иборатки, унда тартибга солиш вазифалари устувор аҳамиятга эга. Фуқаролик ҳуқуқининг асосий вазифаси эса биринчи навбатда жамиятдаги нормал иқтисодий муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Конститутциясининг 18-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқий ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатий назар, қонун олдида тенгдирлар.[10] Бинобаринг, фуқаролик ҳуқуқий муносабатда ҳам

[10] https://www.lex.uz/acts/20596

фуқаролар ҳуқуқ лоёқатида тенг деб эътироф қилинадилар, яни барча фуқароларга бир хилдаги фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади. Фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларимизни ёшларга оилада, боғчада, мактабларда чуқурроқ ўргатишимиз учун ўқувчи-ёшларнинг фуқаролик саводхонлигини оширишда ҳуқуқий таълим ва тарбияни ўзаро узвийликда олиб боришимиз керак.

Чунки ўқувчиларнинг фуқаролик саводхонлигини шакллантириш, биринчидан, уларда фуқаролик жамияти, фуқаро ва унинг сифатлари тўғрисидаги, ҳуқуқий фуқаролик жамияти қадриятлари тўғрисида, фуқаролик хулқи ва фаолияти тўғрисидаги билимларни шакллантирса, иккинчидан, ўқувчиларда ҳуқуқий фуқаролик жамиятига, фуқарога хос қадриятли муносабатни ривожлантиради. Учинчидан, уларнинг фуқаролик хулқи ва фаолияти тажрибасини, «фуқаро», «фуқаролилик» тушунчалари мазмунига мос муносабатларни амалга ошириш тажрибасини эгаллашига ёрдам беради.

Зеро, жамиятнинг ҳар бир аъзосини, биринчи навбатда ёшларини ҳуқуқий жиҳатдан онгли ва маданиятли бўлиши замон таълабидир, шунинг учун ҳам ҳар бир жиҳатдан баркамол бўлган ёш авлодни илм-маърифат билан тарбиялаб вояга етказиш давлатимиз олиб бораётган сиёсатда намоён бўлиб бормоқда. «Ўзлигимизни англаб, буюк тарихимизни ёшларга тушунтирсак, илм-маърифатни ривожлантирсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз»[11] дейди, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёйев.

Ислоҳотлар натижасида «Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан бошланади», ғояси асосида таълим-тарбия тизмини ҳам ислоҳ қилишга киришилди. Илм – фан, маданият ва санъат, адабиёт, спорт соҳаларини ривожлантиришга кенг имкониятлар берилмоқда.

Илм-маърифат орқали авваломбор, ташаббус билан майдонга чиқадиган, ўз мустақил стратегик фикр-мулоҳаза юритадиган, билимли ва малакали янги авлоднинг келажакдаги мутаҳасисларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун, ҳам бугунги кунда таълимнинг барча бўғинларини кенг ислоҳ қилиш бошланди. Зеро, ёшларнинг, шунингдек бутун жамиятимизнинг фаол аъзоларининг билимини, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади.

Шарқ донишмандлари айтганидек, «Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос- бу яхши тарбия, энг катта қошшоқлик – бу билимсизликдир!»

---

[11] http://old.uza.uz/.

Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак.[12] Бунинг учун жамиятда илм-фанни ҳар бир соҳада янада юксалтириш, фуқароларни, айниқса ўқувчи-ёшларимизни чуқур билимли, юксак маънавий маданиятли шахс этиб тарбиялашимиз ҳам ўта муҳимдир.

Ўқувчи-ёшларнинг фуқаролик саводхонлигини оширишда ҳуқуқий таълим ва тарбия ўзаро узвийликда диалектик характерга эга бўлиб, шахс фуқаролик саводхонлигига оид билимларини шакллантириш омили ҳисобланади. Зеро, ҳуқуқий таълим ўқувчиларга ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар, шунингдек, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар моҳияти тўғрисида тизимлашган билимларни бериш, уларда ҳуқуқий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш, ҳуқуқий онгни шакллантириш жараёни бўлиб, у изчил, узлуксиз, тизимли тарзда ташкил этилиши лозим. Шунингдек фуқаролик жамияти давлат, давлат рамзлари, фуроқаларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, фуқаролилик тўғрисидаги, маданий қадриятлар тўғрисидаги билимлар, давлатда содир бўлувчи сиёсий ҳодисалар, партиялар ва мамлакатдаги ижтимоий ҳаракатлар тўғрисидаги, қонунлар тўғрисидаги билимлар; ижтимоий тизим, ижтимоий тартиб, хулқ ва муносабатларни тартибга солиш шакллари, фуқаролик жамиятидаги алоқалар ва муносабатлар тўғрисидаги билимларни ҳам ташкил этади.

Хулоса қиладиган бўлсак, ўқувчи-ёшларнинг фуқаролик саводхонлигини оширишда ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг ўрни катта. Ҳақиқатдан ҳам донишмандларимиз таъкидлашганидек энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос- бу яхши тарбия, энг катта қошшоқлик – бу билимсизликдир.

Хўш шундай экан фуқаро, фуқаролик саводхонлик муаммоларига бағишланган тадқиқотларга асосланиб, ўқувчиларда фуқаролик саводхонлигининг мотивацион-қадриятли компоненти мазмунини ҳосил қилувчи қадриятларни қуйидагича ажратиш мукин. Булар: фойда (ижтимоий), содиқлик, инсонпарварлик, бурч, қадр-қиммат, меҳр-шафқат, мустақиллик, масъулиятлилик, ватанпарварлик, қарашлар ва нуқтаи назарларнинг хилма-хиллиги, ҳақиқат, қонун олдида тенглик, виждон, эркинлик, адолат, бағрикенглик, ҳурмат, шараф.

**Адабиётлар**


1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т: Ўзбекистон, 2019.

2.Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojatnomasi. 2020-yil.24-yanvar.T.:, 2020 B.,12-13


[12] http://old.uza.uz/.
https://islaminstitut.uz/

Рахмонкулов Х. Р., Окюлов О.О. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. – Т.: «Vektor-Press», 2010.– 816 б. kutubxona.adu.uz/kutubxon.

# ЁШЛАРНИ ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАСИ

**Ф.И. Қаюмова - Ўзбекистон тарихи ва ижтимоий фанлар кафедраси. Фарғона политехника институти**

***Аннотация:*** *Мақолада дунёда глобал даражага етган муаммо одам савдоси хақида сўз кетиб ёшларни тарбиялашда бу масалага эътибор бериш хақида ёритилган.*

***Калит сўз:*** *Дунё, одасавдоси, иқтисодиёт, қонун, миллат*

***Аннотация:*** *В статье рассматривается проблема торговли людьми в мире и затрагивается проблема обучения молодежи.*

***Ключевые слова:*** *мир, торговля, экономика, право, нация.*

***Resume:*** *The article examines the problem of human trafficking in the world and touches upon the problem of teaching young people.*

***Key words:*** *peace, trade, economy, law, nation.*

Бугунги кунда дунёда маънавий таҳдиднинг глобал муаммолари қаторида “Одам савдоси” биринчилардан ҳисобланади. Интернетдан фойдаланиш жараёнида аксарият ёшлар “Одам савдоси” билан шуғилланувчи уюшган жиноятчи гурухларнинг алдовларига учиб қулга айланиб қолмоқдалар.

Бугунги кунда олдимизда жаҳон фани ва маданиятининг энг илғор ютуқларини ўзида мужассамлаштирган, инсон ақл-заковати яратган бойликлардан бахраманд бўлган янги авлодни шакллантириш вазифаси турибди. Фақат шу асосдагина миллатнинг тараққиёт сари интилишини таъминловчи интеллектуал кучни вужудга келтириш мумкин.

Биринчи Президентимиз И. А. Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарларида шундай дейилган: “Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўкув даргоҳларида, балки радио телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизни онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан, ўраб олиш ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди”. [1.1.]

Одам савдоси билан шуғулланувчи шахс [2.1] жабрланувчиларни Конституцияда ва қонунларда акс этган ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга

чиқаришга қаршилик қилиб тажовуз қилади. Бундай жиноятчилар одамларни жисмоний, руҳий ва жинсий зўрлашга мажбур қиладилар, уларни куч билан ушлаб турадилар, жинсий эркинликка бўлган ҳуқуқларини поймол этадилар. Шахс хавфсизлиги ва соғлом турмуш тарзига беписандлик билан қаралади, иш шароитлари билан таъмин этилмайди. Ачинарли томони шундаки, улар турли йўллар билан қўлларига тушган одам борки, ҳаммасининг иш ҳақларини ўзлаштириб, мўмай даромад ортирадилар жабрланувчиларга нисбатан ғайринсоний ва шафқатсиз муносабатда бўладилар, уларни мажбурий меҳнатга жалб этиб очиқдан очиқ эксплуатация қиладилар ва сотадилар.[2.2.]

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни халқаро ижтимоий хавфлилик даражасини ва бу салбий оқибат бугунги куннинг кечиктириб бўлмас, ўта хавфли, олди олиниши шарт бўлган муаммолардан биридир.

Миграция жараёнларининг кучайишидан расмий ҳукумат доиралари билан бир қаторда уюшган жиноий гуруҳлар, радикал ташкилотлар, диний секталар каби норасмий ташкилотлар ҳам манфаатдор бўлмоқда ва глобаллашув шароитида халқаро миграция яхши уюшган, сертармоқ халқаро бизнесга айланиб улгурди. Мазкур бизнес улкан бюджетга эга бўлиб, юз минглаб иш ўринлари ва одамларни ҳамда кўплаб ташкилот ва муассасалардан иборат тармоқни назорат қилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра жаҳон бўйича фақат легал мигрантларнинг ўзи 120 млн.дан 200 млн. кишигача ташкил қилади. [4.1.] Халқаро меҳнат ресурслари айрибошланиши жараёнида қатнашаётган асосий 98 давлатдан 31 таси иш кучини жўнатувчи (экспортчи), 43 таси қабул қилувчи, 24 таси эса ҳам жўнатувчи, ҳам қабул қилувчи мамлакатлар саналади.[5.1.]

Хулоса сифатида айтганда, одам савдоси қулликнинг замонавий усули, қул савдосининг янги кўринишидир. Жиноятчилар, биринчи навбатда, аёллар ва болаларни мажбурий меҳнат ва жинсий қулик қопқонига алдаб туширмоқдалар. Одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар куч, фирибгарлик, мажбурлаш ва бошқа жиноий воситалардан фойдаланган ҳолда, ҳимояга мухтож, заиф ва тушкинликка тушган инсонларни дунёнинг бошқа давлатларига олиб кетадилар.[6.1.]

Ватандан ташқарида Ватан йўқ, шу юртда яшаб туриб, фарзандларимиз бировнинг мақсади йўлида курбон бўлишларига, куллик балосига йўлиқиб қолишларига, маънавий қашшоқлик оқибатида бошқаларнинг бузғунчи ғояларини кўтариб юришига йўл қўймайлик, чунки, ёшларга баркамолликдан ҳам юксакроқ мерос қолдиролмаймиз. Зеро, мамлакатимиз биринчи раҳбари И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек: “Барча иқтисодий,

демократик сиёсий ислоҳотларнинг пировард мақсадларининг ўзи, бу – энг аввало инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратишдир".[7.1.]

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**:
1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч Т.: Маънавият- 2008,-Б -110.
2..Қаранг: Ушбу тушунча илк бор Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида" ги 17 апрел 2008 йилдаги Қонунида акс этган. // Халқ сўзи. 2008 йил 28 март. №62.(4472).
3.Маматқулов А.М., Рахманов Ж.А. Одам савдосига қарши кураш, уни олдини олишнинг ҳуқуқий муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. –Б.166-117.
4. Қаранг: Баскакова С.В. Внешняя миграция населения в современной России. Автореферат дисс.к.. э.. н.,М., 2004 г.
5. Қаранг: Социальная политика: Реалии XXI века. Выпуск №1, М., Сигналь, 2003 г. с.42.

# ТАЪЛИМДА ЭЛИТАР ПЕДАГОГИКА МАСАЛАЛАРИ

**Қурбонова Лолахон Абдулходимовна-**
**Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси мудири, Фалсафа фанлари доктори, доцент.**
**Жабборов Бахтиёр Боходирович- ўқитувчи.**

***Аннотация:*** *Инсониятнинг учинчи минг йилликдаги тараққиёти жамият ижтимоий - иқтисодий, сиёсий ва маънавий - мафкуравий соҳаларининг янгиланиши, одамлар дунёқарашининг ўзгариши билан бошланди. Ахборотлашган жамият деб ном олган XXI асрда файласуф олимлар томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар марказида инсоннинг интеллектуал салоҳияти, элитар маданияти ва ёшлар элитасини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу мақолада шу ҳақда фикр юритилади.*

***Калит сўзлар:*** *Интеллект, элитар таълим, педагогика, инсон капитали, сиёсий менталитет, онг элитологияси.*

***Аннотация:*** *Развитие человечества в третьем тысячелетии началось с обновления социально-экономической, политической и духовно-идеологической сфер общества, изменения мировоззрения людей. В центре исследований, проводимых философами в XXI веке, называемых информационным обществом, особое внимание уделяется интеллектуальному потенциалу человека, элитарной культуре и подготовке молодежной элиты. Эта статья обсуждает это.*

***Ключевые слова:*** *Интеллект, элитарное образование, педагогика, человеческий капитал, политический менталитет, элитология сознания.*

***Annotation:*** *The development of mankind in the third millennium began with the renewal of the socio-economic, political and spiritual-ideological spheres of society, the change of people's worldview. At the center of research conducted by philosophers in the XXI century, called the information society, special attention is paid to the intellectual potential of man, elite culture and training of the youth elite. This article discusses this.*

***Keywords:*** *Intellect, elite education, pedagogy, human capital, political mentality, elitology of consciousness.*

Дунё ҳамжамияти, маънавий ресурслар ичида инсон капиталининг ўрнини алоҳида эътироф этмоқда. Зеро, БМТ Бош Ассамблеяси қабул қилган “Инсон ҳуқуқлари” тўғрисидаги умумжахон декларациясида аҳолининг ақлий фаоллиги ва маънавий маданиятини юксалтириш муҳимлиги белгилаб қўйилган. Шу нуқтаи – назардан, дунё илмий маконида элитар таълимни ташкил этиш, ягона таълим жараёнини шакллантириш орқали билим интеграциясига эришиш, дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун юксак маданиятли шахсни тарбиялаш, унинг интеллектуал салоҳиятини бунёдкорлик фаолиятига йўналтириш ва иқтидорига яраша тақдирлаш ишларини такомиллаштириш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда инсоннинг интеллектуал салоҳиятини намоён қилиш учун ижтимоий - иқтисодий шарт - шароитлар яратилмоқда, билим, маънавият ва маърифат каби қадриятлар ривожлантирилмоқда. Шу боис, жаҳон фани инновациялари ютуқларидан кенг фойдаланиш, ёшларнинг ижодий салоҳиятини қўллаб - қувватлаш мақсадида 2017 йил 29 ноябрда Республика инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, 2019 йил 19 мартда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг бешта муҳим ташаббуси” доирасида санъат ва маданият, ахборот технологиялари, спорт, китобхонликни ривожлантириш, аёлларни тадбиркорликка ўргатиш кабилар мамлакат аҳолисининг барча қатламлари онгида элитар таълимни такомиллаштириш ва элитар маданиятни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, «Бизнинг энг катта бойлигимиз бу халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир»[13].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «Фанлар Академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги,

---

[13] Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. // Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. - Тошкент. Ўзбекистон, 2017.- 7 б.

2016 йил 29 декабрдаги «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртларидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2017 йил 27 февралдаги «Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151сонли Қарори, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775 сонли Қарори ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Таълим тизимининг барча босқичларида ўқитишнинг сифати ва самарадорлигини ошириш учун педагогик элитанинг шахсий мажбурияти ва масъулиятини оширишнинг зарурати, хусусий таълимни тизимли ташкил этишнинг объектив ва субъектив имкониятларига оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида олиб борилган Ф1-067+Ф1-089-«Давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократлаштиришнинг назарий-методологик масалалари» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида, бошқарув кадрларни тайёрлашга лаёқатли бўлган педагогик элитани тарбиялаш бўйича илгари сурилган ғояларни амалиётга тадбиқ этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2017 йил 10 мартдаги ФТК 0313/269 сонли маълумотномаси). Натижа бошқарув элитасининг маънавияти таълим тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш омили эканлиги ҳақидаги тасаввурларнинг такомиллашишига хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, инсон онгги ва дунёқарашини ошириш бугунги кунга келиб ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Бу жараён эса таълим тизими – педагогика орқали амалга оширилар экан, замонавий педагогика олдига ушбу долзарб вазифани қўйиш мазкур муаммонинг ечилишида катта ижобий қадам бўлиб хизмат қилади.

**Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2 том. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 381 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. // Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. - Тошкент. Ўзбекистон, 2017.- 7 б.
3. Choriev A. Inson falsafasi. –Toshkent.: O'FMJ, 2006.
4. Борзенков В.Г., Юдин Б.Г. Философская антропология: Учебное пособие. -М.: АСТ, 2005.
5. Гаранина О.Д. Философия человека. -М.: 2006.
6. Мочалов Е.В. Антропология всеединства в русской философии. –СП(б).: 2006.
7. Фан ва таълимни ривожлантиришда баркамол авлоднинг роли. Андижон. 2010 й.
8. Каримов С. Мантиқ. –Т.: ИИВ, 1995. –240 б. 1966. –48 с.
9. Назаров Қ. Билиш фалсафаси. – Т.: Университет, 2005. – 300 б.

## КИБЕРМАКОНДА ШАХС МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

**Парпиев Муҳаммаджон Толибович**
**МҒМАҲТ кафедраси катта ўқитувчиси, фалсафа доктори (PhD)**
**Андижон давлат университети**

*Мақолада бугунги глобаллашув жараёнида шахс маънавий руҳий дунёсига тажовуз қилиш, вайронкорлик, бузғунчилик, ахлоқсизлик ғояларини тарқатувчи мафкуравий хуружларни инобатга олиб кибермаконда шахс маънавий камолотига салбий таъсир кўрсатадиган иллатлар тадқиқ қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *рақамли технология, кибермакон, "виртуал маданият", кўнгилочар муҳит, замонавий омма, "оммавий маданият".*

*В статье исследуются недостатки, негативно влияющие на духовную зрелость личности в киберпространстве с учетом идеологических атак, распространяющих идеи агрессии, разрушения, вандализма, аморальности в духовном мире личности в условиях современной глобализации.*

***Ключевые слова:*** *цифровые технологии, киберпространство, «виртуальная культура», развлекательная среда, современное сообщество, «массовая культура».*

*The article examines the flaws that negatively affect the spiritual maturity of the individual in cyberspace, taking into account the ideological attacks that spread the ideas of aggression, destruction, depravity, immorality in the spiritual world of the individual in today's globalization.*

**Keywords:** digital technology, cyberspace, "virtual culture", entertainment environment, modern society, "mass culture".

Рақамли технологиялар ривожланган бугунги кунда дунёнинг тавсифи, ўлчовлари тубдан ўзгариб бормоқда ва инсоният ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олмоқда. Шахс маънавий маданиятнинг шакли бошланғич хусусиятга эга бўлиб, у реал ва виртуал дунёда ўз ифодасини топади. Айни пайтда виртуал олам кибермакон деб номланиб, уни замонавий инсоннинг мавжудлиги учун "янги муҳит" деб белгиланмоқда.

Сўнгги пайтларда "виртуал" тушунчасидан фойдаланиш замонавий дунёга хос жиҳат бўлиб, тобора кўпроқ информатика ва компьютер технологиялари доирасидан чиқиб кетмоқда. Яқин вақтларгача реал бўлмаган комбинациялар, масалан, "виртуал корпорация", "виртуал пул", "виртуал демократия", "виртуал таълим", "виртуал маданият" каби тушунчалар эндиликда фаол ишлатилмоқда. Ижтимоий жиҳатдан кибермакон деганда компьютер тармоғи воситасида бир-бири билан ўзаро боғланган ва бир вақтда турли географик нуқтада кесишувчи ҳар қандай мавжуд компьютерларнинг график сифатидаги маълумотларига ўралашиб қолган кишилар жамоаси тушунилади.

Агар "кибермакон" атамасининг келиб чиқиши ҳақидаги саволга мурожаат қилсак, "кибер" тушунчасининг рақамли базасидан "космик" сўзининг иккинчи қисмининг фазовий базаларига йўналтирадиган бўлсак, "ҳар бир жамият ўз маконини яратади", деган Анри Лефебврнинг нуқтаи назари ўринлидир [1, 45]. Ўтган аср охирларида киберҳужумнинг мафкуравий стереотипи учта утопик доминантни ўз ичига олган оммавийликка киритилди: ўзаро келишиб бўлмайдиган гедонизм, кундалик воқеликдан қочиш ва ҳиссий борлиқнинг чегараларини ошиб ўтиш учун анъанавий мистик истак. Натижада, оммавий маданият доирасида, компьютер технологиялари томонидан яратилган ҳар қандай интерфаол кўнгилочар муҳит ўз-ўзидан киберпазия деб номланди. Турли хил компьютер виртуал ҳақиқатининг ишлашини таъминловчи техник тизимларнинг генезиси, шунингдек уларнинг замонавий қўлланилиш доираси киберҳужумнинг мафкуравий стереотипи билан деярли ҳеч қандай алоқаси йўқлиги исботланган.

Кибермакон - бу ўз топологиясида янги, ризоматик, семиотик маконнинг бир тури бўлиб, унда одамлар билан ишлаш ақлий фаолиятини осонлаштирадиган ва сезиларли даражада тезлаштирадиган замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиб белгилар билан операциялар амалга оширилади. Киберкосмик универсал мақсадларга эришиш учун янги усулларни аниқлаш ва тушуниш имкониятларини излаш воситаси сифатида ишлайди.

Бугунги глобал ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳозирги замон эмас, балки фазонинг маданий ҳукмронлигига айланишига олиб келди. Натижада, алоқа деярли бир зумда пайдо бўлади ва вақтни тежайдиган технологиялар вақтни нолга тенг бўлган сегментларга ажратадилар. XXI асрда

технологиялар инсониятнинг ҳар қандай эҳтиёжларини қондиришнинг универсал воситасига, ёш авлод маданиятининг таркибий қисмига айланиб бормоқда. Аммо, агар технология бутун маданиятни алмаштиришга ҳаракат қилса, яъни, дунёни техник ҳақиқатга айлантириш учун, бу инсоният учун номақбул натижага - ўрта муддатли истиқболда дунёқарашни йўқотишга олиб келади.

Биз ижтимоий, сиёсий, иқтисодий соҳа ходимлари жаҳонда “киберкуртак” отаётган ва жаҳон геосиёсий жараёнларига ўз таъсирини кўрсатаётган кибермакон ва кибертерроризмга лоқайдсизларча қарасак келажак нима бўлади ва келгуси авлод олдида нима деб жавоб берамиз? Бунинг натижасида, ахборот инқилоби шароитида вужудга келаётган глобал тармоқ жамиятлари мутасадди ва мутахассисларни жиддий ташвишга солмоқда. Бу турдаги жамиятлар ўзларини «киберинтернационал NET», «Интернет болалари», «Интернет фуқаролари (netizens)» деб номлашмоқда. Чет элларда улар Интернет орқали ёшларни бирлаштириб, давлатнинг расмий хабарларига қарши чиқувчи халқаро киберуюшма сифатида сиёсий майдонга чиқмоқда. Албатта, бундай жамиятларнинг фаоллиги ошиб борар экан, жаҳонда кечаётган жараёнларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши аниқ. Шунки, виртуал маконда берилаётган “маънавий озуқа” орқали истеъмолчини ўзи пайқамаган ҳолда шахс қиёфасини йўқота бошлайди, шахсий масъулият ҳисси сусайиб кетади, ҳиссиёт ақлий тафаккурдан устун келади, ўзини маънавий ва маданий жиҳатдан назорат қила олмай қолади. Бундай инсон алдовларга ва мишмишларга ишонувчан, машҳур шахсларга тақлид қиладиган, рекламага бериладиган бўлади.

Кибермакондаги энг оммалашган маънавий таҳдидлардан бири “оммавий маданият”дир. Унинг асосий унсури бўлган “поп-психология” ёшларда жамият, ота-она, оила олдидаги масъулиятни ўлдирмоқда. Зеро, унинг таянчи – “даромад, фойда ғояси ва бутун ҳамма нарсани, жумладан ҳаёт ва соғлиқни ҳам сотиб олиш мумкинлигига бўлган ишонч”дир [2, 3]. Бу маънавий иллатни оммалаштириш вазифасини дунёда ҳозирги кунда аввало омманинг “тарбиячи”си вазифасини зиммасига олган интернетдаги тармоқлар, айниқса рақамли телевидение бажармоқда. Алоҳида қайд этиш лозимки, бутун дунёга сингдиришга ҳаракат қилинаётган ғарбона индивидуализмнинг инсон, шахснинг индивидуаллиги, ўзига хослигига мутлақо алоқаси йўқ. Аксинча, бутун дунёни ўзига бўйсундириш орзусидаги давлатлар тарғиб қилаётган индивидуализм шахснинг ўзига хослигини, алоҳидалигини ўлдиришга қаратилган. Ахборотлашган жамиятга танқидий қараган Герберт Шелер бундай кучлар учун ахборот тарқатиш фақатгина одамлар (ахборот истеъмолчилари) подага айлангандагина фойдали бўлади, деб ҳисоблайди. “Оммавий маданият” – ўз аудиториясига осон эга бўладиган ва тажовузкор маданиятдир. В.М.Межуев “замонавий омма жамиятининг космополитизми” тўғрисида ёзар экан, ушбу ҳодисани унга қўшилиш мумкин бўлган, лекин бу ҳолда ўз миллий юзини сақлаб қолишнинг иложи қолмайдиган ҳодиса сифатида таърифлайди [3, 267]. Бизнингча ҳам бундай тизим орқали оммавий коммуникация технологиялари ёрдамида оммавий

истеъмолчи бошқарилади ҳамда истеъмолчига реал ҳаётий тажриба ўрнига виртуал макон тақдим этаётган сунъий ва сохта тажриба тутқазилади.

“Оммавий маданият” инсонни ҳақиқий, реал воқеликдан, ҳаётнинг реал муаммоларидан чалғитади. Ҳаётини, турмушини сунъийлаштиради, виртуаллаштиради. Бу – шахслараро муносабатларга ҳам тааллуқли. Бегоналашиш кучайиб, дўстлик, улфатчилик, жонли мулоқот одамлар ўртасида, биринчи галда ёшлар ўртасида камайиб бормоқда. Мулоқот макони энди – интернет. Ўзини, ўзлигини намоён этиш интернетдаги ҳар хил ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари бу маънавий иллатларнинг таҳдиди ҳақида гапириб, шундай дейди: “Агар “оммавий маданият” таҳдиди фақат четдан - Ғарбдан кириб келади, десак, қаттиқ адашамиз. Бу бало, афсуски, ўзимиздан, ўз орамиздан ҳам чиқиши мумкин. Юртимизда нашр этилаётган айрим газета-журналлар, китобларни, суръатга олинаётган баъзи клип ва киноларни, эфирга берилаётган қўшиқ ва рақсларни кузатиб, соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам шундай хулосага келиши табиий. Айни вақтда, маданият соҳасида жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшларимизни ҳақиқий санъатни англашга ўргатиш, уларнинг эстетик оламини соғлом асосда шакллантириш бўйича олдимизда жуда муҳим вазифалар турибди” [3, 267]. Биз ҳам ушбу фикрларга қўшилиб ижтимоий макондаги шахс маънавий оламига таъсир қилувчи омилларни ахлоқий ва диний меъёрларимиз асосида шакллантиришимиз ва бу борада қатъий давлат назоратини ўрнатиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ёшларда кибермакон тўғрисида билим кўникмаларини ҳосил қилишимиз ва бу тушунчани луғатларга киритмоғимиз шунингдек, интернетдан фойдаланиш дарслари факултатив сифатида таълим дастурларига киритиш, махсус курс ёки биринчи блок фанларининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда фанларининг мавзуларидан келиб чиқиб, фанларнинг ишчи фан дастурларига алоҳида мавзу шакллантириб киргизиш керак.

Кибермакондаги таҳдидлар шундай бир универсал характерга эгаки, унинг барча бошқа соҳаларга жиддий салбий таъсир қилиш имконияти бор. Хусусан, шахс дунёқарашига, жамият барқарорлигига, давлат тинчлигига, жамоатчилик фикрини чалғитишга ва охири оқибатда ҳар бир мамлакатнинг маънавий, сиёсий, иқтисодий, маданий юксалишига ҳам. Ижобий ва салбий ахборотни фарқлаш, яхши маълумотни ўзлаштириш ва зарарлисини рад этиш учун инсон онги ривожланган, унинг ўзи эса мустаҳкам иродали бўлиши зарур. Ҳар бир мамлакат аҳолисининг асосий қисми эса бундай имкониятга эга эмас.

Хуллас, оммавий маданият кўплаб кишилар ҳаётида реал воқеликни сиқиб чиқариб, уни виртуал воқелик, виртуал мулоқот билан алмаштирмоқда. Айни пайтда кибермаконда шахснинг маънавий маданияти ва камолотига салбий таъсир кўрсатаётган таҳдидларнинг кўлами анча кенг. Буларнинг ичида асосийлар деб қуйидагиларни келтириш мумкин. Биринчи ўринда шахснинг ҳаёти, ўзлиги, қадр-қиммати, маънавияти, миллий

қиёфасига қаратилган таҳдидлар; иккинчиси, миллатнинг маънавий таназзули, инқирози ва тарихдан изсиз йўқолиб кетишига қаратилган маънавий таҳдидлар; учинчи, миллий давлатчиликка рахна соладиган, мамлакат тараққиётини ортга сурадиган иқтисодийлашган ва сиёсийлашган маънавий таҳдидлардир.

**Фойдаланилган адабиётлар.**


1. Лефевр А. Производство пространства. –Москва: 2015. - 45 с.
2. Федотов В.Г. Факторқ ценностных изменений на Западе и в России.// Вопросы философии, 2005. № 11.-3 с.
3. Межуев В.М. Культурно-национальная идентичность как проблема современного этапа общественного развития.//Глобализация в культурологическом измерении. -267 с.
4. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 1-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 2018. -195-196 б.


# О НЕОБХОДИМОСТИ ПОВЫШЕНИЯ МЕДИА ГРАМОТНОСТИ МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА


**С.Н. Абдуллаева -доктор философии (PhD), Д.А.Азизова -магистрант НамИСИ, НамГУ**



***Аннотация:*** *Рассматривается не только проблема повышенной медиа грамотности молодежи, но и предлагается свои пути решения этой проблемы посредством развития медиа образования. Предлагаются вполне конкретные меры, в числе которых-внесение корректив в действующие учебные планы и образовательные программы. Предлагается введение разъяснительной работы не только традиционными способами, но и через сами информационные сети.*

***Abstract:*** *The article considers not only the problem of increased media literacy of young people, but also offers its own ways to solve this problem through the development of media education. Quite specific measures are proposed, including making adjustments to existing curricula and educational programs. It is proposed to introduce explanatory work not only in traditional ways, but also through the information networks themselves.*

XIX asrga kelib innovatsiya so'zi ilmiy adabiyotlardan o'rin oldi. Ingliz tadqiqotchilari "innovatsiya" so'zini maxsus atama sifatida lingvistikada, protsessual huquqda va botanikada qo'llay boshladlar. Tilshunoslikda ular yangiliklarni grammatik shakllarda, huquqiy lug'atlarda - kreditorning roziligi bilan bir majburiyatni boshqasi bilan almashtirish harakatini, botanikada o'sish jarayonida bo'lgan hamma narsani belgilaydilar. Nemis tadqiqotchilari esa uni etnografiya sohasida maxsus ilmiy tadqiqot mavzusiga aylantirdilar[3,16].

XX asr boshlariga kelib ushbu atama ilmiy adabiyotlarda keng qo'llanila boshlandi. Bu vaqtga kelib innovatsiyalarga ijtimoiy hayotning alohida hodisasi sifatida qarala boshlandi. Biroq, qo'llanish doirasi iqtisodiyod va texnologiyalardan nariga o'tamaganligi bois ijtimoiy innovatsiyalarning mohiyatini tushunishda metodolik asos bo'la olmadi. Bu davrda M.I. Tugan-Baranovskiy, Parvus, Van Geldern, S. de Volf, G. Tard, N.D. Kondratev, J. Shumpeterlar o'z tadqiqotlari bilan innovatsiya hodisasi haqidagi dastlabki g'oyalarni shakllantirishga katta hissa qo'shdilar[2,16].

Innovatsiyalarni dolzarb hodisa sifatida tadqiq etishga oid kontseptual g'oyalar fransuz sotsiologi G. Tard tomonidan ishlab chiqilgan. U "Ijtimoiy mantiq" (1901), "Ijtimoiy qonunlar", "Jamiyat tabiatining qonuniyatlari orasida shaxsiy ijod"(1906) nomli asarlarida "ixtiro" va "innovatsiya" tushunchalaridan foydalanish masalasiga aniqliik kiritib berdi.

G. Tard innovatsiyalarni paydo bo'lishini shunday tushuntiradi: "Innovatsiyalar paydo bo'lishi ikki asosga ko'ra amalga oshiriladi: 1) ichki ehtiyoj, ya'ni shaxsning ehtiyojlari va tashqi, jamiyat ehtiyojlarining o'zaro uyg'unligi[4,146]. Bizningcha ushbu yondoshuv ijtimoiy innovatsiyalarning mohiyatini anglash uchun ham mos keladi.

Ushbu yondoshuvga asoslanib Tard innovatsiya tushunchasiga ta'rif beradi: "Innovatsiya bu jamoat ongi tomonidan tan olingan, ijtimoiy me'yor sifatida o'zlashtirilgan ixtiro. Ushbu ixtironing yangilik maqomiga o'tkazilishi, uning ijtimoiy ahamiyati orqali amalga oshiriladi[147]. G. Tard ijtimoiy innovatsiyalar to'g'risida bevosita to'htalmagan bo'lsada, uning mohiyati haqida fikr bildiradi: "Innovatsiya ijtimoiy ongga yangi, kognitiv jihatdan murakkab va axloqiy jihatdan yuqori ko'rsatkichlarni belgilaydigan individual daho aqlining mahsuli sifatida paydo bo'ladi hamda mavjud ijtimoiy ehtiyojlarni qondirishga hizmat qiladi[4,148].

Innovatsiya va innovatsion jarayonlar dinamikasini tadqiq etish XX asrning 20-yillarida rus tadqiqotchisi N.D. Kondratev tomonidan o'rganila boshlandi. Uning dastlabki qarashlari 1922 yilda nashr etilgan "Jahon iqtisodiyoti va uning urush davrida hamda undan keyingi konyunkturasi" asarida o'z ifodasini topdi. Keyinchalik "Jahon iqtisodiyoti va inqirozning ziddiyatli masalalari (tanqidchilarimizga javob)" (1923), "Katta konyunktura sikllari" (1925), "Katta konyunktura sikllari to'g'risida" (1926) asarlarida davom ettirildi. Ushbu qarashlarda N.D. Kondratev, G. Tard kabi "innovatsiya" atamasini ishlatmaydi, biroq, ijtimoiy hodisa sifatida innovatsiya mohiyatini o'rganish uchun metodologik asos bo'lib xizmat qiluvchi bir qator muhim qoidalarni ishlab chiqadi. Eng muhimi

N.D. Kondratev jamiyatning iqtisodiy dinamikasi va ijtimoiy rivojlanishi o'rtasidagi bog'liqlikni aniqlaydi. Bu innovatsiyalarning nafaqat iqtisodiy va texnologik jihatdan, ayni damda ijtimoiy faoliyatda ham muhim ekanligidan dalolat beradi.

N.D.Kondratevdan so'ng innovatsiya tushunchasi J. Shumpeter tomonidan o'rganildi. U N.D.Kondratev g'oyalariga asoslangan xolda avstriyalik olim J. Shumpeter innovatsiyalarni tizimli tahlilini amalga oshirdi. Bu innovatsiyalarni

tizimli tahlil qilishdagi birinchi qadam edi. U 1911-yilda nashr etilgan “Iqtisodiy rivojlanish nazariyasi” asarida o’z qarashlarini bayon qildi[2,23].

Bugungi kunda aksariyat tadqiqotchilar J. Shumpeterni innovatsiya tushunchasi kashf etidi, yoki fanga olib kirdi deya baholashadi. Aslida innovatsiya tushunchasi J. Shumpeterga qadar ilmiy adabiyotlarda yetarlicha tahlili qilingan bo’lib, uning ilmiy yangiligi innovatsiyalarni tizimli tahlil qilganligi bilan baholanadi. J. Shumpeter innovatsiyalarning asosan iqtisodiy jihatlariga e’tibor qaratib, iqtisodiyotning siklik rivojlanishining kelib chiqishini o’rganib chiqdi va aynan iqtisodiy inqiroz holati, iqtisodiy tushkunlik sanoat amaliyotini tubdan yangilash, eskirgan texnologiyalarni eng yangi texnologiyalar bilan almashtirish jarayonini rag’batlantiradi, degan xulosaga keldi[2,23]. Biroq, J. Shumpeterning tizimli tahlilidan so’ng innovatsion g’oyalarning yuzaga kelishi va rivojlanishiga ijtimoiy sabablar asos bo’ladi degan nazariya paydo bo’ldi. Hozirga qadar ilmiy adabiyotlarda “ijtimoiy innovatsiya” atamasining ta’rifiga yagona yondashuv mavjud emas. Bu ijtimoiy innovatsiyalar jamiyat hayotining juda keng qismini qamrab olganligi bilan izohlanadi. Ijtimoiy innovatsiya tushunchasini keng ma’noda ta’lim, sog’liqni saqlash, fan, madaniyat va san’at sohalarini takomillashtirishni anglatsa, tor ma’noda shaxs yoki jamiyatdagi marginal jamoalarningning hayoti va ish sifatini yaxshilashga qaratilgan jarayonlarni anglatadi.

Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqqan xolda shunday xulosa qilish mumkinki, innovatsiyalarning yuzaga kelishi hamda rivojlanishi bevosita ijtimoiy innovatsiyalar bilan bog’liq jarayondir. Chunki, innovatsiyalar jamiyatda yuzaga kelgan ijtimoiy extiyojlarga yangi yechim sifatida paydo bo’ladi. Ushbu xolat o’z-o’zidan innovatsion g’oyalarning rivojlanishida ijtimoiy innovatsiyalarning o’rni va ahamiyati muhim ekanligidan dalolat beradi.

**Foyadalanilgan adabiyotlar ro’yxati**


1. Sh. Mirziyoyev. Xalqimiz dunyoqarashida innovatsiya muhitini yaratish – eng muhim vazifamiz. 02.12.2017. https://president.uz/oz/lists/view/1309
2. Т.А.Столярова. Инновация как социальный феномен. Диссертация на соискание ученой степени кандидата философских наук. Москва. 2009.
3. Карпова Ю.А. Введение в социологию инноватики. -СПб.: Питер, 2004.
4. Тард Г. Социальная логика// Западно-европейская социология XIX-начала XX веков.- М., 1996.


## ТУРКИСТОН ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИНИНГ РЕСПУБЛИКА САНОАТИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА РЎЙ БЕРГАН ЎЗГАРИШЛАРДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ


**Ш. Пайғамов – магистрант.**
**Андижон давлат университети**



*Мақола 1917 йил 25 октаябрда рўй берган тўнтаришидан сўнг ҳокимятга келган большевикларнинг Туркистонда ўз ҳокимиятини ўрнатган дастлабки йилларида ўлкадаги қишлоқ хўжалиги ҳамда саноатнинг аҳволи,*

*Туркистон иқтисодий кенгашининг ташкил топиши масалаларига бағишланган.*

***Калит сўзлар:*** *большевиклар, октабрь тўнтариши, Туркистон АССР, Марказий Ижроя Комитет, Марказий Кенгаш, Мехнат ва Мудофаа Кенгаш, хомашё базаси, ҳарбий коммунизм, янги иқтисодий сиёсат.*

*В статье рассматривается состояние сельского хозяйства и промышленности в первые годы правления большевиков в Туркестане после переворота 25 октября 1917 г. и создания Туркестанского экономического совета.*

***Ключевые слова***: *большевики, Октябрьская революция, Туркестанская АССР, ВЦИК, Центральный Совет, Совет Труда и Обороны, сырьевая база, военный коммунизм, новая экономическая политика.*

*The article deals with the state of agriculture and industry in Turkestan in the early years of the Bolsheviks' rule in Turkestan after the October 25, 1917 coup, and the formation of the Turkestan Economic Council.*

***Keywords***: *Bolsheviks, October Revolution, Turkestan ASSR, Central Executive Committee, Central Council, Labor and Defense Council, raw material base, military communism, new economic policy.*

Болшевиклар томонидан 1917 йил 25 октабрда амалга оширилган давлат тўнтарилиши Туркистон учун ҳам оғир оқибатларни келтириб чиқарди. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириш камайиб кетди. Техник экинлар ва бошқа махсулотларни ўлакдан олиб кетиш қисқаргани, улар заҳирасининг халокатли даражада камайиб кетганлиги, нархларнинг пасайишига, дехқонлар ва ишчиларнинг мехнатини қадрсизланишига, уларнинг хонавайрон бўлишига олиб келди.

Кщрилаётган даврда Туркистонга озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик асбоб ускуналарини келтириш тобора қисқариб бориши аҳолининг турмуш даражасини янада оғирлаштирди. Дутов бошчилигида Урал казакларининг совет ҳокимиятига қарши қуролли қўзғолони, уларнинг Оренбургни босиб олиши натижасида Туркистон билан Совет Россияси ўртасида темир йўл алоқасини узиб қўйди, натижада икки минтақа ўртасидаги иқтисодий алоқалар икки йилга тўхтаб қолди. Ўлкада мустамлака хусусиятига ега бўлган иқтисодиёт 1917-1918 йилларада рўй берган хосилсизлик билан янада оғирлашди. Вайронагарчилик саноатни ҳам ҳам четлаб ўтмади. Саноат ишлаб чиқариш камайиб кетиши ҳамда Россиядан саноат ва озиқ-овқат махсулотларини олиб келиш тобора қисқариб бориши натижасида нарх-наво ошиб борди. Масалан аҳолини кундалик эхтиёжи учун ўта зарур хисобланган буғдой унининг 1 пуди 1916 йилда 5 рублни ташкил қилган бўлса 1917 йилда ун нархи 45 рублгача кўтарилди. Шу билан боғлиқ равишда бошқа озиқ-овқот маҳсулотларини ҳам нархи ошиб борди. Натижада Туркистон аҳолиси орасида очлик, турли хил касалликлар кўпайиб борди[6.5]. Айниқса, 1917–1923 йилларда рўй берган очарчилик Туркистон ўлкаси халқлари бошига мисли кўрилмаган оғир кулфатларни солди. Кўрилаётган даврда Фарғона

водийси аҳолиси нихоятда камайиб кетди. Бу очлик ва унинг натижаси ўларок келиб чиққан кулфатларнинг сабаби ва ўзаги қайерда деган савол туғилади. Бунинг сабаблари қуйидагилардир:

Биринчидан, Туркистонда октабрь ҳарбий тўнтариши зўрлик йўли билан амалга оширилди. Мамалакат октабрь тўнтаришига умуман тайёр емас эди.

Иккинчидан, октабрь тўнтаришини маҳаллий туб ерли аҳоли амалга оширмади, балки, европа миллатига мансуб миллатлар, асосан рус ҳарбийлари томонидан амалга оширдилар. Туб ерли аҳоли еса «Марксизм-Ленинизм», «пролетариат диктатураси», «компартия», «социализм» ва «коммунизм» каби тушунчалардан узоқда ва ундан бегона эди.

Учинчидан, октабрь тўнтаришидан сўнг советларнинг III қурултойида сайланган Туркистон совет ҳукумати маҳаллий туб ерли аҳолининг манфаатларига зид ва қарама-қарши ҳукумат эди. Чунки бу ҳукумат юз фоиз келгинди, европа миллатларига мансуб халқлар вакилларидан ташкил этилди. Улар туб ерли маҳаллий халқнинг на тилини, на динини, урф-одати, маданияти ва тарихини билмас эдилар. Ташкил этилган ҳукумат таркибига маҳаллий халқ вакиллари умуман киритилмади.

Тўртинчидан, энг асосийси Туркистонда ташкил этилган советлар ҳукумати соф мустамлакачи ҳукумат бўлиб, аъзоларининг ҳаммаси маҳаллий мусулмонларга нисбатан бутун вужудини миллатчилик ва шовинистик оғуси қоплаб бўлган шахслар эдилар. Улар маҳаллий халққа нисбатан тобе, қул, иккинчи тоифа халқ сифатида паст назар билан қарар эдилар. Буни Туркистон халқларининг асл фарзанди Турар Рисқуловнинг қуйидаги сўзларидан очиқ-ойдин билиб олиш мумкин: «Туркистондаги октабрь тўнтаришиниг раҳбарларидан бири Тоболин Туркистон марказий ижроия қўмитаси мажлисларидан бирида тўғридан тўғри «Қирғизлар иқтисодий қолоқ бўлганлари учун ҳам, улар бари бир қирилиб кетишга маҳкумдир. Шунинг учун инқилоб бутун кучини очликка қарши курашишга эмас, яхшиси фронтни мустаҳкамлашга қаратиши керак»[6.82].

Бешинчидан, Туркистон ўлкаси советлар хукумати тепасида раҳбарлик лавозимларини егаллаб турган шовинистлар турли партия ва гуруҳларга мансуб бўлиб, ғоявий-сиёсий қарашлари ҳам саёз бўлган. Улар совет тартиб-қоидаларини жорий этиш жараёнида Туркистон ўлкасидаги шарт-шароитни, бу ерда яшаётган халқларнинг ўзига хос хусусиятлари, маданий ахлоқий урф-одатлари, психологиясини билмас эдилар.

Олтинчидан, 1917-йил ноябридан эътиборан генерал Дутов Оренбург, Троицкий, Челябинск каби муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳудудларни эгаллаб олди. Туркистон билан Россия ўртасидаги хар қандай алоқа узилиб қолди.

Ва ниҳоят, еттинчидан, 1917 – 1919 йилларда Туркистон ўлкасида рўй берган қурғоқчилик, қаҳратон қиш ва баҳорги совуқлар бирга қўшилиб ўлкадаги вазиятни мислсиз бир ҳолатга келтириб қўйди. Ана шу юқорида санаб ўтилган барча сабаблар Туркистонда фаолият кўрсатаётган советлар ҳукуматининг маҳаллий туб ерли халқларга нисбатан тутган шовинистик ва

камситувчилик сиёсати билан бирга қўшилиб халқимиз бошига сон-саноқсиз кулфатларни келтирди[6.83].

Россия Туркистонни босиб олгач бу ўлкани ўзининг асосий пахта етказиб берувчи ҳудудига айлантирган эди[7.82]. Булар Туркистоннинг ўта мураккаб иқтисодий аҳволини янада оғирлаштириб юборди. Натижада, қишлоқ хўжалигида экин майдонлари кескин камайди - 1915 йилдаги 3 млн 300 минг десятинадан 1920 йилда 1 млн 200 минг десятинага, яъни икки баробарга қисқарди. Пахта экин майдонлари, 1915 йилдаги 523,6 десятинадан, 1920 йилда 109 минг десятинага тушиб қолди. Ўртача, пахта толасини етиштириш эса 1915 йилга нисбатан 1921 йилда 5 фоизга камайди. 1916 йилдаги ҳар бир десятина ердан олинадиган ҳосил 95 пуддан 1920 йилда 25 пудгача камайди. Шу билан бирга қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бўлган чорвачилик, паррандачилик, ипакчилик, асаларичилик ҳамда боғдорчилик соҳаларида ҳам маҳсулот етиштириш кескин пасайиб кетди. Хусусан, чорвачилик соҳасида 1917 йилда бутун ўлка бўйича 19.082.968 бош чорва моллари рўйхатга олинган бўлиб, 1920 йилга келиб чорва моллари сони 8.112.579 бошга тушиб қолган, бу еса 1917 йилга нисбатан 58 фоизга қисқариб кетганини кўрсатади. "Республика саноатида ялпи маҳсулот чиқиши 1920 йилда 1918 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг аранг 20 фоизини ишлаб чиқарган холос"[2.108.112].

Хуллас, Туркистонда совет ҳокимиятининг ҳарбий коммунизм сиёсати ўзининг халқига нисбатан ноинсоний сиёсат еканлигини кўрсатди. Унинг натижаси ўлароқ, ҳақиқатда болшевиклар тасаввуридаги ҳарбийлашган жамият вужудга келдики, унинг асосий белгилари бошқарувни мутлоқ марказлаштириш ва ялпи давлатлаштириш, хусусий мулкни бекор қилиш, хўжалик юритишнинг мусодара усуллари, жазо чоралари билан меҳнатга мажбур қилиш, бозор иқтисодиёти тизимини барбод қилиш, миллий ва инсонпарварлик қадриятларини марксча-ленинча синфий қадриятлар билан зўравонларча алмаштиришдан иборат еди. Болшевикларнинг ана шу сиёсатини ҳаётга жорий қилиниши оқибатида иқтисодиётнинг ҳалокатли инқирози, ижтимоийсиёсий вазиятнинг кескинлашуви юз бердики, натижада совет ҳокимиятининг яшаши гумон бўлиб қолди. Юзага келган бу жиддий вазият совет давлати раҳбариятини бу иқтисодий сиёсатнинг мазмун ва моҳиятини қайтадан кўриб чиқишга мажбур қилган еди.

1921 йил 14 мартда Марказий ва маҳаллий иқтисодий органларни бирлаштириш тўғрисида Туркистон АССР МИҚнинг қарори чиқди. Унда шундай дейилган эди: "совет ҳукумати бутун аппаратини хўжалик фаолиятини мувофиқлаштириш ва мустаҳкамлаш ҳамда уни маҳаллий ва умумдавлат вазифаларини бажаришга жалб қилиш мақсадида, Туркистон Советлари Марказий Ижроия Қўмитаси қуйидагича қарор қилади:

1. Туркистонда Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Свети қошида комиссия ҳуқуқига ега бўлган "Иқтисодий Кенгаш" ташкил этилсин.

2. Иқтисодий Кенгаш таркибига Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари кичик кенгаши ва қуйидаги халқ комиссарлари киради: меҳнат ва ерни қайта ишлаш, алоқа йўллари округи, касаба уюшмалари кенгаши

раиси, Туркфронт инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси ҳамда маслаҳат бериш овози билан Туркистон Республикаси статистика бошқармаси бошқарувчиси.

3. Иқтисодий Кенгашга хўжалик қурилиши соҳасидаги идораларни бошқариш ва мувофиқлаштириш ҳамда улар фаолиятини кучайтириш топширилсин[3.18]. Туркистон иқтисодиёти янги иқтисодий сиёсат амалиётга қўлланилаётган бир шароитда Туркистон Иқтисодий Кенгаши (ТИК) Туркистон АССР ҳудудидаги олий бошқарув органи сифатида ўзига хос маъмурий тизимдан иборат бўлиб, марказий, вилоят ва уезд иқтисодий кенгашларидан ташкил топган эди.

ТИК 1921 йилнинг феврал ойидан то октабрь ойигача бўлган дастлабки фаолияти давомида 35 та мажлис ўтказиб унда 160 дан ортиқ масалалар кўриб чиқилади. Кенгаш бу масалаларни кўриб чиқишда асосий эътиборни ишлаб чиқариш (46 фоиз) ва саноат (24.4 фоиз) га қаратди. Шунда сўнг қурилиш соҳасини ривожлантиришга (21 фоиз) қаратган, яъни мехнат таъминоти, қурилиш, кооперация ва маҳсулот айирбошлаш ва бошқа масалалар билан шуғулланади. Хар бир ўтказилган мажлисда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинган. ТИК ишлаб чиқариш масалаларини кўриб чиқишда Марказий Кенгаши (ХХМК) ишлаб чиқаришни бошқарувчи орган сифатида ўз траклифларини киритди. Бошқа муҳим масалалар бўйича ер ишлари бўйича коммисарлик, пахта қўмитаси иш олиб борган[5.22].

ТИК 1921 йил март ойининг ўрталарига келиб ўтказган 8 та мажлисида ХХМКнинг ишлаб чиқариш дастурини кўриб чиқиб, бу ишларни амалага оширишда пул маблағи ва тахник материаллар танқислиги юзага келишига амин бўлди. Бу ишни ҳал қилиш мақсадида март ойининг охирида ўтказилган мажлисда озиқ-овқат ва ишчи-дехқон инспексияси комиссарликлари хамда Туркистон давлат рахбарларидан ишни ўрганиб чиқувчи комиссия тузишга қарор қилинди. Ишни ўрганиб чиқишга 10 кун муддта берилди. ТИК ХХМК олдига икки ҳафта муддат ичида ТИК га Республикани моддий манбааларини режасини ишлаб чиқишга ва уни топширига буйруқ берди.

ТИК ўзининг дастлабки фаолияти республика ва вилоят иқтисодий кенгашларини хисоботи бўйича умумий тахлил қилиб 1921 йил февраль ойидан октабрь ойига қадар чегараланган даврда ташкилий масалада йўл қўйилган хатолар сабабини ўрганиб чиқди. Дастлабки даврада ишга алоқадор бўлган идоралар хамда маҳаллий хўжалик ташкилотларининг иқтисодий кенгашларини йетишмаслиги ва муассасалар аро кенгашнинг амалда ўз ишини бажармаслиги иш режаси йўқлиги ва уларнинг ниҳоятта заифлиги Туркистон хўжалик ахволига шаклланиб келаётган ижтимоий шароитга суст таъсир кўрсатганлиги еътироф етилди. Ушбу холат натижасида нафқат йўналиш шу билан бирга ишнинг мазмуни ва моҳияти ҳам бузилгани кўрсатиб ўтилди.

ТИК нинг дастлабки раиси Паскуский тан олишича феврал октабр ойигача бўлган даврда ТИК ўз фаолиятини дастлабки усули билан мавжуд хўжалик холатини ўзгартира олмади ва хеч қандай кутилган натижага

еришмади. Шароитни хисобга олмаган холда, Мехнат ва Мудофа Кенгаши ТИКдан ишнинг натижсини талаб қиларди. 1921 йил сентабрда бўлиб ўтган Бутун Туркистон Советларнинг X съездиди республика халқ хўжалиги янги иқтисодий сиёсат асосида қайта қуриш масалаларига алохида еътибор берди. X съезд қуйидаги асосий масалаларни муҳокама қилиб унда Туркистон Республикси хукуматининг хисоботи, саноатни бошқаришни қайта ташкил қилиш, ер сиёсати тўғрисида, қишлоқ хўжалиги тўғрисида, совет аппаратини маҳаллий ахоли эхтиёжларига яқинлаштириш масалалари кўриб чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилинди [5,24].

Хуллас кўрилаётган даврда совет ҳокимияти ўлкада зўрлик билан ўрнатилиб, саноат ва қишлоқ хўжалигини тўласинча ўз манфатларига хизмат қилувчи объект сифатида ташкиллади. Большевиклар томонидан ташкил этилган Туркистон иқтисодий кенгаши ҳам ерли халқ манфатлари хизмат қилувчи идора эмас, балки марказ манфатларига хизмат қилувчи ташкилот сифатида ташкилланган бўлиб, марказ кўрсатмаларига оғишмай амал қилган холда фаолиятда кўрсатган.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи (Ўзбекистон шўролар истибдоди даврида). Иккинчи китоб II-қисм. Андижон, 1998.
2. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида Тошкент: Шарқ, 2000.
3. Хайдаров И. Ўзбекистонда иқтисодий кенгашлар фаолияти (1917-1934) Тошкент, 2008.
4. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Биринчи китоб 1917-1939 йиллар. Тошкет: O’zbekiston, 2019.
5. Хайдаров И. Ўзбекистонда иқтисодий кенгашлар фаолияти (1917-1934) Тошкент, 2019
6. 1. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи (Ўзбекистон шўролар истибдоди даврида). Учинчи китоб III-қисм. Андижон, Тошкент,2010


## VATAN UCHUN FIDO INSONLAR RUHI BARHAYOT


**A.SH. Sayfullayeva - Boshlang`ich ta`lim yo’nalishi talabasi.**
**Guliston davlat universititi**



***Annotatsiya:*** *maqolada mustamlakachilik davrida ilm-fan, madaniyat, ta`lim va boshqa bir necha sohalarga o`z hissasini qo`shgan, ularning rivojlanishida muhim ahamiyat kasb etgan, jadid bobolarimiz ularning tutgan yo`li, olib borgan sa`yi-harakatlari, o`z Vatani taraqqiyoti, xalqi farovonligi uchun hech narsadan qaytmasdan, mardonavor bilan kurashganliklari, oqibati qanday bo`lishini bilsalarda kurarishdan, bir lahzaga bo`lsada to`xtamaganliklari alaloqibat o`z Vatanlari uchun mardlarcha qurbon bo`lganliklari haqida, balki*

*bizga o`rnak bo`la oladigan hayoti va ijod yo`llari, jadidchilik harakati haqida ko`plab ma`lumotlar keltirilgan.*

**Annotatsiya:** *в статье рассказывается о наших дедах-джадидах которые в колониальный период внесли свой вклад в науки культуру образование и нескльно других сфер сыграли важную роль в их развитии о том как они шли по пути джадидов о том как они мужественно боролись за развитиие своей Родины за блогополучие своего народа не возвращаясьни из ничего не останавливаясь ни на минуту чтобы увидеть каковы будут последствия о том что они много информации было предоставлено о джадидском движении .*

**Abstract:** *the article describes the contribution of our modern chapters to the development of science, culture, education and several other areas during the colonial period, which played an important role in their development. They can be an example to us of the fact that they fought valiantly for the well-being of their people, and did not stop fighting for a moment when they knew the consequences. There isa lot of information about his life and career, the Jadid movement.*

**Kalit so`zlar:** *jadidchilik harakati, jadidlar, ma`naviyat , fan-ta`lim, maorif, tarix, yangi usul maktablar, fan darsliklari, ma`rifatparvarlar, jadid adabiyoti, milliy ta`lim, taraqqiyparvarlik, mudarris va madrasa.*

**Ключевые слова :** *джадидское, движение, джадиды, духовность, наука-оброзование, оброзование, история, новый метод, школы, учебники, по науке, просвитители ,джадидская, литература ,национальное ,образование прогрессизм, мударрис и медресе.*

**Key words:** *Jadid movement, Jadids, spirituality, science education, education, history, new method, schools, science textbooks, enlightenment, Jadid literature, nationaleducation, progress, mudarris and madrasa.*

Tarixga nazar solaylik : XX asr boshlari xalq jaholat botqog`iga botib borayotgan davr. O`zbekiston mustamlakachilik davrida juda ko`p sohalarda orqada qolgan, ayniqsa yoshlarga, ularning ta`lim olishiga e`tibor berilmas edi. Bu masalaga ancha vaqtgacha hech kim nazar solmagan.

Ammo o`z ona Vatanini, xalqini sevuvchi, o`z yurtini g`amini yeyuvchi insonlar yurti uchun mardonavor kurashdilar. Ular Turkistonnig birinchi muallimlari ya`ni jadidchilar edi. Jadidchilik yoki jadidizm (arabcha "jadid»-yangi)- XIX asr oxiri XX asr boshida Turkiston hayotida muhim ahamiyat kasb etgan ijtimoiy-siyosiy, ma`rifiy harakat. Jadidchilik dastlab XIX asrning 80-yillarida Qrimda vujudga keldi. XIX asrning 90-yillaridan O`rta Osiyoda tarqaladi. Jadidchilar avval madaniyat sohasidagi harakat sifatida faoliyat yuritgan. Bu oqim vakillari taraqqiyot uchun kurashish, turkiy tillarni rivojlantirish, shu tillardagi adabiyotni boyitish, dunyoviy ilmlarni o`rganish, fan yutuqlaridan foydalanish hamda ayollar va erkaklar tengligi uchun kurashishga chaqirishgan. Turkiston millatning taqdiriga tahdid soluvchi o`ta qaltis va og`ir ichki tarixiy muhit paydo bo`ldi.

Turkistonda ruslashtirish siyosatini amalga oshirish bilan ma`lum missionerlar guruhi faoliyat olib boradi. Bir tomondan, Rossiya imperiyasi mustamlakachiligi siyosiy jihatdan mustahkamlandi. Mustamlaka va zo`ravonlikka mukkasidan ketgan rus bosqinchilar esa, endi o`z mafkurasini singdirish orqali ma`naviy ustunlikka ham ega bo`lishi uchun mahalliy xalqni ruslashtirish, uning g`ururini sindirish, o`zligini yo`qotishdek, o`ta razil siyosatni kuchaytirdilar. Ikkinchi tomondan esa, millat va xalqimiz o`z siyosiy, ma`naviy huquqlari, erki va hohish-irodasini yo`qotdi. Uchinchidan, ummuman musulmon mutaassibligi kuchaydi.Millatning ijtimoiy-siyosiy va iqtisodiy ahvoli hamda ma`naviyati tubanlashdi. Buning ustiga din peshvolari orasidagi mutaassiblarda yangilikka, dunyoviy ma`rifat va taraqqiyotga qarshilik ham avj oldi.

Jadidlar millatni bo`yin egishi va o`zligini unutish havfidan qutqarishning birdan-bir to`g`ri yo`li avval tarbiya va ma`rifat, so`ng islohat ekanligini juda to`g`ri anglab yetdilar. XX asrga kelib millatni milliy o`limdan saqlab qolish va istiqlolga olib chiqish uchun ma`rifat, ijtimoiy-siyosiy, madaniy-ma`rifiy tarbiya asosiy omil, eng muhim ma`naviy qurol darajasiga ko`tarildi. Shuning uchun ham jadidlar millat va xalqni g`alayon va qo`zg`alonga , inqilobiy buzg`unchilik kabi yovvoyilikka da`vat etmadi.

Aksincha ularni diniy-dunyoviy ma`rifat, ilm-fan, madaniyat va yangiliklar bilan quronlantirib tarbiyalash, o`zligini anglatish, ijtimoiy-ma`naviy g`aflat uyqusida ug`yotib, turmush tarzi, ma`naviyatini, madaniyatini, adabiyoti va maorifini o`zgartirishga bel bog`ladilar.Ular o`z faoliyatlari davomida aholi uchun ma`naviy ozuqa bera oladigan ishlar qila oldilar. Misol uchun Avloniy 1909-yil «Jamiyati xayriya» uyushmasini tashkil etadi. Bundan tashqari «Birinchi muallim», «Tarix», «Turkiy guliston yoxud axloq» «Adabiyot» kabi zamonasi uchun muhim ma`naviy hodisa bo`lgan darsliklar yaratadi. 1908-yil Hamza Hakimzoda Niyoziy birinchi pyesani yaratdi va Marg`ilonda «G`ayrat» kutubxonasini ochdi. Behbudiy «Sho`ro», «Vaqt», «Toza hayot», «Samarqand», «Oyna» kabi gazeta va jurnallarda chop etilgan maqollari esa taraqqiyparvar kishilar va, ayniqsa, yoshlarning diqqat e`tiborini qozongan. Behbudiy ayni chog`da yangi usuldagi maktablarning asoschisi va targ`ibotchisi, yangi darsliklarning ilk muallifi ham bo`ldi. Albatta ularning bu kabi ishlari yuqoridagi ko`plab mansabdorlarga yoqmadi. Natijada ular taqib ostiga olindilar, turli bo`hton va tuhmatlar bilan qamaladilar, keyinchalik esa qatag`on qurbonlariga aylandilar. Ammo ular allaqachon xalqi qalbida erkinlik tuyg`usini shakllantira olgan edilar bu esa ular bunyod etgan bir yodgorlik edi.

Xulosa

Biz ayni vaqtda barcha shart-sharoitlar yaratilgan ozod va obod Vatanda yashayapmiz. Ammo bir necha daqiqamizni ajratib tarixni yodga olsak, biz uchun, ayni vaqtdagi hech narsaga tenglab bo`lmaydigan hayotimiz uchun, kimlar o`zidan, jonidan, boridan kechganini tushunib yetamiz. Uzoq o`tmishga ega tarixdan saboq olib, zamon bilan hamqadam bo`lib yashash bugungi hayotimizning muhim talabi hisoblanadi. Demak xulosa qilgan holda ajdodlarimizga munosib, avlodlarimizga o`rnak bo`lib yashaylik.

**Foydalanilgan adabiyotlar :**


1. O`zbekiston tarixi. Q.Usmonov , U. JO`rayev, N.Norqulov «O`qituvchi» nashriyoti-matbaa ijodiy uyi . Toshkent-2014
2. O`zbekiston tarixi. A.Muhammadjonov . «Sharq» nashriyot-manbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahriryati. Toshkent -2017
3. O`zbekiston tarixi. Q.Rajabov, A.Zamonov. G`afur G`ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. Toshkent-2017
4. O`zbekiston tarixi. S.Tillaboyev, A.Zamonov . «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahriryati. Toshkent -2017
5. «O`zbek adiblari». G`afur G`ulom nomidagi adabiyot va san`at nashriyoti. Toshkent-2016


## МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР МАБЛАҒЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШИ


**С.Я.Исмоилова - мустақил тадқиқотчи.**
**Фарғона давлат университети**



***Аннотация.*** *Тезисда давлат бюджети ва унинг муҳим таркибий қисми бўлган маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишнинг энг истиқболли йўналиши бўлган натижавийликка йўналтирилган бюджетлаштириш ва бюджетлаштиришнинг дастурий-мақсадли методи ҳақида ёритилган.*



***Калит сўзлар****: маҳаллий бюджет, натижавийликка йўналтирилган бюджетлаштириш, бюджетлаштиришнинг дастурий-мақсадли методи, ассигнования.*



***Аннотация:*** *Данный тезис рассматривает бюджетирование, ориентированное на результат и программно-целевой метод, что является принциальной перспективой местного бюджета, который представляет собой неотемлемую часть госбюджета.*



***Ключевые слова:*** *местный бюджет, бюджетирование, ориентированное на результат, программно-целевой метод, ассигнования.*

***Abstract:*** *given thesis is about result oriented budget and program-aimed method, which is fundamental perspective in ensuring the effective use of local budget that is concurrent part of state budget.*
***Key word:*** *local budget, result oriented budget, program-aimed method, allocation.*

Бугунги кунда давлат бюджети ва унинг муҳим таркибий қисми бўлган маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида натижавийликка йўналтирилган бюджетлаштириш ва бюджетлаштиришнинг дастурий-мақсадли методи қаралмоқда.

Натижавийликка йўналтирилган бюджетлаштириш ва бюджетлаштиришнинг дастурий-мақсадли методи ҳозирги пайтда ҳам бюджет, жумладан, маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашнинг замонавий йўналиши сифатида эътироф этилаётган бўлишига қарамасдан, аслида у ўзининг узоқ тарихига эга. 1960 йилларда АҚШда бюджет инновацияларининг асосий элементи сифати пайдо бўлиб, бюджет-лаштиришнинг дастурий методи ва натижавийликка йўналтирилган бюджетлаштириш инструментларини амалиётга жорий этиш тажрибаси кейинги йилларда кўплаб мамлакатларда қўлланилган. Канада, Янги Зеландия, Буюк Британия ва Австралия каби мамлакатлар 1980 йилларда давлат бошқарув секторида натижавийликни ошириш бўйича турли чораларни жорий этган биринчилардан ҳисобланган. 1990-йилларнинг бошларида ИҲТТ (Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти)нинг аъзо-мамлакатлари бундай ёндашувга дахлдор бўлган натижалардан хабардор бўлишса-да, бироқ фақат айрим ҳоллардагина бюджет жараёнида фойдаланилган ва бюджет маблағларини тақсимлаш билан кучсиз боғланган эди.

2000 йилларнинг бошларида натижавийликка йўналтирилган бюджетлаштиришга бўлган қизиқиш ривожланаётган мамлакатлар ва ўтиш иқтисодига эга бўлган мамлакатлар Шарқий Европа, Лотин Америкаси ва Осиёнинг айрим мамлакатларида ҳам пайдо бўлди. Бунинг устига, бюджетлаштиришнинг дастурий-мақсадли методига етарли даражада тез ўтишнинг энг муваффақиятли тажрибаларидан бири сифатида ҳозирги пайтда Жанубий Корея тан олинмоқда. Бу мамлакатда юқорида қайд этилган ислоҳотлар бундан 10 йил олдинроқ амалга оширилган эди. Шундай қилиб, бюджетлаштиришнинг мақсадли-дастурий методи ва натижавийликка йўналтирилган бюджетлаштириш инструментларини жорий этишга ўтиш бўйича АҚШнинг биринчи тажрибаси, маълум бир вақт ўтиб, дунёвий тенденцияга айланди.

АҚШ ва бошқа мамлакатларда натижавийликка йўналтирилган бюджетлаштириш жорий этилишининг мақсади бюджетни моддама-модда шакллантиришдан кутилаётган натижалар кўрсаткичлари асосида бюджет харажатлари тўғрисида қарор қабул қилиш жараёнига ўтишдан иборат эдики, унинг инструменти сифатида бюджет харажатларини дастурий классификация қилиш майдонга чиқар эди. Бу классификация бевосита ёки якуний натижалар кўрсаткичларини ажратилган бюджет ассигнованиялари билан боғлаш имконини берарди. Бунда дастурий классификациялаш оддий иқтисодий ёки маъмурий таркибий тузилма қисми бўлиб қолмасдан, балки айнан бюджетлаштириш инструменти бўлиши кераклиги принципиаль аҳамиятга эгадир. Дастурлар асосида шакллантириладиган бюджетнинг самарали амал қилиши учун алоҳида тизимнинг бўлиши тақозо этиладики, у сиёсий мақсадлар, дастурлар ва маъмурий таркибий тузилмани ўзаро боғлаши керак. Ана шундай тизими мавжуд бўлмаса, ажратилган бюджет маблағларининг ҳажми ҳамда дастурларнинг натижаларига эришиш бўйича кимнинг жавобгар бўлиши тушунарли бўлмай қолади. Шунинг учун ҳам бюджет харажатларининг классификация дастурларига асосланган ривожланиш бу ўринда натижавийликка йўналтирилган бюджетлаштиришни жорий этишда асосий (калит) элемент ҳисобланади.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида баъзи мамлакатларда бевосита ёки якуний натижалар кўрсаткичларига таянган ҳолда бюджет таркибий тузилмасининг ўзгартирилишига муваффақ бўлинди. Хусусан, Янги Зеландияда бюджет дастурий форматда тақдим этилмоқда. Уни таркибий тузилмалаштириш эса якуний натижалар кўрсаткичлари асосида амалга оширилмоқда. Натижавийликка йўналтирилган бюджетлаштириш ва бюджетни шакллантиришнинг дастурий методига ўтиш элементларини жорий этишнинг унча узоқ бўлмаган тажрибаларига эга бўлган мамлакатлар қаторига яна Жанубий Корея, Туркия, Словакия, Словения, Ҳиндистон, Италия ва яна бошқа мамлакатлар киради. Бошқа бир гуруҳ мамлакатларда эса бюджетлаштиришнинг дастурий-мақсадли методини жорий этиш билан бир қаторда натижавийликка йўналтирилган бюджетлаштиришнинг бошқа инструментлари ва элементларидан фойдаланилмоқда. Хусусан, қатор мамлакатлар тўғридан-тўғри ёки формулага асосланган айрим тармоқларда ёки айрим давлат хизматлари, масалан, бирламчи тиббий ёрдам, мактаб ва олий таълим соҳасидаги хизматлар учун бюджетлаштиришни қўллашмоқда. Муаммони ҳал этишга бундай ёндашиш соғлиқни сақлаш ва маориф соҳаси учун Скандинавия мамлакатларида (Швеция, Норвегия, Дания, Финляндия) тарқалган. Натижавийликка йўналтирилган бюджетлаштириш тизими натижалар тўғрисидаги маълумотларга, улар эса давлат бошқаруви секторида

шаклланади, асосланганлиги учун давлат секторида самарадорлик ёки натижавийликни бошқариш тизими (performance management) бюджетий ислоҳотларнинг муҳим элементи ҳисобланади. Бундай тажрибага эга бўлган мамлакатлар қаторига Дания, Норвегия ва Швеция киради. Бу мамлакатларда натижалар кўрсаткичларига йўналтирилган тармоқ вазирликлари ва давлат агентликлари ўртасидаги шартнома тизими жорий этилган. Голландия, Жанубий Корея ва Австралияда давлат ҳокимият органларида самарадорликни бошқариш тизими амал қилади.

**Адабиётлар рўйхати**


1. Маликов Т. Олимжонов О. Молия. Дарслик. –Т.: “Iqtisod-moliya”, 2019.
2. Очилов, Х. Ғ. (2020). Маҳаллий бюджет лойиҳаларини тузишда бюджетни ўрта муддатли режалаштириш ва натижавийликка йўналтирилган бюджетлаштиришга ўтишнинг ахамияти ва ўрни. *Science and Education*, *1*(2), 298-303.
3. Исмоилова, С. Я. (2020). Теоретические задачи обеспечения эффективного использования местных бюджетных средств. in минтақа иқтисодиётини инвестициялашнинг молиявий-ҳуқуқий ва инновацион жиҳатлар*И* (pp. 250-258).
4. Исмоилова, С. Я. (2020). Бюджетдан молиялаштириш усуллари–маҳаллий бюджетлар харажатлари самарали сарфланишини таъминлаш омили. In *МИНТАҚА* иқтисодиётини инвестициялашнинг молиявий-ҳуқуқий ва инновацион жиҳатлари (pp. 551-553).
5. Ismoilova, S. (2020). How to use local budget?. *International Finance and Accounting*, *2020*(4), 5.


## ТАЛАБАЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК МАЛАКАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: ОМИЛЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ


**Ф.И. Эргашева -Иқтисодиёт кафедраси ассистенти**
**НамМТИ**



***Аннотация:*** *Мақолада жамият иқтисодиётида тадбиркорлик фаолиятининг аҳамияти, фаол қатлам бўлган ёшлар тадбиркорлигининг ўрни тўғрисида фикр юритилган. Ёш тадбиркорларнинг умумий тадбиркорлардаги улуши, ёшларда тадбиркорлик малакасини ривожлантиришдаги омиллар, ечимини кутаётган масалалар ёритилган.*

***Аннотация:*** *В статье освещается значение предпринимательской деятельности в экономике общества, роль молодежного предпринимательства, которое в основном является активным слоем. Были рассмотрены доля молодых предпринимателей в общем предпринимательстве, факторы развития предпринимательских навыков у молодежи, вопросы, ожидающие своего решения по развитию предпринимательских навыков у студентов.*

***Abstract**: The article highlights the importance of entrepreneurship in the economy of society, the role of youth entrepreneurship, which is mainly an active layer. The share of young entrepreneurs in the overall entrepreneurship, the factors of the development of entrepreneurial skills among young people, the issues waiting to be resolved on the development of entrepreneurial skills among students were considered.*

***Калит сўзлар**: тадбиркорлик, ёшлар тадбиркорлиги, ёшлар тадбиркорлиги малакасини ривожлантириш омиллари*

***Ключевые слова**: предпринимательство, молодежное предпринимательство, факторы развития навыков молодежного предпринимательства*

***Keywords**: entrepreneurship, youth entrepreneurship, factors of development of skills of youth entrepreneurship*

Ҳозирда мамлакатимиз иқтисодиётини ўсишида тадбиркорлик соҳасининг ривожлантириш устувор йўналишларидан бирига айланмоқда. Тадбиркорликни ташкил этиш ва уни ривожлантиришда олий ўқув юртлари етакчи роль ўйнаб, ёшларнинг таълим олиш, илмий-ижодий ёндашув ва бор энергиясини жамлаш ери сифатида майдонга чиқади. Ёшлар жамиятнинг энг фаол ва ижодий қисмидир.Инновацион жамиятга бўлган эхтиёж, инновацион тафаккурни шакллантириш, интеллектуал салоҳиятни ошириш талабларини қўймоқда. Бу бугунги кун талаба ёшларда тадбиркорлик кўникма ва малакасини ривожлантиришни тақозо этади.

Мамлакатимиз аҳолисининг 18,9 млн. нафари ёки 54 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ва болалар ташкил этади. Республикада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг 22,9 фоизи (106 минг 574 таси) 30 ёшгача бўлган ёшлар ҳиссасига тўғри келади. Якка тартибдаги тадбиркорларнинг 21,5 фоизини (71 минг 467 тани) 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади[1].

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Фақатгина "Ёшлар – келажагимиз" дастури доирасида ёш авлод вакилларининг 8 мингтага яқин бизнес лойиҳасига 1 триллион 630 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ажратилди, натижада 40 мингга яқин янги иш ўрни ташкил этилди.



*1-расм. Университет муҳитида ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш омиллари* [2,28].

Ёшларда тадбиркорлик малакасини ривожлантиришда университет таълим тизимларини тадқиқот қилар эканмиз, бу соҳага таъсир этувчи омилларга тўхталиб ўтамиз.

А.В.Иванова бу омилларни икки гуруҳга бўлишни тавсия қилади: эндоген ва экзоген омиллар.Экзоген омилларга вилоятда тадбиркорлик тузилмаларининг фаолият кўрсатиши зарурати ва шарт-шароитлари ҳамда, университет шароитида ёшлар тадбиркорлигини шакллантиришда жаҳон тажрибаси киради. Эндоген омиллар университетнинг тадбиркорлик экотизимни ривожлантириш омилларини ва талабалардаги шахсий хусусиятлар: тадбиркорлик ваколатлари, маданият, тадқиқот лойиҳаларида талабани жалб қилинишини киритиб ўтади.

Биз А.В.Ивановaнинг фикрига қўшилган ҳолда, ўзимизнинг ёндашувимизни изоҳлаб ўтишимиз мумкин. Талаба ёшлар тадбиркорлиги аввало уларга тадбиркорликка хос бўлган иқтисодий таълим-тарбияни беришга тўғридан-тўғри боғлиқдир. Бизнингча, талабаларга иқтисодий тарбияни ривожлантириш омилларини иккига бўлиш мумкин: бири ички ва иккинчиси ташқи омиллар. Қуйидагиларни ***ички омил***лар сифатида ажратиб кўрсатилиб, унга таълим-тарбия жараёнига оид омилларни киритиш мумкин: олийгоҳ муҳитида талаба ёшларга иқтисодий тарбия беришдаги амалга оширилаётган ҳаракатлар тизимининг ҳолати; педагогларнинг билим ва тажрибалари, касбий маҳоратлари; талабаларни ижтимоий-иқтисодий ҳаётга тайёрлашга ёндашувлари, билим даражаси, қизиқишлари, эҳтиёжлари, шу билан биргаликда ўз-ўзини тайёрлаш малакаси даражаси; иқтисодий билимларни эгаллашларида корхона ва ташкилотлар билан алоқалари, ҳамкорлиги.

Шунингдек, ёшларда тадбиркорлик малакасини ривожлантиришда таълим-тарбия жараёнини таъминот ҳолатига урғу берилиб, уларни ***ташқи омиллар*** гуруҳи номладик: олий таълим муассасини эга бўлган ўқув моддий таъминоти; иқтисодий тарбия тўғрисида зарур ўқув адабиётлар ва манбалар; оммавий ахборот воситалари маълумотлари, интернет тармоғи материаллари; иқтисодий тизим, жамият ва шахс ўртасидаги муносабат, меҳнат ва касбий фаолият ташкил этиш, уларни самарали йўлга қўйиш; ўқув жиҳозлари, техник воситалар; иқтисодий жараёнлар кабиларни киритишимз мумкин.

Тадқиқотимизга кўра, талаба ёшларда иқтисодий билим, кўникмаларни шакллантириш, тадбиркорлик малакаларини ривожлантириш зарурлигини

бир нечта сабабий омилларини санаб ўтишимиз мумкин: талабаларни иқтисодий фаолият доирасида ўз олдиларига аниқ мақсадни қўйиш ва режалаштиришнинг пастлиги; талабалар онгида энг сўнгги иқтисодий жараёнлар тўғрисидаги билимларни шаклланишини пастлиги; мушоҳада қилишни сустлиги; мамлакатимиз иқтисодиётидаги ёшларга яратиб берилаётган шароитлар, янгиликлар тўғрисидаги маълумотлардан бехабарлиги; талабаларнинг тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолиятини бошлаши ва олиб бориши учун баъзи ҳудудларда шароитни қониқарсизлиги; ўз тенгдошлари билан фикр алмашиш, тадбиркорлик лойиҳаларини ишлаб чиқишда замонавий кўникма ва билимга муҳтожлиги; талабаларда ишбилармонлик, тадбиркорликка хос бўлган билимларини иқтисодиётдаги турли вазиятларга боғлай олиш кўникмаларини пастлиги ва бошқалар.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 23-сонли қарори. https://lex.uz/

2.Иванова А.В. Типология факторов развития молодежного предпринимательства в университетской среде / А. В. Иванова // Региональное развитие: стратегии и человеческий капитал: материалы Международной научно-практической конференции, [г. Екатеринбург], 10-11 апреля 2014 г. : в 2-х т. — Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2014. — Т. 2. — С. 26-35.

# ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ТАДБИРКОРЛИК МАЛАКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎРНИ

**Ф.И. Эргашева -Иқтисодиёт кафедраси ассистенти**
**НамМТИ**

***Аннотация:*** *Мақолада ёшлар тадбиркорлиги мазмуни, анкета ўтказиш орқали ёшлар тадбиркорлигини ривожланишидаги аниқланган муаммолар ёритилган. Шунингдек мавжуд муаммоларнинг бартараф этиш учун тавсиялар келтирилган.*

***Аннотация****: В статье рассматривается содержание молодежного предпринимательства, проблемы, выявленные в развитии молодежного предпринимательства путем проведения анкетирования. Также даются рекомендации по устранению существующих проблем.*

***Abstract****: The article deals with the content of youth entrepreneurship, the problems identified in the development of youth entrepreneurship by conducting a survey. Recommendations on how to fix existing problems are also provided.*

***Калит сўзлар****: ёшлар тадбиркорлиги, тадбиркорлик кўникмаси ва малакалари, ёшлар тадбиркорлигини ташкил этиш муаммолари*

***Ключевые слова***: *молодежное предпринимательство, предпринимательские навыки и умения, проблемы организации молодежного предпринимательства*

***Keywords***: *youth entrepreneurship, entrepreneurial skills and abilities, problems of organizing youth entrepreneurship*

Ёшларни иш билан таъминлаш муаммолари асосан - мамлакат саноатининг ривожланиш даражаси, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар, демографик вазиятнинг ҳолати, соғлиғининг жисмоний ва руҳий ҳолатининг ўзгариши, стандартларнинг пасайиши аҳолининг ҳаёти ва ижтимоий-иқтисодий омилларнинг ёшлар турмуш тарзига таъсири каби объектив жараёнлар билан боғлиқ.

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 10-15 фоизидан кўпроғи тадбиркор бўлишга мойил. Бироқ, тадбиркорлик фаолияти учун қобилияти мавжуд бўлса, солиқ ва бошқа давлат қонунлари доирасида имтиёзлар бўлса, қўллаб-қувватлаш йўллари тўғрисида хабардор бўлса янада кўпроқ ёшлар тадбиркор бўлишни истайди. Ёшлар билан олиб бориладиган ижтимоий-иқтисодий ишлар бугунги кундаги долзарб бўлиб, ёшларни меҳнат фаолиятига максимал даражада жалб қилиш ва уларнинг бандлигини оширишни тақазо этади.

Тадбиркорлик субъектлари таркибига — тадбиркорлик ва даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган *ёшлар тадбиркорлиги* субъектлари ҳисобланган 18 ёшга тўлган 30 ёшдан ошмаган ёшлар ҳам киради[1]. Лекин ёшлар тадбиркорлигини тадқиқ этган адабиётлар ўрганилганда 15 ёшдан 35 ёшгача бўлган ёшлар ҳам бу қатламга киритилиб ўрганилганлигини кузатишимиз мумкин.

Сўнгги йилларда етакчи мамлакатлар иқтисодиётида ёшлар ишсизлиги кескин муаммо бўлиб қолмоқда. Бу глобал муаммони ечишда *ёшлар тадбиркорлиги* асосий восита бўлгани учун муҳим ўрин тутади. Статистик кўрсаткичларга кўра, дунё бўйича 18 дан 30 ёшгача бўлган тахминан 300 миллион ёшларнинг доимий иш жойлари йўқ ёки умуман ишсизлардир[2].

*Ёшлар тадбиркорлиги*нинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган муаммоларнинг учта гуруҳи мавжуд: шахсий ёки мотивацион; тажриба ва *касбий билимларнинг етишмаслиги*; қонун чиқариш. Демак, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришда уларда тадбиркорлик билим, кўникма ва малакаларини етишмаслиги муаммосига дуч келинмоқда.

Ёшлар тадбиркорлик фаолиятларини бошлашда фақат ғоя билан чекланяптилар, холос. Тадқиқот маълумотларни таҳлил қилиш натижасида иқтисодиёт таълим йўналишидаги 18-26 ёшдаги 233 нафар талабаларнинг тадбиркорлик бўйича кўникма ва малакалари, тадбиркорлигини ташкил

этиши бўйича фаоллиги аниқланди. Тадқиқот жараёнида иштирокчилардан - сизда тадбиркорликни бошлаш ғоясини шакллантирган манбани кўрсатинг, қайси соҳаларда тадбиркорлик билан шуғулланишни режалаштиргансиз, сизнингча, ёшлар учун ўз бизнесини бошлаш осонми, ўз бизнес ғоянгиздан воз кечишнинг мумкин бўлган сабаблари, бошланғич тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари ҳақида биласизми, ўз бизнесингизни очишда давлат кўмагидан фойдаланишни режалаштиряпсизми, нима учун тадбиркорлик кўникма ва малакаларини эгалламоқчисиз каби саволларга фикр билдиришлари сўралди.

Ёшларда тадбиркорлик билан шуғулланиш ғоясини шакллантирган манбага талабалар бир нечта манбаларни кўрсатиб ўтганлар. Уларни қуйидаги 1-расмда ифодалашимиз мумкин.

Талаба ёшларни қайси соҳада тадбиркорлик қилишни режалаштирганликларини сўралганда, уларнинг аксарияти ишлаб чиқариш соҳаларида (32,6 %), савдо соҳасида (24 5%), қишлоқ хўжалик соҳасида (19,8 %), молиявий хизматлар кўрсатишда (7,4 %), маркетинг, дизайн йўналишида (4,9%) ва бошқа бир қатор соҳаларда (10,8%) тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишни режалаштирганликларини билдирганлар.

Ёшлар ўз бизнес ғоясидан воз кечиши мумкинми, агар мумкин бўлса унинг сабабларини нималарда деб билишини сўралганда, аксарият қисми фаолиятни ташкил этиш ва бошлаш учун молиявий маблағни етишмаслиги (48%), таваккалчилик қилишга қўрқиш (19,5 %), малака ва тажрибани етишмаслиги (30,5 %) ва бошқалар(2 %)ни кўрсатиб ўтганлар.




*1-расм.Талабаларда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш ғоясини шакллантирган манбалар, фоизда.*

Тадқиқот натижаси шуни кўрсатмоқдаки, ёшларни ўз тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда қуйидаги ***муаммолар*** мавжуд: тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш борасида билим, кўникма, малака ва тажрибани етишмаслигини; ёшларни мавжуд имкониятлардан хабардорлик даражаси

пастлиги, ёшлар тадбиркорлигини ахборот билан қўллаб-кувватлашни ривожланмаганлиги; банклар томонидан бериладиган кредит муддатлари чўзилиб кетиши, паст фоизли кредитларга эҳтиёжни катталиги ва бошқалар.

Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш мамлакатимизда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга ёрдам беради.Талабаларда тадбиркорлик кўникма ва малакасини ривожлантириш орқали тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдаги муаммоларни бартараф этиш учун куйидагиларни ***тавсия этамиз***: талабаларни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни ривожлантиришда жамоат ташкилотлари, давлат органлари билан ҳамкорлик қилишни ривожлантириш керак; таълим ва тадбиркорлик, талабалардаги ижодий фаолиятни бирлаштириш лозим; бунинг бажарилиш моделини ишлаб чиқиш ва таълимга тадбиқ қилиш, буни таълим жараёнига босқичма-босқич киритиш; ишбилармон тадбиркорларга бириктириш, иш жараёнларини ўргатиш; ёшларнинг тадбиркорликдаги янги ғояларни амалга оширишга мотивлаштириш.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1.Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 августдаги “Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ҳузуридаги «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 669-сонли қарори.https://lex.uz/docs/3826820

2.Лопатина Р.Ф. Социально-культурные условия формирования мотивации студенческой молодежи к предпринимательской деятельности [Электронный ресурс] // Российская государственная библиотека: [сайт]. — URL: http://dlib.rsl.ru/01006751585

# СПОСОБЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МЕЖДУНАРОДНОГО КЛАСТЕРА В АГРОПРОМЫШЛЕННОМ КОМПЛЕКСЕ

**Г.Д. Халматжанова - кандидат экономических наук, доцент.**
**Ферганский государственный университет**

***Аннотация:*** *в данной статье рассматриваются основные условия создания кластеров основываясь на мировой опыт о наличие группы взаимодействующих компаний, ориентированных на динамично развивающиеся сегменты рынка, функционирование множества малых и средних предприятий схожей специализации, говорится о наличие научных организаций, предоставляющих бесплатное оборудование и лаборатории для обмена и развитие инновационной инфраструктуры, поддерживающей промышленное развитие и включающей технопарки, бизнес-инкубаторы и т.*

***Ключевые слова:*** *кластер, хлопково-текстильные кластеры, сельское хозяйства, новые технологии, конкурентоспособность, экономическая эффективность, инфраструктура.*

***Annotation**: this article discusses the main conditions for creating clusters based on world experience about the presence of a group of interacting companies focused on dynamically developing market segments, the functioning of many small and medium-sized enterprises of similar specialization, it is said about the presence of scientific organizations that provide free equipment and laboratories for exchange and development of an innovative infrastructure that supports industrial development and includes technology parks, business incubators, etc.*
***Key words:** cluster, cotton-textile clusters, agriculture, new technologies, competitiveness, economic efficiency, infrastructure.*

Как известно, Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, принятая 7 февраля 2017 года определяет приоритеты внешней политики республики. Самым важным из них является укрепление отношений с соседними странами региона.

Визит Президента Кыргызской Республики - хорошая возможность обсудить развитие торгово-экономического, транспортного и коммуникационного, культурно-гуманитарного сотрудничества, делимитацию государственных границ, открытие новых пунктов пропуска и их эффективное функционирование, рациональное использование водных ресурсов. Главы государств подтвердили свою решимость активно развивать и укреплять стратегическое партнерство между Республикой Узбекистан и Кыргызской Республикой, основанное на дружбе, добрососедстве и взаимном доверии.

O‘zbekiston Respublikasining Prezidenti Shavkat Mirziyoyev korrupsiyaga qarshi choralar xaqida: Davlat idoralari byujetdan tashqari jamg’armalarning daromad va xarajatlari, davlat ulushiga ega bo’lgan bo’lgtan tashkilotlar xaridlari, davlat subsidiya va grantlariga oid ma’lumotlarni, e’lon qilish amalyoti yo’lga qo’yiladi. Maxalliy davlat xokimyati idoralarining qarorlarini xisobga qo’yish va e’lon qilish bo’yicha, elektron axborot tizimi joriy eriladi. Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi ochiq e’lon qilishi lozim bo’lgan ma’lumotlar ro’yxatini kengaytirish bo’yicha taklif kiritadi[1,2].

Korrupsiyani yo’qotishning yana bir yo’li bu uni qonuniylashtirishdir, y’ani odatda biz korrupsiyaga biror ishimizni tezroq bitishi uchun qo’l uramiz. Masalan, yagona darcha hizmatlarini olsak: Biz biror hujjat tayyorlamoqchi bo’lsak shu yerga murojaat qilamiz va ular uni qanchadur muddatda, masalan, 2 haftada tayyor bo’lishini aytishlari mumkin, lekin shundan biz tezroq bu ish bitishi uchun pul berib 2 kunda chiqarishga haraklat qilamiz. Bunda tabiiyki korrupsiyaga qo’l urgan bo’lamiz. Meni taklifim shundan iboratki Davlat Xizmatlari Markazlarida yana bitta bo’lim ochilib, pullik xizmat ko’rsatsa va shunday hujjati tez tayyor bo’lishi kerak bo’lgan odamlarga alohida hizmat ko’rsatsa, qanchalik hujjat tez tayyorlab berishga qarab buning narxlari belgilanadi. Lekin, bizda bir savol tug’ilishi tabiiy bunday bo’lsa boylarga oson bo’lib qoladi deb, lekin hozir ham shunday boylarning ishlari tez bitadi, lekin korrupsiya orqali agar biz mana shu narsani qo’llasak shu pullar kimningdir cho’ntagiga emas davlat byujetiga tushgan bo’lardi.

Mamlakatimizda olib borilayotgan islohotlar darajasi o'laroq 2012 yildan boshlab O'zbekiston "Korrupsiyani tasavvur qilish"indeksi bo'yicha pog'onalarni sezilarli darajada yaxshilab kelmoqda.

Transparency international xalqaro nodavlat tashkiloti tomonidan yuritiladigan "korrupsiyani tasavvur qilish 2019" indeksi bo'yicha navbatdagi hisobot e'lon qilindi hisobotga ko'ra O'zbekiston Respublikasi 25 ball bilan 5 pog'onaga yuqoriladi va 153- o'rinni egalladi. Jahon miqyosida o'rtacha ko'rsatkichdan yuqori bo'lgan Sharqiy yevropa davlatlaridan, Gruziya(56 ball) va Chernagoriya (45 ball) qayd etilgan. Markaziy Osiyo davlatlaridan Turkmaniston 19 ball , O'zbekiston va Tojiliston 25 balldan to'plashdi. Deyarli korrupsiya hodisasi kuzatlmayotgan davlatlar ham e'lon qilindi ular: Daniya va Yangi Zelandiya 1 – o'rin(87 balldan) , finlandiya 3- o'rin (86 ball), Shvetsiya 4-o'rin va Shvetsariya 5-o'rinni (85 ball) egallab ijobiy natijalar ko'rsatishdi.

**Foydalanilgan adabiyotlar**

1. O'zbekiston Respublikasining Prezidenti Qarori. "O'zbekiston Respublikasida korrupsiyaga qarshi kurashish tizimini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida", 29.06.2020.
2. O'zbekiston Respublikasining Prezidenti Qarori. "Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonunining qoidalarini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida", 02.02.2017/

## АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА АСОМИДДИН ЎРИНБОЕВНИНГ ХИЗМАТЛАРИ

**Бурхонов Илёсхон Мухиддинович - Ўзбекистон тарихи ва ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси.**
**Фарғона политехника институти**

**Аннотация:** Мақолада тарихчи олим Асомиддин Ўринбоевнинг илмий мероси, Амир Темур ва темурийлар даврига оид тарихий-қўлёзма асарларни рус ва ўзбек тилига таржима қилиб муомалага киритганлиги хақида маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** Амир Темур, А.Ўринбоев, Шарофиддин Али Яздий, Зафарнома, Тарихи Рашидий, Матлаи саъдайн ва мажма-и бахрайн.

**Аннотация:** В статье представлена информация о научном наследии историка Асомиддина Уринбаева, переводах исторических и рукописных произведений, посвященных периоду Амира Темура и Темуридов, на русский и узбекский языки.

**Ключевые слова:** Амир Темур, А.Уринбаев, Шарофиддин Али Яздий, Зафарнома, Тарихи Рашиди, Матлай садайн и маджма-и бахрайн.

**Resume:** The article provides information on the scientific heritage of the historian Asomiddin Urinbaev, translations of historical and manuscript works dedicated to the period of Amir Temur and Temurids into Russian and Uzbek.

**Key words:** Amir Temur, A. Urinbaev, Sharofiddin Ali Yazdiy, Zafarnoma, Tarihi Rashidi, Matlai Sadain and Majma-i Bahrain.

Тарих фанлари доктори Асомиддин Ўринбоевнинг Амир Темур ва темурийлар тарихига оид илмий тадқиқот ишларига Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”[1], Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийнинг мактублари бўйича -“Мажмуа-и муросалат”[2.], Мирза Мухаммад Хайдарнинг “Тарихи Рашидий”[3.], Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажма-и бахрайн” (“Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиш жойи”) [4.] каби асарлари устида олиб борган илмий тадқиқотларини санаб ўтиш мумкин.

2013 йил Тафаккур журналида чоп этилган бир мақолада Асомиддин Ўринбоевнинг илмий мероси ва айнан Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганишга оид олиб борган ишлари юзасидан шундай фикрлар билдириб ўтилган: “Энди икки оғиз сўз темуршунослик ва “темирчи”лик ҳақида. Мустақилликдан аввал Ўзбекистонда темуршунослик деярли йўқ эди. Маҳкам Абдураимов билан Бўрибой Аҳмедов тарихий мавзу нуқтаи назаридан темуршуносликка яқин эди. Бироқ улар давр тақозосига кўрами, Амир Темурга муносабатда Бартольд, Петрушевский, Якубовскийлар тарафдори бўлган. Менимча, чинакам темуршунос Асомиддин Ўринбоев эди. У кишининг катта хизмати Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”сининг танқидий матнини нашр этгани (1972) бўлди.” [5.]

А.Ахмедов таъкидлаганидек, Асомиддин Ўринбоев Амир Темур ва темурийлар даври тарихи бўйича етук мутахассис даражасига етган олим эди. Шарафиддин Али Яздий қаламига мансуб «Зафарнома» асарининг нашр этилиши Республика маънавий хаётида катта ва кутилмаган ходиса бўлди. Унинг жуда тезлик билан кенг жамоатчилик орасида тарқалиши, Амир Темурнинг озодлик учун курашганлигини ошкора этади. Бундан ташқари бу китобга халқаро китоб савдосида ҳам талаб ошади. Албатта, совет хукумати бу воқеаларга эътиборсиз қарай олмади. Оммавий ахборот воситаларида “Темурни улуғлаш” мавзусида танқидий мақолалар пайдо бўла бошлади. Ўзбекистон коммунистик партияси Марказий комитети буюруғи билан сотиб улгурилмаган китоблар китоб дўконлари расталаридан олинди. Бир вақтнинг ўзида А.Ўринбоев томонидан ўзбек ва рус тилларида нашрга тайёрланган Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарини чоп этилишига таъқиқ қўйилди. Бу илмий тадқиқотларни нашрга тайёрлаганликлари учун академик И.Мўминов ва А.Ўринбоевлар юқори ташкилотлар томонидан жиддий сўроққа тутилди ва маълум маънода жазога тортилдилар. Шу воқеалар таъсирида А.Ўринбоев Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари устидан олиб борган илмий изланишлари юзасидан тайёлаган докторлик диссертациясини ҳимоясини амалга ошира олмади, академик И.Мўминов эса кутилмаганда, бевақт хаётдан кўз юмди.

Албатта бу ходисалар А.Ўринбоевнинг соғлигига ҳам салбий таъсир кўрсатган, бундан ташқари ўзи севиб, меҳр қўйиб, умрининг навқирон

йилларини бағишлаб олиб борган тадқиқоти бўйича докторлик диссертациясини ёқлолмаганлиги ҳам армон бўлиб қолган. [6.1.11б.]

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Шарафаддин Али Йазди.Зафар-наме /Подготовка к печати, предисловие, примечания и указатели А. Урунбаева. – Т., 1972.
2. Письма – автографы Абдуррахмана Джами из «Альбома Навои» как исторический источник:Автореф.дис. на соис.уч.степ.доктора ист.наук.Ташкент, 1984.2 п.л.
3. Мирза Мухаммад Хайдар. Та’рих-и Рашиди. Введ., пер. с персидского А.Урунбаева, Р.П. Жалиловой, Л.М. Епифановой. Примечания и указатели Р.П. Жалиловой и Л.М. Епифановой. – Т.: Фан, 1996.
4. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн (2-жилд, 1-қисм). Муқаддима, форс тилидан таржима ва изоҳлар. Ўз ССР. “Фан” нашриёти. 1969. Б.- 463. ; Абдураззоқ, Самарк,андий. Матлаи саъдайн ва мажмаи бахрайн. II жилдлик. Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Асомиддин Ўринбаев. – Т., 2008.
5.Тафаккур журнали 2013., Тиёншонга тенгдош тарих, Ашраф Ахмедов билан бўлган сухбат, интернет манзили https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/amir-temur-ashraf-ahmedov.html
6. Юсупова Д.Ю. “Асомиддин Ўринбоев”, УзР АН инст востоковедения имени Абу Райхана Беруни., Ташкент. 2004.с.-40.
7 . Ўринобоев А. “Абдураззоқ Самарқандий (1413-1482)” e-tarix.uz/ shaxslar/ 709-maqola.htmi


## АСОСИЙ ВА ҚЎШИМЧА ТАЪТИЛЛАРНИ БУХГАЛТЕРИЯДА ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ


**Д.А. Чилматова - катта ўқитувчи.**
**Фарғона давлат университети**



***Аннотация:*** *Ушбу мақолада асосий ва қўшимча таътилларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби ҳамда бухгалтерия ҳисоб-китоблари ёритилган.*



***Калит сўзлар:*** *таътил, узайтирилган таътил, ўртача иш ҳақи, ўртача бир кунлик иш ҳақи, мукофотлар, календар кун, иш куни*



***Annotation:*** *This article describes the procedure for calculating and paying basic and additional leave, as well as accounting calculations*



***Key words:*** *vacation, extended leave, average wage, average daily wage, bonuses, calendar day, working day*



***Аннотация:*** *В данной статье описан порядок расчета и оплаты основного и дополнительного отпусков, а также бухгалтерские расчеты.*



***Ключевые слова:*** *отпуск, продолжительный отпуск, средняя заработная плата, среднедневная заработная плата, премии, календарный день, рабочий день*

Ҳар бир ишловчи шахснинг дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқи кафолатланган. У иш берувчи билан меҳнат муносабатларини меҳнат шартномаси (контракти) асосида расмийлаштирган шахсларга берилган. Бундай шахсларга доимий ходимлар, ўриндошлар, меҳнат вазифаларини тўлиқсиз иш вақти шартларида бажарадиган ходимлар, шунингдек мавсумий ёки уйда ишлайдиганлар киради.

Меҳнат таътили даврида ходимларнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланади, улар иш берувчининг ташаббусига кўра ишдан бўшатилиши мумкин эмас, корхона бутунлай тугатиладиган ҳоллар бундан мустасно [1].

Таътиллар турлича бўлади: йиллик асосий, йиллик асосий узайтирилган, йиллик қўшимча таътил. Бундан ташқари, ижтимоий таътиллар - ҳомиладорлик ва туғиш, болаларни парваришлаш, таълим олиш муносабати билан ва ижодий таътиллар ҳам бор.

Йиллик асосий таътил - иш йили мобайнидаги иш учун бериладиган, меҳнат вазифаларини бажаришдан озод қилувчи узоқ давом этадиган узлуксиз вақт даври. Ҳар бир ходим учун иш йили якка тартибда - у меҳнат шартномаси бўйича ишлашни бошлаган кундан бошлаб 12 ой деб ҳисобланади. Ходимнинг йиллик ҳақ тўланадиган таътилга ҳуқуқи меҳнат шартномаси амал қила бошлаган кундан бошлаб пайдо бўлади.

Қонун билан ходимларга 15 иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилиши белгиланган. Бунда жамоа ва (ёки) меҳнат шартномаларида йиллик асосий таътилнинг кўпроқ муддати назарда тутилиши мумкин.

Йиллик асосий узайтирилган таътил - МКнинг 134-моддасида назарда тутилган асосий энг кам таътил билан қиёслаганда аввалбошдан узоқроқ давом этадиган таътилдир. Чунончи, 18 ёшга тўлмаган шахсларга ва ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига мажбурий тарзда 30 календарь кун муддатида йиллик таътил берилади [1].

Бундан ташқари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда қуйидагиларга асосий узайтирилган таътиллар берилиши назарда тутилган:

депутатларга, сенаторларга - 36 иш куни, қонун ҳужжатларида кўпроқ муддатли таътил назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно [2];

судьяларга - 36 иш куни [3];

прокуратура органлари ходимларига - 30 календарь кун. Бундан ташқари, "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 50-моддаси учинчи қисмига мувофиқ [4]:

15 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган прокуратура органлари ходимларига 5 календарь кун;

25 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга эса 10 календарь кун қўшимча таътил берилади;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши

курашиш департаментида хизматни ўташ тўғрисида низомнинг 53-бандига кўра Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ходимларига - 30 календарь кун. Иш стажи:

15 йилдан ортиқ бўлганда - 5 календарь кун;

25 йилдан ортиқ бўлганда - 10 календарь кун ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.

Таълим муассасалари ходимларига ҳам "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг *(29.08.1997 йилдаги 464-II-сон)* 21-моддаси биринчи қисмига кўра ҳақи тўланадиган узайтирилган таътил берилади. Узайтирилган таътиллар муддатини белгилашда ҳозирги вақтда собиқ СССР ҳужжатларининг меъёрлари қўлланади. Масалан, олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг узайтирилган таътили 48 иш кунини ташкил қилади. Бундай ҳужжатлар Ўзбекистоннинг тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилингунига қадар, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларига зид келмайдиган қисмида қўлланиши мумкин.

Давлат органлари хизматчилари учун илгари белгиланган таътил муддати - 24 иш куни сақланиб қолади (махсус қонун ҳужжати қабул қилингунига қадар).

Меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларда ёки оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги ишларда банд бўлган ва меҳнат тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларда ёки меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ходимларга йиллик қўшимча таътил берилади [1].

Меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш жойларини аттестациялаш натижалари бўйича меҳнат шароити ноқулай, соғлиқ учун зарарли ва хавфли деб эътироф этилади. Мулкчилик, хўжалик юритиш шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар корхоналар ўзлари белгилаган даврларда, бироқ 5 йилда камида бир маротаба махсус Меҳнат шароитларини баҳолаш ва меҳнат шароитларига кўра иш жойларини аттестациялаш методикаси бўйича аттестация ўтказишлари шарт.

Баҳолаш натижалари бўйича ноқулай меҳнат шароитларидаги иш учун йиллик қўшимча ҳақ тўланадиган таътил муддати белгиланади. Бевосита тегишли шароитларда ишлаётган ходимларгина уни олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитида ишлайдиган ходимлар учун қўшимча таътилнинг энг кам муддати камида 12 иш кунини ташкил этиши керак [5]. Бунда 247-сон Методикада айрим тоифадаги ходимлар учун қўшимча таътилларнинг муддати 33 кунгача бўлиши назарда тутилади. Улар 48 иш кунидан ошмаслиги керак бўлган йиллик таътилнинг умумий муддатини ҳисоблаб чиқариш учун йиллик асосий таътилга қўшиб ҳисобланади.

12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳам 3 иш кунидан кам бўлмаган қўшимча таътил берилади *(МКнинг 232-моддаси)*. Бундан ташқари, уларнинг

хоҳишига кўра, уларга ҳар йили 14 календарь кундан кам бўлмаган муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин. Бундай таътил йиллик таътилга қўшиб берилиши ёки иш берувчи билан келишиб белгиланадиган даврда ундан алоҳида (тўлиқ ёхуд қисмларга бўлиб) фойдаланилиши мумкин.

Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошидан кечирган шахслар, шунингдек Чернобиль ҳалокати сабабли ногирон бўлиб қолганлар (Чернобиль АЭСда ишлаган ёки ҳалокат натижасида зарарланган зонада ҳалокат оқибатларини тугатиш ишларида иштирок этган (шу жумладан, вақтинча ишга юборилган ёки хизмат сафарига жўнатилган) шахслар, махсус йиғинларга чақирилган ва ҳалокат оқибатларини тугатиш билан боғлиқ зарарланган зонадаги ишларни бажаришга жалб этилган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахслар) ҳар йили бир марта, иш ҳақи сақланган ҳолда 14 календарь кундан иборат ҳар йилги қўшимча таътил олиш ҳуқуқига эгалар.

Меҳнат битимида қўшимча таътил бериш шарти кўрсатилган ходимларга ҳам шундай таътил берилади.

Фойдага солиқ солиш мақсадида ходимларга қўшимча таътиллар ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган меъёрлардан ташқари таътиллар ҳақини тўлаш харажатлари СКнинг 143-моддасига кўра чегириладиган харажатлар деб ҳисобланади.

Таътил муддати таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш йили (иш стажи)дан келиб чиқиб ҳисобланади. Иш йили календарь йилдан фарқ қилади, юқорида таъкидланганидек, ҳар бир ходимнинг иш йили алоҳида ҳисобланади. Унинг бошланиши меҳнат шартномасига мувофиқ ходимнинг корхонадаги биринчи иш куни билан белгиланади ҳамда қонун ҳужжатлари ва ички локал ҳужжатларга кўра таътилни ҳисоблаб чиқариш учун стажга киритиладиган даврлар ҳисобга олинади.

Ҳатто корхонада 5 кунлик иш ҳафтаси белгиланган бўлса ҳам, таътилларнинг муддати 6 кунлик иш ҳафтаси юзасидан календарь бўйича иш кунлари билан ҳисоблаб чиқарилади [1].

Таътил даврига тўғри келиб қолган ишланмайдиган байрам кунлари таътил муддатини белгилашда ҳисобга олинмайди. Яъни таътил кунлари ҳисоб-китоби чоғида таътил даврига тўғри келган якшанба кунлари ва ишланмайдиган байрам кунлари ҳисобга олинмайди ва уларга ҳақ тўланмайди.

***МИСОЛ.*** *Ходимга 2019 йил 1 майдан 18 иш кунилик таътил берилди. 9 май - байрам куни, бу кунни ҳисобга олмаймиз. 22 май таътилнинг сўнгги куни бўлади. 23 май куни ишга чиқади.*

Агар таътил дам олиш куни арафасида тугаса, ходим дам олиш кунидан кейинги биринчи иш кунида ишга тушиши керак.

Йиллик таътилнинг умумий муддатини ҳисоблаб чиқаришда қўшимча таътиллар йиллик асосий таътилга (15 иш куни), узайтирилган таътил белгиланган ходимлар учун эса асосий узайтирилган таътилга қўшиб

жамланади. Бироқ барча ҳолларда қонун ҳужжатлари билан белгиланган таътилларни жамлашда уларнинг умумий муддати 48 иш кунидан ошиб кетиши мумкин эмас *(МКнинг 140-моддаси)*.

Таътиллар муддатини ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқаришда уларнинг муддати ҳар бир тўлиқ таътил миқдорини 12 га бўлиб, сўнг тўлиқ ишланган ойлар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Бунда 15 календарь кунга тенг ва ундан кўп бўлган кунлар бир ой деб яхлитланади, 15 календарь кундан ками эса чиқариб ташланади.

***Мисол.*** *Ходим 9 ойу 17 кун ишлади. Жамоа шартномасига кўра унга қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосий таътил - 15 иш куни берилиши керак. Таътил ишланган вақтга мутаносиб равишда берилади. Унинг муддати 13 кунни (15 / 12 х 10) ташкил этади.*

***Мисол.*** *Ходим 8 ойу 12 кун ишлади. Меҳнат шартномасига кўра унга асосий таътил - 15 иш куни ва қўшимча 6 кун берилиши керак. Ишланган вақтга мутаносиб равишда бериладиган таътил муддати 14 кунни ташкил қилади, шу жумладан асосий таътилнинг 10 куни (15 / 12 х 8) ва қўшимча таътилнинг 4 куни (6 / 12 х 8).*

Йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига қуйидагилар киради:

иш йили давомида ҳақиқатда ишланган вақт;

ходим ҳақиқатда ишламаган бўлса ҳам, лекин унинг иш жойи (лавозими) сақланган вақт. Масалан, малака ошириш курсларида, хизмат сафарида бўлганда, байрам ва дам олиш кунлари, йиллик меҳнат таътили олиш даври, касал бўлган (вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик), ҳомиладорлик ва туғиш таътилида бўлиш вақти ва ҳоказо;

меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганлиги ёки ходим бошқа ишга ўтказилганлиги натижасида қилинган ҳақ тўланадиган мажбурий прогул вақти, башарти ходим кейинчалик аввалги ишига тикланган бўлса;

тармоқ келишувлари, жамоа шартномалари ва корхонанинг ўзга локал ҳужжатлари, меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа даврлар. Масалан, жамоа шартномасига кўра, йиллик ҳақ тўланадиган таътилга чиқиш ҳуқуқини берадиган иш стажига иш ҳақи сақланмаган ҳолда 2 ҳафта ва ундан кўп, бироқ 8 ҳафтадан ошмайдиган таътил киритилади.

Йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун 6 ой ишлангандан кейин берилади. Таътил қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳиши бўйича 6 ой ўтмасдан олдин берилади:

аёлларга - ҳомиладорлик ва туғиш таътили олдидан ёки ундан кейин;

I ва II гуруҳ ногиронларига;

18 ёшга тўлмаган шахсларга;

муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатилган ва ишга жойлашган ҳарбий хизматчиларга;

ўриндошлик асосида ишлаётганларга - асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда, ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий таълим мактабларида, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларида, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларида ўқиётганларга, агар улар ўзларининг йиллик таътилларини имтиҳонлар, синовлар (зачётлар) топшириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтига тўғрилаб олишни хоҳласалар;

технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусияти ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ходимларга.

Мактаблар, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларининг муаллимларига биринчи иш йилида йиллик таътил, уларнинг мазкур ўқув юртига ишга кирган вақтидан қатъи назар, ҳақиқий ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда ёзги таътил даврида тўлиқ берилади.

Биринчи иш йили учун йиллик асосий таътил 6 ой ишлагандан кейин берилиши сабабли иш берувчи, масалан, 4 ой ишлаган ва кейин ишдан бўшаш нияти билан таътилга ариза берган ходимнинг илтимосини рад этишга ҳақлидир. Албатта, агар у юқорида саналган, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига кўра 6 ой ўтмасдан таътил берилиши керак бўлган шахслар гуруҳига кирмаса.

Йиллик асосий таътил иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун таътиллар жадвалига мувофиқ иш йилининг исталган вақтида берилади.

МКда белгиланишича, **таътил ҳар йили, шу таътил берилаётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим**. Ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда, ходимнинг розилиги билан таътилнинг 12 иш кунидан ортиқ бўлган қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин, шу йили ундан албатта фойдаланилмоғи лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси.
2. Сотиволдиев А.С. Замонавий бухгалтерия хисоби. I-I1I том. Т.: УзБАМА Нашриёт маркази, 2004.
3. Ўзбекистон Солиқ Кодекси. 143-модда, 5-банди. 2008 йил.
4. https://www.norma.uz/ сайти
5. https://buxgalter.uz/hodimlar_bilan_hisoblashish/tatil_uchun_haq_qanday_hisoblanadi

# РЕСПУБЛИКАДА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ЭНГ КАМ МЕЪЁРЛАРИ

**Д.А. Чилматова - катта ўқитувчи.**
**Фарғона давлат университети**

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада мехнатга хақ тўлаш жараёнлари, иш ҳақидан ушланмалар, уларнинг қиёсий таҳлили, энг кам ойлик иш ҳақини белгилашдаги ўзгаришлар, иш ҳақи ҳисоблаш тизими ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш масалалари очиб берилган.*

***Калит сўзлар:*** *иш ҳақи, иш ҳақидан ушланмалар, даромад солиғи, суғурта тўловлари, ўртача ойлик иш ҳақи, меҳнат унуми, иш ҳақи ўсиши*

***Аннотация:*** *В статье излагаются основные вопросы заработной платы и их сравнительный анализ, вопросы определения минимальной месячной заработной платы, экономической основы повышения заработной платы и оптимизации вознаграждения по зарплате.*

***Ключевые слова:*** *заработная плата, подоходный налог, страховые выплаты, индивидуальные сберегательные пенсионные фонды, среднемесячная заработная плата, производительность труда, темпы роста заработной плат.*

***Annotation:*** *The article outlines the main issues of wages and their comparative analysis, the issues of determining the minimum monthly wage, the economic basis for increasing wages and optimizing salary remuneration.*

***Key words:*** *wages, minimum wages, income tax, insurance payments, individual savings pension funds, average monthly wages, labor productivity, wage growth rates, gross domestic product, gross output.*

Мамлакат аҳолисини тўкин, бой-бадавлат яшаши ҳамда уларга муносиб яшаш шароитларини таъминлаб беришнинг бош омилларидан бири бу меҳнатни муносиб тақдирлаш, иш ҳақи миқдорини ошириш ва рағбатлантириш масаласидир.

Инсон капитали, унинг салоҳияти, халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш борасидаги энг муҳим вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномада ўз аксини топган. Президентимиз тўққизта устувор йўналиш бўйича бу борада 2019 йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, дастур ва лойиҳаларга батафсил тўхталиб ўтди [4].

Рақобатдош иқтисодиётда меҳнат муносабатлари ҳар қачонгидан ҳам мураккаб жараёнга айланади. Иш билан бандликнинг реал ҳолати, иш ўринларининг чекланганлиги, ишчилар сонидаги нисбий ортиқчалик, меҳнатга ҳақ тўлашнинг глобаллашган иқтисодиётдаги даражалари, ижтимоий тўловлар, меҳнатни муҳофаза қилиш, рағбатлантириш,

меҳнатнинг натижавийлиги ва сиғимдорлиги муаммоларини ҳал этиш бугун олдимизда турган энг муҳим масалалардир.

Меҳнат ҳақининг ушбу даражаси, шунингдек ойлик иш хақининг ўртача даражаси мамлакатдаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг миграциясини белгилаб берувчи бош омил ҳам ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида иш ҳақи пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорини ошириш юзасидан Республика Президентининг 53 та фармони қабул қилинган. Шундан 10 таси рубль, 4 таси сўм купонга, қолган 39 таси миллий валютамиз сўмга нисбатан белгиланган (1991-2018 йил оралиғида). Бу билан, Энг кам ойлик иш ҳақининг мустақиллик йилларида 53 марта ўзгарганлигини қайд этиш мумкин. 2017 йил 1-декабрдан Ўзбекистон Республикасида энг кам ойлик иш ҳақининг даражаси 172240 сўм қилиб белгиланган. Энг кам ойлик иш ҳақининг динамик ўзгаришларида 1994 йилга нисбатан 1722 мартага, 2000 йилга нисбатан 70 мартага, 2010 йилга нисбатан 4 мартага, 2015 йилга нисбатан 1.3 мартага юқори демакдир [5, 3-бет].

Амалдаги Ўзбекистон қонунчилигида 1992 йилда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатларини белгилаш мақсадида "энг кам иш ҳақи миқдори" деган тушунча киритилган ва унга расмий мақом берилган. Бу эса Ўзбекистон мустақиллигини таъминлаш ва аҳоли қашшоқланишининг олдини олиш учун бу мисли кўрилмаган чора эди.

Президент фармони билан энг кам иш ҳақи (ЭКИҲ) миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МҲТЭКМ) билан алмаштирилди. Киритилган қўшимчаларга мувофиқ, меҳнатга ҳақ тўлашнинг 1-, 2- ҳамда 3-разрядлари коэффициентлари 2,476, 2,725, 2,998 дан тегишлича 2,847, 2,997, 3,148 га оширилди.

*Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида 2019 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушлаб қолинадиган суғурта бадаллари тўлови бекор қилинди (29.06.2018 йилдаги ПФ-5468-сон Фармоннинг 3-банди «а» кичик банди).*

*Кўрсатиб ўтилган меъёрий ҳужжатларга асосан 2019 йил 1 январдан бошлаб иш ҳақидан даромад солиғини ҳисоблаш тартиби ўзгарди, яъни ҳисобланган иш ҳақидан фақат 12% даромад солиғи учун ушланма ушлаб қолиниши амалиётга киритилди [3].*

*2-жадвал*

**Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг солиштирма ставкалари**

<table>
<tr><th>Энг кам ойлик иш ҳақининг даражаси</th><th>2014</th><th>2015</th><th>2016-2017</th><th>2018</th><th>2019 йилдан</th></tr>
<tr><td>1 баробари</td><td rowspan="5">7,5%</td><td>0%</td><td>0%</td><td>0%</td><td rowspan="10">12 %</td></tr>
<tr><td>2 баробари</td><td rowspan="4">8,5%</td><td rowspan="4">7,5%</td><td rowspan="4">7,5%</td></tr>
<tr><td>3 баробари</td></tr>
<tr><td>4 баробари</td></tr>
<tr><td>5 баробари</td></tr>
<tr><td>6 баробари</td><td rowspan="5">16%</td><td rowspan="5">17%</td><td rowspan="5">17%</td><td rowspan="5">16,5%</td></tr>
<tr><td>7 баробари</td></tr>
<tr><td>8 баробари</td></tr>
<tr><td>9 баробари</td></tr>
<tr><td>10 баробари</td></tr>
<tr><td>10 баробаридан юқори</td><td>22%</td><td>23%</td><td>23%</td><td>22,5%</td><td></td></tr>
</table>

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган суммаларига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 27 майда 2107-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан имтиёз қўлланилади, яъни ОТМ ларга йўналтирилган шартнома маблағларидан даромад солиғи ушланмайди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар натижасида солиқ юки камайиб ходимлар қўлида қоладиган иш ҳақи миқдори ортиб бормоқда. Бу эса ўз-ўзидан аҳолининг даромадлари миқдорини ошишига, турмуш даражасини яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатади.

***Фойдаланилган адабиётлар:***


1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. 2019 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти *ПФ-5468-сон* Фармони. 2018 йил 29 июнь
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2010-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сон қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь
5. М.Рахимов, Н.Қаландарова. Иш ҳақи ва унинг қиёсий таҳлили. “Ҳалқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 2, апрель, 2018 йил.

## БАЁЗЛАР - ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА

**М. А. Дармонова**
**ЎзФА Тарих институти бўлим бошлиғи,**
**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**
mashxura.darmonova@mail.ru
**Ф.М. Маҳмудов**
**ЎзФА Тарих институти катта илмий ходими**
fayzmaxmud@mail.ru

***Аннотация:*** *Мақолада Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Нодир нашрлар” фондида сақланаётган баёзлар таҳлил қилинган ва қисқача маълумотлар келтирилган.*

***Калит сўзлар:*** *Баёз, баёд, сафина, қўлёзма, тазкира, маданий мерос.*

***Аннотация:*** *В статье анализируются данные, хранящиеся в фонде «Редкие издании» Национальной библиотеки Узбекистана, и даются краткие сведения.*

***Ключевые слова:*** *байоз, байод, сафина, рукопись, тазкира, культурное наследие.*

***Resume:*** *The article analyzes the data stored in the fund "Rare Editions" of the National Library of Uzbekistan, and provides brief information.*

***Key words:*** *bayoz, bayod, safina, manuscript, tazkira, cultural heritage.*

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд ноёб қўлёзма асарлар сақланмоқда. Ушбу қўлёзма манбалар тарихни холисона ўрганиш, миллий ўзликни англаш, халқнинг бой маданий меросини тиклаш, ҳаққоний баҳолаш ва келгуси авлодларга етказишда муҳим омиллардан бири сифатида алоҳида аҳамият касб этади [1].

Ўзбекистон архивлари ва кутубхоналари хазинасида сақланаётган тошбосма ва қўлёзма асарлар тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, аҳлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, кимё, физика, меъморчилик каби илм-фаннинг турли йўналишларида яратилган. Қўлёзмалар тазкира, баёз каби жамланмаларда шакллантирилган.

Хусусан, баёзлар [2] икки ва ундан ортиқ шоирлар шеърларидан тузилган. Илк баёзлар араб шеърияти ривожланган давр (750-1055 йиллар)да шаклланган. Туркистонда баёзчилик X-XV асрларда вужудга келган. Одатда, улар кичик ён дафтарча шаклида бўлиб, ички чўнтакларда олиб юриш учун мўлжалланган. Энг яхши шеърлар, турли муаллифларнинг наср намуналари” - деган маънони англатувчи бадиий “баёз”, “баёд” ёки “сафина” ёзиш

услублари ва турлари XIV асрдан бошлаб Марказий Осиё, Эрон ҳамда Шарқнинг бошқа ҳудудларида кенг тарқалган. Ушбу ҳудудларда бундай қўлёзмаларни – баёз (“оқ”, “тоза”) деб номлашган. Шунингдек, мароққа, жўнг, жаруда, каскул, дастур, гул-даста, ганжина, мажмуа, таълиқот каби атамалар ҳам вақти-вақти билан ўхшаш маънода ишлатилган [3, 59]. Ҳиндистонда эса бутун дунё бўйлаб “сузувчи”, шеъриятни ўзида мужассам этган сафина (“кема”) деб аталган. XVII асрнинг кашмирлик форсийзабон шоири шундай ёзган эди: “Менинг шеърларим кемалар (сафина) сингари дунё бўйлаб сузиб юришади ва уларнинг барчаси юз тилда такрорланади” (*Ф.М. таржимаси*).

XVIII-XIX асрларга келиб баёзчилик анча ривожланган. Баёзлар 2 хил шаклда тузилган, яъни расмий ва норасмий баёзлар. Баёзчилик бўйича Фарғона, Бухоро, Хоразм, Тошкентда ўзига хос мактаблар пайдо бўлган. Мазкур мактабларда баёзлар асосан туркий ва форс тилларида ёзилган.

Мазкур мақолада Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг нодир нашрлар фондида сақланаётган XVIII-XIX асрларнинг қўлёзма дурдонаси - Баёз асарлар хусусида тўхталмоқчимиз. Қўлёзма 1883 йилда кўчирилган [4, 167a]. Жилдда Абдураҳмон Жомий, Навоий, Фирдавсий, Саноий, Саъдий, Ҳофиз Шеърозий, Шайх Аттор ва бошқаларнинг юксак бадиий безак, моҳир хат билан битилган шеърий ва насрий жанрдаги танланган асарлари жамланган.

Баёзнинг 155а-варағида араб алифбосининг барча ҳарфларидан фойдаланиб, турфа рангли бўёқлар орқали моҳирона, ажойиб тасвир – гулдонда гул акс эттирилган [5, 155a]. Ҳарфлар гулдон устига ярим шар шаклида терилган бўлиб, بسم الله ҳоллимсиБ инъя) ب- ) ҳарфини билдиради. Расмни айлантирган ҳолда алифдан тортиб, лам, алиф, йа لا ي (гулдоннинг тепа қисмида) ҳарфини ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳарфларни бу тарзда кўрсатиб бериш ғоясининг ўзи – жуда гўзал ҳамда сўзсиз хаттотлик намунасидир.

Қўлёзмада кўплаб шеърлар жамланган ва улар ғазал, мурабба, муҳаммас, мусаддас, маснавий, рубоий, қасида, муаммо, мудаввар каби жанрларда ёзилган. Жумладан, баёзнинг 349-варағида лолақизғалдоқ тасвири келтирилган [6, 349]. Байтда 8 та сўз ишлатилган бўлиб, улардан ҳар бири байтнинг боши, ўртаси ва охири бўлиши мумкин: *надидам* - ندیدم *(1) дареғо* - دریغا *(2) жаҳонро* - جهان را *(3), бақое* - بقایی *(4),надидам* - ندیدم *(5),дареғо* - دریغا*(6), бутонро* - بتان را *(7), вафое* - وفایی *(8)*. Ўқувчи гулнинг қай бир япроғидан бошлаб байтни ўқишни бошласа ҳам, шеърнинг қофияси ҳам, вазни ҳам, мазмун-маъноси ҳам ўзгармайди.






Баёзга тарихий воқеаларни акс эттирган тарихий маълумотлар ҳам киритилган. Қўлёзманинг 36-37 варақларида ота томонидан Амир Темурнинг авлодидан бўлган, Заҳириддин Муҳамммад Бобурнинг набираси Акбаршох бин Ҳумоюн ҳақида муҳим тарихий маълумотлар берилган. Қуйида Ҳумоюн тўғрисида баёзда ёзилган форсча матн таржимасидан: "Отаси Ҳумоюннинг вафотидан сўнг, Акбар шоҳ ўн икки ёшида Деҳли тахтига ўтиради ва 52 йил давомида империяни бошқарди...".

اما سلطان قوی طالع دوست نواز و دشمن کداز اکبر بادشاه بن همایون در سنه دوازده سالگی بر تخت دار السلطنه دهلی جلوس فرمود و پنجاه و دو سال بر مستقر کامرانی زندکانی کرد و به هر جا که رو ی آوردی دولتش یاری و بخت یاوری نمودی سرداران او دم از پادشاهی زدندی و نوکرانش استعداد سلطنت داشتندی اقسام هنرمندان روی امید به درگاهش نهادندی و به یمن تربیتش یادگاریهای سترگ بر صفحه روزگار گذاشتندی.

Асарда баён қилинишича, Деҳли ҳукмдори Шершох (XVI аср) вафот этгач, шаҳар ва унинг атрофидаги ҳудудларнинг амалдорлари марказий ҳукуматга бўйсунишдан бош тортганлар. Акбаршох бин Ҳумоюн моҳир сиёсатчи сифатида барча минтақа ҳукмдорларини бирлаштира олган, бу билан мамлакатда барқарорлик ва халқ тинчлигини таъминлаган. Воқеалар саъж услубида баён қилинган. Қўлёзма форс тилида бўлиб, 1879-1880 йилларда кўчирилган [7, 79a].



Умуман олганда, баёзларда Ўрта Осиё халқлари маданияти ва тарихи, илм-фан ҳамда адабиёти кенг ёритилган бўлиб, мазкур манбалар халқларнинг тарихий ўтмиши, ҳозирги замони билан қиёсий таҳлили, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг тарихий тараққиётини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 февралдаги Туркия Республикаси Президенти девонининг Халқ кутубхонасини очилиш маросимидаги нутқидан.
2. Арабча сўз бўлиб, "оқ", "оқлик" маъносини билдиради. Шеърлар тўплами.

3. Aftandil Erkinov. Persian-Chaghatay Bilingualism in the Intellectual Circles of Central Asia during the 15th -18 th Centuries (the case of poetical anthologies, bayāz) / International Journal of Central Asian Studies. Volume 2.2008. P. 59.
4. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. Нодир нашрлар. Сақлов рақами - ПВ-91, 167а-варақ.
5. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. Нодир нашрлар. Сақлов рақами - ПВ-91, 155а-варақ.
6. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. Нодир нашрлар. Сақлов рақами - ПВ-91, 349-варақ.
7. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. Нодир нашрлар. Сақлов рақами - ПВ-91, 79а-варақ.

# СОБИҚ СОВЕТ ХОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ДИНИЙ НАЗОРАТНИ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ХОРИЖИЙ МУСУЛМОН ДАВЛАТЛАР БИЛАН МУНОСАБАТИ

**Юсупов Расулжон Маликович - тарих фанлари номзоди, доцент.**
**Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти**

***Аннотация:*** *Мақолада собиқ совет хокимияти йилларида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлар диний назоратни ташкил топиши, диний назоратнинг фаолияти ва хорижий мусулмон давлатлар билан алоқалари баён қилинган.*

***Аннотация:*** *В статье рассматривается организация религиозного контроля мусульман Средней Азии и Казахстана в годы бывшего советского правления, деятельность религиозного контроля и отношения с зарубежными мусульманскими странами.*

***Annotation:*** *During the years of the former Soviet rule, Muslims of Central Asia and Kazakhstan established religious control, activity of religious control and relations with foreign Muslim countries were described in the article.*

***Калит сўзлари:*** *Мусулмон, муфтий, ҳаж, эътиқод, масжид, мадраса, маъросим, арбоб, диндор.*

***Ключевые слова:*** *Мусульман, муфти, хадж, вера, масжид, Мадраса, традиция, деятель, верующий.*

***Key words:*** *Muslim, mufti, haj, belief, Mosque, Madrasa, tradition, figure, believer.*

Инсониятниинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ва бошқа соҳа тарихига этибор қаратсакда гоҳ-ижобий, гоҳ-салбий холатларидаги жиҳатлари кишини ҳайратга солади. Совет мафкурасида атеистик қарашлар муҳим аҳамият касб этиб, кишиларни диндан қайтаришга тиш-тирноғи билан

киришган дамларда иккинчи жахон урушини аланга олиши, бу сиёсатни бироз чекинишга мажбур қилди. Собиқ иттифоқ 1943 йил Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати идорасини ташкил қилишга изим берган. Диний маърифат ҳар қандай вазиятда ғолиб бўлиб, кишиларни дунёвий ва диний маърифатга етакловчи куч эканлигини намоён қилди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати 1943 йили ташкил қилинган. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назоратига Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон раис этиб тайинланади, ўғли Шайх Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон эса масъул котиб ва Ўзбекистон қозиси бўлиб, 1948 йили минтақа мусулмонлари диний бошқармаси раиси ноиби, оталари вафотидан сўнг (1957 йил) эса раис, муфтий этиб сайланади ва умрининг охирига қадар ана шу вазифада самарали ишлади[1.97,б].

Ушбу диний назорат, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати фаолиятини юргазиш билан бир қаторда, хорижий мусулмон ташкилотлари билан дастлабки алоқаларни 1944-46 йилларда йўлга қўйган. Ўша вақтда муфтий Абдулмажидхон Эшон ибн Бобохон, муфтий ўринбосари Зиёвутдин Бобохонов раҳбарлигида саноқли мусулмонлар Эрон, Ироқ, Ливан, Миср орқали ҳаж сафарига борган [2,43-44в]. 1950 йиллари хорижлардан ҳам кўплаб Ўзбекистон мусулмонлари ҳаёти ва Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати иши билан танишиш учун меҳмонлар келган.

Шунга кўра, Ўзбекистон Министрлар Совети қошидаги Диний ишлар бўйича кенгаш тадбирлар режасини ишлаб чиқган. “Режада СССРда эътиқод эркинлигининг борлиги, мусулмонлар диний эътиқодини эркин бажариши мумкинлигини хорижий мамлакатларга ташвиқот қилишни кучайтиришга эътибор қаратилган. Халқаро муносабатлар кенгайиб бораётган ва хорижликлар мамлакат худудида бемалол сафар қилиб юриш имконига эга бўлган, матбуот, радио ва шу кабилар орқали қилинаётган ташвиқот амалий иш билан мустахкамланмаса, охир-оқибатда салбий натижа бериш мумкинлиги, келган хорижликлар ўз ватанига, Совет Иттифоқи тўғрисида яхши таассурот билан қайтиши учун барча зарур чораларни кўриши лозим”лиги [2,138в] - келтирилган.

Тошкентда 1956 йил 1 ноябрда «Бароқхон» мадрасаси очилди. Айрим масжидлар фаолиятига рухсат берилди. Хорижлик меҳмонларга кўрсатиладиган объектлар, масжидлар, исломий тарихий ёдгорликлар рўйҳати тузилган ва улар диний ташкилотлар томонидан таъмирланган.

Юртимиз дин арбоблари айрим Шарқ, араб давлатларида бўлган, жумладан, Зиёвуддин Бобохонов 1958 йили Мисрнинг Қоҳира шаҳрида Осиё ва Африка мамлакатлари ҳамкорлиги кўмитаси конференциясида иштирок

этган.

1961 йили Диний назорат идорасининг хорижликлар билан алоқалар бўлими ташкил этилганидан кейин халқаро алоқалар бирмунча кенгайган. [3,121-127в].

1974 йил 20-23 августда Самарқанд шаҳрида буюк ислом олими ва мутафаккири мусулмон дунёсида машҳур, Қуръондан кейин турувчи «Сахих ал-Бухорий» китоби муаллифи Муҳаммад бин Исмоил ал-Бухорий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган юбилей конференцияси ташкил қилинган. Анжуманнинг ўтказилиши Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорат фаолиятида муҳим воқеа бўлди. Илмий конференцияни муваффақиятли ўтказиш учун муфтий Зиёвуддин Бобохонов бошчилигида ташкилий комитет ташкил қилинган эди. Бу тадбир Совет Иттифоқининг Шарқ мамлакатлари, жумладан, араб мамлакатлари билан алоқаларини мустаҳкамлашга ёрдам бериши мумкин эди. Шунинг учун илгари қаровсиз ётган Имом Бухорий қабри, масжиди таъмирланди, ободонлаштирилди. Қисқа вақт ичида «Сахих ал-Бухорий» ва «Суласиёти Бухорий» асарлари нашр қилинди [4,35-37в].

Хориж мусулмон ташкилотлари билан алоқалар ўрнатишда ва уларни ривожлантиришда диний адабиётлар, журнал нашр қилиш муҳим ўрин тутиши аниқ эди. Шуни ҳисобга олиб совет ҳукумати хорижларда тарқатиш учун айрим диний нашрлар чоп этишга рухсат берган. Диний назоратнинг босма нашрлари кўп бўлмаган: Қуръон, Хадис, Ҳижра-қамар йил календари, «Тарихий ислом ёдгорликлари» альбоми, «Совет Шарқи мусулмонлари» журнали босмадан чекланган миқдорда чиқарилган.

Умуман олганда собиқ совет иттифоқи ўз манфаатларидан келиб чиқиб, мусулмон олами билан муносабатлар ўрнатишда, дипламатик алоқаларни устаси фаранг йўлини танлаган эди.

**Фойдананилган адабиётлар**

1.Юсупов Р. Ўзбекистонда мусулмон диний ташкилотлари ва уламолар фаолияти. -Т.: Мухаррир нашриёти, 2020.-97 б.
2.Ўзбекистон Республикаси Марказий Давдат архиви, 2456-ф., 1-р., 191-иш.
3.Ўзбекистон Республикаси Марказий Давдат архиви, 2456-ф., 1-р., 537-иш.
4.Ўзбекистон Республикаси Марказий Давдат архиви, 2456-ф., 1-р., 538-иш.

# СОВЕТ ҚОНУНЧЛИГНИНГ ИСЛОМ ДИНИЙ МАРОСИМЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ ЗАИФЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МУНОСАБАТИ

**Юсупов Расулжон Маликович**
**Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти**
**тарих фанлари номзоди, доцент**

***Аннотация:****Мақолада собиқ совет даврида ислом динни иқтисодий зайифлаштиришга нисбатан қабул қилинган қонунларни жойларда бажарилиши ва назорати бирламчи манбалар ҳамда архив хужжатлари асосида ёритилган.*

***Аннотация:****В статье на основе первоисточников и архивных документов описывается реализация и контроль законов, принятых в бывшем Советском Союзе в связи с экономическим ослаблением ислама.*

***Annotation:*** *The article describes the implementation and control of the laws adopted in the former Soviet Union in relation to the economic weakening of Islam on the basis of primary sources and archival documents.*

***Калит сўзлари:*** *Ислом, Рамазон, Қурбон, хайит, муқаддас, мусулмон, эътиқод, масжид, иқтисод, маросим, арбоб, диндор.*

***Ключевые слова:*** *Ислам, Рамадан, Курбан-байрам, Курбан-байрам, Святой, Мусульманин, Вера, Мечеть, Церемония, Человек, Экономия, Религия.*

***Key words:*** *Islam, Ramadan, Eid al-Adha, Eid, Holy, Muslim, Faith, Mosque, Ceremony, Person, Economic, Religious.*

Ўрта Осиё ҳалқлари ҳаётига қариб XII-XIII аср мобайнида Исломга хос маросимлар, урф-одатлар сингиб кетган ва халқнинг турмуш тарзининг кунлик анъанвий амалларига айланиб қолган. Маълумки Рамазон ойида 30 кун рўза тутиш, Қурбон ҳайитида жонли сўйиб, қурбонлик қилиш мусулмонларнинг анъанавий байрамлари ҳисобланиб. Бу муқаддас ойларда одамлар қариндош-уруғларидан, кексалардан, бемор ва ночорлардан хабар олиб уларга совға-саломлар улашган. Бу шодиёна ойида тарихдан маълумки мусулмон давлатларида уруш кечаётган бўлса тўхтатилган. Ушбу байрам асрлар оша мусулмон оламида нишонланадиган анъанавий байрам сифатида ханузгача яшаб келмоқда.

Аммо совет даврида бу байрамларни нишонлаш ман этилган эди. Ҳайит кунлари совет идоралари, корхоналар, хўжаликларда иш куни бекор қилинмаган, дам олиш, байрам қилишга рухсат берилмаган[1.24,б].Бунга мисол тариқасида Ўзбекистон Марказий давлат архивида сақланаётган ҳужжатларда совет ҳукумати мусулмонларга Рамазон ва Қурбон ҳайитларини байрам қилишни чеклагани тўғрисидаги қарорларни кўришимиз мумкин.

Совет ва партия органлари динга қарши курашни 1960 йилдан бошлаб кучайтирганлигининг сабаби бор [2.17,б]. 1960 йил 13 январда КПСС Марказий Комитети «Диний маросимлар тўғрисидаги Совет қонунларининг диний арбоблар томонидан бузилишини тугатиш бўйича тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди [3.83,в]. Советлар шу қарорларига мувофиқ исломий маросим ва байрамларига қарши тадбирлар режасини ишлаб чиқди ҳамда амалга оширдилар. Жумладан, айрим масжидларни ёпдилар, диний ташкилотлар штатини кескин қисқартирдилар, уларнинг моддий базасини камайтирдилар. Советлар диний ташкилотларни заифлаштиришга қаратилган чораларни кўрди, айниқса Рамазон ва Қурбон ҳайит намозларида қатнашувчилар сонининг камайиши ва эхсон тариқасида йиғиладиган пуллар миқдорининг озайишига эришдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон Диний ишлар бўйича кенгаш вакили 1984 йил 20 июлда Рўза ва Рамазон ҳайитининг республикада ўтказилиши тўғрисида ахборот йўллаган [4.55-58,в]. Унда район, шаҳар ижроия комитетлари қошидаги диний маросимлар тўғрисидаги қонунларга риоя қилишни назорат қилишга кўмаклашиш комиссияси аъзолари билан семинар ўтказилганлиги ва улар Рўза, Рамазон ҳайити арафасидаги муқаддас қадам жойларнинг аҳволини ўрганганлиги ва аҳоли орасида диний маросимлар тўғрисидаги қонунларни бузмасликни тарғибот қилишган.

Республика Диний ишлар бўйича кенгаш вакили кўрсатмасига биноан Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси рўйхатга олинган масжид имом-хатибларига рўза тутиш тартиби тўғрисидаги фатвони, ҳайит ва таровиҳ намозларида ёш болаларнинг иштирок этиши мумкин эмаслиги, айрим табақа одамлари учун рўза тутиш шарт эмаслиги, эхсонга тушган маблағлар қонунга хилоф эканлиги диндорларга уқтирилган.

1983 йил 18 сентябрда республиканинг барча расмий масжидларида Қурбон ҳайити белгиланди ва ҳайит намози ўқилди. Республика масжидларида Диний назоратнинг 1982 йилда эълон қилган Қурбон ҳайити тўғрисидаги фатвосини аҳоли орасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Масжидларнинг имом-хатиблари қавмлари орасида қурбонлик қилиш шариатга ва давлатнинг иқтисодий сиёсатига тўғри келмаслигини ва ҳайвон сўйиб, қурбонлик қилишни қисқартиришга даъват этган.

Республиканинг барча вилоятларида расмий масжидлар йўқ жойларда Қурбон ҳайити намози мозорларда ўқилган. Бу ҳолат шундан далолат берадики, намоз ўқиш, айниқса жума ва ҳайит намозларида қатнашиш зарурлиги халқимиз онгига, қалбига сингиб кетганлигини кўрсатади. Рамазон ва Қурбон ҳайитларини совет органлари томонидан ҳар

қанча чекланишига қарамай, ўзбек халқи бу маросимларни адо этиб келган.

1984 йилда республиканинг 82 та рухсат берилган масжидларида Рамазон ҳайити намозида 170 минг киши иштирок этган бўлса, 1985 йилда 147 минг киши қатнашган, келтирилга рақамлардан маълум бўлиб турибдики, 1985 йили 23 минг киши ибодат амалларини бажаришдан маҳрум бўлган. Республика бўйича масжидларнинг даромади ҳам сезиларли даражада камайган. 1984 йилда масжидларга эхсон тариқасида тушган пул 640630 сўмни ташкил қилган бўлса, 1985 йилда масжидларга эхсон тариқасида тушган 531265 сўм тушган, бу рақамлардан ҳам кўриниб турибдики 109365 сўмга камайган эди [5.70-71,в], мақсад диний уламолар ва масжидлар учун сарифланадиган маблағларни қисқартириш, уларни иқтисодий тамондан зайифлаштирган. Лекин Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси бундай зўравон сиёсатни ўтказган тайзиқларига, маърифати-маънавияти билан жавоб бериб, шошма-шошарлик билан йўл тутмаган.

Бугун диндорлар ҳам истиқлолимиз шарофати билан ўз иқтисодий масалаларини ва диний амалларини бажариш имкониятларга эга бўлдилар.

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. М.А.Усмонов. Ислом ақидалари ва маросимлари. –Т.:Ўзбекистон»,1975.
2. А.Алимуҳамедов, Ислом динидаги маросимчилик ва урф-одатлар. –Т.: «Ўзбекистон»,1969.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давдат архиви, 2456 фонд, 1 -р.,321-иш.
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давдат архиви, 2456 фонд, 1 -р.,681-иш.
5. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давдат архиви, 2456 фонд,1 -р.,700-иш.


# ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДА МИНТАҚАВИЙ МЕҲНАТ БОЗОРИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ


**С.Ш. Махмудов- докторант.**
**Қарши давлат университети**



***Аннотация:*** *Мақолада тузилмавий ўзгаришларнинг минтақалар аҳолиси иш билан бандлиги даражасини оширишдаги аҳамияти ёритилиб, бу жараёнларнинг рақамли иқтисодиёт шароитидаги хусусиятлари таҳлил қилинади.*



***Таянч сўзлар:*** *инновацион иқтисодиёт, иш билан бандлик, трансформация, ишсизлик, ялпи ички маҳсулот, постиндустриал жамият.*

***Аннотация:*** *В статье подчеркивается роль структурных изменений в повышении занятости в регионах и анализируются особенности этих процессов в цифровой экономике.*
***Ключевые слова:*** *инновационная экономика, занятость, трансформация, безработица, валовой внутренний продукт, постиндустриальное общество.*
***Abstract:*** *The article highlights the role of structural changes in increasing employment in the regions and analyzes the characteristics of these processes in the digital economy.*
***Keywords:*** *innovative economy, employment, transformation, unemployment, gross domestic product, post-industrial society.*

Мамлакатимизда коронавирус пандемияси туфайли нафақат ижтимоий соҳа, балки иқтисодиёт ҳам сезиларли муаммолар билан тўқнаш келмоқда. Фаолиятига чекловлар ўрнатилган иқтисодий фаолият турларида иш билан банд бўлган минглаб ишчилар даромадларидан тўлиқ ёки қисман маҳрум бўлмоқдалар. Меҳнат бозоридаги бу муаммолар масофадан туриб ишлаш каби меҳнатни ташкил этишнинг инновацион шаклларини жорий этишни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда ахборот инқилоби ва унинг натижасида ишлаб чиқариш жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш ва меҳнатни ташкил этиш, иқтисодиётнинг янги, илм-фанга асосланган тармоқларининг пайдо бўлиши иқтисодиётда трансформация жараёнларини фаоллаштирмоқда, глобаллашув ва иқтисодий интеграция жараёни эса унга қўшимча туртки бермоқда. Тузилмавий трансформация масаласи инновацион иқтисодий ривожланиш шароитида долзарб аҳамият касб этади. Зеро, бу шароитда иқтисодиётнинг замонавий тармоқларида бир хил, такрорланувчи ишни бажарадиган минглаб ишчилар ўрнини ташаббускор, ихтирочи, ўқимишли ва ҳатто индивидуал ишчилар эгаллайди.

Жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишидаги иш билан бандлик муносабатларининг ўта юқори аҳамияти, жаҳондаги глобаллашув ва ахборотлаштириш жараёнларининг миқёси, аҳоли, шу жумладан, шахс ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий асосларини тубдан ўзгартирадиган «инновацион иқтисодиёт»нинг шаклланиши мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Минтақа иқтисодиёти меҳнатнинг ижтимоий тақсимоти натижасида тарихий равишда вужудга келган тармоқлардан ташкил топади. Тармоқ таркибининг шаклланиш қонунияти ишлаб чиқаришнинг бирламчи тармоқларидан (қишлоқ хўжалиги ва тоғ-кон саноати) саноат инқилоби даврида пайдо бўлган иккиламчи тармоқларга (саноат ва транспорт)

ўтишидан иборат бўлди. Моддий ишлаб чиқаришнинг ушбу тармоқлари тарихий тараққиётнинг ҳар бир босқичида ўзига хос аҳамият касб этди. Қишлоқ хўжалиги тараққиётнинг саноатлашиш босқичини босиб ўтмаган мамлакатлар иқтисодиётининг етакчи тармоғи бўлган ва бўлиб қолмоқда. Ривожланган мамлакатларда эса қишлоқ хўжалиги ва қазиб олиш саноатлари саноат инқилоби рўй бергунга қадар иқтисодиётнинг етакчи тармоғи бўлиб қолди. XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи ярмида саноатнинг жадал ўсиши уни маҳсулот қийматининг миқдори жиҳатидан моддий ишлаб чиқаришнинг асосий тармоғига айлантирди. Илмий-техника инқилобининг рўй бериши билан эса хизмат кўрсатиш соҳаси жадал ривожлана бошлади.

Иқтисодиётнинг тузилмавий трансформацияси узоқ муддатли истиқболда уч асосий тармоқ (қишлоқ хўжалиги, саноат ва хизматлар) динамикасининг иқтисодий тараққиёт билан боғлиқ бўлишини назарда тутади. Давлатлар ўз замонавий тараққиёт йўлларида бу тармоқлар ўртасида меҳнатни қайта тақсимлаш орқали таркибий ўзгаришларни амалга оширадилар. Тараққиётнинг саноатлашгунга қадар, саноатлашган ва юқори даражада саноатлашган (инновацион) босқичларига мос келувчи ижтимоий ишлаб чиқаришнинг уч турини ажратиш мумкин: экстенсив, интенсив ва интеграл (инновацион) [1]. Экстенсив иш билан бандлик даставвал бандликнинг интенсив турига ва кейинчалик инновацион турга ўз ўрнини бўшатиб бериши натижасида иш билан бандлик тузилмасида ўзгариш рўй бериши кузатилади.

Торонто университети профессорлари М.Дуарте ва Д.Рестуччаларнинг фикрича, аҳоли фаровонлигини ошириш учун фақатгина ишлаб чиқаришнинг ўсиши етарли бўлмайди. Иқтисодиётнинг асосан қишлоқ хўжалигидан урбанизациялашган, интеграциялаган, корхоналарга асосланган иқтисодиётга трансформацияси иқтисодий тараққиётнинг моҳиятини ташкил этади ва иқтисодий фаровонликни яхшилашга хизмат қилади [3]. Европа Комиссияси қўшма тадқиқот маркази тадқиқотчиси Э.Ф.Масиасга кўра, «Юқори даражада саноатлашган даврда, талабнинг таркиби доимий равишда сақланиб қолса ҳам (хизматларнинг товарларга нисбатан бир хил улушда талаб этилиши), умумий иш билан бандликда хизмат кўрсатиш соҳаси улуши ортиб бориш тенденцияси рўй беради» [4, 41].

Бизнингча, минтақавий меҳнат бозори трансформацияси – ижтимоий-иқтисодий тараққиёт босқичлари давомида иқтисодиётнинг айрим соҳа ва тармоқлари самарадорлик кўрсаткичларининг ўсиши ва уларнинг бошқаларига нисбатан устуворлигининг ошиши натижасида ушбу соҳа ва тармоқларда иш билан бандлар сонининг ортишига жавобан тараққиёт

даражасига мувофиқ келувчи иш билан бандлик шакклари ҳамда янгича меҳнат муносабатларининг пайдо бўлишидир.

Инновацион иқтисодиётда иш билан бандлик асосан хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтирилади. Ривожланган мамлакатлар меҳнат бозорига назар ташласак, иш билан банд аҳолининг Австралияда 78,28 %, АҚШда 79,45 %, Буюк Британияда 80,53 % ва Канадада 78,43 % хизматлар соҳасида фаолият юритади[25]. Ўзбекистон меҳнат бозоридаги бу кўрсаткичлар таҳлили мамлакатимизда такрор ишлаб чиқаришнинг экстенсив турига хос бўлган унсурлар ҳам сақланиб қолганидан далолат беради. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида иш билан бандлик юқори даражада сақланиб қолаётгани бунга мисол бўла олади. Статистик маълумотларга кўра, 2018 йилда иш билан банд аҳоли сонининг 14,6 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги; 13,7 % саноат; 11,5 % қурилиш; 13,2 % улгуржи ва чакана савдо, транспорт воситаларини таъмирлаш; 5,7 % ташиш ва сақлаш; 8,9 % таълим; 5,2 % соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва 27,2 % бошқа барча турдаги хизматлар кўрсатиш  соҳалари ҳиссасига тўғри келган.

Кўплаб мамлакатларда (жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам) саноат парадигмаси[26] ўз аксини топиб улгурмади. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида иш билан бандликнинг аграр ва саноат турлари ўрнини инновацион турлар эгаллаган бир пайтда,  малака талаб этилмайдиган меҳнат, малакасиз ишчи кучига талаб ва эскича технологиялар сақланиб қолган бу каби иқтисодиётларда саноат қадриятлари жозибадорлигича қолмоқда. Инновацион иқтисодиёт (ёки «билим иқтисодиёти») эса жамиятнинг билим, инновация ва янги ғояларга хайрихоҳлиги, уларни инсон фаолиятининг турли соҳаларида амалга оширишга тайёр бўлишига асосланади.

Иқтисодиётни самарали ривожлантириш аҳоли иш билан бандлиги соҳасида ривожланаётган ижтимоий муносабатларни инновацион технологиялар бозори томонидан илгари сурилаётган талабларга мослаштиришни назарда тутади. Бу турдаги иқтисодиётда меҳнат бозоридаги тузилмавий трансформациянинг вазифалари иш билан бандларни иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари бўйича оқилона равишда тезкор қайта тақсимлаш; меҳнат унумдорлигини ошириш, кадрлар малакавий даражасини ошириш ва янги

---

[25] Манба: https://www.economicdata.ru веб сайти.

[26] Илк бор А. Сен-Симон (1760-1820) «замонавий» жамиятни саноатлашган жамият сифатида талқин қилиб, ҳозирги давргача бўлган воқелик ижтимоий-маданий талқинининг асосий чизгиларини ифодалаб берган. У ҳар қандай иқтисодий фаолиятни ташкил этишни саноат-илмий тизими сифатида тавсифлаш учун «индустриализм» тушунчасини илмий ва сиёсий луғатга киритди. Бундай тизимнинг асосини янги ижтимоий тартибни шакллантирадиган «ақл ва машина» ҳамкорлиги ташкил этади. Бу ҳолатда илм-фан прогноз қилиш, саноатлашган ишлаб чиқариш эса бу прогнозларни амалга ошириш имконини берганлиги учун фойдали ҳисобланади.

профессионал маконни шакллантириш; меҳнат шаклини ўзгартириш, унинг интеллектуалашуви; ходимнинг инновацион турини шакллантириш; меҳнат жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда янгича усуллардан фойдаланиш; янги турдаги ўзини иш билан мустақил таъминлашни ривожлантириш; бандлик тизимида янгича муносабатларнинг пайдо бўлиши; иш билан бандликнинг мослашувчанлигини оширишдан иборатдир.

Бизнингча, мамлакатимизда иш билан бандликнинг тузилмавий ўзгаришлари орқали ишчи кучини самарадорлиги паст бўлган анъанавий фаолият турларидан самаралироқ бўлган замонавий соҳаларга «кўчириш» ва бу орқали юқорироқ меҳнат унумдорлиги кўрсаткичига, пировардида, иқтисодий ривожланишнинг режалаштирилган даражасига эришишни таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Сковоронских, Ирина Александровна. Формирование инновационного типа занятости в условиях развития рынка: автореферат дис. ... кандидата экономических наук: 08.00.05 / Пермский гос. ун-т.- Пермь, 1997.- 26 с.;
2. Margarida Duarte & Diego Restuccia, 2010. "The Role of the Structural Transformation in Aggregate Productivity," The Quarterly Journal of Economics, Oxford University Press, vol. 125(1), pages 129-173.
3. Fernández-Macías, Enrique (2010). Changes in the structure of employment and job quality in Europe 1995-2007: (Doctoral dissertation).
4. https://www.economicdata.ru


# МИНТАҚАЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯ ТАДҚИҚИ: ЛЮИС МОДЕЛИ


**С.Ш. Махмудов- докторант.**
**ҚаршиДУ**



***Аннотация:*** *Мақолада минтақаларда тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш орқали иқтисодий тараққиётга эришишнинг Принстон университети профессори Артур Люис томонидан ишлаб чиқилган модели ёритилган.*



***Калит сўзлар:*** *трансформация, замонавий тармоқ, унумдорлик, ишчи кучи.*



***Аннотация:*** *В статье описывается модель достижения экономического развития за счет структурных изменений в регионах, разработанная профессором Принстонского университета Артуром Льюисом.*



***Ключевые слова:*** *трансформация, современный сектор, производительность, рабочая сила.*

***Abstract:*** *The article describes a model for achieving economic development through structural changes in the regions, developed by Princeton University professor Arthur Lewis.*
***Keywords:*** *transformation, modern sector, productivity, workforce.*

Иқтисодиётнинг тузилмавий трансформацияси узоқ муддатли истиқболда уч асосий тармоқ (қишлоқ хўжалиги, саноат ва хизматлар) динамикасининг иқтисодий тараққиёт билан боғлиқ бўлишини назарда тутади. Торонто университети профессорлари Маргарида Дуарте ва Диего Рестуччаларнинг фикрича, аҳоли фаровонлигини ошириш учун фақатгина ишлаб чиқаришнинг ўсиши етарли бўлмайди. Иқтисодиётнинг асосан қишлоқ хўжалигидан урбанизациялашган, интеграцияланган, корхоналарга асосланган иқтисодиётга трансформацияси иқтисодий тараққиётнинг моҳиятини ташкил этади ва иқтисодий фаровонликни яхшилашга хизмат қилади [1].

Тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш орқали иқтисодий тараққиётга эришиш назарияси дастлаб Принстон университети профессори, Нобель мукофоти совриндори Артур Люис томонидан ишлаб чиқилган ҳамда бу назария Г.Ранис ва Ж.Фей томонидан такомиллаштирилган. Назария ривожланаётган мамлакатларга хос бўлиб, икки тармоқли иқтисодиёт (dual-economy) нуқтаи назаридан ёндашувга асосланади. Унга кўра, иқтисодиётнинг анъанавий (қишлоқ хўжалиги) ва замонавий (саноат) тармоқлари ўртасида кескин фарқ мавжудлиги далилланиб, уларда турли хил иқтисодий мантиқлар мавжуд ва шу сабабли икки тармоқни бирлаштириб бўлмайди деб ҳисобланади. Замонавий тармоқда жамғариш, инновация ва унумдорликнинг ўсиши, кўпинча тушунарсиз усулларда рўй бергани ҳолда анъанавий тармоқ технологик жиҳатдан орқада ва турғун ҳолатда қолади. Шундай қилиб, иқтисодий тараққиёт ресурсларнинг (асосан меҳнат ресусрлари) анъанавий тармоқдан замонавийсига “кўчиб” ўта олиш даражасига боғлиқ бўлади. Люис ўз моделини қуйидагича хулосалайди:

«Кўпгина мамлакатларда яшаш минимуми учун ишлашга рози бўлган ишчи кучининг чексиз таклифи мавжуд. Бу классик модель эди. Бундай иқтисодларга қўлланилганда неоклассик модель (шу жумладан, Кейнсча модель ҳам) хато натижалар беради. Натурал қишлоқ хўжалиги, муваққат меҳнат, чакана савдо, маиший хизмат, уй хўжалигидаги хотин-қизлар ва аҳоли сонининг кўпайиши иқтисодий ривожланиш давомида ишчилар ҳосил бўладиган асосий манбалардир. Ушбу соҳаларнинг аксариятида, лекин ҳаммасида эмас, агар мамлакат ўзининг табиий захираларига нисбатан ортиқча аҳолига эга бўлса, меҳнатнинг маржинал унумдорлиги аҳамиятсиз, нолга тенг ва ҳаттоки салбий бўлади. Бу ортиқча ишчи кучи ишлашга тайёр

бўлган минимал иш ҳақи яшаш учун зарур бўлган энг кам миқдорга бўлган анъанавий нуқтаи назарга кўра белгиланиши мумкин; ёки у натурал қишлоқ хўжалигидаги киши бошига тўғри келадиган ўртача маҳсулот ва маржанинг йиғиндисига тенг бўлиши мумкин. Капиталнинг жамғарилиши натижасида иш билан бандлик бундай иқтисодиётда капиталистик соҳада кенгаяди. Капиталнинг жамғарилиши ва техник тараққиёт иш ҳақини оширишга эмас, балки миллий даромадда фойданинг улушини кўпайтиришга олиб келади. Ривожланмаган иқтисодиётда жамғармаларнинг миллий даромаддаги улушининг паст бўлишига сабаб халқнинг камбағаллиги эмас, балки капиталистик даромаднинг миллий даромаддаги улушининг пастлигидир. Фойда капиталистик сектор кенгайишига мутаносиб равишда ўсади ва миллий даромаднинг ўсиб бораётган улуши қайта инвестиция қилинади. Капитал нафақат фойда, балки кредитларни яратиш ҳисобига ҳам шаклланади. Ушбу моделда инфляция натижасида ҳосил бўлган капиталнинг реал қиймати нолга тенг, ва бу капитал фақатгина муносиб равишда яратилган (яъни, фойданинг ҳисобига) натижа каби фойдалидир. Уруш учун ресурсларни ушлаб қолиш мақсадида инфляция тўпланувчи хусусиятда бўлиши мумкин; аммо ишлаб чиқариш капиталини яратиш мақсадида инфляция ўз-ўзини йўқ қилувчи хусусият касб этади. Нархлар капитал яратилгани сари кўтарилиб, унинг маҳсулоти бозорга етиб боргани сари яна тушиб боради. Капиталистик сектор бу йўллар билан чексиз кенгая олмайди, чунки капитал жамғариш аҳоли кўпайишига қараганда тезроқ содир бўлиши мумкин. Ортиқчалик тугаши билан иш ҳақи яшаш минимумидан юқорига кўтарила бошлайди. Бироқ мамлакат ҳали ҳам ортиқча ишчи кучи бўлган бошқа давлатлар билан ўралган. Шунга кўра, иш ҳақи ошиши биланоқ, оммавий иммиграция ва капитал экспорти бу ўсишни синаб кўради. Малакасиз ишчиларнинг оммавий иммиграцияси жон бошига маҳсулотни кўпайтириши ҳам мумкин, аммо унинг натижаси барча мамлакатларда иш ҳақини энг камбағал мамлакатларнинг яшаш минимумига яқин миқдорда ушлаб туриш бўлади. Капитал экспорти мамлакат ичида капиталнинг жамғарилишини пасайтиради ва шу билан иш ҳақини паст миқдорда сақлаб туради. Агар капитал экспорти ишчилар импорт қиладиган товарларни арзонлаштирса ёки рақобатдош мамлакатларда иш ҳақи харажатларини оширса, бу ҳол қопланади. Аммо капитал экспорти импорт харажатларини оширса ёки рақобатдош мамлакатлар харажатларини камайтирса, аҳвол янада оғирлашади. Ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган мамлакатларда хорижий капитал импорти улар ўз истеъмоллари учун ишлаб чиқарадиган товарлар соҳасида унумдорликнинг ошишига олиб келмаса, бу капитал реал иш ҳақини оширмайди. Тропик тижорат маҳсулотининг ўзи таъминлайдиган

яшаш стандарти нуқтаи назаридан қараганда, шунчалик арзон бўлишининг асосий сабаби жон бошига тропик озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришнинг самарасизлигидир. Қиёсий нархлар қонуни бошқа мамлакатларда бўлгани каби ортиқча ишчи кучи мавжуд мамлакатларда ҳам амал қилади. Аммо иккинчисида бу далилларнинг эркин савдо фойдасига амал қилувчи асоси бўлса, биринчисида бу ҳимояланиш учун далилларнинг тенг даражадаги асосидир»[2].

Люиснинг таҳлилидан сўнг бу ўтиш жараёнининг тараққиёти ишлаб чиқариш ҳажми, унумдорлик ва иш ўринлари нуқтаи назаридан ўлчана бошлади. Тузилмавий трансформация иқтисодий тараққиёт жараёни сифатининг кенг қўлланиладиган макроиқтисодий кўрсаткичига айланди. Бу содир бўлиши учун эса икки жараён бир вақтнинг ўзида амал қилиши керак: ЯИМ таркибининг қишлоқ хўжалигидан замонавий саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналарига ўзгариши ва бунга жавобан аҳоли иш билан бандлигининг қишлоқ хўжалигидан ноаграр янги корхоналарга кўчиши ва бу, ўз навбатида, албатта миграция ва урбанизацияни ўз ичига олади.

**Адабиётлар рўйхати**

1. Margarida Duarte & Diego Restuccia, 2010. "The Role of the Structural Transformation in Aggregate Productivity," The Quarterly Journal of Economics, Oxford University Press, vol. 125(1), pages 129-173.
2. Lewis, W.A. (1954) Economic Development with Unlimited Supply of Labor. Journal of the Manchester School of Economics and Social Studies, 22, 139-191.

# МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ

**З.А.Пардаева -ТТЕСИ Корпоратив бошқарув кафедраси доценти,**
**Хакимов Шахриддин – талаба.**

***Аннотация:***

*Мақолада янги шароитда бухгалтерия ҳисобининг ролини ошириш ва такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

*В данной статье рассмотрены пути развития данной сферы и выработаны соответствующие предложения и рекомендации по совершенствованию бухгалтерского учета.*

*In the article, the ways of development of this sphere are considered and appropriate proposals and recommendations for improving accounting have been worked out.*

***Калит сўзлар**: бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий ислоҳотлар, бухгалтерия ҳисоби тизими, бухгалтерия ҳисобининг объектлари, иқтисодий қонунлар*

*бухгалтерский учет, экономические реформы, системы бухгалтерского учета, объекты бухгалтерского учета, экономическое законодательство*

*a new stage of economic reforms, , strategy of action, accounting systems, new accounting facilities, improvement of accounting*

Иқтисодиётдаги глобаллашув, интеграцион жараёнларнинг жадаллашуви хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоботлаш тизимига ҳам янгича тартиблар ва қойидаларни тадбиқ этиш заруриятини юзага чиқармоқда. Иқтисоднинг бугунги кундаги талаби, хўжалик юритувчи субъектларининг жорий даврдаги мулкий ҳолати, молиявий натижалари ва пул оқимлари, молиявий ҳолати ва унинг кутилишларини прогноз қилиш хақидаги ахборотларни молиявий ҳисоботларда акс эттиришдан кўра кўпроқ уларнинг келгусидаги кутилишларини башоратлашни заруриятга айлантирмоқда ва бундай ахборотларга эга бўлувчиларнинг доираси табора кенгайиб бормоқда. Ишлаб чиқариш субъектлари, ташкилотлар фаолияти самарадорлиги, умуман, иқтисодиёт ривожида молиявий ҳисоботларнинг ўзига хос ўрни бор.

Шу маънода, Президентимиз томонидан 2020 йил 24 февралда “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор қабул қилиниши ушбу йўналишда ҳам жиддий ишларга қўл урилаётганидан далолат беради.

Бинобарин, биз халқаро доирага, жаҳон бозорига интилаётган эканмиз, фаолиятимиз ҳам халқаро стандартларга мос бўлиши лозим. Анъанавий миллий ҳисобчилик тизимининг бугунги ҳолати хусусида фикр юритишдан олдин шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистонда бошқа давлатлардаги каби бизнес субъектларида ҳисоб хизматларининг аниқ тартиб-таомиллари шакллантирилган.

Бу жараён Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинса, кейинчалик қабул қилинган бошқа ҳужжатлар орқали миллий ҳисобчилигимиз бирмунча такомиллаштирилди. Айтиш керакки, бугунги кунда бухгалтерия ва аудит соҳаси мутахассислари олдига ҳисобдорликни янги дунё муносабатлари тизимига мос ҳолда йўлга қўйиш вазифаси юкланмоқда.

Бунинг ечими эса оддий эмас. Чунки бу борада бир қатор муаммолар мавжуд. Аввало, бизнес субъектлари фаолиятининг реал натижаларини аниқлаш, уларнинг ютуқларини тан олиш, баҳолаш ва очиқлашдаги

амалдаги тартиблари иқтисодий ресурсларнинг бўлғуси ҳақиқий эгалари манфаатларига мос тушмайди. Бизнес субъектлари даромад ва харажатларининг аниқ ўлчанган қийматлари потенциал қизиқувчилар манфаатларига мос тушмайди. Бунда фойданинг аниқлиги, нақдлиги ва сифатини таъминлаш назарда тутилмоқда.

Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш, тақдим этишдаги ўринсиз, ортиқча, қатъий талабларнинг белгилаб қўйилганлиги, шунингдек, бизнес субъектларининг ўз мулклари доирасида аниқ бошқарув қарорларини тайёрлашда ҳисобнинг майда бирликларига қадар қатъий тартибнинг белгилаб қўйилгани бухгалтерия ходимларининг эркин ва касбий тажрибага таянган ҳолда хулоса тайёрлаш ҳамда уларни манфаатдорларга тақдим этиш имкониятини бермайди. Бу бизнес вакиллари реал ҳолатни ўзлари истаган тарзда эмас, улар фойдаланаётган ресурслар эгалари истаган тарзда кўради, деганидир. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига қанчалик мослаштирилмасин, агар ахборотлар оқими очиқланмаса, бизнес субъектларининг реал молиявий аҳволи, натижалари ва уларнинг ўзгаришларини аниқ акс эттириш имкони бўлмайди.

Президент қарори Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий қилиш ҳамда бухгалтерия соҳасидаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Шундан келиб чиқиб, бизнес субъектлари томонидан қўлланилаётган ва юритилаётган бухгалтерия ҳисоби омилларида халқаро нормаларга номувофиқлик даражасининг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтсак.

Аввал бизнеснинг реал, потенциал қийматини аниқлашга мулкдорда ҳам, давлатда ҳам қизиқиш бўлмаган. Муваффақиятли битимларга келишишда бизнес ҳисобдорлигининг аудиторлик хулосаси ҳеч қандай таъсирга эга эмас. Ички назоратни йўлга қўйишнинг амалдаги тартиби бошқарув сифатига боғланмаган. Тартибли жамоани шакллантиришда кадрлар муаммоси долзарблигича қоляпти. Бу каби ҳолатлар бухгалтерия ҳисобининг халқаро уйғунлашувини, унинг интеграцион жараёнларга тўла мослашувини, глобаллашув жараёнида ахборотларнинг ягона маконини шакллантиришга тўсқинлик қилади, албатта.

Халқаро стандартлар расмий эълон қилинадиган ҳисоботларда бизнес, бошқарув ва фаолият натижадорлигини объектив ҳамда реал акс эттиришга, бизнеснинг давомийлиги, ривожланиш ва тараққиётнинг муҳим тенденцияларини аниқ кўра билишга имкон беради. Бу эса жалб қилинадиган ташқи инвестициялар ҳажмини оширишга, халқаро алоқалар мус-

таҳкамланишига, салоҳиятли харидорлар гуруҳи шаклланишига, умуман, халқаро доирада нуфуз ошишига замин яратади.

Ҳужжат, албатта, йиллар давомида шаклланиб келган, бухгалтерлар, аудиторларнинг ҳисоб хизматларини йўлга қўйишдаги анъанавий ёндашувлардан тўлиқ воз кечишни талаб қилмайди. Аксинча, бухгалтерлар, аудиторларнинг профессионал тажрибаларига кўпроқ таянишга, эркин бўлишга, яъни ягона қолипдан чиқишга ҳам ундайди. Шу билан бирга, бизнес субъектларининг катта қисмини ташкил этадиган кичик бизнес субъектларида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари амал қилишини инкор этмайди. Яъни улар тўлиқ хўжалик операцияларини, молиявий ҳисоботларни тайёрлашни халқаро стандартларга яқинлаштирилган, мувофиқлаштирилган амалдаги нормалар асосида - юритишни йўлга қўядилар.

Шундай қилиб, мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини хўжалик субъектларига қанча тезроқ жорий қилинса, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижаси шунча сифатли ва муваффақиятли бўлиб, корхоналаримизнинг жаҳон бозорларида ўз ўрнига эга бўлиши учун мустаҳкам замин яратилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентинг 24.02.2020йилдаги ПҚ-4611 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори
2. Ташназаров С Н. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.Дарслик. “IQTISOD-MOLIYA”. Тошкент, 2019. 307 бет. MOLIYA”. Тошкент, 2019. 307 бет.


## ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА ЎТИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ


**Н.Раупова -Корпоратив бошқарув кафедраси ассистенти,**
**Холмўминов Абдурахмон – талаба.**
**Тошкент текстил ва енгил саноат институти**



*Мақолада бухгалтерия ҳисоби ва аудитни халқаро стандартларига ўтишнинг зарурияти ва мақсади хамда такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

*В статье разработаны предложения и рекомендации по необходимости и цели перехода на международные стандарты бухгалтерского учета и аудита, а также по их совершенствованию.*

*The article develops the need and purpose of the transition to international standards of accounting and auditing, as well as proposals and recommendations for improvement.*

***Калит сўзлари:*** *бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот, такомиллаштириш, халқаро стандартлари, хўжалик юритувчи субъект.*

*Бухгалтерский учёт, финансовый отчетность, совершенствование, международные стандарты, хозяйствующий субъект.*

*Accounting, financial reporting, improvement, international standards, business entity.*

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар ва тажрибалар асосида такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон халқаро инвестиция бозорларига чиқиш, шунингдек жаҳондан сармоялар жалб қилишни тезлатиш ва жадаллаштириш йўлига ўтган.

Ҳозирги вақтда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ташқи фойдаланувчилар эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган бухгалтерия ахборотини тайёрлашда тобора кенг фойдаланилмоқда. Бу ҳол ахборотнинг сифатини ошириш, капитал қийматини пасайтириш, капитал бозорига киришни осонлаштириш каби бир қатор сабаблар билан изоҳланади.

Бухгалтерия ҳисоби ва аудитни халқаро стандартларига ўтишнинг зарурияти ва мақсади шундаки, дунё бозорларига чиқиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтириш, дунё хом-шё ва валюта биржаларига котировка қилиш, дунё банкларидан кредит олиш учун компания ва ташкилотлар томонидан  МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисобот тузишни талаб этилиши билан белгиланади.

2020 йил февраль ойидаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорига кўра,  акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб, бухгалтерия ҳисоби юритилишини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (кейинги ўринларда – МҲХС)  асосида ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб, молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлашга ўтади.[1]

Бинобарин, биз халқаро доирага, жаҳон бозорига интилаётган эканмиз, фаолиятимиз ҳам халқаро стандартларга мос бўлиши лозим.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштиради.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишидан хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминланади ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятлари кенгайтирилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни халқаро стандартларга мослаштиришда манфаатдор фойдаланувчилар учун фойдали ахборотларни шакллантиришга хизмат қилади. Халқаро стандартлардан фойдаланиб, тузилган ҳисоботлар хўжалик юритувчи субъект ҳақида ишончли ва катта ҳажмдаги молиявий ахборотларнинг шаффофлигини таъминлашга қаратилган.

Ҳозирги кунда амалиёт шуни кўрсатадики, хўжалик юритувчи субъект томонидан тузиладиган ҳисоботлар халқаро стандартлар асосида, биринчидан, халқаро капитал бозоридаги ўз ўрни, иккинчидан, ўзи учун керакли инвестицияларни жалб қилиши билан изоҳланади. МҲХС бўйича тузилган ҳисобот хўжалик юритувчи субъект ҳақида маълумотларни инвесторнинг молиялаштириш улар билан боғлиқ рискларни олдиндан баҳолаши шартдир.

Хусусан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш, миллий стандартларни халқаро стандартларга мослаштириш, хўжалик юритувчи субъекларнинг иқтисодий, мулкий ва молиявий ҳолатини, уларни ўтган даврлардаги молиявий барқарорлигини қиёсий ўрганиш орқали уларга, объектив баҳолаш келгусидаги фаолиятни кенгайтириш, ривожланган мамлакатларни молиявий инвестицияларини жалб қилиш имконини беради.

Бинобарин, мамлакатимиз иқтисодиётининг халқаро даражада интеграциялашуви хўжалик юритувчи субъекларининг фаолиятини ҳам халқаро стандарт талабларига мос бўлишини тақозо этади. Яъни, МҲХСларга ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот манбаи билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларга кириш имкониятлари кенгайтириш долзарб ҳисобланади. Умуман олганда, бугунги кунда иқтисодиётнинг ривожланиши жамиятдаги ўзгаришлар ва ислоҳотлар бухгалтерия ҳисоби соҳасида ҳам изчил ўзгаришларни янги босқичи бошланаётганлигини кўрсатмоқда

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари ва йирик компаниялари МҲХСларига ўтиш вақти ҳам келганлигини айтиш мумкин. Миллий стандартларимиздан халқаро

стандартларга ўтишимиз бизга чет эл инвесторни қизиқтирадиган асосий нарса ташкилотнинг реал соф даромади ва активларнинг ҳаққоний қийматларини акс эттиришдир. Инвесторларни кўпроқ солиқ ундириш эмас, балки ташкилот қанчалик даражада самарали фаолият юритаётгани қизиқтиради. Шудай экан, инвесторлар кўпроқ молиявий ҳисоботига эмас кўрок, консолидациялашган молиявий ҳисоботда активларни ҳаққоний қийматда, мажбуриятлар ва харажатларни тўлалигича, шунингдек, даромадлар оширилмай кўрсатилишини кўрсатиб беришлари шартлиги кўрсатиб ўтади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


3. Ўзбекистон Республикаси Президентинг 24.02.2020 йилдаги ПҚ-4611 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори
4. Ташназаров С Н. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.Дарслик. “IQTISOD-MOLIYA”. Тошкент, 2019. 307 бет.


## К ХАРАКТЕРИСТИКЕ “ИННОВАЦИОННОЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО”


**А. Хаджимуратов- доктор экономических наук, Ж.Запаров- учитель основы экономических знаний.**
**Ферганский политехнический институт, Андижанский район 18-школа.**



*В этой статье рассматривается суть инновационного предпринимательства, непосредственно связанной с интеллектуальным капиталом. При этом указывается, роль и место инновационных фирм в создании новаторских научных продуктов.*

*Ushbu maqolada intellectual capitalga bevosita bog`liq bo`lgan innovatsion tadbirkorlikning mohiyati yoritib berilgan. Shuningdek bozor iqtisodiyoti sharoitida innovatsion firmalarning ilmiy provard maxsuloti yaratishdagi roli va o`rni ko`rsatilgan.*

*This article examines the essence of innovative entrepreneurship directly related to intellectual capital. At the same time, the role and place of innovative firms in the creation of innovative scientific products are indicated.*



***Ключевые слова:*** *Инновация, предпринимательства, интеллектуальный капитал, интеллектуальная собственность, научная продукция, инновационная фирма.*


“Инновационное предпринимательство”, как один из видов предпринимательства, его созидательная роль ярко проявляется в отношении к науке, поскольку инновация всегда связана с прогрессом общества.

Инновация (англ. Innovation ) — буквально: инвестиции в новации” – вложение средств в новую технику, технологию, новые формы организации труда и управления, охватывающие не только отдельное предприятие, но и отрасль[1. 104].

Понятие инновации основывается на классическом определении инновации Й.Шумпетером видного экономиста в первой половине XX века, который определяет инновацию как “непостоянное проведение новых комбинаций” в виде:

- внедрения нового товара, то есть товара с которым потребители ещё не знакомы, или новой разновидностью какого-то товара;
- внедрение нового метода производства, то есть методы ещё не испытанного практически в одной отрасли производства;
- открытие нового рынка, то есть рынка, на котором данная отрасль промышленности данной страны прежде не присутствовала, независимо от того, существовал ли до этого этот рынок или его не было;
- овладения новым источником сырья или полуфабрикатов и на этот раз независимо от того, существовал ли уже этот источник или же он только что был создан;
- проведение новой организации какой-либо промышленности[2. 170].

Здесь предметом инновации могут быть: продукт, производственный процесс, а также организация при условии, что они являются новыми и внедрены.

Однако Й.Шумпетером не упоминается реализация продукции науки продукта интеллектуальной собственности, как явление, которое совершается в мировой политике только с 80-х годов. А сама разработка её в теоретическом плане как инновационный вид предпринимательства начали признаваться учеными еще чуть позже, к 90-м годам. Поэтому сейчас в научной литературе интеллектуальная собственность признается уже как равноправная с другими формами собственности.

Сегодня мировой опыт по созданию рыночной экономики, теория и практика предпринимательства свидетельствуют о том, что все возрастающее место в процессах воспроизводства занимает интеллектуальный капитал его товарный продукт, принимающий в условиях рыночной экономики форму особой, специфической “интеллектуальной собственности”.

На наш взгляд, интеллектуальный капитал — это потенциал позитивных знаний и опыта духовного и физического развития человека во всех разнообразие их форм, реализующего особенности производить товарный продукт, принимающий различные формы интеллектуальной собственности [3. 3]. К этому относится: квалификация и образование, “ноу-хау”, “неосязаемые ценности” (здоровье, цена фирмы, престиж, приоритеты и т.д.) нововведения, реализующиеся в технике и технологии, а также в разнообразных методах организации производства и труда.

В настоящее время совершенно новый, интеллектуальный капитал, являющийся необычным, быстро набирает силу как феномен рыночной социально-экономической деятельности. Вместе с тем, эти объективные процессы капитализации стоимости идут по нарастающей, но пока еще слабо связаны с новыми рыночным механизмом. В дальнейшем установление такой связи, является главной целью развития рыночной экономики.

Поэтому интеллектуальный капитал инновационной деятельности не менее эффективен в экономическом и социальном плане, чем любой другой обычный капитал. Здесь мы придерживаемся подхода, в соответствии с которым: " ... Несмотря на существенные особенности и отличия товарного продукта и интеллектуального капитала в области инновационной деятельности от товарного продукта интеллектуального капитала в других областях человеческой деятельности, общая методология оценки и измерения социально-экономической эффективности применения этого товарного продукта должна быть общей. Различия между ними пройдут по линии факторов социально-экономического эффекта, круга затрат на его достижение, а также частных методик оценки и измерения, носящих конкретный характер[3.3]".

По мере установление рыночных условий товарный продукты интеллектуального капитала образует особую форму (причем, превращенную) частьной собственности — интеллектуальную собственность. При этом нами интеллектуальный капитал рассматривается в соответствии с классическим определением капитала как стоимости, приносящей прибавочную стоимость, и, вместе с тем, как способность индивида сложным и высокоэффективным трудом создавать в единицу времени больше потребительских стоимостей, чем простой квалифицированный труд.

В условиях рынка способом реализации товара интеллектуального капитала служат информационная технология и деятельность человека. При этом информационная технология доводит интеллектуальный капитал до превращения его в конкретные потребительные стоимости.

Уже ясно, что развитие инновационного предпринимательства требует создания эффективного механизма реализации интеллектуальной собственности. Так, исходным движущим моментом инновационного предпринимательства является интеллектуальный капитал, который на том или ином уровне всегда имеется во всех странах.

Проблема развития инновационного предпринимательства в Узбекистане интересует сегодня многих ученых экономистов республики, поскольку производственная сила науки в создании социально-ориентированной рыночной экономики, безусловно, ощутима. Так проблема рассматривается. При этом в качестве за первопроходца можно отметить подход профессора В.Шепелева,о который сумел рассмотреть проблему, с учётом изменяющихся процессов в Республике[4. 10].

Учитывая этот научный подход нам следует рассмотреть инновационное предпринимательство Узбекистана согласно собственному усмотрению. Следовательно, целью нашего исследования является прослеживание процесса формирования инновационного предпринимательства, наряду с другими

видами его как неотъемлемой части становления предпринимательства Узбекистане как единого целого. Следует учитывать, что здесь мы не рассматриваем науку а целом как объект, в этом нет нужды, вернее она рассматривается лишь постольку, поскольку она затрагивает и влияет на инновационное предпринимательство, ибо наука как таковая общая очень обширная область исследования. В этом плане надо сказать, что основой основ инновационного предпринимательства является инновационное общество Узбекистана.

Более того, с точки зрения предмета исследования важно изучение характера изменений процессов в инновационной области, учёт создания инновационных фирм и их вклада в современную экономическую реформу Узбекистана.

Прежде всего необходимо уточнить понятие “инновационное предпринимательство”. Так, если научное или другое предприятие просто занимается тиражированием стандартных вещей в производстве нет оригинальных идей, претендующих на охрану или как интеллектуальный продукт, то эта деятельность является имитационной, а не предпринимательской. Подобны бизнес безусловно необходим и он будет развиваться. Встречаются случаи, когда подобный бизес считают предпренимательством, хотя необходимо отличать его от инновационного предпринимательства.

Отличие последнего заключается в том, что через него создается не только оригинальный продукт, но и какие-то новые качества потребления. “Инновационное предпринимательство” – интеллектуальная деятельность направленная на осуществление научно-техническое новшества во изменении в процессах от статистического на динамическое в экономической системе в целях повышения дохода[5. 12].

Инновационное предпринимательство – это один из видов предпринимательской деятельности, представляющие собой видов деятельности научных предприятий, занимающихся разработкой и реализацией первичных нововведений. Это осуществляется в виде разработки освоения новой техники и технологии, новых форм организации труда и управления производством, охвативших не только отдельным предприятиям, но и в целом и народное хозяйство. Это, с одной стороны. С другой, инновационное предприятие устанавливает связь между наукой и потребностей экономики в условиях рынка.

Нынешнее состояние инновационного предпринимательства в Узбекистане во многом зависит от научно-технической политики, проводимой правительством республики, поскольку ни одна страна в мире не может надеяться стать в дальнейшем мощным государством или же сильной державой, если не поддерживает науку, хотя бы на должном уровне. Это положение тем более справедливо в условиях рынка.

После обретения независимости Правительства Республики Узбекистан выработан новый подход к науке. Так, создан Госкомитет науки и техники, собственный ВАК республики, адекватно рыночной экономике перестроена деятельность многих научных утверждений. Конечно, учитывая науку как

один из важных факторов подъема экономики республики, реформа в этой области стала необходимой и неизбежной в русле для создания социальной-рыночной экономики в Узбекистане.

Следовательно, 2017 году Правительством Узбекистана разработана концепции инновационного развития экономики Узбекистана.

В связи с этим создание реального эффективного механизма реализации научной продукции является одной из серьезных задач нынешней функции управления сферой науки республики при разработке производственных программ научных исследований. Речь идет о функционировании науки и ее адаптации к формирующимся рыночным отношениям, то есть о приоритетах старая создании новых инновационных фирм адекватных рынку.

Мировой опыт показывает что вклад именно малых инновационных фирм в развитии рыночной экономики очень велик. Более того благодаря инновационному предпринимательству происходит экономическое и общественное развитие. Так, инновационный бизнес — это бизнес будущего, причём инновационные разработки позволяют, скажем, защищать окружающую среду, уменьшить потребление энергии или живого труда, экономить сырье, материалы. Создавать новые прогрессивные технологии, в том числе информационные, одним словом создаётся финальный-конечный продукт, какие-то новые качества потребления.

В заключение, надо отметить, что одним из главных ресурсов, лежащих в основе мирового “бума” инновационного предпринимательства, является активизация творческой личности, без которой невозможны инновации в любой сфере. Ещё раз всестороннее активизация творческой личности учёных, которое особенно уделяется внимание в “концепции”.

**Использованная литература.**


1. Энциклопедия предпринимателя. / Сост.: С.М. Синельникова и др.- СПб; ТОО «Олбис». 1994 – [с. 104]
2. Шумпетер Н. Теория экономического развития. – М. : « Прогресс», 1982 -[с. 170]
3. Кварцов И.И. Интеллектуальный капитал инновационной деятельности // Экономика и коммерция. – 1994 -№4 [с. 31]
4. Шепелев В. Перспектива развития инновационного предпринимательства в Узбекистане // Частная собственность. – 1996. - №8 [с. 10]
5. Тошпулатов А., Хожаев А. – Кичик бизес қуллаб-қувватлаш инноватцион механизмлари. (Монография) –“Фарғона”, 2016.
6. Хаджимуратов А.А. – Становление предпринимательства в Узбекистане (Монография). – СПб, :Изд-во СПб УЭФ, 1996-253с.
7. Кошелева Т.Н. Стратегия развития малого и инновационного предпринимательства (Монография). – СПб.: ГУАП, 2009.
8. Отеулиев А. Ўзбекистон Республикасида Инновацион фаолиятни ривожлантириш концепцияси асослари.

# ЎЗБЕКИСТОНДА МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Г.А.Усмонова -талаба, П.З. Хошимов- проф.в.б.**
**ЎзМУ**

***Аннотация.*** *Мақолада Ўзбекистон Республикасида меҳнат миграциясининг моҳияти, Халқаро Миграция ташкилотининг миграцияга берган таърифи ҳамда ишчи кучи миграциясининг сабаб ва оқибатлари кўриб чиқилган.*

***Таянч иборалар:*** *миграция, Халқаро Миграцион ташкилоти, мигрант, хусусий бандлик агентликлари, меҳнат мигрантлари, ишчи кучи миграцияси.*

***Аннотация.*** *В статье рассматриваются сущность трудовой миграции в Республике Узбекистан, определение данное Международной организацией по миграции, а также причины и последствия трудовой миграции.*

***Ключевые слова:*** *миграция, Международная организация по миграции, мигрант, частные агентства занятости, трудовые мигранты, трудовая миграция.*

***Annotation.*** *The article examines the nature of labor migration in the Republic of Uzbekistan, the definition of migration by the International Organization for Migration, as well as the causes and consequences of labor migration.*

***Key words:*** *migration, International Migration Organization, migrant, private employment agencies, labor migrants, labor migration.*

«Миграция» атамаси лотинча «migratio» ва «migro» сўзларидан келиб чиққан бўлиб у ("кўчиб ўтяпман" ва "кўчиб кетяпман") деган маъноларни англатади. Ушбу атаманинг кенг қўлланилишига қарамай, унинг ягона талқини йўқ. Халқаро Миграцион Ташкилоти (ХМТ) миграцияни "одамларнинг одатий яшаш жойидан халқаро чегара орқали ёки давлат чегаралари ичида кўчиб ўтиши" деб таърифлайди.[27] Халқаро миқёсда «мигрант» атамасининг умумэътироф этилган таърифи мавжуд эмас. ХМТ ўз мақсадлари учун қуйидаги таърифни ишлаб чиққан: "Мигрант – бу халқаро ҳуқуқда таърифланмайдиган умумий атама бўлиб, у мамлакат ичида ёки халқаро чегара орқали вақтинчалик ёки доимий равишда ва турли сабабларга кўра одатий яшаш жойидан чиқиб кетадиган шахснинг умумий нокасбий изоҳини акс эттиради". Ушбу атама меҳнат қилувчи мигрантлар каби юридик жиҳатдан аниқ таърифланган бир қатор юридик инсонлар тоифасини;

[27] Миграция соҳасидаги асосий атамалар (Key migration terms) [Кириш режими: www.iom.int/key-migration-terms#Migration].

ноқонуний олиб кириладиган мигрантлар каби, аниқ ҳаракатланиш турлари қонун билан белгиланган шахсларни; шунингдек мақоми ёки ҳаракатланиш воситалари халқаро ҳуқуқда аниқ белгиланмаган шахсларни, масалан, чет эллик талабаларни назарда тутади.

Энди Ўзбекистонда Халқаро миграциянинг аҳамиятига келадиган бўлсак: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик департаменти, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқаро миграция ташкилоти (ХМТ) ва Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ҳамкорлигида "Хусусий бандлик агентликлари институтини такомиллаштириш: миллий ва халқаро тажриба" мавзусида халқаро видеоконференция қатнашчиси ХМТнинг бандлик масалалари бўйича бош мутахассиси М.Пушкиннинг фикрига кўра: "Бугунги коронавирус пандемияси инқирозидан, иқтисодий ривожланиш даражасидан қатъи назар барча давлатлар зарар кўрмоқда. Бу албатта, барча соҳалар каби меҳнат миграциясига катта зарба беради".[28]

Тан олиш керак, охирги йилларда Ўзбекистон ҳукумати ташқи меҳнат миграцияси соҳасида қатор давлатлар, хусусан, Россия Федерацияси билан кўплаб музокаралар олиб борди ва самарали натижаларга эришмоқда. Айни пайтда Россия томонидан янги миграция стратегияси ишлаб чиқилмоқда. Хорижга ишга кетаётган Ўзбекистонлик меҳнат мигрантларини саралаш амалиёти жорий этилса, бандлик агентликлари ва мигрантлар дуч келаётган муаммолар камайган бўлар эди.

Ўзбекистан ҳам халқаро савдо ва молия-кредит муносабатларини ривожлантириш билан бир қаторда ишчи кучининг халқаро миграциясида ўзининг иштирокини кенгайтириб бормоқда. Ишчи кучи экспорти миллий иқтисодиётда ижобий оқибатлар билан бир қаторда салбий оқибатларни хам қолдиради. Бу энг аввало «ақлли кишиларнинг кетиб қолиши» деб аталувчи юқори малакали мутахассисларнинг хорижга кетиб қолиши билан боғлиқдир. Бу жараённинг моҳияти шундаки, мутахассислар турмуш даражаси пастроқ давлатлардан юқори иш ҳақи, яхши меҳнат шароитлари, ижодий имкониятларни амалга оширишга етарли шарт-шароит ва ниҳоят ижтимоий кафолатлар яратиб бера оладиган мамлакатларга кетиб қолади.

«Юқори сифатли» ишчи кучини ўзига жалб қилувчи асосий марказлар энг бой мамлакатлардир: АҚШ, Канада, Германия, Франция, Буюк Британия, Швеция ва бошқалар. Ақлли кишилар чиқиб кетишининг асосий каналлари, биринчидан, хорижий талабаларни чет элдаги университетлари томонидан

[28] Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқаро миграция ташкилоти (ХМТ) ва Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ҳамкорлигида «Хусусий бандлик агентликлари институтини такомиллаштириш: миллий ва халқаро тажриба» мавзусида халқаро видеоконференция

жалб этилиши, иккинчидан, тажрибали мутахассисларни халқаро компанияларда ишга таклиф этилиши ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда ишчи кучи миграциясининг сабаб-оқибатлари ўзаро боғлиқлигини тушунтириб берадиган қатор назариялар ва концепциялар ишлаб чиқилмоқда. Улар ёрдамида минтақалар ўртасидаги турли миграцион оқимларнинг кўлами, йўналишлари, жадаллилиги ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий- иқтисодий ривожланиши мезонлари биргаликда макродаражада мувофиқлаштирилади. Бундай мувофиқлаштириш мигрантлар ҳатти-ҳаракатининг уларнинг таркибига, ёшига, жинсига, маълумот даражасига ва касбий тайёргарлигига боғлиқлигини аниқлаш учун жуда муҳим ҳисобланади. Турли иқтисодий мактаб вакилларининг тадқиқот предмети бўлиб, миграция жараёнлари ривожланишидаги қонуниятлар асосланган иқтисодий муносабатларни аниқлаштириш ҳисобланади. Ҳар бир инсон ўз меҳнатининг чекланган маҳсулотини олади ва истеъмол қилади, деб эътироф этувчи неоклассик ёндашув тарафдорларининг фикрича, эмиграция - қабул қилувчи мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига олиб келади. Эмиграция чиқиб келган давлатнинг иқтисодий тараққиёти эса аввалгидай қолади. Неокейнсчилар юқори малакали ходимлар эмиграцияси амалга ошадиган бўлса, ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ёмонлашиши эҳтимолини эътироф этганлар. Классик олимлар Й.Равенштайн, А.Люнс, Ж,Фрей, Г Ранис[29] ва неоклассик иқтисодчилар Ж.Харрис, М.Тодаро[30] назарияларига кўра, ортиқча меҳнат ресурслари чекланган, паст ишлаб чиқариш самарадорлиги устувор бўлган қишлоқ районларидан ривожланган урбанизациялашган ҳудудларга миграция қиладилар. Классик назариялардан фарқли равишда таркибий концепция тарафдорлари миграцияни турли субъектлар ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий тенгсизлик деб изоҳлаганлар. Бунда бир қадар кучлироқ субъектлар миграция оқими ҳаракатини ўзларига фойдали томонга йўналишини белгилайдилар.

**Адабиёт**

1.Миграция соҳасидаги асосий атамалар (Key migration terms) [Кириш режими: www.iom.int/key-migration-terms#Migration].
2.Цапенко И.П. Движущие силы международной миграции населения // Мировая экономика и международные отношения. - М.: 2007. -№3. -С.3-14.
3.Ҳаррис Ж., Тодаро М. Мигратион, унемплоймент, анд девелопмент: а тво-сектор аналйсис // Американ Эсономис Ревиев. 1970. -№60. -Р. 126-142

[29] Цапенко И.П. Движущие силы международной миграции населения // Мировая экономика и международные отношения. - М.: 2007. -№3. -С.3-14.

[30] Ҳаррис Ж., Тодаро М. Мигратион, унемплоймент, анд девелопмент: а тво-сектор аналйсис // Американ Эсономис Ревиев. 1970. -№60. -Р. 126-142

# ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒУРТА БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Г.А.Усмонова -талаба, П.З. Хошимов- проф.в.б.**
**ЎзМУ**

***Аннатация.*** *Мақолада суғурта бозорининг моҳияти ва Ўзбекистонда уни ривожлантириш хусусиятлари кўриб чиқилган.*

***Таянч иборалар:*** *суғурта, суғурта бозори, миллий суғурта анъаналари ва маданияти, молия бозори, суғурта ташкилотлари, суғурта фаолияти, суғурта хизмати.*

***Аннотация.*** *В статье рассматриваются сущность строхового рынка и особенности его развития в Узбекистане.*

***Ключевые слова:*** *страхование, страховой рынок, национальные страховые традиции и культура, финансовый рынок, страховые организации, страховая деятельность, страховые услуги*

***Annotation****. The article examines the essence of the insurance market and the features of its development in Uzbekistan.*

***Key words:*** *insurance, insurance market, national insurance traditions and culture, financial market, insurance organizations, insurance activities, insurance services.*

Ўзбекистонда суғурта бозорига давлат миқёсида ижтимоий ривожланишнинг асосий омилларидан бири сифатида қаралиб, мавжуд шарт-шароитлар, миллий суғурта анъаналари ва маданиятини ҳисобга олинган холда ислоҳ этилган ва миллий суғурта бозори ташкил топиши ва шаклланиши секин-асталик билан тубдан ўзгариб борган ва бир нечта босқичларни босиб ўтган[31].

Республикамизда молия бозорини янада ривожлантириш, аҳолини сифатли молиявий хизматлар билан таъминлаш кўламини кенгайтириш, суғурта ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ушбу соҳада истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашга, аҳоли ҳаётининг сифати ва даражасини оширишга йўналтирилган молиявий хизматларни фаол ривожлантириш

[31] Умаров С.А. “Становление и развитие рынка страховых услуг в Узбекистане». // Страховое дело, 2007 йил, январь.

республикада суғурта бозорининг ролини кучайтиришни ва суғурта воситаларини кенг қўллашни тақозо этмоқда[32].

Ҳозирги кунда мамлакатимизда тадбиркорликнинг ривожланиши жараёнида турли рискларнинг юз бериши эҳтимоли мавжудлиги, шунингдек, ижтимоий ҳаётнинг ўзида намоён бўлиши мумкин бўлган қарама-қаршиликлар субъектларнинг суғурта фаолиятига, хусусан, рисклар трансферига бўлган муносабатларини ижобий томонга ўзгартирди.

Шу ўринда, ишлаб чиқаришда узлуксизликни таъминлаш имкониятини яратиш мақсадига йўналтирилган, мулкчилик шаклларига кўра, махсус қайта тақсимлаш муносабатлари тизими мавжудлиги иқтисодиёт субъектлари равнақига хизмат қилмоқда. Бу жараёнда уларнинг мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда даромад олишлари каби манфаатлари юзага чиқади. Қуйида суғурта бозорини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларини кўришимиз мумкин:

**Жадвал 1**

**Ўзбекистон Республикасининг 2019-2022 йилларда суғурта бозорини жадал ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари[33]**

| Т/р | Кўрсаткичлар номи | 2018й | 2019 й | 2020 й. | 2021 й. | 2022 й. | Ўсиш (баравар) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | суғурта хизматларининг ЯИМдаги улуши (фоизда) | 0,4 | 0,5 | 0,6 | 0,7 | 0,8 | *2,0* |
| 2. | Аҳоли жон бошига суғурта мукофотининг миқдори (минг сўм) | 50,0 | 65,0 | 88,0 | 114,0 | 148,0 | *3,0* |
| 3. | Жами суғурта мукофотларининг ҳажми (трлн сўм) | 1,6 | 2,1 | 2,9 | 3,8 | 5,2 | *3,3* |
| 4. | Суғурта ташкилотларининг жами устав капитали | 0,5 | 0,8 | 0,9 | 1,0 | 1,2 | *2,4* |
| 5. | Суғурта ташкилотларининг жами активлари (трлн сўм) | 2,5 | 3,0 | 3,6 | 4,3 | 5,2 | *2,1* |
| 6. | Суғурта ташкилотларининг жами инвестициялари (трлн сўм) | 2,0 | 2,5 | 3,3 | 4,1 | 5,3 | *2,7* |
| 7. | Суғурта хизматлари турларининг сони (бирлик) | 105 | 115 | 135 | 155 | 175 | *1,7* |
| 8. | Ҳудудий бўлинмалар сони (бирлик) | 1 450 | 1 500 | 1 580 | 1 660 | 1 740 | *1,2* |

[32] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 август ПҚ-4412-сон “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори

[33] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 август ПҚ-4412-сон “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

Жадвал маълумотларининг кўрсатишича, суғурта хизматларининг ЯИМдаги улуши йилдан йилга ошиб бормоқда. Шунингдек суғурта ташкилотларининг жами активларини ҳам 2022 йилга қадар 2,1 баробарга ошириш режалаштирлган. Бу жараён иқтисодиётда пул айланиши жадаллашишига катта ҳисса қўшади. Шу билан бир қаторда суғурта ташкилотларининг жами инвестициялари деярли 3 баробарга, ҳудудий бўлинмалар сонини эса 1740 тага етказиш кераклигини кузатишимиз мумкин. Суғурта ташкилотларига инвестиция киритиш ёки уларнинг сонини ошириш орқали суғурта ташкилотлари ўртасидаги рақобатнинг табиий равишда ошишини кузатиш мумкин. Рақобат кучайди дегани эса бевосита суғурта хизматлари сифати олдингига нисбатан бирмунча сифат жиҳатдан яхшиланиши ҳамда Ўзбекистонда суғурта сохасида бирқанча ютуқларга эришиш мумкинлигини англатади.

**Фойдаланилган адабиёт**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 август ПҚ-4412-сон "Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.
2 Умаров С.А. Становление и развитие рынка страховых услуг в Узбекистане. // Страховое дело, 2007 йил, январь.


## ВНЕДРЕНИЕ НОВОЙ ТЕХНОЛОГИИ БИРЖЕВОЙ ТОРГОВЛИ ЦЕННЫМИ БУМАГАМИ В УЗБЕКИСТАНЕ


**З.А.Файзиев- к.э.н., доцент кафедры «Корпоративное управление» ТИТЛП**



***Аннотация.*** *В статье рассматриваются вопросы, связанные с внедрением новой технологии торговли ценными бумагами на фондовой бирже «Тошкент».*



***Ключевые слова:*** *фондовая биржа, ценные бумаги, биржевые торги, торговая система, единый программно-технический комплекс.*



***Abstract.*** *The article deals with the issues related to the introduction of a new technology of securities trading on the Toshkent Stock Exchange.*



***Keywords.*** *stock exchange, securities, exchange trading, trading system, unified software and hardware complex.*



***Изох.*** *Мақолада "Тошкент" Фонд биржасида қимматли қоғозлар савдосининг янги технологиясини жорий етиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган.*



***Калит сузлар:*** *фонд биржаси, қимматли қоғозлар, биржавий савдо, савдо тизими, ягона дастурий ва техникавий мажмуаси.*


До последнего времени Республиканская фондовая биржа «Тошкент имела в своем составе только торговый и клиринговый модули и поэтому не являлась биржей «полного цикла». Биржи «полного цикла», как правило, обладают помимо торгового модуля, клиринговым, депозитарным,

брокерским и расчетным модулями, обеспечивающими возможность осуществления и исполнения многосторонних сделок в течение торговой сессии по принципу «купил-перепродал».

Введенный в действие 29 августа 2016 года в соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан от 19.03.2012 г. № ПП-1727 «О мерах по дальнейшему развитию фондового рынка» Единый программно-технический комплекс (ЕПТК) позволил осуществить глубокую модернизацию фондового рынка Республики Узбекистан.

Этот Комплекс состоит из следующих сегментов (модулей), обслуживающих все секторы фондового рынка, включающий:

- брокерскую систему с брокерским и депозитарным модулем инвестиционного посредника;
- депозитарную систему для Центрального депозитария ценных бумаг;
- торговую систему, обслуживающую фондовую биржу и электронную систему внебиржевых торгов;
- клиринговую систему, осуществляющую взаиморасчеты и обязательства по сделкам участников торгов;
- расчетную систему, осуществляющую денежные расчеты и переводы денежных средств в национальной и иностранной валюте участников сделки и их клиентов. Эта система функционирует на базе самого крупного банка страны - Национального банка внешнеэкономической деятельности.

Таким образом, торговая система ЕПТК, предназначенная для РФБ «Тошкент», ряд модулей (по терминологии ЕПТК - рынки) и сегментов (см. рис.1).




Рис.1. Структура торговой системы
Республиканской фондовой биржи «Тошкент» (ЕПТК)

Внедрение системы ЕПТК позволило:

- создать современную систему электронной торговли в ЕПТК, включающую депозитарный, брокерский, торговый, клиринговый модули, а также расчетный модуль на базе Национального банка ВЭД;

- внедрить систему интернет-трейдинга и перейти к чисто электронной торговле путем использования веб и мобильного приложения официального сайта «fondbozori.uz»;

- выставлять заявки на покупку и продажу брокерами в системе интернет-трейдинга со своих терминалов, расположенных в офисах брокерских фирм, упраздняющих необходимость использования центрального торгового зала РФБ «Тошкент»;

- совершать сделки самими клиентами, при использовании системы прямого доступа с помощью Интернет-трейдинга на основе веб и мобильного приложения официального сайта «fondbozori.uz» в брокерском модуле ЕПТК;

- создать систему исполнения сделок с переходом на международные стандарты расчетов с кодом Т+2;

- перейти на современные системы клиринга и расчетов, в первую очередь на систему неттинга, позволяющего проведение многосторонних сделок в течение торговой сессии»;

- перейти на современную процедуру совершения сделок репо в торговой системе с гарантированным исполнением закрытия сделки репо с обеспечением обратного выкупа ценных бумаг;

- внедрить современные методы котирования ценных бумаг на основе применения технологии «залповых аукционов» и «непрерывных двойных аукционов».

Таким образом, система ЕПТК обеспечила качественный переход организованного фондового рынка Республики Узбекистан к новым технологиям по международным стандартам, оптимально объединив и увязав при этом функционирование торговой, депозитарной, брокерской, клиринговой и расчетной систем фондовой биржи и организатора внебиржевых торгов.

**Список использованной литературы:**

1. Правила торгов ценными бумагами на РФБ «Тошкент» (утвержденные 29.08.16г., с изменениями от 10 марта 2021г.)

# ЦИФРОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ - В ПОЛИГРАФИЧЕСКУЮ ОТРАСЛЬ

**Файзиев З.А.,к.э.н., доцент кафедры**
**«Корпоративное управление» ТИТЛП**

***Аннотация.*** *В статье рассматриваются вопросы, связанные с внедрением современных цифровых технологий в полиграфическую отрасль Узбекистана.*

***Ключевые слова:*** *цифровые технологии, полиграфия, информационные технологии, Интернет.*

***Abstract.*** *The article deals with the issues related to the introduction of modern digital technologies in the printing industry of Uzbekistan.*

***Keywords***. *digital technologies, printing, information technologies, Internet.*

***Изох.*** *Мақолада Ўзбекистон полиграфия саноатида замонавий рақамли технологияларни жорий етиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган.*

***Калит сузлар:*** *рақамли технологиялар, полиграфия, ахборот технологиялари,интернет.*

В Узбекистане проводится последовательная работа по внедрению цифровых технологий во все сферы нашей жизни. За последние годы в республике была проделана серьёзная работа в сфере широкого внедрения информационно-коммуникационных технологий: осуществлены прокладка оптико-волоконных коммуникаций, модернизация телекоммуникационного оборудования, перевод государственных услуг в электронный формат, создана непрерывная система образования, в том числе по подготовке профильных специалистов. Проложено более 25,6 тыс. км оптико-волоконных линий связи. Более 67 процентов (22,5 млн. пользователей) населения страны имеют доступ во Всемирную информационную сеть Интернет, при этом, число пользователей мобильной связи третьего и четвертого поколений превысило более 16 млн. абонентов [1].

Современные тенденции в полиграфии характеризуется, с одной стороны, ростом общего объема производства, уменьшением тиражности, быстрой сменяемостью заказов и, с другой стороны, возрастающими ценами на энергоносители, сырье, материалы, бумагу. Эффективность работы крупных полиграфических предприятий, зависит, прежде всего, от таких показателей его работы, как:

1) максимально быстрая доставка материалов для печати

2) быстрое и качественное выполнение услуг по допечатной подготовке, печати и послепечатной обработке полиграфической продукции.

Полноценная реализация этих показателей возможна при широком использовании возможностей современных информационно-цифровых технологий.

На полиграфические предприятия пришли цифровые технологии, причем это не только цифровая печать, но и практически все процессы допечатного, печатного и послепечатного производства.

Для широкого внедрения современных цифровых технологий в экономику, и, в том числе, в полиграфическую отрасль Узбекистана со стороны государства проводится масштабная работа.

В своём Послании парламенту Президент Шавкат Мирзиёев отметил, что развитие цифровой экономики является одним из главных приоритетов на ближайшие годы [3]. С этой целью была разработана масштабная программа (Концепция Национальной стратегии) «Цифровой Узбекистан — 2030», предусматривающая кардинальную цифровую трансформацию республики в течение ближайших десяти лет. Не случайно 2020 год в Узбекистане был объявлен *Годом развития науки, просвещения и цифровой экономики*. В этой связи была принята специальная Государственная программа [4].

В республике проводится широкомасштабная и системная работа по совершенствованию системы поддержки издательской и полиграфической сферы, развитию рынка печатной продукции. Важным руководством к действию в повышении эффективности работы в полиграфической отрасли Узбекистана явился целый ряд документов, подписанных Президентом Республики Узбекистан. Это Указ Президента Республики Узбекистан «О дальнейшем совершенствовании управления в сфере печати и информации» от 11.08.2017 г. № УП-5148[2], Указ Президента Республики Узбекистан от 2 февраля 2019 года № УП-5653 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию информационной сферы и массовых коммуникаций» [5], Постановление Президента Республики Узбекистан от 2 февраля 2019 г. № ПП-4151 «Об организации деятельности Агентства информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан» [6]. В соответствии с данным Постановлением **разработана «Дорожная карта»** развития издательско-полиграфической деятельности. Важное значение для дальнейшего развития полиграфической отрасли имеет принятие Постановление Президента Республики Узбекистан от 16.03.2020 г. № ПП-4640 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию издательской и

полиграфической сферы» [7], где определено, что с 1 октября 2020 года **отменяется** государственное регулирование цен (установления предельного уровня рентабельности) при издании (переиздании) учебников и учебно-методических комплексов для образовательных учреждений; **с 1 июля 2020 года отменяется порядок лицензирования издательской деятельности,** а также порядка выдачи разрешений на осуществление полиграфической деятельности. Внедряется система уведомления о начале издательской и полиграфической деятельности с отменой порядка выдачи разрешений на лицензирование издательской деятельности, а также порядка выдачи разрешений на осуществление полиграфической деятельности посредством автоматизированной информационной системы (цифровых технологий).

Важное значение для дальнейшего развития цифровой экономики в республики, в том числе ее полиграфической отрасли, имеет принятие **Постановления Президента Республики Узбекистан «О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства» от 28.04.2020гн. № ПП-4699** [8], **где предусмотрено** ускоренное формирование цифровой экономики, предусмотрев увеличение ее доли в валовом внутреннем продукте страны к 2023 году в 2 раза, в том числе путем обеспечения наиболее полной модернизации цифровой инфраструктуры страны и доступности современных телекоммуникационных услуг в регионах, предусмотрев подключение в 2020-2021 годах всех учреждений социальной сферы к высокоскоростной сети Интернет и повышение качества услуг связи.

Внедрение информационных технологий в технологической цепочке выпуска печатной продукции на основе концентрации технологических процессов позволило не только ускорить сроки, но и повысить качество выпускаемой продукции, сократить время на подготовительные работы и упростить их выполнение, полнее использовать возможности имеющейся техники.

**Список использованной литературы**

[1]. Концепция Национальной стратегии «Цифровой Узбекистан – 2030». https://regulation.gov.uz/uz/document/10574.

[2]. «О дальнейшем совершенствовании управления в сфере печати и информации». Указ Президента Республики Узбекистан от 11.08.2017 г. № УП-5148. Газета «Народное слово» от 12 августа 2017 года № 159 (6823).

[3]. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису от 25.01.2020г. Газета «Народное слово» от 25.01.2020г.

[4]. «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–

2021 годах в «Год развития науки, просвещения и цифровой экономики». Указ Президента Республики Узбекистан от 02.03.2020г. № УП-5953.
[5]. «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию информационной сферы и массовых коммуникаций». Указ Президента Республики Узбекистан от 2 марта 2020 года № УП-5653.
[6]. «Об организации деятельности Агентства информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан». Постановление Президента Республики Узбекистан от 2 февраля 2019 г. № ПП-4151.
[7]. «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию издательской и полиграфической сферы». Постановление Президента Республики Узбекистан от 16.03.2020 г. № ПП-4640. (Национальная база данных законодательства, 17.03.2020 г., № 07/20/4640/0325).
[8]. «О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства» Постановление Президента Республики Узбекистан от 28.04.2020гн. № ПП-4699. (**https://lex.uz/docs/4800661**).

## ҚЎҚОН ХОНЛИГИ СОЛИҚ ТИЗИМИДА МАНСАБДОРЛАР ТАРИХИДАН

**Хатамова Зумрадхон Назиржоновна, стажёр тадқиқотчи.**
**Фарғона политехника институти**

***Аннотация:*** *Мақолада Марказий Осиё давлатчилик тарихида муҳим аҳамият касб этган давлат Қўқон хонлиги ва унда солиқ тизими, мансабдорлари хақида сўз кетиб маълумотлар ЎзМДА да сақланаётган қўлёзма хужжатларога асосланган.*

***Калтит сўзлар:*** *Қўқон хонлиги, солиқ, бек, саркор, амлокдор, оқсоқол, мирза, мирохўр, хазиначи, мирзабоши, юзбоши, ёвар, муфтий, амин, қозикалон, тўқсоба, иноқ-саркорбоши, маҳрам.*

***Аннотация:*** *Статья посвящена Кокандскому ханству, сыгравшему важную роль в истории центральноазиатской государственности, и налоговой системе, ее должностные лица основаны на рукописях, хранящихся в Национальной архиве Узбекистана.*

***Ключевые слова:*** *Кокандское ханство, налог, бек, саркор, амлокдор, аксакал, мирза, мирахор, хазиначи, мирзабоши, юзбоши, йовар, муфтий, амин, газикалон, токсоба, инок-саркорбоши, махрам.*

***Resume:*** *The article is devoted to the Kokand Khanate, which played an important role in the history of Central Asian statehood, and the tax system, its officials are based on manuscripts stored in the National Archives of Uzbekistan.*

***Key words:*** *Kokand Khanate, tax, bek, sarkor, amlokdor, aksakal, mirza, mirahor, khazinachi, mirzaboshi, yuzboshi, yovar, mufti, amin, gazikalon, toxoba, monk-sarkorboshi, mahram.*

Ҳар бир давлатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминловчи омил бу солиқлар ҳисобланиб, Қўқон хонлиги солиқ тизими тартиб қоидалари хукмдорларнинг хазинасига бўйсундирилганлиги учун ҳам маъмурий бошқарувда солиқ соҳаси алоҳида аҳамият касб этган. Қўқон хонлиги солиқ тизими назорат қилиниши, солиқларни турларга қараб ўз вақтида йиғиб олиш, халқни назорат қилиш каби ишларга катта куч ва маъсулият талаб этилган бўлиб, бу соҳада маъмурий бошқарув, фаолият олиб борувчи амалдор ва масъул шахслар ваколатлари вужудга келди.

Солиқ тизимини шакллантиришга бош бўлган хукмдор ҳар бир вилоят хокими - *бек*ларни ўзининг солиқ йиғишдаги ишонган вакили деб атаган бўлсада солиқ йиғишга масъул бўлган *саркор*лар баъзан бекдан ҳам устун ваколатларга эга бўлган.

ЎзРМДА даги хужжатлар ўрганилганда Қўқон хонлиги марказий бошқарувида солиқ тизимини маъмурий назорат қилинишининг тартиб қоидаларига кўра вилоят хокими-*бек* ва *саркор*лардан ташқари *амлокдор, оқсоқол, мирза, мирохўр, хазиначи, мирзабоши, юзбоши, ёвар, муфтий, амин, қозикалон, тўқсоба, иноқ-саркорбоши, маҳрам, эшик оғаси* каби амалдорлар ҳам малакат солиқ тизими ишларида ва солиқ йиғиш вақтида фаол қатнашганликларига гувоҳ бўламиз.

Қўқон хонлиги солиқ тизимида маъмурий бошқарувнинг қоидасига кўра солиқ мансабдори *саркор*лар бўлган, улар ҳар бир вилоятда иш юритишган. *Саркор*лар ва уларнинг фаолиятини Р.Набиев “Из истории Кокандского ханства” китобида ёритиб берган. [1. 1. 114.] Кейинчалик Ш.Махмудов илмий тадқиқотида хонликнинг маъмурий бошқарувида *саркор*нинг вазифаларига тўхталиб ўтган. [2.1. 16.]*Саркор амлокдор*лар ва солиқ йиғувчи *мирзо*лар фаолиятини назорат қилиш билан бир қаторда, солиқ йиғиш жараёнида ўзи ҳам фаол иштирок этган.

Қўқон хонлигида вилоят хокимларига *хирож* ва *танобона* солиқларни олиш хуқуқи ҳам берилган. Ў.Султоновнинг тадқиқотида Тошкент хокимини солиқ ва йиғимларни амалга оширишда масъул бўлган ёрдамчилари *закотчи, девонбеги, саркор* ёки *мирзабоши* бўлганлиги қайд этилган. Ҳоким зиммасидаги асосий вазифа Тошкент ҳамда қозоқ ва қирғизлар сарҳадларидаги осойишталикни сақлаш, йиллик солиқ ва йиғимларни ўз вақтида хонга етказиб бериш эди. [3.1.31.]

*Амлокдор* араб ва тожик сўзлар қўшилишидан келиб чиққан бўлиб ер эгаси маъносини беради, Бухоро амирлигида ер солиғини йиғувчи амалдор бўлган. Қўқон хонлигида ҳам шу анъана сақланиб қолган бўлиб *амлокдор*лар солиқ йиғишда фаол қатнашганлиги аниқланди. Масалан, Хайробод *амлокдор*и, Хасанбек *амлокдор*ни 1873-1874 йилларга оид хужжат *эслатма патта*да учратамиз. [4.1.]

Худоёрхон номига ариза амин, оқсоқол ва Маман қишлоғи фуқаросидан, *хирож* солиғини *амлокдор* ва Эшмухаммад мирзолар йиғиш учун келган, илтимос, солиқни кимга тўлашимизни аниқлаштириб беринг, мазмунида.

*Саркор*ларга солиқ йиғишда асосий ёрдамчи сифатида *оқсоқол*лар қатнашган бўлсада, улар кўпинча ахолининг манфаатларидан келиб чиқиб фаолият олиб борганликлари аниқланди. Масалан, Худоёрхон номига *амин*, *оқсоқол* ва Маман қишлоғи фуқаросидан ариза ёзилган, шу хақидаким, хирож солиғини йиғиш учун *амлокдор* ва Эшмухаммад мирзолар келишди. Солиқни кимга тўлашимизни аниқлаштириб беришингизни илтимос қиламиз. [4.2.] *Саркор*ларга солиқ йиғишда ёрдамчи сифатида қатнашган шахс сифатида *оқсоқол*лар Р.Набиев ва Ҳ.Бобобеков тадқиқотларида ҳам учрайди. [5.1.39-40.]

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. (Феодальное хозяйство Худояр - хана). – С. 114.
2. Махмудов Ш. Қўқон хонлигининг маъмурий бошқарув тизими. – Б. 16.
3. Султонов Ў. Муҳаммад Солиҳхожанинг "Тарихи жадидайи Тошканд" асари муҳим тарихий манба сифатида (XIX аср), тарих фан.номз. дис. – Тошкент. 2007. – Б. 31.
4. ЎзМА, И-1043-фон-иш 1-рўйхат, 729-иш, 1-варок;[1] ЎзМА, И-1043-фон-иш 1-рўйхат, 713-иш, 1-в;
5. Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи. –Б. 39-40;


## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ


**П.З. Хошимов- проф. в. б., А.У. Бахтиёров - талаба.**
**ЎзМУ**



***Аннатация.*** *Мақолада интеллектуал салоҳиятнинг иқтисодиётаги роли, унинг қай даражада долзарблиги ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили эканлиги масалалари кўриб чиқилган.*

***Таянч иборалар:*** *интеллект, интеллектуал мулк, шахснинг интеллектуал қобилияти, иқтисодий интеллектуал салоҳият, глобаллашув, интеллектуал меҳнат.*

***Аннатация.*** *В статье рассматриваются роль интеллектуального потенциала в экономике, в какой степени оно актуально и вопросы связанные с интеллектуальным потенциалом как важного фактора развития экономики.*

***Ключевые слова:*** *интеллект, интеллектуальная собственность, интеллектуальные способности личности, глобализация, интеллектуальный труд.*

***Annotation.*** *In the article,there are issues indicated such as a role of intellectual potential in economics, how crucial it is and it is an important factor in economic development.*

*Key words: intellect, intellectual property, person's intellectual ability, economical intellectual potential, globalisation, intellectual labour.*

Маълумки, интеллектуал салоҳият мамлакат, тармоқ ва алоҳидабир шахснинг салоҳияти жиҳатидан гуруҳларга ажратилади. Аҳолининг яшаш муҳити (шароити), таълим тизими, фан ва маъданият тармоқларининг жамланмавий кўриниши интеллектуал салохиятнинг жамият миқиёсидаги тавсифидир. Шахс сифатида қарайдиган бўлсак, инсоннинг билим даражаси, онги, англай била олиш қобилияти ва тушунчаларининг қай даражада эканлиги унинг интеллектуал салоҳиятини белгилайди.

Биз иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида турли хил илмий ва амалий ишларни амалга ошириб борамиз ва шулар орқали иқтисодиётимизнинг маълум даражада яхшиланишини ва ўсишини кузатамиз. Ваҳоланки, иқтисодиётнинг ривожланишида иқтисодий интелектуал салоҳият мухим ахамият касб этади.

Иқтисодий интеллектуал салоҳият бу – кенг кўламга эга бўлган иқтисодий билим ва методлар жамланмаси, уларни қоллай билиш қобилияти ва барча иқтисодиётга доир техникавий база, корхона, ташкилотларнинг интеллектуал салоҳияти тушунчасидир.

Республикамиз Президенти Ш.М. Мирзиёев такидлаганларидек, "Бугунги кунда мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, уни инновацион асосда ривожлантириш, ўз олдимизга қўйган кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш мақсадида биз замонавий ва креатив фикрлайдиган, хар қандай вазиятда ҳам маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ғайрат-шижоатли, интеллектуал салоҳияти юксак, ватанпарвар ёш кадрларга давлат ва жамият бошқарувида мухим вазифаларни ишониб топширмоқдамиз".[34]

Иқтидорли инсонлар креатив қобилиятлари орқали турли хил интеллектуал мулкларни яратадилар. Бунинг натижаси ўларок бугунги глобаллашув даврида ақлий фаолиятнинг кенгайиб бориши мобайнида жуда кўплаб янгидан-янги технологиялар ҳамда, бу технологиялар орқали ҳаётимизнинг янада қулайлашиб бораётганини кўришимиз мўмкин. Бу эса ўз навбатида иқтисодиётга таъсир ўтказмай қолмайди.

Интеллектуал салоҳияти кучли кадрларга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бораётган бир пайтда, нафақат илмий соҳада, балкий жамиятнинг бошқа соҳаларида хам бундай кадрларнинг етишмовилиги кўзатилмоқда. Бу

---

[34]. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Т.: "Ўзбекистон", 2017.

муаммоларнинг асосий сабаблари сифатида биз куйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- Баъзи жамият аъзоларининг эхтиёжларини қондиришга, яъни пулга бўлган талаби туфайли ўзларининг қизиқишларидан йироқ сохаларда ишлаши ва бунинг оқибатида ишга бўлган лоқайтсизлик натижасида салоҳиятнинг пасайиб кетиши.
- Оила аъзолари ёки бошқаларнинг этиборсизлиги натижасида етишиб келаётган авлоднинг ўз интеллектуал салоҳияти ва қизиқишларини юзага чиқишига бўлган тўсиқлар, яъни уларни керакли соҳага йўналтирилмаслик ва қамраб олинмаслик.

Бундан ташқари, ҳозирги давр талабига жавоб берадиган интеллектуал қарашларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш, интеллектуал меҳнат ҳажмини ошириш, аҳоли салоҳиятини техникавий ва интеллектуал билимларга қаратиш ҳамда иқтисодиётни инновацион ғоялар орқали янгилаб бориш бугунги куннинг асосий талаби бўлиб қолмоқда. Мавзу юзасидан олиб борилган тадқиқотларна тижалари асосида куйидаги таклифларни келтирамиз:

- Интелектуал салоҳиятни ошириш мақсадида иқтисодиёт тармоқлари доирасида аниқланган муаммоларни ҳал қилиш йўллари бўйича тақдим этилган инновацион ғояларни тақдирлаш.
- Кенг фикрлиликни таъминлаш.
- Шахсий ғоянинг муҳофазасини таъминлашга доир хуқуқий асосларни шакллантириш орқали ғоянинг хақиқий муаллифини сақлаб қолиш.
- Талабаларнинг минтақавий билимлари кўламини ошириш мақсадида ўқишларини чет элда давом эттиришлари учун очилган квоталар хажмини кўпайтириш, халқаро ва махаллий грантларнинг аҳамиятини кучайтириш.

**Адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикасининг “ Таълим тўғрисида”ги Қонуни. -Т.: “Ўзбекистон”, 2020.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатьият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. -Т.: “Ўзбекистон”, 2018.
4. Аглямова Г.Р. Интеллектуальный потенциал молодого города: структура, содержание, социальные функции. // Общество и экономика, 1999, № 5-6.
5. Макашева Н.П., Нестерова О.А. Оценка интеллектуального потенциала на рынке труда Томской области. // Вестник Томского государственного университета, 2011, № 2.
6. Нестеров Л.В., Аширова Г.Т. Национальное богатство и человеческий капитал. // Вопросы экономики, 2003, № 2.

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**П.З. Хошимов- проф.в.б., С.Б. Хакимов а, талаба.**
**ЎзМУ**

***Аннотация.*** *Мақолада Жаҳон сайёҳлик ташкилоти томонидан белгиланган туристик фаолиятлар, мамлакатимизда туризм индустриясини жадал ривожлантириш бўйича масалалар (Тошкент вилояти мисолида) кўриб чиқилган .*

***Таянч иборалар:*** *туризм, илмий туризм, рекрацион туризм, экскурсия туризми, ишбилармонлик туризми, этник туризм, спорт туризми, таълим туризми, диний туризм, "Олтин ҳалқа".*

***Аннотация.*** *В статье рассматриваются туристическая деятельность, определённая Всемирной туристской организацией, вопросы ускорения развития туристической отрасли (на примере Ташкентской области).*

***Ключевые слова:*** *туризм, научный туризм, рекреационный туризм, экскурсионный туризм, деловой туризм, этнический туризм, спортивный туризм, познавательный туризм, религиозный туризм, «Золотое кольцо».*

***Annotation.*** *The article considers the tourist activities identified by the World Tourism Organization, the issues of accelerated development of the tourism industry in our country (on the example of Tashkent region).*

***Key words:*** *tourism, scientific tourism, recreational tourism, excursion tourism, business tourism, ethnic tourism, sports tourism, educational tourism, religious tourism, "Golden Ring".*

Туризм - бу кўп тармоқли тизим бўлиб, у сайёҳларга кўрсатиладиган барча хизматларни ўз ичига олади .

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти томонидан қабул қилинган таснифлар асосида туристик фаолиятни қуйидаги турларга ажратиш мумкин :

1. Рекреацион туризм (дам олиш ва даволаниш учун туризм).
2. Экскурция туризми - саёҳат ва саёҳатлар когнитив мақсадлари.
3. Илмий туризм - ҳар хил илмий тадбирларда қатнашиш учун қилинадиган саёҳатлар (учрашувлар, конгресслар, симпозиумлар).
4. Ишбилармонлик туризми - бизнес ҳамжамияти вакилларининг саёҳати.
5. Этник туризм - қариндошлари ёки ота-оналарининг туғилган жойларига ташриф буюриш.
6. Саргузаштлар сайёҳлиги - сайёҳлар ғайриоддий жойда қоладилар (жой, жозибали фаолият билан шуғулланиш).
7. Спорт туризми - спорт турларининг асосий истеъмолчилари (турли хил ҳаваскор спорт клублари ва уюшмалари).
8. Таълим туризми - тилларни ўргатиш, ўқитиш билан боғлиқ экскурциялар ва бошқалар.
9. Диний туризм:

- ҳаж (ибодат учун муқаддас жойларни зиёрат қилиш ;
- ўқув экуменик саёҳатлар (диний ёдгорликлар, динлар тарихи ва маданияти билан танишиш);
- илмий саёҳатлар (илоҳиётчилар, тарихчиларнинг саёҳатлари, дин масалалари билан шуғулланиш ва бошқалар);

10. Кўнгил очар туризми.

Туризм айрим мамлакатларда иқтисодиётнинг энг сердаромад тармоқларидан бири сифатида ривожланмоқда, хусусан, бизнинг мамлакатимизда ҳам у устувор ривожланаётган соҳалардан биридир.

Бугунги кунда кўпгина инсонлар саёҳат қилишни, бошқа давлатларнинг маданияти билан танишишни, дунё мўъжизалари, гўзал табиат манзараларидан баҳраманд бўлишни хохлайдилар. Ўзбекистон гўзал, осмони мусаффо, бетакрор қадимий диёр, шу сабабли мамлакатимизга ташриф буюрувчи туристлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Мамлакатимизда туризм индустриясини жадал ривожлантириш стратегияси қисқа муддатда мазкур соҳа учун энг қулай шарт-шароит яратиш, унда хусусий секторнинг устувор иштирокини таъминлаш, унинг рақобатдошлигини ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини ошириш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва даромадлар базасини кенгайтириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорига фаол олиб чиқишга қаратилган. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 август ПҚ-3217-сон «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши давлатимиз томонидан туризм соҳасида амалга оширилаётган сиёсатнинг мантиқий давоми бўлиб, туризм соҳасининг жадал ривожлантирилиши учун қулай ҳуқуқий, иқтисодий ва маъмурий муҳит яратиб берди.

Хусусан, Тошкент вилоятида ҳам туризм соҳасини ривожлантириш, туристик инфратузилмани янада яхшилаш мақсадида кенг кўламли ишлаб олиб борилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги «2019-2021 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасининг жадал ривожлантирилиши тўғрисида»ги Қарори билан мазкур вилоятнинг туризм салоҳияти «Олтин ҳалқа» концепцияси асосида ривожлантирилиши мақсад қилиб қўйилган. Вилоятнинг Бўстонлиқ, Оҳангарон, Паркент, Бўка, Чиноз, Зангиота туманлари ва Ангрен шаҳрини ўз ичига олган «Олтин ҳалқа» концепцияси сайёҳлар оқимини кўпайтириш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда маҳаллий аҳоли даромадларини ошириш каби қатор вазифаларни назарда тутади.

Маълумки, бугунги кунда Тошкент вилоятида 182 та дам олиш масканлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 24 таси санаториялар, 2 таси болалар санаториялари, 52 таси профилактика санаториялари, 83 таси дам олиш уйлари, 4 таси панционатлар, 17 таси оромгоҳлардир.

Ҳар куни вилоятга ташриф буюраётган сайёҳларни жойлаштириш учун 68та меҳмонхона ҳамда 500дан ортиқ хусусий меҳмонлар уйлари мавжуд.

Вилоятда 500дан ортиқ маданият объектлари ва 100дан ортиқ тарихий меъморий обидалар сақланиб қолган.[35]

Тошкент вилоятида туризм инфратузилмасини ташкил этишдан мақсад, ҳудуднинг туризм салоҳиятини ошириш, туристлар оқимини янада кўпайтириш, туристларни ҳудуднинг ноёб туристик имкониятлари ва маданий объектлари билан кенг таништириш, сайёҳларга қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳудудда замонавий туризм инфратузилмасининг изчил ривожланишини таъминлаш, замонавий талабларга мувофиқ кўрсатиладиган туризм, меҳмонхона ва транспорт хизматлари турларини кенгайтириш, хизматлар сифатини яхшилаш ҳамда мазкур соҳада фаолият юритиш истагида бўлган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, ички туризмни янада ривожлантириш, янги иш ўринлари яратишдан иборат.

**Адабиёт**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 август ПҚ-3217-сон «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги «2019-2021 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасининг жадал ривожлантирилиши тўғрисида»ги Қарори.
3. Мирзаев М. А., Алиева М. Т. Туризм асослари. Ўқув қўлланма. - Т.: Ўзбекистон файлафуслар жамияти, 2011.
4. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. Статистик тўплам. – Тошкент. 2020.
5.http://www.toshvilstat.uz


## MAKTABDA MUMTOZ ADABIYOT NAMUNALARINI O‘RGANISH MASALALARI


**Berdimuratova Dilorom Asrorovna,**
**Sirdaryo viloyati Boyovut tumani**
**13-maktabning ona tili va adabiyot o‘qituvchisi**



***Annotatsiya:*** *Maqolada umumta’lim maktablarining 8-sinfida mumtoz adabiyotni o‘qitishning ayrim masalalari yoritilgan. Mumtoz adabiyotdagi she’riy san’atlar, aruz vazni, mumtoz qofiya san’ati haqida ma’lumotlar berilib, mazkur san’atlarning o‘quvchilar ma’rifiy va ma’naviy kamolotiga hissasi tahlil etilgan.*

***Аннотация:*** *В статье рассматриваются некоторые вопросы преподавания классической литературы в 8-м классе общеобразовательной школы. Дается информация о поэтических искусствах в классической литературе, искусстве классической рифмы, а также анализируется вклад этих искусств в просвещении и духовное развитие учащихся.*


[35] http://www.toshvilstat.uz

***Annotation**: The article deals with some issues of teaching classical literature in the 8th grade of secondary schools. In this article some information about the poetic arts in classical literature, the art of classical rhyme are provided, and the contribution of these arts to the enlightenment and spiritual development of students is analyzed.*

***Kalit so‘zlar**: mumtoz adabiyot, bo‘g‘in, g‘azal, tuyuq.*

***Ключевые слова:** классической литература, слог, газель, туюк.*

***Keywords**: classical literature, syllable, ghazal, tuyuk.*

Maktablarimizda adabiyotning so‘z san’ati sifatida puxta o‘rganish darslar davomida, shuningdek, darsdan va sinfdan tashqari mashg‘ulotlar jarayonlarida badiiy mahorat masalalarini kengroq va chuqurroq tahlil qilishni taqozo etadi. Ko‘p asrlik tarixga va manbaga ega mumtoz adabiyotimizning bezavol xazinasini yaratgan atoqli shoir va nosirlarimizning yaratgan durdonalari sehrini kashf etish uchun ularning barchalariga zamin bo‘lib xizmat qilgan badiiyat asoslari bo‘lgan she’riy san’atlar, aruz vazni, mumtoz qofiya san’atini bilish, asarlarni badiiy tahlil qilish talab qilinadi. Milliy ta’lim tizimimizni jahon ta’lim standartlari darajasiga ko‘tarishni istar ekanmiz, o‘z tilimiz va adabiyotimizni bilishimiz, lug‘at boyligimizni oshirish va nutq madaniyatimizni rivojlantirishimiz darkor.

Respublikamizda yosh avlodga ta’lim-tarbiya berish, kasbga o‘rgatish, aqliy va ma’naviy kamol topishlarini tashkil etishda jiddiy o‘zgarishlar sodir bo‘lmoqda. Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev: “Agar mendan sizni nima qiynaydi, deb so‘rasangiz, farzandlarimizning ta’lim va tarbiyasi, deb javob beraman”,- deya kuyunib gapirganlar. Shunday ekan, yoshlar tarbiyasi xususida ham mumtoz adabiyotimiz namunalarini o‘rganish katta dasturilamal bo‘la oladi.

Ma’lumki, maktabda 20 dan ortiq fan o‘qitiladi. Bu o‘quv fanlari oldida asosiy maqsad sifatida o‘quvchilarda ezgu ma’naviy sifatlarni shakllantirish turmog‘i lozim. Adabiyot darslarida badiiy so‘z yordamida o‘quvchini so‘zdan ta’sirlanish, uni tuyish va undan bahra olishga o‘rgatish orqali inson shaxsiyatida go‘zal sifatlar, ijobiy fazilatlarni tarbiyalash mumkin.

Alisher Navoiyning “Sarvi gulruxsoridin” tajnisli tuyug‘ini keltirish mumkin. Buning, ya’ni aruzni tushuntirishda dastlab tuyuqlardan misol qilib olish o‘quvchini aruz ilmini o‘ziga singdirib olishida qiyinchilik tug‘dirmaydi, deb o‘ylaymiz. Sababi, tuyuq vazni o‘zgarmasligi va tilimizga hamohang jihatidan aruzdagi boshqa janrlar (g‘azal, ruboiy, qit’a, masnaviy)lardan osonroqdir.

O‘t-ka-li ul | sar-vi gul-rux|so-ri-din,
- V - -| - V - -| - V -
Yo‘q xa-bar ul | sar-vi gul rux|so-ri-din.
- V - -| - V - -| - V –

O‘quvchilar aruz vazniga oid hijo va rukn tushunchalarini qiyosan o‘rganishi orqali xotiralarida chuqurroq eslab qolish imkoniyatiga ega bo‘lishadi. Aruz vaznini o‘rgatishda aruz tarixi, undagi terminlarning lug‘aviy izohi haqida ham bilishlari maqsadga muvofiq. Zotan, lug‘aviy ma’nolar orqali o‘quvchilar bilimlarni xotirada saqlab qolishlari ancha oson hisoblanadi. O‘quvchilarning 3 xil

hijoni ajrata olishlari va vaznni tahlil qilishlarida mashq qildirish muhim bosqich. Chunki ba'zida tilimiz tabiatidan kelib chiqqan va tarixiy taraqqiyot davomida bir necha marta yozuv o'zgarishlariga uchragan yozuv tizimimiz sabab qayta-qayta transliteratsiyaga qilingan mumtoz manbalarimiz namunalari o'zgarishlarga uchraganligi tufayli hamda arab alifbosida yozilgan mumtoz asarlarda cho'ziq hijo uchun o'zak harf bilan, qisqa hijo uchun harakat orqali ifoda etilgan unlilar asos qilinganligini o'quvchilarga tushuntirish ham lozim. Bunda aruz vaznini o'rganishlari uchun darslikda nazariy ma'lumot uchun ajratilgan 1 soatlik dars yetmasligini hisobga olsak, qo'shimcha to'garak mashg'ulotlari tashkil etish yo'li bilan muammoni hal etish mumkin bo'ladi. Bundan tashqari, dars davomida ketma ket berilgan Lutfiy, Navoiyning tuyuqlari va g'azallari, Nodira g'azallarini ham vazn jihatidan tahlil qildirish, uyga topshiriq sifatida berish yo'li ham asosiy yechim bo'lishi mumkin, deb hisoblaymiz. Fuzuliy g'azallari orqali IV chorakda yana bir marta takrorlash orqali mavzuni mustahkamlab baytlarni yana vazniy tahlil qilish maqsadga muvofiqdir.

Shi-fo-yi vas|l qad-rin haj|r i-la be-mo|r o'-lan-dan so'r,
V - - - | V - - - | V - - - | V - - -
Zu-lo-li zav|q shav-qin tash|na-yi diy-do|r o'-lan-dan so'r.
V - - - | V - - - |V - - - | V - - -

Hazaji musammani solim bahrida yozilgan bayt ekanligini o'quvchilar o'zlari topishlari lozim.

Bundan tashqari, badiiy tahlil jarayoni misralarda qo'llanilgan badiiy san'atlar turini aniqlash bilan yanada mukammal ko'rinishni oladi. Ushbu darslikda "Tuyuq va tajnis san'ati" hamda talmeh, irsoli masal, tazod san'atlariga oid nazariy ma'lumotlarni o'rganish uchun 2 soat vaqt ajratilgan (Darslar qisqarishi munosabati bilan bu 1 soatga tushishi ham mumkin!). O'quvchilarga bu badiiy san'at turlarini tushuntirishda qo'shimcha ma'lumotlarga tayanib ish ko'rish maqsadga muvofiq. O'qituvchi tarix, matnshunoslik, tilshunoslik, madaniyatshunoslik kabi fanlar bo'yicha integratsiyalangan darsni tashkil etishi lozim. Sababi, badiiy san'atlarni aniqlashda, shoir aytayotgan ma'noni ilg'ashda bu fanlardan xabardor bo'lishlik muhim hisoblanadi.

Tajnis san'atini tushuntirish yangi darslikda muvofiq holatda tuyuqlar bilan birga berilgan. Tajnisga misol topishda o'quvchilar darrov tuyuqlarga murojaat qilishadi. Maktab o'quvchilarinig yosh xususiyatlari va qabul qila olish qobiliyatlarini hisobga olgan holda ularga bu san'at turini qofiya bilan birga unga zid qo'ygan holda tushuntirib berish ham yaxshi natija beradi. Bunda "Venn diagrammasi" metodidan foydalanish yaxshi samara beradi. Qofiya va tajnis orasidagi shakily jihatdan o'xshashlik va ular orasidagi farq mazmuniga ko'ra o'qituvchi tomonidan izohlanishi shart.

Talmeh san'atini tushuntirishda esa bu atamaning lug'aviy va istilohiy ma'nolarini izohlash o'quvchida tarixiy mavzuda yozilgan she'riy asarlar bilan adashtirishlarining oldini oladi.

Umuman olganda, 8- sinf "Adabiyot" darsligida 4 nafar mumtoz adabiyot namoyondalarining g'azal va tuyuqlari vazn jihatidan tahlil qilingan. O'quvchilarda mumtoz asarlarga hurmat ruhini tarbiyalay olish, vazn tahlili

jihatidan yetarli tasavvur, bilim va ko‘nikmalarning hosil bo‘lishiga erishish va buni yengillik bilan ularga yetkazish soha o‘qituvchilarining muhim vazifasidir.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati**


1. Mahmudov N. O‘zimiz va so‘zimiz. T.1997, G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti. 58-bet.
2. Vohidov E. “So‘z latofati” T., “O‘zbekiston” NMIU, 2014.
3. Adabiyot darsligi 8- sinf. S. Olim, S. Ahmedova, R. Qo‘chqorov. T. –2010. G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot matbaa ijodiy uyi. “O‘zbekiston nashriyoti”. 108-bet.


## БУЮК ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИНИ ЎРГАНИШ


**Халилов Орзиқул Қодирович- кат. ўқитувчи.**
**Жиззах политехника институти**



*Аннотация. Ушбу мақолада Марказий Осиё олимларининг табиий фанлар соҳасида олиб борган илмий меросларидан фойдаланишда Ўрта Осиёда қадимдан физика, астрономия, математика, тиббиёт, кимё, тўқимачилик ва меъморчилик сохасида олиб борган илмий ишларидан ўқув жараёнида кенг фойдаланиш.*



***Калит сўзлар:*** *Ўрта аср олимлари, табиий фанлар, физика, гелиоцентрик, акциденциялик (нисбийлик), астрономия, математика, ўқув жараёнига тадбиқ қилиш.*



***Аннотация:*** *В этой статье использованы научные наследия центрально азиатских ученых в области естественных наук при преподавании физики широко используется в Центральной Азии с древних времен в области физики, астрономии, математики, медицины, химии, текстиля и архитектуры.*



***Ключевые слова:*** *Средневековые ученые, физика, астрономия, математика, внедрение в учебный процесс.*



***Annotation:*** *This article illustrates  the use of scientific legacies of Central Asian scientists in the natural sciences in teaching physics is widely used in Central Asia since ancient times in the field of physics, astronomy, mathematics, medicine, chemistry, textile and architecture.*



***Key words:*** *Medieval scientists, physics, astronomy, mathematics, implementation in the learning process.*


Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган йиғилишда ҳамда Олий Мажлисга Мурожаатномасида “ – Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренесанс - пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, ибн синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак”, деган

сўзларига мос ҳолда 2021-йил Ёшларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш йили деб белгиланди. [1].

“Ренесанс французча сўз бўлиб “қайта туғилиш” “уйғониш” деган маънони англатади. Мазмуни кенг: илм-фанда, маданиятда санъатда таълим тарбияда қайта жонланиш халқнинг илм ва тараққиёти бобида юксалиш демакдир. IX-XII-асрларда биринчи Ренесанс XIV-XV асрларда иккинчи Ренесанс даврларида Марказий Осиёда илм-фан, маданият, адабиёт санъатда юксак чўққиларга эришилган. Учинчи Ренесанс пойдеворини қуриш учун мамлакатимизда фанларга ихтисослашган Президент мактаблари, Ўрта мактабларда иқтисослашган синфлар, ташкил этилмоқда. Тошкент шаҳрида Ислом цивилизатция маркази барпо этилмоқда. Учинчи Ренесанс пойдеворини кўришда Президентимизнинг қуйидаги сўзларини келтирамиз. [1].

“-Ҳеч шубҳасиз, ўз кучимиз ва имкониятларимизга бўлган ишонч бизни Учинчи ренесанс пойдеворини яратишдек эзгу мақсад йўлида бирлаштириб, янада кучли ва мустаҳкам қилмоқда. Бу интилишлар улкан амалий ишларга айланиб, буюк халқ ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда. Бундай қудратли сафда бўлишнинг ўзи катта бахт, катта шарафдир. [1].

Марказий Осиёда қадимдан физика, астрономия, математика, тиббиёт, кимё, тўқимачилик, меъморчилик, маъданшунослик, кулолчилик, фалсафа, мусиқа, тилшунослик, адабиётшунослик кенг ривожланган. Айниқса, аниқ ва фундаментал фанлар соҳасида ижод этиб биз учун ўлмас илм соҳиблари бўлган Муҳаммад Ибн Мусо ал-Хоразмий (780-850), Абу Наср ал-Форобий (873-950), Абу-Райҳон Беруний (973-1050), Абу Бакр Ар Розий (865-925), Аҳмад Фарғоний, (790-865) Абу-Али Ҳусайн Ибн Сино (980-1037), Умар Хайём (1048-1123), Мирзо Улуғбек (1394-1449) каби буюк алломаларни айтиб ўтиш жоиздир. [3].

Муҳаммад Ибн Аҳмад Абу Райҳон Берунийнинг физика фани соҳасида олиб борган илмий ишлари оламшумул аҳамиятга эгадир. У биринчи глобус ясаган ва 150 дан ортиқ китоб ва рисолалар ёзган. Берунийнинг асарларида, оғир ва енгил жисмларнинг ерга тортилиши ҳақидаги ғояларини «бутун олам тортишиш қонуни» яратилишидан беш аср олдин илмий жиҳатдан асослаб берганлиги тарихий манбалардан маълум. Берунийнинг гелиоцентрик система тўғрисидаги фикрлари фан тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилди. У олам марказида Ернинг туриши ва ҳаракатсизлиги, бошқа осмон жисмлари Ер атрофида айланиши тўғрисидаги фикрнинг нотўғрилигини илмий жиҳатдан исботлаб, Ер марказ эмаслиги, унинг Қуёш атрофида айланиши фикрларни асослаб берди. Н.Коперник, Ж.Бруно, Г.Галилей ва бошқаларнинг кашфиётлари Беруний фикрини тасдиқлайди. [4].

Абу Али Ибн Сино — қомусий олим, мутафаккир, файласуф, асарларининг сони 280 дан зиёд. Улардан 40 дан кўпроғи тиббиётга оид, 30 га яқин рисола турли табиий фанларга, 3 рисола мусиқага, 185 рисола фалсафа, мантиқ, аҳлоқ, илоҳиёт, ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланган. Лекин бизгача фақат 160 га яқин асари етиб келган холос. Ар-Розий, Беруний ва Абу Али Ибн Сино юнон олимларининг атом ҳақидаги қарашларини ўрганиб ва янада ривожлантириб, атомнинг бўлиниши мумкинлигини, бўлинган бўлакчалар

орасида бўшлиқ ва ўзаро таъсир кучлари ҳамда бу заррачаларнинг ҳаракатлари мавжудлигини аниқлаб берди. Форобий ва Ибн Сино иссиқлик ҳодисалари ҳақидаги илмий фаразларида қизиган жисмлар ҳажмларининг кенгайиши натижасида зичликлари камайиб, ўзининг табиий ўрнига, яъни юқорига интилади, совуган вақтда эса, ҳажми кичрайиб, зичлик ортиши ҳисобига пастга интилади, яъни ўзининг табиий ўрнига интилади деб қарайдилар. Беруний сувнинг совуқликдан музлаши натижасида унинг ҳажми тораймасдан, аксинча, кенгайишини кузатади. «Агар кўза ички томонга қараб синганида эди, у ҳолда айтилганлар тўғри бўлур эди. Лекин ҳақиқатнинг бунга қарама-қарши келиши равшандир. Мен идиш ташқарига қараб синишини кузатганман.. Беруний сув музлаган вактда ҳажмнинг кенгайиши сабабли зичлиги камайиши ва бинобарин ўз ҳажмига баробар сувнинг оғирлигига нисбатан енгиллашганлиги сабабли музнинг сув юзида бўлишини илмий асосда изоҳлайди. Беруний сувнинг 5 хил ҳолатдаги зичлигини тажриба асосида ўлчайди: булоқ суви-1, қайноқ сув- 0,959, эриб турган сув- 0,965, денгиз суви -1,14. Берунийнинг бу ажойиб илмий текширишлари, ундан 600 йил кейин машҳур итальян олими Г.Галилейнинг тажрибаларида қайтадан исбот- ланган. Беруний ва Ибн Сино Ернинг турли иқлимларида об-ҳавонинг турлича бўлиши сабабларини Ер шаклининг думалоқлиги, яъни шарсимон бўлганлиги сабабли қуёш нури тик ёки ётиқ қияланиб тушганлигида, деб изоҳлайдилар. Ибн Сино ўзининг «Физика» китобида ердан кўтарилган сув буғлари совуқлик туфайли булутларга айланади, тоғ тепаларида ҳароратнинг пастлиги натижасида янада қуюқлашиб (зичлашиб) қор, ёмғир ва дўлга айланади, бу эса ҳароратнинг юқори ва пастлик даражасига боғлиқдир, деган хулосага келди. Ибн Сино дўлнинг кўпроқ баҳор ва куз фаслларида бўлишини эслатиб ўтади. [2].

Шарқ алломаларининг буюк вакилларидан яна бири, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Мусо ал-Хоразмийдир. У математика, астрономия, география соҳасида асарлар яратган. «Ал-жабр» (алгебра) фани ва «алгоритм» тушунчасига асос солган. Унинг «Хисоб ал-ҳинд» ва «Астрономик жадваллар» асарлари XII асрдаёқ лотин тилига таржима қилиниб, Европада кенг тарқалган ўнли саноқ системаси ва алгоритм тушунчасининг ёйилишига олиб келган. [4].

Абдул Аббос Аҳмад Ибн Муҳаммад Ибн Кашр ал-Фарғоний ҳам астрономия, география, математика фанлари билан шуғулланган. 160 дан зиёд асарлар ёзган.

Фарғоний Қуёш тутилишини олдиндан ҳисоблаб чиққан. Ернинг шарсимон эканлигини илмий исботлаган, меридиан узунлигини ҳисоблаган, Нил дарёсининг оқимини ўлчаш учун асбоб ясаган ва унга доир рисолалар ёзган. Унинг «Юлдузлар илми ва самовий ҳаракатлар ҳақида тўплам» номли қомусий асари кўплаб тилларга таржима қилинган.

Муҳаммад Тарағай Улуғбек ўзидан катта илмий ва маданий мерос қолдирган. Шулардан бири «Зижи жадвали Кўрагоний»дир. Мазкур китоб «Кириш» ва тўрт қисмдан иборат бўлиб, Қуёш ва Ой тутилишини олдиндан аниқлашнинг икки хил усули, шунингдек, юлдузлар каталоги бўлимида эса 1018 та юлдузнинг юлдуз туркумлари бўйича жойлашган ўринлари аниқланган. [2].

Буюк бобокалонларимизнинг илм-фанни ривожлантиришга қўшган бебаҳо ҳиссаларини талаба ва ёшларга етказиш уларнинг қалбида буюк аждодларимизга бўлган меҳр-муҳаббатини оширади, аждодларга муносиб ворис бўлишга ундайди, юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутади.

**Адабиёт:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мапжлисга Мурожаатномаси. 23.12.2020 й.
2. Тошпўлат Усмонов "Физика тарихидан методик қўлланма". Тошкент-2003
3. "Буюк сиймолар, алломалар" Халқ мероси нашриёти – Тошкент – 1996 йил.
4. Хайрулла Инатов "Физика ўқитишнинг назарий масалалари" Тошкент-2010


## BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA NUTQ KO'NIKMASINI SHAKLLANTIRISH MASALALARI


**D.SH. Shirinqulovna[1], SH.A.Rajabova[2]**

**[1]Toshkent viloyati O'rta Chirchiq tumani 2-maktab o'qituvchisi, Navoiy shaxar 8-maktab boshlang'ich sinf o'qituvchisi**



***Annotatsiya**: Maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilarida nutq ko'nikmasini shakllantirish borasida fikr yuritilgan. O'quvchilar iste'dodlarini aniqlash, matn yozish ko'nikmasini yoshligidanoq o'quvchilarga sindirib borish, ularning yozma va o'g'zaki nutqini o'stirish uchun tavsiyalar berilgan.*

***Аннотация**: Статья посвящена развитию речевых навыков у младших школьников. Даются рекомендации для выявления талантов учащихся, для нарушения навыков письма с раннего возраста и для развития их письменных и устных навыков.*

***Annotation**: The article focuses on developing speech skills in primary school students. Recommendations are given to identify students' talents, to break students' writing skills from an early age, and to develop their written and oral skills.*



***Kalit so'zlar:** Og'zaki nutq, yozma nutq, matn, ijodiy ish, nutq o'stirish*

***Ключевые слова**: Устная речь, письменная речь, текст, творческая работа, речевой развитие.*

***Keywords**: Oral speech, written speech, text, creative work, speech improvement.*


Nutq – muntazam shakllanib boradigan murakkab jarayon. Uning shakllanishda tashqi muhitning, inson dunyoqarashining o'rni katta.

Keyingi yillarda ta'lim sohasida ham nutqning og'zaki hamda yozma shakllarini o'quvchilarda shakllantirishga jiddiy e'tibor berilmoqda. Zero qanday yoshda, qanday kasbda bo'lmaylik, qaysi sohada ishlamaylik, xoh yozma, xoh og'zaki nutqimizdagi faollik bizga juda zarur bo'lmoqda. Chunki kishilar bilan muloqotda bo'lar ekanmiz, so'zlaymiz, tinglaymiz, anglaymiz.

Bularning hammasi faqat va faqat nutq orqali yuzaga chiqadi. Taniqli o‘zbek notig‘i R.Jumaniyozov aytganlaridek, “barcha sohalarning, tadbirkorlik va muvaffaqiyatlarning garovi, taraqqiyotning, ta’lim-tarbiyaning alifbosi, bu notiqlikdir”. [1]

O‘quvchilarning yozma va og‘zaki nutqini o‘stirish ta’lim tizimining asosiy masalalaridan biri hisoblansa-da, butun mas’uliyat boshlang‘ich sinf o‘qituvchilari bilan til va adabiyot o‘qituvchilari zimmasiga tushadi. Shuning uchun bolalar bog‘chalaridan boshlab nutq o‘stirishga alohida e’tibor qaratiladi.

Nutq o‘stirishning muhim vositalaridan biri badiiy adabiyot namunalaridir. Boshlang‘ich sinflardan she’r yodlash, rasmga qarab hikoya tuzish, tez aytish, ifodali o‘qish, rollarga bo‘lib bo‘lib o‘qish, asar mazmunini qayta hikoyalash, lug‘at ustida ishlash, bayon yozish, matn yuzasidan reja tuzishga o‘rgatish orqali nutq o‘stirish ustida ishlanadi. O‘quvchilar nutqi 2 xil yo‘l bilan o‘stiriladi: *Og‘zaki nutq va yozma nutq.*

Har ikki turda ham o‘quvchilarning o‘z fikrlarini aniq, ishonarli, mantiqiy izchillikda adabiy til normalariga muvofiq ifodalashga erishish adabiy ta’lim markazida turadi.

Lekin nutqning har ikkala turi ham qator o‘ziga xosliklarga ega. Og‘zaki nutq bir vaqtning o‘zida aytiladi va eshitiladi. Tinglovchilarning yosh xususiyatlari, bilim darajalari, hayotiy tajribasi hisobga olinadi. Nutq leksikasi, tuzilishi o‘quvchi tinglovchilarning uni qabul qilishi va tushunishiga muvofiqlashtiriladi. Nutq so‘zlovchi o‘z fikrini o‘quvchilarga to‘liq yetkazish uchun mimika va qo‘l harakatlaridan foydalanadi. Nutq jarayonida so‘zlovchining hayajoni yoki osoyishtaligi aniq-ravshan sezilib turadi.

O‘quvchilarning og‘zaki nutqini o‘stirishda ularning o‘z fikrlarini aniq, to‘g‘ri va ifodali tarzda bayon qilishga imkon beradigan so‘zlarni topish, mantiqiy izchillikka va hozirjavoblikka o‘rgatish ko‘zda tutiladi. Bunga erishish uchun reja tuzish muhimdir.

Ma’lum bir reja asosida matndan olingan turg‘un iboralar, hikmatli so‘z va maqollardan namunalar keltirib so‘zlangan nutq ta’sirchan bo‘ladi.

Badiiy asarlarni ifodali o‘qish, rollarga bo‘lib o‘qish, tahlil jarayonida berilgan savollarga javob topish, asar qahramonlarini tavsiflash o‘quvchilarning og‘zaki nutq boyligini o‘stirishga samarali ta’sir ko‘rsatadi. Shunday qilib, quyi sinflarda asar mazmunini hikoyalash, qahramonlarga tavsifnoma berishdan muayyan umumiy xulosalar chiqarishga o‘tiladi.

Har qanday ta’lim jarayonida o‘qituvchining vazifasi o‘quvchilarning og‘zaki yoki yozma nutqini oshirishiga qaratiladi. Yozma nutqni

rivojlantirishda ijodiy ishlarga bo‘lgan inshoning o‘rni o‘ziga xoslik kasb etadi.

DTSda belgilangan ona tili fanining maqsad va vazifalari zamirida ham ona shunday ijodkorlikni shakllantirish g‘oyalari yotadi.

Ona tili ta’limga qo‘yiladiagan talablarga DTSda ko‘zda tutilgan maqsad va vazifalarda ham, asosan:

- o‘quvchilarning o‘g‘zaki va yozma nutqlarini o‘stirishni ta’minlash;
- o‘quvchlarning ijodiy fikrlashga o‘rgatish
- muammoli vaziyatlarda o‘quvchilar nutqini shakllantirish kabi masalalar belgilangan.

Zero, muhtaram yurtboshimiz Shavkat Miromonovich: “Yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma’naviy salohiyatga ega bo‘lib, dunyo miqiyosida o‘z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo‘sh kelmaydigan insonlar bo‘lib kamol topishi, baxtli bo‘lishi ularni davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch imkoniyatlarini safarbar etamiz”, - deydilar.

Xulosa o‘rnida aytish joizki, o‘quvchilar yozma nutqini o‘stirishda matn yozishning ahamiyati juda katta. Shu boiz matn(ijodiy ish) yozishga bo‘lgan iste’dodlarini yoshligidanoq o‘quvchilarga sindirib borish, ularning yozma nutqlarining o‘stirishga katta ahamiyat berish kerak.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati**


1. Jumaniyozov R., Salimova S. G‘oyaviy tarbiyada notiqlik san’ati. – T.: “O‘zbekiston”, 2002
2. Rustamov A. So‘z xususida so‘z. – T.: “Yozuvchi”, 1987.


# INGLIZ VA O’ZBEK TILLARIDAGI YENGIL SANOAT SOHASIGA OID ATAMALARNING STRUKTUR-MORFOLOGIK XUSUSIYATLARI TADQIQI


**Baxriniso Karimova Islombek qizi - 2-kurs magistranti.**
**Andijon davlat universiteti**



***Annotatsiya.****Mazkur maqolada yengil sanoat sohasiga oid atamalar ustida tadqiqotlar, ularning chet tillarida o’qitish jarayoni va ularni taqqoslash usuli, ularni o’rganish zarurligi haqida so’z boradi.*



***Kalitso’zlar:****Atama, Hunarmand, Hunarmandchilik, Kosib, To’quvchi, Yigiruvchi, Tolalar, Jun, Ip, Simmetrik, Assimetrik, Yumshoq qoplama, Paxta, Sanoat*



***Аннотация.*** *В этой статье описывается исследования терминов в легкой промышленности, процесс их обучения иностранным языкам и способы их сравнения, необходимость их изучения.*

***Ключевые слова:*** *Ремесленник, Ремесленничество, Ткачиха, Пряха, Волокно, Тканое изделие, Пряжа, Ассиметрический Симетрический Обивочная, Вата, Производство*

Zamon shiddat bilan o’zgarmoqda har bir sohada katta o’zgarishlar-u yangi-yangi islohatlar ulkan o’zgarishlar davri desak hech mubolag’a qilmagan bo’lamiz. Mustaqil Respublikamizda hozirgi kunda tarjimonlik sohasiga, ayniqsa katta e’tibor berilayotgani ham fikrimizning yorqin misoli bo’la oladi. Jahon tilshunosligida ham terminologik maydonda lingvistikaga oid boʻlgan barcha terminlarning lisoniy kognitiv va milliy madaniy jihatdan birlashuvi namoyon boʻlmoqda. Texnika va ilm fanning jadal yuksalishi yangidan yangi tadqiqotlarning ixtiro qilinishi jahon tilshunosligida maxsus terminologik ma'no kasb etadigan tilning oʻziga xos birligi terminning chuqur oʻrganilishiga sharoit yaratib berdi, desak mubolagʻa qilmagan boʻlamiz. Shu o’rinda termin nima degan savolga quyidagi fikrlarni bildirishimiz mumkin.

1. Termin, hech bo’lmaganda, bir soha doirasida faqat bitta ma’noni anglatishi, aniq, qisqa, tushunarli, tizimli va asoslangan bo’lishi kerak.

2. Termin – u yoki bu so’z yoki so’z birikmasining ilm-fan tilida kasb etadigan funksiyasidir. Shuning uchun terminni noterminga qarama-qarshi qo’yish yo’li bilan ularni ta’riflashga harakat qilish besamar usul hisoblanadi.

3. So’z va so’z birikmasi narsa-hodisaning umumiy va xususiy nomi bo’lsa, termin tushunchaning nomidir.

4. Termin yasashda ona tili imkoniyatlaridan foydalanish eng muqobil va to’g’ri yo’l sanaladi. Aks holda, har qanday terminotizim umumadabiy til me’yorlaridan uzoqlashadi va pirovard natijada nafaqat oddiy o’quvchiga, shuningdek, mutaxassislarga ham tushunarsiz bo’lib qoladi, tilning tozaligi tamoyiliga jiddiy putur yetkazadi.

5. Bizda umumiy terminologiyaga qaraganda, sohaviy terminologiya ko’proq o’rganilgan. Shuning uchun terminologiyaga doir nazariy bilimlarimiz sayoz. Ingliz va o’zbek tillaridagi yengil sanoat sohasi atamalarining struktur-morfologik xususiyatlariga to’xtaladigan bo’lsak, ularni o’rganish jarayonida turli so’z turkumlariga oid atamalarni va ularni yasalish usullarini ko’rishimiz mumkin.So'z yasalishida bir qancha usullar mavjud bo’lib, ushbu usullarning eng muhimi morfologik bo'lib, unda yangi so'zlar morfemalar tomonidan yasaladi. Morfologik strukturaning asosiy birligi bu morfema - eng kichik tarkibiy birlik hioblanadi. Fonemalardan tashqari tilning har qanday birligi singari morfema ham shakl va tarkibning birligidir. So'zni shakllantirishning morfologik usuli bir nechta kichik turlarga bo'linadi. To'qimachilik terminologiyasi misolida biz qo'shimchalar, affikslar, prefikslar, interfikslar, murakkab-suffiksal usullarni misol qilishimiz mumkin.

Har qanday tilda yangi so’z hosil qilish jarayoni qo’shimchalarsiz amalga oshmaydi.Qo'shimchalar ham sodda, ham yasama so’zlarga qo’shilgan holda yangi atamalarni hosil qiladi. Masalan, adras+chi- adraschi so’zida qo’shimcha sodda terminga qo’shilib yangi so’z yasasa, to’qima+chilik- to’qimachilik esa yasalgan

so’zdan yangi ma’nodagisini hosil qilmoqda. So'z yasovchi qo'shimchalar turkum, va ma'noga bo'linadi. Qo'shimchalarning asosiy qismi kategorik bo’lib, ya'ni ular boshqa nutq qismidan nutqning ba'zi turdagi qismlarini shakllantirishga xizmat qiladi.

To'qimachilik atamalarini tahlil qilishda quyidagi ingliz va o’zbek tilidagi yengil sanoat atamalarini hosil qiluvchi bir qancha qo'shimchalarni ko’rishimiz mumkin Ismni hosil qiladigan qo'shimchalar ya’ni ot so’z turkumi doirasidagi terminlar: - **er**: blunger – hunarmand; warper - jangchi; weaver- to'quvchi ; spinner – yigiruvchi; hack-worker- ishchi, kosib (hunarmand); Faoliyat turini ifodalovchi ot so’z turkumiga oid yengil sanoat sohasi terminlari: - **ing:** braiding - to'qish; weaving - to'quv, to'qish; spinning – yigiruv, qayta ishlash; dyeing - bo'yash, rang berish; printing - bosib chiqarish; embroidering - kashtachilik; ment - filament - (to'qimachilik ipi); craftsmanship- hunarmandchilik Masalan, "spinner - yigiruvchi" hunarmandchilikning atamalaridan biri bo’lib, barcha -er qo'shimchalari asosan shaxs yasovchi qo’shimcha hisoblanadi. O’zbek tilida esa –er ning ekvivalenti eng samarali ism qo'shimchalari -chi, -kor, -mand qo'shimchalari hisoblanib, ishlab chiqarish bilan ko'rsatilgan faoliyat turi bilan shug'ullanuvchilarni aytish uchun ishlatiladi. Masalan: Each spinner and weaver knows the profile of needle of her own loom. Har bir yigiruvchi va to'quvchi o'z dastgohining igna konfiguratsiyasini biladi.

Ingliz tili terminologiyasida biz ko’rib chiqqan yasovchilardan, eng samarali so'z yasovchi -ing bo’lib bu ko’p hollardao’zbekcha, -chilik, -uv qo’shimchalariga sinonim bo’la oladi. Masalan: combing - tarash; (sanoatda) Masalan: Braiding (plaiting) developed such industries as spinning and weaving. Trikotaj yigiruv va to'quvchilik kabi sohalarni rivojlantirdi. Tilning ichki imkoniyatlaridan foydalanish bilan bir qatorda atamalar boshqa tillardan olingan so’zlar hisobiga ham boyib boradi. Bu kabi so’zlar ba’zan o’zlashtirilgan tilga uning qonuniyatlaridan kelib chiqib moslashtiriladi ba’zan esa asl holatini saqlab qoladi. Bu kabi so’zlar ayniqsa zamonaviy tilshunoslikda ko’p uchraydi buning sabablaridan biri esa ma’lum sohada hosil bo’lgan yangi atamalarning xalqaro so’z darajasiga ko’tarilishidir. Olingan atamalar - bu tilning so'z boyligini to'ldirishning eng samarali usullaridan biridir. Quyida bir qancha yengil sanoat sohasiga doir atamalarni morfologik bo’linishini ko’rishimiz mumkin. Ot so’z turkumi doirasidagi terminlarning taqqoslanayotgan tilaragi talqini: Upholstery - yumshoq qoplamalar, spinning industry -yigiruv sanoati, spinning-to'qish, fabric- mato, cotton - paxta, yarn - ip, silk - ipak, loom - dastgoh, fibres – tolalar, woolen-jun, artisan-hunarmand, bungler-kosib, inkle-tasma, revolver-aylanuvchi dastgoh, weaver-to’quvchi.

To'qimachilik terminologiyasining asosiy qatlamlaridan yana biri taqqoslangan tillardagi sifatlar va ularni yasashdagi qo`shimcha hisoblanadi. To'qimachilik terminologiyasida ishlatiladigan sifatlarini tahlil qilish shuni ko'rsatadiki, ingliz tilida to'qimachilik lug'atini shakllantirishda eng samarali - qo'shimchalar modellari - ed, - al, - ous hisoblanadi. Masalan: asymmetrical-assimetrik; symmetrical –simmetriya, varnished-laklangan, fractioned fabric-bo’laklangan mato, laminated-laminatlangan, coated-qoplangan, knitted-to’qilgan,

Fe’l so’z turkumiga doir atamalar: to produce-ishlab chiqarmoq, to knit-to’qimoq, to brade- tasma qo’ymoq. Yuqoridagi misollardan shunday xulosaga kelish mumkinki yengil sanoat sohasiga doir yasama atamalar asosan ot va sifat so’z turkumlari doirasida bo’lib, fe’l so’z turkumida esa asosan tub so’zlar mavjuddir. Bundan tashqari ingliz tilida prefis va suffikslar yordamida turli turkumga doir yasama so’zlarni ham ko’plab uchratish mumkin.

**ADABIYOT**


1. Soliyeva Muhayyo, "Структурно – Семантический Анализ Текстильных Терминов В Таджикском И Английском Языках" Dushanbe, 2014.
2. Алиева М.А. Семантико-грамматическое исследование дизайнерских терминов узбекских национальных тканей. Автореферат.2018.
3. Аракин В. Д. Сравнительная типология английского и русского языков. – М.: Высшая школа, 1972.


## АЖРАТИЛГАН БЎЛАКЛАР ТИЛШУНОСЛАР НИГОҲИДА


**Г.М.Ибрагимова, М. Қобилжонова**
**АнДУ**



***Аннотация***: *Мақолада ажратилган бўлакларнинг тилшунос олимлар томонидан ўрганилиши масаласи тахлил қилинади.*



***Калит сўзлар:*** *ажратилган бўлак, ажратилган конструкция, предикативлик элементи, қисқартирилган эргаш гап, равишдош, сифатдош, ажратилган иккинчи даражали бўлаклар.*



***Аннотация***: *В статье проанализировано исследование отделённых частей предложения лингвистами.*



***Ключевые слова***: *отделённая часть, отделённая конструкция, предикативный элемент, сокращённое придаточное предложение, деепричастие, причастие, отделённые второстепенные члены.*



***Annotation***: *The article discusses the detached parts of the sentence researched by linguists.*



***Key words***: *detached part, detached construction, predicative element, shortened clause, participle, detached secondary parts.*


Ажратилган бўлаклар, хусусан, ажратилган изоҳлар ўзига хос маъно функцияларида қўлланувчи, грамматик жиҳатдан маълум восита ва усуллар ёрдамида ажралувчи ўзига хос интонацион тасвирга эга бўлган гап бўлакларини ташкил этади. Ажратилган бўлакларнинг илмий жиҳатдан ишланиши ҳам амалий, ҳам назарий томондан катта аҳамиятга эга.

Амалий жиҳатдан, ажратилган бўлакларни қўллаш катта ва мураккаб маъноларни сиқиқ ва аниқ жумлаларда баён этишга, фикрдаги муҳим жиҳатларни англаб олишга, фикрнинг аниқ, конкрет, тушунарли бўлишига

имкон беради, нутқ маданиятини ўстиради. Ажратилган бўлаклар гапнинг мазмунида ҳам, структурасида ҳам муҳим роль ўйнайди.

М.В.Ломоносов, ўз даврида, “ажратилган” терминини ишлатмаган бўлсада, сўз тартиби билан шуғулланиб, юксак тон ва оҳангдорликни юзага келтириш учун проза ҳамда поэзияда оппозитив ҳолатни кўпроқ ишлатишни талаб қилган эди, у бу ўринда ажратилган аниқловчиларни кўзда тутиб, уларпинг стилистик ролини юқори баҳолаган.

Назарий жиҳатдан эса ажратилган бўлакларнинг ишланиши қўшма гап билан содда гапни, яъни таркибида ажратилган бўлаклари мавжуд бўлган содда гапни чегаралай олишга, ажратилган изоҳларнинг гапдаги вазифасини белгилашга ва улариинг ажратилмаган оддий изоҳловчилардан, уюшнқ бўлаклардан, изоҳланувчи бўлакиинг эса умумлаштирувчи сўзлардан фарқини очишга имкон беради; ёзув ишларимизда ҳам ёзма нутқнинг конкрет, аниқ, тушунарли бўлишини, тиниш белгиларининг ўз ўрнида тўғри ишлатилишини таъминлайди; ниҳоят, ажратилган бўлаклар ҳақидаги маълумотларни маълум даражада кепгайтиради.

Ажратилган бўлаклар тилшунослик фанида, шу жумладан, рус тилшунослигида ҳам турли хил қарашлар, тортишувлар объекти бўлиб келди.

Бир гуруҳ рус тилшунослари: А.Х.Востоков, Ф.И.Буслаев ва Н.И. Гречлар ажратилган конструкцияларни, улардаги предикативлик элементига суяниб, қисқартирилган эргаш гаплар деб баён этдилар.

Аммо улар ажратилган бўлакларни мустақил гап сифатида таърифлашда тил фактларига турлича ёндашдилар. Бир хиллари ажратилган бўлакларнинг вазифаларига алоҳида эътибор берса, иккинчилари сифатдош ва равишдош типидаги ажратилган бўлакларнинг феъллик хусусиятларига, учинчилари эса ажратилган бўлакларнинг интонациясига алоҳида диққат қилдилар.

Ф.И.Буслаев бир фикрни тўлиқ эргаш гап билан ҳам, қисқарган гап билан ҳам бериш мумкин дейди ва бунга қўйидагича мисол келтиради: *Человек, которий принёс пользу отчеству, достоин уважения* (тўлиқ) *Человек, принёсший пользу отчеству, достоин уважения* (қисқарган).

Олим бу икки гапнинг ўзаро фарқи уларнинг грамматик муносабатларида эканлигини айтади ва яна давом этиб: “Тўлиқ эргаш гапнинг кесими сифатдош, сифат ва от орқали қисқаради", - дейди. Лекин бу ўринда ажратилган якка аниқловчилар ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Демак, бу ерда айтилган қисқартирил гап эргаш гаплар ажратилган бўлакларни тўлиқ ўз ичига олмайди, фақат юқоридаги ўринлардагина ажратилган конструкциялар ҳақида фикр юритилади.

Н.И.Греч эса ҳар қандай равишдош ва сифатдошда гап реаллашади, чунки улар феълдир, деб кўрсатади. Демак, у ажратилгап бўлаклар вазифасидаги сифатдош ва равишдошларни, уларниит феъллик характерига қараб, мусстақил гап ҳисоблайди.

А.Х.Востоков ажратилган конструкцияларни, улардаги паузага-фонетик ажралишга суяниб (қисқа, узун тўхталиш, овознинг сезиларли кўтарилиши ва пасайишини асосга олган ҳолда, қисқарган эргаш гап дейди

ҳамда ёзувда бу ташқи ифода тиниш белгилари орқали берилишини қайд қилади.

Бундан ташқари, чет элдаги баъзи бир тилшунослар ҳам ажратилган конструкцияларни қисқартирилган эргаш гап деб келдилар.

Лекин юқоридаги олимларниинг ҳаммаси ҳам ажратилган бўлакларнинг ўзи устида махсус тўхтамаган. Улар ажратилган конструкциялар ҳақида фикр юритганлар. Бу тилшуносларнинг хизматлари шундаки, улар ажратилган конструкцияларни қисқартирилган эргаш гап дейиш билан, ажратилган бўлакларнинг кўпчилиги, яъни уларнинг кенгайган турлари функцияси, интонация ва паузасига кўра, эргаш гапларга ўхшаш синонимик конструкциялар эканлигини тўғри кўрсатиб берганлар.

Иккинчи бир группа олимлар: В.А.Богородицкий, А.А.Потебня, А.А. Шахматов, А.М.Пешковский ва В.В.Виноградовлар бу конструкцияларни гап эмас, гапнинг бир бўлаги, деб оладилар. Лекин улар бу бўлакларни гап бўлаги сифатда таърифлаганда тил фактларига турлича ёндашадилар.

Бу жиҳатдан уларнинг фикрлари ҳам озми-кўпми ўзаро фарқ қилади. В.А.Богородицкий, А.А.Потебня каби тилшунослар ажратилган бўлакларни тарихан текшириб, уларнинг эргаш гапларга алоқаси бўлмаган ўзига хос ҳодиса эканлигини кўрсатадилар. Масалан, В.А.Богородицкий бундай ҳодисалар кишилар ҳали қўшма гаплардан фойдаланишнн бўлмаган даврларда ҳам мавжуд бўлганлигини, улар ўзларининг мустақил тараққиёт тарихига эга эканликларини қайд этади.

А.А.Шахматов ва А.А.Дерибас-Тюкшиналар ажратилган бўлакларни эргаш бўлаклар деб таърифлайдилар. Масалан, А.А.Шахматов равишдошлар воситасида ажратилган бўлакларни “эргаш кесимлар” номи билан таҳлил қилади.

А.М.Пешковский, В.В.Виноградов, А.Г.Руднев, Е.В.Кротевич, А.Н. Гвоздев, И.И.Ревзин ва К.Я.Петровскаялар ҳам ажратилган иккинчи даражали бўлаклар устида ишлаган. Грамматикага “ажратилган иккинчи даражали бўлаклар” терминини А.М.Пешковский киритди.

А.Г.Руднев ва Е.В.Кротевичлар ажратилган бўлаклар устида махсус иш олиб бордилар. Бу соҳада немис, инглиз тилларига оид адабиётларда ҳам анчагнна яхши фикрлар берилган.

Кейинги йилларда рус тилшунослигида Е.И.Франчук, П.М. Меделецларнинг ажратилган бўлаклар ва эргаш гапларнинг синонимик ҳолатларига, уларнинг ўзаро фарқларини аниқлашга бағишланган махсус асарлари эълон қилинди; бу олимлар ажратилган бўлакларнинг эргаш гапларга синонимик конструкция эканлигини рус тили фактлари асосида исбот қилишди.

Шундай қилиб кўпгина тил тадқиқотчиларининг диққатини ўзига жалб этган ажратилган бўлаклар муаммоси рус, немис, инглиз тилшунослигида асосан муваффақиятли равишда ҳал қилингандир. Бироқ ўзбек тилида ажратилган бўлаклар мавзуси яқиндан бошлаб текширилмоқда. Шунга кўра, юқоридаги олимларнинг фикрларидан тўғри фойдаланиш ўзбек

тилшунослигида бу масалани ҳал этишда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Ажратилган бўлакларнинг изоҳ типлари биринчи марта Н.Саид ва А. Йўлдошевлар томонидан “Гапдаги изоҳ мучаллар“ номи билан ўзбек тили грамматикасига киритилди.

Кейинча, Ҳ.Ғозиевнинг 1938-1941 йиллардаги дарсликларида бу синтактик ҳодисалар “Ажратилган иккинчи даражали бўлаклар” термини остида баён этилди.

1955 йилда Ғ.Абдураҳмоновнинг “Ажратилган иккинчи даражали бўлаклар" номли китобчаси чиқди. Бу асар ўзбек тилида ажратилган бўлакларни ва уларнинг хилма-хил кўринишларини илмий асосда кўрсатиб беришга уринишнинг дастлабки натижаси бўлди.

Ғ.Абдураҳманов ўз ишида ажратилган бўлакларнинг эргаш гаплардан фарқини, уларни бир турдан иккинчи турга айлантириш усулларини тўла ёритиб берди, яъни уларнинг айрим ўринларда параллеллигини исботлади.

Ғ.Абдураҳмонов гап бўлакларининг бир неча хил ажралиш усулини кўрсатди. “Кўпинча, гап бўлакларининг ажралиши учун уларнинг ўзларига оид сўзлар билан кенгайиб келишлари зарур бўлади. Бу ҳол гап бўлагига нисбий мустақиллик беради, бошқа гап бўлакларидан ажратилишинн таъминлайди", — деб ёзади тилшунос олим.

Тўғри, ажратилган бўлакларнинг кўпчилиги ўзига оид сўзлар билан кенгайиб келади, лекин бу ҳол шу бўлакнинг грамматик жиҳатдан ажралишига олиб келмайди. И.Н.Прокопович гап бўлакларининг ажралиши учун уларнинг кенгайиб келишлари асос бўла олмаслигини жуда яхши кўрсатиб берган эди.

Ҳ.Ғознев ва Ғ.Абдураҳмоновнинг юқоридаги асарлари умуман ажратилган иккинчи даражали бўлаклар тўғрисида қилган ишлардир.

1955 йилда Ғ.Абдураҳмоновнинг “Ажратилган иккинчи даражали бўлаклар” номли монографияси эълон қилинди. Бу иш ўзбек тилида ажратилган бўлакларни ва уларнинг хилма хил кўринишларини илмий асосда кўрсатиб беришга уринишнинг дастлабки натижаси бўлди. Олим мазкур ишида ажратилган бўлакларнинг эргаш гаплардан фарқини, уларнинг бир турдан иккинчи турга айлантириш усулларини тўла ёритиб берди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:**


1. Нурманов А. Гап ҳақидаги синтактик назариялар. - Т., 1986.
2. Богородицкий В.А. Общий курс русской грамматики. - М., 1935. - С. 200.
3. Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. - М., 1938. - С.170.
4. Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Харьков. 1978. - С.76.

# “БОЙЛИК” ТУШУНЧАСИНИНГ ПОЛИСЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**В.А.Воситов, ф.ф.н., доц., Н.Қорабоева**
**Андижон давлат университети**

***Аннотация**: Мақолада "бойлик" концептининг полисемантик хусусиятлари тахлил қилинади.*

***Калит сўзлар:** бойлик, қашшоқлик, маънавий бойлик, синоним, изоҳли луғат.*

***Аннотация**: В статье анализируются полисемантические особенности концепта "богатство".*

***Ключевые слова**: богатства, нишества, духовное богатство, синоним, тольковый словарь.*

***Annotation**: The article discusses the polysemantic peculiarities of the concept "wealth".*

***Key words**: wealth, powerty, spiritual wealth, synonym, explanatory dictionary.*

Луғатлардаги бойлик сўзининг маъноларини аниқлашда унинг жойлашиш тартибида бир хиллик кузатилмаган. Бойлик тушунчаси ҳам кўп маънолилик касб этиб, луғатларда унга берилган изоҳларда турлилик мавжуд.

Изоҳли луғатларида берилган таърифларни таҳлил қилиш жараёнида бойлик тушунчаси учта луғат маънолари билан ифодаланганлиги маълум бўлди: 1. катта мулк, пул; 2. улуғворлик, улуғворлик; 3. кўп, мўллик. Рус тилида сўзлашувчилар онгида бойлик тушунчаси луғатларда қайд этилмаган етти маъно билан ифодаланади [4, 9]:

1. бойликнинг мақсади - эҳтиёжларни тўлиқ қондириш (моддий қадриятларга эга бўлиш; катта миқдордаги пул мавжудлиги);
2. "маънавий" бойлик (ахлоқий ... қадриятларни эгаллаш; инсонга ... маънавий қадриятларга мўл-кўл эгалик қилиш; ... ёки у "кенг" руҳга эга);
3. бойликни қоралаш (моддий жиҳатдан бой, аммо очкўз, бошқа одамга ёрдам бера олмайдиганлар бор);
4. бойлик ҳокимият билан синонимдир (одамларга нисбатан устунлик (куч));
5. бойлик қашшоқликка қарши (бу қашшоқликнинг қарама-қарши маъноси; камбағал одамлар бор, лекин улар ўзларининг жонларининг бир қисмини баҳам кўришга, охиргиси беришга қодир);
6. бойлик - бу ободонлаштиришдан иборат ҳаёт тарзи (завқланиш, спорт, дам олишни ривожлантириш ва такомиллаштириш имкониятлари; ҳаётни чиройли идрок эта олиш; ... ўз-ўзини яхшилашга интилиш);
7. бойлик - бу ижтимоий ҳодиса (кўп капиталга эга бўлган одамлар учун ижтимоий ҳолат).

Изоҳли луғатларга кўра, бойлик тушунчаси учта луғавий маънодан иборат: 1. бойлик, моддий бойликлар; 2. ҳамма нарсанинг мўллиги; 3. иқтисодий аҳамиятга эга. Психологик жиҳатдан бойлик лексемасининг асл маъноси 8 хусусиятдан иборат:

1. Бойлик - иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг имтиёзи (*people in the west are materialistic and money orientated; .... is the lifestyle of people living in developed areas, where there is load of economic activities*);

2. Бойлик - бу фаровон ҳаёт тарзи (*so that one has enough to live comfortably; wealth is a state of existence marked by (often invisible) privilege; …to live comfortably and enjoy any of life pleasure that is desired*);

3. Бойлик стрессиз мавжудликни англатади (*it has the potential to be free of stress and worry; ...having enough money not to worry about being able to buy anything…*);

4. Бойлик ўзини ўзи таъминлашда ифодаланиши мумкин (*to be content with what you have; wealth for me is not so much about money or 'things' is more about being content with what you have and being grateful for it*);

5. Бойлик ҳолати пул ишлаш қобилиятига боғлиқ (*having the earning power to be able to invest money in order that you can let your money work for you; I find myself more likely to attribute wealth to hard work …*);

6. Бойлик қашшоқликка қарши (*wealth is the polar opposite of poverty in many respects*);

7. Бойлик дўстлар, оилада мавжуд (*it can also mean being enriched by friends, family that loves you; for others it's having many friends and loved ones to share your life with*);

8. Бойлик танлов эркинлигини англатади (*wealth is...the power and the freedom to take chances while knowing that everything will be OK; I guess wealth, then, is the freedom of choice*).

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бойликнинг асосий маъноси - фаровонлик, бахт ёшларнинг замонавий онги учун долзарб деб айта оламиз. Унинг ҳар бир маъноси деярли "камбағаллик" тушунчасига қарама-қарши қўйилмоқда. Вақт ўтиши билан ўрганилаётган тушунчанинг таърифларида истак, хоҳиш ва умиднинг маъноси йўқола бошлаб, бойлик маъносига яқинлаша боради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати**:

1. Карасик В. И. О категориях лингвокультурологии// Языковая личность: проблемы коммуникативной деятельности: Сб. науч. тр. – Волгоград: Перемена, 2002. – С. 3-16.

2. Красных В.В. Этнопсихолингвистика и лингвокультурология. М.: Гнозис, 2002. - 284 с.

3. Кубрякова Е.С., и др. Краткий словарь когнитивных терминов. Москва: МГУ, 1996 – С. 59.

4. Стешина Е.Г. Концепты *богатство* и *бедность* в молодежном языковом сознании русских и англичан. Дисс. … канд. филол. наук. - Саратов, 2008. - 24 с.

# ЯПОН АДАБИЁТИДА ТОКУГАВА ДАВРИ

**Қосимова Гулнорахон Бахтиёржон қизи**
**Шарқ мамлакатлари адабиёти ва қиёсий адабиётшунослик кафедраси таянч докторанти.**
**Тошкент давлат шарқшунослик университети**

***Аннотация:*** *Мақола япон адабиёти тарихидаги энг қизиқарли даврлардан бири бўлмиш Токугава, хусусан, Гэнроку даври ва ундаги адабий жараёнларнинг умумий таҳлилига бағишланган.*

***Калит сўзлар:*** *Токугава даври адабиёти, Гэнроку даври, шаҳар адабтиёти, Ихара Сайкаку, Чикамацу Монзаэмон, Мацуо Башё*

***Аннотация:*** *Статья посвящена одному из самых интересных эпох истории японской литературы периоду Токугавы, в частности периоду Гэнроку и общему анализу его литературных процессов.*

***Ключевые слова:*** *литература эпохи Токугава, эпоха Гэнроку, городская литература, Ихара Сайкаку, Чикамацу Монзаэмон, Мацуо Башё*

***Abstract:*** *The article is devoted to one of the most interesting periods in the history of Japanese literature, Tokugawa period, in particular Genroku period, and a general analysis of its literary processes.*

***Key words****: the literature of Tokugawa period, Genroku period, urban literature, Ihara Saikaku, Chikamatsu Monzaemon, Matsuo Basho*

1603-1868 йилларни ўз ичига олувчи давр япон адабиёти тарихида Токугава даври адабиёти деб номланади. Мамлакат тарихидаги муҳим саналган мазкур даврда Япония ёпиқ эшиклар сиёсатини олиб борди, маданият соҳасидаги фаолият зиёлилардан ҳарбийлар, ҳарбийлардан шаҳарликлар қатламига қараб ёйилди, тижорат босмахоналари ривожланди ва барча катлам вакиллари учун таълим олиш имконияти юзага келди.. Шаҳарларнинг ўсиб бориши уларнинг мамлакат маданий бойлиги мужассамлашган марказларга айланишига асос бўлиб ҳизмат қилди. Мазкур давр асосан шаҳар маданияти ва адабиётининг жадал ривожланиши билан тавсифланади. Адабиёт соҳасида энди фақат зодагонлар эмас, деҳқон, ҳунарманд ва савдогарлардан ташкил топган ўрта қатлам вакиллари ҳам фаол ижод қилдилар [1, 220]. Ушбу янги ёзувчилар авлоди шаҳарликлар учун уларнинг қизиқишлари, ташвишлари билан боғлиқ муаммоларга мурожаат этиб, уларга ахлоқий ва эстетик завқ берувчи асарлар ярата бошладилар. Шаҳар ва унда яшовчи жамият ҳаёти санъатнинг объектига айланди. Маданиятни демократлаштириш жараёни ҳаётга театр, тасвирий ва бадиий санъатнинг янги шаклларини олиб кирди. XVII асрда янги, шаҳар жамиятининг дунёқараши ва қизиқишини акс

эттирган *“кабуки”* ва қўғирчоқ театрлари пайдо бўлди [2, 8]. Санъат инсонни ўраб турган дунёни янгича кўра олиш ва тасвирлашни ўрганди. Воқеликни бадиий англашнинг янги тамойиллари юзага келди.

Токугава даврини асосан тўрт босқичга бўлиб, даврлаштириш мумкин. Хусусан, мазкур давр адабиёти тараққиётидаги илк босқич *Канъэй* даври ҳисобланиб, у XVII асрнинг илк йилларидан то охирги чорагигача давом этган ҳолда 80 йилни қамраб олади. “Адабиёт соҳасидаги билимларнинг тўпланиш” палласи бўлган Канъэй даврида барча адабий жанрларининг келажакда гуллаб-яшнашига илк тайёргарликлар қўрилди. Айнан Канъэй даврида *“каназоши”* деб номланган халқ орасидаги машхур қисса, ҳикоялар жанрининг ривожланиши насрнинг, хайкай жанрининг илк бора Садатоки томонидан ривожлантирилиши эса назмнинг кейинги йилларда жадал ривожланишига замин яратиб берди. Иккинчи босқич бутун давр тараққиётининг энг юқори чўққисига етган нуқтаси бўлиб, у *Гэнроку* даври номи остида юритилади. У XVII асрнинг охирларидан XVIII асрнинг ўрталаригача бўлган 60 йилни қамраб олади. Гэнроку даврининг шукуҳини англаш учун ушбу давр адабиётида айнан ким фаол ижод қилганлигини таъкидлаб ўтишнинг ўзи етарли. *“Укиёзоши”* – япон шаҳарликлар ҳаёти тўғрисидаги новеллалари билан насрнавис Ихара Сайкаку (1642-1693), *“жёрури”* – драмалари билан драматург Чикамацу Монзаэмон (1653-1724) ва ўзининг *“хайкай”* учлик шеърлари билан Мацуо Башё (1644-1694) Гэнроку даври адабиётини бутун япон адабиётидаги энг ажойиб даврларидан бирига айлантирди. Учинчи босқич – *Хорэки* даври бўлиб, у тахминан 50 йил, XVIII асрнинг ўрталаридан XIX асрнинг бошигача давом этган. Мазкур даврда жадал адабиёт ривожининг бироз секинлашганини кузатамиз. Адабиёт яна гуллаб-яшнаши учун у ўз қиёфасини ўзгартириши, янги тенденцияларни чуқур ҳис қилиши керак эди. Айнан мазкур давр “билимларни йиғиш” жараёнининг янги палласи сифатида намоён бўлади. Адиб Уэда Акинари (1767-1809) янги жанр – романни бошлаб берди, насрда панд-насиҳат оҳанги янада баландроқ жаранглади. Шу дамнинг ўзида хайкайнинг янгиланиш жараёнидан ўтди. Тўртинчи босқич – Токугава даврининг охирги, гуллаб-яшнаган босқичи – XIX асрнинг илк йилларидан то 80 – йилларигача давом этган *Бунка -Бунсэй* давридир. Насрий жанрларнинг жўшқин равишда тараққий этиш даври сифатида характерланувчи бу даврда. Кёдэн, Санба, Танэхико, Жиппэншя Икку ва Бакин каби “беш буюк” [3, 298] насрнавислар сермаҳсул ижод қилганлар.

Токугава адабиётининг тараққиёт босқичлари шундай кетма-кетликда даврлашитирилади, яъни “билимлар йиғилишининг” икки

палласи ва адабиётнинг гуллаб-яшнаши, жонланишининг яна икки палласига ажратилади. Бутун Токугава даврида энг ёрқин даврлар сифатида – Гэнроку ва Бунка-Бунсэй йиллари кўрсатилади. Бунка-Бунсэй йиллари янги Мэйжи (1868-1912) даврининг таркибига кирган ҳолда, мамлакат ҳаётидаги янги босқични бошлаб берган бўлса, Токугава ҳокимияти бутун маданияти ва адабиётининг ҳақиқий олтин даври машхур Гэнроку йиллари – XVII асрнинг охирлари ҳисобланади. Токугава маданиятининг энг катта ютуқлари айнан Гэнроку даврига тегишли бўлиб, юқорида таъкидлаганимиздек, мазкур давр адабиёт саҳналарига уч етук арбоб – шоир Мацуо Башё, драматург Чикамацу Монзаэмон, насрда эса Ихара Сайкакуни олиб кирганлиги билан аҳамиятлидир [4, 181].

Гэнроку даврнинг шаҳар адабиёти ўз асарларининг саҳифасига янги қаҳрамонларни олиб кирди. Савдогар, ҳунарманд, ҳизматкор, ерсиз самурай-ронинлар шулар жумласидандир. Оддий одам, шаҳарликнинг тақдири ва ташвишлари, уларнинг савдо-сотиқ ишларидаги ютуқ ва мағлубияти кабилар бадиий асарларнинг тўлақонли сюжетларига айланди. Япон адабиётининг ушбу янги жиҳатлари Ихара Сайкакунинг ижодида ўзининг ёрқин ифодасини топган эди..

Ихара Сайкаку япон насрининг ривожига улкан ҳисса қўшган ижодкордир. Ўзида XVII асрнинг ўзига хос бадиий тасаввурларини мужассамлаштирган севги-муҳаббат, самурайлар ва шаҳарликлар тўғрисидаги қисқа новеллаларнинг устаси бўлмиш Сайкаку ҳақиқатдан ҳам япон насридаги демократик ва реалистик йўналишнинг асосчиси саналади. Оддий шаҳарликлар ҳаётинининг ранг-баранг тасвирларини ҳаққоний ифодаловчи Сайкакунинг асарлари шубҳасиз келажак ёзувчилар авлоди учун намуна бўлиб ҳизмат қилиб келмоқда.

Замондошлари табиатини ва ўз даврининг руҳиятини Сайкаку каби ёрқин ифодалаб бера олган яна бир ижодкор – ўрта асрларнинг истеъдодли драматурги Чикамацу Монзаэмон ҳисобланади. Чикамацу Монзаэмоннинг ижоди япон адабиёти тарихида муҳим аҳамият касб этиб, Но театридан ўзига хос жиҳатлари билан фарқланиб турувчи янги театр – кабукининг юзага келиши ва қўғирчоқ театри – жёруриниг ривожланиши айнан унинг номи билан боғлиқдир. Драматурнинг шаҳар ҳаётини кўрсатиб берувчи *“сэвамоно”* (“кундалик ҳаёт ташвишлари ҳақидаги асарлар”) пьеслари халқ орасида катта шухрат қозонган бўлиб, айнан уларда Чикамацунинг реалист ижодкор сифатидаги истеъдоди, замондошлари характерининг ёрқин ва тўлиқ талқини яққол намоён бўлади.

Агар шаҳар ҳаётининг муайян тасвирлари Сайкакунинг насрий асарлари ва Чикамацу Монзаэмоннинг драмаларида ўз аксини топган

бўлса, унда уларнинг замондоши, ўрта аср адабиётининг яна бошқа бир ижодкори, шоир Мацуо Башё ижодида Токугава даври оддий одамининг ички дунёсини табиат тимсоллари орқали, табиат билан уйғунликда очиб берилади. Токугава даври шеъриятининг энг машҳур жанри бўлмиш “хайкай”нинг тараққиёти айнан Башёнинг ижоди билан боғлиқдир. Шоир ўз шеърларида нозик табиат тасвирларини чуқур фалсафий ғоялар билан уйғунлаштиради. Башё табиат ва инсоният жамияти ҳаётига диққат билан назар солиб ижод қилган ҳолда япон шеъриятини гўзал ҳамда нафис адабиёт намуналари билан бойитди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Токугава даври япон адабиёти тарихида ўзига хос бир давр бўлиб, адабиётининг юқори қатламлардан ўрта қатламларга кириб бориши ва жадал ривожланиши билан ажралиб туради. Шаҳарларнинг ривожланиши, ўрта қатламнинг жамият ҳаётида ошиб бораётган мавқеи натижаси ўлароқ юзага келган “шаҳар адабиёти” ушбу давр маданиятининг ойнаси сифатида намоён бўлди. Токугава даври шаҳар маданиятининг энг гуллаган палласи – Гэнроку яъни “дастлабки шодлик” йилларида Японияда бир-бирини илҳомлантирган ҳолда насрнавис Ихара Сайкаку, шоир Мацуо Башё, драматург Чикамацу Монзаэмон каби буюк шахслар ижод қилди. Уларга бир умумий жиҳат – ижодда янги ҳис-туйғу ва ўй-фикрларни акс эттиришга онгли равишда интилиш хос эди. Ўша даврнинг санъатдаги энг аҳамиятли ютуқлардан бири бадиий ҳис этиш чегараларини кенгайтириш, ҳаётий материални реал, олдиндан бичиб-тўқилмаган таҳлилига интилиш эди десак муболаға бўлмайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:**


1. Sheldon Ch.D. The Rise of the Merchant Class in the Tokugawa Japan (1600-1868) an introductory survey. New York., Russell & Russell, 1958. - 220 p.
2. Кин Д. Японская литература XVII-XIX столетий. М.: Наука, 1978. – 432 стр.
3. Конрад Н.И. «Очерк истории культуры истории средневековой Японии» // М. 1980 г. – 466 с.
4. Григорьева Т.П. Возрождение, остановившееся на полпути (о периоде Гэнроку в Японии). М.: Наука, 1968. – С. 180-190.

**ONA TILI DARSLARINING SAMARADORLIGINI TA'MINLASHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINING AHAMIYATI**

**O.Yusufjonova - talaba,**
**Farg'ona davlat universiteti**

***Аннотация***: *Бугунги глобаллашув жараёнлари ва замонавий инновацион ахборот технологиялари шиддат билан ривожланаётган даврда таълим-тарбияга эътибор кучайиб бормоқда. Ривожланган мамлакатларда амалга оширилаётган индустриал жамиятдан ахборот жамиятига ўтишнинг рўй бериши замонавий шароитда кўпгина мамлакатларнинг ривожланишларига асос бўлмоқда.*

***Калит сўзлар:*** *таълим, она тили, адабиёт, инновация, ахборот технологиялари, таълим самарадорлиги, глобаллашув.*

Mamlakatimizda ta'lim jarayonida yuz berayotgan tub o'zgarishlar har bir ta'lim muassasasida ta'lim sohasini jadallashtirishni talab etadi. Yangilikni joriy etish yo'li esa har doim murakkab va uzoq. Komil ishonch bilan aytish mumkinki, pedagigik texnologiya yaqin yillar ichida ta'limda yangilik kiritishning asosiy manbai bo'lib qoladi.

Ilm-fan, texnika, ishlab chiqarish va texnologiya sohalarining mavjud taraqqiyoti zamonaviy jamiyat qoyofasini belgilab bermoqda. Zamonaviy jamiyatning eng muhim xarakterli jihati uning barcha sohalarida globallashuvning ko'zga tashlanayotganidir. Globallashuv o'z-o'zidan tezkor harakatlanish, zarur axborotlarni zudlik bilan qo'lga kiritish, qayta ishlash va amaliyotga samarali tadbiq qilishni taqozo etadi.

Hozirgi davr o'qituvchi va talaba oldiga katta talablar qo'ymoqda. Bu talablarning eng asosiysi darsning samaradorligi, uning sifatliligiga erishishdir. Hozirgi "Raqamli asr" deb atalmish davrda yurtimiz ta'lim tizimini isloh qilish va takomillashtirish ustivor vazifalardan biridir. Bu esa yuqori malakali mutaxassislar zimmasiga tegishli o'quv fanlari bo'yicha o'quv adabiyotlarini hozirgi davr talabi va ilm-fanning so'nggi yutuqlarini hisobga olgan holda yangilab borish, ta'lim jarayoniga innovatsiya va ta'lim texnologiyalarini joriy etishni taqozo etmoqda.

Ma'lumki "Davlat tili tog'risida" gi Qonun va istiqlol tufayli o'zbek tilining nufuzi tiklandi, uning rivojlanishi uchun keng ufqlar ochildi. Ona tilimiz respublikamizda nafaqat muomala, aloqa vositasi, balki ilmiy, badiy, rasmiy til sifatida ham keng miqyosda qo'llana boshladi. O'zbek tilini o'rganish, o'qish-o'qitish, ilmiy, badiy asarlarni, o'quv adabiyotlarni o'zbek tilida chop etish keng yo'lga qo'yildi.

Ona tili farzandlarimizga nafaqat o'qish-yozishni, balki yuqori nutq madaniyatini, ijodkorlik va suxandonlikni egallash, ilm-fanning turli sohalarini amaliy egallash va turli sohalarda ixtirolar qilish imkoniyatini beruvchi sirli kalitlarga ega bo'lish xuquqini beruvchi ulkan xazinadir. Ona tili ayni vaqtda

milliy ma'naviyat va mafkura, madaniyat va qadriyatlarimizning milliy tafakkurini shakllantiruvchi eng asosiy vosita hamdir.

O'quvchilarni har tomonlama rivojlantirishda lingvistik-informatsion xarakterdagi matnlar, suhbat va hikoyalar ham alohida o'rin tutadi. Bunday matnlar ustida ishlash jarayonida o'quvchilar aniq, dalil va ma'lumotlar asosida xulosa va umumlashmalar hosil qiladilar. Ta'limiy-informatsion xarakterdagi matnlarda bilimlar mantiqiy jihatdan qat'iy tarzda bayon etiladi. Badiiy tarzdagi hikoyalarda esa moddiy borliqdagi narsa, voqea hamda hodisalar, ijtimoiy munosabatlar obrazli tarzda ifodalanadi. Ta'lim jarayonida dars materiallarining o'quvchilar tomonidan ongli tarzda o'zlashtirilishiga erishish muhim ahamiyatga ega. Dars jarayonida ko'chma ma'noli so'zlarning asl ma'nosini anglatish, rasmga qarab fikr bayon qilishga qaratilgan topshiriqlar o'quvchining mustaqil fikrlash, o'z fikrini mantiqiy izchillikda ona tilining so'z boyligidan unumli foydalangan holda bayon qilishga o'rgatish nuqtai nazaridan ham muhim ahamiyatga ega.

Yangi axborot va innovatsiya texnologiyalari ta'lim-tarbiya jarayonida o'quvchilar bilimini oshirish va mustahkamlash uchun yangi metodlar va yondoshuvlardan foydalanishni ko'zda tutadi. Bunda jamiyatni axborotlashtirish jarayonining rivojlanayotgan sharoitda o'quvchilarni mustaqil hayotga tayyorlash, ularning iste'dod, qobiliyat, intilish va qiziqishlarini shakllantirishga qaratilgan masalalar muhim o'rin tutadi.

Ona tili ta'limi jarayonida milliy odob-axloq va nafosat tarbiyasini amalga oshirish zarurligini nazarda tutgan holda, o'quv materiallarini tanlash maqsadga muvofiqdir. Konsentrizm tamoyiliga asoslangan ona tili ta'limi mazmuni ham boshlang'ich ta'lim davlat ta'lim standartlari talablari doirasida belgilandi. Shunga ko'ra konsentrizm tamoyiliga asoslangan ona tili ta'limining mazmuni konsentrizm tamoyiliga tayanilgan holda belgilandi. Bunda mavzular muayyan mantiqiy ketma-ketlik asosida o'quvchilarda dastlabki lingvistik bilimlar va nutq madaniyati elementlarini shakllantirishga e'tibor qaratildi.

Shuningdek, mazkur ta'lim jarayonining maqsadi I-IV sinf o'quvchilarining kommunikativ bilim va ko'nikmalarini rivojlantirishni nazarda tutadi. I-IV sinf o'quvchilarida ona tili va o'qishdan konsentrizm tamoyiliga asoslangan ta'lim berish natijasida belgilab qo'yilgan bilim, ko'nikma va malakalarni egallash uchun o'quv yuklamasining maksimal miqdori belgilanishi lozim. Bu talab o'quv topshiriqlarida ham o'z ifodasini topishi zarur. Konsentrizm tamoyiliga asoslangan o'quv materiallari yaxlitlik, izchillik, tizimlilik tamoyillariga asoslangan holda tuzildi.

1. Bunda I-IV sinf o'quvchilariga taqdim etiladigan konsentrizm tamoyiliga asoslangan ona tili va o'qish ta'limi mazmunining tadrijiy takomillashuvi ta'minlanadi.

2. Konsentrizm tamoyiliga asoslangan ona tili va o'qish ta'limining mazmuni boshlang'ich ta'lim konsepsiyasi va Boshlang'ich ta'lim davlat ta'lim standartlari talablari asosida belgilab berildi.

3. O'quvchilar ona tilining nazariy asoslari me'yorlari va ifoda imkoniyatlarini muayyan konsentrlarga asoslangan ta'limning dastlabki bosqichlaridan boshlab chuqur o'zlashtirilishiga erishishlari nazarda tutildi.

Konsentrizm tamoyiliga asoslangan ona tili va o‘qish ta’limi mazmunining keyingi qismlarida o‘quvchilarning o‘zlari egallagan grammatik bilimlar va so‘z boyligi yordamida fikr va his-tuyg‘ularini aniq, to‘g‘ri ifodalay olishlari hamda o‘zgalar tomonidan ifodalangan fikr va tuyg‘ularni to‘g‘ri anglashlariga erishish maqsadida ona tilidagi grammatik vositalarning ma’nosi va ma’nodosh variantlari, yozilishi, qo‘llanish doirasini oddiydan murakkabga tamoyili asosida tadrijiylikka erishgan holda o‘rgatib borish vazifasini hal qilish nazarda tutilgan. Uchinchi qism inson nutqida ifodalangan hissiy ma’noning ta’sir kuchini anglash, og‘zaki va yozma shakllarda fikr ifodalash jarayonida nutqning xuddi mana shu imkoniyatidan foydalanish maqsadida ona tilidagi ifoda vositalarining uslubiy xoslanishi, uslubiy imkoniyatlarini tadrijiy asosda o‘quvchilarning nutqiga singdirishga yo‘naltirildi.

**“FSMU” TEXNOLOGIYASI-** munozarali masalalarni hal etishda, baxsmunozaralar o‘tkazishda yoki o‘quv-seminari yakunida (o‘quvchilarning o‘quvseminari haqidagi fikrlarini bilish maqsadida), yoki o‘quv rejasi asosida biron bo‘lim o‘rganib bo‘lingach qo‘llanilishi mumkin, chunki bu texnologiya o‘quvchilarni o‘z fikrini himoya qilishga, erkin fikrlash va o‘z fikrini boshqalarga o‘tkazishga, ochiq holda bahslashishga, shu bilan qatorda o‘quvchilarni o‘quv jarayonida egallagan bilimlarini tahlil etishda, qay darajada egallaganliklari baholash va bahslashish madaniyatiga o‘rgatadi.

*Maqsad-* Ushbu texnologiya o‘quvchilarga tarqatilgan oddiy qog‘ozga o‘z fikrlarini aniq va qisqa holatda ifoda etib, tasdiqlovchi dalillar yoki inkor etuvchi fikrlarini bayon etishga yordam beradi. *O‘tkazish texnologiyasi*: Ushbu texnologiya bir necha bosqichda o‘tkaziladi.

1-bosqich

-trener o‘quvchilar bilan birga bahs mavzusini yoki muhokama etilishi kerak bo‘lgan muammoni, yoki o‘rganilgan bo‘limni belgilab oladi;

-trener o‘quv mashg‘ulotida avval har bir o‘quvchi yakka tartibda ishlashi, keyin esa kichik guruhlarda ish olib borilishi va nihoyat dars oxirida jamoa bo‘lib ishlanishi haqida o‘quvchilarga ma’lumot beradi;

-mashg‘ulot davomida har bir o‘quvchi o‘z fikrini erkin holda to‘liq bayon etishi mumkin ekanligi eslatib o‘tiladi.

2- bosqich

Har bir o‘quvchiga FSMU texnologiyasining 4-bosqichi yozilgan qog‘ozlar tarqatilgan: F- fikringizni bayon eting. S- fikringizni bayoniga sabab ko‘rsating. M- ko‘rsatgan sababingizni isbotlab misol (dalil) keltiring. U- fikringizni umumlashtiring. Tarqatma materialning taxminiy nusxasi. Har bir o‘quvchi yakka tartibda qog‘ozdagi FSMU-ning 4-bosqichini o‘z fikrlarini yozma bayon etgan holda to‘ldiradi.

3- bosqich

Har bir o‘quvchi o‘z qog‘ozlarini to‘ldirib bo‘lgach, trener ularni kichik guruhlarga bo‘linishlarini iltimos qiladi yoki o‘zi turli guruhlarga bo‘lish usullaridan foydalangan holda o‘quvchilarni kichik guruhlarga bo‘lib yuboradi; trener har bir guruhga FSMU texnologiyasining

4-bosqich

yozilgan katta formatdagi qog‘ozlarni tarqatadi; trener kichik guruhlarga har birlari yozgan qog‘ozlardagi fikr va dalillarni katta formatda umumlashtirgan holda 4-bosqich bo‘yicha yozishlarini taklif etadi.

4- bosqich -kichik guruhlarda avval xar bir o‘quvchi o‘zi yozgan har bir bosqichdagi fikrlari bilan guruh a’zolarini tanishtirib o‘tadi. Guruh a’zolarining barcha fikrlari o‘rganilgach, kichik guruh a’zolari ularni umumlashtirishga kirishadi;

- guruh a’zolari FSMU ning 4-bosqichini har biri bo‘yicha umumlashtirib, uni himoya qilishga tayyorgarlik ko‘radilar;

- Fikrlarni umumlashtirish vaqtida har bir o‘quvchi o‘z fikrlarini himoya etishi, isbotlanishi mumkin.

5- bosqich - kichik guruhlar umumlashtirilgan fiklarini himoya qiladilar: guruh vakili har bir bosqichni alohida o‘qiydi iloji boricha izoh bermagan holda. Ba’zi bo‘limlarni isbotlashi, ya’ni guruhlarning aynan nima uchun, shu fikrga kelganini aytib o‘tishi mumkin.

6- bosqich - trener mashg‘ulotga yakun yasaydi, bildirilgan fikrlarga o‘z munosabatini bildiradi; -quyidagi savollar bilan o‘quvchilarga murojat qiladi:

-ushbu trening yordamida nimalarni bilib oldingiz va nimalarga o‘rgandingiz? -ushbu texnologiyani o‘quv jarayonida qo‘llanilishi qanday samara berdi?

**Namuna:**

Ona tili fanining o‘quv dasturida “Tasviriy ifoda” mavzusi berilgan bu mavzuni o‘tishda «Tasviriy ifoda» lar ham o‘zbek tili ifoda vositalarining bir ko‘rinishi ekanligi, og‘zaki va yozma nutqda tutgan o‘rni haqida qisqa izoh beradi. Tasviriy ifodani o‘quvchilarning o‘zlari topishga jalb qiladi. Misol uchun, she’r o‘qib beradi.

**“IKKI QISMLI KUNDALIK” TEXNOLOGIYASI-** bu pedagogic texnologiya bo‘lib, yozma nutqni rivojlantiradi. Bu uslub o‘qib chiqilgan mavzu bo‘yicha tushunchalarni shaxsiy tajriba bilan bog‘lashga imkon beradi. *Maqsad*: o‘rganilayotgan mavzuga qiziqish uyg‘otish, yozma nutqni rivojlantirish. *O‘tkazish bosqichlari:*

1-bosqich. O‘quvchilarga oldindan tayyorlab qo‘yilgan matn o‘qish uchun taklif etiladi.

2-bosqich. Hamma matn bilan tanishganiga ishonch xosil qilib, daftarni vertikal chiziq bilan ikkiga bo‘lish so‘raladi.

3-bosqich. O‘quvchilarga, daftarni chap tomoniga muallif sitatalar (g‘oyalari, fikrlari)ni yoqqanlarini (yoki yoqmaganlarini) yozishlari aytiladi.

4-bosqich. O‘ng tomonga o‘quvchi mazkur sitataga berilgan o‘zini izohini yozadi, ya’ni o‘qilgan matn haqidagi tushunchasini umumlashtirib beradi.

5-bosqich. Topshiriqni shu qismi tugagandan keyin o‘quvchilarga (o‘z xohishiga ko‘ra) bittadan sitatalarni va ularga yozilgan izohni o‘qish taklif etiladi. Sitata va ularning izohi o‘qilayotganda savol berish yoki mazkur sitataga o‘z izohini berishga ruxsat etiladi.

6-bosqich. O‘quvchilar sherik (uchliklar yoki kichik guruhlar) bo‘lib ham ishlashlari mumkin.

Hulosa qilib aytganda, har qanday o’qituvchining pedagogic faoliyatining yakuniy maqsadi-o’quvchilarga zamonaviy jamiyatda talab etiladigan ijodiy tafakkurga ega yetuk shaxs bo’lib shakllanishlariga yordam berishdir.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1.Yusupova Sh. Ona tili o’qitisha interfaol usullar va kompyuter dasturi(o’quv-uslubiy qo’llanma). Toshkent, 2013y.

2. Yusupova Sh. Hozirgi o’zbek adabiy tili darslarida yuksak ma’naviyatli shaxs tarbiyasi. Toshkent, 2010y.

3. Yusupova Sh. O’zbek tili o’qitish metodikasi (amaliy va laboratoriya mashg’ulotlari uchun o’quv qo’llanma). Toshkent, 2021y.

# УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ҲОЛАТИ

**Ойматова Нилуфар Миржамоловна -эркин изланувчиси**
**Чирчиқ давлат педагогика университети**

***Аннотация:*** *Мақолада Алишер Навоий асарларининг умумтаълим мактабларида ўқитилишидаги айрим муаммолар ва уларнинг ечимлари, шунингдек, ўқув дастурлари мавзуси юзасидан “Маҳбуб ул-қулуб” асари мисолида методик ёрдам сифатидаги тавсиялар берилади.*

***Annotation:*** *The article is described some recommendations on the problems of teaching the works of Alisher Navoi in the secondary school and the problems and solutions, as well as methodological assistance on the topic of curricula on the example of the work "Mahbub ul-qulub".*

***Аннотация:*** *В статье даны рекомендации по предотвращению проблем преподавания произведений Алишера Навои в общеобразовательных школах и их решения, а также методическая помощь по теме учебных планов на примере произведения «Махбуб ул-кулуб».*

***Калит сўзлар:*** *Матн, педагогика, синоним, сужет, синтезлаш, ностандарт, каталог.*

***Key words:*** *Text, pedagogy, synonym, plot, synthesis, non-standard, catalogue*

***Ключевые слова:*** *Текст, педагогика, синоним, предмет, синтез, нестандартное, каталог*

Адабиётни бежизга сўз санъати дейишмайди. Санъатни тўла англаш ва тушуниш учун бу оламнинг сеҳри, жозибасини ҳис этмоқ керак, айниқса, мумтоз адабиёт дурдоналарини тушуниш учун эса матн билан ишлаш кўникма ва малакасига эга бўлиш керак. Чунки таълим тизимидаги энг асосий ўзгариш ва янгиликлар фақат шаклий-ташкилий жиҳатларга, жараёнларга алоқада бўлмай, балки унинг ўзагини таълим мазмунини тубдан

ислоҳ қилиш, уни такомиллаштириш, ривожлантириш ва янгилаш ҳам ташкил этади.

Бу борада мумтоз адабиёт намуналарини ўрганишдаги қийинчилик адабиёт таълимидаги доимий муаммолардан саналади. Ўқувчиларнинг бадиий тафаккурини ошириш учун бадиий асар мутолааси муҳим жиҳат ҳисобланади. Бу ўқувчининг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантиришга ҳам ёрдам беради.

Эндиги кузатишларимизнинг умумий ўрта таълим мактабларида Алишер Навоий ижодини ўрганишнинг мавжуд ҳолатига қаратамиз.

Умумтаълим мактабларининг 6-синф дастурида А.Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асаридан парчалар берилган.

Биламизки, “Маҳбуб ул-қулуб” асари шоирнинг деярли умрининг охирида, ҳаёт тажрибадаридан олинган хулосалари сифатида ёзилган фалсафий дидактик асар ҳисобланади.

Навоий даҳосига ижоди ҳақида гап борар экан, бир фикрни эслашимиз ўринли бўлади. Озарбайжон халқининг улкан шоири Самад Вурғун шундай дейди:

“Мен Навоийни дарёга қиёсладим ва дедимки, бизнинг айрим олимларимиз унинг соҳилларида тахта қайиқларда сузишни хоҳлайдилар. Менинг ўйлашимча, бу муаззам дарёга замонавий илм ва маданиятнинг асосида ясалган муҳташам бир кема билан кириш лозимдир”.[1, 244-бет]

Алишер Навоий умри давомида камолот сари интилишни тарғиб этган бўлса, умр хулосаларида, яъни “Маҳбуб ул-қулуб” асарида комиллик сари олиб бориладиган улуғ йўлни кўрсатади, назаримизда.

Гарчи бу асар фалсафий-дидактик характерга эга бўлса-да, 6-синф ўқувчилари учун уларнинг ёши имкониятидан келиб чиқиб матнлар танланади ва уларнинг насрий баёнлари ҳам берилади.

Дарсликда, жумладан, Навоий мустақилликдан кейинги юксак эътироф сифатида 20 жилдлик асарлар нашри, “Хамса” ёзган ижодкорлар ҳақидаги маълумотлардан ташқари “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг “Саховат ва ҳиммат” бобида, “Ҳилм зикрида” (108, 110) “Сафарнинг фойдалари тўғрисида”(1, 12, 18, 22, 30, 48, 49, 50 - танбиҳ) бўлимлари берилган. Гарчи “саховат” сўзи ўқувчиларга таниш бўлса-да, “ҳилм”, “Ҳиммат” сўзларини ҳамма ҳам бу ёшда идрок эта олмайди. Бу асарларнинг яна бир характерли жиҳати шундаки, асар тур жиҳатдан насрий асар ҳисобланади. Биз бунга қадар шоирнинг фақат лирик асарларини ўрганамиз

Асарнинг насрий матни Порсо Шамсиев томонидан яратилган.

“Сафарнинг фойдалари тўғрисида” бўлимини “6 саволга 6 жавоб” технологияси асосида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

| № | Матндан парчалар | Жавоблари |
|---|---|---|
| **1.** | Айриликқа учраганларни мақсадига етказувчи ва куйдирувчи кўрадир | Сафар |
| **2.** | Эритувчи ва куйдирувчи кўрадир | Сафар |
| **3.** | Ҳар ўлканинг гўзаллигини ҳар манзилнинг осойишталигини сафарда юрувчилардан сўра ва .... эшит | Мусофирлардан |
| **4.** | Гаҳи топдим ...... нотавонлиғ,<br>Гаҳи кўрдим ... комронлиғ | “Фалакдин”<br>“Замондин”<br>сўзлари тушиб қолган |
| **5.** | Одам учун ... ҳаётийликдан асардир | Доим ҳаракатда бўлиш |
| **6.** | ... мавжудот тириклик нишонасидан бехабардир | Жонсиз |

Аслида ўқувчилар матн билан танишганларидан сўнг жадвал берилади ва улар билганларича ўзлари, билмаганларини китоб ёрдамида жадвални тўлдирадилар. Бу метод ҳам ўқувчилар хотирасида маълумотларни тез ва осон сақлашни ва уларни таҳлил қилишни ўргатади. Табиийки, ҳар бир танбиҳлардан фалсафий хулосалар чиқарилади.

Шунингдек, “Маҳбуб ул-кулуб” асарида ўқувчилар илгаридан ҳам билган машҳур афоризмлар берилган яна бир топшириқ сифатида ана шундай ҳикматли сўзлардан энг кўп қайси ўқувчи матнлардан топса, ғолиб бўлиши айтилади. Ёки “Фикрларни давом эттиринг” методи қўлланилади. Масалан:

- Тилга ихтиёрсиз - ? (элга эътиборсиз)
- Тил шунча шараф билан - ? (нутқнинг қуролидир)
- Оз-оз ўрганиб доно бўлур - ? (қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур)

**“Саховат ва ҳиммат” бобини ўрганиш мақсадида “Синтезлаш – ностандарт тест” методидан фойдаланамиз**

| № | ифодаланиши | Саховат | ҳиммат |
|---|---|---|---|
| 1. | Инсоният боғининг барвор шажарасидур | + | |
| 2. | ...аҳлиғадур саховат ихтисоси ва бу икки шариф сифат валоят хоси | | + |
| 3. | Одамийлик кишварининг баҳри мавжвари | + | |
| 4. | Одамиға бадандур | + | |
| 5. | Баданга(анга)руҳ | | + |
| 6. | Оламда юз минг футуҳ | | + |
| 7. | ...бийик кавкабдур | | + |
| 8. | ...неча мартабадур | + | |
| 9. | Муфлислиқ била паст бўлмас | | + |
| 10. | ...булутдур | + | |

Юқоридаги методда 1-устундан берилган китобдаги матндан олинган жумлаларнинг қайси сўзларга берилган таърифи эканлиги аниқланади. + ишорасини ўқувчилар белгилайдилар, аммо ўқитувчида буларнинг жавоби олдиндан бўлиши керак. Мақсад: Саховат ва ҳиммат тушунчаларига А.Навоийнинг муносабатларини, уларнинг таърифларини англаш, таҳлил ва изоҳлаш асосида ўзлаштиришни таъминлаш.

Адабиётда “Лаф ва нашр” санъати мавжуд. У араб тилидан олинган бўлиб, “йиғиш ва ёйиш” деган маънони англатади. Дарсликда берилган “Маҳбуб ул-қулуб” нинг саховат ва ҳиммат тўғрисидаги қисмини ана шундай метод, яъни маълумотларни “йиғиш ва ёйиш” орқали шарҳланади.




Компьютер, интернет мобил телефон, турли филм ва ўйин дастурлари беҳад ранг-баранг ҳамда қизиқарли тарзда тақдим қилинаётган бугунги кунда ўқувчиларнинг бадиий асар ўқиш кўникмаларини шакллантириш осон иш эмас. Лекин жуда долзарб масала ҳисобланади.

Адабиёт фани ўқитувчиси синфдаги ҳар бир ўқувчисининг қизиқишларига, қобилиятига қараб махсус адабиётлар каталогини тузиб чиқиши зарур.

“Яхши ўқитувчи билан буюк ўқитувчининг фарқи нимада? – дейди Иоганн Гёте. Яхши ўқитувчи билан ўқувчиларнинг қобилиятини сўнгги чегарасигача ривожлантиради. Буюк ўқитувчи эса бу чегарани бир қарашдаёқ кўра олади”.

Демак, ўқитувчининг вазифаси, биринчидан, ўқувчи қалбида адабиётга, маънавий меросларимизга меҳрни уйғотиш бўлса, иккинчидан, ана шу меҳр

орқали юксак камолот чўққиларини, одамийликни ўзига сингдира, юқтира олишдир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Нагиева Ж “Озарбайжонда Навоий” (Баку, 2001, 244-бет)
2. Тўхлиев Б. Филологик таълимда инновацион технологиялар. Т-2004. ТДПУ. Янги педагогик технологиялар ва адабиё таълим. 3-бет.
3. Матчонов С. Адабиёт дарсларида нутқ ўстириш. Т. – 2004. ТДПУ. Илмий мақолалар тўплами, 8-бет
4. Аҳмедов С., Қўчқоров К., Ризаев Ш. Адабиёт II қисм. 6-синф. Қайта ишланган 4-нашри. Т – 2017. “Маънавият” нашр. 31 -46-бетлар.


## ТЕЗ АЙТИШ – ҲАЗИЛ-МУТОЙИБАГА АСОСЛАНГАН ФОЛЬКЛОР ЖАНРИ СИФАТИДА


**Мадияров Инамжан Батырбаевич -таянч докторанти.**
**Андижон давлат университети**



***Калит сўзлар:*** *фольклор, тез айтиш, сўз ўйини, ҳазил, сатира, юмор.*



***Аннотация:*** *Ушбу мақолада тез айтишларнинг ҳазил-мутойибага асосланган қадимий фольклор жанри эканлиги, шунингдек, тез айтишлардаги кулгили ҳолатларнинг юзага келиш сабаблари ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ ва қирғиз тез айтишлари мисолида асослаб берилган.*



***Ключевые слова:*** *фольклор, скороговорка, игра слов, шутки, сатира, юмор.*



***Аннотация:*** *В данной статье говорится о скороговорках как об историческом жанре фольклора, основанного на шутках и остроты, также, автор доказывает примерами причины проявления шуточных моментов в узбекских, каракалпакских, казахских и киргизских скороговорках.*



***Key words****: folklore, tongue-twister, word play, joke, satire, humor.*



***Annotation****: This article discusses the fact that fasting is an ancient folk genre based on humor, as well as the reasons for the occurrence of funny situations in fasting, using the example of Uzbek, Karakalpak, Kazakh and Kyrgyz tongue-twisters.*


Ҳозирги пайтда аксарият халқларда тез айтишларга болалар нутқини ўстирувчи восита, деган муносабат мавжуд бўлиб, бундай муносабат жанрга бир томонлама, яъни педагогик томондан ёндашув саналади. Тез айтиш ҳазил-мутойибага асосланган халқнинг оғирини енгил қилиш, вақтини хуш ўтказиш учун хизмат қилган қадимий сўз ўйинидир. Ана шу хусусияти сабабли у шу кунгача яшаб келмоқда. Айниқса, у ёшлар орасида ўзгача

аҳамият касб этиб, ҳам ўйин-кулги, ҳам танлов – мусобақа сифатида ўтказилган. Қозоқ олими С.Сейфуллиннинг ёзишича, “Ёшларнинг, бола-чақанинг йиғилиб, ўйин-кулги “дўконини” қурган жойда айтиладиган айтишувнинг бир тури – тез айтиш”[1, 235]. Қолаверса, ёшлар орасидаги бундай сўз ўйинига асосланган айтишувлар кимларнингдир чаққонлик, чечанлик ва нотиқлик иқтидорларини юзага чиқарса, яна кимларнингдир уялиб қолишига сабаб бўлган. Қорақалпоқ болалар адабиётшуноси И.Қурбанбаевнинг қуйидаги фикрлари ҳам буни тасдиқлайди: “Тез айтишда янглишиб, шеър қаторларидан чалкаштириб устма-уст ўхшаш уюшиб кетма-кет тўкилиб келадиган сўзлардан янглишган ёки “тили айланмай” қолган йигитнинг ҳам, қизнинг ҳам устидан ҳазиллашиб кулишган”[2, 32]. “Кыргыз адабиятынын тарыхы” китобида: тез айтиш “...ҳажвий фольклор жанри”[3, 414], – дейилган.

В.А.Ноговицин ҳам номзодлик диссертациясида тез айтишни сатира ва ҳазил жанри эканлигини, унинг асосий мақсади ўйин-кулги, сатира, масхара ва ўткир ҳазил қилишдан иборатлигини таъкидлайди[4, 22,29]. Шунингдек, у С.А.Новгородов, А.И.Софронов, П.А.Ойунский, Д.К.Сивцев - Суорун Омоллон, Д.К.Сивцев, Н.В.Емельянов кабиларнинг ҳам тез айтишни сатира ва ҳазил жанри сифатида таърифлаганликларини айтиб ўтади.

Маълумки, фольклор намуналари таркибида сатира ва юморга асосланган латифа, лоф, чандиш каби жанрлар ҳам мавжуд. Бироқ тез айтишдаги кулги улардан фарқли равишда нутқ жараёни билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, катталарда ҳам, болаларда ҳам самимий, беозор кулгига сабаб бўлади. Керак бўлса, тез айтиш ижрочисининг ўзи ҳам кулаётганларга қўшилиб кулиб олади.

Фольклоршунос олимларнинг тез айтиш ва унинг илмий тавсифи ҳақидаги фикрларига таяниб, жанр билан боғлиқ кулги икки ҳолатда юзага келади дейиш мумкин: 1) мураккаб матнни ижро этиш жараёнидаги чалғиш, тутилиш ҳолатлари; 2) матн шиддатли айтилганда сўз урғусининг ўзгариши, бошқачароқ айтганда, матндаги сўзларнинг бир-бири билан қўшилиб айтилиши натижасида бошқа маъноли сўзларнинг эшитилиши.

Биринчи вазиятда нима учун тутилиш ҳолати содир бўлади, деган саволга қисқача тўхталиб ўтиш лозим. Ҳар қандай оддий мант ҳам тез ўқилган сари ўқувчининг чалғиш эҳтимоли ҳам ортиб бораверади. Зеро, тез айтиш ўзига хос композициядан таркиб топган мураккаб констукция бўлиб, унда чалғиш эҳтимоли оддий матнга нисбатан бир неча баробар юқори бўлади. Шунинг учун ҳам ижрочининг ижро жараёнида адашиши, тили айланмай тутилиб қолиши кулги туғдиради.

Маълумки, тез айтиш аввал ёд олиниб, кейин ижро этилади. Шунинг учун айтувчи аввало, матнни ёд олиши бундан ташқари, матн мазмуни ва ундаги сўзларнинг луғавий маъносини яхши билиши ҳамда жойлашиш тартибини ҳам эслаб қолиши зарур. Масалан:

*Олти жуфт оқ чинни чойнакка тўрт жуфт кўк қопқоқ,*

*тўрт жуфт кўк чинни чойнакка олти жуфт оқ қопқоқ ёпса бўладими?*[5, 198].

Айтувчи келтирилган тез айтишни айтишдан олдин ундаги чойнак ва қопқоқлар сонини билиши билан бирга уларнинг рангини ҳам эсда сақлаб қолиши шарт. “Нутқнинг ҳар қандай тез суръатида шу нарсани унутмаслик, шу фаркни эсда тутган ҳолда жумлани талаффуз этиш талаб этилмоқда”[6, 47].

Ёки:

*Юқоридан келотипти қора калла катта калхот. Қуйидан келотипти оқ калла катта калхот. Қора калла катта калхотга оқ калла қора калхот рад берди*[5, 201].

Биринчи тез айтиш “оқ”, “кўк”, “чинни”, “чойнак”, “қопқоқ” иккинчи тез айтиш “оқ”, “қора”, “калла”, “катта”, “калхот” сўзларининг чалғишига асосланган бўлиб, талаффузда ўхшаш товуш ёки сўзларнинг ўрин алмашиши ёки маълум товушда чалғиш юз бериб, асосий мазмун бузилган. Ана шу вазиятда айтувчи кулгига қолган. Айниқса, бу кўп сўзли тез айтишларда яққол намоён бўлади. О.Наржигитов ва Ф.Товбоеваларнинг таъкидлашича, кўп сўзли тез айтишлар халқ орасида кенгроқ оммалашган, қолаверса, бундай намуналар юморга бойлиги сабабли тингловчиларда кўпроқ қизиқиш уйғотади[7, 169].

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, тез айтишдаги ҳар бир товуш, бўғин, сўз бекорга танлаб олинмаган. Шунинг учун айтувчи мант таркибидаги ҳар бир элементни, ҳаттоки, майда-чуйда деталларни ҳам кўздан қочирмаслиги шарт.

Иккинчи вазиятдаги кулги талаффуз чоғида тез айтиш таркибидаги сўзларнинг маъно ўзгариши ҳисобига юзага келади. Бундай намуналар юксак даражадаги сўз ўйинига асосланган тез айтишлардир. Бунда оҳангдош сўзлар тез ва такрор айтилганда, улар бехосдан қўшилиб ёки алмашиб, айтилиб кетади. Бундай матнлар таркибига шундай сўзлар танлаб жойлаштириладики, шиддатли талаффуз жараёнида бир сўзнинг охирги бўғини ўзидан кейинги сўзнинг олдинги бўғини билан қўшилиб айтилиши ёки сўзлар таркибидаги айрим товушларнинг тушиб қолиши, маълум ўзгаришларга учраши натижасида матнда мавжуд бўлмаган сўзлар эшитилади ва мана шу ҳолат кулгига сабаб бўлади:

*Оқ той оқми?*

*Қора той оқми?*[8]

Келтирилган тез айтишнинг қорақалпоқ, қозоқ ва қирғиз версиялари ҳам мавжуд бўлиб, тез талаффуз қилинганда матндаги “той” ва “оқми” сўзлари қўшилиб кетади ва “оқ таёқми, қора таёқми” тарзида эшитилади. Сўзларнинг бу хил маъно ўзгаришга учраши иккита ёнма-ён турган сўзларнинг қўшилиб айтилиши, яъни сўз урғусининг ўзгариши эвазига содир бўлади. Бундай вазият талаффуз вақтида сўзлар орасида паузанинг йўқолиши оқибатида юз беради.

Яна бир мисол:

*Тоир тойини топди*[8].

Уч сўздан иборат “т” товуши аллитерациясига асосланган ушбу тез айтиш тез талаффуз қилинганда “Тоир Тоирни топди” тарзида эшитилади. Бунинг сабаби, биринчи ва иккинчи сўзлар уйғун бўлиб, талаффузда “Тоир” сўзи “тойи” сўзини ўзига мослаштириб олмоқда. Бу нутқ билан боғлиқ фонетик ҳодиса бўлиб, бунда “...сўз таркибида олдин келган товушнинг таъсири билан кейинги товуш ўз хусусиятини ўзгартиради ва олдингига ўхшаш товушга айланади”[9, 62]. Демак, тез айтишдаги маъно ўзгариши мана шу фонетик қонуният асосида содир бўлмоқда.

Бу хил тез айтишлар сўз ўйинига асосланган бўлиб, бундай “сўз ўйинларида бир ёки бир неча сўзнинг тез айтилиши янги маънони келтириб чиқаради ва асосий фикр яшириниб қолади”[6, 50]. Бинобарин, тез айтишдаги асосий мақсад чалғитиш ва шу асосида кулгили вазиятга замин яратиш ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, тез айтиш жанри ҳазил-мутойибага асосланган қадимий фольклор жанри бўлиб, у халқнинг оғирини енгил қилиш, кўнглини кўтариш, вақтини хуш ўтказиш учун яратилган қадимий сўз ўйинидир. Демак, у халқнинг маънавий эҳтиёжлари сабабли пайдо бўлган ва ана шундай хусусиятлари туфайли шу кунгача яшаб келмоқда. Тез айтишнинг бошқа сатирик жанрлардан фарқи ундаги кулги нутқ жараёни билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, у ижро давомидаги янглишиш ҳолати ёки ижрода бошқа маъноли сўзларнинг эшитилиши натижасида юзага келади.

**Адабиёт**


1. Сейфуллин С. Қазақ әдебиеті. – Қызылорда, 1932. – 253 б.
2. Қурбанбаев И. Қарақалпақ балалар әдебияты тарийхының очерки. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1974. – 276 б.
3. Кыргыз адабиятынын тарыхы. 1-том. – Бишкек: 2002. – 675 б.
4. Ноговицын В.А. Чабыргах как жанр якутского фольклора. Дисс.канд. ...филол. наук. – Якутск, 2005. – 158 с.

5. Бойчечак. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Болалар фольклори. Меҳнат қўшиқлари. Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар: Сафаров О., Очилов К. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984. – 336 б.
6. Жаҳонгиров Ғ. Ўзбек болалар фольклори. – Тошкент. Ўқитувчи, 1975. – 124 б.
7. Наржигитов О., Товбоева Ф. Баркамол авлодни тарбиялашда ўзбек халқ оғзаки ижодининг ўрни. – Тошкент: “Баркамол авлод” республика болалар бадиий ижодиёти маркази, 2014. – 212 б.
8. Айтувчи: Ҳасан ота. 1947 йилда туғилган. Андижон вилояти Марҳамат тумани Баликчилик қишлоғи. Ёзиб олди: Инамжан Мадияров. Ёзиб олинди: 2019 йил июнь.
9. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I. Фонетика, Лексикология, Морфология. – Тошкент: «Фан»,1966. – 392 б.

## MODERN METHODS OF SHAPING THE WORLDVIEW OF PRESCHOOL CHILDREN (THE EXAMPLE OF ENGLISH)

**Sh.A. Mahmudova, UzSWLU - Master’s Degree ,**
**“Foreign Language and Literature” faculty,**
**Tashkent, Uzbekistan**

***Аннотация.*** *В этой статье описывается и предоставляется информация о современных методах формирования мировоззрения дошкольников и современных методах преподавания английского языка в сочетании с использованием этих методов.*

***Ключевые слова:*** *наглядные пособия, плакаты, книги, песни, игры головоломки.*

***Annotation.*** *This article describes and provides information on modern methods of shaping the worldview of preschool children and modern methods of teaching English together with the use of these methods.*

***Key words:*** *Visual aids, posters, books, songs, action games, puzzles.*

Today, our country has entered a period of development, renewal and growth. The issue is to create wide and favorable opportunities for the citizens of our country to live in peace, to ensure its happy future. Our President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev believes that the citizens of our country, especially the younger generation, should have a broad outlook and high spirituality in order to have such a happy life and future. Therefore, the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev signed Decree No. 5198 "On measures to radically improve the management of the preschool education system." on September 30, 2017.

We know that person's worldview begins to take shape in early childhood. As the child perceives existence and the world, he first reflects, analyzes, and

synthesizes all events in his mind. Gives it a new name and evaluates its essence and significance. This allows him to express his whole ideas and experiences about the universe, people, things and bodies, his dreams, events of dignity, as well as his ideas in his national language.

A worldview is the fundamental cognitive orientation of an individual or society encompassing the whole of the individual's or society's knowledge and point of view. Based on the study and analysis of available sources, it should be noted that the earlier a child begins to develop his worldview, the higher his intelligence and thinking. Such children will produce great inventors, speakers, politicians and statesmen in the future.

Language learning also depends on age. According to psychologists, children learn language faster and easier than adults. As the experiment of the researcher E.K. Kaverlan confirmed, the child's understanding of objects occurs in the following order. The natural tendency of children to learn a language, the fact that they have a strong ability to imitate, and the fact that children spend more time than adults are the main reasons for this. It should be noted that children aged 6-7 do not understand the meaning of information, but memorize it mechanically. Therefore, teaching English to primary school students should not start with giving them a grammatical understanding. Otherwise, it is possible to strain the child from the very first step of learning a foreign language and extinguish his interest.

Therefore, teaching a foreign language to young children is much more difficult and responsible. The following methods can be used to teach children meaningful and interesting English:

- To teach to sing or make meaningless letters or combinations those are difficult to explain or remember through songs and poems. For example, it can be shown that children's learning of the English alphabet by singing is more effective than just memorizing.

Children's process of acquiring new knowledge is always based on emotions. Therefore, English language teachers make full use of the objects around the students, cards and other teaching aids, using easy methodologies to teach kindergarten age children. When teaching words like banana and apple, teachers can also teach new words that express color at once by pointing to fruits such as bananas and apples. Children are taught to use a foreign language through classroom objects to organize learning activities.

- Cartoons; although children do not understand the words in the cartoon during language learning, they try to understand the words they use through the actions of the cartoon characters. This is an interesting and effective way for children to learn the language.

- Role plays; teacher should play a role or play on children while teaching some information, such as the names of animals or birds. For example: the barking of a student dog, the meowing of a cat.

- Riddles; Children have a strong interest in finding answers to riddles. Therefore, even if the teacher says the riddle in English or Uzbek, he should ask the children to answer it in English. Then the children learn the words quickly.

In short, teaching language to young children is not an obligation, but a fun activity, and teaching using several effective methods can serve as a foundation for their future knowledge.

**Literature**

1. Mirziyoyev Sh. "On measures to radically improve the management of the preschool education system." Decree No. 5198 of September 30, 2017.
2. Vohidov M. Child psychology. – T., 1992.
3. Elchiyeva D.D. Pedagogy and psychology. – T., 2000.

# ИННОВАЦИОН ХАМКОРЛИК АСОСИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Х.А.Умаров -Технологик таълим факультети ўқитувчиси.**
**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети**

***Аннотация***

*Мазкур мақолада мамлакатимизда кадрлар тайёргарлаш тизимини такомиллаштириш йўллари, ҳусусан бўлажак ўқитувчиларнинг касбий педагогик тайёргарлигини ривожлантириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган фаолият тадқиқ этилган.*

***Аннотация***

*В данной статье исследуются пути совершенствования системы подготовки кадров в нашей стране, в частности, мероприятия, которые должны осуществляться по развитию профессионально-педагогической готовности будущих учителей.*

***Annotation***

*This article examines the ways to improve the system of personnel training in our country, in particular, the activities that should be carried out to develop the professional and pedagogical readiness of future teachers.*

***Калит сўзлар:*** *кадрлар тайёргарлаш, бўлажак ўқитувчиларнинг тайёргарлиги, касбий педагогик тайёргарлик, ўқитувчилар тайёргарлигини ривожлантириш*

***Ключевые слова:*** *подготовка кардов, готовность будущих учителей, профессионально педагогическая готовность, развитие готовности учителей*

***Keywords:*** *professional training, readiness of future teachers, professional pedagogical readiness, development of teacher readiness*

Хозирги кун илм-фан тараққиёти замонавий таълим тизими олдига жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотлар талабларига тўла жавоб берувчи, ишлаб чиқариш соҳасида юзага келган рақобатбардош, кескин ўзгаришларга мослаша олувчи, шунингдек, меҳнат бозорида мутахассислар малакасига

қўйилаётган талаблар даражасида самарали фаолият юритувчи баркамол шахсларни тарбиялаш вазифасини қўймоқда.

Педагог кадрларнинг юксак профессионализми кўп жиҳатдан олий ўқув юртларида қўлга киритилган салоҳиятга, уларнинг ўқув эҳтиёжларини қондириш даражасига ва касбий тайёргарлигига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан таълим тизимимизнинг тубдан қайта кўриб чиқиш, касбий билимларни ўзлаштириш имкониятини кенгайтириш, янги шароитларда, янги, замонавий технологияларда ишлай оладиган мутахассисларни тайёрлашга эътиборни қаратиш зарур [1; 49]

Замонавий педагогик олий таълим муассасалари бўлажак ўқитувчиларнинг таълим олиш маскани бўлиш билан бир қаторда, маънавий етук шахс бўлиб етишишлари, маркази сифатида эътироф этилмоқда. Шунинг учун олий таълим муассасаларида эркин илмий ижод рухи ҳукм сурибгина қолмай балки, уларда меҳнатсеварлик, қизиқувчанлик, интизомлилик, ташаббускорлик, ижодий фикрлаш ва ташкилотчилик сифатларини шакллантирилиш, бўлажак “ўқитувчи” касби эгаларини ўзлигини англаши, мустақил фикрлаш, ижодкорлик, фаоллик, муносабатларининг чуқурлашиб ҳамда бойиб бориши, ўз-ўзини назорат қилиш ва тарбиялашга бўлган эхтиёжларнинг шаклланиши ва шахс сифатида ривожланишига таъсир этувчи барча ўқув курслари мазмунан бойиб бориши лозим.

Таълим тизимини шахсга йўналтирилган ушбу босқичида касбий билим, сифат, компетентликни шакллантириш ҳамда ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш қобилиятини ривожлантириш бўлажак ўқитувчиларни касбий таёйрлашнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Талабалар томонидан таълим жараёнида олинган назарий билимлар шубҳасиз уларни касбий махоратларининг асоси бўлади. Лекин шу билан бирга бўлажак ўқитувчиларни касбий-педагогик тайёргарлик даражасини ривожлантириш хам муҳим ўрин тутади. [2; 943]

Мазкур муаммо бўйича Ғарб ва Шарқнинг ривожланган мамлакатлари тадқиқотчи – олимларининг ишларини таҳлил қилиш натижасида, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини шакллантиришнинг мавжуд усулларини такомиллаштириш - уни замонавий талабларга жавоб берадиган инновацион усуллар билан алмаштириш йўналишидан бораётганини кузатишимиз мумкин [3; 3536]

Шу сабабдан таълим жараёнида инновацион корпоратив хамкорликни амалга ошириш педагогик олий таълим муассасалари талабалари орасида ёш мутахасисларни тайёрлашнинг асосий йўналишларидан бўлиши мумкин, чунки, фан, таълим ва ишлаб чиқариш ягона тизимга айланиши таълим

жараёни ривожини, унинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини янги босқичга олиб чиқади.

Касбий таълим ва фундаментал фанлар интеграцияси ўзининг шахсий инновациясини шакллантиришга қодир ўқитувчиларни касбий-педагогик ривожлантиришга йўналтирилиб, бу каби алоқа икки томонлама манфаътлидир. Сабаби олий таълим муассасаларисига энг аввало академик марказлардаги кучли моддий-техник базадан фойдаланиш, бўлажак ўқитувчи кадрларини тайёргарлик даражасини амалиётда синаш имконини берса, хамкор ташкилот учун эса кучли потенциалга эга бўлган иқтидорли ёшларни танлаб олиш ва фан-техникани янада ривожлантириш имконига эга бўлади.

Бунда интеграция нафақат машхур триада “фан-таълим-ишлаб чиқариш”нинг расмий бирлашуви сифатида қаралади, балки қўйилган вазифаларни ечиш йўлида улкан натижаларга эришиш мақсадида уларнинг имкониятларини умумлаштириб, резанансни юзага келтириш деб қабул қилинади.

Касбий таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларни касбий-педагогик ривожлантиришда инновацион корпоратив хамкорлик восита сифатида тадқиқ қилинмаганлиги аниқланди.

Шу сабабли муаммо юзасидан изланишлар натижаларини умумлаштириш, тадқиқотчиларнинг илмий холати аниқлаш, ўзининг амалий тузилиши жиҳатидан бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда замон талабларига жавоб бера оладиган янги технологияларни яратиш борасидаги муаммоларга Олий таълим муассасаларида инновацион корпоратив хамкорлик асосида бўлажак ўқитувчиларни касбий-педагогик тайёргарлик даражасини ривожлантиришнинг илмий-назарий асосларини аниқлаш, технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш ечим сифатида намоён бўлади.

Мазкур технологияни амалга ошириш асосий бешта босқичдан иборат бўлиб, бунинг **биринчи босқичи** мамлакатимиз ва жаҳонда мазкур муаммо устида изланишлар олиб борган тадқиқотчилар ишлари тахлили умумлаштирилиши натижасида инновацион хамкорлик асосида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларнинг касбий-педагогик тайёргарлик даражасини ривожлантиришнинг назарий методологик асослари ишлаб чиқишни ўз ичига олса, **иккинчи босқичда** инновацион хамкорлик асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик тайёргарлик даражасини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари аниқланади. **Учинчи босқич** бўлажак ўқитувчиларини тайёрлашда инновацион хамкорликнинг мазмуни, методи, шакли ва воситаларини аниқлашни ўз ичига олади. **Тўртинчи босқичда** инновацион хамкорлик асосида бўлажак ўқитувчиларда касбий-педагогик тайёргарлик даражасини ривожлантиришнинг инновацион

технологияси ишлаб чиқилади ва **бешинчи босқич** инновацион хамкорлик асосида бўлажак ўқитувчиларда касбий-педагогик тайёргарлик даражасини ривожлантиришга доир ўқув-методик мажмуалар, услубий тавсиялар яратилади ва амалиётга тадбиқ этилади.

**Адабиётлар рўйҳати:**


1. Н.А.Муслимов, Х.А.Умаров Эффективные возможности контекстуальной технологии в подготовке будущих учителей профессионального образования Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук №4, 2017 г. Стр. 49-54
2. Kh.A.Umarov Innovative methods of improving professional and pedagogical competencies of future teachers 2019 European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 8, 2020 ISSN 2056-5852, Page 46-50
3. Kh.A.Umarov Analysis of approaches to the formation of professional readiness of students in Uzbekistan (on the example of future teachers), Scientific journal "Psychology and education" 2021 58(1) ISSN: 00333077 www.psychologyandeducation.net


# CHET TILLARNI O'QITISHDA INTERAKTIV METODLARNING SAMARADORLIGI


**Goipova Saidaxon Madaminjon qizi,**
**Azimova Mohigul Tojiddinovna- o'qituvchilar.**
**Andijon davlat universiteti**



***Annotatsiya:*** *Interfaol usul bu o'qituvchi va talabalar o'rtasida o'zaro hamkorlik tufayli dars samaradorligini oshirish, yangi darsni o'quvchining mustaqil harakati, mulohaza, bahs - munozaralar orqali o'rganish, qo'yilgan maqsadga o'zi mustaqil erisha olishidir.*

***Аннотация:*** *Интерактивный метод заключается в повышении эффективности урока за счет взаимодействия между учителем и учениками, в изучении нового урока посредством самостоятельных действий, размышлений и обсуждений ученика и в достижении цели самостоятельно.*

***Annotation:*** *The interactive method is to increase the effectiveness of the lesson through the interaction between the teacher and students, to learn the new lesson through the student's independent action, reflection, and discussion and to be able to achieve the goal independently.*



***Kalit so'zlar:*** *metod, chet tili, interaktiv, mashq,malaka, texnologiya*

***Ключевое слова:*** *метод, иностранный язык, интерактив, упражнение, способность, технология*
***Key words:*** *method, foreign language, interactive, exercise, skill, technology*

Ma'lumki, o'quv jarayonini tashkil etish asosan bir tomonlama, ya'ni o'qituvchi tomonidan amalga oshirilgan. Bu o'z navbatida talaba va o'quvchilarning mustaqil ravishda tahlil etish, ijodiy mulohaza yuritish imkoniyatlarini cheklab qo'yadi. Interaktiv usulda o'tiladigan darslar o'quvchining ta'lim mazmunini o'zlashtirishi, ayni paytda o'zining tanqidiy va mantiqiy fikrlashini rivojlantirishga turtki beradi. Dars jarayonida birorta ham talaba va o'quvchining e'tibordan chetta qolmasligiga harakat qilinadi. Ular ko'rgan, bilgan, o'ylagan fikrlarini ochiq-oydin bildirish imkoniyatiga ega bo'lishadi. Dars jarayonida tadbiq etilishi mumkin bo'lgan "Soat" mashqini olib ko'raylik. Bu mashq jarayonida talabalarni guruhlarda bo'lishda oddiy usuldan, ya'ni sonlardan emas, balki gul va fasllar nomidan foydalanish ularda qiziqishni kuchaytiradi.[1,58] Shu usulda o'quvchilar ikki guruhga bo'linishib, ulardan bir-birlariga yuzma-yuz turgan holda ichki va tashqi doira yasash so'raladi. O'qituvchi yoki mashqni boshqaruvchi o'quvchi o'tilgan so'z yoki so'z birikmalaridan birini so'raydi. Javobini bilgan o'quvchilar bir-birlariga ushbu so'zning tarjimasini aytishadi. O'qituvchi qarsak chalganda sirtqi doira o'quvchilari soat millari yo'nalishi bo'yicha keyingi o'quvchi ro'parasiga siljiydi. Mashq shu tarzda davom etadi. Ushbu jarayonda o'quvchilarni baholash muhim emas. Mashq yakunida o'quvchilar o'z o'rinlarini egallashgach, yuqorida so'ralgan so'z va so'z birikmalarini har bir o'quvchidan qayta so'rash yaxshi natija berishi hamda passiv o'quvchilarning faolligini oshirishga ham omil bo'ladi.

Bundan tashqari "Hayot chizig'i" (Life line), "G'ujum"(Klaster), "Charxpalak" va boshqa interfaol mashqlarning darslarda tez-tez qo'llanilishi o'quv – biluv jarayoni samaradorligini oshiradi hamda o'quvchilarning o'z qobiliyatlari darajasida o'zlashtirishlari kafolatlanadi.[2,74] Zamonaviy ta'limni tashkil etishga qo'yiladigan muhim talabalardan biri yuksak natijalarga erishishdir. Bugungi kunda o'quvchilarning o'quv va ijodiy faolliklarini oshiruvchi pedagogik texnologiyalarni darslarda qo'llash interaktiv metodlar bilan bog'liqdir.Masalan, ta'lim amaliyotida foydalanilayotgan interaktiv metodlardan hisoblanmish "Fikriy hujum" metodi A.F.Osborn tomonidan tavsiya etilgan bo'lib, uning samaradorligi o'quvchilarning tafakkur ko'lamining qanchalik kengligiga bog'liq bo'ladi. Chunonchi, o'qituvchi darsda bir mavzuni o'rtaga tashlaydi, o'quvchilar esa gaplar ishtirokida og'zaki "situatsiya" tuzadilar. Unda tanqid ta'qiqlanib, luqma va hazil-mutoyibalar o'rin egallaydi.[3,32] Stil g'oyasiga muvofiq ishlab chiqarilgan "Klaster" metodidan esa o'quvchilar bilan yakka yoki guruh tartibida tashkil

etiladigan mashg'ulotlar jarayonida foydalanish mumkin. Masalan, bunda ham o'qituvchi bir she'rning sarlavhasini doskaga yozadi. O'quvchilar bu she'rda gap nima haqida ketayotganini, xatolarga e'tibor bermay yoki fikrning sifatiga e'tibor bermay ularni shunchaki, nimaniki o'ylagan bo'lsa, qog'ozga yozaveradi. Agar ma'lum muddat biror bir g'oyani o'ylay olmasa, o'sha she'rdagi biror narsaning rasmini chizib, davom ettiradi. [4,62]

Interaktiv metodlardan "Qora quti" metodi ham darsning qiziqarli o'tishida yordamchi vositadir. Bu metodni qo'llashdan maqsad – o'quvchilar tomonidan mavzuni puxta o'zlashtirishga erishish va ularni faol bo'lishga undash yoki hamkorlikda ishlash, mantiqiy tafakkur yuritish ko'nikmalarini shakillantirishdan iborat. Misol uchun, qora quti ichiga biror so'zni qog'ozga yozib yoki o'sha so'z predmet orqali tasvirlanib, qora quti ichiga yashiriladi. O'quvchilar ushbu qutini ochganda so'zning tarjimasini yoki predmetning nima ekanligini aniqlashlari va shu so'z ishtirokida gap tuzishi kerak bo'ladi. Ushbu strategiya o'quvchilarga mavzuga nisbatan tahliliy yondashuv, ayrim qismlar negizida mavzuning umumiy mohiyatini o'zlashtirish ko'nikmalarini hosil qiladi va bu bilan o'quvchining qay darajada darsga tayyor ekanini qiziqtirib qo'yib, matnni o'qigan yoki o'qimaganligini ham bilib olish mumkin bo'ladi.

Xulosa qilsak, zamonaviy ta'limni tashkil etishda ushbu interaktiv metodlardan foydalanish, ya'ni qisqa vaqt ichida muayyan nazariy bilimlarni o'quvchilarga yetkazib berish, ularni darsga shu yo'l bilan qiziqtira olish, ularga ma'lum faoliyat yuzasidan ko'nikma va malakalarini hosil qilish, shuningdek, o'quvchilar faoliyatini nazorat qilish, ularni to'g'ri baholash o'qituvchilardan yuksak pedagogik mahorat hamda ta'lim jarayoniga nisbatan yangicha yondashuvni talab qiladi, xolos.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati :**

1."Ta'limda innovatsion texnologiyalar". Toshkent, 2008 yil. 58 b.
2.Tolipov U, Usmonboyeva M "Pedagogik texnologiyalarning tatbiqiy asoslari". Toshkent 2006 yil. 74 b.
3. "Chet tillarini o'qitishda interaktiv uslublarning samaradorligi" Urganch shahri, 2007 yil. 32 b.
4."Xorijiy tilshunoslik, adabiyotshunoslik va o'qitish uslubiyoti masalalari". Respublika ilmiy – amaliy anjumani materiallari. Jizzax 2009 yil. 62 b.

# PRINCIPAL VARIETIES AND PRONUNCIATION OF ENGLISH IN GREAT BRITAIN

**V.A.Vositov, N.Valieva.**
**Andijan state university**

***Аннотация***: *Мақолада Буюк Британияда инглиз тилининг асосий вариантлари ва талаффузи масаласи таҳлил қилинади.*

***Калит сўзлар:*** *инглиз тили, Буюк Британия, талаффуз, расмий, норасмий, умумий, ностандарт инглиз тили.*

***Аннотация***: *В статье исследованы проблемы основных вариантов и произношения английского языка в Великобритании.*

***Ключевые слова:*** *английский, Великобритания, произношение, формальный, неформальный, общий, нестандартный английский.*

*Annotation: The article discusses the main variants and pronunciation of the English language in the UK.*

***Key words***: *English, Great Britain, pronounciation, formal, in formal, general, nonstandard English.*

On the basis of the usage the following principal varieties of English are distinguished: 1) Formal English (limited use) more often written than spoken – speaking and writing for somewhat restricted groups in formal situations; 2) General English (unlimited use) – both spoken or written – speaking and writing of educated people in their private or public affairs; 3) In formal English (limited use) – more often spoken than written; 4) Nonstandard English (limited use) – chiefly spoken – spoken language not much affected by school instruction; often conspicuously local not appropriate for public affairs or for use by educated people, regional pronunciation types exist in Great Britain:

1) Southern English pronunciation;
2) Northern English pronunciation;
3) Scottish pronunciation;
4) Irish pronunciation; among which the Southern English pronunciation is chosen as the orthoepic standard for modern English. This type of pronunciation is often called standard English. D.Jones called it Received Pronunciation (RP) by which he ment "… merely widely understood pronunciation… in the English – speaking world…"

The pronunciation types of English in the USA as compared with General British

The aim of the seminar is to introduce: speech areas in the USA, the pronunciation of English in other countries, the relationship between the principal types of English pronunciation and their dialects.

- English was brought to the American continent by the English colonists in the first half of the sixteenth century. There are at least three major speech areas in the USA:

1) The Eastern type of pronunciation;

2) The Southern type;

3) The Western General American type.

Eastern type of pronunciation is called Eastern New England speech. In New England and in the Boston State American English have some common features with RP pronunciation. They are found in such words like dock /dCk/, hot /hCt/, dance /da:ns/; sir /sB:/, for /fa:/ in which vowels sound alike.

The Southern type of pronunciation - one of the specific phonetic features of this type of pronunciation is the so-called “Southern drawl” which is characterized by the diphthongization both long and short vowels in certain positions (in stressed position, before voiced consonants and fricatives). The first element of the diphthongs is pronounced long. While the second is omitted.

The Western type of American English is accepted as the literary pronunciation in the USA which is used by 120million people. This type of pronunciation is known as General American. It is also called – Standard American Pronunciation.

The following differences exist within the consonant systems of RP and GA. One of the most striking phonetic features of General American is observed in the retroflex sonorant articulation of /r/.

- The pronunciationof English in other countries.

- The Canadian type of pronunciation - has common phonetic features both with RP and GA. The most specific phonetic features of CaE are the following:

The Australian Type pronunciation – Australian English is one the literary national types used since the end of the eighteenth century. There are three types of pronunciation in Australia:

1. Educated or Cultivated Australian English;

2. Broad Australian English;

3. General Australian English – which is regarded as a literary type.

In principal the phonetic inventory of GAu does not differ much from RP but the distribution of phonemes is different in both literary types. There are also slight differences in word accentuation and intonation between CAu and RP. But many cases GAu is much closer to the RP pronunciation than that of GA.

The New Zealand English Pronunciation – this type of pronunciation has many features in common with RP. The most striking phonetic features of the New Zealand English pronunciation are the following;

4. The South African Pronunciation - the following type are the most striking phonetic features of this pronunciation.

There are also other types of pronunciation in Asia (India, Pakistan, Philippines), in America, which are regarded as dialects or idiolects.

The system of Consonant Phonemes in English

The aim of the seminar is to introduce: vowel – consonant distinction, the Articulatory and acoustic classification of English consonants (in comparison with Uzbek and English), the General phonetic principles of the classification of consonant sounds as follows: 1) the place of articulation; 2) the manner of production; 3) the presence or absence of voice; 4) the position of the soft palate; the system of the English consonant Phonemes: Labial (bilabial or labio - dental) –

forelingual: between plosives /p-t/, /b-d/; between fricatives /f-I/, /v-B/, /f-s/, /v-z/; between nasals : /m-n/; between constrictive sonants /w-l/, /w-r/ in which the features bicentral unicentral and round narrowing – flat narrowing are non – distinctive.

A language which is a mother tongue of several nations is called a polyethnic language or a nationally heterogeneous language e.g. English, German, Spanish, etc. In a polyethnic language therecan exist a great variety in terms of pronunciation.

**Literature to be used**

1. A Dictionary of Linguistics and Phonetics/ David Chrystal. – Cambridge University Press, 1997. – P. 290-292.

2. Celce-MurciaM., Brinton D., Goodwin J. Teaching Pronunciation: A Reference for Teachers of English to Speakers of Other Languages. - Cambridge: Cambridge University Press, 1996. – 428 p.

3. Clark H., Clark E. Psychology and language. – New York: Harcourt Brace Jovanovich, 1977.

4. Giegerich, H. English Phonology: An Introduction. – Cambridge: Cambridge University Press, 1992.

5. Roach, Peter. A Little Encyclopedia of Phonetics, http://www. personal. reading.ac.uk/~llsroach/peter/

## TOPONYMS AS AN OBJECT OF LINGUOCULTUROLOGIC RESEARCH

**G.M. Ibragimova, O.T.Vositov.**
**Andijan state university**

***Аннотация***: *Мақолада топонимларни лингвокультурологик макон объекти сифатидаги ўрни масаласи таҳлил қилинади.*

***Калит сўзлар:*** *топоним, географик ва геосиёсий омиллар, Шотландии, Уэльсе, Ирландии, Корнуэлла, Мэн ороли.*

***Аннотация***: *В статье анализируются топонимы как лингвокультурные пространственные объекты.*

***Ключевые слова:*** *топоним, географических и геополитических факторов, Шотландии, Уэльсе, Ирландии, Корнуэлла, остров Мэн.*

***Annotation***: *The article discusses the linguocultural features of toponyms as an object of place.*

***Key words***: *toponyms, geographic and geopolitical factors, Scotland, Wales, Ireland, Cornwell, isle of Maine.*

To one of the forms of the national-linguistic design of the world, the model of which depends on certain historical conditions, belongs to the geographic place of the first - one of the first under the geographic space, we understood the territory that was occupied by one or another tribe, community, and later - the state.

Geographic place was the human habitat, therefore he studied it, what to use for his practical purposes. A man explored those realities of being with whom he faced in everyday life. These realities at first were areas of the surrounding landscape - field, plain, mountains, forests, valleys, rivers, lakes, etc., therefore - household items characteristic of a city.

The knowledge of the geographic place of each individual nation plays a very important role in the formation of its national mentality.

G. Gachev in his works on culturology devotes a significant place to the influence of geographic and geopolitical factors on the formation of the national mentality of different peoples. He believes that nature, being the "body of the earth", "determines the person of national integrity", that it "determines ... the model of the world ..." [1, 63].

Geographic spatial relations in the language and speech are expressed by means of toponyms. L.N. Davletkulova by definitions understands "historically, socially and culturally conditioned geographic names of any natural or artificially created human objects" on the Earth or terrain [2, 33].

N.V. Podolskaya gives a definition of the term: that is, it is a "proper name, which in the appropriate context taking into account the place, time, language and writing serves to distinguish geometrically similar [4, 32].

The science of origin, semantic and historical-cultural state of geographic names is called toponymics [5, 3]. Usually, defining the place of toponymy in the system of science, researchers mark its position at the junction of geography, linguistics and history. By virtue of the fact that geographic names always refer to a certain territory, reflecting the peculiarities of the locality, in other words, it is considered as belonging to the geography. However, the geographical names appeared at a certain stage of development of the society. They arose in connection with the need to allocate, to distinguish one locality from another. The people, noticing the singular, individual among the mass and ordinary, gives the name of the geographic object by its characteristic recognition, distinguishing it from other similar objects [5, 4].

Geographic names are very stable, they are preserved for a long time, becoming unique historical monuments, therefore, according to the opinion of many researchers [3, 42].

The concept is closely related to the history of its country, which is reflected in the language. Consider this on the example of the British Isles, in the geographic names of which each of the languages of the many British invaders is represented.

So, in Scotland, Wales, in the extreme west of Cornwell and in Ireland, on the Isle of Maine, Anglesey and some others, many Celtic names have been preserved: *Don Avo Guid*, *Shanon*, etc. Especially widespread hydronyms are formed as to the word *avon* i.e. "river"

In the names of the lake, the term *loch* is especially often found, which in the Celtic languages of Scotland and Ireland means "lake" or "sea bay".

The influence on the language and culture of England was exerted by the Anglo-Saxon tribes (Angles, Saxons, Jutes), who lived on the territory of modern Europe and who conquered England in the 5th century AD. e. The Anglossaxes

called their new country *England* (*the land of Angles*), and their language was called Englisc. The Anglossacks gave numerous geographic names and many elements of the English origin we find in the modern English toponymy.

As K. Cameron notes, "each subsequent language influenced the existing ones in the English language from the point of view of their phonetic and graphic form" [6, 36].

The enormous influence on England's likeness was shown by the Roman conquest of the British Isles, which lasted 300 years. Latin roots can be traced in the names of many geographic names (mainly settlements). For example, *Eccles* (from Latin *ecclesia*, ie "church"); *caster / chester / ceaster* (from *castra*, which means "*strength*"): *Manchester, Lancashire, Chester, Cheshire*, etc.

The Scandinavians brought many of their names to England. In addition, they replaced some components of existing names with the roots of their own language. In some cases, they simply changed the sound of the previous names. Among the tokens brought by the Vikings, we find: *Asenby* (North Yorkshire), *Baldersby* (North Yorkshire) and others. Scandinavian names are most widely represented in Yorkshire and Lancashire.

The last appearance of the English toponyms was caused by the Normandy Conquest of the British Isles, which took place in 1066. The Norman Conquest had a great influence on the formation of the English language and left a significant mark in the toponymy of England. Among the geographic names that have Normandic roots: *Beauchief, Richmond* (North Yorkshire), *Rougemon, Enville* (Staffordshire) and others.

So, toponymics is a kind of historical document or monument recognized through the prism of a language. From this point of view we conclude that geographic names show not only history of a country in the cultural context but also a part of lexical system of a language. At the same time toponymics is considered a part of linguistics. At a modern stage, the linguistic aspect of toponymy outstrips and stimulates its other aspects.

**Literature to be used:**

1. Гачев Г. Национальный космо-психо-логос // Вопросы философии. – 1994. – № 12. – С. 59 – 78.
2. Давлеткулова Л.Н. Топонимы в лингвокультурологическом аспекте (на примере географических названий графства Оксфордшир и Челябинской области): Дисс. … канд. филолог. наук. – Челябинск, 2014. – 220 с.
3. Никонов В.А. Введение в топонимику. – М.: Наука, 1960. – 180 с.
4. Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – М.: Наука, 1978. – 200 с.
5. Поспелов Е.М. Топонимика и картография. – М.: Мысль, 1971. – 256 с.
6. Cameron K. English place names. – London: Batsford, 1977. – 258 p.

# БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КОГНИТИВ ВА МОТИВАЦИОН - АФФЕКТИВ ХУСУСИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ТАВСИФИ

**Мамажонова Зулфизархон Мадаминовна-**
**Андижон давлат университети докторанти**

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларнинг когнитив ва мотивацион - аффектив хусусиятларини ривожлантиришнинг педагогик-психологик тавсифи берилган. Ўқитувчиларнинг касбий билимлари ва эътиқодлари ҳамда, уларнинг мотивацияси ва ўзини-ўзи бошқариш хусусиятлари ёритилган.*

***Аннотация:*** *В статье дается педагогико-психологическая характеристика развития когнитивных и мотивационно-аффективных характеристик будущих учителей. Выделены профессиональные знания и убеждения учителей, а также их мотивация и характеристики самоуправления.*

***Abstract:*** *The article provides a pedagogical and psychological characteristic of the development of cognitive and motivational-affective characteristics of future teachers. Highlighted the professional knowledge and beliefs of teachers, as well as their motivation and characteristics of self-government.*

***Калит сўзлар:*** *когнитив, мотивацион, аффектив, эътиқод, ўзини-ўзи бошқариш, касбий билим, профиссионал билим, иштиёқ, чидамлилик.*

***Ключевые слова:*** *когнитивный, мотивационный, эмоциональный, вера, самоуправление, профессиональные знания, профессиональные знания, страсть, выносливость.*

***Keywords:*** *cognitive, motivational, emotional, faith, self-management, professional knowledge, professional knowledge, passion, endurance.*

Сўнги ўн йилликларда қандай қилиб ўқитувчининг шахсий ва касбий муваффаққиятини аниқлаш бўйича турли хил ёндашувлар мавжуд. Таниқли ёндашувлардан бири ўқитувчининг муваффаққияти ўқувчилар эришган ютуқларларнинг қўшимча қийматига боғлиқ деган таърифнинг [3,794; 5,24] берилишидир. Яна бир ёндашув таълим сифатини ҳисобга олган ўқитувчиларнинг хатти-ҳаракатлари[2,445] дейилган. Олиб борилган тадқиқотлар когнитив нуқтаи назаридан ўрганилган (масалан, ўқитувчиларнинг касбий билимлари), шунингдек мотивацион таъсирчан ўқитувчининг хусусиятлари (масалан, ўзини-ўзи бошқариш самарадорлиги), ҳозирги вақтда ушбу ўқитувчи хусусиятларига қўшимча қўлланиладиган хусусиятлари бўйича тадқиқотларни илгари суриш долзарблик касб этмоқда.

Ушбу тадқиқотда биз ўқитувчилик касбига хос компетенциянинг назарий моделига асосланамиз: ўқитувчилар учун концепциялашган касбий компетенция иккала билимни ҳам ўз ичига олган кўп ўлчовли қурилиш сифатида (касбий билим ва эътиқод) ва мотивацион –аффектив (мотивацион йўналишлар ва ўзини-ўзи бошқариш) хусусиятлари[1,25; 4,105]. Аниқроғи, биз унинг конфигурасини кўриб чиқамиз: ўқитувчининг когнитив ва мотивацион-аффектив хусусиятларига хос характеристикаларининг ўхшашлигини аниқлаш (масалан, барча ўзгарувчилар бўйича юқори даражалар) ёки фарқли намуналарини топиш мумкин (масалан, юқори профиссионал билим, аммо паст мотивацион хусусиятлар).

Биз юқори даражадаги когнитив ва мотивацион таъсирчанлигини текширамиз. Юқори мотивацияга эга бўлган ўқитувчилар, билим даражалари паст миқдорда бўлса муваффақиятга эришиш имкони бўладими? Ёки унинг акси, юқори профиссионал билимга эга бўлган ўқитувчилар, паст миқдорда мотивацияга эга бўлса натижа нима бўлади? Тадқиқ қилиниши лозим бўлган масаланинг туб илдизи мана шу жойда. Демак, ўқитувчининг когнитив ва мотивацион-аффектив хусусиятларига изоҳ бериб ўтамиз:

*1. Когнитив хусусиятлар: ўқитувчиларининг касбий билимлари ва эътиқодлари*

Ўқитиш бўйича тадқиқотларда энг муҳим хусусиятлардан бири ўқитувчиларни ўқитиш-бу уларнинг касбий билимларини оширади. Касбий билим предметга хос ёки умумий билим сифатида тавсифланиши мумкин.

Бундан ташқари, ўқитишда касбий далилларга бўлган муносбатларга ва унинг амлаиётига қизиқиш тадқиқотчилар ва сиёсат марказида эканлигини эътироф этиш ўринли. Бинобарин, ўқитувчилар таълими нафақат касбий билимларни ривожлантириш, шунингдек мухим бўлган эътиқодни тарғиб қилиш имконига эга бўладилар.

*2. Мотивацион-аффектив хусусиятлар: ўқитувчи мотивацияси ва ўзини-ўзи бошқариш*

Когнитив жиҳатдан ташқари, мотивацион-аффектив ўқитувчи хусусиятлари ҳозирги кун тадқиқотларининг бош масаласи бўлиб турибди. Ўқитувчининг мотивацияси, иштиёқи ва унинг эътиқоди энг кўп ўрганилиши лозим. Чунки, ўқитувчи фаолиятининг самарадорлиги ўқитувчининг унга ёки унинг қобилиятига бўлган ишончини англатади.

Ўқитувчиларнинг мотивацион қобилиятлари ривожлантирилса, муваффақият қозониш ўқувчи-талабаларни ўрганиш ёки фаолиятга жалб этишда, хаттоки қийинчиликлар олдида ҳам таълимнинг керакли натижаларига эришиш мумкин бўлади.

Бундан ташқари, бир нечта тадқиқотларда ўқитувчиларнинг иштиёқи, таълим сифатини ҳам, ўқувчиларнинг ютуқларини ҳам, ўқитувчининг касбий фаровонлигини асоси ҳисобланади дея фикрлар билдирилгани бежизга эмас.

Мотивацион-аффектив хусусиятлар эгилувчан [6,388], ўқитувчилар таълими деб юрилиши мумкин бўлган ушбу консепция ижобий, мотивацион таъсирчанликни ривожлантириш имкониятига эгадир.

Тадқиқотимизни аниқлик сари олиб бориш давомида яна бир “ўз-ўзини бошқариш” тушунчага тўхталиб ўтамиз. Тадқиқотчиларнинг фикрича, “ўз-ўзини бошқариш” инсоннинг барча “фикрларини, режалаштирилган ва даврий равишда мослаштирилган ҳис-туйғулар ва ҳаракатлар орқали шахсий мақсадларга эришиш” дея изоҳланади. Бизнингча, ўз-ўзини бошқариш-шахсий ресурсларини маъсулият билан бошқариш қобилияти сифатида қараш ўринли. Шундай қилиб, иш ресурсларини инвестиция қилиш стратегияси сифатида икки омилга ажратиш, яъни профиссионал масофани сақлаб қолиш ва муваффаққиятсизликка дош бериш стратегияси. Топилган юқори иштиёқ ва чидамлиликка эга ўқитувчилар юқори ўқув сифати, талабаларнинг мотивацияси ва кўрсаткичларига эриша оладилар. Натижа албатта муҳим, аммо чидамлилик, инсонниг ўзини-ўзи ривожлантириш, билим ва кўникмалар, шунингдек, ўзини тартибга солишни амалга ошириш мақсадли жараёнлардир.

Ушбу назарий истиқболга мувофиқ, ўзини акс эттиршни кўрсатадиган ўқитувчиларнинг касбий билимларини ва мотивацион қобилиятларини ривожлантириш, уларни ўқитиш сифати, ишидан қониқиш хосил қилиш ҳамда уларнинг эътиқодлари билан боғлиқ эмприк далиллар мавжуд.

## Адабиётлар

1. Baumert, Jürgen, & Kunter, Mareike (2013). The COACTIV Model of Teachers' Professional Competence. In Mareike Kunter, Jürgen Baumert, Werner Blum, Ute Klusmann, Stefan Krauss, & Michael Neubrand (Eds.), Cognitive Activation in the Mathematics Classroom and Professional Competence of Teachers (pp. 25e48). New York: Springer.
2. Grossman, P. L., Loeb, S., Cohen, J., & Wyckoff, J. (2013). Measure for measure: The relationship between measures of instructional practice in middle school English language arts and teachers' value-added scores. American Journal of Education, 119(3), 445e470. https://doi.org/10.1086/669901
3. Hill, H. C., Kapitula, L., & Umland, K. (2011). A validity argument approach to evaluating teacher value-added scores. American Educational Research Journal, 48(3), 794e831. https://doi.org/10.3102/0002831210387916
4. Kunter, M., Klusmann, U., Baumert, J., Richter, D., Voss, T., & Hachfeld, A. (2013). Professional competence of teachers: Effects on instructional quality and student development. Journal of Educational Psychology, 105, 805e820. https:// doi.org/10.1037/a0032583

5. Lincove, J. A., Osborne, C., Dillon, A., & Mills, N. (2014). The politics and statistics of value-added modeling für accountability of teacher preparation programs. Journal of Teacher Education, 65(1), 24e38. https://doi.org/10.1177/ 0022487113504108
Locke, E. A., & Latham, G. P. (2004). What should we do about motivation theory? Six recommendations for the twenty-first century. Academy of Management Review, 29(3), 388e403. https://doi.org/10.2307/20159050

# ОСОБЕННОСТИ НАРОДНОЙ ПЕДАГОГИКИ В ПРОЦЕССЕ ВОСПИТАНИЯ

**Журабекова Хабиба Мадаминовна,**
**доктор философии по политическим наукам(PhD),**
**зав.кафедрой Узбекского языка и литературы АндМИ.**

***Аннотация.*** В данной статье автор уделяет внимание на рол народной педагогики в воспитании подрастающего поколения, указывает на особенности народной педагогики. Автор отмечает, что несравненная ценность национальной педагогики состоит в том, что, она содержит в себе педагогические истины, сформировавшиеся веками и имеет жизненно-практический характер.

***Ключевые слова:*** народная педагогика, процесс воспитания, опыт, подрастающее поколение, семейные ценности.

***Annotation.*** In this article, the author pays attention to the role of folk pedagogy in the upbringing of the younger generation, points to the peculiarities of folk pedagogy. The author notes that the incomparable value of national pedagogy lies in the fact that it contains pedagogical truths formed over the centuries and has a vital and practical character.

***Key words:*** folk pedagogy, the process of education, experience, the younger generation, family values.

***Аннотация.*** Ushbu maqolada muallif yosh avlodni tarbiyalashda xalq pedagogikasining ahamiyatiga e'tibor qaratib, xalq pedagogikasining o'ziga xos xususiyatlariga alohida ahamiyat beradi. Muallifning ta'kidlashicha, milliy pedagogikaning beqiyos qiymati uning asrlar davomida shakllangan pedagogik haqiqatlarni o'z ichiga olganligi va hayotiy va amaliy xarakterga ega ekanligidadir.

***Kalit so'zlar:*** xalq pedagogikasi, ta'lim jarayoni, tajribasi, yosh avlod, oilaviy qadriyatlar.

Изучение опыта предков является одной из главных задач современной педагогической науки. Однако учет национальных особенностей воспитания не должен вести к культурной стигматизации. Задача современной педагогической науки должна заключаться в поиске сил, способствующих развитию современной науки, исходя из национальных особенностей.

Сегодня, если обратить внимание на культурные взгляды и особенности народов разных стран мира, достижения в области культуры играют очень важную роль в решении существующих проблем. Благодаря многовековому опыту подготовки подрастающего поколения к жизни особое значение приобретает подготовка молодых людей к демократическому обществу, основанному на современных отношениях рыночной экономики. Очевидно, что есть много вещей, которые можно применить в процессе обучения и воспитания, в народной педагогике. Народная педагогика - это совокупность педагогических знаний, навыков и умений, способов и средств обучения, необходимых для формирования социальных характеристик личности.

Национальная педагогика формируется на основе взглядов, представлений и традиций народа по вопросу воспитания. Несравненная ценность национальной педагогики состоит в том, что, прежде всего, она содержит в себе педагогические истины, сформировавшиеся веками, во-вторых, она имеет жизненно-практический характер. Это находит выражение в том, что все идеи народной педагогики основаны на практическом опыте, проверены на практике и ориентированы на практическую деятельность по воспитанию подрастающего поколения. Имеющиеся жизненно важные (бытовые, трудовые, нравственные) и педагогические сведения, наблюдения в народной педагогике важны, они в равной степени усваиваются как взрослыми, так и детьми в процессе воспитания. Народная педагогика - продукт исторического и социального опыта, а также инструмент, фактор формирования социальной морали и навыков социальной адаптации. Народная педагогика воплощает в себе лучшие ценности педагогической культуры общества: уважение к взрослым, гостеприимство, трудолюбие, нравственность, честность и так далее. Социальная природа народной педагогики состоит в том, что она проявляется во взаимодействии со многими этнокультурными явлениями: мировоззрением, медициной, этикой, религией, экологией и другими. Эти проблемы также широко изучаются учеными. В узбекской народной педагогике бытует глубокое мнение о том, что человек связывает мир через жизнь и личный опыт. Потому что, взаимодействуя с другими, человек узнает их уникальные особенности. Народная педагогика находит отражение в образцах фольклора: пословицах, сказках, загадках, песнях, былинах, легендах. Именно здесь люди на протяжении веков обобщали свой социальный опыт. Они содержат советы, увещевания, увещевания в форме пословиц и представляют реальные (жизненно важные) взгляды людей на общественную жизнь.

Условия жизни, семейные традиции, методы и средства воспитания у узбекского народа чрезвычайно разнообразны, о чем свидетельствуют

многочисленные источники. Именно в них мы встречаем трудовые процессы, специфические описания праздников для парней и девушек.

Некоторые особенности семьи и семейного воспитания всегда были в поле зрения и нашли отражение в народной педагогике. Люди в первую очередь боролись за создание счастливой семьи. В народной педагогике семья считается «источником счастья», «красотой природы», трудолюбивым сообществом, в семье признается равенство женщин и мужчин, права женщин защищаются, предотвращаются разводы, трепетно относятся к разрешению семейных споров. В народной педагогике материнство считается высшей общественной ценностью, а в фольклоре мать всегда превозносится. Социальная ответственность семьи признается людьми в детской нравственности, уважении, учтивости взрослых и детей, ведении хозяйства, животноводства, различных профессиональных навыках.

Таким образом, в процессе воспитания подрастающего поколения необходимо опираться на народную педагогику, сочетая её с современными инновационными педагогическими технологиями, что даёт эффективный результат педагогу в своей деятельности.

**Литература:**

1.Абдулатипов Р. **Г.**Человек. Нация. Общество. — М.: Политиздат, 1991.
2.Аюпов А. А. ва бошқалар. Мустақиллик мафкураси ва Ўзбекистонда демократии жамият куришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари / Ўқув-услубий қўлланма. — Т.: Университет, 2001
3.Миллий истикдол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т.: Ўзбекистон, 2001.

## ГЕОГРАФИЯГА ОИД ТЕРМИНЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Мадинахон Усмонова, Яшнахон Қосимова**
**Факультетлараро чет тиллар кафедраси**
**(ижтимоий ва гуманитар фанлар) ўқитувчилари**

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада атамаларнинг тилшуносликдаги ўрни ва географияга оид атамаларнинг инглиз тилига таржимаси хусусидаги фикр, мулоҳазалар ёритилди.*

***Калит сўзлар:*** *атама, услубий бетарфлик, умумхалқ лексикаси, тушунча, номинация*

***Annotation:*** *This article covers the role of terms in linguistics and ideas about their interpretation into English of terms related to geography.*

***Keywords:*** *term, stylistic neutrality, general lexical, concept, nomination*

***Аннотация:*** *В данной статье рассматривается роль терминов в лингвистике и представления об их интерпретации на английский язык терминов, связанных с географией.*

***Ключевые слова****: термин, стилистическая нейтральность, общая лексика, концепт, номинация*

Термин (lot. terminus — чегара, ҳад) — билим ёки фаолиятнинг махсус соҳасига доир тушунчани ифодалаовчи сўз ёки сўз бирикмаси. Термин умумхалқ тилига муайян терминалогик тизим орқали ўтади, бинобарин, термин ва умумистеъмолдаги сўзлар бир-бирини тўлдирадиган лексик бирликлардир. Систем характерга эгалик ўз терминалогик майдонида бир маънолиликка мойиллик, хис туйғуни ифодаламаслик, услубий бетарафлик кабилар терминга хос хусусиятлардир. Биология, математика, тилшуносликда қўлланиладиган "функция" сўзини кўп маъноли термин сифатида эмас, балки терминологик омонимлар, соҳалараро содир бўладиган ретерминологик жараён (бир соҳа терминининг иккинчи соҳа термини сифатида қўлланиши) ҳосиласи тарзида қаралмоғи лозим. Умумхалқ лексикасига доир қонуниятлар термин ҳосил қилишда ҳам кузатилади. Сўз билан термин умумий ва хусусий томонлари етарли даражада очиб берилган эмас; кундалик турмушда кенг истеъмолда бўлган сўзлар айни пайтда турли соҳаларга доир терминлар ҳамдир. Мас, *қулоқ, бурун, томоқ*— анатомия ва тиббиёт; *гилам, шолча, палос* — гиламдўзлик; *китоб, ручка, дафтар* — педагогик соҳа терминлари бўлиш билан бирга умумхалқ тилида фаол қўлланади.

Ҳозирги кунда "термин" сўзи билан "атама", "истилоҳ" сўзлари ҳам айни маънода қўлланилмоқда. Лекин улар "термин" сўзининг ҳозирги маъносини тўлиқ ифода эта олмайди. "Атама" сўзи кенг маънода бўлиб, географик объектлар, атоқли номларга нисбатан қўлланилади. "Истилоҳ" сўзини эса термин маъносида тарихий мавзулардаги матнлар (мас., адабиёт тарихи, Шарқ фалсафаси ва бошқалар)да бемалол қўллаш мумкин[1].

"Термин"нинг замонавий тушунча тамойилига эса, асосан, муайян соҳалар (медицина, спорт, иқтисодиёт, қонунчилик, ҳуқуқ, санъат, молия, китобатчилик, сиёсат, маориф, дипломатия ва б.)да аниқ тушунчани ифода этадиган, махсус функционал вазифа бажарадиган сўз ва сўз бирикмалари киради. Термин семантик нуқтаи назардан махсус соҳа доираси билан чегараланган лексик бирликдир[2].

Шунингдек, терминлар бирор халқ тили асосида шаклланади, бунда махсус тушунчаларни ифодалашнинг миллий восита ва усуллари ҳам ишга солинади, шу билан бирга уларнинг янги турлари ҳам кашф этиб борилади. Кўплаб авлодларнинг профессионал тажрибасини қайд қилган ва тартибга

солган ҳолда терминлар инсоннинг тилдаги ролини яна ҳам кучайтирувчи соҳага айланади.

Кўп халқларда борлиқдаги предмет ва ҳодисалар ҳақидаги муҳим тасаввурлар деярли ўхшаш. Масалан, *сув* - *water,* *ҳаво-* *air ,* *табиат* - *nature, қуш –bird* каби сўзлар ўзбек ва бошқа чет тилларда қўлланилади. Бироқ улар англатган тушунчалар ушбу тилларда турли усулда номланади. Шунинг учун ҳам ушбу тиллардаги номинациянинг барча усуллари ва хусусиятларини ўрганиш муҳим илмий аҳамиятга эга.

Илм-фаннинг тез суратларда ривожланиши натижасида тилимизга янги атамалар кириб келмокда. Шунингдек, географияга оид сўзлар ҳам ўз навбатида ўша терминлар сирасида бўлиши мумкин. Олиб борилаётган тадқиқотлар, ихтиролар, кашфиётлар янги атаматларни яратилишида етакчи омил саналади. Бунда маълум бир сўзнинг янгидан янги тушунчалари пайдо бўла бошлайди, эски тасаввурлар ўзгаради ва бу ўша заҳотиёқ бошқа соҳага оид номланишларнинг маънолари ҳажмига таъсир қилади. Натижада улар ўша соҳа учун қўшимча терминлик вазифасини ҳам бажаради. Масалан, геграфия соҳасига тегишли бўлган *тош* термини *табиий қаттиқ жисм* ҳисобланади. Молия, солиқ, иқтисод соҳаларида *ўлчов бирлигини* ифодалайди. Спорт соҳасида *мускулларни ривожлантирувчи оғир қурол* маъносини ифодалайди[2].

Албатта, янги термин ҳосил бўлишда тилда мавжуд бўлган аввал қўлланган тушунча маънолари сақланган бўлади. Географияга оид терминларни ўрганишда уларнинг маъносидан келиб чиқиб қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1) ўсимликни фодаловчи номлар: *flora-флора, flowers-гуллар, trees-дарахтлар*

2) ландшафтни англатувчи номлар: *forest -ўрмон, desert- чўл, mountains-tog'.*

3) дарё ва денгизларнинг номлари: *river-дарё, sea - денгиз.*

4) моддалар маъносини англатувчи номлар: *кислота -acid, смола -gum, сирка - vinegar, хлор - chlor, оғу - toxin.*

*5)* хайвонот олами номлари: *faune* кабилар.

Юқорида келтирилган тушунчалар фаннинг тараққиёти давомида пайдо бўлади ва бойиб боради. Кейинги йилларда уларнинг кўпчилиги европа тилларда деярли бир хил фонетик кўринишга эга. Ҳар қандай тил уни яратган инсонлар каби тирик бўлгани учун унинг ташувчиси каби доимий тараққий этиш, ўсиш, ўзгаришга маҳкум этилган. Бу ҳолат тилнинг биологик қатламида ҳам иккиламчи номинациялар сифатида яққол кўзга ташланади. Иккиламчи номинация туфайли ҳосил қилинган сўзлар тилда мавжуд тайёр

тил бирликларининг маъно ва мазмун жиҳатдан ўзгаради ва ўзлари учун иккиламчи функцияни бажаради[3].

Хуллас, термин - бу сўзнинг бирор бир нимани аташ хусусияти саналади, борлиқдаги предмет ёки ҳодисаларнинг хусусиятлари ҳамда муносабатлари тизимини ҳосил қилади, айнан улар бизнинг онгимизда ушбу предмет ёки ҳодиса ҳақида мураккаб тасаввурларни юзага келтиради.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. https://uz.wikipedia.org/wiki/Termin
2. Саримсақов Х. Инглиз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг чоғиштирма тадқиқи. Филол.фан.ном.дис.автореф. -Тошкент, 2020
3. Ўзбек тили атамашунослиги. – Тошкент: Фан, 1990, – 100 б.


## МАКОН ИФОДАЛОВЧИ ДЕЙКТИК БИРЛИКЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК ТАДҚИҚИ


**М. Ишанжанова, О. Қўчқарова.**
**Факультетлараро чет тиллар (ижтимоий ва гуманитар фанлар) кафедраси катта ўқитувчилари.**
**Андижон давлат университети**



***Аннотация:*** *Ушбу мақолада макон ифодаловчи дейктик бирликларнинг грамматик жиҳатдан тадқиқи ёритилган. Морфологик хусусиятларига кўра макон дейксиси таснифлаб таҳлил этилган.*



***Калит сўзлар:*** *макон дейксиси, ўринга ишора этувчи бирликлар, кўрсатиш олмошлари, ўрин равишлари, харакат феъллари*



***Annotation:*** *In this article, the study of the grammatical units representing space is covered. According to the morphological features, the spatial complex is analyzed by classification.*



***Key words:*** *space scale, units pointing to the position, determinative pronouns, position adverbs, motion verbs*



***Аннотация:*** *В данной статье рассматривается изучение грамматических единиц, репрезентирующих пространство. По морфологическим признакам пространственный комплекс анализируется классификацией.*



***Ключевые слова:*** *пространственная шкала, единицы, указывающие на позицию, определительные местоимения, позиционные наречия, глаголы движения.*


Макон ифодаловчи дейктик бирликлар чоғиштирилаётган тил тизимларида турли бирликлар билан ифодаланишига кўра фарқланади. Ҳар бир тилда уларнинг тузилиши ўзига хосдир. Ўзбек тилида Р.Давлатова макон

ишора бирликларнинг семантик хусусиятларини фақат мустақил сўз туркумлари доирасида ўрганиб уларни қуйидагича тасниф қилади:
1) кўрсатиш олмошлар: *мана, ана, ўша...*
2) ўрин равишлари: *узоқда, чапда, ўнгда, пастда, тубанда, олдинда, орқада...*
3) масофа англатувчи сифатлар: *узоқ, яқин, йироқ ...*
4) ўринга муносабат билдирувчи белги ифодаловчи сифатлар: *ички, ташқи, сиртқи, устки...*
5) масофа маъносини англатувчи сонлар ва улар билан қўлланувчи ҳисоб сўзлар: *уч чақирим, бир-икки қадам ...*
6) маконга ишора қилувчи феъллар: *кел, кет, кир,чиқ,...*

Р.Давлатова макон дейксисини “узоқ” ва “яқин”даги ўринга ишора қилишига кўра маъноларини ёритар экан *тепада-пастда, ўнгда-чапда, ичкарида-ташқарида* каби равишлар зидлик ҳосил қилишига кўра сўзловчининг маконга нисбатан жойлашишига ҳам ишора қилишини таъкидлайди. Масалан: *Ташқаридан кимнингдир овози эшитилди*. Бу мисолда ишора қилинаётган макон зидлик оппозициясига киришиш орқали сўзловчи айни пайтда ичкарида эканлигини билдиради.

Олиманинг қарашларида макон ифодаловчи лексик бирликлар фақат зидлик семантикасига кўра тадқиқ этилган. Лекин зидлик муносабатига кириша олмайдиган дейктик бирликлар унинг фикридан четда қолган. Б.Қурбанованинг тадқиқотида макон ишораларининг грамматик воситалар, яъни макон келишиклар билан ифодаланишига ҳам эътибор қаратилган. Мазкурнинг тадқиқотлар таҳлилидан келиб чиқиб француз, ўзбек тилларида зидлик хусусиятига эга ва зидлик хусусиятига эга бўлмаган макон дейктик бирликларнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги тасниф шаклланди.

**Француз тилида:**
1.Кўрсатиш сифатлари: *ce,cette, ces*
2.Кўрсатиш олмошлари: *celui-ci, celui-là, celle-ci, celle-là, ceux-ci…*
3. Сўроқ олмошлари: *où, d’ où*
4.Нисбий олмош: *où*
5.Маконни англатувчи сифатлар: *lointain, proche…*
6.Ўрин равишлари: *ici, là, là-bas…*
7.Ҳаракат феъллари: *aller, venir, apporter, porter, partir, arriver…*

**Ўзбек тилида:**
1. Кўрсатиш олмошлари: *бу, шу, у..*
2. Сўроқ олмоши: *қаер...*
3.Бўлишсизлик олмоши: *ҳеч қаер...*
4.Гумон олмоши: *аллақаер, қаердир*.
5. Белгилаш олмоши: *ҳар ерда, ...*
6.Маконга ишора қилувчи сифатлар: *узоқ, яқин...*
7.Ўрин равишлари: *бу ер, у ер, ичкари...*
8.Ҳаракат феъллари: *кел, бор...*
9.Макон келишиклари*: га, да, дан*

10.Кўмакчилар: *уст, ост, ора, олд, орқа...*

Тадқиқотлар натижасида маконга ишора маъносида энг кўп олмошлар ва равишлар қўлланилиши аниқ бўлди. Макон равишлари узоқ/яқинликка ишора билан чекланиб қолмасдан, нутқда ва матнда вақтни, ҳолатни, воқеликни ва айрим мантиқий муносабатларни ҳам англатади.

Илмий адабиётлардан маълумки, ўзбек тилида кўрсатиш олмошлари семантик функционал жиҳатдан олимлар томонидан равишларга нисбатан кўпроқ таҳлил этилган. Кўрсатиш олмошларининг дейктик хусусияти ҳақида Ф.Д.Ашнин ўз тадқиқотида "кўпинча предметга ишора қилиш пайти шу предметни бевосита кўриш ёки бошқача сезиш орқали идрок қилиш билан тўғри келади" дея таъкидлайди. У олмошларнинг ишора белгиси сифатида қўлланилиши, унинг дейктик ифодаланишидир, деб билади.

Н.Ф.Янко Триницкая эса, кўрсатиш олмошларининг дейктик вазифаси уларнинг предмет ва ҳодисаларга бевосита ишора қилиб, уларнинг ўзига ўхшашлар қаторидан ажратишини айтиб ўтади.

Туркшунос олим А.Н.Кононов кўрсатиш олмошларининг дейктик маъноларини ҳозир мавжуд бўлган, алоҳида таъкидланаётган, лекин а) ўзи номаълум ва сўзловчидан узоқда, б) ўзи маълум ва сўзловчидан узоқда жойлашган предмет, шахсни аниқлашга қаратилган белги эканлигини тушунтиради.

Макон дейксисининг морфологик таснифининг ҳар икки тилда турлича ифодаланиши уларни мукаммал тадқиқини кутаётган масалалардан бири саналади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Ашнин Ф.Д. Указательные местоимение и их производные в азербайджанском, турецком и туркменском языках. АКД. — Москва, 1958. — С. 7.
2.Янко-Тринцкая Н.А. Семантика указательных местоимений // Русский язык в школе. № 2. — Москва, 1982. — С. 17.
3.Кононов А.М. Грамматика современного узбекского литературного языка. — Москва, 1960. — С. 174-177.

# РАЗРАБОТКА УРОКА РУССКОГО ЯЗЫКА В 8 КЛАССЕ С УЗБЕКСКИМ ЯЗЫКОМ ОБУЧЕНИЯ

**Пердабекова Зохида Нишанбаевна, учитель русского языка и литературы. Школа № 8 Ташкентской области Кибрайского района**

***Аннотация:*** *Урок сопровождается показом электронной презентации программе POWER POINT и проецированием её на экране интерактивной доски, строится с опорной на ранее изученные темы: «Обстоятельства времени, места, образа действия, цели, меры и степени. Урок разработан на основе учебника для 8 класса с узбекским языком обучения под ред. Яминова У.Т. и др.*

***Ключевые слова:*** *виды обстоятельств, проблема загрязнения окружающей среды, человеческий прогресс.*

Тема урока: Как указать на причину действия (Harakatning sababini qanday ko‘rsatish mumkin?) Проблемы окружающей среды в 21 веке и влияние человека на их появление.

Тип урока: Урок – размышление

Класс: 8 класс

Форма урока: фронтальная, групповая, индивидуальная.

Цель урока:

1. Изучение обстоятельств причины, грамматических конструкций с применением предлогов и союзных слов для образования словосочетаний с обстоятельствами причины и применением их в предложении.
2. Ввести в лексикон учащихся новые речевые конструкции по теме, обогатить словарный запас новыми словами, развивать навыки составления вопросов к тексту, умение составлять сложносочиненные предложения с придаточными обстоятельственными.
3. Воспитание любви к природе, бережного отношения к окружающей среде.
4. Оборудование урока: Мультимедийная презентация, компьютер, листы А4, маркеры, жетоны, смайлы.

Методы урока: кластер, мозговой штурм, конкурс-аукцион, рефлексия, работа в группах.

Вид урока: урок открытия новых знаний.

Ход урока:

I. Организационный момент.

Дорогие ребята, сегодняшний урок я хочу начать со стихотворения В. Орловой: «Берегите природу!»

Чтоб радость завтрашнего дня<br>
Сумел ты ощутить.

Должна быть чистою земля<br>
И небо чистым быть

А Землю эту, не щадя.
Терзал за веком век,
И брал все только для себя
«Разумный человек».
Сейчас же кинулись спасать
«Природную среду»,
Но почему ж так поздно мы
Почуяли беду?
Сквозь фабрик и заводов дым
Нам трудно разглядеть,
Все те страдания, что Земле
Приходится терпеть
Надолго ль хватит нам воды,
Коль растворен в ней яд?
Надолго ль хватит тех лесов
Где топоры стучат?
Спасти поля, леса, луга
И чистую гладь рек - всю Землю
Можешь только ты,
Разумный человек!

- Наш урок будет необычным, так как мы отправляемся с вами в страну Обстоятельств , но, чтобы попасть в неё, нам будет необходимо ответить на вопрос, что может сделать человек , чтобы сохранить , беречь нашу родную природу, окружающую среду.
Вы готовы? Ну, тогда начнем!

II. - Прежде, найти ответ на наш проблемный вопрос, я должна проверить, как вы справились с домашним заданием. На прошлом уроке мы прошли тему «Обстоятельства меры и степени» и научились употреблять речевые конструкции с обстоятельствами меры и степени, многое узнали о таком виде спорта как волейбол, прочитали текст об этом, выполнили упражнения. Я думаю, вы отлично справитесь с заданием , которое я вам сейчас предложу.

III. Деление на группы. Учитель предлагает геометрические фигуры: окружности и квадраты. Каждый учащийся подходит и выбирает себе понравившуюся фигурку.
Образуются две группы. Соответственно выбранных фигур учащиеся садятся за столы.

IY. Составьте кластер на тему: «Спорт». При составлении кластера применить с имена существительные .




Рис 1. Кластер о спорте.

Учитель:
- Ребята, сейчас мы с вами постараемся ответить на вопрос, который был поставлен в начале урока
-Почему загрязняется окружающая среда?

-Из – за чего нарушается экологический климат планеты?
-В связи с чем погибают многие растения на нашей планете?
-Благодаря чему наша планета сможет вернуться в первозданное состояние?
- Давайте проверим, правильно ли вы ответили на вопросы. По причине загрязнения окружающей среды нарушается экологический климат планеты Из-за загрязнения окружающей среды нарушается экологический климат планеты.
В связи с засухой погибли многие растения на нашей планете
Благодаря разумному подходу человека наша планета сможет вернуться в первозданное состояние
- Вы правильно ответили на вопросы. Давайте теперь прочитаем текст: Проблема отходов и ответим на вопросы. Учащиеся читают текст, обращая внимание на выделенные слова.
Словарная работа.
Анализ текста:

1. Что такое упаковка? Назовите виды упаковки для твердых и жидких предметов
2. Что можно найти в живописных местах после того, как там отдыхали люди не соблюдавшие правила поведения на природе?
3. Какой вред может нанести человек, который не соблюдает «правила хорошего тона »
 на природе?
4. Задумываетесь ли вы над своим отношением к окружающей среде?
5. Сформулируйте правила, как не причинять вред природе?
6. Какие предлоги вы употребили для того, чтобы указать на причину действия?
7. На какие вопросы отвечают обстоятельства причины?

А теперь подведем итоги: Обстоятельства причины обозначают причину действия.
Отвечает на вопросы: почему?, отчего?, по какой причине?




- Итак, чтобы составить предложение с обстоятельствами причины , мы применяем такие конструкции:




V. Закрепление материала.

1. - Сейчас я раздам вам карточки. Вы должны будете ответить на вопросы, данные в карточках, употребив обстоятельства причины.




Рис 2. Работа с карточками.

Ответьте на вопросы, употребляя обстоятельства причины.

1.В чем вы видите проблемы окружающей среды в наше время ? (Человеческий прогресс и бессознательное отношение к природе)

2. Еще какую проблему вы можете назвать? ( Вымирание отдельных видов животных)

3. Какая еще проблема угрожает окружающему миру? (Вырубка лесов, технологический прогресс, добыча полезных ископаемых – нефти, угля )

4. Мусор.

Упражнение 100.

Закончите предложения указывая на причину действия.

| | |
|---|---|
| **Все растения на участке погибли…**<br>**Аральское море обмелело…**<br>**Загрязнение воздуха происходит…** | **Из – за жары**<br>**Из-за полива**<br>**Из-за вредных выбросов с заводов** |

**Упражнение 101 Словообразование**

| **1 группа**<br>**Упаковать –**<br>**Стричь –** | **2 группа**<br>**Покупать –**<br>**Переработать –** |
| --- | --- |

Работа в группах по упражнению 104: 1 – группа: Составьте предложения с обстоятельствами причины на тему: «Природа и мы»

2– группа: Составьте предложения с обстоятельствами причины на тему: «Охрана природы»

Аукцион: Ответить на вопросы, употребляя обстоятельства, причины, цели, места, меры и степени ,времени и образа действия

* Почему  сегодня ученик отсутствует на уроке?
* Зачем птицам крылья?
* С какой целью Рахим пошел на стадион?
* Для чего нужна армия?
* Где учатся дети?
* Сколько раз Алишер победил на конкурсе?
* С какой целью поливают цветы?
* Когда ты просыпаешься?

Задание на дом:

* 1.Выучить правило. 2. Выполнить упражнение 104.
* Составить текст на тему: 1 – группа- «Берегите природу».

2- группа – «Экологические проблемы современности», употребляя обстоятельства причины.

## КУНДАЛИК ҲАЁТ ВА УЙ-РЎЗҒОР БУЮМЛАРИ НОМЛАРИ МАЗМУНИЙ МАЙДОНИ ТАДҚИҚИ

**Р. Х. Собирова,Факультетлараро чет тиллар (аниқ ва табиий фанлар) кафедраси катта ўқитувчиси**
**Андижон давлат университети**

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада идеографик луғатшунослик тарихи ҳамда кундалик ҳаёт ва уй-рўзғор буюмлари номлари мазмуний майдонини диахрон-синхрон тарзда тадқиқ этиш ўзбек тили идеографик луғатининг микромайдонини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши тадқиқ қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *идеографик луғат, мазмуний гуруҳ, лексик майдон, парадигматик муносабат, компонент таҳлил, “Келурнома”, уй-рўзғор буюмлари лексикаси*

***Annotation:*** *This article deals with the history of the ideographic dictionary, as well as the diachronistic study of the meaningful area of everyday life and names of household item.The research plays an important role in the formation of the microfield dictionary of the Uzbek language.*

***Keywords:*** *ideographic dictionary, meaningful group, lexical field, paradigmatic relationship, component analysis, "Kelurnoma", lexical of household items*

***Аннотация:*** *В данной статье рассматривается история создания идеографического словаря, а также диахроническое изучение содержательной области быта и названий предметов быта. Данное исследование играет важную роль в формировании микрополя словаря узбекского языка.*

***Ключевые слова:*** *идеографический словарь, содержательная группа, лексическое поле, парадигматическое отношение, компонентный анализ, "Келурнома", лексика предметов быта*

Систем-структур тилшунослик методлари негизида майдон назарияси пайдо бўлди. Ўзбек тилшунослигида Ҳ.Неъматов, И.Қўчқортоев, А.Нурмонов, Э.Бегматов, Р.Расулов, Ш.Искандарова, А.Собиров, О.Бозоров каби қатор тилшуносларнинг илмий тадқиқотларида майдон назарияси муаммолари, ўзбек тили лексикасини семантик майдон сифатида тадқиқ қилиш асослари ўрганилди. Маълумки, лексемалар ҳам бошқа сатҳлардаги тил бирликлари каби тил тизимида маълум тартибдаги гуруҳларни ташкил қилади ва ана шу "мавзуий гуруҳ" ёки "лексик-семантик гуруҳ" (ЛСГ) компонентлари ўзаро парадигматик муносабатда бўлади. Тилдаги лексемаларнинг муайян маъно умумийлиги асосида юзага келган йиғиндиси лексик майдон сифатида тавсифланади.

В.Г.Гак лексик гуруҳлар ўртасидаги муносабатларнинг умумий моделини қуйидагича тақдим этади: тилнинг семантик тузилиши тўрт даражали тузилмалар тўпламини ўз ичига олади: умуман луғат, лексик-семантик гурух, битта сўз ва сўзнинг алоҳида олинган семаси[1.].

Дифференциал (фарқловчи) таҳлил жараёнида тил ҳодисаларини ва бирликларини ўзаро фарқловчи маъновий ва шаклий хусусиятлар ажратилади. Ушбу хусусиятларни аниқлашда маълум бир сатҳга оид бирликларнинг парадигматик муносабатлари асос бўлади. Дифференциал таҳлилнинг лексик тизимга тадбиқ этилиши натижасида компонент таҳлил юзага келади[2.].

Замонавий тилшуносликда лексик парадигмалар ташкил этишнинг майдон модели фаол ривожланмоқда. Семантик соҳалар олам лисоний манзарасининг таркибий қисмлари бўлиб, улар лексик ва семантик гуруҳларни (парадигмалар) маълум бир тилнинг маданий ва миллий ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда тузилишини ифодалайди. Семантик майдоннинг ушбу хусусияти лексик-семантик майдон парадигмалар тўплами деган фикрни таъкидлайди. Ҳар қандай турдаги семантик соҳада сўзлар ўртасидаги семантик фарқлар ҳар доим ҳам кўринавермайди, шунинг учун бу майдон парадигма, ўзига хос препарадигма режаси сифатида қаралади[3.].

"Лексик сатҳ тил системаси ичига кирувчи, унинг бошқа сатҳлари билан мунтазам ва чамбарчас алоқага киришувчи мустақил микросистема саналади (тилга нисбатан). Ўз навбатида унинг ўзи ҳам системадир. У дискретлик (бўлинувчанлик) хоссасига эга. Лексик сатҳда юзлаб семантик майдонлар мавжуд. Улар ўзаро ва системанинг ўзи билан алоқадорликда ҳаракат қилади[4.]."

Муҳаммад Ёқуб Чангий «Келурнома» асари билан икки хил луғат, яъни мавзуий ва идеографик луғат яратиш анъанасини бошлаб берди. Ўн тўрт

бобда 400 дан ортиқ феълнинг турли хил шакллар парадигмаси берилади. Натижада уя луғатнинг намунаси вужудга келади.

Охирги 15-боб эса исмлар ва ёрдамчиларни изоҳлашга қаратилган. Бу боб олдинги 14 бобдан тамомила фарқ қилади. Чунки охирги бобда исмлар мавзу (тема) асосида жойлаштирилади. 9 мавзуга бўлинади: 1) осмон ва у билан боғлиқ бўлган тушунчалар; 2) ер ва у билан боғлиқ тушунчалар; 3) от ва эгарланадиган ҳайвонлар; 4) бургутлар ва ёввойи қушлар; 5) одам жисми аъзолари номлари; 6) қариндошлик номлари; 7) қурол-яроғ номлари; 8) саноқ номлари; 9) олмош, равиш, боғловчи ва қўшимчалар[4.].

Ўзбек тилшунослигида шу кунгача этимологик, морфемик ҳамда антропонимлар, диалектизмлар, топонимлар, синонимлар, антонимлар, омонимлар, паронимлар, фразеологизмлар луғатлари яратилгани ҳолда идеографик луғат шакллантирилмаганлиги, назарий асослари ишланмаганлиги ва илмий тамойиллари белгиланмаганлиги лексикографиянинг долзарб масалаларидан биридир.

Ё.Ҳамраева идеографик луғатларнинг афзалликларини қуйидагича тавсифлайди:

- сўзлараро синонимик, антонимик, гиперо-гипонимик, градуонимик, партонимик муносабатлар намоён бўлади;
- сўз ҳақида тўла ва мукаммал маълумот беришга ёрдам беради;
- сўз билан боғлиқ микромайдонга алоқадор барча лексик бирликларни хотирамизда тиклашга ёрдам беради;
- оламни яхлит идора этиш кўникмаларини шакллантиради;
- тил ўрганувчилар учун тил соҳибларининг турмуш тарзи, маданияти, маънавияти ва менталитети ҳақида мукаммал маълумотлар беради[5.].

**Хулоса** қилиб шуни айтиш мумкинки, кундалик ҳаёт ва уй-рўзғор буюмлари номлари мазмуний майдонини диахрон-синхрон тарзда тадқиқ этиш ўзбек тили идеографик луғатининг микромайдонини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Попова З.Д. Стернин И.А. Структурные отношения между словами в лексической системе языка. // Хрест. по лексикологии. 340-с. https://studfile.net/
2. https://aim.uz/
3. Бабенко Л.Г. Взаимодействие лексики и грамматики под под парадигматическим углом зрения. // Хрест. по лексикологии. 363-с. https://studfile.net/
4. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. Монография. Т. Маънавият, 2004 й. -Б.14.
5. Ҳамраева Ё.Н. Ўзбек тилининг идеографик луғатини яратиш тамойиллари. (ҳаракат ва ҳолат тушунчасини ифодаловчи сўзлар мисолида). Филол. фанлари номз.дисс... автореф. Т., 2010 й.

# “НУТҚИЙ ҲУШЁРЛИК” - МАДАНИЯТ ВА ОДОБ-АХЛОҚНИ ИФОДАЛОВЧИ ТИЛ ҲОДИСАСИ

**А.Л.Маматқулов - ф.ф.н. доцент АндДУ,**
**А.А.Норматов-ўқитувчи.**

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада “нутқий ҳушёрлик” ҳодисасини келтириб чиқарадиган энг асосий унсурлар нутқ эгасининг маданий, касбий ва бошқа белгиларига кўра маълум ижтимоий гуруҳга мансублиги, нутқ эгаси бажараётган ижтимоий вазифа, нутқ эгасининг гап предметига муносабати, мулоқот шароити, вазияти ҳақида фикр юритилади.*

***Калит сўзлар:*** *нутқий ҳушёрлик, маданият, одоб-ахлоқ, тил бирликлари, дифференциал белги.*

***Аннотация.*** *В данной статье рассматриваются основные факторы, приводящие к феномену «политкорректность», культурные, профессиональные и другие характеристики говорящего, социальная функция говорящего, отношение говорящего к предмету, условия общения, характер общения ситуация.*

***Ключевые слова:*** *политкорректность, культура, этикет, языковые единицы, дифференциальный характер*

***Annotation.*** *This article examines the main factors leading to the phenomenon of "Political correctness", cultural, professional and other characteristics of the speaker, the speaker's social function, the speaker's attitude to the subject, the conditions of communication, the nature of communication situation.*

***Key words:*** *Political correctness, culture, etiquette, linguistic units, differential character*

“Нутқий ҳушёрлик” тушунчаси жамиятда истеъмолда бўлган маданият ва одоб-ахлоқ меъёрлари тизими сифатида намоён бўлади. Бу меъёрлар одамларнинг анъанавий тарзда камситилаётган гуруҳга (этник ва жинсий майда гуруҳлар, ногиронлар, кексалар, дароз ё пакана ва бошқа паст ижтимоий мавқега эга кишилар) нисбатан қўлланилаётган нохуш стереотипларни бартараф қилишни кўзда тутади ва бу гуруҳлар вакилларининг тенг ҳуқуқлилигини тан олишни эътиборга олади. Бу меъёрлар, бизнинг назаримизда, қуйидаги уч йўсин орқали амалга оширилади:

1) олий ўқув юртларига ўқишга кириш ва ишга қабул қилишда майда миллат вакиллари учун имтиёзлар беришни кўзловчи “яхши саъй-ҳаракатлар” дастурини жорий этиш;

2) “майда” тоифа вакиллари (этник ва шаҳвоний майда гуруҳлар, ногиронлар, кексалар, дароз ё пакана ва бошқа паст ижтимоий мавқега эга кишилар) ни вербал (сўз билан) ҳақорат қилишни тақиқловчи нутқ кодексларига риоя қилиш;

Коммуникатив аспектда тил билан мулоқотга киришувга оид фикрлар, мулоҳазалар, ментал стереотиплар, қоидалар йиғиндиси жамланган. Бу категориянинг ахборот-мазмун (коммуникация тўғрисидаги концептуал

билим) ва прескрипция (алоқа жараёнини амалга ошириш бўйича кўрсатма) соҳалари ажратилиб кўрсатилади. Прескрипция соҳасига қуйидагилар киради:

– кўрсатма, йўл-йўриқ характеридаги прескрипция (мулоқот жараёнида нимани қандай қилиш кераклиги);

– тақиқловчи прескрипция (мулоқот жараёнида нима қилмаслик керак);

– талқин қилувчи (тушунтирувчи) прескрипция (мулоқот жараёнида одамларнинг маълум коммуникатив факт ва ҳаракатларини қандай тушуниш лозимлиги) [1, 22-23].

Рус коммуникатив онгига хос алоқа категориясига И.А.Стернин хушмуомалалик/кўполлик, чиқишимлилик, коммуникатив масъулият, таъсирчанлик, коммуникатив муносабат ва бошқаларни киритади. “Нутқий ҳушёрлик”ни И.А.Стернин ғарбдаги инглиз тилли оламга хос лакунар ёки эндемик алоқа категориялари тоифасига киритади [2, 331-344].

Ўрганилган материаллар айрим ҳолларда И.А.Стерниннинг фикрига қўшилиш лозимлигини кўрсатади. Дарҳақиқат, “нутқий ҳушёрлик” тушунчасини ахборот-мазмун ва кўрсатма берувчи ҳамда тақиқловчи прескрипция соҳаларини қамраб олувчи лисоний мулоқот меъёрлари, йўл-йўриқлари йиғиндиси тарзида баҳолаш мумкин. Шундай бўлишига қарамай, “нутқий ҳушёрлик”ни унинг турли маънолари билан бирга ўрганганда шундай хулосага келиш мумкинки, “нутқий ҳушёрлик” алоқа доираларига сиғавермайди, у маданий, мафкуравий ва ижтимоий масалаларнинг кенг тармоқларини ўз ичига олади.

Ушбу мақолада “нутқий ҳушёрлик”ни маданият, одоб-ахлоқ ва тил ҳодисаларининг қоришмаси тарзида кўриш имконияти каби ишчи фараз олдинга сурилади. Бу ҳодисанинг ўзига хос хусусияти энг аввало унинг фанлараро мавқега эгалигидадир. Унинг умумий моҳияти жамиятнинг ҳозирги тараққиёт босқичидаги маданият ва одоб-ахлоқ меъёрлари билан белгиланади ва у шундай таърифланиши мумкин: “бегона” (бошқа миллат вакили, танасининг ранги, жинси, ташқи кўриниши, ижтимоий мавқеига кўра) “яқин, ўзимизники” каби тил кодининг ўзгариши орқали ассимиляцияга учрайди. “Нутқий ҳушёрлик” тушунчаси антропоцентрик ҳодиса, чунки аксарият ҳолатларда инсон унинг денотатив асоси бўлади.

Тил ҳодисаси сифатида намоён бўлаётган “нутқий ҳушёрлик” ўзига хос категориал белгиларга эга. Яъни:

а) интеграл белги – биз ҳам В.Н.Телиянинг “тил бирликлари семантикасидаги узуал ёки окказионал семантик моҳият ва нутқ субъектининг воқеликка нисбатан эмоционал-таъсирчан ва услубий мустаҳкамланган муносабат” [3, 5] деган фикрига қўшилиб, “коннотация”

тушунчасини тил белгисининг коннотатив маъносида ирқи, миллати, жинси, соғлиги, ёши ва бой-камбағаллик каби мавқелари бўйича;

б) дифференциал белги – тил бирлигининг камситишнинг юқорида кўрсатилган кўринишларини истисно қилиш. Бундан келиб чиқиб, ушбу белгининг бор/йўқлиги билан характерланувчи бир қанча оппозицияларни кўрсатиш мумкин. Яъни: African-American/Negro, Asian/Oriental, Native American/Indian, senior/old, physically challenged/handicapped, low-income/poor ва бошқалар. Бу оппозициялар аъзолари бир хил денотатив маъноси бўла туриб, бир неча коннотатив, қўшимча, маънога эга бўлган. Шунга кўра уларни “нутқий ҳушёр” /“нутқий ноҳушёр” турга ажратиб кўриш мумкин.

“Нутқий ҳушёрлик” – бу назарий фикрлар тизимигина бўлмай, ҳозирги француз тилида сўз қўллашнинг анъанавий меъёрларини ўзгартириш жараёнида катта амалий аҳамият ҳам касб этади.

Демак, “нутқий ҳушёрлик” тушунчаси жамиятда истеъмолда бўлган маданият ва одоб-ахлоқ меъёрлари тизими сифатида намоён бўлади. Бу меъёрлар одамларнинг анъанавий тарзда камситилаётган гуруҳга (этник ва жинсий майда гуруҳлар, ногиронлар, кексалар, дароз ё пакана ва бошқа паст ижтимоий мавқега эга кишилар) нисбатан қўлланилаётган нохуш стереотипларни бартараф қилишни кўзда тутади ва бу гуруҳлар вакилларининг тенг ҳуқуқлилигини тан олишни эътиборга олади. Бу меъёрлар, бизнинг назаримизда, қуйидаги уч йўсин орқали амалга оширилади:

1) олий ўқув юртларига ўқишга кириш ва ишга қабул қилишда майда миллат вакиллари учун имтиёзлар беришни кўзловчи “яхши саъй-ҳаракатлар” дастурини жорий этиш;

2) “майда” тоифа вакиллари (этник ва шаҳвоний майда гуруҳлар, ногиронлар, кексалар, дароз ё пакана ва бошқа паст ижтимоий мавқега эга кишилар) ни вербал (сўз билан) ҳақорат қилишни тақиқловчи нутқ кодексларига риоя қилиш;

3) мультикультурализм ғояларини қабул қилиш ва Ғарбий Европа маданиятини намуна сифатида қабул қилишни рад этиш.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Стернин И.А. Коммуникативное сознание, коммуникативное поведение и межкультурная коммуникация // Межкультурная коммуникация и проблемы национальной идентичности.- Воронеж.: 2002. - С. 21 - 28.
2. Стернин И.А. Толерантность и коммуникация // Философские и лингвокультурологи - ческие проблемы толерантности. - Екатеринбург: Издательство Уральского университета, 2003. - С. 331- 344.
3. Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. - М.: Наука, 1986. - 144 с.

# ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАЛАБАЛАРДА АНАЛИТИК ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

**Ш.А. Ҳасанов**
**АнДУ педагогика фанлари бўйича**
**фалсафа доктори (PhD)**

*Мақолада талабаларда аналитик тафаккурнинг илмий тавсифи, асослари; аналитик тафаккурнинг ўзига хос жиҳатлари, олий таълимда талабаларнинг аналитик тафаккур сифатларини такомиллаштириб бориш зарурлиги ҳақида фикр юритилади.*

*В статье дается научное описание основ аналитического мышления студентов; особенности аналитического мышления, необходимость повышения качества аналитического мышления студентов в высшем образовании.*

*The article gives a scientific description of the basics of analytical thinking of students; specificity of analytical thinking, the need to increase the quality of analytical thinking of students in higher education.*

***Калит сўзлар:*** *тафаккур, фикрлаш, аналитик тафаккур, мустақил фикрлаш, тафаккурни шакллантириш, мактабгача таълим, тадқиқ, анализ, синтез, шахс камолоти...*

***Ключевые слова:*** *мышление, аналитика, аналитического мышления, эрудиция, умственная деятельность, анализ, способность, квалификация, сообразительность, компетенция.*

***Key words:*** *thinking, analytics, analytical thinking, erudition, mental activity, analysis, ability, qualifications, quick wit, competence.*

Ҳар қандай муаммонинг, аввало, мустақил фикрлаш, танқидий таҳлил юритиш орқали ҳал этилиши жараёнида аналитик тафаккурнинг зарурати ва аҳамияти ойдинлашади. Аналитик тафаккур юритишда фикрлаш суръатининг тезлиги, масалага турли томондан ёндашиш қамровининг кенглиги, муаммога энг мувофиқ ва самарали ечим топишнинг аниқлиги каби жиҳатларини алоҳида қайд этиш лозим. Дунёда инновацион ёндашувлар асосида талабаларнинг танқидий фикрлаш лаёқатини мустаҳкамлаш, интеллектуал салоҳиятини ошириш, маънавий-мафкуравий иммунитетини кучайтириш, ахборотлар билан ишлаш малакасини қарор топтиришга доир олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар кўлами тобора ортиб бормоқда. Айниқса, етук малакали мутахассислар тайёрлашни халқаро тенденцияларга мувофиқлаштиришда талабаларнинг аналитик тафаккурини такомиллаштириш масаласи устуворлик касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармонида “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан

ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш...” [3] муҳим вазифа этиб белганалганлиги ёшлар тарбияси, айниқса уларда аналитик тафаккурни шакллантириш муаммоси мамлакат сиёсатининг энг устувор масалаларидан бири эканини англатади. Дунё тамаддунида одамни фикрлашга ўргатиш доимо долзарблик касб этиб келган. Америкалик ихтирочи ва тадбиркор Томас Альва Эдисон: “Цивилизациянинг буюк вазифаси одамни фикрлашга ўргатишдир” [32; 118-б.], – деб айтади.

“Фалсафа. Қомусий луғат”да “Тафаккур (арабча – фикрлаш, ақлий билим) – предмет ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хусусиятларини аниқлайдиган, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, яъни қонуний боғланишларни акс эттирадиган билишнинг рационал босқичи” [142; 390-б.], – деб таъриф берилган.

Француз философи Жозеф Эрнест Ренаннинг: “Тафаккур эрки ҳар бир одамнинг дахлсиз ҳуқуқидир”, шотланд файласуфи Дэвид Юмнинг: “Ҳеч нима инсон тафаккуридек эркин бўлолмайди” [32;142-б.], – деган фикрларидан тафаккур эркинлиги шахснинг озодлигини белгиловчи муҳим омил экани англашилади. Инсон фикрлаш воситасида оламни, одамни, ўзлигини англаб етади, миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналарнинг моҳиятини идрок этади, шаън туйғусини ҳис қилади, уни асраш кераклигини тушунади. Ҳар бир миллатнинг келажаги қандай бўлиши, биринчи навбатда, мустақил фикрлайдиган, аналитик тафаккур юритадиган баркамол авлодга боғлиқдир. Шу маънода талабаларни аналитик тафаккур қилишга ўргатиш таълим тизимидаги энг устувор масалалардан ҳисобланади.

Психолог олим Э. Ғозиев: “Тафаккур – атроф муҳитдаги воқеликни нутқ ёрдами билан бавосита, умумлашган ҳолда акс эттирувчи психик процесс, социал сабабий боғланишларни англашга, янгилик очишга ва прогноз қилишга йўналтирилган ақлий фаолиятдир” [177;6-б.], – деб таъриф беради.

Психолог олим Л.С. Виготский айтадики: “Тафаккур инстинктив ва эмоционал негизда юзага келади. Унинг табиатига фаоллик ва эркинлик хосдир. Фикрлар юзага келиш онларида механик қонуниятлар ва мантиқ қонунларидан кўра кўпроқ руҳий туйғуларга бўйсунади. Тафаккур ҳар доим муаммоли вазиятларда ҳаракатга келади. Қаердаки ҳамма нарса енгил кечаётган бўлса, у ерда фикрлашга эҳтиёж сезилмайди” [34; 207-б.].

Файласуф Рене Декартнинг ғоясига кўра, фикрлаш инсоннинг ёруғ оламда мавжуд эканлигини билдирувчи белгидир. Олим: “Фикрлаяпман,

демак, мавжудман” [166; 243-б.], – деб ёзади. Фикрлаш такомиллашиб борувчи ақлий фаолиятдир. Тафаккур ҳар бир одамда ички интилиш ва ташқи омиллар таъсирида шаклланади, ривожланади. Инсон илк болалик давридан бошлаб атроф-муҳитни, уни ўраб турган борлиқни билишга интила бошлайди. Ана шу интилиш унда фикрлаш кўникмасини пайдо қилади. Психология фанлари доктори, профессор Л.С.Цветкова болада 1 ёшу икки ой – 1 ёшу етти ойлик давридан бошлаб фикрлашнинг кўргазмали-ҳаракат тури шакллана бошлашини айтади [148].

Тафаккур психология фанининггина эмас, балки мантиқнинг ҳам ўрганиш объекти ҳисобланади. Психолог олим Э. Ғозиев психология фани тафаккурни ўрганадиган ягона соҳа эмаслигини, унинг айрим жиҳатлари мантиқ, фалсафа, ҳатто кибернетика тармоқларида ҳам тадқиқ қилинаётганини таъкидлайди [177; 13-б.]. Ушбу фанларнинг ҳар бири тафаккурни ўз муаммоси ва тадқиқот доирасида текширади.

Олимларнинг айтишича, тафаккур, одатда, муаммодан, саволдан, тушунмаслик ёки қарама-қаршиликни ҳал қилиш каби ҳолатлардан бошланади [119; 383-б.] Бундан англашиладики, тафаккур муаммоли вазиятда, муайян ҳолат ёки предмет ҳақида билиш зарурати пайдо бўлганда фаоллашади. Муаммо, савол, ажабланиш, тушунмаслик каби ҳолатлар тафаккурни воқеликка айлантиради. Тафаккур ҳаракатдаги фикр бўлиб, бунда алоҳидаликдан умумийликка ва умумийликдан алоҳидаликка интилиш намоён бўлади. Тафаккур ҳаракат билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳаракат тафакурнинг яшаш шаклидир. Тафаккурнинг бирламчи тури ҳаракатдаги тафаккурдир. Тафаккур онгли йўсинда бошқариладиган фикрлаш операцияларида намоён бўлади.

Психолог А.В.Петровский: “Тафаккур муҳим бир янгилик қидириш ва очишдан иборат нутқ билан чамбарчас боғлиқ психик ва социал-сабабий жараёндир. Бошқача қилиб айтганда, тафаккур воқеликни анализ ва синтез қилишда уни бевосита ва умумлаштириб акс эттириш жараёнидир [109;14-б.]”, – дейди. Тафаккур амалда соф психик жараённинг ўзи сифатида алоҳида мавжуд бўлмайди. У бир-бири билан чамбарчас боғланган хотира, диққат, тасаввур, идрок каби бошқа руҳий жараёнлар билан уйғунликда юзага келади. Тафаккур жараёнида ақлий ҳаракатлар ва операцияларнинг кетма-кетлиги акс этади. Психологлар тафаккур операцияларини анализ ва синтез, таққослаш, абстракциялаш, умумлаштириш, конкретлаштириш, таснифлаш, тизимлаш каби турларга ажратадилар [177; 30-47-б.]. Таҳлил этилаётган муаммо ёки масаланинг моҳияти қатор тафаккур операциялари жараёнида аниқланади.

Айтилганлардан инсоннинг шахслик белгиси, аввало, унинг тафаккур юритиш лаёқатида кўриниши аён бўлади. Муайян жамиятнинг тараққиёти, биринчи навбатда, уни ташкил этган инсонларнинг тафаккур салоҳияти, фикр юритиш қобилияти, қарашларининг илғорлигига, эзгулигига боғлиқ. Улуғ рус ёзувчиси Л.Н.Толстой: "Бутун гап фикрлашда. Ҳамма ишнинг бошланиши – фикр. Шу боисдан ҳам такомиллашишнинг бош шарти фикр устида ишлашдир" [32; 140-б.], – деганида шуни кўзда тутган.

Илму фаннинг ривожланиши натижасида тафаккур деб аталмиш руҳий-интеллектуал ҳодиса ҳам бир таркибли эмаслиги маълум бўляпти. Чунончи, фикрлаш мустақил фикрлашдан, аналитик тафаккур эса тафаккурнинг барча бошқа кўринишларидан фарқ қилиши илмий асосланиб борилмоқда. Тафаккур кўринишлари орасида шахс эрудицияси ва интеллектини ошириш борасида самарадорлиги билан алоҳида ажралиб турувчи тури – аналитик тафаккур ҳисобланади. Чунки аналитик тафаккур ўрганилаётган объектга турли тарафдан ёндашиш, унинг ички ва ташқи алоқаларини комплекс ҳолда текшириш ва тўхтамга келишни тақозо этади. Қадим замонлардан бундай тафаккур эгалари алоҳида қадрланганлар. Бундай фикрлай оладиган шахслар антик Юнонистонда аналитиклар деб номланганлар. Шундан бери фикрлашнинг ўзига хос мураккаб тури – аналитика номи билан юритиб келинади.

"Фалсафа. Қомусий луғат"да "аналитика" атамаси ҳақида: "Аналитика – таҳлил қилиш санъати муҳокама, исботлаш характерига эга бўлиш учун тушунча ва элементар тамойилларни ажратиш санъати. Аналитика мантиқ фанининг бўлими ҳисобланади. Аристотель "Топика" ва "Иккинчи аналитика" асарларида аналитикани қатъий, исботланган муҳокама сифатида таърифлайди" [142; 25-б.], – деб изоҳ берилган.

"Аналитика" атамаси илк марта Аристотель томонидан мантиқий таҳлил техникасига берилган ном сифатида қўлланилган. Аристотель ўзининг "Аналитика" номли асарида [142] фикрлашнинг бу йўсини тўғрисида алоҳида тўхталади. "Органоне" асарида мутафаккир "аналитик тафаккур" мантиғи бўйича фикрлашда икки муҳим жиҳат: мураккаб бутунлик бўлган объектни дастлаб оддий қисмларга ажратиш ва уларни текшириш асносида тафаккур юритиш тобора мураккаблашиб бориш кераклигини айтади.

Немис файласуфи Иммануил Кант аналитикани инсоннинг англаш қобилияти, деб атаб, "Соф онг танқиди" асарида биринчи бўлиб билиш кечимини аналитик ва синтетик фикрлаш сингари икки босқичга ажратишни таклиф этади. Унинг таъкидлашича, аналитик тафаккур априоридир, яъни тажрибада тасдиқланишга муҳтож эмас. Шу боис у: " аналитик тафаккур

мавжуд билимни янада ёрқинроқ англаб етишга ёрдам беради” [202] , – деб ёзади.

Аналитик тафаккур эгасида масаланинг асл моҳиятини англаш, унинг сабаб-оқибатларини тушуниш, керакли қарорга кела билиш қобилияти бўлади. Шу боис бундай фикрлайдиган одамлар олам ҳодисалари ва одамнинг ҳатти-ҳаракатлари юзасидан холис, атрофлича ва ҳаққоний хулоса чиқара биладилар. Аналитик тафаккур янги ахборот излаб топиш, уни ўрганиш ва тизимга солиш, олинган маълумотлар асосида тўғри тўхтамга келиш имконини беради. Аналитик тафаккур юритишда: а) ахборотни белгилаш, атрофлича ўрганиш; б) ахборотни муайян қисмларга ажратиш; в) маълумотларни таққослаб улар ўртасидаги боғлиқликни топиш; г) ахборотни холис баҳолаш; д) мантиқий фикрлаш; е) фикрни изчиллик билан тўғри баён этиш; ё) фикрлаётганда фақат далилларга таяниш; ж) ахборотларнииинг муҳимини номуҳимидан ажрата билиш; з) мавжуд ахборотга танқидий қарай билиш; и) муқобил ечимлар бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш; й) хулоса чиқариш каби фикрий операциялар бажарилади.

Айтилганлардан келиб чиқиб, *ўрганилаётган муаммо юзасидан аниқ далил бўладиган кўп миқдордаги ахборотларни тўплаб, масалага турли томондан ёндашиб, унинг майда жиҳатларини ҳам назардан қочирмаган ҳолда мавжуд далилларни таҳлил қилиш орқали энг тўғри ечимни тез ва аниқ топишга қаратилган ақлий жараён аналитик тафаккурдир* йўсинида таъриф бериш мумкин. Яхши ривожланган аналитик тафаккур ҳар қандай чигал муаммонинг ҳам энг самарали ва фойдали бир неча ечимини тезкорлик билан топа билади. Бундай фикрлай оладиган одамда ҳар қандай муаммо юзасидан кўп тарафлама ўйланган асосли тўхтам, ўз фаолиятини режалаштириш ва натижасини кўра билиш қобилияти бўлади.

Аналитик тафаккур – таҳлилий фикр юритиш санъати, бирор муаммо, масала, ахборот, воқеа-ҳодисани ўрганиш жараёнида у ҳақда атрофлича, аниқ, теран, чуқур, мазмундор, мустаҳкам тўхтамга келиш қобилиятидир. Аналитик тафаккур эгаси таҳлил қилинаётган объектни ҳар томонлама синчиклаб ўрганади: мураккаб ахборотларни қисмларга ажратади – ҳар бир сўз, жумла, детал, нарса устида жиддий фикр юритади, қисмларни ўзаро мантиқий боғлайди, мақбул хулосага келади ва керакли қарорлар қабул қилади. Аналитик қобилият эгаси ҳар қандай ҳодиса устида фикр юритганда нарса-ҳодисанинг ташқи маъносини уқиш билангина чекланмай, унинг ички – ботиний маъно қатламларини ҳам аниқлашга уринади. Натижада таҳлил этилаётган объект юзасидан атрофлича тушунча юзага келади. Аналитик тафаккур муаммо ёки масаланинг осон ва тез, тўғри ва аниқ ҳал этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Аналитик тафаккур юритадиган одам муаммо пайдо бўлганда аввал ҳар томонлама фикр юритади: муаммонинг юзага келиши сабабларини, уни бартараф этиш йўлларини таҳлил этади. Аналитик тафаккур эгаси муаммодан қочмайди, балки уни оқилона ҳал қилишга интилади. Ҳар бир одамнинг олам ва башарият тўғрисидаги билимларидаги ҳар хиллик уларнинг тафаккур даражасининг ҳар хиллигидан келиб чиқади, бу турфалик эса фикрлаш ва фикрни ифодалаш услубининг турличалигини келтириб чиқаради. Айни шу ҳолат аналитик фалсафий услубнинг юзага келишига, бу эса "аналитик тафаккур" тушунчаси пайдо бўлишига олиб келади. Зеро, аналитик фалсафий услуб тил ва нутқ қонуниятини теран биладиган, ўзининг ҳар бир гапини мазмунли, мантиқий ифодалай оладиган аналитик тафаккур эгаларига хос бўлган хусусиятдир. Бундай хусусиятларга лаёқатлилик замон билан ҳамқадам бўлишда ҳам аниқ кўринади.

Юқорида берилган таърифлар, муносабатларни умушлаштириб, аналитик тафаккур тушунчаси белгиларини қуйидагича изоҳлаш мумкин бўлади:

– аналитик тафаккур фикрлашнинг мантиқ билан қатъий боғланган, предметни аниқ, тўғри, объектив, ҳар томонлама таҳлил этишга қаратилган ақлий фаолият тури, таълим жараёнида билимларни ўзлаштиришнинг мустаҳкам асоси;

– аналитик тафаккур – ижтимоий ҳаётининг ҳамма соҳалари бўйича таҳлил қилиш, муносабат билдириш, ўтмишни англаш, бугунни идрок этиш, келажакни башорат қилиш, тараққиётнинг истиқболли йўлларини белгилаш имконини берадиган сермаҳсул фикрлаш йўсини, таълим тизимида узвийлик, изчилликни таъминлашнинг муҳим манбаи;

– аналитик тафаккур инсонни инновацион ғояларни илгари суриш, янги технологияларни яратиш, амалиётга татбиқ этишга ундайдиган яратувчан фикрлаш тарзидир. Таълим жараёнида ёшларни ижтимоий фаоллашувга тайёрлашнинг интенсив йўли;

– таълим тизимида талабаларда аналитик тафаккур қобилиятини ривожлантириш – бу мустақил фикрлайдиган, ҳар қандай муаммога тезлик билан оқилона ечим топа биладиган, фикрий қарамликдан йироқ баркамол авлод тарбиялаш имконини беради. Аналитик тафаккур кишига одам ва оламни идрок этиш қувватини берадиган, унинг фикрлаш механизмини рационал ҳаракатга келтирадиган ақл генераторидир.

Олий таълимда аналитик тафаккурни ривожлантиришга эътибор қаратиш бўлажак педагогларни аналитик фикрлайдиган қилиш орқали бутун жамият аъзоларини теран ва ҳар тарафлама фикрлай оладиган ҳолатга келтиришга сабаб бўлади. Тараққиётнинг бугунги даражаси ҳар қандай касб

эгасидан, айниқса, педагог мутахассисдан ўхшатиш, чоғиштириш, қисмларга ажратиш, умумлаштириш, тизимлаш, моделлаштириш, таснифлаш ва мўлжал қилиш орқали ўз фаолиятини режалаштиришни талаб қилади. Санаб ўтилган сифатларни қарор топтириш олий таълимнинг исталган бўғинида талабаларда аналитик тафаккурни шакллантиришни тақозо этади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил, 29 декабрдаги "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2707-сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон фармони. // Халқ сўзи. 2017. 8 февраль № 28.
3. Фалсафа //Ўқув қўлланма. Юсупов.Ю.Э. умумий тахрири остида.– Т.: Шарқ, 1999. – 373 б.
4. Электрон манба: www https:// ru.m.wikipedia.org
5. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т-8. Хамса: Фарҳод ва Ширин. –Т.: 1991. – 122 б.
6. Воронцов В., тўпловчи. Тафаккур гулшани. // Ватандош ҳамда хорижий алломаларнинг афоризмлари ва ҳикматли сўзлари–Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,1989. – 142 б.
7. Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф. Руҳий тарбия. – Т.: "SHARQ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2010 – 159 б.


## O'QUVCHI QIZLAR SHAXSINING FAOLLASHUVI OMILLARI


**Muhabbatxon Kamaliddinovna Bakiyeva – Andijon viloyati XTXQTUMOHM "Pedagogika va psixologiya, ta'lim texnologiyalari" kafedrasi katta o'qituvchisi**



*Maqolada mamlakatimizdagi qizlarni barcha ta'lim muassalarida mafkuraviy immunitetini mustahkamlash, ijtimoiy faolligini oshirish hamda iste'dodini qo'llab-quvvatlash, jismoniy va ruhiy rivojlanishiga ko'maklashish, ularni mustaqil hayotga tayyorlash uchun keng imkoniyatlar yaratib berilayotgani yoritilgan.*



***Kalit sozlar**: pedagogik mexanizm, ijtimoiy faollik, strategiya, ijtimoiy-gumanitar, jamiyat, shaxs, omil, sub'ekt, ijtimoiy muhit.*



*В статье говориться, что девочкам во всех учебных заведениях страны предоставляются широкие возможности для укрепления идиологического иммунитета, повышения социальной активности и поддержки своих*

*талантов, содействия их физическому и умственному разветию, подготовки к самостоятельной жизни.*

***Ключевые слова:*** *педагогический механизм, социальная активность, стратегия, социогуманитарный, социум, человек, фактор, субъект, социальная среда.*

*The article says that girls in all edicational institutions of the country have country have ample opportunities to strengthen their ideological immunity, increase their social activity and support their talents, promote their promote their phusical and mental development, and prepare them for independent living.*

***Keywords:*** *pedagogical mechanism, social activity, strategy, socio-humanitarian, society, person, factor, subject, social environment.*

O’zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo’yicha Harakatlar strategiyasida “jismonan sog’lom, ruhan va aqlan rivojlangan, mustaqil fikrlaydigan, Vatanga sodiq, qat’iy hayotiy nuqtai nazarga ega yoshlarni tarbiyalash, demokratik islohotlarni chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish jarayonida ularning ijtimoiy faolligini oshirish”[1] dolzarb vazifa sifatida belgilab berildi. Bu borada ijtimoiy-gumanitar fanlar mazmunini mardlik va jasorat, milliy tarbiya, vatanparvarlik, fidoiylik kabi mavzular bilan boyitish va ularni qizlarda shakllantirish alohida ahamiyat kasb etadi.

Aytish joizki, bugungi kunda Respublikamizning barcha ta’lim muassasalarida o’quvchi-qizlar shaxsiga, uning ijtimoiy taraqqiyoti bilan bog’liq kelajagiga alohida e’tibor qaratilayotgan ekan, bu jarayonda har bir o’quvchi-qizlardagi ijtimoiy faolligini namoyon etuvchi ichki munosabatlarning qay darajada tarkib topayotganligini o’rganish, tahlil qilish shular asosida tegishli ilmiy-amaliy xulosalar chiqarish muhim ahamiyat kasb etadi.

Qiz bola boshqa kishilarga munosabatda bo’lish tufayligina ongliroq bo’ib qoladi va uning psixik hayoti muayyan mazmunga ega bo’ladi. Ana shu munosabatlar nechog’li mazmundor va rang-barang bo’lsa, qizlarning psixik hayoti ham shunchalik mazmundor va rang-barang bo’ladi. Qiz bola ongining yuksak belgisi – uning o’zini anglashi bo’lib, ozida shaxs tushunchasini yaratadi va o’zini - **«men»** deb his qilishida ifodalanadi.

Qizlarning o’zini anglashi va o’zini bilishi o’z xulq-atvorini boshqarish uchun xizmat qiladi, o’zini-o’zi tarbiyalash uchun o’z aqlini o’zi o’stirishi uchun yonaltiradi. Bu ulardagi faollikni oshirish bilan birga jamiyat bilan munosabatini shakllanishida muhim rol oynaydi.

Qizlar jamiyatda turli-tuman vazifalarni bajaradi va har turli vaziyatlarda o’xshash sifatlarni namoyon qiladi. Qizlarda ijtimoiylashuvni shakllanishida - tarbiya yetakchi rol o`ynaydi. Tarbiya shaxsning rivojlantirilishini jamiyat tomonidan qo`yilgan maqsadlarga muvofiq tarzda yo`naltirib boradi va

uyushtiradi. Shu bilan birga tarbiya qiz bola hayoti va faoliyatini muayyan tarzda uyushtirib va tartibga solib qolmasdan, balki mavjud pedagogik prinsiplarga binoan konkret shaxs imkoniyatlarini eng yaxshi darajada ko`rsatadigan rivojlanishning maxsus muhitini, yoxud vaziyatini vujudga keltiradi, uni shakllantirgan va yo`naltirib borgan holda faolligini namoyon qilish uchun shart-sharoit yaratadi. Bu yuksak vazifalarning ro`yobga chiqarilishi qizlarda shaxsiy sifatlarning takomillashuvini ta'min etadi.

Demak, qizlardagi faollikni ijtimoiylashuvida uning psixologik tuzilishi, psixologik xususiyatlari, aql sifatlari birikmasi odamda barqaror birlikni tashkil etadi. Qiz bola shaxsining psixik tuzilishini o’zgarishi uning yashash sharoiti, faoliyatida yuzaga keladigan o’zgarish natijasi bo’lib, u ijtimoiy ta’lim-tarbiya bilan bog’liqdir.

Bugungi kunda qizlar, ularning har tomonlama uyg’un kamol topishi va farovonligi, shaxs manfaatlarini ro’yobga chiqarishning sharoitlarini va ta’sirchan mexanizmlarini yaratish, eskicha va ijtimoiy xulq-atvorning andozalarini o’zgartirish, respublikada amalga oshirilayotgan islohotlarning asosiy maqsad va harakatlantiruvchi kuchidir.

O’quvchi-qizlardagi ijtimoiy faollik takomillashuvining bosh mezoni, ma’naviy-mafkuraviy tarbiyaning poydevori – o’zlikni anglash va o’z-o’zini boshqarishga o’rgatishdir. Chunki shaxsdagi ijtimoiy faollikning asosini o’z-o’zini boshqarish va o’zligini anglash tashkil etadi. Qizlarni ijtimoiy faollik ruhida tarbiyalash kompleks tarzda olib boriladigan jarayon bo’lib, asosan mehnat faoliyati, ijtimoiy muhit, mahalla, jamoatchilik ta’sirida ijtimoiy topshiriqlarni bajarishda amalga oshiriladi. Bu esa yangilayotgan davrning o’quvchi qizlarida ma’naviy sifatlarni shakllantirish, ularda xalq, vatan manfaatlari yo’lida fidoiylik ko’rsatish ko’nikmalarini qaror toptirish, o’z imkoniyatlari va qobiliyatlarini ro’yobga chiqarishlari uchun shart-sharoit yaratish hamda eng muhimi qizlarda ijtimoiy faollikni rivojlantirishdan iborat.

Xulosa qilib aytganimizda, osib kelayotgan avlodning har tomonlama kamol topishi jamiyat taraqqiyotini ta’minlovchi asosiy omil bo’lishi bilan birga uning shaxs sifatida faollashuvida ham yetekchi o’rin tutadi. O’quvchi qizlar shaxsining faollashuvi quyidagi ikki jihatdan muhim ahamiyatga ega: birinchidan, qizlarning jamiyatda o’z o’rnini topishi uchun zamin yaratadi, ikkinchidan esa, uning bilimi, kuch-quvvati, imkoniyati hamda iqtidori jamiyat rivoji yo’lida mehnat qilishga yo’naltiradi.

O’quvchi qizlar shaxsining faollashuvi jarayoniga bir qator omillar o’z ta’sirini o’tkazadi. Ular quyidagilardan iboratdir:

- jamiyatda sog’lom ijtimoiy muhitning qaror topganligi;

- fuqarolar ma'naviy-ahloqiy etukligini ta'minlash masalasining davlat siyosati darajasiga ko'tarilganligi;

- ta'lim-tarbiya ishlarining muayyan maqsad asosida tizimli, uzluksiz va izchil olib borilayotganligi;

- tarbiyaviy ta'sir kuchiga ega sub'ektlar imkoniyatlarining yagona ijtimoiy maqsad asosida tizimli, uzluksiz va izchil olib borilayotganligi;

- shaxs omilining ijtimoiy munosabatlar jarayonida yetekchi mavqega ega bo'lishi va boshqalar.

**Foydalanigan adabiyotlar:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017 y. 6-son, 70-modda.
2. Davletshin M.G., S.M.To'ychiyeva. Umumiy psixologiya T.: TDPU, 2002,-2026.
3. Karimova V.M.. Psixologiya.:T.: Sharq, 2000.-2566.
4. Ivanov I.P., M.E.Zufarova. "Umumiy psixologiya" T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2008. - 4806.

# ТАБИИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА "STEAM" ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

**Н.Д. Қосимова -Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси, психология фанлари номзоди.**
**Андижон давлат тиббиёт институти**

***Аннотация.*** *Мақолада табиий фанларни ўқитишда техника ва инновацион технологияларни ривожлантиришда ўқув-тарбия жараёнида интерфаол услублар ва технологиялардан фойдаланиш, таълим самарадорлигини оширишга оид фикрлар берилган.*

***Таянч сўзлар:*** *табиий фанлар, техника, инновацион технологиялар, таълим-тарбия, интерфаол услуб, самарадорлик.*

***Аннотация***. *В статье изложены идеи по использованию интеративных методов и технологий в образовательном процессе при разработке методик и инновационных технологий в преподавании естественных наук, повышении эффективности обучения.*

***Ключевые слова***: *естественные науки, инженения, инновационные технологии, образование, интерактивные методы, эффективность.*

***Annotation***. *The article provides ideas on the use of interactive methods and technologies in the educational process, the effectiveness of education in the development of techniques and innovative technologies in the teaching of natural sciences.*

***Keywords**: natural sciences, engineering, innovative technologies, education, interactive methods, efficiency.*

Мамлакатимизда тараққиётнинг барча жабҳаларида тубдан ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Аҳолининг асосий қисмини ташкил этадиган ёшларни келгуси ҳаётга тайёрлаш, уларнинг ўзларини қиқзиқтирган касб-ҳунар эгалари этиб тарбиялаш жамиятнинг ривожланишида долзарб муаммолардан ҳисобланади. Шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчиларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатиб келинганлиги маълум. Бундай усул ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ишлаш, ижодий изланиш, ташаббус кўрсатиш қобиляитларини ривожлантиришга катта имкон бермаслиги аниқ.

Эндиликда фан, техника ва инновацион технологияларни ривожланиши натижасида ўқув-тарбия жараёнида интерфаол услублар ва технологиялардан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигиникўтаришга бўлган қизиқиш, эътибор кундан кунга кучайиб бормоқда.

Бугунги давр талаби дунё таълими олдига катта вазифаларни қўймоқда, яъни болани келажакда жамиятда яшашга тайёрлаши керак. Бунда биринчи навбатда тез ўзгараётган, янгиланиб бораётган ахборотлар билан уйғун ҳолда фаол ишлайдиган касб эгалари тимсолини бугунги ўқувчи ёшларда шакллантириш лозим. *Ахборотни олиш, қайта ишлаш ва амалиётда фойдаланиш STEAM (S-фан,T-технология, E-муҳандислик, A-санъат,M-математика) таълими дастурининг асосини ташкил этади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4199-сон қарорига асосан, Республикамизнинг ҳар бир ҳудудида иқтидорли ёшларни аниқлаш мақсадида Президент мактаблари очилди. Улар асосан STEAM фанларини ўқитишга ихтисослашган бўлиб, ҳозирда тажриба синов ишлари амалга оширилмоқда. STEAM — мактаб ўқувчиларини янги ўқитиш методикаси бўлиб, анъанавий ўқитиш тизимига муқобил тизим ҳисобланади. У болаларни бир вақтнинг ўзида Science (табиий фанлар), Technology (технология), Engineering (муҳандислик), Art (санъат) ва Mathematics (математика) бўйича ўқитиш тизимига асосланган, бунда ўқувчилар амалий ва кўнгилочар лойиҳалар машғулотлари ёрдамида сабоқ оладилар. **STEAM таълими** технологияси лойиҳалаш методига таянган ҳолда унинг асосида билиш ва бадиий изланиш ётади. Бундай изланиш амалий фаолият жараёнида билимларни олиш, сўнгра улардан амалиётда қайта фойдаланиш, яъни ўйинларда

конструкциялар тузиш, техник ижодиёт элементларини қўллаб, билим олишга оид тадқиқот ишларида амалга оширилади.

**STEAM таълими** ўқувчи ёшларнинг ривожланишини ташқи олам билан бевосита боғлайди. Маълумки, табиий фанлар атрофимиздаги олам билан бевосита боғлиқ технология кундалик ҳаётимизда доимий равишда қўлланилади, муҳандислик эса уйлар, йўллар, кўприклар ва машина механизмларда ўз аксини топган, бирор бир касб, кундалик машғулотларимиз озми-кўпми математика фани билан ҳам боғлангандир. **STEAM таълими** асосида ёндашув ўқувчи ёшларга дунёни тизимли равишда ўрганишга, атрофда рўй бераётган жараёнларни мантиқий мушоҳада қилишга, улардаги ўзаро алоқани англаб етишга ўзи учун янги, ноодатий ва қизиқарли нарсаларни кашф қилишга имкон беради. Қандайдир янгиликни кутиш орқали ўқувчи ёшларда қизиқувчанликни ривожлантиради, ўзи учун қизиқарли масалани аниқлаб олишни, ечимини топишнинг алгоритимини ишлаб чиқишни, натижаларни танқидий баҳолашни, фикрлашнинг муҳандислик жиҳатларини шакллантиришга олиб келади. Мисол тариқасида қуйида табиий фанларга тегишли бўлган "Буюк ихтиролар" мавзуси бўйича ўтказиладиган дарснинг олдиндан лойихалаштирилган технологик харитасини ҳавола этамиз.

**Мавзу: " Баланд осмонўпар бинолар** ".(2 соат)

**Мақсад ва вазифалар:** Бунда информатика ва ахборот технологиялари дарсларида бирор бир қурилманинг моделлаштириш ёки унинг ишлаш алгоритмини ўрганилганда доскада алгоритмик кетма-кетликдаги дастурий моделини ёзиб тушинтирилса, ўқувчилар мустақил равишда ўз билимларини мустаҳкамлайди.

**Ўқув материали мазмуни**: Ўқитувчи мустақиллик давридан кейинги йилларда мамлакатимиздаги ихтиро ва кашфиётлар, бинолар қурилишидаги замонавий стандартлар асосидаги янги лойихалар хақида суҳбатлар ташкил этади. Ўқувчиларнинг ўзларини бино ва арихитектуралар, иншоотлар. Уларнинг қурилишида математика, физика, киме, технология фанларини ўзрао боғлиқлик хусусяитлари хақида билим, малака ва кўникмалар хосил қилади.

**Ўқув жараёнини ташкил этиш технологияси:**

**Шакл:** интерфаол машғулот, сухбат, жуфтликда, кичик гуруҳ, жамоа бўлиб ишлаш. **Метод**: Ақлий хужум, оғзаки баён, матн билан ишлаш, савол-жавоб, изланиш методи, тақдимот. **Восита:** аудио-визуал техника, видеолавхалар, тарқатма материаллар, ватман қоғозлар, рангли қоғозлар, скотч, маркер ва фломастерлар.

**Баҳолаш:** гурухларни тақдимотини кузатиш рағбатлантириш, гурухлар ўзини-ўзи бахолаш, балл тизими.

**Кутиладиган натижалар**: мавзу асосида тўлақонли маълумот бериб, ўқувчилар ижодкорлик, интернет билан ишлаш орқали билимини оширадилар. Мавзу бўйича ўзларининг ясаган биноларини ғояси ва мазмуни бўйича коммуникатив, мухандислик ва турли касб хунарга бўлган қизиқиш қобилияти компетенцияси шаклланади ва мотивацияси ривожланади.

**Адабиёт:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4199-сонли қарори.
2. Р.Ишмуҳамедов, М.Юлдашев.Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.(таълим тизими ходимлари, ўқитувчилар, тарбиячи ва мураббийлар, методистлар учун ўқув қўлланма). Тошкент-2017, 368 б.


## DARS JARAYONIDA INNOVATSION PEDTEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI


**Abdullayeva Xavoxon - Umumiy pedagogika kafedrasi oʻqituvchisi. Andijon davlat universiteti**



***Annotatsiya:*** *Ushbu maqolada oʻqituvchining boshlangʻich sinflarda dars jarayonini qiziqarli oʻtkazish, oʻquvchilar e’tiborini jalb etish uchun qoʻllaniluvchi innovatsion pedtexnologiyalar haqida soʻz boradi.*



***Kalit soʻzlar:*** *oʻqituvchi, dars, pedtexnologiya, AKT vositalari, elektron darsliklar, boshlangʻich sinf, oʻyin.*


Bugungi kun oʻqituvchisiga barkamol avlodni tarbiyalab voyaga yetkazishdek mas’uliyatli vazifa yuklangan boʻlib, ta’lim mazmunini takomillashtirishga qaratilgan vazifalarni belgilab olish, zamon bilan hamnafas boʻlib, ta’limning zamonaviy texnologiyalarini joriy etgan holda oʻquvchilarda oʻz faniga qiziqish uygʻotishlari, hurmat-ehtirom tuygʻularini shakllantirib borishlari talab etiladi. Ta’limda ijobiy natijalarga erishish, eng avvalo, yosh avlodga ilmiy bilim asoslarini puxta oʻrgatish, ularda dunyoqarash hamda tafakkur koʻlamini kengaytirish, ma’naviy-axloqiy sifatlarini shakllantirish borasidagi ta’limiy-tarbiyaviy ishlarni samarali tashkil etish bilan belgilanadi. Bu borada ta’lim-tarbiya jarayoniga koʻplab oʻzgartirishlar kiritilmoqda, yangicha yondoshuvlar tadbiq etilmoqda. Shulardan birisi, axborot-kommunikatsion texnologiyalardan foydalanib dars oʻtishda mashgʻulotlar samaradorligini oshirishga erishish hisoblanadi.

O‘quvchilarning fanlarga bo‘lgan qiziqishini oshirish, ularning aqliy va ijodiy tafakkurini, intellektual qobiliyatlarini rivojlantirish, fanlararo bog‘liqlikni ta’minlash, bugungi pedagogikaning muhim vazifalaridan. Darslarni ilg‘or pedagogik texnologiyalar asosida tashkil etish, o‘quvchilarni mustaqil ravishda faoliyat ko‘rsata olishga, axborot texnologiyalari imkoniyatlaridan oqilona foydalanishga o‘rgatish, o‘qitilayotgan fanni o‘zlashtirish sifatini oshirish ustuvor vazifa hisoblanadi. Bu borada boshlang‘ich ta’limni o‘qitishda ham turlicha uslublar qo‘llanilmoqda. Shulardan biri zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanishdir.

Zamonaviy axborot texnologiyalarning jadal taraqqiy etib, ta’lim sohasiga jadal kirib kelishi, hayotimizda muhim ahamiyatga ega bo‘lib borayotgani bu boradagi bilim va malakalarimizni ham mos ravishda shakllantirishni taqozo etadi. Shuning uchun, boshlang‘ich sinflarda kompyuterdan foydalanib dars o‘tish tavsiya qilindi.

Dars jarayonining muhim yutuqlaridan biri kompyuter texnologiyalari komponentlaridan foydalanishni ta’minlovchi dasturiy vositalarning yaratilishi bo‘ldi. Ayniqsa, o‘quv jarayonining tashkil qilishda bu dasturiy vositalar alohida ahamiyatga ega. Elektron qo‘llanmalarning “Macromedia Flash”, “GIF Animation”, “Microsoft Front Page” , “Abobe Fotoshop”, “3D Max”, “Microsoft Power Point” kabi dasturiy vositalardan foydalanib yaratilganligi qulaylik tug‘dirmoqda. Chunki ular harakatli, rangli, ovozli tasvirlar yaratish imkonini beradi. Bu esa boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining mavzuni tez tushunib olishga, o‘zlashtirish sifatini oshishiga yordam beradi. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari uchun yaratilgan elektron darslik, qo‘llanma va taqdimotlardan o‘quv jarayonida keng foydalanilmoqda. O‘qish, ona tili, matematika va tabiatshunoslik fanlarini o‘qitishda axborot texnologiyalari yordamida turli xil ko‘rgazmali slaydlardan dars jarayonlarida foydalanish mumkin. Masalan,

- o‘qish va ona tili fanlarida katta ekranda harflarni, so‘zlarni bir-biriga qo‘shib o‘qish, so‘ngra kichik ertak va hikoyalarni o‘qish, harflarni to‘g‘ri va chiroyli yozish;
- matematika fanida oddiy amallardan foydalanib, slaydlar yordamida masalalar yechish, turli xil hisob-kitobli o‘yinlar tashkil qilish;
- tabiatshunoslik fanidan tabiatdagi hodisalar haqidagi sodda slaydlar yordamida tushunchalar berish mumkin.

Ushbu usullardan foydalanish yosh va bilimga chanqoq o‘quvchining og‘zaki nutqini rivojlanishiga, og‘zaki hisoblash malakasini oshishiga, ijodkorlik, izlanish va fikrlash qobilyatini rivojlanishiga turtki bo‘ladi. Elektron taqdimotlardan darsda namoyish va ko‘rgazmali material sifatida foydalanish o‘qituvchiga katta yordam beradi. O‘quv materialining elektron taqdimotda animatsiyalar shaklida berilishi

o‘tilayotgan mavzuni tushunishni yengillashtiradi va ko‘rgazmalilikni oshiradi. Namoyish slaydlarini o‘quvchilarga tarqatma material sifatida ham berish mumkin. Bunga misol qilib, 4-sinf ona tili darslarida foydalanish uchun yaratilgan “Kelishiklar” mavzusidagi electron taqdimotni aytish mumkin.

Elektron darslikdan mustaqil ta’lim olishda va o‘quv materiallarini har tomonlama samarali o‘zlashtirishda foydalanish mumkin. Elektron darslikda fanning o‘quv materiallari o‘quvchiga interfaol usullar bilan, psixologik va pedagogik jihatlar, zamonaviy axborot texnologiyalari, audio va video animatsiyalar imkoniyatlaridan o‘rinli foydalaniladi.

Kitob. uz saytida 1-4 sinf o‘quvchilari uchun deyarli barcha fanlarning elektron darsliklari mavjud. Ammo ular matn va ovoz shaklida taqdim etilmagan. Elektron darsliklarni matn va ovoz shaklida, slayd-shou ko‘rinishda berish maqsadga muvofiq. Audio va video axborotlarning o‘zaro birgalikda qo‘llanishi o‘qitish samaradorligini keskin yuksaltiradi.

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari uchun RTM tomonidan yaratilgan “Sanashni o‘rganamiz”, “Alifbo saboqlari”, “Aljabr”, “5x5” , kabi elektron dasturlar o‘zining qiziqarliligi, o‘quvchilar yoshiga mosligi, foydalanish uchun soddaligi, intellektual salohiyatni rivojlantirish, mantiqiy mushohada yuritishga chorlashi bilan ahamiyatlidir.

“Sanashni o‘rganamiz” – boshlang‘ich sinf o‘quvchilari uchun matematika fanidan elektron o‘quv vositasi. Mazkur elektron dars ishlanma orqali boshlang‘ich sinf o‘quvchilari 4 amalni bajarish ko‘nikmasini hosil qilish bilan birgalikda kompyuterning “sichqoncha” qurilmasidan foydalanish ko‘nikmasi shakllantiriladi.

“Alifbo saboqlari” - 1-sinf o‘quvchilari uchun mo‘ljallangan bo‘lib, Alifboni o‘rgatuvchi dastur hisoblanadi. Dasturning afzallik tomoni shundaki, o‘quvchilarning og‘zaki va yozma nutqini o‘stirish (harfni talaffuz qilish va yozish, o‘sha harf bilan boshlanuvchi narsalarning nomlarini o‘rganish)ga yordam beradi. Shuningdek, harflar o‘rganilgandan so‘ng, mustahkamlash maqsadida rasm beriladi. Berilgan katakchaga rasmdagi narsaning nomini to‘ib yozish to‘shiriladi.

Shu yerda o‘quvchining kompyuter orqali yozuv malakalari shakllantirilib boriladi, test bilan ishlashga ham o‘rgatiladi.

“Aljabr” - 1-sinf matematika darslarida foydalanish uchun mo‘ljallangan dastur hisoblanadi. Dastur orqali o‘quvchilar 10 ichida raqamlashni, tartiblashni, qo‘shish va ayirish amallarini bajarishni, taqqoslashni o‘rganadilar. Dastur o‘quvchiga og‘zaki misol yechishning avtomatik darajada o‘zlashtirish imkonini beradi. Shuningdek, mustaqil ishlash ko‘nikmalarini rivojlantirishga xizmat qiladi.

“5x5” - 2-sinf matematika darslarida foydalanish uchun mo‘ljallangan bo‘lib, karrali jadvalni o‘rgatuvchi dastur hisoblanadi. Dasturning takrorlash qismida kompyuterning o‘zi tartib bilan 2 dan boshlab 9 gacha karrali jadvalni o‘rgatadi.

Imtihon qismida esa o‘quvchi mustaqil ravishda jadvalni ishlab chiqadi. Shunisi e’tiborliki, bir xonani bajarmasdan turib, ikkinchisiga o‘tmasligi o‘quvchini o‘z ustida ishlashiga majbur etadi. Dasturni o‘qituvchi uchun haqiqiy yordamchi desak bo‘ladi. Chunki, sinfning 30-40% o‘quvchisi karrali jadvalni o‘rganishida qiyinchilikka duch keladi. Dastur o‘sha o‘quvchilarga karrali jadvalning avtomatik darajada o‘rganishlarini kafolatlaydi.

Bugungi kun o‘qituvchisiga qo‘yilayotgan talab, dars jarayonida axborot texnologiyalarni qo‘llay olishi, o‘quvchilarni komyuterdan erkin foydalanishga, zamonaviy bilimlarni puxta egallashga, ma’nan yetuk shaxs bo‘lib yetishiga o‘rgatishdan iborat.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Abdullayeva B.S. va boshqalar. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilariga geometrik materiallarni o‘rgatish metodikasi. –Toshkent, 2011.

2. Jumayev M.E. Bolalarda matematika tushunchalarini shakllantirish nazariyasi. – Toshkent, 2005.

## THE RELATIONSHIP BETWEEN THEORETICAL EDUCATION AND PRACTICAL ACTIVITY IN THE DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL QUALITIES OF FUTURE SPECIALISTS

**Umarov Khusan Abdurakhimovich –** Lecturer of Tashkent State Pedagogical University after named Nizami

***Annotatsiya:*** *Maqolada kadrlarning kasbiy tayyorgarligini rivojlantirish maqsadida ta’limni tashkil etishda amaliy faoliyatga yo‘naltirilgan usullaridan foydalanish orqali ta’lim jarayonini samaradorligini oshirish masalasi yoritilgan.*

***Аннотация:*** *В статье рассматривается проблема повышения эффективности образовательного процесса за счет использования практико-ориентированных методов в организации образования с целью развития профессиональной готовности.*

***Abstract:*** *This article discusses the problem of increasing the efficiency of the educational process through the use of practice-oriented methods in the organization of education in order to develop professional readiness.*

***Kalit so‘zlar:*** *Kasbiy tayyorgarlik, kompetentlik, tayyorgarlikni rivoljlantirsh, amaliy faoliyatga yo‘naltirilgan ta’lim, ta’limda innovatsion yondashuv.*

***Ключевые слова:*** *Профессиональная готовность, компетентность, развитие готовности, практико-ориентированное обучение, инновационный подход в образовании.*

***Keywords:*** *professional readiness, competence, improving of readiness, practice-oriented teaching, innovative approach to education.*

The theoretical knowledge gained by students in the educational process will undoubtedly become the basis of their professional skills. But at the same time, not only the knowledge of future teachers is important, but also the level of professional readiness. Confirmation of this can also be seen in the results of a number of recent studies conducted by local and foreign scientists.

In addition, as evidence of our opinion, we can cite the work of some researchers: T.M. Bakikhina studied this issue and came to the conclusion that “Professional competence is the degree of a formed system of knowledge, skills, abilities, and individual initiatives necessary for effective implementation specific activity ”[1, 26]. The difference between competence and knowledge lies not only in knowledge about the activity, but also in its manifestation, the difference between competence and skill is that it can be applied to questions of different content. “The development of competence is assessed, first of all, by the end result (managed - failed to complete the task)” [2, 133], which allows a person to act not only in their usual conditions, but also in new, non-standard conditions.

Some researchers believe that the concepts of "competence" and "competence" are synonyms that mean the same concepts. Regarding this issue, we agree with I.P. Medintseva, she explains these terms as follows: “competence (a set of interrelated personality traits set in relation to a certain range of objects and processes) and competence (possession, possession of a person of the appropriate competence, including his personal attitude to her and the subject of activity) ”. [3]

Thus, we define competence as “the subject's ability to work with objects of activity or the subject's ability to effectively use previously acquired knowledge and skills in a particular situation, the ability to successfully carry out professional activities” and we decided to look at “competence” as an indicator of a future teacher's training.

However, this decision clarifies the problem of insufficient participation of students in practical activities in the educational process, which in some cases does not have sufficient opportunities for practical activities.

Despite the large number of scientific studies carried out by scientists on the relationship between science, education and industry, in universities in real life, technoparks, various subsidiary enterprises and manufacturing enterprises are insufficiently formed. This in turn leads to the assessment of practical skills again in the classroom - in a theoretical process.

It is clear that we will not be able to achieve the intended goal if we do not ensure continuity between production (which enables practical activity), which forms practical skills and education, which ensures the intellectual growth of the participant in the process. The reason is that knowledge is a product of intellectual activity, while training, on the contrary, manifests itself in practical activity. As a

conclusion, we can say that it is necessary to develop a mechanism for determining the level of readiness of future personnel, their ability to fully meet the requirements of the employer, to develop a mechanism for testing the skills to perform professional activities at a high level.

Another aspect of the problem is the fact that pedagogical practice, which is the practical activity of the future teacher, is carried out at the end of the educational process and excludes the possibility of research or correction of any mistakes or omissions during practice.

As a solution to this problem, we recommend improving the learning environment by expanding its scope.

That is, in the learning process, students have the opportunity to spend their free time as a volunteer, trainee and intern (at industrial enterprises) to gain experience in their chosen field. This approach not only makes it possible to link the formal form of education with non-formal forms, but also allows young professionals to demonstrate their abilities in front of potential employers and further continue their professional career after training.

However, it is becoming more and more obvious that in modern conditions, at a time when existing technologies and knowledge are rapidly updated and improved, it is impossible to train highly qualified personnel while staying inside the building of educational institutions. And yet, it should be noted that in order for the current education system to adapt to new requirements and serve as the basis for the formation of students' skills that meet the requirements of modern society, it should be borne in mind that applicants cannot always consciously choose the path of their future career and feel the need for its further improvement.

In many cases, the basic requirements of the employer begin with the work experience of the personnel. A serious requirement for the training of a future teacher in such conditions is not only the formation of knowledge and skills, but also the development of important professional qualities, the ability to seek and implement new approaches to education and upbringing. The reality is that university graduates are not sufficiently prepared to organize their professional activities. Therefore, it is necessary to think about the process of developing the professional competence of the future teacher, which is an indicator of his professional pedagogical training.

In the process of studying the problems of students' readiness, a number of reasons were identified that hinder their preparation at a high level. The experiment revealed that the main reasons for the relatively low level of training of students are: 1) partial inconsistency between the materials presented in the topic and with current situations; 2) problem situations – are not sufficiently relevant and their abstract nature, as well as separation from real life; 3) lack of motivation for

education among students; 4) the prevalence of non-practical forms of education; 5) insufficient attention is paid to the organization of practical activities and independent work of students in the educational process. [4, 8]

To solve these problems, we need to do the following: First: focus on the form of learning. It must be borne in mind that the content of education can be mastered only in the process of active activity of the subject, and organize the educational process on the basis of practice-oriented technologies. Secondly: the study of the content of the subject requires taking into account the presence of objects of research. To achieve this goal, great attention should be paid to practical developmental methods, such as practice-oriented interactive methods, problem situations, cases and much more. Third: content is related to teaching methods. In didactics, several forms of its presentation have been developed, each of which determines a specific program of educational and cognitive activity: verbal-descriptive, structural-conceptual, system-activity, and others. The latter plays a priority role in the organization of the educational process.

Such a system can teach students to form their roadmap for the consciously and independently (by themselves) development of their professional development, even in the early stages of learning.

**List of references**


1. Т.М.Балыхина Содержание и структура профессиональной компетенции филолога. Методологические проблемы обучения русскому языку. Дис. на соиск. уч.ст. докт. пед. наук. М.: 2000 475 с., с.59
2. О.М.Бобиенко, З.Н.Сафина Компетентностно-ориентированный подход в образовании взрослых. Уч. пособие для преподавателей. Казань: Изд. Центр. Академии управления «ТИСБИ», 2004.204с.
3. И.П.Мединцева. Компетентностный подход в образовании Педагогическое мастерство: материалы II Междунар. науч. конф. (г. Москва, декабрь 2012 г.). URL: https://moluch.ru/conf/ped/archive/65/3148/ (дата обращения: 12.07.2020).
4. М.Т.Мирсолиева Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш 13.00.07 –Таълимда менежмент Пед. фан.док. (DSc) .дисс. автореф.-Т.: 2019. 14 б.

# SMART ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Д.Э. Тоштемиров - Педагогика ва психология кафедраси мудири, доцент.**
**Ф.Ш. Ирсалиев - Амалий математика ва АТ кафедраси ўқитувчиси.**
**Гулистон давлат университети**

***Аннотация.*** *Мақолада SMART технологияларининг пайдо бўлиши, жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида маълумотлар ёртилган.*

***Аннотация.*** *В статье описывается возникновение, роль и значение SMART технологий в обществе.*

***Annotation.*** *The article describes the origin, role and importance of SMART technology in society.*

***Калит сўзлар****: технология, ахборот технологиялари, SMART, анъанавий таълим, электрон таълим, ақлли-таълим.*

***Ключевые слова:*** *технология, SMART, информационные технологии, традиционное образование, электронное обучение, умное обучение.*

***Keywords:*** *technology, SMART, information technology, traditional education, e-learning, smart learning.*

XXI асрнинг бошланиши билан замонавий ахборот коммуникация технологиялари инсон ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Бугунги кунда мобиль телефон, компьютер ва Интернет замонавий жамиятдаги одамларнинг фаолитятида қўлланиладиган асосий воситалар қаторига киритилди.

Ахборот коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши, анаънавий ва электрон таълимнинг уйғунлашиши натижасида SMART-таълим (SMART-education, ақлли-таълим) деб номланган таълим пайдо бўлди.

SMART сўзи инглиз тилидаги бир нечта сўзларнинг бош ҳарфларидан ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилида ақлли, ақл-идрокли, технологик каби маъноларни билдиради. Бу қисқартма сўзни дастлаб 1954 йили Австриядан чиққан америкалик олим, иқтисодчи, публицист, педагог, XX аср менежмент назариячиларидан бири Питер Фердинанд Друкер (1909-2005) киритган. Сўнгра 1965 йили Paul J Meyer, кейинчалик эса 1981 йили George T. Doran ўз илмий ишларида қўллаганлар [1].

SMART - менежмент ва лойиҳавий бошқарувда мақсадни аниқлаш ва масалаларни қўйиш учун фойдаланиладиган мнемоник аббревиатурадир. Мнемóника сўзи (қад.грец. μνημονικόν - ёдлаш санъати) мнемотéхника шаклда қўлланилиб, зарур ахборотларни ёдлашни енгиллаштирадиган ва алоқа(ассоциация)лар ташкил этиш йўли билан, абстракт объект ва далилларни визуал, аудиаль тушунча ва ифодалашга алмаштириш орқали хотира ҳажмини кўпайтирадиган махсус усул ва йўллар тўпламидир. SMART қуйидаги сўзларнинг бош ҳарфларидан ташкил топган:

S – specific — аниқ. Мақсад масимал аниқ бўлиши ва Сиз ҳамда атрофдагилар томонидан бир хил тушунилиши лозим. SMART технологияси бўйича у: Бевосита нима қилиниши керак? Қачон? Қандай миқдорий кўрсатгичларда? каби саволларга жавоб беришни кўзда тутади.

M – measurable — ўлчовли. Сиз ва мақсадга эришишни топширган кишилар, мақсад эришилганлиги аниқ бўладиган мезонларни тушунишлари керак. SMART технологияси шахсни, у эришиладиган натижаларда ўзининг фойдасини кўрадиган даражада мотивация қилади.

A - achievable, ambitious, agresive, attractive — эришиладиган, эҳтиросли, тажовузкор, жозибадор.

Achievable – эришиладиган. Технологиянинг бундай мезони кўпроқ ёлланган (таклиф этилган, жалб этилган мутахассис) ходимларга тўғри келади. Мутахассисларга мақсадни узатади, лекин уларнинг харакатлари эгаллаган лавозимлари доирасида чегараланган.

Ambitious - эҳтиросли. SMART технологиянинг ушбу талқин қилиниши ташкилотнинг ТОП-менежер (иш эгаси, яратувчиси ва мафкуравий раҳбар ёки ёлланган менежери – ёлланган малакали бошқарувчи)лари учундир. Улар аввалгидек эгасининг ихтиёри билан чегараланган бўлсаларда, лекин энди лойиҳа доирасида фикрлайдилар. Шунинг учун, уларнинг мақсадлари катта мураккабликка эгадир, лекин ҳар қалай бу мақсад технология доирасида эришиладигандир.

Aggressive – тажовузкор. SMART технологияси бўйича мақсадга эришилганликни баҳолаш мезони тадбиркорлар учундир. Мақсад, атрофдигиларнинг фикри бўйича соғлом маъно доирасидан чиқиб кетганда, эгаси натижага эришиш учун барча ҳаракатларни амалга оширади.

Attractive – жозибадор. Якуний натижа нафақат эгасига, балки мақсадларга эришиш учун топширилган барча шахс(мутахассис ва ходим)ларга ҳам эришиш истиқболларини қамраб олиши керак.

SMART технологияси раҳбар ёрдамчилари томонидан ҳам ходимларни бошқариш ва уларга вазифалар қўйилишида ҳам ишлатилади. Шу сабабали, улар мақсадга эришишга шахсан қизиқишлари учун, якуний натижани ходимларнинг мотивациясига боғлаш керак.

R – relevant, resours – мувофиқ, ресурс. Relevant – мувофиқ, ушбу вазиятга мос .

SMART - мақсад, ушбу вазиятга мос бўлиши лозим. У Сизнинг вазифангиз қўшилиб кетмаслиги ва бошқа мақсадлар ҳамда устуворликларнинг мувозанатига халақит қилмаслиги лозим [1].

Барча масалалар босқичлар ва кичик масалаларга ажратилиши керак.

Таълимдаги энг катта хато амалга ошириладиган масалани бир йилга қўйиб, ҳар чоракка ва кундалик ҳаракат режаларини тузмасликдир. Агар шундай режалар тузилиб иш олиб борилса, Сиз мақсадга эришиш йўлини яхшироқ тушунасиз. Бу қўйилган муаммони ҳал этишда унга қандай йўл билан эришишингизни аниқ тушунишингиз муҳим.

Кўриниб турибдики, SMART технологиясининг ушбу тоифаси (мезони) ҳам шахсни бошқариш билан алоқадор.

Resource – ресурс. SMART технологияси ҳозирда Сизда мавжуд бўлган ресурслар (шахс, маблағ, вақт)ни ҳаққоний баҳолашга имконият беради. Таълимдаги ҳусусий хатоларидан бири – бир кишига турли йўналишдаги масалаларни топшириш, яъни турли мутахассислар жамоаси ўрнига барча йўналишлардаги ишларни бир киши олиб боришидир.

T – time bound – вақт бўйича чегаралар. SMART технология ихтиёрий вақт бўйича мақсадни чегаралаш шарти билан қўйилади. Сиз мақсадни бажарилиш вақтини аниқ қўйишингиз ёки аниқ бир даврга боғлашингиз мумкин. Шуни ёдда тутиш лозим: Муддатсиз мақсад бажарилмайди [2].

SMART мақсадларни қўйишда инсон уларни қимматлилигини, зарурлигини сезиши лозим. Smart мақсадларни тўғри қўйиш технологияси қўйилган мақсадларни долзарблигини, унга эришиш усулларини, эришилган натижаларни ўлчаш мумкинлигини ва аниқлиликни ҳисобга олишни талаб этади. Аҳамиятли мақсадни қўйишда Қўйилган мақсадни ечиш мақсадга эришишда қандай фойда келтиради? деган савол ёрдам беради [3].

Шундай қилиб, «SMART» — бу атроф муҳит билан ўзаро таъсирда намоён бўладиган система ёки жараённи ҳоссасидир ва қобилияти билан система ёки жараёнга: ташқи муҳитдаги ўзгаришга тез жавоб бериш; ўзгариш қилинаётган шартларга мослашиш; мустақил ривожланиш ва ўзини-ўзи назорат қилиш; натижага самарали эришишга имконият беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Абдуқодиров А.А. Smart-технологиясига оид тушунчалар ва унинг асосий тамойиллари. / Ахборот таълим маконини такомиллаштиришда ахборот ресурслари ва технологиялари интеграцияси. Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент, ТДПУ. 2019. - Б.9-13.
2. Абдуқодиров А.А., Тоштемиров Д.Э. Таълим муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш методикаси. Монография. Гулистон: “Университет”, 2019. - 232 б.
3. Тихомиров В.П. Мир на пути Smart Education: новые возможности для развития // Открытое образование. 2011. - № 3. - С.22-28.

# ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МАСОФАЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Д.Э. Тоштемиров - Педагогика ва психология кафедраси мудири, доцент.**
**У.С. Саматов - магистрант.**
**Гулистон давлат университети**

***Аннотация.*** *Мақолада бўлажак мутахассислар учун мустақил таълимни ташкил этишда масофали ўқитишнинг ўрни, масофали ўқитиш технологияларининг тузилиши, мазмуни ва уни яратиш масалалари ёритилган.*

***Аннотация.*** *В данной статье обсуждается роль дистанционного обучения в организации самостоятельного обучения будущих специалистов, структура, содержание и создание технологий дистанционного обучения.*

***Annotation.*** *This article discusses the role of distance learning in the organization of independent learning for future professionals, the structure, content and creation of distance learning technologies.*

***Таянч сўзлар****: мустақил таълим, замонавий ахборот технологиялари, масофали ўқитиш, таълим портали, электрон ўқув-услубий воситалар.*

***Ключевые слова:*** *самостоятельное обучение, современные информационные технологии, дистанционное обучение, образовательный портал, инструменты электронного обучения.*

***Keywords:*** *independent learning, modern information technology, distance learning, educational portal, e-learning tools.*

XXI аср таълим тизимини ташкил этишда ўқитишнинг замонавий шакллари ва усулларини қўллаш, замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш, масофали ўқитиш технологияларини жорий қилиш масалалари алоҳида аҳамият касб этади.

Масофали ўқитиш - ахборот-коммуникация технологиялари ва илмий асосланган ўқитиш усулларини қўллаб таълим олиш шаклидир [1]. Ўқитишнинг бу шаклида таълим жараёни таълим олувчиларга мос ўқув предметини эркин танлаш, ўқитувчи билан мулоқат қилиш шароитларини таъминлайдиган анъанавий, замонавий ахборот-телекоммуникация технологияларига асосланадиган, ўқитиш жараёнида ўқувчининг қаердалиги ва вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга оширилади. Тадқиқотда кузатиш, таққослаш, умумлаштириш методларидан фойдаланилди.

Масофали ўқитишда ўқув жараёнига тегишли бўлган барча компонентлар (мақсад, мазмун, метод, ташкилий шакл, ўқитиш воситалари ва ҳоказо) Интернет технологиясининг техник ва дастурий воситалари билан амалга оширилади [2].

Масофали ўқитишни ташкил қилишда таълим хизматлари самарадорлигини оширишда ахборот маконининг ўрни жуда катта. Таълим

муассасаларида фанлардан ахборот маконини яратиш Интернет ва Интранет тармоқларида таълим порталлари ташкил қилиш орқали амалга оширилади.

Таълим порталида масофали ўқитишни ташкил қилишда умумлаштирилган ўқитиш технологиялари ва тизимлари яратиш муҳим аҳамиятга эга. Умумлаштирилган ўқитиш технологиялари ва тизимларига таълим порталида жойлаштирилган ўқув дастурлари, режалар, дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар, семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари мазмуни, тест тизимлари мажмуасини келтириш мумкин.

Таълим портали масофали таълим тизимининг ривожланишига, шу билан бирга унинг асосий воситаси ҳисобланиб, масофали таълимнинг ташкилий-услубий ва меъёрий-ҳуқуқий базасининг ривожланишига, таълим олувчилар ва педагогларни мутлақо янги воситалар билан таъминлашга, педагогик тадқиқотларни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Таълим порталларига масофали ўқитиш амалга ошириладиган таълим муассасалари ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш, унинг тузилмалари, молиявий-хўжалик ишларини юритиш, ўқув режа ва дастурлар, ўқув материаллари, тестлар ва бошқалар ҳақида веб сайтлар мажмуаси жойлаштирилади.

Таълим порталининг асосий ўқув-услубий қисми электрон дарсликка асосланган. Электрон дарслик - компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарадор ўзлаштирилишига мўлжалланган электрон ўқув адабиёти ҳисобланади [3].

Ўқув жараёни учун яратилган таълим портали ўқув жараёни мобайнида намойиш этиш воситаси, компьютер синфларида ташкил этиладиган мустақил ишлаш машғулотларида репититор, мустақил таълим олишга восита, амалий ва лаборатория ишларини бажариш мобайнида услубий ёрдамчи, ўқувчилар томонидан билимларни ўзлаштиришини назоратчиси, амалий ва лаборатория машғулотлари учун масала ва машқлар билан таъминловчидир.

Таълим портали ўқувчиларга ахборотни ўқиш, маърузаларни эшитиш, амалий ва лаборатория машғулотларига мўлжалланган вазифаларни бажариш, ўз билимларини текшириш ва зарур ҳолларда уларни тўлдириш, ўз-ўзини назорат қилиш каби билим шаклларини тавсия этиши мумкин.

Таълим портали ўз ичига тренажёрлар, амалий ва лаборатория машғулотлари учун вазифалар, тест топшириқлари, бир вақтнинг ўзида билим бериш ва уларни ўзлаштириш жараёнини назорат қилувчи дастурий таъминотларни қамраб олади. Бошқача айтганда у ўқув предметларининг асосий ахборотли қисмини баён этувчи, олинган билимларни мустаҳкамлашга мўлжалланган машқлар, ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш имкониятини берадиган тест технологияларидан ташкил топади [4].

Таълим порталидаги мустақил таълим машғулотлари учун яратилган электрон ўқув-услубий материаллар автоматлаштирилган дастурий

воситалар ёрдамида фаолият олиб боради. Автоматлаштирилган ўқув-услубий материаллар таълим олувчиларга керакли мавзулар бўйича маълумотларни тавсия этади ва билимларни назорат қилади. Билимларнинг назорати натижасига қараб таълим олувчиларга турли савиядаги топшириқлар тавсия қилинади. Автоматлаштирилган ўқув-услубий таълим воситалари ёрдамида таълим олувчилар ўқитувчининг ёрдамисиз ҳам ўз билимларини ошириб такомиллаштириб бориши мумкин.

Ўқув жараёнида таълим порталидан фойдаланишнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- таълим жараёнида берилаётган материалларни чуқуррoқ ва мукаммалроқ ўзлаштириш;
- таълим олишнинг янги шаклларини жорий қилиш;
- дарс жараёнида билим олиш вақтининг қисқариши натижасида вақтни тежаш имконияти;
- олинган билимлар киши хотирасида узоқ муддат сақланиб қолиниши ва уни амалиётда қўллаш мумкинлиги.
- ўқувчиларда маълум малакаларни шакллантириш вақти қисқалиги;
- машғулотларда бажариладиган топшириқлар сонининг ошиши;
- компьютер томонидан фаол бошқаришни талаб қилиниши натижасида ўқувчи таълим субъектига айланиши;
- ўқувчилар кузатиши, мушоҳада қилиши қийин бўлган жараёнларни моделлаштириш ва бевосита намойиш қилиш имкониятининг ҳосил бўлиши ва бошқалар.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. - Т.: Фан, 2009. - 146 б.
2. Андреев А.А. Дидактические основы дистанционного обучения в высших учебных заведениях: Автореф. дисс... д-ра пед. наук. – МЭСИ, 2004. – 24 с.
3. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш концепцияси.- Тошкент: Шарқ, 2002. - 20 б.
4. Тоштемиров Д.Э. Таълим порталининг таркибий тузилиши ва услубий таъминоти. // Касб-ҳунар таълими, 2010. № 2. -. Б. 10-11.

# ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ ИНТЕГРАЦИЯСИ МАСАЛАЛАРИ

**Ўринов Дилшоджон Ахмаджонович-минтақавий иқтисодиёт ва бухгалтерия ҳисоби кафедраси тадқиқотчиси.**
**Фарғона давлат университети**

***Аннотация.*** *Мақолада таълим сифатини оширишда олий таълим муассаларининг ўрни, педагог ходимларнинг илмий фаолият билан шуғулланиши ва ушбу жараёнга талабаларнинг жалб қилинишини таълим сифатини оширишда муҳим омил эканлиги тўғрисида фикр юритилган. Шунингдек, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг илмий фаолияти натижалари таҳлили ва келгуси даврлар учун прогнозлар амалга оширилган.*

***Аннотация.*** *В статье рассматривается роль вузов в повышении качества образования. Также была рассмотрена важность вовлечения преподавателей в научную деятельность и вовлечения студентов в этот процесс для повышения качества образования. Проведен анализ результатов научной деятельности преподавателей вузов и прогнозы на будущие периоды.*

***Annotation.*** *The article discusses the role of higher education institutions in improving the quality of education, the involvement of teachers in research activities and the involvement of students in this process is an important factor in improving the quality of education. Also, the analysis of the results of scientific activity of teachers of higher education institutions and forecasts for future periods were made.*

***Калит сўзлар:*** *таълим, илм-фан, таълим сифати, олий таълим, илмий фаолият, илмий фаолият натижалари.*

***Ключевые слова:*** *образование, наука, качество образования, высшее образование, научная деятельность, результаты научной деятельности.*

***Key words:*** *education, science, quality of education, higher education, scientific activity, results of scientific activity.*

Ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида шиддатли ўзгаришлар бўлаётган ҳозирги шароитда ушбу ўзгаришлар билан боғлиқ билимларни тез ўзлаштириб, олинган билимларни ўзгарувчан шароитларга мослаштириб, амалиётда қўллай оладиган замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг самарали бўлишини таъминловчи ҳал қилувчи куч ҳисобланади [1]. Ана шундай кадрларни тайёрлаш бевосита олий таълим тизимида таълим сифатини ошириш билан боғлиқдир. Зеро, таълим сифатини белгиловчи омилларнинг биринчи ва энг асосийси ушбу тизимда

фаолият юритувчи юқори малакали педагог ходимлар ҳисобланиб, улар олий таълим муассасаларида тайёрланади [2].

Барча соҳаларда илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланишни талаб қилаётган билимларга асосланган иқтисодиётда олий таълим муассасаларининг вазифалари кенгайиб бормоқда. Олий таълим муассасаларининг улар учун анъанавий ҳисобланган янги билимларни ҳосил қилиш, уларни йиғиш ва бўлғуси кадрларга етказиб бериш вазифаси билан биргаликда, илмий фаолият билан шуғулланиш ва ушбу фаолият натижаларини жамиятда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этишга йўналтириш вазифасига тобора муҳимроқ вазифа сифатида қаралмоқда. Шу сабабли инновацион иқтисодиёт ҳукм сураётган ривожланган мамлакатларда университетларни иқтисодиётни ривожлантирувчи “катализатор” сифатида қаралмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида таълим жараёни билан бирга илмий фаолият ҳам юритилиши, олий таълим муассасаларининг педагог кадрлари тегишли йўналишларда илмий фаолият билан шуғулланишлари шартлиги қонун билан белгилаб қўйилди [3].

Профессор-ўқитувчиларнинг илмий фаолият билан шуғулланишлари ва ушбу фаолият натижаларини амалиётга самарали жорий эта олишлари таълим жараёнини самарали ташкил этишда муҳим ҳисобланади. Ушбу муҳимлилик профессор-ўқитувчиларнинг ўзлари таълим бераётган соҳаларда амалиётда реал мавжуд бўлган муаммолар тўғрисида маълумотга эга бўлишлари, назарий билимлардан фойдаланган ҳолда ушбу муаммоларнинг самарали ечимларини тақдим эта олишларидан келиб чиқади. Шу билан бирга, ушбу жараёнларда талабаларнинг иштирок этишларини таъминлаш уларда амалий кўникмаларни ҳосил бўлишига хизмат қилади. Профессор-ўқитувчиларнинг илмий фаолият билан шуғулланиб, унинг натижаларини амалиётга жорий этиши ва ушбу жараёнга талабалар жалб этилиши:

- таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини ошириш;
- таълим олувчиларда илмий тафаккурни ривожлантириш;
- педагог кадрларнинг илмий салоҳиятини ошириб бориш;
- «устоз-шогирд» мактаб ва анъаналарини мустаҳкамлаш, илмий изланувчиларнинг иқтидорли келажак авлодини шакллантириш;
- илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлаб бориш учун хизмат қилади ва илм-фан ва таълим узвий боғлиқлигини таъминлайди [4].

Мамлакатимизда илмий фаолият натижаларини прогнозлаштириш, иқтисодий таҳлил олиб боришнинг етарли даражада эмаслиги илм-фан соҳасида мавжуд ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммолардан бири сифатида

кўрилмоқда. Бу каби муаммоларнинг самарали ҳал этилиши нафақат илм-фан соҳасининг ривожланишига, балки келгусида таълим самарадорлигини ошириш учун ҳам хизмат қилишини инобатга олган ҳолда олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар илмий фаолият натижаларини таҳлил этиш ва ушбу таҳлиллардан келгусида таълим сифатини оширишда фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Республика олий ўқув юртлари томонидан интеллектуал мулк объектларига топширилган талабномаларнинг сони таҳлил этилганда ушбу кўрсаткич Республика бўйича жами рўйхатдан ўтказилган интеллектуал мулк объектларининг ўртача 8 фоизидан ортиғини ташкил этишини кўриш мумкин[36]. Мазкур кўрсаткични олий ўқув юртларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар сонига нисбатан солиштирилгандан, 1000 нафар профессор-ўқитувчига ўртача 18 та интеллектуал мулк объектларига талабнома тўғри келмоқда[37].

Технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларни жорий қилган ташкилотлар сони динамикаси таҳлил этилганда, республика пойтахтдан бошқа ҳудудларида ҳам ушбу ташкилотлар сони ортиб бораётганлигини кўриш мумкин. Жумладан, 2009 йилда ушбу ташкилотларнинг 53.6 фоизи Тошкент шаҳридада жойлашган бўлса, 2018 йилда 22 фоизни ташкил этган. Шу билан бирга, Навоий ва Тошкент вилоятларида ҳам ўсиш кузатилганлигини кўриш мумкин[38].

Ҳозирги кунда илм-фан ва илмий фаолиятга йўналтирилаётган маблағ мамлакат ялпи ички маҳсулотининг атиги 0,16 фоизни ташкил қилади ва ушбу кўрсаткич қатор ривожланган ва ривожланаётган давлатлар томонидан илм-фанга ажаратаётган маблағларга нисбатан деярли 10 баробарга камдир. Илмий ҳажмдор маҳсулотларнинг улуши ва ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмига нисбатан илм-фанга сарфланаётган маблағлар билимга асосланган иқтисодиётнинг асосий кўрсаткичлари ҳисобланади. Мазкур кўрсаткич ҳозирги кунда Жанубий Кореяда – 4,2 %, Японияда – 3,5 %, Германияда – 2,9 %, АҚШда – 2,8 %, Францияда – 2,2 %, Хитойда – 2,1 % ва Россияда – 1,1 % ни ташкил этмоқда.

Таҳлилларни амалга ошириш мақсадида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари илмий-фаолиятининг асосий натижаси сифатида рўйхатдан ўтказилган интеллектуал мулк объектлари ва илмий фаолиятни

---

[36] Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги 2012-2017 йиллар учун ҳисоботлар асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

[37] Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари ва Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 2012-2017 йиллар учун ҳисоботлар асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

[38] Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

олиб бориш учун давлат бюджетидан илмий-тадқиқотлар учун ажратилган ҳаражатлар танлаб олинди.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим муассаларида инновациялар трансфери соҳасидаги асосий кўрсаткичлар динамикасини моделлаштириш ушбу йўналишда юз бераётган тенденциялар, трендлар ва вақтли қаторлар каби моделлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Олий таълим муассасаларида инновациялар трансфери билан боғлиқ айрим кўрсаткичларни ўрганилган йиллар давомида ўзгариш тенденцияларини таҳлилини амалга оширдик (1-жадвал).

1-жадвал

*Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида рўйхатдан ўтказилган интеллектуал мулк объектлари сони ва таъсир этувчи омиллар динамикаси*[39]

| **Йиллар** | **ОТМлар томонидан рўйхатдан ўтказилган интеллектуал мулк объектлари сони, бирлик** | **Олий таълим тизимида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига сарфланган ҳаражатлар, млн. сўм** | **Технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларни жорий қилган ташкилотлар сони, бирлик** | |
|---|---|---|---|---|
| 2012 | 122 | 27612,4 | 187 | |
| 2013 | 92 | 34956,6 | 761 | |
| 2014 | 101 | 53565,7 | 852 | |
| 2015 | 265 | 65029,2 | 935 | |
| 2016 | 309 | 82424,6 | 933 | |
| 2017 | 356 | 90177,2 | 1023 | |
| 2018 | 428 | 88892,2 | 1024 | |
| 2019 | 515 | 87647,7 | 1082 | |

Юқорида билдириб ўтилган илмий мулоҳазалар, фикрлар музокараси, назарий қарашлар, кузатишлар, тадқиқотларга асосланган ҳолда қуйидаги хулоса ва тавсияларга келинди:

- таълим сифатини оширишда таълим тизимида фаолият юритувчи педагог кадрлар сифати энг муҳим омил ҳисобланади ва ушбу кадрларни

[39] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

тайёрловчи олий таълим муассасаларидаги ислоҳотлар самарадорлиги ҳал қилувчи ўринга эга;

- таълим жараёнининг илм-фан ва унинг натижаларини амалиётга жорий этиш жараёнлари билан бирга олиб борилиши таълим сифатини оширишга хизмат қилади. Бунда назария ва амалиётнинг боғлиқлиги таъминланади, фан ютуқларини аниқ белгиланган муаммоларни ҳал этиш учун йўналтирилади, талабаларда илмий тафаккурнинг шаклланиши учун хизмат қилади;
- илмий-тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши натижасида молиявий маблағга эга бўлиш имконияти талабаларда инновацион тадбиркорлик қобилиятини шакллантириш имкониятини яратади.

Хулоса қилиб айтганда, таълим ва илм-фан узвийлиги таъминланиши таълим сифатини ошириш учун хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

[1]. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 08.10.2019 й. N ПФ-5847.
[2]. Шмырева Н.А., Губанова М.И., Крецан З.В. Педагогические системы: научные основы, управление, перспективы развития. – Кемерово, 2002. С. 100
[3]. “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2019 йил 29 октябрь, ЎРҚ-576-сон
[4]. “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2019 йил 29 октябрь, ЎРҚ-576-сон

# АЁЛЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

**Х.Ш. Зиявутдинова – докторант.**
**Андижон давлат университети**

*Мақолада ўзбек оилаларидаги оилавий зўравонлик муаммоси муҳокама қилинади. Оилавий зўравонликни ўзи нима, қандай кўринишлари ва турлари мавжуд эканлиги ҳақида сўз боради. Оилавий зўравонлик қурбонига айланган аёллар психикасидаги ўзгаришлар ёритиб берилади. Бундан ташқари оилавий зўравонлик келтириб чиқариши мумкин булган оқибатлар ва уларни олдини олиш бўйича тавсиялар берилади.*

***Калит сўзлар :*** *оилавий зўравонлик, аёллар зўравонлиги, болаларга нисбатан зўравонлик, оналик депрессияси, стресс, хавф омиллари руҳий*

*камситилиш, иқтисодий зўравонлик, жисмоний зўравонлик, психологик зўравонлик.*

*В статье рассматривается проблема домашнего насилия в узбекских семьях. Поговаривают, что такое домашнее насилие, как оно выглядит и какие бывают виды. Подчеркиваются изменения в психике женщин и детей, ставших жертвами домашнего насилия. Он также дает советы о возможных последствиях домашнего насилия и о том, как их предотвратить.*

***Ключевые слова:*** *насилие в семье, насилие в отношении женщин, насилие в отношении детей, материнская депрессия, стресс, факторы риска, психологическая дискриминация, экономическое насилие, физическое насилие, психологическое насилие.*

*The article discusses the problem of domestic violence in Uzbek families. There is talk of what domestic violence is, what it looks like, and what types it is. Changes in the psyche of women and children who have been victims of domestic violence are highlighted. It also provides advice on the possible consequences of domestic violence and how to prevent them.*

***Keywords:*** *domestic violence, violence against women, violence against children, maternal depression, stress, risk factors, mental discrimination, economic violence, physical violence, psychological violence.*

Аёлларга нисбатан зўравонлик бу асосан аёлларга нисбатан индивидуал ёки жамоавий зўравонлик ҳаракатларидир. БМТнинг фикрига кўра, аёлларга нисбатан зўравонлик "бу аёлларга жисмоний, жинсий ёки психологик зарар етказиш ёки азоб-уқубатлар келтириб чиқарадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган, ҳар қандай зўравонлик ҳаракати, шунингдек, бундай қилмиш билан таҳдид қилиш, мажбурлаш ёки ўзбошимчалик билан эркинлигидан маҳрум қилиш.

Илмий адабиётларда аёлларга нисбатан зўравонлик тарихи ноаниқ тасвирланган. Ижтимоий меъёрлар, тақиқлар, тамғалар ва урф-одатлар бундай зўравонликнинг кўп турлари (яъни зўрлаш, жинсий тажовуз ва оилавий зўравонлик) ҳақида хабар берилмайди ва кам хабар қилинади. Ушбу муаммо ҳали ҳам кенг тарқалган бўлиб, ишончли ва узлуксиз маълумотларнинг йўқлиги аёлларга нисбатан зўравонликни ўрганиш ва тарихий контекстда бу ҳақда умумий тушунчани шакллантиришни қийинлаштиради. Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик тарихини кузатиб бориш қийин бўлса ҳам, бу зўравонлик бутун инсоният тарихи давомида кенг тарқалган, жоиз ва қонунийлаштирилган деб таъкидлаш мумкин [1]. Масалан, Рим қонунчилигида мавжуд бўлган эрларнинг хотинларини ўлимгача жазолашга рухсат беришлари [2], эркаклар ўз хотинларини жазолашга рухсат бериш каби фактлар. XVIII асрда инглиз қонунчилигида "бош бармоғидан қалин бўлмаган" таёқлардан фойдаланиш мумкин бўлган ва ушбу жазо шакли Англия ва Америкада XIX аср охирига қадар ҳукм сурган [1]. Баъзи экспертларнинг фикрига кўра, аёлларга нисбатан зўравонлик тарихи аёлларга мулк сифатида муносабатларнинг тарихи ва уларни эркаклар

ва бошқа аёлларга бўйсунишни тайинлайдиган гендер роли билан боғлиқ [3]. Кўпинча, аёлларга нисбатан зўравонлик кўлами ва тарихини аниқлаштириш учун патриархия конструкциясидан фойдаланилади, унда гендер тенгсизлигининг қатъий модели мавжуд [4] [5].

1993 йилда БМТнинг Аёлларга қарши зўравонликни йўқ қилиш тўғрисидаги декларациясида таъкидланишича, “аёлларга нисбатан зўравонлик тарихий жиҳатдан эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенгсизликнинг намоён бўлишидир, бу аёлларнинг ҳукмронлиги ва аёлларга нисбатан эркаклар тарафидан камситилишига олиб келди. Шунингдек, аёлларнинг мавқеини ҳар томонлама ривожланишига тўсқинлик қилади ва аёлларга нисбатан зўравонлик аёлларнинг эркаклар билан таққослаганда бўйсунувчи позицияни эгаллашга мажбур қиладиган асосий ижтимоий механизмларидан биридир "[6]. Бугунги кунда зўравонликнинг ушбу шакли ҳамма жойда мавжудлиги ва "дунёда аёлларга нисбатан зўравонлик мавжуд бўлмаган минтақа, мамлакат ёки маданият мавжуд эмаслигини" тан олиш керак [5]. Шуниси эътиборлики, аёлларга нисбатан зўравонлик айниқса, ривожланаётган мамлакатларда ва дунёнинг айрим қисмларида кенг тарқалган. Масалан, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Шри-Ланка ва Непал,Жанубий-Шарқий Осиёда, хусусан, Камбоджада , Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё,Африка, Яқин Шарқ ва Осиёнинг айрим минтақаларида , Эфиопия, Ўрта Осиё ва Кавказ шулар жумласидандир [7] . Баъзи минтақалар аёлларга нисбатан зўравонлик яқин вақтгача одатий ҳол эди. Бироқ, муайян зўравонлик шаклларини оқлаш учун маданий далиллардан фойдаланиш аёлларга нисбатан зўравонлик ҳаракатларини қонунийлаштириши мумкин. Миллий ва маҳаллий урф-одатлар, ижтимоий кутишлар ва динни турлича талқин аёлларга нисбатан зўравонликнинг асосий сабабларидир. Кўп сонли мамлакатларнинг ижтимоий гуруҳлари миллий урф-одатлар билан аёлларга нисбатан зўравонликларини оқлайдилар ва маданий меросни ҳимоя қилиш зарурлигига мурожаат қилишади.

Халқаро даражадаги аёлларга нисбатан зўравонлик билан курашиш тарихи қуйидаги муҳим воқеаларни ўз ичига олади:

• 1979 йил. Хотин-қизларга нисбатан камситилишнинг барча турларини йўқ қилиш тўғрисидаги конвенциянинг 12 ва 19-сонли тавсияларида зўравонлик аёлларни камситиш деб тан олган [8];

• 1993 йил. Инсон ҳуқуқлари бўйича Бутунжаҳон конференциясида аёлларга нисбатан зўравонлик инсон ҳуқуқларининг бузилиши деб тан олинди [8];

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг хабарларига кўра, аёлларга нисбатан зўравонлик соғлиқни сақлаш тизимининг харажатларини кўпайтиради. Чунки зўравонликни бошдан кечирган аёллар зўравонликка дуч келмаган аёлларга қараганда кўпроқ тиббий ёрдамга, шу жумладан қимматга тушадиган хизматларга муҳтож [9].

Аёлларга нисбатан зўравонлик харакатларини амалга оширувчи шахслар ўз турмуш ўртоғи ёки унинг қариндошлари бўлган инсонлардир. Умуман аёлларга нисбатан зўравонликдаги оилавий зўравонликнинг улушини

қуйидаги мисол билан баҳолаш мумкин: аёлларнинг қотиллигининг 40 дан 70 фоизигача эрлари ёки шериклари томонидан содир этилади [10]. Оиладаги зўравонлик нафақат жисмоний, балки психологик ва иқтисодий зўравонлик шаклида ҳам бўлиши мумкин [11]. Яқин инсонларининг зўравонлигидан азият чеккан аёллар кўпинча зўравонлик тўғрисида полицияга хабар бермайдилар, шунинг учун кўплаб мутахассислар муаммонинг ҳақиқий ҳажмини баҳолаш қийин [12], деб ҳисоблашади.

**Адабиёт**


1. Сценарий. Хавфсизлик йўқ. Аёлларга нисбатан зўравонлик. Мери Диксон томонидан ёзилган ҳужжатли филм (ингл.). *www.pbs.org*. Ариза берилган сана: 12 сентябр 2020 йил.
2. Stedman, Berne. 3 Va. L. Reg. n. s. 241 (1917—1918) Right of Husband to Chastise Wife (англ.). Virginia Law Register (1917-1918). Дата обращения: 12 сентября 2020.
3. Penelope Harvey & Peter Gow Sex and violence : issues in representation and experience (1994) pg 36 Routledge ISBN 0-415-05734-5.
4. Script. NO SAFE PLACE. Violence Against Women. A PBS Documentary Film written by Mary Dickson (англ.). www.pbs.org. Дата обращения: 12 сентября 2020.
5. Stedman, Berne. 3 Va. L. Reg. n. s. 241 (1917—1918) Right of Husband to Chastise Wife (англ.). Virginia Law Register (1917-1918). Дата обращения: 12 сентября 2020.
6. Аёлларга нисбатан зўравонликни йўқ қилиш тўғрисидаги декларация. БМТ Бош ассамблеясининг 1993 йил 20 декабрдаги 48/104 сонли қарори билан қабул қилинган.
7. Ahand Kirti, Prateek Kumar, Rachana Yadav. The face of honor based crimes: global concernc and solutions. International Journal of Criminal Justice Sciences. Vol. 6, Is. 1&2, 2011
8. Maffly, Brian (21 March 2009). «BYU study links women's safety, nation's peace».Архивировано 2 февраля 2010 года. The Salt Lake Tribune
9. Matthew Stearmer, Chad F. Emmett. The Great Divide: Revealing Differences in the Islamic World Regarding the Status of Women and its Impact on International
10. «Intimate Partner Violence: Overview». Centers for Disease Control and Prevention. 2006.
11. CDC — Consequences — Intimate Partner Violence — Violence Prevention — Injury. (недоступная ссылка). Дата обращения: 4 октября 2017. Архивировано 29 января 2010 года.
12. «All domestic abuse deaths to have multi-agency review». BBC. 13 April 2011.


## OILA- KICHIK MAKTAB YOSGI DAVRIDA IJODKORLIKNI RIVOJLANTIRISH SHARTI SIFATIDA


**D.M. Fatidinova – magistrant.**
**Andijon davlat universiteti**
**Psixolog_adu@mail.ru**
**+998979917717**



***Annotatsiya:*** *Ushbu maqolada oilaning o'ziga psihologik hususiyatlari va uning farzandlar yoshiga hos ta`sir vositasi haqidagi fikrlar bayon e`tilgan.*



*Kalit sq'zlar: oila, qobiliyat, ijodkorlik, motiv, hulq-atvor.*

***Аннотация:*** *В статье описаны психологические особенности семьи и способы ее влияния на возраст детей.*

***Ключевые слова****: семья, способности, творчество, мотив, поведение,*

***Resume:*** *The article describes the psychological characteristics of the family and the ways of its influence on the age of children.*

***Key words:*** *family, abilities, creativity, motive, behavior,*

Hozirgi vaqtda oilada kichik o'quvchilarda ijodkorlikni rivojlantirish masalalarini ko'rib chiqish qobiliyatlar psixologiyasining eng kam o'rganilgan sohasi va oilaviy tarbiyaning eng dolzarb muammosi hisoblanadi. Zamonaviy ota-onalar turli sabablarga ko'ra o'z farzandlarining intellektual va maxsus qobiliyatlarini rivojlantirish uchun sharoit yaratishga intilmoqda. Birinchidan, qo'shimcha ta'limning "modasi" tufayli, keng va chuqur ta'limning obro'si, ikkinchidan, o'z farzandlari hisobidan buning o'rnini qoplashga harakat qilayotgan ota-onalarning o'zlarini ijtimoiy sohada amalga oshirmasliklari sababli. Ushbu motivlar ota-onalarni bolaga maxsus sharoitlar yaratishga undaydi Uni zarur materiallar (asboblar, kitoblar, kompyuter) bilan ta'minlash, uni ish joyi bilan ta'minlash kerak, bundan tashqari, bu oila a'zolarining ta'lim va tarbiyaviy harakatlarini, teatrga, muzeylarga, kinoteatrlarga, kontsertlarga, ommaviy dam olish joylariga sayohatlarni o'z ichiga oladi. Shuning uchun umumiy iqtidorni rivojlantirish uchun yuqoridagi motivlar ijobiy rol o'ynaydi. Ammo, albatta, kichik o'quvchining oila ichida ijodkorligini rivojlantirishda oilaviy ta'lim uslublari, oila a'zolarining muloqoti va birgalikdagi faoliyati hal qiluvchi rol o'ynaydi. An'anaga ko'ra oilalarning 3 asosiy turi mavjud.

- oqsoqollarning shubhasiz vakolatiga asoslangan an'anaviy;
- bolaga yo'naltirilgan, bolani haddan tashqari himoya qilish va simbiyotik aloqalarga asoslangan va
- demokratik, oila a'zolarining manfaatlari tengligi va o'zaro ishonchga asoslangan. Shartli ravishda aytishimiz mumkinki, tegishli tarbiya uslublari oilalar turlari bilan bog'liq (garchi bu erda to'g'ridan-to'g'ri bog'liqlik bo'lmasa ham) avtoritar, demokratik, uyg'un.

Ota-onalarning uslublari va oilaning turlari o'z-o'zidan bolaning ijodiy qobiliyatlarini chiziqli ravishda belgilamaydi, aksincha ularning oilada rivojlanishiga har xil ta'sir qiladi. Shunday qilib, bola bilan yuqori darajadagi aloqa va nazoratga ega bo'lgan avtoritar uslub faoliyat samaradorligini oshirishga, rivojlanish tezligini tezlashishiga yordam beradi va agar kattalar haddan tashqari tanqid qilsalar, ijodni susaytiradi va to'xtatadi. Bola bilan yuqori darajadagi aloqa va unga nisbatan past nazorat bilan ruxsat etilgan uslub, uni ota-onalar bilan muloqotda to'plangan ijtimoiy tajriba bilan keng tajriba o'tkazishga undaydi va past darajadagi aloqa yoki e'tiborsiz qoldirilgan nazorat bilan, bu pedagogik e'tiborsizlikka olib kelishi mumkin. Demokratik tarbiya uslubi, bizning fikrimizcha, ijodkorlikni rivojlantirish uchun qulayroqdir, chunki u bolani oilaviy hayotda sheriklik holatiga keltiradi, uning hayotiy manfaatlarini inobatga oladi, tanlash huquqini beradi va shu bilan uni ongli ravishda mustaqil qaror qabul

qilishga undaydi, vaziyatga qarab egiluvchan harakat qiladi. Oilaviy tarbiya uslubi bola bilan aloqa o'rnatishning o'ziga xos xususiyatlarini aks ettiradi, unga oila tarkibining me'yorlari va qoidalarini taqdim etadi. Yosh o'quvchining mazmuni va mohiyati, ijodkorligi kattalar bilan muloqotda va birgalikdagi tadbirlarda namoyon bo'ladi.

Bugungi kunda oilaviy psixologiya ota-ona va bola o'rtasidagi munosabatlarning bolaning aql-idrokini rivojlanishiga ta'siri haqida ma'lumotlarga ega. Ota-onalar bilan intensiv hissiy aloqa bolaning aql-idrokini rivojlanishiga hissa qo'shishi, uning aql darajasi katta yoshdagi odamning aql darajasi bilan o'zaro bog'liqligi aniqlangan [2.125]. Bu xususiyat turli tadqiqotchilar tomonidan turli davrlarda kuzatilgan (R. Plomin, D.S.De Vriz, V.N.Druzhinin, S.V. Nebykova, J. Xorn).[4.89] Xususan, Drujinin V.N. S.V.Nebikova bilan birgalikda ota bilan hamkorlik bolalarning ijtimoiylashuvini rivojlantirishi haqida, ularni muloqotga o’rgatish haqidagi fikrlari oilaning bola tarbiyasiga ta’siri muhimligi va ijod haqida oz fikrlarini bayon etganlar[5.136]. Shunihgdek, bolaga nisbatan ota-onalarni haddan tashqari tanqid qilish bu ko'rsatkichlarni pasaytiradi. Shunga o'xshashlik bilan taxmin qilish mumkin (buning uchun tajribaviy tasdiqlash kerak), bolalarning ishlab chiqarish faoliyatining rivojlanishi ham sodir bo'ladi. Qo'shma tadbirlarda (o'yin, yozuv, hazil, rasm chizish) kattalar bolaga ijodiy xulq-atvor namunalarini taqdim etadilar va aksincha: bola tasavvurining maxsus intensivligi, idrokga bo'lgan ehtiyoj kattalarning qobiliyatlarini rag'batlantiradi. Shunday qilib, kattalar bilan aloqa qilish va birgalikdagi faoliyat kattalar va bolaning ijodkorligi amaliy va rivojlanishini topadigan yashash maydoni vazifasini bajaradi.

Bolalar va ota-onalarning aloqasi va birgalikdagi faoliyati aksariyat hollarda ijodkorlikni rivojlantirishning nisbatan boshqariladigan, ixtisoslashtirilmagan omilidir (ota-onalar va bolalar birinchi navbatda ota-ona munosabatlari bilan bog'lanadi). Agar bola musiqachi, rassom yoki u yoki bu oilaviy ta'lim tizimining izdoshlari oilasida o'ssa, ular tabiatan ixtisoslashgan bo'lishi mumkin, ammo bunday erta maqsadli oilaviy ta'lim (turli oilalarda juda individual) har doim ham ijodkorlikni rivojlantirishga hissa qo'shmaydi. Aloqa va qo'shma tadbirlar, ijodkorlikning namoyon bo'lishi va rivojlanishi uchun faqatgina zamin yaratadi, aksincha ta'limdan farqli o'laroq, ob'ektiv faoliyatda, atrofdagi haqiqatni bilishda ijodkorlikni shakllantirishni rag'batlantiradi. Shu sababli, boshlang'ich maktab yoshidagi bolalar uchun ijodkorlikni tarbiyalashning maxsus usullari quyidagilarni o'z ichiga oladi: treninglar, ilmiy loyihalar, ijodiy ustaxonalar va boshqalar.

**ADABIYOT**

1. Kulik L.A., Berestov N.I. Oila tarbiyasi. - M., Ta'lim, 1990 yil.
2. Lisina M.I., Kapchelya G.I. Kattalar bilan muloqot. - Kishinyov, 1993 yil.
3. Lyuk A.N. Tuyg'ular va shaxsiyat. - M.: Bilim, 1999 yil.
4. Pikxart K.E. Yolg'iz ota-onalar uchun qo'llanma. - M., 1998.
5. Rojina L.N. Shaxsning hissiy dunyosini rivojlantirish. - Minsk, 1999 yil.
6. Rubinshteyn S.L. Umumiy psixologiya asoslari. - Piter, 2002 yil.
7. Figdor G. Ajrashgan ota-onalarning farzandlari. - M., 1995.
8. Tseluiko V.M. Disfunktsional oilaning psixologiyasi. - M.: Vlados, 2003 .
9. Tseluiko V.M. To'liq bo'lmagan oila. - Volgograd, 2000 yil.

# ПРОБЛЕМА ИННОВАЦИЙ В СОВРЕМЕННОМ ОБРАЗОВАНИИ

**Фарух Аббасов,**
**Командования войск охраны категорированных объектов**
**Телефон: +998915525229, e-mail: faruxabbasov92@mail.ru**

***Abstract.*** *The article considers the problem of innovative activity of students within the educational organizations. Reviews current issues in the study of innovation in education. The conditions for effective preparation of students for innovative activity.*

***Key words.*** *Innovation, innovative activity, readiness for innovations, innovation in education.*

***Аннотация.*** *В статье рассматривается проблема инновационной деятельности обучающихся в рамках образовательных организаций. Анализируется современное состояние проблемы изучения инновационной деятельности в образовании. Выделены условия, обеспечивающие эффективную подготовку обучающихся к инновационной деятельности.*

***Ключевые слова.*** *Инновация, инновационная деятельность, готовность к инновации, инновации в образовании.*

***Annotasiya.*** *Maqolada o‘quv tashkilotlari doirasidagi o‘quvchilarning innovatsion faoliyati muammosi ko‘rib o‘rganilgan. Ta’limdagi innovatsion faoliyatni o‘rganish muammosining dolzarb holati tahlil qilingan. Shu bilan bir qatorda talabalarni innovatsion faoliyatga samarali tayyorlashni ta’minlaydigan shartlar belgilangan.*

***Kalit so‘zlar.*** *Innovatsiya, innovatsion faoliyat, innovatsiyaga tayyorlik, ta’limda innovatsiyalar.*

Развитие современного общества невозможно представлять без инноваций. Современное общество развивается достаточно быстрыми темпами, вследствие чего необходимым становится инновационная восприимчивость человека и готовность к инновационной деятельности во всех звеньях человеческих ресурсов и отношений. С каждым днем растёт потребность в новом теоретическом осмыслении сущности инновационной деятельности обучающихся в образовательном учреждении, разработке условий, обеспечивающих формирование способности  готовности учащихся к новым видам и формам деятельности, носящей инновационный характер.

В современном образовании не существует определённой и общепринятой концепции инновационной деятельности. Кроме того, педагогические инновации рассматриваются чаще с прикладной точки зрения, как результат образовательной практики. Однако, несмотря на отсутствие единой концепции большинство образовательных учреждений ставят перед собой задачу внедрения инноваций.

Инновации в образовании приоритетны для государств, заинтересованных в системном экономическом развитии, усилении роли науки, улучшении благосостояния населения и снижении социальной напряженности. Очевидно, что застой в системе преподавания — негативное

явление, отрицательное сказывающееся на государстве и обществе, ведущее к накоплению системных проблем на всех уровнях существования.

Инновация — понятие широкое. В плане образования — это использование новых технологических и методологических исследований и своевременная замена устаревших стандартов.

На сегодня российская педагогика представляет собой скопившиеся за годы независимости недоработки и упущения, базирующиеся на морально устаревшей системе образования. Проблема дифференцируется по следующим пунктам:

несоответствие принятых стандартов интересам и способностям учащихся;

различия в темпах развития науки и возможностей восприятия;

конфликт сторонников концепций узкой специализации и многостороннего развития.

Главной целью инновационных технологий образования является подготовка человека к жизни в постоянно меняющемся мире. Сущность такого обучения состоит в ориентации учебного процесса на потенциальные возможности человека и их реализацию. Образование должно развивать механизмы инновационной деятельности, находить творческие способы решения жизненно важных проблем, способствовать превращению творчества в норму и форму существования человека.

Целью инновационной деятельности является качественное изменение личности учащегося по сравнению с традиционной системой. Это становится возможным благодаря внедрению в профессиональную деятельность не известных практике дидактических и воспитательных программ, предполагающему снятие педагогического кризиса. Развитие умения мотивировать действия, самостоятельно ориентироваться в получаемой информации, формирование творческого нешаблонного мышления, развитие детей за счет максимального раскрытия их природных способностей, используя новейшие достижения науки и практики, – основные цели инновационной деятельности. Инновационная деятельность в образовании как социально значимой практике, направленной на нравственное самосовершенствование человека, важна тем, что способна обеспечивать преобразование всех существующих типов практик в обществе.

Учитывая переход к глобальному информативному обществу и становлению знаний, об адекватности образования социально-экономическим потребностям настоящего и будущего можно говорить лишь в том случае, если его модернизация будет основываться не только и не столько на организационных нововведениях, сколько на изменениях по

существу – в содержании и технологиях подготовки кадров и подготовке научных исследований. Как социальный институт, воспроизводящий интеллектуальный потенциал страны, образование должно обладать способностью к опережающему развитию, отвечать интересам общества, конкретной личности и потенциального работодателя.

Переход на интерактивные методы обучения и технологии реального времени требует значительных телекоммуникационных ресурсов, способных обеспечить необходимую взаимосвязь участников образовательного процесса, поддержку мульти сервисных технологий, высокую производительность телекоммуникационного оборудования и пропускную способность сетей передачи данных.

Нововведения, или инновации, характерны для любой профессиональной деятельности человека и поэтому естественно становятся предметом изучения, анализа и внедрения. Инновации сами по себе не возникают, они являются результатом научных поисков, передового педагогического опыта отдельных учителей и целых коллективов. Этот процесс не может быть стихийным, он нуждается в управлении.

В понимании сущности инновационных процессов в образовании лежат две важнейшие проблемы педагогики – проблема изучения, обобщения и распространения передового педагогического опыта и проблема внедрения достижений психолого-педагогической науки в практику. Следовательно, предмет инновации, содержание и механизмы инновационных процессов должны лежать в плоскости объединения двух взаимосвязанных между собой процессов, рассматриваемых до настоящего времени пока изолированно, т.е. результатом инновационных процессов должно быть использование новшеств, как теоретических, так и практических, равно и таких, которые образуются на стыке теории и практики. Все это подчеркивает важность управленческой деятельности по созданию, освоению и использованию педагогических новшеств. Речь, следовательно, идет о том, что учитель может выступать в качестве автора, разработчика, исследователя, пользователя и пропагандиста новых педагогических технологий, теорий, концепций. Управление этим процессом обеспечивает целенаправленный отбор, оценку и применение в своей деятельности опыта коллег или предлагаемых наукой новых идей, методик. Необходимость в инновационной направленности педагогической деятельности в современных условиях развития общества, культуры и образования определяется рядом обстоятельств.

Во-первых, происходящие социально-экономические преобразования обусловили необходимость коренного обновления системы образования,

методологии и технологии организации учебно-воспитательного процесса в учебных заведениях различного типа. Инновационная направленность деятельности учителей и воспитателей, включающая в себя создание, освоение и использование педагогических новшеств, выступает средством обновления образовательной политики.

Во-вторых, усиление гуманитаризации содержания образования, непрерывное изменение объема, состава учебных дисциплин, введение новых учебных предметов требуют постоянного поиска новых организационных форм, технологий обучения. В данной ситуации существенно возрастает роль и авторитет педагогического знания в учительской среде.

В-третьих, изменение характера отношения учителей к самому факту освоения и применения педагогических новшеств. В условиях жесткой регламентации содержания учебно-воспитательного процесса учитель был ограничен не только в самостоятельном выборе новых программ, учебников, но и в использовании новых приемов и способов педагогической деятельности. Если раньше инновационная деятельность сводилась в основном к использованию рекомендованных сверху новшеств, то сейчас она приобретает все более избирательный, исследовательский характер. Именно поэтому важным направлением в работе руководителей школ, органов управления образованием становится анализ и оценка вводимых учителями педагогических инноваций, создание условий для их успешной разработки и применения.

В-четвертых, вхождение общеобразовательных учебных заведений в рыночные отношения, создание новых типов учебных заведений, в том числе и негосударственных, создают реальную ситуацию их конкурентоспособности.

**Заключение.** Применяя современные технологии в инновационном обучении, учитель делает процесс более полным, интересным, насыщенным. При пересечении предметных областей естественных наук такая интеграция просто необходима для формирования целостного мировоззрения и мировосприятия инновациям относятся внедрение ИКТ в учебно-воспитательный процесс, программное обеспечение поставляемые в школы интерактивные электронные доски, проекты модернизации.

**Список использованных литературы.**

1. Черных Е.А. “Новые технологии, инновации и успех в бизнесе”. // Качества менеджмента. - 2008. - С. - 12.

2. Лапин, Н.И. “Теория и практика инновации”. Учеб. пособие для вузов – 2-е изд. – М.Логос, 2010. – 326 с

3. Белякова, Е.Г. “Оценка смысл образующего потенциала инновационного образовательного процесса”. // Образование и наука. – 2011. – № 3. – С. 3-15.
4. Слободчиков, В. “Инновации в образовании”. // Учитель. – 2011. – №3. – С. 18-22.
5. Мещерякова, Э.И. “Особенности становления личностного потенциала субъекта инновационной деятельности”. // Психологическая наука и образование. – 2013. – №2. – С. 69–75.
6. Рапацевич Е.В. “Инновации и проблемы развития современного образования”. // Успехи современного естествознания. – 2013. – №10. – С. 88-89.

## ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИНИНГ ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

**Худайбердиев Абдуазиз Абдувалиевич- т.ф.н.доцент.**
**Жиззах политехника институти**

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада бугунги кун таълим тизимида, таълим жараёнида халқ педагогикасидан ўрганиб қўллайдиган жуда кўп томонлар борки, буни алоҳида эътироф этмасдан иложимиз йўқлиги хусусида фикр билдирилган.*

***Калит сўзлар:*** *таълим, тарбия, маданият, маънавият, маърифат, миллий аҳлоқ-одоб, “Авесто”, Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф, тош битиклар, буюк адиблар, алломаларнинг ижодий мероси, халқимизнинг миллий анъаналари, удумлари, маросимлар.*

***Аннотация:*** *В этой статье утверждается, что в сегодняшней системе образования существует множество аспектов образовательного процесса, которые можно изучить и применить на основе народной педагогики, без чего невозможно распознать.*

***Ключевые слова:*** *образование, воспитание, культура, духовность, просвещение, национальная мораль, «Авесто», Священный Коран, хадисы, каменные надписи, великие писатели, творческое наследие ученых, национальные традиции, обычаи, обряды нашего народа.*

***Abstract:*** *This article argues that in today's education system there are many aspects of the educational process that can be studied and applied on the basis of folk pedagogy, without which it is impossible to recognize.*

***Key words:*** *education, upbringing, culture, spirituality, enlightenment, national morality, "Avesto", the Holy Quran, hadiths, stone inscriptions, great writers, the creative heritage of scientists, national traditions, customs, rituals of our people.*

Ҳозирги вақтда халқ педагогикаси ва таълим назарияси ҳақида гапиришдан олдин, аввало, ўтмишда таълим тизими қандай бўлганлиги ҳақида гапириб ўтиш жоиздир. Яқин ўтмишгача ҳам (XIX аср) таълим муассасалари қуйидагича тузилишга эга бўлган:[1]

1. Қуйи мактаб – бу мактабларда ўғил болаларга савод ўргатилган (4 йил).

2. Ҳалилхона мактаби – номоз ёд олдириб ўргатилган.

3. Қорихона – қуръон ёд олинган.

4. Ўрта мадраса – бу мактабда ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар ўқитилиб, ўрта маълумот берилган.

5. Олий диний мактаб – мадрасалар. Буларда диний фалсафа, мусулмон ҳуқуқлари, араб тилининг грамматикаси, мантиқ илмлари ўтилган.

Бошланғич таълим – бу мачитлар қошида ёки хонадонлардаги хусусий ўғил болалар мактаби ва хонадонларда қизлар учун очилган отинойилар мактабидан иборат эди.

Бизга маълумки бошланғич мактабларда ёзиш ва ҳисоблаш ўргатилган. Бу мактаблар муайян бир ўқув режаси ва дастурга эга эмас эдилар. Ўқувчилар ҳам синфларга бўлиб ўқитилмас эди. Болалар ўқитиладиган китобларни ўзлаштириш даражасига қараб гуруҳларга бўлиб ўқитиларди. Ҳеч бир мактаб ўқитувчисида ўзига хос ишлар, умумий ўқув дарслиги, ўқув услуби бўлмас эди.

Мактабларда асосий ўқув фани ислом қоидалари тўплами эди. Мактабда ўқитишнинг сифати ўқитувчининг билим даражасига боғлик эди. Ҳеч қандай назоратсиз, ўқув режаси ва дастурсиз, махсус тайёргарлик кўрмаган ўқитувчиларга эга бўлган мактаблар асосий эътиборни араб алифбосини ўрганишга, араб тилида ёзилган қуръоннинг маъносини тушунмасдан ёдлашга ҳаратар эди. Ушбу камчиликлар билан бирга эски мактаблардаги, мадрасалардаги ўқитиш услублари, қоидаларини ўрганса, таҳлил қилиб, амалда қўлласа арзийдиган баъзи бир хусусиятлар, услублар борки, буларни эътироф этмасдан илож йўқ.

***Annotatsiya:*** *Maqolada maktabgacha ta’lim tashkilotlarida o‘tiladigan “Tasviriy faoliyat” mashg‘ulotlarida bolalarga beriladigan estetik tarbiya masalalari, go‘zallikni bilish, fikrlash qobiliyatini, ko‘rish xotirasini, ijodiy tasavvurni, badiiy didni rivojlantirishga qaratilgan. Tasviriy faoliyat mashg‘ulotlarida fantaziya, ijodiy fikrlash va tasavvur qilish, idrok qilishni rivojlantirish haqida fikrlar keltirilgan.*

***Kalit so‘zlar:*** *Tasviriy faoliyat, badiiy ijod, rasm, applikatsiya, loy ish, estetik sezgi.*

***Annotation:*** *The article focuses on the issues of aesthetic education, beauty, thinking, visual memory, creative imagination, artistic taste, which are given to children in the "Fine Arts" classes in preschool education. The visual arts activities focus on developing imagination, creative thinking and imagination, and cognition.*

***Keywords:*** *Visual activity, artistic creation, painting, application, clay work, aesthetic intuition.*

***Аннотация:*** *В статье рассматриваются вопросы эстетического воспитания, красоты, мышления, зрительной памяти, творческого воображения, художественного вкуса, которые задаются детям в классах «Изобразительное искусство» в дошкольном образовании. Деятельность в области изобразительного искусства направлена на развитие воображения, творческого мышления и воображения, а также познания.*

***Ключевые слова:*** *Визуальная деятельность, искусство, живопись, аппликация, работа по глине, эстетическая интуиция.*

Mamlakatimizda amal qilayotgan uzluksiz ta'lim tizimining maktabgacha ta'lim bosqichi bolalarni jismoniy, ma'naviy, aqliy, axloqiy va estetik jihatdan tarbiyalashning dastlabki va eng muhim jabhasi hisoblanadi. Shuning uchun ham, aynan maktabgacha ta'lim yoshi bolalarning dunyoqarshini shakllantirishning asosiy bo'g'ini sifatida e'tirof etiladi.

Maktabgacha ta'limning maqsadi bolalarni maktab ta'limiga tayyorlash, ularni jismonanni sog'lom, ma'naviy-intellektual rivojlangan, mustaqil shaxs sifatida shakllantirish, ijodiy qobiliyatlarini ochib berish, o'qishga, tizimli ta'limga tayyorgarligini ta'minlash va bu jarayonga bo'lgan ishtiyoqni tarbiyalashdan iborat.

Maktabgacha ta'lim muassasalarining birlamchi yo'nalishi maktabgacha yoshdagi bolalarni badiiy-estetik tarbiyalash hisoblanadi. Bu yo'nalishning samarasi estetik yo'nalishning barcha vositalarini (teatr, musiqa, badiiy adabiyot, rasm chizish, applikatsiya) kompleks tarzda qo'llanilgandagina yuqori bo'ladi.

Maktabgacha ta'lim maskanlarida o'tiladigan "Tasviriy faoliyat" mashg'ulotlari bolalarga beriladigan estetik tarbiya masalalarini echishda katta ahamiyatga ega. Chunki tasviriy faoliyat o'z xususiyatiga ko'ra badiiy faoliyat hisoblanadi. Badiiy faoliyat mashg'ulotlarining barcha turlari bolalarda go'zallikni bilish uchun, borliqqa emotsional-estetik munosabatni rivojlantirish uchun keng imkoniyatlarni ochib beradi. Maktabgacha yoshdagi bolalar shug'ullanadigan badiiy faoliyatning har bir turi ham umumiy estetik ta'sirdan tashqari o'zining maxsus ta'sir kuchiga ega. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida o'tiladigan "Tasviriy faoliyat" o'z tarkibiga ko'ra: "Rasm chizish", "Plastilin(loy) bilan ishlash", "Applikatsiya" hamda "Qurish-yasash" kabi mashg'ulot turlaridan iborat. Bularning har biri bolalar tasavvurlarida atrof-olamning aks ettirish imkonini beradi.

Hozirgi zamon pedagogik va psixologik tadqiqotlarida maktabgacha yoshidagi bolalarni estetik, aqliy rivojlanishi uchun "Tasviriy faoliyat" mashg'ulotlari zarurligi isbotlanmoqda.

Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida tasviriy faoliyat vositasida bolalarning estetik qobiliyatlarini shakllantirishda tarbiyachining o'rnibeqiyos. U chuqur bilim va yuqori malakaga ega bo'lishi, buning uchun muntazzam ravishda o'z ustida ishlashi, o'zining ilmiy nazariy saviyasini tinimsiz ko'tarishi, ilg'or tajribalarga tayanishi kerak.

Davlat umumilliy dasturi ta'lim tizimini tubdan isloh qilish, uni ham shaklan, ham mazmunan zamon talablariga moslashtirish, ta'lim sifat-samaradorligini uzluksiz takomillashtirib borishga yo'naltirildi. Tasviriy faoliyati bo'yicha maktabgacha ta'lim muassasasi dasturi va maktabda tasviriy san'at

dasturi bolalarda tevarak atrofga nisbatan, san'at bolalarda estetik munosabatni tarbiyalash ijodiy qobiliyat va tasvirlashlarini rivojlantirishni ko'zda tutadi. Maktabgacha ta'lim muassasasi mashg'ulotlarida, maktabda muvaffaqiyatli o'qib ketishlari uchun zarur bo'lgan vazifalar xal etiladi. Rasm, applikatsiya, loy ishlari jarayonida bolalarda fikr yuritishning analiz, sintez, takrorlash, konkretlashtirish kabilar shakllanadi. Shuningdek bu jarayonlarda bolalar jamoada ishlashga, o'z harakatini o'rtoqlarining harakatiga bo'ysundirishga o'rganadilar. Bolalar maktabgacha ta'lim muassasasida tasviriy faoliyati mashg'ulotlari bolalarda, o'quv faoliyatida zarur bo'lgan malaka ko'nikmalarni shakllantiradi. Maktabgacha ta'lim muassasalarining tasviriy faoliyat birlamchi yo'nalishi maktabgacha yoshdagi bolalarni badiiy-estetik tarbiyalash hisoblanadi.

Bu yo'nalishning samarasi estetik yo'nalishning barcha vositalarini (teatr, musiqa, badiiy adabiyot, rasm chizish, applikatsiya va boshq.) kompleks tarzda qo'llanilgandagina aniq bo'ladi. Maktabgacha ta'lim muassasalarida o'tiladigan "Tasviriy faoliyat" mashg'ulotlari bolalarga beriladigan estetik tarbiya masalalarini yechishda katta ahamiyatga ega. Chunki tasviriy faoliyat o'z xususiyatiga ko'ra badiiy faoliyat hisoblanadi. Badiiy faoliyat mashg'ulotlarining barcha turlari bolalarda go'zallikni bilish uchun, borliqqa emotsional-estetik munosabatni rivojlantirish uchun keng imkoniyatlarni ochib beradi. "Tasviriy faoliyat" mashg'ulotlari jarayonida:

1. Badiiy didni tarbiyalash;
2. Amaliy badiiy faoliyat va malakalarni rivojlantirish;
3. Fantaziya, ijodiy fikrlash va tasavvur qilish, idrok qilishni rivojlantirish;
4. Qo'lning aniq harakatlari va barmoqlarning mayda motorikasini rivojlantirish;
5. Kasbiy badiiy-ijodiy faoliyat kurtaklarini namoyon bo'lishi uchun imkon yaratish kabi ta'limiy va tarbiyaviy masalalar hal etib boriladi. Maktabgacha ta'lim muassasalari uchun ishlab chiqilgan takomillashtirilgan "Ilk qadam" tayanch dasturining tuzilishi va mazmunining tahlilidan ayonki, kichik guruhlardan boshlab eng ko'p vaqt tasviriy faoliyatga ajratilgan.

Shunday qilib, tasviriy faoliyat mashg'ulotlarida bolalardagi badiiy did va ijodiy qobiliyatlar o'sadi va bu orqali maktabda o'qishga tayyorlanib boriladi. Chunki bolalar predmetlar bilan uzviy bog'lanadilar, ularning o'ziga xos sifatlari, shakli, rangi, katta-kichikligi bilan tanishadilar, ularni farqini, o'xshashligini aniqlaydilar, bu esa, bolalarni sensor tarbiyalashga, ko'rgazmali, obrazli fikr yuritishga imkon beradi. Tasviriy faoliyat bolalarni axloqiy tarbiyalaydi. Bolalar ishlarida o'z hayotida, jamiyatda bo'layotgan voqea-hodisalarni aks ettiradilar, ulardan mamnun bo'ladilar, hayajonlanadilar. Tasviriy faoliyat jarayonida bolalarda irodaning sifatlari-boshlagan ishini oxiriga yetkazish, oldiga maqsad

qo'yib, o'shani bajarishga tomon intilish, qiyinchiliklarni yengish, o'rtoqlariga yordamlashish kabi xususiyatlar tarbiyalanadi. Jamoa ishini yaratish jarayonida bolalarga bir-biriga yordam, kelishib ishlash kabi sifatlari; ishni baholash jarayonida, ularda o'rtoqlarining ishga nisbatan real munosabatda bo'lish, to'g'ri baholash, o'z ishidan va o'rtoqlarining ishidan xursand bo'lish kabi axloqiy sifatlar shakllanadi.

Tasviriy faoliyat-bu bolalarni o'z oldiga qo'ygan maqsadlarini bajarishda tinmay mehnat qilishga undovchi faoliyatdir. Tasviriy faoliyat bolalarga estetik tarbiya berishning asosiy vositasi hisoblanadi. Har bir predmetning katta-kichikligini, rangini, shaklini, fazoda joylashishini ajratish bu estetik sezgining bo'laklari hisoblanadi. Bolalarda estetik sezgining rivojlanishi - rangi, ritmi, proportsiyani chuqurroq sezish bilan bog'liqdir. Bola rangni, shaklni, uning xilma-xilligini sezsa, Shunchalik ranglar aralashmasining xilma-xilligidan zavq oladi, bahramand bo'ladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar**


1. Xasanboyeva O.U. va boshq. "Maktabgacha ta'lim pedagogikasi". T.: Ilm ziyo, 2006.
2. Sodiqova Sh.A. "Maktabgacha pedagogika". T.: Tafakkur bo'stoni, 2013
3. Kayumova.N "Maktabgacha pedagogika" T.: TDPU ,2013.
4. Qodirova.F., va boshqalar. "Maktabgacha pedagogika".-T., "Ma'naviyat", 2013.
5. Nurmatova M.Sh. Xasanova Sh.T. "Rasm buyum yasash va bolalarni tasviriy faoliyatga o'rgatish metodikasi". "Cho'lpon", T:.2010y.
6. Mamirova Z.U., Niyozova G.B. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida bolalarni tasviriy faoliyat mashg'ulotlarida ijodiy qobiliyatlarini shakllantirish. // SCIENCE AND EDUCATION Scientific journal ISSN 2181-0842, Volume 2, Issue 1 January 2021 285-288 b.


# ФОРМА ОРГАНИЗАЦИИ И ПРОВЕДЕНИЯ УЧЕБНЫХ ЗАНЯТИЙ ПО ПЛАВАНИЮ


**Ашуралиев Алишер Базарбаевич, Саитжонов Сохибжон Ғозиевич.**
**старший преподаватели кафедры физической культуры.**
**Андижанского государственного университета**



***Аннотация:*** *Мақолада сузиш бўйича ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш шакли ва сузишга қодир бўлмаганлар учун машғулотларни ташкил этиш ҳамда сувда машқ қилиш ва сувдаги турли машқларни бажариш хавфсизлиги учун шарт-шароитлар яратиш ва аста-секин ўзлаштириш бўйича спорт ва амалий сузиш техникаси ҳақида сўз олиб борилади.*



***Калит сўзлар:*** *бассейн, сузиш, сув ҳавзаси, санитария-эпидемиология станцияси, сузиш бўйича ўқитувчи, нафас олиш, қон айланиши*

***Аннотация:*** *В статье рассматриваются форма организации и проведения учебных занятий по плаванию и организация обучения для тех, кто не умеющих плавать и создание условий для безопасности проведения занятий на воде и разные упражнения в воде и постепенное овладение техникой спортивного и прикладного плавания.*

***Ключевые слова:*** *бассейн, плавание, водоём, санэпидстанция, инструктор по плаванию, дыхание, кровообращение*

***Annotation:*** *In the article discusses the organizing and conducting of swimming lessons and the organizing of classes for those who are not able to swim, as well as practicing and creating conditions for the safety of doing various exercises in the water and about gradually mastering and sport, the techniques of practical swimming.*

***Keywords:*** *swimming pool, swimming, impoundment, sanitary-epidemiological station, swimming instructor, breathing, blood circulation*

В настоящее время существуют различные формы обучения и организации уроков плавания. Основная форма организации и проведения учебных занятий по плаванию - групповой урок. Он делится на три части: подготовительную, основную и заключительную. Первая часть урока - подготовка и организация занимающихся, объяснение нового учебного материала, упражнения на суше: легкая пробежка в течение 1-2 мин, разогревающие упражнения типа утренней зарядки, подготовительные упражнения, имитирующие движения пловца Основная часть урока - упражнения в воде и постепенное овладение техникой спортивного и прикладного плавания. Заключительная часть урока предусматривает: снижение физической нагрузки, проведение игр и купания. Помимо учебных занятий основного урока обучение плаванию можно начинать с утренней гимнастики с включением упражнений, имитирующих движения пловца. Обучение плаванию можно проводить индивидуально, с каждым ребенком в отдельности.

Приемы обучения:

1. Ребенок под наблюдением взрослого опускается с головой под воду, садится на корточки и делает выдох в воду.
2. садится на корточки под водой и, задержав дыхание.
3. ложится на спину, вытягивает руки, слегка разводя ноги.

Для занятий в воде необходимо подготовить два купальных костюма, шапочку, махровое полотенце.Лодки, катера и все малые суда, принадлежащие спортивным лагерям, детским базам отдыха, должны быть зарегистрированы в установленном порядке в городских и районных советах. Общества спасания на водах и ежегодно перед началом сезона представляться на технический осмотр. Все лодки и другие малые суда должны храниться в местах, специально отведенных для этой цели, и

находиться под замком. Лодки и другие малые суда перед отплытием проверяются на исправность и оснащаются спасательными средствами. Приказом по лагерю ( базе ) должны быть назначены лица, ответственные за хранение, техническое состояние и эксплуатацию судов. Прежде чем допустить детей к прогулке на лодке, следует провести занятие по изучено правил безопасности.Каждый должен знать, что:

садиться в лодку следует осторожно, ступая посереди не настила;

нельзя пересаживаться в лодке с места на место во время се движения, садиться на борт лодки, раскачивать лодку, нырять с нее;

Категорически запрещается переходить из одной лодки в другую во время катания. Необходимо объяснить детям, что нарушение этих правил может привести к тому, что лодка опрокинется.

Следует научить детей, как действовать в случае несчастья если лодка перевернулась, главное - не растеряться. Перевернутая лодка хорошо держится на воде и может служить спасательным средством. Оказавшиеся в воде должны сохранять спокойствие и до прибытия помощи держаться за лодку и толкать ее к берегу, опав под плот, баржу или парус опрокинувшейся лодки, ни в коем случае нельзя закрывать глаза. Открыв глаза, следует плыть в том направлении, откуда виден свет. Это значит, что поверхность воды близко. Тот, кто умеет плавать, в первую очередь оказывает помощь не умеющему держаться на воде.

Спасать вплавь следует одного тонущего, затем другого; невозможно одновременно спасать вплавь нескольких человек.

3. При катании детей необходимо присутствие взрослого в каждой лодке. Он должен уметь управлять судном, хорошо плавать, знать приемы оказания неотложной помощи пострадавшим на воде .

4. Категорически запрещается:

а ) Нагружать лодки и другие малые суда сверх установленных норм ;

б ) пересекать курс идущих судов;

в ) подходить близко к проходящим судам;

г) кататься вблизи пристаней н причалов;

д) проводить прогулки детей на лодке, отдаляясь от берега более чем на 100 метров;

е ) катание детей на самодельных лодках , катерах , плотах и т . д

ж ) катание при неблагоприятных метеорологических условиях.

Несчастные случаи на лодках нередки при нарушениях правил эксплуатации плавсредств: плохом техническом состоянии, слабой подготовке водителей, перегрузке лодки. Гребная лодка во всех случаях должна уступать дорогу моторным и парусным судам. Нельзя выходить на фарватер . Услышав частые и короткие сигналы судов . гребная лодка должна отойти от проходящего транспорта на безопасное расстояние . Во время хода волну следует резать носом лодки . Повороты на высоких волнах делать не следует .

5. тонущему, может быть оказана помощь с катера или шлюпки с использованием спасательных средств .

Причины гибели людей на воде условно можно разделить на три группы:

1. ослабление организма, вызванное хроническим заболеванием (эпилепсией, пороком сердца), ухудшением общего состояния после перенесенного заболевания и т.д.

2. Перегрузка организма (бывает даже у хороших пловцов от переохлаждения, чрезмерных мышечных усилий, перегревания, психологической неподготовленности и т.п.)

3. Неожиданная травма ( от удара волны, удара головой о твердый или режущий предмет), попадание в водоворот, в илистый грунт, в глубокое место, в сильную струю течения, в заросли водных растений и т. д.

Причиной переохлаждения в воде может быть, в зависимости от обстоятельств: низкая температура воды длительное пребывание в воде и недостаточная тренированность пловца .

При медленном охлаждении вначале - усиливается частота дыхания, учащается работа сердца, увеличивается кровяное давление и скорость кровотока, появляется озноб. Повышается возбудимость нервной системы. Внешний признак переохлаждения -- «гусиная кожа» (сокращение капиллярных мышц) . Затем в зависимости т индивидуальных особенностей организма начинается мел становится бледно кая дрожь всего тела и зевота, кожа синюшной, а движения - скованными. Пульс в это время прощупывается с трудом и становится реже на ударов, часты позывы на мочеиспускание.

Низкая температура воды вызвать ряд моментальных заболеваний. Холодная вода может при попадании в наружный слуховой проход вызывает раздражение вестибулярного аппарата, которое может проявляться тошнотой, потерей ориентировки, головокружением, бледностью. В таком состоянии даже умеющий плавать постепенно опускается под воду.

## Литература

1. Бальсевич В. Лубышева Л. Физическая культура: молодежь и современность. – 1995

2. Карпман В. Любина Б. Динамика кровообращение у спортсменов. М.: Физкультура и спорт, 1982.

3. Назаренко А. Чинкин А. Сердечно-сосудистые, двигательные и сенсорные реакции спортсменов разных специализаций на вестибулярное раздражение. М.: Физкультура и спорт, 2011.

# РОЛЬ ШКОЛЬНОГО ПРЕДМЕТА «ТЕХНОЛОГИЯ» В НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЕ НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**Т.Саидназарова, Г.Мамажонова - преподаватели кафедры ОТД и трудовое обучение,**

***Аннотация:*** *В данном докладе рассматриваются роль школьного предмета «технология» в начальной школе народного образования республики Узбекистан.*

***Ключевые слова***: *технологическое обучение, творчество личности, технологическое мировоззрение.*

Учебный предмет «Технология» в начальной школе выполняет особенную роль, так как обладает мощным развивающим потенциалом. Важнейшая особенность этих уроков состоит в том, что они строятся на уникальной психологической и дидактической базе – предметно-практической деятельности, которая служит в младшем школьном возрасте необходимым звеном целостного процесса духовного, нравственного и интеллектуального развития (в том числе и абстрактного мышления).

В силу психологических особенностей развития младшего школьника учебный процесс в курсе технологии должен строиться таким образом, чтобы продуктивная предметная деятельность ребёнка стала основой формирования его познавательных способностей, включая знаково-символическое и логическое мышление. Только так на основе реального учёта функциональных возможностей ребёнка и закономерностей его развития обеспечивается возможность активизации познавательных психических процессов и интенсификации обучения в целом.

Значение предмета выходит далеко за рамки обеспечения учащихся сведениями о «технико-технологической картине мира». При соответствующем содержательном и методическом наполнении данный предмет может стать опорным для формирования системы универсальных учебных действий в начальном звене общеобразовательной школы. В этом учебном курсе все элементы учебной деятельности (планирование, ориентировка в задании, преобразование, оценка продукта, умение распознавать и ставить задачи, возникающие в контексте практической ситуации, предлагать практические способы решения, добиваться достижения результата и т.д.) предстают в наглядном плане и тем самым становятся более понятными для детей.

Предметно-практическая творческая деятельность, как смысл любой деятельности, даёт ребёнку возможность не только отстранённого восприятия духовной и материальной культуры, но и чувство сопричастности, чувство самореализации, необходимость освоения мира не только через содержание, но и через его преображение. Процесс и результат художественно-творческой деятельности становится не собственно целью, а,

с одной стороны, средством познания мира, с другой – средством для более глубокого эмоционального выражения внутренних чувств как самого творящего ребёнка, так и замыслов изучаемых им объектов материального мира. При этом художественно-творческая деятельность ребёнка предполагает все этапы познания мира, присущие и взрослым: наблюдение, размышление и практическая реализация замысла.

Курс «Технология» является составной частью Образовательной системы «Школа 2100». Его основные положения согласуются с концепцией данной модели и решают блок задач, связанных с формированием опыта как основы обучения и познания, осуществления поисково-аналитической деятельности для практического решения учебных задач прикладного характера, формированием первоначального опыта практической преобразовательной деятельности. Курс развивающе-обучающий по своему характеру с приоритетом развивающей функции, интегрированный по своей сути. В его осно- ве лежит целостный образ окружающего мира, который преломля- ется через результат творческой деятельности учащихся. Технология как учебный предмет является комплексным и интегративным по своей сути. В содержательном плане он предполагает реальные взаи- мосвязи практически со всеми предметами начальной школы.

**Математика** – моделирование (преобразование объектов из чувственной формы в модели, воссоздание объектов по модели в материальном виде, мысленная трансформация объектов и пр.), выполнение расчётов, вычислений, построение форм с учётом основ геометрии, работа с геометрическими фигурами, телами, именованными числами.

**Окружающий мир** – рассмотрение и анализ природных форм и конструкций как универсального источника инженерно-художественных идей для мастера; природы как источника сырья с учётом экологических проблем, деятельности человека как создателя материально-культурной среды обитания, изучение этно- культурных традиций.

**Родной язык** – развитие устной речи на основе использования важнейших видов речевой деятельности и основных типов учебных текстов в процессе анализа заданий и обсуждения результатов практической деятельности (описание конструкции изделия, материалов и способов их обработки; повествование о ходе действий и построении плана деятельности; построение логически связных высказываний в рассуждениях, обоснованиях, формулировании выводов).

**Литературное чтение** – работа с текстами для создания образа, реализуемого в изделии, театрализованных постановках.

**Изобразительное искусство** – использование средств художественной выразительности в целях гармонизации форм и конструкций, изготовление изделий на основе законов и правил декоративно-прикладного искусства и дизайна.

**Целью курса** является саморазвитие и развитие личности каждого ребёнка в процессе освоения мира через его собственную творческую предметную деятельность.

**Задачи курса:**

– получение первоначальных представлений о созидательном и нравственном значении труда в жизни человека и общества; о мире профессий и важности правильного выбора профессии;

– усвоение первоначальных представлений о материальной культуре как продукте предметно-преобразующей деятельности человека;

– приобретение навыков самообслуживания; овладение техно- логическими приёмами ручной обработки материалов; усвоение правил техники безопасности;

– использование приобретённых знаний и умений для творческого решения несложных конструкторских, художественно-конструкторских (дизайнерских), технологических и организационных задач;

– приобретение первоначальных навыков совместной продуктивной деятельности, сотрудничества, взаимопомощи, планирования и организации;

– приобретение первоначальных знаний о правилах создания предметной и информационной среды и умений применять их для выполнения учебно-познавательных и проектных художественно- конструкторских задач.

Методическая основа курса – *деятельностный подход*, т.е. организация максимально творческой предметной деятельности детей, начиная с первого класса. Репродуктивным остаётся только освоение новых технологических приёмов, конструктивных особенно- стей через специальные упражнения.

*Примерная схема урока*. Каждый урок начинается с наблюдения, восприятия предметов материально-культурного наследия народов, образцов будущей практической работы. Их анализ осуществляется, прежде всего, с точки зрения их конструктивных особенностей (количество деталей, их форма, вид соединения), далее – средства художественной выразительности (цветовые сочетания, подбор материалов, соотношение целого и частей, ритм и т.д.). Следующий шаг технологический – определение способов обработки материалов для получения планируемого результата. Размышление и рассуждение в ход анализа, как основа деятельностного подхода, подразумевают создание своего образа предмета, поиск через эскизы его внешнего вида, конструктивных особенностей, обоснование технологичности выбранного того или иного материала, определение рациональных путей (необходимых технологических операций) его изготовления, определение последовательности практической реализации замысла, решение технико-технологических задач.

Практическая манипулятивная деятельность предполагает освоение основных технологических приёмов, необходимых для реализации задуманного, и качественное воплощение задуманного в реальный материальный объект. Особое внимание обращается на формирование у учащихся элементов культуры труда.

Разнообразные по видам практические работы, выполняемые учащимися, должны соответствовать единым требованиям – практическая значимость (личная или общественная), доступность, эстетичность,

экологичность. Учитель вправе включать свои вари- анты изделий с учётом регионального компонента и собственных эстетических интересов.

Важной составной частью практических работ являются упражнения по освоению основных технологических приёмов и операций, лежащих в основе ручной обработки материалов, доступных детям младшего школьного возраста. Упражнения являются залогом качественного выполнения целостной работы. Освоенные через упражнения приёмы включаются в практические работы по изготовлению изделий.

В предлагаемом курсе «Технология» предусмотрены следующие виды работ:

– простейшие наблюдения и исследования свойств материалов, способов их обработки; анализ конструкций, их свойств, принципов и приёмов их создания;

– моделирование, конструирование из разных материалов (по образцу, модели);

– решение доступных конструкторско-технологических задач (определение области поиска, поиск недостающей информации, определение спектра возможных решений, выбор оптимального решения), творческих художественных задач (общий дизайн, оформление);

– простейшее проектирование (принятие идеи, поиск и отбор необходимой информации, окончательный образ объекта, определение особенностей конструкции и технологии изготовления изделия, подбор инструментов, материалов, выбор способов их обработки, реализация замысла с корректировкой конструкции и технологии, проверка изделия в действии, представление (защита) процесса и результата работы).

Региональный компонент в курсе реализуется через знакомство с культурой и различными видами творчества и труда, содержание которых отражает краеведческую направленность. Это могут быть изделия, по тематике связанные с ремёслами и промыслами данной местности, другие культурные традиции.

Деятельность учащихся первоначально имеет, главным образом, индивидуальный характер. Но постепенно увеличивается доля коллективных работ, особенно творческих, обобщающего характера – проектов.

Особое внимание уделяется вопросу контроля образовательных результатов, оценке деятельности учащихся на уроке. Деятельность учащихся на уроках двусторонняя по своему характеру. Она включает творческую мыслительную работу и практическую часть по реализации замысла. Качество каждой из составляющих часто не совпадает, и поэтому зачастую не может быть одной отметки за урок. Для успешного продвижения ребёнка в его развитии важна как оценка качества его деятельности на уроке, так и оценка, отражающая его творческие поиски и находки в процессе созерцания, размышления и самореализации. Оцениваются освоенные предметные знания и умения, а также универсальные учебные действия. Результаты практического труда могут быть оценены по следующим критериям: качество выполнения отдельных (изучаемых на уроке) приёмов и

операций и работы в целом. Показателем уровня сформированности универсальных учебных действий является степень самостоятельности, характер деятельности (репродуктивная или продуктивная). Творческие поиски и находки поощряются в словесной одобрительной форме.

**Литература**


1. Мирзиёев Ш. Вместе с отважным и благородным народом мы построим наше великое будущее. М .: НОИУ «Узбекистан», 2017.
2. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 6 апреля 2017 года № 187 «Об утверждении государственных образовательных стандартов общего среднего и среднего специального, профессионального образования». Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017.
3. Муслимов Н.А., Шарипов Ш.С., Койсинов Г.Î. Методика обучения трудовому воспитанию, профориентация. Учебник. М .: ТДПУ, 2014.
4.Тохиров ‘.О. Технологическое образование - это государственный образовательный стандарт и методика внедрения учебной программы в образовательную практику. Методическая рекомендация. М.: РТМ, 2017.


# TEXNOLOGIYA TALIMIDA KASBIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHDA INNOVATSION TA’LIM O‘RNI


**S.Ubaydullayev- katta o‘qituvchi, R.To’chiev- o‘qituvchi.**
**Andijon davlat universiteti**



*Ma’ruzada texnologiya fanni o‘qituvchi kasbiy kompetentligini rivojlantirishdagi innovatsion ta’lim muhitining ayrim jihatlari yoritib berilgan.*



***Kalit so‘zlar:*** *texnologiya fanni o‘qituvchisi, kasbiy kompetentlik, innovatsiya, texnologiya, metod, ta’lim, tarbiya, jarayon, muhit.*



*Выделеы некоторые аспекты инновационной образовательной среды в развитии професcионалной компетентности учителя технологии.*



***Ключевие слова и понятия:*** *учитель, профессиональная компетентность, инновация, технология, методика, образование, воспитание, процесс, среда.*

***Key words:*** *teacher, professional competence, innovation, technology, method, education, educational, process, environment.*


Bugungi kunda modernizatsiya jarayonlari ijtimoiy hayotning barcha jabhalarini qamrab olgan. Jumladan, ta’lim sohasini rivojlantirish, birinchi navbatda, ushbu jarayonni tashkil etuvchi, boshqaruvchi, nazorat qiluvchi o‘qituvchilarning dunyoqarashi va tafakkuridagi o‘zgarishlarga bevosita bog‘liq.

Uzluksiz ta’lim tizimida ta’lim-tarbiya jarayonini rivojlantirish, takomillashtirish ehtiyoji bilan bu jarayonni amalga oshiruvchi o‘qituvchilarning tayyorgarlik darajasining talab darajasida emasligi o‘rtasidagi pozitiv (ijobiy)

ziddiyatlar natijasida pedagogikada “innovatsiya”, “innovatsion faoliyat”, “innovator”, “innovatsion pedagogika”, “ta’limda innovatsion jarayonlarni boshqarish” kabi tushunchalar XX asrning 60-yillarida dastlab AQSH va G‘arbiy Yevropa mamlakatlarida “Ta’lim texnologiyasi” tushunchasi e’tirof etilgan vaqtda paydo bo‘ldi. I.Shumpater va N.Kondratevlar “innovatsiya” tushunchasining ilk va ulkan nazariyachilaridan hisoblansalar, K.Angelovskiy, V.A.Slastyonin va boshqalar o‘z ilmiy tadqiqotlarida innovatsion faoliyat pedagogik faoliyatning alohida shakli ekanligini isbotlashga harakat qildilar hamda bu borada muayyan natijalarga erishgan olimlar deb tan olindilar.

V.A.Slastyonin fikricha, innovatsiya maqsadga qaratilgan o‘zgarish bo‘lib, qo‘llanish sohasidagi tizimni bir holatdan sifat jihatdan yangi holatga o‘tkazish, uni tubdan takomillashtirishni, innovatsion jarayon-yangilikni yaratish, o‘zgartirish, qo‘llash va tarqatishdagi kompleks faoliyatni anglatadi.

Innovatsion soha – bu faoliyat bo‘lib o‘z ichiga innovatsiyalarni yaratish va ularni amaliyotga tadbiq yetuvchi faoliyatdir. Shu nuqtai nazardan olib qaraganda ta’lim sohasi ham hozirgi kunda innovatsion soha sifatida faoliyat olib bormoqda.

Bugungi kunda ta’lim sohasida mavjud nazariy va amaliy jihatdan keng joriy etilib kelayotgan ilg‘or ta’lim texnologiyalari o‘qituvchilarda innovatsion yondashuvni qaror toptirishini ta’kidlagan holda, uni murakkab jarayon sifatida bir necha bosqichga ajratish mumkin.

Birinchi bochqich - tayyor uslubiy tavsiyanoma (mavjud innovatsiya)lardan foydalanish;

Ikkinchi bosqich – mavjud tizimga yangi g‘oyalarni, metodlarni kiritish;

Uchinchi bosqich - yangi g‘oyani amalga oshirish mazmuni, usuli, metodi, vositasi, prinsiplari va tashkiliy shakllarini tizimlashtirish;

To‘rtinchi bosqich – o‘qituvchi tomonidan o‘quvchilarni o‘qitish va tarbiyalashga oid o‘z qarashi yoki metodikasini ishlab chiqish;

Beshinchi bosqich – yuqoridagilar asosida ta’lim jarayonini tashkil etish, boshqarish va nazorat qilishdan iborat.

Yuqoridagi bosqichlar asosida o‘quvchi tomonidan ma’lum bir mavzu yoki texnologiya to‘liq o‘zlashtiriladi, ularda nazariy va amaliy qo‘nikmalar shakllanishiga erishiladi.

Shundan kelib chiqqan holda, innovatsion ta’lim muhiti bevosita ta’lim mazmunini keskin o‘zgartirishga, ta’limni faollashtirishga (o‘qituvchi va o‘quvchilar ta’lim jrayonini teng huquqli subyekti sifatida ishtirok etadi), o‘qituvchi va o‘quvchilarning faoliyatlarini tubdan yangilashga olib keladi, shu orqali innovatsion ta’lim muhiti o‘z ichki imkoniyatlariga va jarayonlariga suyanib rivojlanish elementlarini namoyon qiladi.

Zamonaviy innovatsion ta’lim muhiti tushunchasiga asoslangan ta’lim texnologiyalari quyidagi mezonlar asosida shakllantirilishi maqsadga muvofiq:- muammoni tahlil asosida aniqlash;

- mo‘ljallanayotgan ta’lim tizimini loyihalash;
- o‘zgarishlar va yangiliklarni rejalashtirish;
- o‘zgarishlarni amalga oshirishdan iborat.

Pedagogik nazariya va amaliyotda pedagogik texnologiyalarning qo‘llanilishi ta’lim tizimini modernizatsiyalashning tarkibiy qismi bo‘lib, u innovatsion ta’lim muhiti tushunchasining mazmun va mohiyatiga mos holda shakllantiriladi.

Hozirgi sharoitda ta’lim - tarbiya jarayonini texnologiyalashtirish kam kuch va vaqt sarflagan holda kafolatlangan natijaga erishish imkonini beradi. Innovatsion ta’lim muhiti pedagogik faoliyatga yangiliklarning izchil olib kirilishini ta’minlaydi. O‘qituvchining innovatsion ta’lim muhiti sharoitidagi faoliyati o‘qituvchilar jamoasini harakatga keltiruvchi, bunyodkorlikka rag‘batlantiruvchi kuch sifatida namoyon bo‘lib, ta’lim jarayonining mohiyatini chuqur anglab yetishni, sifati va samaradorligini kafolatlaydi. Shu nuqtai nazardan kelib chiqqan holda har bir o‘qituvchi innovatsion ta’lim muhiti talablaridan kelib chiqqan holda har bir mavzuning mazmun mohiyatini, o‘quvchini qiziqtirishi mumkin bo‘lgan xususiyatlarini har tomonlama puxta o‘rgangan, mohiyatini to‘la anglagan holda o‘z faoliyatida tatbiq etishi kerak.

Ta’lim-tarbiya jarayonini texnologik jarayon sifatida qarab, joriy etiladigan yangiliklarni bu jarayonning asosiy komponentlari (ta’lim maqsadi, mazmuni, metodi, vositasi, ta’lim natijasi) asosida quyidagicha guruhlash mavjud:

- ta’lim maqsadi bilan bog‘liq innovatsiya muhitidagi ta’lim integratsiyasi pedagogik innovatsiyalarga asoslangan bo‘lib: modernizatsiyalashgan ta’limiy, tarbiyaviy, rivojlantiruvchi (kasbga yo‘naltirish, to‘ldirish, insonparvarlashtirish, tabaqalashtirish, integrallash, indiviudallashtirish va boshqa maqsadlarga ko‘ra);

- ta’lim mazmuni bilan bog‘liq pedagogik innovatsiyalar: miqyosiga ko‘ra - uzluksiz ta’limda, alohida ta’lim turida, ayrim fanda, bobda, mavzuda, mavzu materialining ayrim qismida; darajasiga ko‘ra – takomillashtirish, tubdan o‘zgartirish, o‘zidan oldingisiga nisbatan – yangi dastur, dasturni takomillashtiruvchi, o‘quv materialini to‘ldiruvchi; paydo bo‘lishiga ko‘ra – meyoriy hujjatlar o‘zgarishi asosida rejali, oldindan o‘ylangan, ichki va tashqi;

- o‘qitish metodi bilan bog‘liq pedagogik innovatsion muhit: miqyosiga ko‘ra – uzluksiz ta’limda, alohida ta’lim turida, ayrim fanda, bobda, mavzuda, o‘quv mashg‘uloti shakli va turida; darajasiga ko‘ra –takomillashtirish, ko‘rinishini o‘zgartirish, ma’lum uslubiyot elementlarini yangicha talqinda ishlab chiqish; o‘zidan oldingisiga nisbatan – yangi, takomillashtiruvchi, o‘rnini almashtiruvchi, to‘ldiruvchi, retro; paydo bo‘lishiga ko‘ra – rejali, oldindan o‘ylangan, tasodifiy, yangi talablar asosida, ichki va tashqi;- o‘qitish vositasi bilan bog‘liq pedagogik innovatsiyalar: miqyosiga ko‘ra – ommaviy, yakka, kompleks, tizimli, uzluksiz ta’limda, alohida ta’lim turida, ayrim fanda, o‘quv materialining ayrim qismida, o‘quv mashg‘uloti shakli, turi, ayrim bosqichida; o‘zidan oldingisiga nisbatan – yangi texnika, texnologiya, eskisini almashtiruvchi, o‘rnini almashtiruvchi, retro; darajasiga ko‘ra – modernizatsiyalashgan, ma’lum vosita elementlari yangicha talqinda ishlab chiqilgan, tubdan o‘zgartirilgan; paydo bo‘lishiga ko‘ra – rejali, oldindan o‘ylangan, tasodifiy, ichki, tashqi, texnika rivoji ta’sirida;ta’lim natijasi bilan bog‘liq pedagogik innovatsiyalar: o‘qituvchi faoliyatida – novator o‘qituvchi; o‘quvchi faoliyatida – mustaqil fikrlovchi, aniq maqsadga intiluvchi, ta’lim

jarayoniining faol subyekti[1].

O‘qituvchilarning kasbiy kompetentligini rivojlantirishda innovatsion ta’lim muhiti va pedagogik texnologiyalarning o‘rni beqiyosdir.

Pedagogikada kompetentli yondashuv yangi hodisa emas. N.V.Kuzmina, A.K.Markova, E.F.Zeyer, V.A.Slastenin, T.F.Loshakovalar o‘qituvchining kasbiy kompetentligi bilan bog‘liq ko‘plab ishlarni amalga oshirganlar.

N.N. Budisheva kasbiy kompetentlikni shunday ta’riflaydi: “O‘z faoliyatida kerak bo‘lgan yangiliklarning, bilimlarining, qobiliyatlarning yig‘indisi va atrofdagi muhit yig‘indisi bilan o‘zaro to‘g‘ri kelishi”[2]. Pedagogik kompetentlik pedagogik mahorat tushunchasiga bog‘liqligini N.V.Kuxarev shunday ta’riflaydi: “Psixologik – pedagogik tayyorligidan kelib chiqadigan o‘qituvchi shaxsining aniq sifatlarining va pedagogik masalalarini eng samarali usulda yechadigan fazilatlar to‘plami”[3].

R.X.Tugushevning ta’kidlashicha kasbiy mahorat shaxs sifatining yuksalishi sari qo‘yilgan qadamlar yordamida faqat bir faoliyat uchun egallangan kompetensiyadir[4].

Xulosa qilib aytganimizda, o‘qituvchilarning innovatsion ta’lim muhiti talablari asosida pedagogik kompetentligini rivojlantirish uchun ta’lim tizimida ta’limning innovatsion muhitini yaratish va o‘quvchilarni bu muhitning subyekti sifatidagi ishtiroki asosida ularda ta’limning maqsadi, mazmuni, usuli, vositasi, tashkiliy shakli va kafolatlangan natijalardagi yangiliklar to‘g‘risidagi bilimlarini rivojlantirishga, mutaxassislik fanlari bo‘yicha malaka talablarini shakllantirishda kompetentli yondoshuvning mazmun-mohiyatiga e’tibor qaratish va o‘qituvchilarning innovatsion faoliyat malakasini rivojlantirish maqsadga muvofiq.

**Adabiyot:**

1.Muslimov N.A., Mullaxmetov R.G. Kasb tanlashga yo‘llash. O‘quv qo‘llanma.- Toshkent: O‘zROO‘MTV, 2007y

2.N.A.Muslimov, Sh.S.Sharipov, O.A.Qoysinov. Mehnat ta’limi o‘qitish metodikasi, kasb tanlashga yo‘llash. Darslik T.:O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti..

3.Jo‘raev R.X., Tolipov O‘.Q., Sharipov Sh.S. Uzluksiz ta’lim tizimida o‘quvchilarni kasb-hunar yo‘naltirishning ilmiy-pedagogik asoslari. Monografiy. - T.:FAN. 2004. 120 b.

4.Будишева Н.Н. Компетентностно-деятелностний подход как основа модернизации содержания образования //Актуалные проблемы модернизации образований. - Якутск, 2002, - С. 23-30.

5.Кухарев Н.В. Взаимодействуюшие факторы в субъект-субъектных отношениях: Ретропрогностический аспект: педагогическое мастерство и личностные качества учителей. - 2014. -№ 7. - С. 3-6.

# ЎҚУВЧИЛАРДА НАФОСАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

**Х.А. Набиева**
**АВХТХҚТМОХМ Амалий ва мактабдан ташқари фанларни ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси.**

***Аннотация.*** *Мақолада мактабларида технология фани дарсларида ўқувчиларни хар томонлама ўткир зехнга, фахм-фаросатли бўлиш, юксак дидли, эстетик завқ мотивациясини шакллантиришга оид фикрлар ва тавсиялар берилган.*

***Таянч сўзлар:*** *технология, зехн, фахм-фаросат, дид, эстетик завқ, мотивация.*

***Аннотация***. *В статье представлены идеи и рекомендации о том, как мотивировать учеников быть сообразительными, умными, задорными, получать эстетическое удовольствие на уроках по предмету технологий в общеобразовательных учреждениях.*

***Ключевые слова***: *технологии, интеллект, интеллект, вкус, эстетическое удовольствие, мотивация.*

***Annotation***. *The article presents ideas and recommendations on how to motivate students to be smart, smart, perky, to get aesthetic pleasure in technology lessons in educational institutions.*

***Keywords***: *technology, intelligence, intelligence, taste, aesthetic pleasure, motivation.*

Ўзбекистон – буюк аллома ва мутафаккирлар Ватани, дунё тамаддуни бешикларидан бири, жаҳон моддий ва номоддий меросининг ажралмас бўлаги, маънавият ва маърифа ўчоғи, юксак ақлий салиҳиятга эга бўлган мамлакатдир.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида технология фани ўқувчини хар томонлама ўткир зехнга, фахм-фаросатли бўлишга, хамда энг асосийси юксак дидли, эстетик завқ мотивациясини шакллантиришга замин яратадиган фандир. Бу жараён эса ўқувчи шахсига нафосат илми билан таъсир кўрсатади. Нафосат онги ижтимоий воқелик, табиат, санъат билан бевосита мулоқот жараёнида ўқувчиларни турли назария, қарашлар моҳияти билан таништириш, улар ўртасида нафосат таълими ва тарбиясини ташкил этиш орқали шакллантирилади. Нафосат онги асосини нафосат идроки ташкил этади. <u>Нафосат идроки</u> – бу ижтимоий воқелик, буюм ва ҳодисаларнинг гўзаллигини онгда яхлит акс этиши бўлиб, у гўзаллик ҳис

этилганда юзага келади ва аниқ мақсадга йўналтирилганлиги билан тавсифланади. Нафосат тарбиясининг вазифалари қуйидагилардан иборатдир: ўқувчиларда нафосат ҳис-туйғуси, фикр-мулоҳаза, дидни тарбиялаш, уларнинг ижодий қобилиятлари, гўзалликни севишга бўлган ҳаётий эҳтиёжини ўстиришдан иборат. Кишилар гўзалликни идрок қилиш қобилиятига эга бўлганликлари учун ҳаяжонланиш, қўйғуриш, дарғазаб бўлиш, қувониш, завқланиш каби ҳис-туйғуларни бошдан кечирадилар. Бундан ташқари киши юксак бадиий маҳорат билан яратилган образни ёки табиат, ҳаётдаги гўзал ҳодисани идрок қилганидан завқ-шавққа тўлади. Ўқувчиларда кузатиш маданиятини тарбиялаш уларнинг гўзалликка бўлган интилишларини ўстириш учун жуда муҳим. Кўп ҳолларда боллар бирор нарсага қараб турадилар-у, унинг ўзини кўрмайдилар, қулоқ соладилар-у, эшитмайдилар. Шунинг учун уларга табиатда, ўрмонда тоғлар ва чўлларда турли товушларни фарқ қилишни ўргатиш лозим. Юқори синф ўқувчиларига гўзаллик, хунуклик, нафосат иделали сингари тушунчаларни ёритиб бериш жуда муҳим, зеро, бу тушунчаларсиз гўзалликка нисбатан муносабат, воқелик ва борлиққа гўзал муносабат тизимини таркиб топтириб бўлмайди.

Нафосат ҳақидаги тушунчаларни ўзлаштириб олиш, ажаойиб санъат асарини саёз, паст савияда ёзилган асардан фарқлаш, ўз фикр-мулоҳазаларини тўғри эканлигини қаттиқ туриб, ҳимоя қилишга ёрдам беради. Юқори синф ўқувчилари ҳаёт ва санъатда гўзаллик, хунуклик, завқ-шавқнинг хилма-хил турларига дуч келадилар. Улар ғоявий йўналиши ва мазмуни жиҳатдан турлича бўлган бадиий ҳамда санъат асарларни ўқийдилар, томоша қиладилар ва тинглайдилар. Ижтимоий ҳаёт ва санъатга оид ҳодисаларнинг моҳиятини тўғри тушунишда ўқувчиларга гўзаллик ва уни севиш мавзусидаги дарслар, шунингдек, синфдан ва мактабдан ташқари олиб бориладиган хилма хил машғулотлар ёрдам беради. Мустақил юртимиздаги ислохотларни нафосат билан амалга оширилаётганлигини хис қилиб яшаётганимиз ҳеч кимга сир эмас. Қурилаётган иншоотлар, осмонўпра бино ва уйлар, жихозлар, тараққиётнинг ривожланиши кундан кунга ошиб бормоқда. Ҳар бир барпо этилаётган янги бино, янги ихтиро ва кашфиётлар албатта инсондан юксак дид талаб қилади, бу тушунча нафосат диди билан боғлиқ.

Нафосат диди ўз табиатига кўра шахсга хос бўлган психологик ҳодисадир. Аммо шахс ижтимоий муносабатларнинг фаол иштирокчиси бўлганлиги учун у гўзалликни баҳолаш мезонларини пухта ўзлаштира олади. Нафосат диди шахснинг буюм ёки ҳодисага нисбатан муносабат билдириш тури, объектив нафосат ўлчови бўлиб, гўзаллик, хунуклик ва тубанликка баҳо беришда субъектив ёндашувни ифодалайди. Ўқувчилар ўртасида

нафосат тарбиясини ташкил этишда самарали шакл, метод ва воситалардан оқилона фойдаланиш ижобий натижалар беради.

**Ўз-ўзини тарбиялаш методлари**. Ўқувчида ўз-ўзини тарбиялашга, яъни, ўз устида онгли, бартартиб ишлашга эҳтиёж пайдо бўлгандагина тарбия жараёнини самарали деб ҳисоблаш мумкин. Тарбия жараёнида ўз-ўзини тарбиялаш методларидан фойдаланиш самарали ҳисобланади. <u>Ўз-ўзини тарбиялаш методлари</u> ўқувчиларнинг ўзини ўзи идора қилишлари, турли ўқувчилар органлари фаолиятида фаол иштирок этишларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мавқеларини ошириш мақсадида қўлланилувчи усуллардир. Ўз-ўзини тарбиялаш ўқувчиларнинг ўзини ўзи идора қилиш ва ўқувчиларнинг турли органлари фаолиятида фаол иштирок этишни таъминлаш, уларнинг ижтимоий мавқеини оширишнинг таъсирчан воситасидир. Ўқувчилар ўқиш, тарбия ва дам олишда ўз-ўзини тарбиялаш усулларидан фойдаланадилар, бу усуллар ўқувчиларни ўз-ўзини тарбиялаш ташаббускорлик ва мустақилликка ундайди.

**<u>Ўз-ўзини таҳлил (назорат) қилиш</u>** ўз шахси, мавжуд фазилатлари, хатти-ҳаракати, хулқ-атворини таҳлил қилиш, мавжуд сифатларни бойитиш ёки салбий одатларни бартараф этишга қаратилган фаолият усули. Ўз-ўзини таҳлил (назорат) қилиш учун ўқувчи ўзининг юриш-туриши, интизоми, ижобий фазилатларининг ортиб бориши ва аксинча, салбий одатларининг камайиб бориши ҳақида мунтазам равишда кундалигига ёзиб боради.

**<u>Ўз-ўзини баҳолаш</u>** мавжуд фазилатлари, хатти-ҳаракати, хулқ-атворини таҳлил қилиш асосида ўз шахсига баҳо беришга йўналтирилган фаолият усули.

Ўқувчининг қобилиятини ўз кучи билан юзага чиқишига ёрдамлашиш зарур. Ўз-ўзини баҳолаш қийин, лекин ўқувчини бунга етарли тайёрлаш мумкин. Шу боис ўқувчи иродали бўлиши, ўз бурчини тушуниши, таҳсил ва тарбия олиш учун сабабли асос бўлиши, яъни, тарбияланишни хоҳлаши, ўзини ўртоқлари, атрофдагиларнинг кўзи билан кўриш ва ўз-ўзини такомиллаштиришга интилиши лозим. Ўз-ўзини баҳолаш ўқувчи учун шахсий имкониятларини ҳисоб-китоб қилиш, ўзига четдан туриб холисона баҳо бериш, ўзидан қониқиш ҳосил қилишда ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда юқорида таърифланган тарбиянинг умумий методлари ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатиш соҳаларини қамраб олмайди. Педагогика фани ва амалиёти ҳар доим ривожланиб борар экан, унга мувофиқ равишда тарбия жараёни ҳам такомиллашиб бораверади. Тарбия жараёнининг умумий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда тарбия методларини қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин. Бу гуруҳлар ўз навбатида бир қатор тарбия элементларидан ташкил этади. Чунончи, шахс онгини

шакллантириш методларига: ҳикоя, тушунтириш, изоҳлаш, маъруза, этик суҳбат, ишонтириш, насиҳат, йўриқнома, мунозара, маъруза, намуна; фаолиятни ташкил этиш ва ижтимоий хулқни шакллантириш методларига машқлантириш, одатлантириш, педагогик талаблар, жамоат фикри, топшириқ, тарбияловчи вазият; хулқ ва фаолиятни рағбатлантириш методларига: мусобақа, рағбатлантириш ва жазолаш киради.

**Адабиёт**:


1.Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент, Ўзбекистон, 2000.

2.Авлоний, Абдулла. Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ. – Тошкент, Ўқитувчи, 1992.

3.Педагогика //А./.Мунавваровнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент, Ўқитувчи, 1996.

4.Подласый И.П. Педагогика //Новый курс. Кн. 2. Процесс воспитания. – Москва, ВЛАДОС, 1999.


## ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТАЛАБАНИ ФАОЛЛАШТИРИШ МЕЗОНИ СИФАТИДА


**Б.Қурбанов – доцент, Г.Қурбанова- катта ўқитувчи.**
**Гулистон давлат университети**



***АННОТАЦИЯ***

*Мақолада замонавий таълим тизимида кенг қўлланилаётган технологиялар, улардан фойдаланиш йўллари, педагогик технология даражасидаги фаолиятнинг мезонлари (критериялари) ва талабалар билиш воситаларига оид билимларга эга бўлишлари келтирилган. Шу билан бирга “Технология ва дизайн” фани бўйича талабаларда шакллантириладиган билим, кўникма ва малакалар мазмуни берилган.*



***Калит сўзлар:*** *билим, малака, кўникма, критерия, технология, дизайн.*



***АННОТАЦИЯ***

*В статье приводятся сведения о технологиях, используемых в современной системе образования, способах их использования, критериях деятельности на уровне педагогических технологий и знаниях сформирующихся у учащихся . Наряду с этим, изложено содержание знаний, умений и навыков, которые будут формироваться у студентов по предмету «Технология и дизайн».*



***Ключевые слова:*** *знания, умения, навыки, критерии, технология, дизайн.*

***Annotation***

*The article provides information on technology used in the modern education system, the ways in which they are used, the criteria for the using of pedagogical technology and students shoul have knowledge of the tools. At the same time, the content of knowledge, skills and abilities formed in students on the subject "Technology and Design".*

***Keywords:*** *knowledge, qualification, skills, criteria, technology, design.*

Хозирги таълим жараёнида компьютер техникасидан фойдаланиб, дарсларда слайдлар, вертуал маърузалар, мултимедиялар намойиш этилмоқда. Бу эса ўз навбатида экран қўлланмаларини яратишга ва улардан фойдаланишга нисбатан қўйиладиган услубий, ташкилий санитария-гигиена қоидаларини, талабларини ишлаб чиқишни ҳамда амалда жорий этишни талаб қилмоқда. Бундан ташқари хозир ўқитиш ишларида “Замонавий технология”, “Илғор педагогик технология”, “Ўқитиш технологияси”, “Таълим технологияси”, “Ноанъанавий усул” каби атамалар кенг қўлланилмоқда. Хусусий ҳолда бу атамалар ўзига хос маъноларни билдиради. Масалан: “Педагогик технология”-умумий номни билдирса, “Таълим технологияси”-унинг илмий йўналишини, “Ўқитиш технологияси” эса амалий йўналишини ифодалайди. Қолганлари эса ҳосилавий атамалардир. Мазкур атамаларни умумлаштириб таълимнинг фаол (ёки фаоллаштирилган) усуллари деб аташ мумкин. Чунки мазкур атама ва номлар қандай аталишидан қатъий назар уларнинг замирида талабаларга билим бериш, уларни тарбиялаш ишларини фаоллаштириш масаласи ётади.

Фанни ўқитиш жараёни, талабаларнинг билиш, ижодий фаолиятини фаоллаштириш дидактик шароитлари ва технологиясига йўналтирилганлиги ҳисобга олинса, педагогик технология даражасидаги фаолиятининг мезонлари (критерийлари) сифатида қуйидагиларни кўрсатиш муҳимдир:

- Аниқ берилган мақсаднинг мавжудлиги, яъни тушунчалар, талабалар фаолиятининг кутилаётган ўқитиш натижалари, бу мақсадга эришиш усуллари каби коррект ўлчаниши;
- Мавзуни ўзлаштиришнинг етарлича қатъий кетма-кетлиги, маълум босқичларнинг мавжудлиги;
- Ўрганилаётган мавзу мазмунини билиши ва амалий масалалар кўринишида ва уларни ечиш усулларини кўрсатиш;
- Ўқув жараёни иштирокчиларининг (ўқитувчи ва талабаларнинг бир-бири билан) ўзаро ишлаши усулларини кўрсатиш;
- Ўқув жараёнининг натижавийлиги нуқтаи-назаридан ўқитувчининг энг оптимал ўқитиш воситаларидан фойдаланиши;

- Ўқитувчи ва талабаларнинг шахсий вазифаларини амалга оширишларига асосланган фаолиятнинг мотивацияли асосланиши (эркин танлов, креативлик, мусобақалашиш, ҳаётий ва касбий маъно);
- Ўқитувчининг қоидавий (алгоритмик) ва ижодий фаолияти чегараларини белгилаш, ягона қоидалардан руҳсат этиладиган четга чиқишларини кўрсатилиши.

Бу санаб ўтилган критерийлар талабаларнинг ижодий фаолиятини фаоллаштиришнинг дидактик шароитлари ва технологияси шаклланганлик баҳолари критерийларини ишлаб чиқишда асос бўлади ва талабалар билиш воситаларига оид қуйидаги билимларга эга бўлишади:

- Ўзбекистонда ишлаб чиқариш турлари, ишлаб чиқаришда янги техника ва илғор технологиялар, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш омиллари ва истиқболлари, ишлаб чиқаришни тайёрлашга оид технологик ҳужжатлар;
- Ёғоч турлари ва уларнинг хусусиятлари, ёғочга ишлов беришда қўлланиладиган асбоблар, ускуналар, қўлда ишлов берадиган асбоблар, механизациялаштирилган ва электрлаштирилган дастгоҳлар, станоклар технологик картани тузиш ва ундан фойдаланиш;
- Метал турлари ва хусусиятлари, металга ишлов беришда ишлатиладиган асбоб-ускуналар, дастгоҳлар, станоклар, электрлашган ва механизациялаштирилган жиҳозлар, машина, механизм элементлари ва турлари, технологик карта тузиш ва фойдаланиш;
- Юртимиз меъморчилиги тарихи, хона интерери ва жиҳозлаш дизайни, замонавий дизайн йўналишлари;
- Меҳнатни муҳофаза қилиш қонунлари, низомлари, хавфсизлик асослари, ишлаб чиқаришда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, инструкциялар турлари ва улар билан танишиш, ходимларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, ишлаб чиқариш саноатида санитария-гигиена талаблари.

Талабаларда “Технология ва дизайн” фанига оид қуйидаги билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади: ёғоч ва металнинг турлари, хусусиятлари, уларни режалаш, арралаш, тешиш, пардозлаш, қўл ва электр асбобларининг тузилиши, ишлаши, дастгоҳлар, электр ва механизациялаштирилган жиҳозлар, машина ва механизмлар элементлари, янги техника ва илғор технологиялар асослари ҳамда технологик хариталар тузиш ва фойдаланиш, пол ва мебел қопламалари уларни сақлаш, пардозлаш меъморчилик ишлари, меҳнат қонунлари ва низомлари, инструкциялар техника хавфсизлиги ва санитария-гигиена қоидалари.

Юқорида айтилган фикрларни умумлаштириб технология ва дизайн фанини ўқитишда технологик ёндашувининг моҳияти қуйидагича асосланиши мумкин:

- Ўқув жараёнини дастлабки лойиҳалаш ва бу лойиҳани педагогик амалиёт даврида қайта тиклаш имконияти;
- Қуйидаги дидактик мақсадларга эришганлик сифатини объектив назорат қилиш имкониятини кўзда тутувчи махсус мақсад тузиш;
- Ўқитиш технологиясининг структуравий ва мазмунини яхлитлиги яъни унинг компетентларидан бирига, бошқаларига тегмасдан туриб ўзгартишлар киритилишига йўл қўйиб бўлмаслиги;
- Ўқитиш технологияси барча элементларининг тўла аниқланган ва қонуниятли боғланишлари билан тақазо этиладиган оптимал методлар ва воситаларнинг танланиши;
- Ўқитиш жараёнини ўз вақтида ва самарали коррекциялаш имконини берадиган тескари алоқанинг мавжудлиги.

Хулоса қилиб айтганда, талабаларнинг билиш, ижодий фаолиятини фаоллаштиришнинг дидактик шароитлари ўқитиш технологияси доирасида назарий билимларни ўзлаштириш жараёни, ўқув фани лойиҳасини яратишлари ва амалга оширишлари шароитларида рўёбга чиқариш мумкин. У талабаларнинг билиш ижодий фаолиятини фаоллаштиришнинг дидактик шароитлари фаолиятини фаоллаштиришнинг дидактик шароитлари ва технологияси мақсадларига эришиш воситаси бўлади. Талаба таълимий дастурнинг барча бўлимларни фаолиятининг билимлари ва усулларини, касбий вазифаларни ҳал этиш воситасига айлантириш технологиясига эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар.


1. Р.Ишмухаммедов ва бошқалар. “Таълимда инновацион технологиялар” Т – 2008 й. -179 б.
2. Р.Ишмухаммедов ва бошқалар. “Тарбияда инновацион технологиялар” Т – 2010 й. – 140 б.
3. Ж.Толипова ва бошқалар. “Таълим-тарбия жараёнида замонавий педагогик технолгиялар” “Халқ таълими” журнали, 202 й. №3. 20-24 б
4. А.Мавлонов ва бошқалар. “Педагогик технология – тамойиллари асосида дарс машғулотларини олиб бориш технологияси” Т – 2010 й. 16-22 б.
5. Ҳ.Омонов ва бошқалар. “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” дарслик ТМИ – 2012 й. 555б.

# БИЛИМЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА МУСТАХКАМЛАШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ

**Б.Қурбанов – доцент, Г.Қурбанова- катта ўқитувчи.**
**Гулистон давлат университети**

***Аннотация***

*Ушбу мақолада, замонавий таълим шароитида билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган амалий машғулотларнинг асосий функциялари ва ўтказилиш шакллари, амалга оширилади масалалар ва дарс технологик харитаси келтирилган.*

***Калит сўзлар:*** *технологик харита, функция, кўникма, касб, модел.*

***Аннотация***

*В данной статье представлены основные функции и формы практических упражнений, направленных на расширение и закрепление знаний в контексте современного образования, и реализована технологическая карта урока. Ключевые слова: технологическая карта, функция, навыки, профессия, модель.*

***Annotation***

*This article presents the main functions and forms of practical exercises aimed at expanding and consolidating knowledge in the context of modern education, issues that will be implemented, and the technological map of the lesson.*

***Keywords:*** *technological map, function, skills, profession, model.*

Замонавий таълим шароитида билимларни кенгайтириш ва мустахкамлашга йўналтирилган амалий машғулотларнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

**1) ўқув-ўрганиш функцияси-** маъруза ва мустақил ишлар давомида эгаллаган билимларини кенгайтириш ва мустахкамлаш;

**2) ўқитиш функцияси-** жамоа олдида мустақил чиқиш, ўз фикрини баён қилиш, маълумотларни умумлаштириш ва тахлил қилишга ўргатиш;

**3) ундовчи функция-** талабани ундаш асосида тайёргарлик даражасини фаоллаштириш ва мақсадга йўналтириш;

**4) тарбиявий функция-** дунёқарашни шакллантириш, мустақиллик ва илмий изланувчанлик хусусиятларини тарбиялаш;

**5) назорат функцияси-** талабаларнинг билим даражасини бахолаш ва мустақил ишларни бажарилиши сифатини назорат қилиш.

Билимларни кенгайтириш ва мустахкамлашга йўналтирилган амалий машғулотлар қуйидаги шаклларда ўтказилади:

1) ўқитишни назорат қилиш машғулотлари- бу амалий машғулотларда талабалар саволларга жавоб берадилар, ёзма назорат ишлари ўтказилади.

Машғулотнинг асосий мақсади-ўзлаштирилган билимларни энг юқори назоратини таъминлаш.

2) ўқитишга йўналтирилган амалий машғулотлар-бунда асосан талабаларнинг мустақил чиқишлари ташкил этилади.

3) ижодий-амалий машғулотда мустақиллик энг юқори даражага чиқади, бахслар, мунозаралар, рефератларни ўқитувчи ва талабалар олдида ҳимоя қилиш машғулотнинг асосий мазмунини ташкил қилади.

4) топшириқни бажаришга йўналтирилган машғулотлар аниқ манбалар асосида турли ўйинлар тарзида ўтказилади.

Билимларни кенгайтирувчи ва мустахкамловчи амалий машғулотларда талабалар мустақил фикрий тахлиллар ва амалий кўникмаларини намоён қилиш имкониятига эга бўладилар.

Бундай машғулотларни ташкил қилиш технологиялари ўзлаштирилган назарий билимларни мустахкамлаш, касбий билим ва кўникмаларни шакллантиришга асосланади. Унда касбга оид билимларни қўллаш яъни, ўқиётган фан тилини эркин тадбиқ этиш, аниқ илмий тушунча ва қоидаларга амал қилиш назарда тутилади.

Билимларни кенгайтириш ва мустахкамлашга йўналтирилган амалий машғулот технологияларида қуйидаги таълим масалалари амалга оширилади:

- талабаларни мавзунинг назарий жихатларини баён қилиш ва мухокама қилишга ундаш;
- мустақил фикрлаш орқали янги билимларни тушуниш ва эгаллаш;
- амалий кўникмаларни ривожлантириш ва мустахкамлаш;
- воқеа-ходиса, харакатларга тўғри бахо бериш қобилиятларини шакллантириш;

- талабаларда ижодий қобилиятни ривожлантиришни мувофиқлаштириш, ўқув жараёнида касбий билимларни қўллаш.

Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича ўқитиш технолояси модели ва технологик харитасини қуйидагича тузиш мақсадга мувофиқдир.

**Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича ўқитиш технологик модели**

| Ўқув машғулотида бахс-мунозара учун саволлар | Мавжуд билимларни мустахкамлаш, кенгайтириш, чуқурлаштириш, мустақил ишлаш ва ўрганиш кўникмаларни ривожлантириш |
|---|---|
| **<u>Ўқитувчи фаолияти</u>**<br>1. мавзу бўйича билимларни кенгайтиради.<br>2. билимларни мустахкамлайди ва чуқурлаштиради<br>3. тахлил қилиш, тизимга солиш, таққослаш, хулосалаш кўникмаларини таркиб топтиради.<br>4. илғор технологияларни қўллаш жараёнини шакллантиради, мавзуга оид муаммоли саволлар асосида коммуникатив кўникмалар хосил қилади. | **<u>Ўқув фаолияти натижалари</u>**<br>Мавзу бўйича талабанинг билим, кўникма ва малака даражасини белгилаб берувчи <u>вазифалари.</u><br>Талаба қуйидагиларни билиши ва бажара олиши керак:<br>-атамаларга изоҳ бериш;<br>-бирин-кетин маъносини очиш;<br>-таърифлаб бериш;<br>-қоида чиқариш;<br>-режа ишлаб чиқиш;<br>-муаммоли савол ва топшириқлар ечимини излаб топиш ва натижаларини тахлил этиш. |
| Ўқитиш усуллари | Сухбат, биргаликда ўқитиш, бахс-мунозара, тақдимот, чизмалар орқали тушуниш ва бошқалар. |
| Ўқитиш воситалири | Ўқув адабиётлари, ўқув материаллари, дидактик воситалар, слайдлар ва х.к. |
| Ўқитиш турлари | Гурухда ишлаш, якка холда ишлаш, жамоа билан ишлаш. |
| Ўқитиш жойи | Гурух билан ишлаш учун тайёрланган аудитория ёки ўқув устахонаси, мавзуга тегишли саёхат жараёнида |
| Мониторинг ва бахолаш | Назорат (текшириладиган) саволлари, хар хил топшириқлар (гурухда ёки якка ўзи) ёзма назорат иши, тест саволлари. |

**Ўқув машғулотининг технологик картаси**

| **Ишни босқичлари вақти** | **Ишнинг мазмуни** | |
|---|---|---|
| | **ўқитувчи** | **талабалар** |
| **Биринчи босқич** Ўқув машғулотига кириш | **1.1** Ўқув машғулотининг номи, мақсади, мухокама учун саволлар билан таништиради. Гурух ишларида қўлланиладиган вазифаларни таништиради. (хар бир талаба | Эшитади.<br>Аниқлайди.<br>Саволларга жавоб беради. |

| | | |
|---|---|---|
| 15-мин | иш натижалари асосида бахоланиши). Гурухда ишлаш тартибини таништиради ва дарс охирида вазифа берилади, вазифани бажариш тартиби тушунтирилади. | |
| | **1.2** талабаларни дарсга киришиб кетишлари учун саволлар беради. | |
| **2-босқич асосий** 55-мин. | **2.1** Талабаларни гурухларга ажратади ва уларга вазифа топширади. Вазифаларни бажариш тартибина эслатади, ишни бажариш учун берилган вақт, бахолаш тартиби билан таништиради. Қўшимча адибиётлар билан таништиради. Ишни мустақил бажаришга рухсат беради. Вазифани тўғри бажаришин кузатиб боради, лозим бўлса керакли кўрсатмалар беради. | **2.1** ўқув вазифалари, кўрсаткич ва меъзонлари билан таништиради. Талабалар мустақил топшириқларни мухокама қилади ва бажаради. Бажарилган ишлар бошқа талаба ишлар билан таққослайди, солиштирилади, камчилигини тузатади. Ишни бажариш тўғрисида ўз фикрини баён қилади, қайси касбга тегишли эканлигини айтади. |
| | **2.2** Белгиланган вақтда тугатилган ишларни текширади, камчиликлар ва ютуқлар кўрсатилади ва бахолайди. Берилган вазифа бўйича қўшимча саволлар бериб, талабалар тушунчалари кенгайтирилади ва чуқурлаштирилади. | |
| **3-босқич якуний** 10-мин | **3.1** Дарс якунланади ва барча талабалар томонидан бажарилган ишлар тахлил қилинади ва ютуқлар, камчиликлар барча талабаларга эълон қилинади ва вазифа берилади. | **3.1** эшитадилар, аниқлайдилар.<br>**3.2** берилган вазифаларни ёзиб оладилар |

Замонавий таълимда талабаларни нотиқлик вазифасини бажаришга, бахсларда ўз фикрини баён қилиш ва химоя қилишга ўргатиш зарур. Билимларни кенгайтириш ва мустахкамлашга йўналтирилган амалий машғулотларда талаба-талаба билан талаба-ўқитувчи билан ўзаро фаол харакати натижасида топшириқларни бажаради. Шунингдек, такрорлаш, билимларни кенгайтириш ва мустахкамлашни амалга оширади, эгаллаган билим ва кўникмаларини сифат даражаси замонавий бахолашнинг фаол усаллари воситасида бахолаб борилади. Билимларни кенгайтириш ва мустахкамлашга йўналтирилган амалий машғулотларда, “ўзаро хабар орқали ўқитиш”, сухбат, бахс, мунозара аниқ муаммо тахлили, тақдимот каби фаол усулларни қўллаш тавсия этилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, билимларни кенгайтириш ва мустахкамлашга йўналтирилган амалий машғулотларда қуйидаги қоидаларга асосланади:

- аниқлик ва реалликни англашни шакллантириш;

- хамкорликдаги алоқани ривожлантириш, бу жараёнда ўзаро муомала кўникмалари ва гурухдан ташқари алоқалар шаклланади;

- хар бир талаба гурух ишига фаол қатнашиб, берилган вазифани сидқидилдан бажаришга харакат қилади;

- хар ким керак бўлганда ёрдам сўраш ва зарур пайтда ёрдам беришга ўрганади;

- гурух ишини бахолашда хар бир талаба фаол қатнашиши лозимлигини тушунади.

**Фойдаланиладиган адабиёт:**


1. Г.Анарқулова ва бошқалар. “Технологик таълим практикуми” Т. – Турон – Иқбол. 2018й.134б


## ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАДАНИЯТИНИ КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ТАМОЙИЛЛАРИ


**Имомов Мусурмон Пирназарович –ТДПУ ҳузуридаги ПКҚТ ва УМО тармоқ маркази бўлим бошлиғи**



***Аннотация:****Профессионал таълим муассасалари ўқувчиларида касбий маданиятини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантиришнинг 8 та устувор тамойиллари аниқланди ва изоҳланди.*

***Аннотация:****Выявлены и разъяснены 8 приоритетных принципов развития профессиональной культуры у студентов профессиональных образовательных учреждений на основе компетентностного подхода.*

***Annotation:****8 priority principles of development of professional culture in the students of Professional educational institutions on the basis of a competency approach were identified and explained.*



***Таянч иборалар:*** *касб, маданият, компетенциявий ёндашув, қадриятли ёндашув, муаммоли ёндашув, интерфаоллик, лойиҳа таълими, инновацион ёндашув, амалий ёндашув, витаген ёндашув, рефлексив ёндашув.*


Ҳар қандай жамиятнинг муҳим соҳаси ишлаб чиқариш саналади. Ишлаб чиқаришнинг самарали ривожи малакали мутахассислар, уларнинг томонидан бажарилаётган меҳнат унумдорлиги ҳисобига таъминланади. Шу сабабли замонавий шароитда ҳар бир давлат касб таълими олдига малакали,

бозор муносабатлари муҳитида устувор бўлган кучли рақобатга бардошли мутахассисларни тайёрлаш вазифасини қўяди. Аксарият иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларнинг пухта асосланган узлуксиз касбий таълимига эгалиги уларнинг интенсив тараққий этишида муҳим омил бўлиш билан бирга жаҳон ҳамжамиятида гегемон бўлишини таъминламокда.

Профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий маданиятини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантиришга қаратилган тадқиқотни олиб боришда мазкур жараённинг муваффақияти, шунингдек, устувор тамойилларнинг танланиши ва уларнинг амалиётга татбиқи билан ҳам белгиланади. Шу сабабли тадқиқот даврида профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий маданиятини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш жараёнида устувор аҳамиятга эга бўлган тамойилларни аниқлашга эътибор қаратилди.

Илмий-педагогик фаолиятни ташкил этишда тегишли жараёнда устувор бўлган тамойилларни аниқлашга жиддий ёндашиш талаб қилинади. Бинобарин, устувор тамойилларнинг тўғри, оқилона танланиши муайян жараённи яхлит ҳолда қамраб олиниши, ҳеч бир омилнинг эътибордан четда қолмаслигига олиб келади.

Профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий маданиятини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш жараёнида устувор бўлган тамойилларни аниқлашда касбий таълимнинг умумий тамойилларни ҳам инобатга олинади.

Касбий таълим қуйидаги умумий тамойилларга мувофиқ ташкил этилади: замонавий ишлаб чиқариш талабларига жавоб бериш; назария ва амалиёт бирлиги; ишлаб чиқариш жараёнидаги таълим; касбий-политехник йўналганлик; мустақиллик; ўқувчиларнинг ёш, индивидуал хусусиятларини инобатга олиш; жамоада ўқитиш; ягона педагогик талабни қўйиш ва ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш; кўрсатмалилик.

Инновацион таълим муҳитининг шаклланиши ўқитиш жараёнига жамиятда кечаётган ижтимоий, иқтисодий, маданий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда янги тамойилларни ҳам жорий этишни тақозо қилади. Ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда сўнгги йилларда касбий таълимнинг умумий тамойиллари қуйидагилар билан бойитилди: таълимнинг инсонпарварлиги ва демократик ғояларга асосланиши (ўқитишнинг ўқувчи имкониятларини, ўқувчилар жамоасининг эҳтиёж ва қизиқишларини инобатга олиш асосида ташкил этилиши); таълимни ишлаб чиқариш меҳнати билан боғлаш (ўқитиш ва ишлаб чиқиш меҳнати ўртасида ўзаро алоқадорлик, боғлиқни таъминлаш); касбий мобиллик (таълим мазмунини ўзгарувчан ижтимоий вазиятларга мувофиқ келишини таъминлаш, шунингдек, битирувчиларни турли

вазиятларда касбий фаолият олиб боришга тезкор мослашувчига эришиш); модулли ўқитиш (таълимнинг модул (мантиқий тугалланган бирлик)ларга мувофиқ ташкил этилиши); онглилик (ўқувчиларнинг ўқув жараёни ҳамда касбий фаолиятга онгли ёндашишини таъминлаш); фаоллик (таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти суръатининг тезлашувига эришиш) ва мотивация (ўқувчиларни касбий фаолиятни амалий жиҳатдан ташкил этишга туртки берувчи эҳтиёжга эга бўлиши)га асосланганлик; барча учун очиқлик (касб ва ҳунар йўналишлари бўйича республика фуқароларининг тенг ҳуқуқлилик асосида таълим олишига эришиш) ва кўргазмалилик (касбий таълимнинг кўрсатмали – бажариб кўрсатилиши ёки визуал намоён қилиш асосида ташкил этилиши); касбий компетентликнинг пухта эгалланиши (касбий компетентлик сифатлари – билим, кўникма, малака, тажриба бирлигига эришиш); мақсадга йўналтирилганлик (ижтимоий буюртма сифатида малакали кичик мутахассисларни тайёрлаш), тизимлилик (ўқитишнинг барча омиллари – мақсади, вазифалари, ташкилий шакллари, методлари, воситалари, технологиялари, натижаси, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятидан иборат таркибий элементларнинг бирлиги асосида ташкиллаштирилиши); таълимнинг натижаланганлиги (малакали кичик мутахассисни тайёрлашдан иборат ижтимоий буюртманинг бажарилиши)[40]; шахс мустақиллигини ривожлантириш; ўқитишнинг касбий фаолиятга мотивация бериши; таълимнинг самарадорлиги; қулай касбий таълим муҳитининг мавжудлиги; иқтисодий мақсадга мувофиқлик[41].

Илмий-педагогик фаолиятни ташкил этишда тадқиқот объекти, унинг характерли хусусиятидан келиб чиққан ҳолда касбий таълимнинг умумий тамойиллари билан бирга замонавий ёндашувларни характерловчи тамойилларга ҳам таяниб иш кўрилади.

Назарий таҳлил, тажриба майдонлари бўлган профессионал таълим муассасалари, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини кузатиш, ўқитувчилар ва ўқувчилар билан суҳбатлар ташкил этиш натижасида қуйидаги тамойилларнинг ўқувчиларнинг касбий маданиятини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш да устувор ўрин тутишига ишонч ҳосил қилинди.




40 Об... при... //
https:/...
41 Пр... http...
profess...

1. Қадриятли ёндашув тамойили. Касбий фаолият шахс ҳаётининг муҳим таркибий асоси сифатида унинг моддий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Шу сабабли унга нисбатан ижобий муносабатда бўлиш, иш ўрнини, меҳнат жараёнини ташкил этишда масъулиятни ҳис қилиш, иш қуроллари, меҳнат анжомлари, воситаларини эҳтиётлаш, уларнинг меҳнатга яроқлилигини доимий таъминлаш, дастгоҳнинг узоқ муддат хизмат қилиши учун зарур чораларни кўриш, иш ўрни санитария ҳолатининг юқори даражада бўлишига эришиш, меҳнат маҳсулотларини тежаш, касбий анъаналарга нисбатан ҳурмат кўрсатиш талаб қилинади. Профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий маданиятини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантиришда меҳнат қадриятларининг аҳамиятини кўрсатиш, уларга нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш талаб этилади.

2. Муаммоли ўқитиш тамойили. Замонавий таълимда муаммоли ўқитиш асосий ўринлардан бири эгалламоқда. Бинобарин, муаммоли ўқитиш таълим олувчини фикрлашга, муаммо юзасидан бир неча ечимни илгари суришга, уларнинг таҳлил қилиш орқали мақбул ечимни қабул қилишга, уни асослашга ундайди. Бир сўз билан айтганда, муаммоли ўқитиш ўқувчини мавжуд муаммо бўйича ҳар томонлама фикрлашга ундайди. Фикрлаш қобилиятига эга шахс эса ўз имкониятини, ички ресурсларини тўла намоён эта олади. Мазкур тамойил “инсон капитали”дан самарали фойдаланишга қаратилган тенденцияга тўла мос келади.

3. Интерфаоллик тамойили. Инновацион таълим муҳитида ўқитишнинг етакчи омилларидан бири интерфаоллик саналади. Инглиз тилидан таржима қилинганда “интерфаол” тушунчаси “биргаликда ҳаракат қилмоқ” деган маънони англатади. Назарий моҳиятига кўра эса интерфаоллик ўқувчиларнинг жуфтликда, кичик ва катта гуруҳларда ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатликда, бирга ҳаракат қилиш асосида ўқув материалларини ўзлаштириш, ўқув топшириқларини бажаришни ифодалайди. Интерфаоллик негизида, шунингдек, ўқувчиларнинг компьютер технологияси билан “мулоқот” асосида янги билимларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланишга қаратилган ҳаракати ҳам намоён бўлади.

Профессионал таълим муассасаларида “Металларга ишлов бериш технологияси” фанини ўзлаштиришда ўқувчи ҳамда ўқувчилар жамоасининг интерфаоллиги аксарият ҳолатларда ўқув топшириқларини бажариш, дастгоҳларда ишлаш жараёнида кўзга ташланади. Металларга ишлов бериш, уларни қайта ишлашда бир-бирларининг амалий ҳаракатларини кузатиш, хатоларни англашга кўмаклашиш, мавжуд хато, камчиликларни биргаликда

бартараф қилиш, амалий ҳаракатлар юзасидан якуний хулосага келиш интерфаоллик ёрқин намунаси саналади.

4. Лойиҳа таълими тамойили. Замонавий ўқитишда лойиҳа таълими ҳам алоҳида ўрин тутади. Ўқувчиларни ўқув, амалий ва ижодий лойиҳаларни бажаришга жалб қилиш уларда касбий масалалар юзасидан фикр юритиш, далилларни топиш, фикрларни тизимлаштириш ва таҳлил қилиш, бир неча вариантда ечимларни топиш, улар ўртасидан оптимал ечимни аниқлаш, ечимни асослаш ҳамда тақдим этиш малакаларини ҳосил қилади. Бу интеллектул салоҳиятга эга мутахассисни тайёрлашдан иборат ижтимоий-педагогик буюртмани бажаришга ҳисса бўлиб қўшилиш билан бирга ўқувчиларни фавқулотда вазиятларда ҳам касбий фаолиятни самарали олиб боришга тайёрлайди.

5. Инновацион ёндашув тамойили. Тузилмавий жиҳатдан “инновацион ёндашув” тушунчасининг ўзагини “инновация” атамаси ташкил қилади. Луғавий маъносига кўра “инновация” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда “янгилик киритиш” демакдир. Таълим жараёнида янгиликни киритиш ўқитиш мазмуни, ташкилий шакллари, методлари, воситалари, ўқитувчи ҳамда ўқувчи фаолиятини янги ғоялар негизида бойитиш, ўзгартириш ва такомиллаштиришни билдиради. Профессионал таълим муассасаларида “Металларга ишлов бериш технологияси” фанини ўқитишда ўқувчиларни ўқув материалларини ўзлаштириш, ўқув топшириқларини бажаришга жалб қилиш жараёнининг интерфаол методлар, лойиҳа, витаген ҳамда ривожлантириш технологиялари ёрдамида ташкил этилиши касбий таълимнинг инновацион ёндашув асосига қурилаётганлигидан далолат беради.

6. Амалий ёндашув тамойили. Дастгоҳчиларнинг касбий фаолияти ўз моҳиятига кўра амалий ҳаракатлар мажмуидан иборат. Бу эса “Металларга ишлов бериш технологияси” фанини ўқитишда амалий машғулотларга устуворлик берилишини тақозо қилади. Амалий машғулотларнинг бугунги кун талабларига мувофиқ ташкилий-методик жиҳатдан тўғри ташкил этилиши ўқувчиларда дастгоҳларда ишлаш кўникма, малакаларини ривожлантириш билан бирга касбий фаолият моҳиятини тўла англаш, унга нисбатан ижобий муносабатни шакллантиришга хизмат қилиши лозим.

7. Витаген ёндашув тамойили. Луғавий нуқтаи назардан “витаген” тушунчаси “ҳаётий тажрибага таяниш” маъносини англатади. Табиийки, профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий маданияти негизида уларнинг субъектив борлиқ (атрофдагилар) билан муносабатга киришиш жараёнида орттирган ижтимоий, амалий машғулотлар чоғида эгаллаган кам бўлса-да, касбий тажрибалари ётади. Мавжуд тажрибалар

асосида, шунингдек, амалий касбий фаолият даврида зарур малака талаблари бўйича ҳаракатларни бажариб кўриш, ҳатто йўл қўйилган хато ва камчиликларни таҳлил қилиш орқали ўқувчиларда тажриба тўпланиб боради. Ўқувчиларнинг умри давомида орттирилган ҳаётий ҳамда таълимнинг умумий даврида оз-оздан қўшилиб, якунида "салмоқли вазн"га эга бўлган тажриба келгусида улар томонидан компетентли мутахассис сифатида эришиладиган ютуқлар учун "пойдевор" бўлиб хизмат қилади.

8. Рефлексивлик тамойили. Барча халқаро тушунчалар каби "рефлексивлик" ҳам ўзбек тилида муайян маънони англатади. Луғавий маъносига кўра "рефлексивлик" инглиз тилидан таржима қилинганда "ортга назар ташлаган ҳолда фаолият, хатти-ҳаракатни таҳлил қилиш" маъносини англатади. Назарий жиҳатдан ушбу тушунча ёрдамида ўз-ўзини, ўз фаолиятини таҳлил қилишга қаратилган ҳаракат ифодаланади. Профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг рефлексив қобилиятга эга бўлиши улар томонидан мустақил равишда ўзларининг ўқув-билиш ва касбий фаолиятларини таҳлил қилиш, касбий билим, кўникма ва малакаларга эгаликнинг динамик характерини ўрганиш, хато ва камчиликни англаш, уларни тузатиш ёки бартараф қилиш йўлида изланишларига ёрдам беради. Ўз фаолиятини доимий, изчил равишда таҳлил қилишга рефлексив ёндашиш профессионал таълим муассасаларининг ўқувчиларида ўзига, ўз хатти-ҳаракатларини танқидий баҳолашга ўргатади. Бу эса замонавий мутахассис учун зарур бўлган касбий сифатлардан биридир. Шу сабабли профессионал таълим муассасаларида компетенциявий ёндашув асосида ўқувчиларининг касбий маданиятини ривожлантиришда уларнинг рефлексив қобилиятга эга бўлишларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, замонавий шароитда мутахассисларнинг компетентлик сифатларига эга бўлиши ижтимоий-педагогик зарурият сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Кучли рақобатга асосланган бозор муносабатлари ҳам мутахассиснинг унга нисбатан бардошли бўлишини тақозо этади. Компетентлик сифатларига эга бўлган мутахассисгина кучли рақобатга бардош бера олади. Шу сабабли тадқиқот даврида профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий маданиятини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш мақсадга мувофиқ деб топилди. Компетентциавий ёндашув профессионал таълим муассасаларининг ўқувчиларида бозор иқтисодиёти талаблари асосида умумий касбий тайёргарлик ва қобилиятни ривожлантириш билан бирга улар томонидан касбий билим, кўникма, малака ҳамда технологияларни самарали ўзлаштиришни назарда тутади.

**Фойдаланилга адабиётлар руйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Адолат, 2014. – 46 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни (23 23 сентябрь 2020 йил) // https://lex.uz/docs/-5013007.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812 сонли Фармони (6 сентябрь 2019 йил) // https://lex.uz/docs/4500926.
4. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчиларини касбий метод шакллантиришнинг назарий-методик асослари: пед.фан.докт. ... дис. – Т.: 2007. – 46-131-б.
5. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари / Н.А.Муслимов, М.Ҳ.Усмонбоева, Д.М.Сайфуров, А.Б.Тўраев. – Т.: ТДПУ ҳузуридаги ОТМПКҚТМОТМ, 2015. – 5-6-б.

# ИННОВАЦИОННЫЕ МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ В ПРЕПОДАВАНИИ ТЕХНИЧЕСКИХ ДИСЦИПЛИН

**Н.В.Довгяло- доцент, С.Ю.Тошпулатова– ст. преподаватель.**
**Полоцкий государственный университет, Андижанский ГУ**

*В докладе отражается информация о применении инновационного метода преподавания с использованием мультимедийной системы – интерактивной доски. Описываются достоинства и недостатки интерактивной доски в учебном процессе, особенности применения инновационных методов обучения*

***Ключевые слова:*** *высшее образование, наука, разработка, инновация, инновационное развитие, интеграция, развитие, социальное развитие, техника, технология, система образования, инновационные подходы, педагогические технологии, образовательные реформы*

*This article contains information on the use of innovative teaching methods with the use of multimedia system – interactive board. Describes the advantages and disadvantages of interactive whiteboards in the education process, particularly the use of innovative teaching methods.*

***Keywords:*** *higher education, science, processing, innovation, innovative development, integration, development, social development, technics, technology, educational system, innovative approaches, pedagogical technologies, educational reforms.*

Образование и раздел мирового рынка, компьютеризация рыночных отношений, возможность мгновенного доступа и получения исчерпывающей информации приводят к динамическому поиску разнообразия и предложение инноваций.

Научнотехнический прогресс и динамика внешней среды заставляют современные предприятия превращаться во все более сложные системы, для которых необходимы профессиональные специалисты.

В настоящее время на современном этапе развития нашего общества возросла

социальная потребность в нестандартно мыслящих творческих личностях. Потребность в творческой активности специалиста и развитом мышлении, в умении конструировать,

оценивать, рационализировать технику.

Решение этих проблем во многом зависит от содержания и технологии обучения будущих специалистов в системе высшего образования, а в частности преподавания технических дисциплин. Применение инновационных технологий в технических дисциплинах позволяет отобрать нужное содержание и средства обучения в соответствии с программой, современными требованиями производства и выбранной специальности.

Лекция выступает в качестве ведущего звена всего курса обучения и представляет собой способ изложения объемного теоретического материала, обеспечивающего целостность и законченность его восприятия слушателями. Однако лекция приучает к пассивному восприятию изучаемого материала.

Последние достижения техники привносят значительные изменения в понимание роли и способов использования информационно коммуникационных технологий, которые необходимо применять для успешного вовлечения молодежи в учебный процесс и для эффективного, реально полезного расширения интереса к изучаемой дисциплине. Новшество, вносимое компьютером в образовательный процесс – интерактивность, позволяющая развивать активнодеятельностные формы обучения.

Информатизация образования ассоциируется с пирамидой, основанием которой служат новые электронные образовательные продукты. Рынок профессиональных электронных образовательных ресурсов широк и разнообразен, поэтому для повышения эффективности профессионального образования важно создать такие психологопедагогические условия, в которых обучаемый заявит о себе как субъект учебной деятельности.

Формирование информационно технологических знаний и умений на занятиях способствует использование в процессе обучения мультимедийных инструментальных систем, технология которых

включает синкретическое обучение, т.е. одновременно зрительного и слухового восприятия материала.

Создание электронного обучающего мультимедийного ресурса в технических дисциплинах значительно увеличивает скорость и качество усвоения материала, существенно усиливает практическую направленность в целом и повышает качество образования.

При проведении лекционных занятий по техническим дисциплинам, для повышения интереса и усвоения нового материала, используется инновационный метод преподавания с использованием мультимедийной системы – интерактивной доски (ИД).

Достаточно только прикоснуться к поверхности интерактивной доски, чтобы начать работу на компьютере. ИД реализует один из важнейших принципов обучения – наглядность. Самое удачное решение для преподавателя – программа Smart Notebook, сопровождающая ИД Smart.

Достоинства программы Smart Notebook:

1) удобна для предварительной подготовки материалов (информационного ряда), который будет использован преподавателем на ИД;

2) обладает богатыми техническими возможностями;

3) имеет дружественный, простой и удобный русскоязычный интерфейс;

4) является и сценой, на которой подготовленный материал будет транслироваться и «жить»;

5) материалы, подготовленные в этой программе, можно использовать на любой ИД;

6) в ее состав входит обширная коллекция готовых объектов (интерактивных элементов, фонов и т.д.), которая постоянно обновляется (ее можно пополнять и собственными коллекциями);

7) она никак не «привязана» к компьютеру, соединенному с ИД (ее можно установить на любом ПК, в том числе и домашнем);

8) программа и элементы ее сопровождения бесплатны и доступны на сайте производителя;

9) имеется уже достаточно большое количество материалов методического характера, посвященных использованию именно этой программы (в том числе, в нашем сообществе).

Применение ИД при проведении лекционных и практических занятий:

1) как обычная доска (текущие записи обучающего и обучаемого) – это замена обычной работы в аудитории (электронной ручкой или специальными водяными маркерами);

2) как демонстрационный экран (показ слайдов, фильмов);

3) компьютерное моделирование изучаемых или исследуемых объектов (представление на ИД модели: математической, информационноописательной, наглядной, адекватно оригиналу);

4) как интерактивный инструмент – это продуманная заранее работа с заготовленной в цифровом виде информацией (с использованием общепринятого или специализированного программного обеспечения), характеризуется незамедлительной обратной связью между пользователем и программным средством, с которым взаимодействует пользователь при помощи ИД.

Перед обучающим, который использует интерактивную доску профессионально, стоят последовательно следующие задачи:

1) найти и установить на свой ПК программу SmartNotebook;

2) научиться (технически!) работать в среде этой программы за компьютером;

3) освоить практические приемы работы с программой, находясь непосредственно у доски;

4) научиться технически изобретательно и методически грамотно применять полученные умения и навыки при подготовке и проведении занятия.

Интерактивная доска мощное дорогостоящее техническое оборудование, которое является средством обучения. И именно поэтому необходимо чётко определиться в том, какие дидактические функции ИД на данном этапе обучения будет выполнять и какова степень достижения поставленной преподавателем цели.

Перечислю дидактические требования при подготовке к занятию с использованием интерактивных средств обучения:

1) проанализировать цели занятия, содержание и логику изучения материала;

2) выделить главные элементы, которые должны быть усвоены обучаемым;

3) установить, на каком этапе, и для какой цели необходимо использование средств обучения;

4) отобрать оптимальные средства обучения;

5) определить методы и приемы, с помощью которых будет обеспечена познавательная деятельность обучаемого;

6) сформулировать и подготовить задания.

Использование технических средств отбора, передачи, преобразования и отображения информации позволяет механизировать и автоматизировать такие интеллектуальные процессы, которые всегда были прерогативами человека, – управление, проектирование, исследование.

Необходимость применения инновационных методов обучения обусловлена и значительным усложнением объектов обучения: невозможно продемонстрировать сложное техническое устройство, технологический процесс только вербальными средствами или с помощью мела и доски.

Технические средства обучения позволяют выйти за рамки учебной аудитории; сделать видимым то, что невозможно увидеть невооруженным глазом, имитировать любые ситуации.

При рациональном использовании современных технических средств обучения улучшаются условия труда как обучающего, так и обучаемого, при этом их ценность тем выше, чем в больших пределах они позволяют целенаправленно трансформировать учебное пространство и время.

Главное средство передачи учебной информации – зрительный, звуковой или звукозрительный образы, предельно реалистично моделирующие объект, явление и процесс.

Применение ТСО в технических дисциплинах интенсифицирует передачу информации, расширяет иллюстративный материал, создает проблемные ситуации, организует поисковую деятельность обучаемого, усиливает эмоциональный фон обучения, формирует учебную мотивацию, индивидуализирует и дифференцирует учебный процесс.

Преимущества ТСО в технических дисциплинах:

1) оказывают сильное эмоциональное воздействие;

2) позволяют показать процесс или явление в его развитии, динамике;

3) вызывают многообразные ощущения (мир звуков и красок);

4) обеспечивают высокий эмоциональный тонус, и, как правило, повышенную работоспособность;

5) снижают затраты необходимого времени обучающего.

Необходимо помнить, что сверхсовременные ТСО не обеспечат необходимого эффекта, если они будут использоваться неумело, без необходимой методической подготовки и разработки дидактических

материалов, с нарушением эргономических и психологопедагогических требований, с необоснованным расширением областей их применения.

Разработка методического обеспечения – смысл работы преподавателя по превращению аудиовизуальных средств в мощный инструмент, направленный на достижение целей обучения.

Дидактические требования по подготовке занятия с использованием современных технических средств обучения:

1) проанализировать цели занятия, его содержание и логику изучения материала;

2) выделить главные элементы, которые должны быть усвоены обучаемым;

3) установить, на каком этапе, и для какой цели необходимо использование технических средств обучения;

4) отобрать оптимальные технические средства обучения;

5) определить методы и приемы, с помощью которых будет обеспечена познавательная деятельность обучаемых, сформулировать задания.

Обслуживание и обеспечение ТСО в рабочем состоянии, модернизация и своевременная замена оборудования является одной из важных задач, которая должна быть успешно решена в высших учебных учреждениях и в учебных заведениях дополнительного образования взрослых.

Степень применения ТСО зависит от характера преподаваемой дисциплины, подготовленности и интересов слушателей, формы занятий, возможностей самого преподавателя, наличие технических средств, программнометодического обеспечения.

Современные компьютеры позволяют достигать самых разнообразных дидактических целей – с их помощью можно организовать демонстрацию изучаемого предмета, явления или процесса, проверить знания слушателей с помощью теста, смоделировать работу какоголибо устройства в разных состояниях (в том числе аварийных) и др.

Современные перспективы использования ТСО, например их сочетание с компьютерами и микропроцессорной аппаратурой, создают условия для накопления и хранения значительных массивов учебной информации, оперативного её применения, для выработки новых форм общения обучающийобучаемый, а также для самостоятельной работы слушателей.

Инновационные методы обучения способствуют качественной подготовке специалистов, которые способны широко применять полученные знания на предприятиях.

Использование инновационных, информационных и бизнестехнологий уже сегодня может привести к повышению доходности бизнеса предприятий, а в будущем станет необходимым условием их успешного функционирования и победы в конкурентной борьбе.

**Список литературы**

1. Гузеев, В.В Образовательная технология XXI века деятельность ценности успех В.В. Гузеев А.Н. Дахин Н.В Кульбеда Н.В. Новожилова – М. Центр "Педагогический поиск," 2004. – 96 с.

2. Жук, А.И. Система повышения квалификации как фактор реформирования образования / А.И.Жук / / Народная асвета. – 2006.Â №1. – С.411.

# КОМПЕТЕНТНЫЙ ПОДХОД К РАЗВИТИЮ ЗДОРОВЬЯ СТУДЕНТОВ

**А.Ашуров., И.Шербоев.**
**Кафедра Теории и методики физического воспитания**
**Андижанский государственный университет**

***Аннотация:*** *Приоритетом является решение конкретных проблем в области здравоохранения и повышение профессиональной подготовки учителей здравоохранения и физического воспитания. Формирование медицинских знаний - это набор приобретенных теоретических знаний, навыков и компетенций, а также уровень самостоятельного и творческого применения на практике.*

***Ключевые слова:*** *Компетентность и компетентность, здоровье, здоровье, знания, навыки, квалификация, личностные качества, понятие.*

*Annotatsiya: Sog'likni saqlash kompetenligida aniq muammolarni hal qilish bilan shug'ullanish, sog'liqni saqlash va jismoniy tarbiya o'qituvchilarining kasbiy tayyorgarligini yaxshilash ustuvor masalalardan biri hisoblanadi. Salomatlik kompetenlilikni shakllantirish - olingan nazariy bilim, ko'nikma va malakalarning majmuasi va amaliyotga mustaqil va ijodiy qo'llay olish darajasi hisoblanadi.*

*Kalit suzlar: Kompetensiya va kompetentlilik, solomatlik, sog'liqni saqlash, bilm, kunikma, malaka, kabiy-shaxsiy husisiyat, konsepsiya.*

***Annotation:*** *Dealing with the solution of specific problems in health competency, improving the professional training of Health and physical education teachers is one of the priority issues. The formation of health competency is a set*

*of theoretical knowledge, skills and skills acquired and the level of independent and creative application to practice.*
***Keywords:*** *Competence and competence, health, health, knowledge, skills, qualifications, personality traits, concept.*

Известно, что в последние годы в преподавании естественных наук всесторонне проанализированы понятия «компетентность» и «компетентностный подход», и педагогические вузы смогли сохранить свое здоровье при подготовке специалистов по физической культуре.

В частности, тот факт, что исследователи проходят тестирование, является ярким свидетельством ориентации на систему образования в нашей стране. Подчеркнули, что сама компетенция может сочетать в себе следующие понятия;

- важность успешного развития профессиональной и общественной деятельности учителей в будущем;
- предоставить возможности для согласованности посредством развития традиционных «знания-навыки-способности-способности» и реформ в высшем образовании, рассмотреть эти концепции и развить компетенции выпускников для развития компетенций в области здравоохранения;

Одним из приоритетов является решение конкретных вопросов в области охране здаровья молодёжы, улучшение профессиональной подготовки работников здравоохранения и преподователей физического воспитания; показывает, что есть много определений в понятии компетенции; Профессионально-медицинская компетентность - одна из основных компетенций педагогической науки [1, с. 11], развитие знаний, навыков и умений студентов и их заинтересованность в специальной учебной деятельности.

Для этого каждый преподователь физкультуры должен повышать свою профессиональную компетентность. Формирование медицинских компетенций - это совокупность приобретенных теоретических знаний, навыков и умений, а также уровень самостоятельного и творческого применения на практике.

Высокая профессиональная компетентность преподователей в сфере здравоохранения: создание основ устойчивой социально-экономической и духовной жизни в Узбекистане, обеспечение высокого уровня здорового образа жизни и здоровья студентов,.

Установление и повышение компетентности будущих преподовательей физического воспитания для предоставления им знаний, навыков и медицинских услуг, необходимых для повышения их

компетентности в области здравоохранения; обмен знаниями и навыками; должны развивать навыки гласности, защиты и защиты интересов.

В контексте изложенного, профильные факультеты физической культуры педагогических вузов готовятся в будущем к подготовке будущих специалистов по физическому воспитанию.

Следует учитывать понятие «компетентность в области здоровья студентов». Подготовка преподовательей физического воспитания должна основываться на доказательствах глубоких знаний в области медицины и биологии,гигиены сохранении навыков учащихся и интеграции.

В подготовке и обеспечении зрелых кадров на факультетах физической культуры для будущей педагогической деятельности, в том числе здравоохранения.

При этом неотъемлемой частью являются особенности подготовки специалистов по физической культуре, повышение квалификации преподователей физической культуры в высших учебных завидение области охраны здоровья, интенсивные занятия,

Следовательно, студенты должны обладать более творческими личностными качествами и особыми качествами, входящими в их компетенцию, не только в области общих педагогических знаний и навыков, но и в формировании профессиональной компетентности в области здравоохранения посредством профессионального образования. И знать ценность здорового образа жизни.

Анализируя вышесказанное, можно сделать следующие выводы:

Таким образом, основными показателями профессиональной подготовки будущих преподователей физической культуры являются компетентность и компетентность в области здравоохранения, формирование педагогического мышления, развитие педагогической культуры и навыков, личный опыт. Педагоги, объединяющие вышеперечисленное, достигнут высоких результатов в развитии компетентностного подхода к здоровью.

**Литература**

1.Абаскалова Н. П., Зулина Н. И., Развитие здоровьесберегающей компетентности педагогов в системе внутришкольной переподготовки.// Здоровьесбережение и здоровьесозидание как приоритет национальной безопасности России третьем тысячелетии сборник научных трудов по материалам VI международной научно-практической конференции г. Стерлитамак, Республика Башкортостан,20 мая 2016 г., 11с.

2.Маджуга А.Г., Ильясова Э.Н., Яппаров А.Г., Хакутдинова С.Р. Здоровьесозидающая компетентность педагога как основа его профессиональной успешности. // Здоровьесбережение и здоровьесозидание как приоритет национальной безопасности России третьем тысячелетии сборник научных трудов по материалам VI международной научно-

практической конференции г. Стерлитамак, Республика Башкортостан,20 мая 2016 г., 199с.
3..Азимов И.Г. “Физиология человека” учебний пособия для студеҳтов института. физкултуриъ.Тошкент 1991.
4,Система подготовки спортивного резерва (под обҳ. ред. Б.Г.Никитушкина). - М., 1994. - 312 с.

## ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ТЕХНОЛОГИК ТАЙЁРЛАШ

**Л.Р.Зарипов - Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бош мутахассиси, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),**
**Г.А.Бердиева, Тошкент шаҳар, Миробод тумани 214-мактаб технология фани ўқитувчиси**

Жамиятда таълим ролининг ўзгаришини кўп жиҳатдан инновацион жараёнлар белгилаб берди. Аввалари таълим ўқувчиларни “ҳаётга тайёрлашга”, уларда билимлар, малакалар, информацион ва ижтимоий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган бўлса, эндиликда таълим шахсга таъсир кўрсатувчи технологиялар ва услулларни яратишга кўпроқ йўналтирилмоқда ва бу эса, ўз навбатида, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжлар ўртасида мувозонатни таъминлашга, ўз-ўзини ривожлантиришга (ўз-ўзини камол топтиришга, мустақил равишда билимини оширишга), шахснинг ўз индивидуаллигини намоён этишига ва жамиятдаги ўзгаришларга тайёргарлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Кўплаб таълим муассасалари ўз фаолиятига инновацион элементларни киритмоқда, аммо қайта қуриш амалиёти тезроқ ривожланиш эҳтиёжи ва педагогларнинг буни тезда амалга ошира олмаслиги ўртасидаги жиддий зиддиятларга дуч келди. Мактаб таълимини замонавий нуқтаи назардан инновацион ривожлантириш учун юзаки қараганда анча осон туюлган, аммо анча мураккаб ва кўп маънога эга бўлган “янги”, “янгилик”, “инновация”, “инновацион жараёнлар”, “инновацион таълим”, “инновацион технологиялар” каби тушунчаларни пухта ўзлаштириш ва уларга таяниш зарур.

Республикамизда амалга оширилаётган чуқур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар натижасида ватанимиз тараққиёти асослари ҳамда миллий мустақиллигимиз пойдевори мустаҳкамланиб бормоқда. Бу мамлакат, жамият ҳаётидаги, таълим соҳасидаги инновацион жараёнлар билан узвий боғлиқ. Инновацион жараёнлар бўлажак мутахассисларни инновацион фаолиятга

тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади.

Инновацион технологиялар - бу ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро таъсирлашишининг принципиал жиҳатдан янги услуб ва методлари бўлиб, улар педагогик фаолиятда самарали натижаларга эришишни таъминлайди.

Ривожланиш инсоннинг ҳар қандай фаолиятининг ажралмас таркибий қисмидир. Инсон тажриба тўплагани сари, ўзининг фаолияти услублари ва методларини такомиллаштиргани ва ақлий имкониятларини кенгайтиргани сари доимий равишда унинг ўзи ҳам ривожланиб боради.

Таълим, энг аввало ўқитиш жараёнининг нисбий натижаси бўлиб, у ўқувчиларда шаклланган билимлар, кўникма ва малакалар тизимида ифодаланади, шунингдек таълим, тарбия, ўз-ўзини тарбиялаш, таъсир кўрсатиш жараёни, яъни инсон маънавий қиёфасининг шаклланиш жараёни; бунда энг асосийси ўзлаштирилган билимлар ҳажми эмас, балки билимларнинг шахсий сифатлар билан бирлашиши, ўз билимларидан мустақил фойдалана билиш муҳимдир.

Ҳар қандай янгилик жамиятдаги ўзгаришлар туфайли ва илмий техника тараққиётининг мантиқий давоми сифатида пайдо бўлади. Фаолият соҳаларида янгиликлар бўлиши муқаррар. Илмий техника тараққиёти корхона ва ташкилотларнинг меҳнат фаолиятида муҳим ўзгаришларни тақозо этади.

Ўзбекистонда педагогик инновациянинг ривожланиши кенг жамоатчи-педагоглар ҳаракати мактабининг тез ривожланишига бўлган талаб ва уни педагогларнинг таъминлай олмасликлари ўртасида юзага келган зиддиятлар билан боғлиқ. Эндиликда янгиликларни умумий қўллаш доираси анча кенгайди. Шу сабабли янги билимларга бўлган талаб, «янгилик», «инновация», «инновацион жараён», «инновацион технологиялар», «инновацион фаолият» тушунчалари маъносини англаш талаби ошди.

Замонавий ўқув дарсларида лойиҳалаш фаолиятини жорий этиш — инновацион усулни қўллаш дарс самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи (ёки талаба) фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол услублардан фойдаланилади.

Ҳозирги замон шароитида мутахассислар билимли, чуқур мушоҳада ва мулоҳаза асосида қарорлар қабул қилишга қодир, ўз касби-кори сир-асрорларини пухта эгаллаган бўлиши шарт. Бу эса, ўз навбатида, мустақил давлатимиз келажаги бўлмиш ёшларни тарбиялашда ва уларнинг баркамол инсон бўлиб шаклланишида ўқитувчилар, педагог олимлар, корхона раҳбарлари, бошқарув персоналлари зиммасига ўта масъулиятли вазифаларни юклайди. Демак, замонавий ташкилот ва корхоналарда фаолият кўрсатадиган бўлажак мутахассисларнинг касбий шаклланишида педагогларнинг алоҳида ўрни бор.

Ҳозиги вақтда таълим соҳсидаги инновациялар долзарб бўлиб бормоқда, зеро, айнан таълим инсон мавжудлигини белгилаб берувчи асосий соҳалардан ҳисобланади. Таълимнинг замонавий тизимида жамиятнинг асосий талабларидан бири ҳар томонлама ривожланган, мураккаб вазиятларда ностандарт ечимларни топишга, ижодий фикрлай оладиган ва бутун ҳаёти давомида узлуксиз таълим олишга қодир шахсни тарбиялаб вояга

етказиш, шакллантиришдан иборат. Ҳозирги вақтда таълим тизимимизнинг янги авлод таълим стадартларини жорий этиш жамиятнинг эҳтиёж ва талабларини қондирувчи мутахассислар тайёрлашга янгича ёндашувларни қайта англашни тақозо этмоқда. Бу эса инновацион таълим шароитида ўқувчиларни комплекс технологик тайёрлашни талаб қилади.

Ўсиб келаётган авлодни ва ўқувчи-ёшларни технологик тайёрлаш– технологик ҳаёт тарзига тайёрлашга, умумий фаровонлик йўлида ақлий ва жисмоний меҳнатга амалий ҳамда ахлоқий-психологик тайёрликни шакллантиришга йўналтирилган ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг яхлит узлуксиз жараёнидир.

Бизнинг назаримизда, инновацион таълим шарт-шароитида технологик тайёрлаш вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1) ўқитувчининг қобилиятлари ҳамда жамият эҳтиёжларига қараб, уни ҳар хил меҳнат фаолияти орқали ривожлантириш учун энг мақбул шарт-шароитларни яратиш;

2) ўқувчиларни рақобат ва меҳнат бозорига хусусий мулкчиликни турли шакллари шароитида шарт-шароитида технологик фаолиятга тайёрлаш;

3) ўқувчиларда аҳлоқий қадриятларни шакллантириш;

4) ўқувчиларни реал ишлаб чиқаришда иқтисодий муносабатларга жалб этиш ва мактаб битирувчиларининг ижтимоий йўналганлигини таъминлаш;

5) ўқув-технологик фаолият асосида ўқувчи шахсида кўп қиррали намоён бўлиш маданиятини тарбиялаш.

Замонавий мактаб ўқувчилари эгаллаши лозим бўлган технологик таълим - бу технологик ўзгаришлар, бизни ўраб турган теварак-атрофдаги барча нарсани такомиллаштиришга бўлган турлича ёндашишлар билан боғлиқ муаммоларни ўрганишга йўналтирилган интегратив билимлар кўламидир.

Технологик таълимнинг мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади;

1. *Ўқувчилар шахсини ривожлантириш.*
2. *Оламнинг техник-технологик манзараларини шакллантириш.*
3. *Қадриятлар йўналишларини шакллантириш.*

- ўқувчиларни ижтимоий ишлаб чиқаришда қайта ўзгартириш фаолиятига тайёрлаш, уларнинг онгида оламнинг техник-технологик манзарасини шакллантириш (табиий илмий ва ижтимоий-тарихий манзараси билан узвийликда) ва ижодий фикрлаш ҳамда ижодкорлик қобилияти каби шахсий сифатларни ривожлантириш;

- ўқув ва меҳнат фаолиятининг хилма-хил турларида иштирок этиш учун энг мақбул шарт-шароитларни яратиш.

Ҳаракатлар лойиҳаси сифатида технологик таълимнинг мақсадлари ва шахснинг шаклланиши жараёнидан кутиладиган натижа ўқувчиларни технологик тайёрлаш тизимини ишга тушириш ва ривожлантириш мазмуни, шакллари ва методларини замонавийлаштиришга катта таъсир кўрсатади.

Технологик таълим ғояси мактаб ўқувчиларининг технологик тайёргарлигини, уларнинг технологик жамият шароитидагиролига қаратилган янги "Технология" фанида мужассам бўлган.

Технологик тайёргарлик – бу мактаб ўқувчиларининг онгида оламнинг технологик манзарасини шакллантириш асосида уларни амалий фаолиятга тайёрлаш жараёнидир. Бунда оламнинг технологик манзараси сифатлари, яъни қайта ўзгартирувчи фикрлаши ва ижодкорлик қобилиятларининг ривожланиши ҳамда дунё қарашининг муҳим элементи сифатида қаралади.

Технология фани ўқувчиларнинг ўқув-тарбия ишларинининг бир ёки бир неча ёндош соҳаларида билимларни, амалий кўникма ва малакаларни самарали ўзлаштиришини, шунингдек, уларда шахсий хусусиятлари ва ахлоқий сифатларнинг ривожланишини таъминлайди. Бундан ташқари, у педагогик жараённинг асосий ташкилий-методик воситаси ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати**


1. Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Дисс. ... пед. фан. док. – Т., 2012. – 307 б.
2. Серебренников Л.Н. Структура технологической подготовки школ. Костромской педагогический вестник. – 2003. - № 4. –С. 23-26.
3. Кларин М.В. Инновации в мировой педагогике обучение на основе исследований, игр, дискуссий. –Рига: НПЦ«Эксперимент», 1995. –176 с.
4. Зарипов Л.Р. Инновацион ёндашув асосида 5-7-синф ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш методикаси. Дис. … п.ф.ф.д. (PhD) – Т.: 2020. - 141 б.


## METROLOGIYA BO'LIMIDAGI ATAMALAR VA ULARNING TA'RIFLARI


**M.U.To'rayev- dotsent, M.I.Nurmatov- katta o'qituvchi,**
**X.I.Xudoyberganova - o'qituvchi.**
**Umumtexnika fanlari va mehnat ta'limi kafedrasi**
**Andijon davlat uivesiteti**



***Annotatsiya:*** *Ushbu maqolada metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirish fanining metrologiya bo'limiga tegishli bo'lgan asosiy atamalar va ularning ta'riflari xaqidagi ma'lumotlar o'rin topgan.*

***Аннотация:*** *В данной статье рассматриваются термины и*

*определения предмета метрологии, стандартизации и сертификатции.*

***Annotation:*** *This article discusses on the subject of metrology, standardization and certification in the department of metrology mainly used terms and definitions of metrology.*

***Kalit so'zlar:*** *atama, metrologiya, ta'rif, o'lchash, etalon, kattalik.*

***Ключевые слова:*** *термин, метрология, определение, мер, эталон, величина.*

***Key words:*** *term, metrology, definition, measure, standard, quantity.*

Inson tabiatining rivojlanishi asosan o'lchashdan boshlandi. O'lchashlarsiz fan va texnika taraqqiy etishi mumkin emas. Ular oldida aniq bir miqdoriy munosabat imkoniyati va tabiatning ob'ektiv ifodalanuvchi qonunlarini berishdir.

Metrologiyaning buyuk asoschilaridan bo'lmish I.Mendeleev metrologiya yo'nalishida shunday iboralarni kiritgan edi: «Fanning shu vaqtdan boshlab rivojlanishi, asosan o'lchashdan boshlanadi». Chunki, hayotimizda uchrab turadigan har bir ish, hamda faoliyatda o'lchash usullari va vositalari yordamida ularning birligini ta'minlash va talab etilgan aniqlikka erishish uchun metrologiya fani orqaligina amalga oshirish mumkin. Shu qatorda har bir fanning rivojlanishi bilan shu sohaga oid bo'lgan ta'rif va iboralar o'z-o'zidan rivojlana boshlandi.

Ushbu maqolada metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirish fanining metrologiya bo'limiga tegishli bo'lgan asosiy atamalar va ularning ta'riflari xaqidagi ma'lumotlar bayon etishni joiz topdik.

Atamalar(ilmiy so`zlarni)ni belgilanish sabablarini tub mohiyatini anglab yetish fanni o`zlashtirishda qulayliklar yaratadi. Shuning uchun atamani yoki uni anglatadigan ma'noni ko'p tillarda, hech bo'lmasa ikki yoki uch tilda o'zlashtirilishi shu tushunchaning mohiyatini anglashda muhim ahamiyat kasb etadi.

***«Metrologiya»*** - o'lchashlar, ularning birligini ta'minlash usullari va vositalari hamda kerakli aniqlikka erishish yo'llari haqidagi fandir.

***"Metrologiya"*** so'zi grekcha so'zdan olingan bo'lib, "metron"-o'lchash, "logos" - ta'limot ma'nosini anglatadi, ya'ni, o'lchash ta'limoti demakdir.

***«Kattalik»***- sifat jihatidan ajratilishi va miqdor jihatidan aniqlanishi mumkin bo'lgan hodisalar, moddiy tizim, moddaning xususiyatidir.

***«O'lchaniladigan kattalik»***-o'lchash vazifasining asosiy maqsadiga muvofiq o'lchanishi lozim bo'lgan, o'lchanadigan yoki o'lchangan kattalik.

***«Kattalik o'lchami»***-muayyan miqdoriy ob'ekt, tizim, hodisa yoki jarayonga tegishli bo'lgan kattalikning miqdoriy aniqlanganligi.

***«Kattalikning qiymati»***-kattalik uchun qabul qilingan birliklarning ma'lum bir soni bilan kattalikning o'lchamini ifodalash.

***«CHin qiymat»***-ma'lum kattalikni sifat va miqdor jihatdan ideal tavsiflay oladigan kattalik qiymati.

***«Xaqiqiy qiymat»***-sinov orqali topilgan qiymat chin qiymatga shu darajada yaqinki, berilgan masalada buning o'rnida foydalanishi mumkin.
***«Ko'rsatkich»***-berilgan kattalikni o'lchashda yordamchi sifatida qaraladigan kattalik.
***«Kattaliklar tizimi»***-kattaliklarning birlari mustaqil, boshqalari esa mustaqil kattaliklarning funktsiyasi deb qabul qilinadigan printsiplarga muvofiq tashkil etilgan kattaliklar to'plami.
***«Asosiy kattalik»***-tizimga kiradigan va tizimning boshqa kattaliklaridan mustaqil deb shartli ravishda qabul qilingan kattalik.
***«Xosilaviy kattalik»***-tizimga kiradigan va bu tizimning asosiy kattaliklari orqali aniqlanadigan kattalik.
***«Kattalikning o'lchov birligi»***-shartli ravishda 1 ga teng qiymat berilgan va o'zi bilan bir turli kattaliklarni miqdor jihatdan ifodalash uchun qo'llaniladigan, belgilangan o'lchamli kattalik.
***«Kattaliklar birliklari tizimi»***-berilgan kattaliklar tizimi uchun qabul qilingan printsiplarga muvofiq tuzilgan kattaliklarning asosiy va hosilaviy birliklari majmui.
***«Kattaliklar birliklari tizimining asosiy birligi»***-asosiy kattalikning berilgan birliklar tizimidagi birligi.
***«Kattaliklar birliklari tizimining xosilaviy birligi»***-asosiy birliklar yoki asosiy va aniqlangan hosilaviy birliklar bilan bog'lovchi tenglamaga muvofiq tashkil topgan, kattaliklar tizimining hosilaviy kattalik birligi.
***«Kattalikning tizimdan tashqari birligi»***-qabul qilingan birliklar tizimiga kirmaydigan kattalik birligi.
***«Kattalikning karrali birligi»***-tizimli yoki tizimdan tashqari birlikdan butun son marta katta bo'lgan kattalik birligi.
***«Kattalikning ulushli birligi»***-tizimli yoki tizimdan tashqari birlikdan butun son marta kichik bo'lgan kattalik birligi.
***«Xalqaro birliklar tizimi»***-o'lchovlar va tarozilar bo'yicha bosh konferentsiya qabul qilgan va tavsiya etgan birliklar kogerent tizimi.
***«Metrologiya bo'yicha milliy idora»*** – davlatda o'lchashlar birligini ta'minlash ishlari bo'yicha rahbarlikni amalga oshirish vakolatiga ega bo'lgan berilgan davlat boshqaruv idorasi-O'zbekiston Respublikasining Vazirlar Mahkamasi huzuridagi standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish O'zbekiston davlat markazi (O'zstandart Agentligi).
***«O'lchashlar birligi»*** - o'lchash natijalari qonunlashtirilgan birliklarda ifodalanib, ularning xatoliklari berilgan ehtimollik bilan belgilangan chegarasidan chiqmaydigan o'lchashlarning holati.

***«O’lchov aniqligi»*** - haqiqiy izlanayotgan o’lchov qiymatlarini yaqinlikdan ta’riflashdir. Suning uchun metrologiyaning asosiy masalasi aniq bir aniqlikda ifodalash va kerakli birlikda ta’minlashdir.

***«O’lchash vositasi»*** - texnik vositalar bo’lib, metrologik xossalarini o’lchash uchun qo’llaniladi.

***«Birlik etaloni»*** - o’lchash vositasi bo’lib, boshqa o’lchash vositalariga uzatish maqsadida va fizik o’lchov birliklarini saqlash uchun ishlatiladi.

***«Davlat etaloni»*** - etalon, O’zbekiston Respublikasi hududida belgilangan o’lchov birliklari uchun milliy idora tomonidan tan olinganligi.

***«Metrologik xizmat»*** - birlik o’lchamida ta’minlashga yo’naltirilgan yuridik shaxslarning va ularning ish faoliyatida metrologik xizmat va davlat idoralarining tarmoqlari[1].

***«Davlat metrologik nazorati»*** - metrologiya qonun-qoidalariga rioya qilishni tekshirish vakolatiga ega bo’lgan davlat metrologik xizmati.

***«O’lchash vositalarini tekshirish»*** - jarayonlar jami bo’lib, texnik shartlarda belgilangan o’lchash vositalariga bog’liqlikni davlat metrologik xizmat idoralari tomonidan aniqlash va tasdiqlash.

***«O’lchash vositalarini kalibrovka qilish»*** - jarayonlar jami bo’lib, qo’llanilishga yaroqli bo’lgan o’lchash vositalarining yaroqliligi va metrologik xossalarining haqiqiy qiymatlarini tasdiqlash va aniqlash ishlari kalibrli laboratoriyada bajarilishi.

***«O’lchash vositalarini tayyorlashga ruxsatnoma»*** - hujjat, davlat metrologik idoralari tomonidan ko’rsatilgan faoliyat turi bilan shug’ullanish huquqiga ega bo’lgan yuridik va jismoniy shaxslarga berilgan guvohnoma.

***«O’lchash vositalarini metrologik attestatsiyalash»*** - ularning xossalarini batafsil tadqiqot qilish asosida birlik ishlab chiqarishda o’lchash vositalarining qo’llanilishi uchun metrologik xizmatning iqrorligi.

***«Metrologik xizmat, markaz, laboratoriyalarni akkreditatsiyalash»*** - birlik o’lchashlarni ta’minlash bo’yicha belgilangan joyda akkreditatsiyalashtirish ishlari metrologik xizmat, markazlar va laboratoriyalarda o’tkazilishi.

***«O’lchash vositalarini kalibrovka qilish xuquqiga ega bo’lgan yuridik shaxslarning metrologik xizmatini akkreditatsiyalashtirish»*** - metrologik xizmat yuridik shaxslari tomonidan o’lchash vositalarini kalibrlash ishlari belgilangan joylarda o’tkaziladi.

***«O’lchashni bajarish uslublarini metrologik attestatsiyalash»*** - o’lchash xatoliklarining xususiyatlarini tadqiq etish va baholash.

***«Davlat metrologik nazorati»*** - o’lchash vositalarining tipini tasdiqlash va tekshirish, ruxsatnomani tayyorlash, sozlash, sotish ___va ularni ijaraga berish ishlari davlat metrologik xizmati tomonidan amalga oshiriladi.

***«O'lchashlar birligini ta'minlash»*** - o'lchashlar birligini ta'minlash bo'yicha O'zbekiston Respublikasining hududida amal qilinadigan qonun hujjatlar, standartlar va boshqa me'yoriy hujjatlarga muvofiq o'lchashlar birligiga erishishga va saqlab turishga yo'naltirilgan xizmatlarni va idoralarning faoliyati.
***«O'lchashlar birligini ta'minlash tizimi»*** - o'lchashlar birligiga erishish va ularni saqlab turish uchun O'zbekiston Respublikasining xalq xo'jalik majmuasini samarali iqtisodiy rivojlanish talablariga bog'liq bo'lgan ilmiy asoslangan, texnikaviy to'g'ri keladigan va iqtisodiy ma'qul bo'lgan me'yorlar, qoidalar va tadbirlar tizimi.
Metrologiyani qonunlashtirish ishlari haqiqiy qonun va O'zbekiston Respublikasi qonunlashtirilgan aktlaridan iborat bo'ladi.
***O'zbekiston Davlatning o'lchashlar birligini ta'minlash davlat tizimi (O'zO'DT)*** - o'lchashlar birligini ta'minlash bo'yicha davlat tomonidan boshqariladigan sohalarda metrologiya bo'yicha milliy idora tomonidan mamlakat hududida tasdiqlangan va joriy etiladigan talablar, qoidalar, nizomlar, me'yorlar va ishlarni o'tkazish tartibini belgilaydigan o'zaro bog'langan va o'zaro aloqador bo'lgan xalqaro, davlatlararo va milliy me'yoriy va uslubiyatli hujjatlarning majmuasidir[2].

Har bir atamaning ma'nosini uni birinchi bor o'rganayotganda takomillashtirish – umumiylashtirish darslarida muhokama qilish mumkin. Kattaliklarni belgilanishini ilmiy hamda tarixiy asoslangan holda yoritib berish o`qitish jarayonida qulayliklar yaratadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar**


1. ЎзРСТ 8.010-93. Метрология. Атамалар ва таърифлар.
2. Хакимов О.Ш. Метрология. Атамалар ва таърифлар.


## УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА ПРОФЕССИОНАЛЬ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАЗМУНИ


**Г.Абдуқодиров** - Профессиональ таълими методикаси кафедраси доцент вазифасини бажарувчи. **Ю.Жўраев** - кафедраси катта ўқитувчиси.
**Низомий номидаги Тошкент давблат педагогика университети**



***Аннотация:*** *Узлуксиз таълимда фан ва ишлаб чиқариш давлат ва жамият билан ўзаро мавжуд боғлиқ томонлари ёритиб берилган. Дастур бўйича ишлаб чиқариш кадрларга бўлган эҳтиёжни, унинг сифатига талабларни белгиловчи буюртмачилар билан амалга оширилаётган ишлар. Таълим ва тарбия жамият тараққиётини та ъминловчи муҳим тамойиллари.*

***Аннотация:*** *Раскрыты вопросы взаимосвязи системы непрерывного образования науки, производства и общества. Даются выводы проводимой работы по разработке предъявляемых требований к специалистам исходя из необходимых условий в свете Национальной программы по подготовке кадров и заказчиков. Основные принципы обучения и воспитания в условиях развития общества.*

***Summary:*** *Disclosed with the relationship of continuous education of science production and society .Given the findings of ongoing work on the development of a claim against a specialist on the basis of the conditions necessary in the light of the national program for training and education in terms of social development.*

Ҳозирги асосий вазифалардан бири мактаб ўқувчиларига ҳунар ўргатишнинг миллий-анъанавий асосларини ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга татбиқ қилишдир.

Узлуксиз таълимда фан ва ишлаб чиқариш давлат ва жамият билан ўзаро боғли. Таълим ва тарбия жамият тараққиётини таъминловчи муҳим омилдир. Чунки, таълим тизими жамият тараққиётининг муайян босқичидаги ижтимоий буюртмасини бажаришга йўналтирилган бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти таълим тарбия соҳасига миллий дидактик нуқтаи назардан ёндашиб, уни қуйидагича таърифлайди: «Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаолиятини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади».

Таълим мазмунини ташкил этиш илмийлик, фаоллик, тушунарлилик, таълим ва тарбиянинг бирлиги, кўргазмалилик ва мунтазамлилик, узвийлик, изчиллик каби дидактик тамойилларлар асосида амалга оширилади. Ана шу тамойилларлардан бири таълим тизимида узвийлик бўлиб, у касбий-педагогик таълимини ташкил этишда етакчи тамойилларлардан ҳисобланади. Касбий-педагогик таълимда узвийлик тамойиллари ўтилган ўқув материали билан келгусида ўтиладиган ўқув материали ўртасидаги мантиқий богланишни тақозо этади. Бу тамойилларнинг моҳиятига кўра ўтилган ўқув материали янги ўтилиши керак бўлган ўқув материали учун асос яратади. Бунда профессиональ таълим тизимининг босқичлари ва курсларида билимлар мантиқий жиҳатдан бир-бирини тўлдириб бориши, ўқув предметлари мазмуни узвийлик ва узлуксизликни таъминлашга қаратилиши, ўқув материалларининг баёнида маълум кетма-кетлик, яхлит тизим бўлиши ҳамда мавзуларнинг бир-бирига мантиқан боглиқлиги, уларнинг кетма-кетлиги таълим мавзуларининг юқори босқичларда чуқурлаштирилган, кенгайтирилган ҳолда берилиши ҳисобга олинади.

Узлуксиз таълим тизимида узвийлашган фан дастурларининг мавжуд бўлиши ва уни ўқув жараёнига жорий қилинганлиги катта аҳамиятга эга.

Демак, узлуксиз таълим тизимида методик таъминотни: Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва ўқув дастурларининг аҳамияти, таълим сифатини оширишда, узлуксиз таълимни такомиллаштиришда узвийлашган дастурларнинг яратилиши ва изчиллик билан амалиётга татбиқ этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Профессиональ таълим самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларидан бири таълим турлари узлуксизлигини такомиллаштириш ва фанлараро узвийликни таъминлашдир. Олий касбий таълим босқичлари ўртасидаги узвийликнинг таъминланиши – таълимнинг кейинги босқичи мазмуни аввалги босқичдаги мазмунни бевосита давом эттирибгина қолмай, балки мазмун жиҳатдан узвий богланган тарзда, айрим фанларни кенгайтирилган ва чуқурлаштирилган ҳолда такомиллаштириши ва бойитишида ҳамда фанлараро узвийликнинг таъминланиши асосида ноўрин такрорланишларга чек қўйишида ўз ифодасини топади.

Олий таълим тизимида меҳнат бозорида ўз ўрнини топадиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини кўп жиҳатдан умумкасбий ва махсус фанларни юқори даражада ўқитиш белгилайди.

Умумкасбий фанлар фудаментал фанлар ҳисобланиб, умумтаълим фанлар негизида ўқитилади ва махсус фанлар йўналишидаги билимларни кенгайтиради, чуқурлаштиради ҳамда шу махсус фанни ўргатиш учун асос яратади. Махсус фанларни ўқитиш амалий билим кучли ва ишлаб чиқаришга боглиқ билимлар билан богланган бўлганлиги, ўзлаштирилган назарий-амалий билимлари асосида ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал қилишга йўналганлиги сабабли ўзига хосликни намоён этиб, ўқув мақсадларини белгилашда ҳам ўзига хосликни талаб этади.

Талабаларни касб-ҳунарга йўналтиришда махсус фанлар бутунлигича (мазмуни ва билими даражаси бўйича) шу касб хусусиятига мос тушиши, фаолият турлари тўлиқ ёритилиши керак.

Умумкасбий ва махсус фанлардан таълим мазмунини белгилашни, ўқув жараёнини ташкил этишни ўқитишнинг методик тавсия ва талаблари асосида амалга оширилади.

Фан дастурларидаги мавзуларнинг мазмуни ва тузилиши ўқув материалларининг мантиқий кетма-кет қўйилишини, ўқитиш методларини, дидактик қўлланмалар характерини белгилайди. Ўқитиш методлари унинг элементлари ва улар орасидаги богliқликларни ўрганишда унга тизимли ёндашиш зарурлигини ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Олий таълим тизимида умумкасбий ва махсус фанларни ўқитишда узвийликни таъминлашга қуйидаги тамойилларни қўллаш мақсадга мувофиқдир:

1. Мақсадга йўналтириш тамойиллари;
2. Таълим ва тарбиянинг бирлиги тамойиллари;
3. Ўзаро алоқадорлик тамойиллари;
4. Мукаммаллик тамойиллари;
5. Изчиллик тамойиллари.

Бу тамойилларлар методик тизим компонентларини амалга оширишда юзага келади ва узвийликни тизимли амалга оширишда асосий қурол бўлиб хизмат қилади.

Олий таълим тизимида узвийлик тамойиллари аввалги ўтилган ўқув материали билан келгусида ўтиладиган ўқув материали ўртасидаги мантиқий богланишни тақозо этиб, таълим мақсади, мазмуни, таълим методи ва воситаларини аниқлашда ҳамда талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишда катта аҳамият касб этади.

Олий таълим тизимида умумкасбий ва махсус ўқув фан дастурларини узвийлаштиришни илмий-услубий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, жамиятдаги демократик ўзгаришлар, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-иқтисодий ислоҳотлар ва уларнинг натижаларини инобатга олган ҳолда узвийлашган ўқув фан дастурлари яратилади. Таълим тизимида узвийлашган фан дастурларининг қўлланилиши аввалaмбор ноўрин такрорланишларга барҳам беради, талабаларга бериладиган билим, кўникма ва малакаларни тизимлаштирилиб, уларнинг билимларидаги бўшлиқларни тўлдиришда ҳамда таълим сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Узлуксиз таълим тизимида профессионал таълими ўқитувчиларининг касб эгаллаш ва касбий қобилиятларини такомиллаштириш имкониятларини янада оширишда таълимнинг узлуксизлигини барқарорлаштириш, умумтаълим ва касбий тайёргарлигини доимо янгилаб ҳамда чуқурлаштириб туриш, мазкур таълим жараёнида узвий кетма-кетликка эришиш, уларнинг касбий маҳоратини педагогик ва ахборот технологиялар асосида ошириб бориш кабилар асосий омил бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Ана шундай муҳим ишларни амалга оширишда олий таълим тизимида узлуксизлик ва узвийликни янада такомиллашувига хизмат қилувчи янги услубий шакл, восита ва тажрибаларни кенгроқ жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлвнтириш чора тадбирлари тўғрисида” ги 6108-сон Фармони
2. Муслимов Н. ва б. Т. Меҳнат таълими ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: 2009. 427 б.
3. Толипов Ў.К., М. Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг назарий ва амалий асослари - Т., 2006.

# TEXNOLOGIYA TALIMI PRAKTIKUMI MASHG‘ULOTLARI JARAYONIDA ZAMONAVIY VA INNOVATSION DARS MASHG‘ULOTLARINI TASHKIL ETISHI VA BOSHQARILISHIDA TALABALARNING KASBIY TAYYORGARLIKLARI MAZMUNI

**G.Abduqodirov - Professional ta’limi metodikasi kafedrasi dotsent vazifasini bajaruvchi. Y.Jo‘rayev - kafedrai katta o‘qituvchisi.**
**Nizomiy nomidagi Toshkent Davblat Pedagogika Universiteti**

***Annotasiya***

*Maqolada;” Texnologiya ta’limi praktikumi” mashgulotlari jarayonida zamonaviy innovatsion dars mashg‘ulotlarini tashkil etish va boshqarilishida talabalarning kasbiy tayyorgarliklari mazmunini yoritishga bag‘ishlangan.*

***Annotatsiya.***

*Statya posvyaщena; soderjaniyu professionalnoy podgotovki studentov po organizatsii i upravleniyu sovremennыmi i innovatsionnыmi urokami v ramkax « Praktikum texnologicheskogo obucheniya».*

***Annotation***

*Macolada "Learning Technology", currently underway, innovations and technologies that are currently underway, is not required for study.*

***Tayanch so‘zlar:*** *Bazaviy o‘quv taminot, ilmiy taminot, umummadaniy taminot, kompetensiyaviy talablar, kelgusi ta’lim taminotlari.*

Mamlakatimizda mustaqillik yillarida amalga oshirilgan keng ko‘lamli islohotlar milliy davlatchilik va suverenitetni mustahkamlash, xavfsizlik va huquq-tartibotni, jamiyatda qonun ustuvorligini, inson huquq va erkinliklarini, millatlararo totuvlik va diniy bag‘rikenglik muhitini ta’minlash uchun muhim poydevor bo‘ldi, xalqimizning munosib hayot kechirishi, jahon talablari darajasida ta’lim olishi va kasb egallashi, fuqarolarimizning bunyodkorlik salohiyati iqtisodiy va madaniy taraqqiyoti muvaffaqiyati ko‘p jixatdan oliy pedogogik o‘quv yurtlari talabalarini mehnatga, ijtimoiy hayotga tayyorlashdek ulkan vazifalarni bajarish, maktablarda texnologiya darsini o‘tish orqali, bilim, ko‘nikma va malakalarini hosil qilish uchun zarur shart-sharoitlar yaratildi.

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 6- apreldagi 187-sonli “Umumiy o‘rta ta’lim va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limining davlat ta’lim

standartlarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori, hamda umumiy o‘rta ta’limining davlat ta’lim standartida asosida umumta’lim maktablarida “Mehnat ta’limi» fani o‘quv rejada «Texnologiya» fani deb o‘zgartirildi hamda bugungi kun talablaridan kelib chiqib ko‘p tarmoqli yo‘nalishlarga asoslangan holda o‘quv reja va dasturlar qayta ishlandi.

Yangi DTS va o‘quv reja dasturlar asosida umumta’lim maktablari hamda OTM-da texnologiya darslarida o‘quvchilarning texnik ijodkorlik qobiliyatlarini, tafakkurini rivojlantirish, dars jarayonida turli va tabiiy hamda metall va metallmas materiallarga texnologiya asosida ishlov berish usullarini o‘rgatish orqali kasb-hunarga yo‘naltirishni yanada kuchaytirish, xalq hunarmandchiligi asoslari, ro‘zg‘orshunoslik, elektrotexnika ishlarini bajarishda kasb-hunarga yo‘llash bo‘yicha bilim, ko‘nikma va malakalarni egallash hamda ularni hayotda qo‘llay olish layoqatini shakllantirish ko‘zda tutilgan bo‘lib ta’lim-tarbiya tizimidagi bu islohotlarning muvaffaqiyati ko‘p jihatdan o‘qituvchi va murabbiylarga bog‘liq.

Bugungi kun o‘qituvchisi o‘z ustida tinimsiz ishlaydigan, har tomonlama keng fikrlaydigan,zamonaviy innovatsion ilg‘or pedagogik va axborot texnologiyalarini samarali qo‘llay oladigan ijodkor shaxsga, aylanishini hayotning o‘zi ko‘rsatdi .

Darhaqiqat, bugungi kun o‘qituvchisi oldiga o‘qitishning zamonaviy innovatsion ilg‘or pedagogik innovatsion texnologiyalarini o‘quv jarayoniga tatbiq etish, o‘quvchi shaxsiga nisbatan munosabatni tubdan o‘zgartirish va ta’lim muassasalarida o‘tkazilayotgan dars jarayonlarini zamonaviylashtirish vazifalari qo‘yilgan.

Bu vazifalarni bajarishda o‘quvchilarning ijodkorlik faoliyatiga e’tibor qaratilsa maqsadga muvofiq bo‘ladi

Yangi sharoitlardan kelib chiqib, “Ta`lim to`g`risidagi O`zbekiston Respublikasining Senati tomonidan 2020 yil 7-avgustda maqullangan qonunlarida , hamda 2017-2021 yillarga mo‘ljallangan “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi”, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining“Pedagog kadrlarni tayyorlash, xalq ta’limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq, ta’lim bosqichlarining uzluksizligi va izchilligini ta’minlash, ta’limning zamonaviy metodologiyasini yaratish, davlat talablarini kompetensiyaviy yondashuv asosida takomillashtirish, o‘quv-metodik majmualarning yangi avlodini ishlab chiqish va amaliyotga joriy etishni taqozo etmoqda. [1]

Ishlab chiqarish tashkilotlari, texnologiya sohalari bo‘yicha bilim, ko‘nikma va malakalarni shakllantiruvchi yagona o‘quv fani texnologiya talimi praktikumi fani fan sifatida o‘ziga xos jihatlari bilan boshqa o‘quv fanlaridan ajralib turadi.

Mazkur **“**Texnologiya talimi praktikumi mashg‘ulotlari jarayonida ma’lum qiymatga ega bo‘lgan ijtimoiy foydali mahsulotlar yaratiladi hamda kasb sohiblariga hos bo‘lgan shaxs fazilatlari shakllantiriladi**.”** Bugungi bozor iqtisodiyoti sharoitida faoliyat ko‘rsatadigan kasb sohiblaridan raqobatbordoshlik, muhitga tezroq moslashish talab etiladi. Shu nuqtai nazardan olib qaralgandan texnologiya ta’limi mazmuni, maqsad va vazifalari o‘zgardi, texnologiya ta’limi

ustivorlik kasb etdi, kasbga yo‘naltirish tizimi yangilanib ularda kasbiy tayyorgarliklarini amalga oshirishdan hamda jamiyat va shaxs faoliyati farovonligi yo‘lida mehnat faoliyatiga qo‘shilishiga imkon beruvchi shaxsiy sifat va tafakkurni shakllantirishda;

texnologiya ta’limi praktikumi fanining vazifasi ;ustoz-shogird tizimi asosida texnologiya ta’limi praktikumi mashg‘ulotlari jarayonida zamonaviy yondashuvlar va innovatsiyalarning mazmunini - mohiyatini ochib berishdan iboratdir.texnologik ta’lim praktikumi mashg‘ulotlari jarayonida zamonaviy

yondashuvlar va innovatsiyalarni qo‘llash kompetensiyalarini rivojlantirishda ustoz-shogird tamoillari;.

-talabalarda texnologiya ta’limi praktikumi mashg‘ulotlarini tashkil etish va o‘tkazishda zamonaviy yondashuvlarni tatbiq qilish, innovasiyalardan foydalanish uchun zarur bo‘lgan bilim va ko‘nikmalarni shakllantirish;

- texnologiya mashg‘ulotlarida zamonaviy ta’lim vositalardan foydalanish ko‘nikmalarini rivojlantirish;

- zamonaviy talablar asosida texnologiya ta’limi praktikumi mashg‘ulotlarini samarali  tashkil qilish yo‘llarini o‘rgatish.

Texnologiya ta’limi praktikumi mashg‘ulotlarida talabalarning bilim, ko‘nikma, malaka va kompetensiyalariga qo‘yiladigan talablar

Talaba:

- Ta’lim sohasidagi innovatsion faoliyat asoslarini;

- texnologik ta’lim yo‘nalishidagi(texnologiya ta’limi praktikumi )mashg‘ulotlarni tashkil etish va o‘tkazishda qo‘llaniladigan zamonaviy yondashuvlar va innovatsiyalarni;

- ta’lim sohasini samaradorligini oshirishda ilg‘or pedagogik texnologiyalarning o‘rni va rolini;

-pedagogik texnologiya turlari, ko‘rinishlari, asosiy yo‘nalishlari haqidagi bilimlarga ega bo‘lishi;

-ta’lim tizimiga yangi axborot -kommunikatsiya texnologiyalarining kirib kelishi va istiqbollari haqida ma’lumotlarga ega bo‘lishi;

kompyuter tarmoqlari va ularning turlari haqida ma’lumotlarga ega bo‘lishi;

- texnologiya ta’limi praktikumi mashg‘ulotlarini tashkil etish va o‘tkazishda qo‘yiladigan hozirgi zamon talablarini bilishi;

- texnologiya ta’limi praktikumi mashg‘ulotlarini tashkil etishda ilg‘or tajribalar va innovatsiyalarning mazmuni, vositalari, metodlari va shakllarining uzviyligi va izchilligini ta’minlashni;

- texnologiya ta’limi praktikumi mashg‘ulotlarida ta’lim resurslaridan foydalanishni;

- texnologiya ta’limi praktikumi mashg‘ulotlarida zamonaviy innovatsion pedagogik texnologiyalarni qo‘llashni;

- zamonaviy  texnologiya ta’limi praktikumi amaliy mashg‘ulotlarini tashkil etish tartibi va uning me’yoriy hujjatlari bilan ishlash ko‘nikmasiga ega bo‘lishi;

- texnologiya ta’limi praktikumi fanini o‘qitish mazmuniga oid axborotlarni qayta ishlash, umumlashtirishni**;** ko‘nikmalariga ega bo‘lishi;

- didaktik o‘yin texnologiyalaridan, zamonaviy texnologiya ta’limi praktikumi mashg‘ulotlarini tashkil etishda texnik vositalar va axborot texnologiyalardan foydalanishi;

-zamonaviy kompyuterning tuzilishi, dasturiy ta’minoti va unda ishlash malakasiga;

- kompyuter tarmoqlari va ularning turlari, internet tarmoqlari, elektron pochta va undan foydalanishi;

- texnologiya ta’limi praktikumi mashg‘ulotlariga qo‘yiladigan zamonaviy talablar asosida mashg‘ulotlarni tashkil etish malakalariga ega bo‘lishi;

- texnologiya ta’limi praktikumi fani bo‘yicha bilim, ko‘nikma va malakalarini rivojlantirish kompetensiyalariga **;**

Shuningdek; talaba ta’lim beruvchining bilimlari va mahoratini xolisona baholash prinsiplarini, metodlarini va mexanizmlarini bilishi, standartlashtirilgan testlarni ishlab chiqishni, ta’lim oluvchilarning o‘zlashtirishini nazorat qilishi turli shakllarini samarali qo‘llash mahoratiga ega bo‘lishi,o‘quv-tarbiyaviy jarayondagi o‘z-o‘ziga talabchanlik, haqqoniylik, halollik, mehribonlik, xushmuomalalik sifatlaruga ega bo‘lishi lozim

Demak; texnologiya ta’limi praktikumi amaliy mashg‘ulotlarda

texnik vositalardan, ekspress-so‘rovlar, test so‘rovlari, aqliy hujum, guruhli fikrlash, kichik va katta guruhlar bilan ishlash, taqdimot, kichik amaliy ma’ruza va boshqa interaktiv ta’lim usullaridan foydalanish maqsadga muvofiqdir.

**Foydalanilgan adabiyotlar.**


1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 11 noyabrdagi “O‘zbekistonning yangi taraqqiyot davrida ta’lim-tarbiya va ilm-fan sohalarini rivojlvntirish chora tadbirlari to‘g‘risida” gi 6108-son Farmoni
2. Texnologik ta`lim praktikumi darslik G. M .Anarkulova. G’. Abduqodirov. va boshqalar T 2018yil
3. Bobrыsheva I.V. «Gumanitarnaya kompetentnost kak osnova professionalizma i kulturы sovremennogo uchitelya» Pedagogicheskie nauki 2009g. № 9 str.158
4. Misarenko G. «Na puti k standartam novogo pokoleniya»2008.- №6,-s.3-16.

# O'QUVCHILARNING DUNYOQARASHINI KENGAYTIRISHDA TEXNOLOGIYA TA'LIMINING AHAMIYATI

**SH.X.Jaloldinova - Umumtexnika fanlari va mehnat ta'limi kafedrasi o'qituvchisi,**
**F.E.Tursunov - kafedra o'qituvchisi, G.N.Jamoldinova – talaba.**
**Andijon davlat universiteti**

***Annotatsiya:*** *O'quvchilarning kelajakda erkin kasb tanlashi va ularda aqliy-axloqiy qobiliyatlarini yanada rivojlantirishga hamda ularni mehnatsevarlikka o'rgatishga xizmat qiladi. Texnologiya ta'limi haqidagi tasavvurlarini kengaytirishga, o'sib kelayotgan barkamol avlodni ham jismonan, ham ruhan kamol toptirishga shuningdek, ularning dunyoqarashini shakllantirish va vatanparvarlik ruhida tarbiyalashga qaratilgan chora-tadbirlarni o'z ichiga olgan.*

***Аннотация.*** *Это поможет студентам выбрать свою будущую профессию и развить свои умственные и моральные способности, а также научит их усердно работать. В него входят меры, направленные на расширение восприятия трудового воспитания, воспитание подрастающего поколения, как физического, так и умственного, а также формирование их мировоззрения и патриотического воспитания.*

***Annotation.*** *It promotes the development of students' future free choice of profession and further development of their intellectual and moral abilities, as well as their diligence. It includes measures aimed at expanding the perceptions of labor education, bringing up a growing generation, both physically and mentally, as well as shaping their outlook and patriotic upbringing.*

Bizga ma'lumki O'zbekiston badiiy hunarmandchilik borasidagi boy madaniyati bilan jahon miqyosida o'z o'rniga ega bo'lib, bugungi kunda bu soha jadal sur'atlarda rivojlanib bormoqda. Ayniqsa buyuk ajdodlarimizdan qolgan ko'hna tarixiy yodgorliklar, ko'plab qadimiy obidalar va milliy an'analarimiz bunga yorqin misol bo'la oladi. Ota-bobolarimizdan qolgan bu yodgorliklarni asrab-avaylashimiz va yoshlarga to'liq va aniq tarzda yetkazib berishimiz kerak. Yosh avlodni ongini avvalo ajdodlarimizdan qolgan me'roslarini yaqindan tanitish, hunarmandchilikning ham turli yo'nalishlaridan xabardor qilish bilan birga shu sohani zamon talablariga mos ravishda rivojlantirishda mehnat ta'limi katta

ahamiyatga ega. O’quvchilarning kelajakda qaysi kasb egasi bo’lishlaridan qat’iy nazar mehnat ta’limi faniga oid ko’plab muammolarga duch kelishadi. Har bir o’quvchi hayoti va faoliyati davomida mehnat ta’limi darslaridan olgan bilim va ko’nikmalarini ishga solishi kerak bo’ladi.

O’quvchilarni dunyoqarashini shakllantirishda texnologiya ta’limi ularni ma’lum reja asosida ish tutishni va bu ishni tartib bilan bajarishni, turli sohalarda sabrli bo’lish bilan birgalikda yangiliklarga intiluvchan, qiziquvchan bo’lishni o’rgatadi. Texnologiya ta’limi o’quvchilarni aqliy qobiliyatlarini o’stiradi va tafakkurini rivojlantiradi, xotiralarini mustahkamlaydi. Kasb yoki hunar tanlashda texnologiya ta’limi katta rol o’ynaydi.

Maktablarda texnologiya ta’limi darslarini o’tishdan maqsad uy-ro’zg’or buyumlarini ta’mirlash, turli materiallarga ishlov berish texnologiyasi, zamonaviy mashina va mexanizmlar, elektrotexnika ishlari, pazandachilik kabi yo’nalishlarga oid yangidan-yangi bilimlar berish, ko’nikmalarini mustahkamlashdir. Biror buyum yaratishdan avval unga ishlov berishda sifatli bo’lish, foydalanishga qulayligi, chiroyli qilib bezatish talab etiladi. Bunda o’quvchilar o’zining dizaynerlik mahoratini ishga solishlari zarur.

O’quvchilarning bekorchi vaqtlaridan unumli foydalanish, o’z ustida ishlash va amaliy darslar davomida ko’plab tajribalarga ega bo’lishlarida mehnat juda katta ahamiyatga ega. Mehnat bilan ko’p shug’ullangan o’quvchilar ongida yangi narsalarni yaratishga bo’lgan qiziqish  paydo bo’la boshlaydi. Ular yaratgan buyumlarni atrofdagilarga yordami tekkanini ko’rganlarida o’zlarida fahr va g’ururni ko’rishadi. Mehnatni asrab-avaylashga odatlanishadi. Mehnat jarayonida qiyinchiliklarga uchragan va ularni bartaraf etgan o’quvchilar boshqalarni ham mehnatlarini qadrlaydi. Har bir inson marralarga, yutuqlarga erishishida o’zining mehnati bilan yetishadi. O’rganish, o’qish, ishlash insonni tarbiyalovchi asosiy omil hisoblanadi. O’quvchilar mehnat bilan shug’ullanish davomida mustaqil fikrlashni ham o’rganishadi. Mehnat ta’limidan olgan bilimlarini u bilan bog’liq boshqa fanlarda ham qo’llashi o’quvchilar dunyoqarashini shakllantirishga yordam beradi. Ta’lim sohasidagi jamoat ishlarida va o’quvchilar birgalikda birdam bo’lib ishlashida, ular o’rtasidagi munosabatlarda tashabbuskorlik, tashkilotchilik qobiliyatini rivojlantirishning zamirida mehnat ta’limi yotadi. O’quvchilar darslar davomida elektr toki bilan ishlaydigan va boshqa asbob-moslamalar bilan ishlashda xavfsizlik texnika qoidalariga rioya qilishsa hayot tarzlaridagi kundalik yumushlarda ayrim kamchiliklarni bartaraf etishadi.

Texnologiya ta’limi o’quvchilarni mehnatsevarlikka o’rgatadi. Barkamol avlodni tarbiyalashda ham jismonan ham ruhan kamolga yetishida mehnat oldingi o’rinda turadi. Mehnatsiz inson hech narsaga erisha olmaydi. Mehnat inson hayotida muhim ahamiyatga ega ekan bu borasidagi barcha bilimlarni o’quvchilar puxta

egallashi kerak. Shunday ekan har bir inson o'z mehnati bilan ulug'lanadi.Mehnatsevar insonlarni hamma qadrlaydi, ularga mehr-muhabbatli munosabatda bo'ladi. Insonni faxri ham kasbi ham hunari hisoblanadi. Bu fanni mukammal o'rgangan inson hayotda hech qachon qiyinchiliklarga duch kelmaydi.

Davlat ta'lim standartlari asosida o'tilgan mehnat ta'limi darslarida o'quvchilar erkin nutq so'zlay olishlari, aqliy o'sishlari va harakterlarida ham ijobiy tomonlar ko'rinib turadi. O'quvchilarni mehnat bilan shug'ullanishida diqqatini bir joyga jamlab ishlashi xotirasini ham mustahkamlashga yordamlashadi. Bola tayyorlamoqchi bo'lgan buyumi sifatli, chiroyli, ixcham, qulay bo'lishi uchun avval eng mukammal holatini tasavvur qila olishi buyumni o'sha darajaga yetkazishida turtki bo'ladi. Yoshligidan mehnatsevarlikka o'rgangan bolalarni kelajagi porloq, hayoti farovon bo'ladi. O'qituvchilarning asosiy vazifasi o'quvchilarga bizning milliy o'zbek milliy hunarmandchiligining kelib chiqishi, tarixi unda qo'llanilgan usullarni o'rgatish va asrlar davomida avloddan-avlodga yetkazishda ko'maklashishdir. Inson hech qachon mehnat qilishdan qochmasligi kerak. Chunki butun hayoti davomida qilgan mehnati o'z samarasini, mevasini beradi.

Buyuk ajdodlarimizdan biri Abu Rayhon Beruniy "Mehnat inson hayotini farovon qiluvchi davlatdir" deb ta'kidlab o'tadi. Rostdan ham mehnat qashshoqlik, nochorlikdan farovon hayot tomon yetaklovchi asosiy yo'l hisoblanadi. O'z kasbini va hunarini mohir ustasi bo'lgan inson ko'plab marralarni zabt eta olishga qodir. Yoshlarni maktab davridan boshlab kasbiy tayyorgarlikni shakllantirishda mehnatni alohida o'rni bor. Bu fanni chuqur o'zlashtirgan bolani ishini unumi bo'ladi, tajribasi yanada ortadi. Texnologiya ta'limi bolalardagi madaniyatni shakllantiradi, bilim olishga intilishlarini kuchaytiradi. O'quvchilar mehnat bilan shug'ullanganda materiallarni ishlatishda ularni qirqish, bezash kabi ishlarda tejamkor bo'lishni va tozalikka rioya qilishni o'rganadi.O'qituvchi qanchalik talabchan bo'lsa o'quvchilar o'z ustida ko'p ishlaydi, mehnat mashg'ulotlarini ko'paytiradi. Shunda o'quvchi to'g'ri va aniqlik bilan ish tutishga harakat qiladi. O'qib, o'rganib zamon bilan hamnafas bo'lish bugungi kunning talabi.

Prezidentimiz I.Karimov aytganlaridek: "Har bir insonning, ayniqsa endigina hayotga qadam qo'yib kelayotgan yoshlarning ongiga shunday fikrni singdirish kerakki, ular o'rtaga qo'yilgan maqsadga erishishi o'zlariga bog'liq ekanligini, ya'ni bu narsalar ularning sobit qadam, g'ayrat, shijoatlariga, to'la-to'kis fidokorligi va cheksiz mehnatsevarliklariga bog'liq ekanligini anglab yetishlari kerak". Demak kelajak hayot ham insonning yoshligidagi mehnatsevarligiga bog'liq ekan. Yoshlarimizning mehnat ta'limi fanini mukammal o'rganishlari va biror kasb yoki hunar egasi bo'lishi vatanimizning rivojlanishiga katta yo'l ochib beradi. O'quvchilarni kelajakda jamiyat uchun kerakli kadr bo'lib yetishishida mehnat ta'limi katta ahamiyat kasb etadi. Zamonaviy chet el texnologiyalarini ham o'rganib

yurtimizda amalda qo'llashi bizning ham texnologiyalarimizning rivojlanishiga turtki bo'ladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**


1. I.A. Karimov. " Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining pydevori". Toshkent ."Sharq"- 1997.
2. R.A. Mavlonova, M.T. Satbayeva. Mehnat o'qitish metodikasi. Toshkent-2013.
3. A. Pereverten. " O'quvchilarda ijodkorlikni shakllantirish". Toshkent. "O'qituvchi"-1992.
4. Y. Rasulova, O. Nurmatova. Pedagogika fanidan qo'llanma. Toshkent. "Voris" 2002.


## MEHNAT TA`LIMINING TA'LIMIY, TARBIYAVIY VA RIVOJLANTIRUVCHI VAZIFALARI


**SH.X.Jaloldinova - Umumtexnika fanlari va mehnat ta'limi kafedrasi o'qituvchisi, F.E.Tursunov - kafedra o'qituvchisi.**
**Andijon davlat universiteti**



**Annotatsiya:***Insonni har tomonlama tarbiyalash, jamiyat uchun kerakli kadr bo'lib yetishishga to'g'ri yo'l ko'rsatadi. Xalq ravnaqi yo'lida fidokorona mehnat qilish bilan birga Vatanga muhabbatli, sadoqatli bo'lishga undaydi. Ilmiy bilimlarni egallab, aqliy rivojlantirishni ochib berishga asoslangan. O'quvchilarning ko'nikma va malakalarini oshirishga, yuksak ma'naviyatli bo'lishiga qaratilgan.*

***Аннотация****. Всестороннее воспитание человека – это верный путь роста как человеческий ресурс для общества. Это приверженность любви и преданности Родине, усердно работая на благо людей. Он основан на приобретении научных знаний и умственном развитии. Он направлен на улучшение навыков и способностей студентов, высокую духовность.*

***Annotation.*** *Comprehensive upbringing of the person is the right way to grow as a human resource for the society. It is a commitment to love and devotion to the country, and to work hard for the good of the people. It is based on the acquisition of scientific knowledge and the discovery of mental development. It is aimed at improving the skills and abilities of students, and on high spirituality.*


Ta'lim-tarbiyaning asosiy tashkiliy shakli maktablardagi darsdir. Tabiatga doir bilimlarning puxtaligi xayotga bog'lanishi ilmiylik va milliy g'oyaviyligi, mehnat va ekologik tarbiyasi go'zallikka qay tariqa intilishi kabi avlodiy mezonlar, umuman barkamol inson shaxsini tarbiyalashning asosiy darslar davomida amalga oshiriladi. Bu ishlarni mazmuni va samarasi darslarning qay mazmunda tashkil etilishi hamda olib borishga bog'liqdir.

Mehnat ta`limi fanini o’qitish bolalarni har tomonlama tarbiyalashning mazmuni va metodlarini ochib beruvchi pedagogik fandir. U pedagogikada ishlangan tadqiqotlarga asoslanadi va o’z predmetini o’qitish mazmuni hamda xususiyatlarini hisobga olgan holda uning metodlaridan foydalanadi[42].

O’quvchilarga tabiatni o’rgatib borish bilan o’qituvchi ularni talimni davom ettirish va amaliy faoliyat uchun zarur bo’lgan bilimni o’quv va ko’nikmalar bilan qurollantiribgina qolmay, dunyoqarashi, irodasi, harakterini ham shakllantiradi, aqliy qobiliyatlarini rivojlantiradi. Shunga ko’ra mehnat ta`limini o’qitishning shakl va metodlarini ishlab chiqadi.

- salomatlikni mustahkamlovchi, oqilona kun tartibi aqliy va jismoniy og‘irlikni o‘zaro mutanosibligi;
- ovqatlanish gigiyenasi, mehnat va dam olish, kun rejimiga kiritilgan prinsiplarga rioya qilish;
- shaxsiy va jamoat gigiyena qonun-qoidalariga rioya qilish;
- faol harakat rejim, ya’ni jismoniy madaniyat va sport mashg‘ulotiga chiniqtirishni qo‘shib o‘tish;
- atrof – muhitni qo‘riqlash, tabiatga ehtiyotkorlik bilan munosabatda bo‘lish;
- kishilar bilan har tomonlama muloqotda bo‘lish;
- zararli ovqatlanish, spirtli ichimliklar ichish, tamaki chekish va hokazolarga nisbatan yomon munosabatda bo‘lish;
- to‘g‘ri jismoniy xulq;
- o‘qitish va tarbiyalashda ruhiy gigiyenik talablarni bajarish;
- to‘g‘ri jinsiy tarbiya;

Sog‘lom turmush tarzi” keng ma’noli tushuncha bo‘lib, ruhiy, pedagogik, tibbiy muammo emas, balki shu bilan birgalikda muammolarni yechish yo‘llarini aniqlovchi hamda ijtimoiy, farovonlik, turmush sharoiti mehnat va dam olish, insonni jismoniy va ruhiy rivojlanishi, shaxslararo munosabatlar, ruhiyatning amaliy jamoat tomonlarini, odatlarga qarshi kurashish, aql-idrok bilan yashash va hokazolarni o‘z ichiga oladi.

Shunday ekan “Sog‘lom turmush tarzi” ni tashviqot qilishni tashkilashtirish turli yo‘nalishlarda amalga oshirilishi lozim.

Oilada ota-onalarga, ayniqsa yoshlarga ta’lim va tarbiya berishda ular tomonidan kam deganda hamma gigiyenik me’yor talablarni bajarishi, sog‘lom

turmush tarzini shakllantirish bilan bog‘liq tibbiy va gigiyena bo‘yicha minimum bilim berishdan xabardor qilish kerak.

Butun dunyo sog‘liqni salqash tashkilotining ta’rifi bo‘yicha sog‘liq-bu kasallikni yo‘qligini yoki jismoniy nuqsoni bo‘lgani emas, balki to‘liq jismoniy ma’naviy va ijtimoiy sog‘-salomatlik holatiga aytiladi.

Birqator akademiklarning bergan ma’lumotiga ko‘ra insonni sog‘ligi 60 % “Sog‘lom turmush tarzi” ga, 20 % atrof muhit sharoitiga, 12 % irsiy belgilarga va 8 % tibbiy sog‘liqni salqash xizmatiga bog‘liq bo‘lar ekan.

Xulosa qilib aytganimizda “Hayot harakat qilishni taqozo etadi” deb ta’kidlagan edi Arastu.

Salomatlikni yaxshilash va mustahkamlash uchun tavsiya etiladigan ko‘plab jismoniy mashqlar birinchi o‘rinda turadi. Qadimgi Xitoyliklar va ko‘hna ellardan to bizgacha fan va amaliyot, sport - tibbiyotning shifobaxsh tarkibidek tan olinib kelinmoqda. U odamning har tomonlama jismoniy rivojlanishi va har qanday sport turida barkamollik kasb etish uchun poydevor bo‘lib xizmat qiladi.

Buyuk alloma Abu Ali Ibn Sino bundan ming yil oldin insonning jismoniy, ma’naviy, ruhiy va tibbiy holati uyg‘unligini sog‘lom turmush tarzi sifatida belgilab bergan. Shuning uchun ham sog‘lom turmush tarzi tushunchasi – bu nafaqat jismoniy farovonlikka intilish, balki ma’naviyatga, xotirjamlikka, ruhiy poklikka intilishdir.

**Adabiyot**


1. Achilov A.M., Akramov J.A., Goncharova O.V. Bolalarning jismoniy sifatlarini tarbiyalash. T.: Lider Press, 2009.-200 b.
2. Goncharova O.V. Yosh sportchilarning jismoniy qobiliyatlarini rivojlantirish. O‘quv qo‘llanma. T.: O‘zDJTI, 2005. 176 b.
3. Ganieva Z. Yu. Sport tibbiyoti. Toshkent: O‘zDJTI, 2012.
4. Iskandarov T.I. Sindrom perenapryajeniya oporno-dvigatelnogo apparata u sportsmenov i puti ego profilaktiki. Metod.rekomend. Tashkent.: 2011, 12s.
5. Allamuratov Sh.I. Fiziologiya va sport fiziologiyasi Toshkent «Turon-Iqbol», 2010

# JISMONIY SIFATLARNING ASOSIY BELGILARI VA O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

**Ibragimov Xasanboy Abdusalomovich - Jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi kafedrasi katta o‘qituvchisi,**
**Orziev Abdurazzoq Abduvali o‘g‘li - fakultetlararo jismoniy madaniyat va sport kafedrasi o‘qituvchisi.**
**Andijon davlat universiteti**

***Annotasiya:*** *Ush bu makolada jismoniy sifatlarning o‘ziga xos xusisiyatlari asosiy belgilari ularning shakllantirish va rivojlantirish omillari ijtimoiy xayotdagi axamiyati yoritib berilgan.*

***Kalit so‘zlar:*** *Chidam-lilik, kuchlilik, egiluvchanlik, chaqqonlik, tezkorlik, jismoniy tayyorgarlik, jismoniy rivojlanish, maxsus jismoniy tayyorgarlik, sport, sport formasi, chiniqish, kurash, boks, yengil atletika, gimnastika sport o‘yinlari, suzish, jismoniy tarbiya.*

***Аннотатсия:*** *В стате подчеркивается важност характеристик физических качеств в общественной жизни, основными характеристиками которых являются факторы их формирования и развития.*

***Ключевые слова:*** *Выносливост, сила, гибкост, ловкост, физическая култура, физическое развитие, спетсиалная физическая подготовка, спорт, спортивная форма, упражнения, борба, бокс, легкая атлетика, гимнастика, спорт, плавание, физическое воспитание.*

***Annotation:*** *This article highlights the importance of the characteristics of physical qualities in social life, the main features of which are the factors of their formation and development.*

***Keywords:*** *Endurance, strength, flexibility, agility, physical training, physical development, special physical training, sports, uniforms of sport, exercising, wrestling, boxing, athletics, gymnastics, sports, swimming, physical education.*

Ijtimoiy-madaniy turmush sharoitlari, jismoniy mehnat va sportda jis-moniy sifatlar tushunchasi bir-biri bilan bevosita bog‘langan. Ya’ni har kungi yurish-turish, o‘quv jarayoni va jismoniy mehnatda «chaqqon», «yengil», «abjir», «zo‘r», «kuchli», «botir-jasur», «bardoshli-chidamli» kabi xalq ibo-ralari ko‘p uchraydi. Ularning mazmunida fanda niladigan «chidam-lilik», «kuchlilik», «egiluvchanlik», «chaqqonlik» kabi iboralar orqali jismo-niy sifatlar tushuniladi. Bular, o‘z navbatida, «jismoniy tayyorgarlik», «jismoniy rivojlanish», «maxsus jismoniy tayyorgarlik», «sport mahorati», «sport formasi» kabi iboralar va tushunchalar bilan mujassamlashgan. Ularning eng muhim belgilari haqida fikr-mulohaza yuritish mumkin. Chiniqish va chidamlilik Insonning amaliy faol harakatlari, shuningdek, jismoniy sifatlar tana (gavda) a’zolarining funksiyalari (faoliyati) bilan bevosita bog‘liqdir. Ya’ni barcha faol harakatlar inson tanasining tez harakat

qilishini, ya’ni nafas olish, yurak urishi, qon aylanishi, ichki a’zolarda moddalarning almashishini ta’minlaydi. Shu asosda juda ko‘p biologik, kimyoviy va fiziologik o‘zgarishlar sodir bo‘ladi. Bunday faol harakatlar negizida chiniqishga doir mashqlar alohida o‘rin tutadi. Chiniqish chidamlilik deganda, ijtimoiy turmush sharoiti, jismoniy tarbiya darslari, sport mashg‘ulotlari (trenirovka) hamda sport musoba-qalarida uchraydigan katta-kichik qiyinchiliklarga bardosh berish, chi-dash va uni engish jarayonlari tushuniladi. Tabiiyki, bunday ijtimoiy-tarbiyaviy xususiyatlar o‘z-o‘zidan paydo bo‘lmaydi yoki tug‘ma omil emas. Chiniqish, chidamlilik belgilari va sifatlari juda ko‘p mashqlarni takrorlash, uzoq vaqtlar mashg‘ul bo‘lishni talab etadi. Ularda nafas olish, nafasni ichda saqlab turish, mushaklar va bar-cha bo‘g‘inlarning og‘ir-engil harakatlarni bajarishga odatlanishi ustuvor turadi. Chidamlilik belgilari va sifatlar ko‘proq quyidagi faol harakat-larda uchraydi va belgilanadi: 1. Yengil atletikaning qisqa, o‘rta va ayniqsa, uzoq masofalarga (10-20 km. va undan ortiq) yugurish jarayonlarida nafas olishning qiyinlashishi, oyoqlar va qo‘llarning charchashi, holsizlanishi sodir bo‘ladi. Bu qiyinchiliklarga chidash uchun juda ko‘p yugurish, mashq qilish lozim bo‘ladi. Bu sifatlarni o‘zlashtirish uchun suvda suzish, piyoda yurish, sayohatlar bilan qo‘shimcha shug‘ullanish tavsiya etiladi. 2. Kurash, boks, shtanga, qo‘l ku’chini sinash kabi sport turlarida mushaklar harakati (dinamik holat) yoki harakatsiz (statistik holat) ush-lab turish (shtangani ko‘krakda tutish) mashqlarida tana a’zolari (mu-shak, bo‘g‘in, nafasni saqlash, chiqarish va h.k.) zo‘riqadi. Natijada nafas olish tezlashishi, qon tomirlari - yurak urishi kuchayishi kabi fi-ziologik jarayonlar yuzaga keladi. Ayniqsa, qo‘llar, yelka, bel va oyoq-lardagi mushaklar charchaydi. Juda ko‘p mashq (trenirovka) qilish nati-jasida yuqoridagi faoliyatlar yengil o‘tishi yoki ularga chidash imkoni-yatlari yaratiladi. 3. Suvda suzish, futbol o‘yini (90 daqiqa davomida yugurish, to‘p surish) va boshqa sport turlarida ham u yoki bu darajada toliqish, char-chash, holsizlanish kabi jarayonlar sodir bo‘ladi. Ularni yengish va bar-dosh berish uchun har bir shug‘ullanuvchi ko‘proq mashg‘ul bo‘lishi talab etiladi. O‘quvchi – yoshlar va talabalar jismoniy tarbiya darslarida (yengil atletika, gimnastika, kurash va h.k.) charchashi, toliqishi tabiiydir. Chun-ki ko‘pchilik yoshlarda jismoniy tayyorgarlik va maxsus tayyorgarlik ji-hatlari to‘la yetishmaydi. Shu sababli, ular eng avvalo jismoniy rivojla-nish va maxsus jismoniy tayyorgarliklarga ega bo‘lishi lozimdir. . Kuchlilik belgilari Kuchlilik-jismoniy sifatlarning asosi hisoblanadi. Chunki uning qo‘l-lanilish va bajarilish xususiyatlari, turlari barcha amaliy harakat faoliyat-larida, shuningdek, barcha sport turlarida o‘ziga xoslikka ega va hamisha unga zaruriyat, ehtiyoj tug‘iladi. Sport sohasida kuchlilik asosan, shtanga, kurash, boks, qo‘l kuchini sinash, tosh (gir) ko‘tarishda o‘ta asqotadi. Chunki bu sport turlari mushak-larning tortish, cho‘zish, itarish, urish, saqlab turish (shtanga) va h.k.

harakatlari orqali amalga oshiriladi. Har bir sport turining xususiyati, texnik-taktik jihatdan harakatlarni bajarishda sekin, tez va tez-kuchli sifatlar ishlatiladi. Mushaklarning kuchi (dinamometriya, stonometriya) va harakat tezligi asosiy o‘rinda turadi, ular maxsus asboblar orqali (sekundomer, kompyuter va h.k.) o‘lchanadi. Harakat tezligi (suzish, yugurish, to‘pni urish, tepish va h.k.) kuch bilan bog‘liq. Ya’ni suzish, yugurish, to‘pni darvozaga zarb-kuch bilan tepishda texnik-taktik harakatlar, tezlik va kuchlar bir-biri bilan bog‘-lanib ketadi. Turnikda qo‘llarga osilib, tortilishda kuch va bajarish usuli (texnik) o‘zaro bog‘liqdir. Ya’ni yelka, bo‘yin va boshni yuqoriga ko‘tarishda tezlik, oyoqlarni to‘g‘ri tutgan holda oldinga ozroq ko‘tarish qo‘llarda tortilishga qulaylik tug‘diradi. Demak, kuchli bo‘lish uchun tezlik sifat-larini ham egallash lozim bo‘ladi. Ijtimoiy-madaniy turmush sharoitimizda kuch ko‘p ishlatiladi, masalan: to‘la qopni (50-70 kg) ulovlarga (ot, eshak, mashina) ko‘tarib ortish yoki uni tushirish. Bunda qo‘llar, bel, oyoqlarda kuch bo‘lishi lozim. Bu faoliyatni bajarish texnikasi ham turli xil bo‘lishi mumkin. Ya’ni ikki qo‘lda ko‘tarish yoki quchoqlab olib, ko‘tarish; qishloq sharoitlarida kurash va ko‘pkari (uloq) o‘yinlarida «Polvon» (kuchli) va chavandoz-polvon (yengil-kuchli) iboralari qadimdan ishlatilib kelinadi. Bu fazilat va jismoniy sifatga (kuchli) ega bo‘lganlar ko‘p yillar davomida mashqlar qilib, turli xil vositalar va usullardan foydalanadi. Xulosa shundaki, kuchli-polvon-chavondoz bo‘lish uchun tug‘ma qobiliyatlar ham bo‘lishi kerak va ularni tinimsiz mashq qilish bilan rivojlantirish lozimdir. Egiluvchanlik belgisi va sifati ijtimoiy-turmush, mehnat va sportda muhim ahamiyatga ega. Chunki har qanday amaliy harakat faoliyatlarda har tomonga egilish, burishish, o‘tirib-turish, yotish, kerilish, umbaloq oshish (ag‘nash) kabi faol harakatlar bajarilishi tabiiydir. Bu belgilar hamda jismoniy sifatlarni bajarishda mushaklar, paylarning yumshoq-ligi, qayishqoqligi (qattiq), bo‘g‘inlar egiluvchanligi asosiy o‘rinda tura-di. Misol tariqasida quyidagi turlar, sifatlarni aytish mumkin: gimnastika (erkin mashqlar), badiiy gimnastika, akrobatika, sinxron suzish (suv osti nafis gimnastikasi) va boshqa mashqlarda tezlik, kuchlilik sifatlari bilan bizga egiluvchanlik holatlari mujassamlashib ketgan; shtanga ko‘tarishda tizzalarga turish, shtangani ko‘krakda saqlash (tirsaklar bukilishi), kurashdagi turli xil olishuvlar, yelkadan oshirib yiqi-tishdagi holatlarda egiluvchanlik xususiyatlari katta ahamiyatga ega; boshqa sport turlarida ham o‘zlariga xos egiluvchanlik harakatlari mavjud. Jismoniy sifatlarni tarbiyalashda trenajer mashqlari, akrobatika, gimnastika, suvda suzish kabi turlardan maqsadli foydalaniladi. O‘quvchi-yoshlar va talabalar jismoniy tarbiya darslarida gimnastika, akrobatika, kurash elementlarini bajarishga odatlanishi va hayotda uchray-digan turli-tuman harakatlarda egiluvchanlik xususiyatlaridan maqsadli foy-dalanishni o‘rganishlari lozim. Xulosa qilib aytganda, egiluvchanlik mashqlari mushaklar, ularning tolalarini harakatlantirishda, ayniqsa umurtqa

pog‘onalari, gavdadagi barcha bo‘g‘inlarning harakatchanligini ta’minlashda xizmat qilishi bilan o‘ziga xos sifatlarga egadir.  . Chaqqonlik  Chaqqonlik-tezlik, epchillik, abjirlik kabi jismoniy sifat belgi-larining mujassamlashishidir. Bunda mushak harakatlari va asab tolalari muhim vazifalarni bajaradi. O‘z navbatida, bo‘g‘inlarda suyaklarga tu-tashgan paylar, mushak tolalarining mustahkam bo‘lishi suyaklarni tutib turishda xizmat qiladi chunki, tez harakat qilishda bo‘g‘inlarning bo‘-shashi, cho‘zilishi natijasida suyaklar o‘z joyidan qo‘zg‘alishi, chiqib ketishi mumkin. Bunday holatlar yuz bermasligi uchun mushaklarni kuch, egilish va chidash yo‘llari bilan tezlik, chaqqonlikda ham tarbiya-lash, chiniqtirish, mustahkamlash amalga oshiriladi. Chaqqonlik belgisi va sifatini tayyorlashda juda ko‘p xilma-xil mashqlar ishlatiladi. Ular na-fas olish, qon aylanish, yurak urishi tizimlarini tezlashtirish, chiniqtirish bilan birgalikda tana (gavda) a’zolarining harakat birligini (kuch, egilish, chidash, tez) ta’minlaydi. Masalan: 30, 60, 100 m masofalarga yugurish o‘quvchi-yoshlar, ta-labalar va sportchilardan o‘ta chaqqonlik, tezlikni talab etadi. Yoki ba-landlikdan (130,140, 150 sm) tez va oson sakrab o‘tishda chaqqonlik, epchillik kabi sifatlar ancha ustun turadi. Chaqqonlik belgilari (abjir, tez, yengil va h.k.) futbol, basketbol, voleybol, tennis kabi sport o‘yinlarida ko‘proq namoyon bo‘ladi. Ya’ni to‘pni raqibdan aldab olish, uni zudlik bilan sherigi yoki darvoza tomon surish, 3-4 kishini aldab o‘tib, to‘pni darvozaga tepib yoki  bosh, ko‘k-rak, yelka bilan urib, kiritish. Bunday holatlar basketbolda to‘pni yuri-tish, savatga tushurishda hamda voleybolda yerga tushay degan to‘pga yetib olib, uni sherigiga uzatish, to‘pni to‘r ustidan zarb bilan urib, ra-qiblar maydoniga tushirish kabi murakkab harakatlarda ko‘rish mumkin. Chaqqonlik sport turlarining barchasida qo‘llanuvchi eng muhim jismoniy sifatlardan biridir. Umuman, jismoniy sifatlar turmush sharoiti va ayniqsa, sportda eng zarur omillardan hisoblanadi. Jismoniy sifatlarni shakllantirish va ta’minlashda maxsus jismoniy tayyorgarliklar muhim ahamiyat kasb etadi. Masalan: mavsumiy sport turlarida (futbol, suvda suzish, sport o‘yinlari, qishki sport turlari va h.k.) maxsus jismoniy tayyorgarlik usullari ko‘proq qo‘llaniladi. Ya’ni musobaqalar nihoyasiga yetgach, qisqa oraliqlar mavjud bo‘ladi. Futbol-chilar shu oraliq davrida jismoniy tayyorgarlik jarayonlarida maxsus jis-moniy mashqlardan (gimnastika, akrobatika, shtanga, suvda suzish, tre-najer mashqlari va h.k.) maqsadli foydalanadi va jismoniy tayyorgarlik, sport mahoratlarini ta’minlaydi. Bunday holatlar boshqa sport turlarida ham o‘ziga xos ravishda qo‘llaniladi Muhim jismoniy sifatlar qatoriga tezkorlik ham tegishlidir. Tezkorlik insonning muayyan sharoitda minimal vaqt sarflash bilan harakat faoliyatini bajarish qobiliyatidir.

Tezkorlik namoyon bo’lishining asosiy shakllari quyidagilar:

1) harakatlantimvchi ta'siming latent (yashirin) vaqti;
2) ayrim harakatlar tezligi (tashqi qarshilik kichik bo’lganda);

3) harakatlar sur'ati.

Tezkorlikning namoyon bo'lish shakllari bir-biriga nisbatan bog'liq emas. Bu, ayniqsa, harakat reaksiyasi tezligi ko'rsatkichlariga ko'pincha aloqador bo'lmaydigan vaqt ko'rsatkichlariga taalluqlidir. Ko'rsatib o'tilgan uchta shaklning birgalikda kelishi tezkorlik namoyon bo'lishining barcha hollarini belgilaydi. Masalan, sprint yugurishdagi natija start olishdagi reaksiya vaqtiga, ayrim harakatlar (depsinish, sonni oldinga o'tkazish va boshqalar) tezligiga va qadamlar sur'atiga bog'liq. Amalda esa tezkorlik namoyon bo'lishining aytib o'tilgan asosiy shakllari emas, balki yaxlit harakatlaming (yugurish, suzish va b.) tezligi katta ahamiyatga ega. Biroq murakkab koordinatsion yaxlit harakatlardagi tezlik faqat tezkorlik darajasi bilangina emas, balki boshqa sabablar bilan ham aloqadordir. Masalan, yugurishda ilgarilab ketish tezligi qadam uzunligiga, qadam uzunligi esa, o'z navbatida, oyoqning uzunligi va depsinish kuchiga bog'liq. Har xil toifadagi sportchilaming harakat reaksiyasi

Tezkorlikni aniqlash uchun eng qulay model yugurishdir. Uni bajarish vaqtida barcha uchta tarkibiy qism namoyon bo'ladi.

Reaksiyaning yashirin vaqti beshta tarkibiy qismdan iborat: 1) retseptorda qo'zg'alishning paydo bo'lishi; 2) qo'zg'alishni markaziy asab tizimiga uzatish; 3) qo'zg'alishning asab yo'llari bo'ylab o'tib borishi va effektor signalning hosil bo'lishi; 4) signalning markaziy asab tizimidan mushakka o'tkazilishi; 5) mushakning qo'zg'alishi va unda mexanik faollik paydo bo'lishi. Aytib o'tilgan fazalardan uchinchisiga eng ko'p vaqt sarflanadi.

Xulosa qilib aytilsa, jismoniy tarbiya va sport harakatida jis-moniy tayyorgarliklar (umumiy va maxsus) asosan shug'ullanuvchilarning jis-moniy sifatlarini (chidam, kuch, egiluvchanlik, chaqqonlik va h.k.) tar-biyalash, ular orqali mahorat orttirishga qaratiladi. O'quv yurtlari, maktabgacha tarbiya muassasalari va ishlab chiqa-rishda qo'llaniladigan jismoniy tarbiya vositalari, o'tkaziladigan omma-viy jismoniy tarbiya-sport tadbirlari aholining, ayniqsa o'quvchi-yosh-larning jismoniy barkamol bo'lishlarida xizmat qiladi. Shu asosda iqti-dorli yoshlarning umumiy va maxsus jismoniy tayyorgarliklarini tarbi-yalash yo'li bilan ularni sportga safarbar etishda maqsadli foydalaniladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar.**


1. Goncharova O.V. Yosh sportchilarning jismoniy qobilitlarni rivojlantirish. O'quv qo'llanma. T.: 2005.
2. Salomov R.S., Aripov Yu.Yu. Maktab yoshidagi bolalar jismoniy tarbiyasi metodikasi asoslari. T. «Moliya». 2011.
3. Xankeldiev Sh., Abdullaev A. va boshqalar «Sog'lom turmush tarzining jismoniy madaniyati» O'quv- qullanmasi «Farg'ona» nashriyoti, 2010 y.

# МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ КРЕАТИВЛИГИНИ ОШИРИШ

**Набиева Хатира Абдукаримовна**
**Амалий фанлар ва мактабдан ташқари таълим методикаси кафедраси катта ўқитувчиси.**
**Андижон вилояти ХТХҚТМОХМ**

***Аннотация.*** *Статья посвящена вопросам отвественности детского дошкольного образовательных учреждений и родителей в формировании и воспитании труда и других видов деятельности дошкольного возраста, что имеет особую актуальность на сегодняшний день.*

***Ключевые слова и понятия:*** *семья, родители, детское дошкольное учреждение, виды деятельности, воспитание, труд, учёба, общение, особенности трудолюбия.*

***Annotation:*** *In this article, some responsibilities of the parents' form of the educational work and other types of activities for the kids that there are some basical actual matters are given.*

***Key words:*** *family, parents, kindergarten, type of the activity, education, work, study, communication, features of hardworking.*

Болаларнинг меҳнат фаолиятларини ўзида қамраган машғулотлар асосан мактабгача ёшидаги даврдан бошланади. Бу ёшда болаларнинг меҳнат мотивацияси жуда содда ва элементар бўлса ҳам уларнинг психик тараққиётларида ўзига хос рефлексияни шакллантиради.

Мактабгача ёшидаги болалар билан ўтказиладиган сифатлар натижасида болаларда меҳнатга нисбатан ижобий муносабат, меҳнат қилиш мотиви (иштиёқи) туғилади. Катталарнинг меҳнат фаолиятларига тақлид қилиш даставвал болаларнинг ўйинларида намоён бўлади. Болалар катталарнинг меҳнат фаолиятларини ўзларининг ўйинларида тақлидан такрорлаш билан чекланиб қолмай, балки катталар меҳнатида бевосита қатнашиш учун харакат қила бошлайдилар. Масалан.:қиз болалар оналари кир юваётганда айрим кичикроқ нарсаларни (даструмолча, майда буюмларни) чайишда қатнашадилар. Уй ва ховлиларни йиғиштириб супуришга, ўғил болалар эса отаси бажараётган ишда қатнашишга интила бошлайдилар. Бу ёшдаги болаларни меҳнатининг натижасига қараб эмас, балки меҳнат жараёнининг ўзига қизиқиши психологик жиҳатдан характерлидир.

Мактабгача ёшидаги болаларнинг меҳнат фаолиятига баҳо бериб бориш уларда меҳнатга нисбатан ижобий муносабатни тарбиялашда катта

роль ўйнайди.  Болалар физиологик хусусияти етадиган ишларни бажараётганларида кўп хатоларга йўл қўйишлари табиий. Лекин бундай вазиятда болаларни мехнатга жалб қилмаслик керак, болаларнинг бажарадиган ишларини катталарнинг ўзлари бажариши керак, деган маъно келиб чиқади. Халқимизда бу иборага мақол билан изоҳ бериш мумкин: “Болага иш буюр, кетидан ўзинг югур”. Бунинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, тўғри фикр эканлигига ишонч билдирамиз. Болаларга бирон юмуш буюрилганда, уни қандай бажараётганликларидан кўз-қулоқ бўлиб туриш керак, деган маънони билдиради.

Болаларда хусусан, кичик ёшдаги мактабгача ёшдаги болаларида ҳали меҳнат малака ва кўникмалари шаклланмаган, қўл моторикаси, мускуллари хали мустаҳкам ривожланмаган. Ана шунинг учун болалар қасддан ёки анқовликларидан - эмас балки эплай олмасликларидан бирон нарсани тушириб синдириб юборишлари мумкин. Ана шундай салбий ҳолат юз берган пайтда болани"анқов, ландавур, бўшашган кўзингга қарасанг бўлмайдими" деб негатив муносабатни қўллаш мумкин эмас. Балки, болага шу меҳнатни қандай қилиб бажаришни кўрсатиш, биргаликда бажариш, болада ўзига нисбат ишонч ҳиссини пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Мактабгача таълим ёшдаги болаларни ривожлантирувчи таълим технологияси кўринишларидан бири дизайн методини қўллашдан иборат.

Дизайн – бу буюмларни ташқи кўринишини яратиш санъати ҳисобланди. Мазкур метод интергацион характерга эга бўлиб, унда таълим жараёнида комплекс ёндашув амалга оширилади. Дизайн ҳар қандай буюмни гўзалликка айлантиришга ёрдам беради. Бу жараёнда тарбиячининг касбий компетенцияси муҳим роль ўйнайди. Болаларни дизайн элементи билан таништириш бадиий яратувчанлик лойиҳаси асосида амалга оширилади. Масалан, дастурхонга нон қўйиш, қошиқ ва бошқа анжомларни жойига жойига қўйиш каби кўникмалар хосил қилинади.

Умуман олганда, болаларга бериладиган билим, малака ва кўникмалар уларни меҳнатсеварликка, хаётий позицияга тайёргарлик даражасини тарбиялайди. Ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этмаган болани кейинчалик меҳнатга жалб қилиш жуда қийин кечади. Мактабгача таълим ёшидаги болалар жалб қилинадиган меҳнат фаолиятининг тури жуда хилма-хилдир. Масалан, табиат бурчагидаги жонивор ёки ўсимликларни парвариш қилиш, боғча ҳовлисида ишлаш, ошхонада ва гуруҳда навбатчилик қилиш, кичкинтойларни кийинтиришга ёрдам бериш ва бошқалар. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, кичик ёшдаги боғча болалари ўзларининг меҳнат фаолиятларини ҳали йўлга қўяолмайдилар. Шунинг

учун улар меҳнатнинг жуда содда турлари билан, яъни ўсимликларга сув қўйиш, балиқларга овқат бериш, ҳовлига сув сепиш ва шу кабилар билан шуғулланадилар.

Ўрта ва катта гуруҳ болалари меҳнат фаолиятини ўйиндан батамом фарқли бунга нисбатан жиддий муносабатда бўла бошлайдилар. Улар меҳнатдан келиб чиқадиган натижани, яъни меҳнатнинг ижтимоий моҳиятини, , нима учун меҳнат қилиш лозимлигини англаб етадилар. Улар катталарнинг оиладаги уй-рўзгор ишларига қизиқиш, иштиёқ билан ёндашадилар,айниқса қилган меҳнати мақтаб турилса, уларда меҳнат мотивацияси янада ривожланди. Мактабгача ёшдаги болаларни қўл моторикасини ривожлантириш уларнинг ақлий интеллектуал ривожланишига психологик таъсир этади. Айниқса, уларнинг бармоқлари кўп харакатланиши керак, бунинг учун кичкинтойлар учун қоғоздан, картондан, пластилиндан турли ўйинчоқлар ясаш мақсадга мувофқидир.

Ўйин жараёнидаги бирор ҳаракат доимо бирор меҳнат жараёнини акс эттиришга йўналтирилган бўлади. Иккинчи томондан, меҳнат жараёнини бажаришда уни ўйин шаклига айлантиришади. Шу билан бирга ўзининг хусусияти, мазмуни, юзага келиш сабабига кўра меҳнат ва ўйин бир-биридан фарқ қилади. Меҳнатда мақсад қўйилади, уни амалга ошириш, натижага эришиш учун шарт-шароит яратилади, воситалар излаб топилади. Ўйинда эса болалар катталарнинг меҳнат фаолиятига тақлид қилади. Ўйин фаолиятида меҳнат сингари бирор аниқ натижага эришилмайди, аммо у меҳнат сингари болаларга қувонч бағишлайди, улар ўзларида қониқиш ҳиссини сезадилар. Кичик боғча ёшидаги болалар меҳнатининг асосий тури ўз-ўзига хизмат қилиш билан боғлиқ. Мактабгача таълим муасссасасида тарбияланган ҳар бир болада ўзига-ўзи хизмат қилиш кўникмаси ҳосил бўлади. Бу жараён кичик болалар учун анча машаққатли фаолиятдир. Лекин, мактабгача таълим ёшидан болаларни меҳнатнинг бу турига ўргатишда кўпинча ўйин вазиятларидан фойдаланилади. Аввалига болалар ўйин образи орқали меҳнатга ўргатилади. Шу орқали болалар ишонч билан ҳаракат қилишни ўрганадилар. Аста-секин бу ёшдаги болаларда ўз-ўзига хизмат қилиш кўникма, малакалари шаклланиб боради.

Ҳаракат усулларини эгаллаб бориш орқали болада фаоллик ривожланади. Аммо фаоллик иммунитетининг ривожланиши ирсиятга ҳамда тақлидчанлик қобилиятига боғлиқ. Бола ҳаётининг дастлабки йилларида катталар билан бўладиган муносабати ва нарса-буюмлар билан бажарган ҳаракати асосий фаолият тури ҳисобланади. Айниқса, мулоқот ва муомала малакалари катталар кўмагида, уларни секин-аста буюмлар оламига олиб кирадилар.

Хулоса қилиб айтганда глобаллашув жараёни болани ҳар томонлама интеллектини, креативлигини ва қобилиятини ривожланишига катта имконият бермоқда, фақатгина ота-она, боғча тарбиячиси бола билан самимий муносабатда бўлиб, меҳнат ва бошқа фаолият турларига нисбатан болада позитив муносабатни шакллантира олса, комил инсон бўлиб етишига замин яратади.

**Адабиёт**:


1. Атутов П.Технология и современное образование / / Педагогика.-1996
2. Юдин В. Педагогикческая технология.-Ярославль.-2007.
3. Розиқов О., Оғаев С.Таълим технологияси.-Т.: 1999.-71 б
4. Қуронов М. Болам бахтли бўлсин, десангиз.-Т.: Маънавият, 2013.
5. Таълимда янги педагогик технологиялар: муаммолар, ечимлар. Илмий-амалий конференция материаллари.- Тошкент: Ўз ПФТИТИ, 1999.


# TEXNIKA MУAMMOЛARINI YECHISHDA VEKTORLAR ALGEBRASI ELEMENTLARIDAN FOYDALANISH


**A.S.Movlanov - Tabiiy fanlar kafedrasi mudirining o‘rinbosari, t.f.n.*,**
**A.Sh.Safarov - Tabiiy fanlar kafedrasi katta o‘qituvchisi*,**
**N.A.Maxmudov - Tabiiy fanlar kafedrasi professori, f-m.f.n.*,**
**Sh.A.Abdug‘aniev - katta o‘qituvchi**.**
***O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari Akademiyasi,**
****Axborot kommunikatsiya texnologiyalari va aloqa harbiy instituti.**



***Annotatsiya:*** *Ta’lim jarayonining samaradorligini oshirishda yangi pedagogik va innovatsion texnologiyalardan keng foydalanilmoqda. Shu jumladan, mualliflarni fikriga ko‘ra ilg‘or texnologiyalardan biri fanlararo bog‘lanish hisoblanadi. Ya’ni texnika muammolarni yechimini topishda fanlararo aloqadorlik muhim ahaiyatga ega. «Vektor algebra elementlaridan» foydalanish metodlarining afzallik tomonlarini ko‘rsatib o‘tilgan.*



***Kalit so‘zlar:*** *Vektor, og‘irlik kuchi, Arximed kuchi, taranglik kuchi, qo‘zg‘almas va qo‘zg‘aluvchan blok, fanlararo bog‘lanish, zaryad miqdori.*



***Аннотация:*** *Для повышения эффективности учебного процесса широко используются новые педагогические и инновационные технологии. В частности, по мнению авторов, одна из самых передовых технологий - междисциплинарное общение. То есть междисциплинарные связи важны при решении задач техники. Вот преимущества использования элементов векторной алгебры.*



***Ключевые слова:*** *вектор, сила тяжести, сила Архимеда, сила натяжения, неподвижный и подвижный блок, междисциплинарная связь, величина заряда.*

***Annotation:*** *New pedagogical and innovative technologies are widely used to increase the efficiency of the educational process. In particular, according to the authors, one of the most advanced technologies is interdisciplinary communication. That is, interdisciplinary links are important in solving problems in technology. Here are the advantages of using vector algebra elements.*
***Keywords:*** *Vector, gravitational force, Archimedes force, tensile force, fixed and moving block, interdisciplinary connection, amount of charge.*

«Vektor algebra elementlaridan» maktab va litseylarda bizni fikrimizcha bugungi talab darajasidan kamroq oʻtilishi yoki mustaqil ta’lim sifatida oʻtilishi, oʻquvchilarni vektorlar nazariyasi toʻgʻrisidagi bilimga kamroq ega boʻlishi mumkin deb oʻylaymiz. Ikkinchidan bugungi kunda fanlarni rivojlanishi va ularni tutgan oʻrinlari ham har xil. Shu sababli taxminan bir xil rivojlanayotgan (fizika, matematika va texnika) fanlari bir-birini kamchilik va yutuqlarini toʻldirishi mumkin.

Maqolaning dolzarbligi shundaki, texnika yoʻnalishidagi masalalarni yechishda oʻquvchilarda “Vektor algebra elementlaridan” foydalanishni oʻrgatishdir.

Bundan tashqari maqolada, shunday masalalar tanlanganki, har bir fizika masalasida ma’lum bir texnika elementlari toʻgʻrisida soʻz boradi. Bu esa oʻz navbatida kelajakda fizika-texnika yoʻnalishini kasb qilib tanlagan yoshlarda texnika toʻgʻrisida boshlangʻich koʻnikmalar hosil qilishi mumkin. Shuningdek, elementar fizika fani masalalari oʻquvchilarga tabiatning asosiy qonunlari haqidagi bilimlarni mustahkamlash va chuqurlashtirishga, bu qonunlarga amaliy va bilish ahamiyatiga ega boʻlgan konkret masalalarni yechishga tadbiq qilish malakalarini hosil qilishga yordam beradi [1].

Vektorlar ustida amallar bajarish sonlar ustida amallar bajarishdan mutloq farq qiladi. Texnika fanlarini oʻrganish uchun oʻquvchilar vektorlarni qoʻshish va ayirishni bilishini oʻzi yetarli emas. Masalan bir biridan burchak ostida yoʻnalgan ikkita $F_1$ va $F_2$ kuch vektorlari yigʻindisi deganda tomonlari qoʻshiluvchi vektorlardan iborat boʻlgan parallelogramni katta dioganali sifatida yasalgan uchinchi F vektor tushuniladi; Parallelogramning kichik dioganali esa kuchlar ayirmasi tushunchasini beradi. Yig’indi yoki ayirma kuch vektorlarini son qiymatini aniqlash uchun yasalgan parallegram dioganallari va tomonlaridan kuchlarni parallel koʻchirish natijasida yopiq uchburchaklar yasalib keyinchalik sinuslar yoki kosinuslar teoremalaridan foydalanish qulaydir.

Statik aniq yoki statik noaniq masalalarni yechishda vektorlar nazariyasi muhim rol oʻynaydi. Aytilgan fikrlarni isboti sifatida bir necha masalalarni yechib koʻrsatamiz.

**1-Masala**. Jism rasmdagidek, vagon devorlariga cho‘zilmas arqon yordamida bog‘langan. $T_1 = 15N$, $T_2 = 7N$, $T_3 = 1{,}6N$, $T_4 = 0{,}6N$ bo‘lsa vagon tezlanishini toping (*m/s²*), (1-chizma), [2].

**Yechilishi:** Jism markaziga koordinatalar o‘qini joylashtiramiz va *OX*, *OY* o‘qlarini yo‘nalishlarni tanlaymiz. Kuchlarni *OX* va *OY* o‘qlariga proeksiyalab, vagonni *OX* o‘qi bo‘yicha harakatlanishini hisobga olib *OX* o‘qi bo‘yicha olingan proeksiyalar yig‘indisini $ma$ ga tenglaymiz. *OY* o‘qi proeksiyalarni yig‘indisi esa (vagon *OY* o‘qi bo‘yicha harakatlanmaydi) 0 ga tenglaymiz. Kuchlarning yo‘nalishini va og‘irlik kuchini hisobga olib vagonni tezlanishini topamiz:



1-chizma

$$\sum_{i=1}^{n} X_i = 0; \ -T_4 + T_3 = ma \qquad (1).$$

$$\sum_{i=1}^{n} Y_i = 0; \ T_1 - T_2 - P = 0 \qquad (2).$$

$$T_1 - T_2 = mg \quad m = \frac{8}{10} kg;$$

$$ma = 1{,}6 - 0{,}6 = 1; \ a = \frac{1}{m} = \frac{10}{8} = \frac{5}{4} = 1{,}25 \frac{m}{s^2}$$

Javobi: $a = 1{,}25 \frac{m}{s^2}$.

**2-masala.** Ikkita musbat $q_1 = 1{,}67nKl$ va $q_2 = 3{,}33nKl$ zaryadlar bir-biridan 20 sm masofada joylashgan. Shu to‘g‘ri chiziq bo‘yicha qanday masofada $q_3 = -0б67nKl$ manfiy zaryad joylashtirilsa, uchala zaryad muvozanatda bo‘ladi (2-chizma),[3].

**Yechilishi:** *C* nuqtada joylashgan $q_3$ zaryadga $F_1$ va $F_2$ kuchlar ta’sir qiladi. *C* nuqtadagi kuchlarni sonlar o‘qidagi yo‘nalishlarini muvozanatda ekanligini hisobga olib 0 ga tenlaymiz; ya’ni $-F_1 + F_2 = 0$ bunda Kulon kuchlarini teng ekanligini hisobga olsak



2-chizma

$$F_1 = k\frac{q_1|q_3|}{(r-x)^2}; \ F_2 = k\frac{q_2|q_3|}{x^2} \qquad (3)$$

formula hosil qilamiz: $$\frac{q_1}{(r-x)^2} = \frac{q_2}{x^2} \qquad (4).$$

Hosil qilingan (3) formuladan $x$ ni topamiz.

$$x = \frac{\sqrt{q_2}}{\sqrt{q_1} + \sqrt{q_2}} \cdot r = \frac{\sqrt{3{,}33 \cdot 10^{-9}}}{\sqrt{1{,}67 \cdot 10^{-9}} + \sqrt{3{,}33 \cdot 10^{-9}}} \cdot 0{,}2 \approx 0{,}12m.$$

Bundan ko‘rinadiki, vektorlarni yo‘nalishi to‘g‘ri topgandan keyin, masalani hisoblash oson kechadi.

Endi e’tiborimizni vektor algebrasi elementlarisiz yechilishi mumkin bo‘lmagan yoki yechilish qiyin bo‘lgan masalalarga qaratamiz.

**3-masala.** Hajmlari teng, zichliklari 3 marta farq qiluvchi 2 ta shar rasmdagidek ipga bog‘langan holatda suvda turibdi. Agar sharlarning hajmlari 10 sm kubdan bo‘lsa, ipning taranglik kuchini toping (*N*), (3-chizma), [3,4].

**Berilgan:**

$\rho_2 = 3\rho_1$

$V = 10sm^3 = 10^{-5}m^3$

$\rho_{suv} = \rho_s = 10^3 \dfrac{kg}{m^3}$

$T - ?.$




3-chizma

**Yechilishi:** Sharlarga ta’sir qiluvchi barcha kuchlarni *T; P; $F_A$*-taranglik, og‘irlik hamda Arximed kuchlarini aniqlaymiz. Parallel qarama-qarshi kuchlarni xossalaridan foydalanamiz va kuchni vektor kattalik ekanligidan foydalanamiz (3-chizma).

Kuchlarni yo‘nalishlarini 3 chizmadagidek shaklga keltirib, birinchi sharni suvga yarmini botib turganligini va ikkinchi sharni esa suvga to‘liq botganligini hisobga olgan holda tenglamalar tuzib ularni birgalikda yechamiz [5].

$$\begin{cases} F_{A1} = \rho_1 + T_1 (7) \\ F_{A2} + T_1 = \rho_2 (8) \end{cases} \Rightarrow \begin{cases} \rho c g \dfrac{V}{2} = \rho c g V + T_1 \\ \rho c g V = \rho_2 g V - T_2 \end{cases},$$

$T_1 = T_2 = T$ hamda $\rho_2 = 3\rho_1$ ekanligini hisobga olsak, $T$-taranglik kuchini topamiz: $\begin{cases} \rho c g V = 2\rho_1 g V + 2T \\ \rho c g V = 3\rho_1 g V - T \end{cases} \begin{vmatrix} -3 \\ 2 \end{vmatrix} \Rightarrow T = \dfrac{\rho c g V}{8} = \dfrac{10^4 \cdot 10^{-5}}{8} = \dfrac{1}{80} = 0{,}0125N,$

Javobi: $T = 0{,}0125N$

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, yuqoridagi masalalarni yechish jarayonida shu narsaga amin bo‘ldikki, fizika va texnika masalalarini yechishda oddiygina klassik formulalarning o‘zi yetarli emasligi ko‘rinib turibdi. 1-masalada kuchlar *OX* va *OY* o‘qlariga proeksiyalandi, ya’ni ikki vektorning skalyar ko‘paytmasidan foydalanildi. Oxirgi ikki masalada bir qancha kuchlar ta’sir qilganligi sababli parallel vektorlarni xossalaridan foydalanmasdan echishning imkoni yo‘q.

**ADABIYOT**

1. Tursunmetov K.A. va boshqalar. “Fizikadan masalalar to’plami”. T.: O’qituvchi, -2003, -46 bet.
2. Usmonov M. Fizikadan savol va masalalar to’plami. T.: Navro’z, -2013, -(62 bet, 296 бет).
3. Гофман Ю.В. Законы, формулы, задачи физики. Киев. 1977, -(Стр 272.).
4. Воробёв И.И., Зубков П.И., Кутузова Г.А., Савченко О.Я. и др. под редакцией О.Я. Савченко. Задачи по физика. Москва, -1981, -(2.12 стр.132).
5. Балаш В.А. Физика масалалари ва уларни ечиш методлари. Т.: -Ўқитувчи,-1987, -(99 бет.).

# БОСИМ ОСТИДА ТАЙЁРЛАНГАН АВТОМОБИЛ ПЛАСТИК ДЕТАЛЛАРИНИНГ МЕХАНИК ХОССАЛАРИНИ ЕЙИЛИШИГА ТАЪСИРИ

**Алматаев Тожибой Орзиқулович- профессор,**
**Алматаев Нозимбек Тожибой ўғли- ассистент,**
**Солиев Бобур- 3 курс талабаси.**
**Андижон машинасозлик институти**

***Аннотация:*** *Мақолада босим остида қуйиш усулининг афзалликлари, жараён ва унинг босқичлари ҳамда зарур тўлдиргичлардан фойдаланиб тайёрланган деталларнинг механик хоссаларини ейилишга таъсири ўрганилган.*

***Калит сўзлар:*** *Босим, детал, пластмасса, харорат, материал, ишқаланиш коэффициенти ейилиш.*

***Аннотация:*** *В статье рассматриваются преимущества метода литья под давлением, процесса и его этапов, а также влияние механических свойств деталей на полненних необходимыми наполнителями на их износ.*

***Ключевые слова:*** *Давление, деталь, пластмасса, температура, материал, коэффициент трение, износ*

***Annotation:*** *The article discusses the advantages of the injection molding method, the process and its stages, as well as the influence of the mechanical properties of parts on filled with the necessary fillers on their wear.*

***Keywords:*** *Pressure, part, plastic, temperature, material, coefficient of friction, wear.*

Маълумки[1-2], деталларни босим остида қуйиш усулида иш унуми юқори бўлиб, у қуйидаги афзалликларга эга: тайёр маъсулотнинг юқори аниқлиги, ҳар қандай мураккабликдаги қисмларни олиш имконияти, шу жумладан, жуда нозик деворлари билан, маҳсулотни механик қайта ишлашга

бўлган эхтиёж минимал, чексиз тайёр маҳсулотлар, арзон нарх-катта партияни ишлаб чиқариш.

Автомобил пластик деталларини босим остида қуйиш усули билан пластик маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёни бир неча босқичларни ўз ичига олади. Уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

-Тайёргарлик ишлари: маҳсулотнинг 3Д моделини яратиш, прототип тайёрлаш, қолипни лойиҳалаштириш, қолип тайёрлаш, синов ўтказиш.

Ҳозирги кунда махсулотнинг 3Д моделини яратиш, прототип тайёрлаш ва қолипни лойиҳалаштириш ишлари Андижон машинаосозлик институтининг “Автомоблсозлик” кафедраси қошида ташкил этилган “Реинжиниринг ва лойиҳалаш” инновацион илмий тадқиқот лабораториясида амалга ошириш имконияти яратилди.

-Тўғридан-тўғри қуйиш: пластмассани босим остида қолипга қуйиш, пластмассани қолипга тенг равишда тақсимлаш, қолипни совутиш ва пластик детални қаттиқлашиши, тайёр маҳсулот. Қолиб совигандан сўнг, тайёр маҳсулотни бериш учун очилади[2, 57]. Тўғридан-тўғри қуйиш жараёни учун термопласт автомадан фойдаланилади.

Қуйида пластмасса материаллардан босим остида тайёрланган автомобил деталларининг ишқаланувчи жуфтликларда ейилишга бардошлик хоссаларини кўриб чиқамиз.

Юқори юклама ва харакат тезликларида полимерларнинг ишқаланиш коэффициентини камайтириш ва ейилишга бардошлигини ошириш учун уларнинг таркибига ҳар хил тўлдирувчилар қўшилади. Бундай қўшимчалар асосан синчловчи, антифрикцион, иссиқлик ўтказувчан, иссиқликка бардошли, ейилишга бардошли қилиш вазифасини бажаради. Масалан, антифрикцион ва ейилишга бардошли тўлдиргичлар сифатида графит, молибден дисульфиди, тальк, металлар оксидлари, каолин, фосфагипс, курим, шиша толаси, асбест ва бошқалар ишлатилади. Полимерларнинг иссиқлик ва электр ўтказувчанлигини ошириш учун мис, альюминий, бронза, темир, курим, графит кукунлари ва бошқалар ишлатилади. Тўлдиргичлар сифатида барча органик ва анорганик моддалар ҳамда ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик чиқиндилари ишлатилиши мумкин[3, 77; 4, 71].

Полимер таркибига тўлдиргичларни алохида-алохида қўшиб зарур хоссаларга эришиш қийин, шунинг учун тўлдиргичларнинг бир нечтасининг аралашмаси ишлатилади. Масалан, полипропилен ва полиэтиленнинг ишқаланиш коэффициенти ва ейилишини камайтириш учун маълум микдорда графит ва тальк, фасфогипс, графит ва қурим, асбест ва тальк каби қўшимчалар аралашмалари ишлатилади.

Термопласт полимерлар(полипропилен ва полиэтилен)ларнинг пўлат билан ишқаланиш коэффициенти f = 0,1-0,4 ва термрреактив(Эпоксид ва фураноэпоксид) ларники f = 0,15-0,35 ва хакозо. Агар унинг таркибига тўлдиргичлар қўшилса хоссалари 2-3 баробар яхшиланади. Автомобилсозлик ва машинасозликда антифрикцион материаллар сифатида фторопласт ва унинг композицияси кенг қўлланилади(1- жадвал)..

1-жадвал

Машинасозлик материалларнинг физик-механик ҳамда фрикцион кўрсаткичлари

| Материаллар | мустахкамлик чегараси, кг/см$^2$ | | ишчи ҳарорати,$^0$С | ишқаланиш коэффициенти |
|---|---|---|---|---|
| | сиқишда | чўзишда | | |
| Термореактив пластмассалар | 800-1000 | - | 250-300 | 0,10-0,40 |
| Термопласт пластмассалар | - | 700-800 | 100-120 | 0,15-0,40 |
| Металлокерамик материаллар | 2500-2800 | - | 300-500 | 0,25-0,40 |

Ҳозирги кунда антифрикцион полимерлар сифатида полиолифенлар полиэтилен ва полипропилен ҳам кўп ишлатилмокда. Улар кислоталарга бардошлидир. Улар ҳам асосан хар хил тўлдиргичли композиция сифатида ишлатилади, уларнинг нисбий ейилиши 2- жадвалда берилган.

2-жадвал

Пластмассаларнинг ишқаланиш коэффициенти ва ейилиши (металл+полимер)

| Материал | ишқаланиш коэффициенти | | нисбий ейилиши |
|---|---|---|---|
| | статик | динамик | |
| Полиамидлар | 0,20-0,25 | 0,25-0,30 | 200 |
| Полипропилен | 0,30 | 0,40 | 2500 |
| Полиэтилен | 0,30 | 0,40 | 340 |

## ХУЛОСА

Ҳозирги кунда шестернялар, манжета, шкив ва шу каби машинасозлик деталларини тайёрлашда полипропилендан фойдаланилади. У кимёвий таъсирга бардошли ва сувда кам бўкади. Ишчи ҳарорати 120-130 $^{0}$С.

Кўпгина шестернялар, втулкалар, муфталар ва бошқалар тайёрлашда полиэтилен ва полипропилен ишлатилади. Улар органик эритувчиларга бардошли бўлади. Ишқаланиш коэффициенти: полипропилен ва пўлат f=0,3-0,35, полиэтилен ва пўлат f = 0,3-0,4. Полимерларни юпка қоплама сифатида қўллаш ҳам мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар


1. Алматаев Н.Т., Шарипов Қ.А., Тўйчиев Х.Т. Автомобил пластик деталларини босим остида тайёрлаш ва унга таъсир этувчи омиллар[Manufacture of automotive plastic parts under pressure and the factors affecting it]. Научный журнал «Universum: технические науки». №3(84). Москва, 2021.
2. Алматаев Т.О, Одилов Х, Алматаев Н.Т, Тухтасинова Г.А. Исследования трибопараметров машиностроительных композиционных полимерных материалов. Украина, 2020.
3. Алматаев Т.О, Шарипов Қ.А, Алматаев Н.Т. Исследование технологических свойств местных полимерных материалов машиностроительного назначения. Научный журнал «Universum: технические науки». №11(80). Москва, 2020.


## NATRIY BENZOAT KONSERVANTI HAQIDA


**Sh.Kirgizov – professor*, k.f.n., D.M.Xatamova –o'qituvchi**.**
***Andijon davlat universiteti, **Farg'ona davlat universiteti**



***Annotatsiya:*** *Ushbu maqolada oziq-ovqat kimyosi muammolarini hal etishda konservantlarning o'rni va natriy benzoat konservanti haqida umumiy tushunchalar yoritilgan.*



***Kalit so'zlar:*** *Konservant, natriy benzoate, xamirturush, mog'or, oziq-ovqat, bakteriya, antimikrobiyal, pH qiymat, kislotalilik, deoksizlangan ionlashgan benzoy kislota.*



***Аннотация:*** *В этой статье обсуждается роль консервантов в решение проблем пищевой химии и общие концепции конверванта бензоата натрия.*



***Ключевые слова:*** *Консервант, бензоат натрия, дрожжи, плесень, продукты питания, бактерии, противомикробные средства, pH, кислотность, раскисленная ионизированная бензойная кислота*



***Annotation:*** *This article discusses the role of preservatives in solving food chemistry problems and the general concepts of sodium benzoate preservative.*

***Keywords:*** *Preservative, sodium benzoate, yeast, mold, food, bacteria, antimicrobial, pH, acidity, deoxidized ionized benzoic acid.*

XXI asrga kelib aholi sonining ortishi hisobiga oziq-ovqat yetishmovchiligi muammosi maydonga chiqdi. Birdaniga va yil davomida axolini oziq-ovqat mahsulotlari bilan uzluksiz ta'minlashning esa iloji yo'q. chunki, ularni saqlashning o'zi katta muammo. Oziq-ovqat mahsulotlarining buzilishiga havodagi kisorod, namlik, yorug'lik va hokazolar bilan birga mahsulotni yemiruvchi mikroorganizmlar va xujayradagi fermentlar ham sabab bo'ladi. Ular oqsillarning parchalanishi, yog'larning gidrolizlanishi, ug'levodlar hosil bo'lishi va hokazolarga olib keladi. Oziq-ovqatlarni uzoq saqlash maqsadida mahsulotlarni sovitish, quritish, pasterizatsiya va sterizatsiya qilish, dudlash kabi usullar bilan bir qatorda konservalashdan ham foydalanishga olib keladi. Garchi bu usullar oziq-ovqat mahsulotining boshlang'ich xolatidan farq qilsada, o'zgarish kam bo'ladi.

Axolisi ko'p va zich joylashgan yirik davlatlar konservalashda kimyoviy moddalardan foydalanib, oziq-ovqat mahsulotlarini saqlash muddatini uzaytirish orqali oziq-ovqat yetishmovchiligi muammolarni hal etishga kirishdilar. Bunga yordam beruvchi moddalar esa konservantlar deb ataldi. Oziq-ovqat qo'shimchalarining hammasi ham sintezlangan kimyoviy moddalar emas, biroq tabiiylari juda kam.

Konservantlar – bu oziq – ovqat buzilishiga sabab bo'luvchi mikroblarning hayot faoliyatini qiyinlashtiradigan va oziq-ovqatlar buzilishining oldini oladigan oziq – ovqat qo'shimchalari sinfidir. Amaliyotda shuni isbotlashdiki, konservantlardan foydalanish - oziq–ovqatning ma'lum bir saqlash muddati cho'zilishi uchun mikrobli infeksiya ko'payishining oldini olishda maqsadga erishishning eng iqtisodiy samarali va oddiy usullardan biridir. [1,66]

Hozirgi vaqtda odamlarning faqat tabiiy taom iste'mol qilishi ancha qiyin, biroq hech kim turli xil kimyoviy moddalarni haddan tashqari oshirib yuborish yoki ochlikdan zaharlanishni hohlamasligi aniq. Oziq-ovqat mahsulotining sifatini aniqlash uchun qanchalik ko'p ma'lumotlar va usullar bo'lsa, sifatli mahsulotni sotib olish imkoniyati shuncha ko'p bo'ladi.

Oziq-ovqatlar qo'shimchalari tabiiygina emas, sintez orqali ham ishlab chiqariladi. Har bir qo'shimchada mahsulotning ishlab chiqarishda hisobga olinishi kerak bo'lgan ruxsat etilgan kunlik dozasi (DSD) mavjud. Undagi kimyoviy moddalar mahsus kodlar orqali belgilanadi. Kodlar lotin alifbosidagi katta "E" harfidan keyin son ko'satiladi va ta'sir doirasiga qarab farqlanadi. E 200 - E 299 konservantlar orasidan oziq-ovqat sanoatida eng ko'p ishlatiladiganlari E - 209, 211-219, 225-228, 230-233, 237, 238, 240, 241, 263, 264, 282, 283lardir.

Bulardan E-211natriy benzoat 1990-yillarda AQSh oziq-ovqat va farmatsevtika idorasi (FDA) tomonidan kashf etilgan. Natriy benzoat natriy gidroksidi yoki benzoy kislotaga natriy bikarbonat qo'shilishi natijasida ishlab chiqarilgan. FDA natriy benzoat askorbin kislotasi (vitamin C) bilan reaksiyaga kirishib, kanserogen benzolni hosil qilish uchun aniqladi. E-211 natriy benzoat oziq-ovqat konservanti sifatida ishlatiladi. Natriy benzoat E-211 butun dunyo bo'ylab havfsiz (GRAS) hisoblanadigan oziq-ovqat saviyasini saqlovchi hisoblanadi. Biroq, qon bosimi, jigarga ta'sir qiladi va vitamin S bilan birgalikda onkologik kasallik qo'zg'ovchi sifatida ham aniq bo'lmagan fikrlar bor. U benzoy kislotasi E-210 va natriy gidroksidni benzoy kislota bilan reaksiyasidan sintezlanadi. [2,60]

Natriy benzoat E-211 xamirturushlarga, mog'orlarga, oziq-ovqat zaharli bakteriyalariga va spora hosil qiluvchi bakteriyalarga qarshi samarali antimikrobiyal ta'sirga ega. Biroq, *clostridia yoki laktik kislota* bakteriyalari kabi oziq-ovqat mahsulotlarini buzadigan bakteriyalarga qarshi samarali emas. Natriy benzoat E-211 pH qiymati 4,5dan yuqori bo'lgan oziq-ovqatlar uchun himoyachi sifatida tavsiya etilmaydi. Eng yaxshi pH qiymati 2,5 ~ 4,0 deb hisoblanadi. Natriy benzoat E-211ning konservant sifatidagi samaradorligi pH kamayib borishida (kislotani oshiradi). Bunga sabab shuki, pH kamayib ketganda deoksizlangan benzoy kislota nisbati ionlashgan benzoy kislotaga oshadi.

Natriy benzoat - benzoy kislotaning natriyli tuzi - sodali benzoat, 2-darajali konservant, 211-qo'riqchi, himoyachi. Natriy benzoat E-211 va kaliy sorbit E-202 odatda 0,5%dan 1,5%gacha konsentratsiyalarda ishlatiladi. Natriy benzoat E-211 odatda 3%dan kam konsentratsiyalarda ishlatiladi. Natriy benzoat kimyoviy sintez bilan ishlab chiqariladi va ishlab chiqarish jarayoni benzoy kislota E-210 va natriy bikarbonat reaksiyasi orqali amalga oshiriladi.[3,47]

Benzoatlarning yoki natriy benzoatning mexanizmini himoya qilish mexanizmi ajralib ketmagan molekulalarga bog'liq bo'lib, ajralmas benzoy kislotasining lipofili kuchli va hujayra membranasidan o'tishi oson bo'ladi, keyin hujayra ichiga kirib borib, mog'or va bakteriyalarga aralashadi va boshqa mikrobial hujayra membranalarining o'tkazuvchanligi, hujayra membranasining aminokislotalarga qarshi yemirilishiga to'sqinlik qiladi. Hujayra ichidagi benzoatlar kislota hujayra ichidagi saqlash va mikroorganizmlardagi respirator fermentlarning faolligini saqlab qolishi mumkin va ular konservativ ta'sirga ega.

Natriy benzoatdan baliq va go'sht mahsulotlarini konservalash va rangi boyligini saqlashda ham foydalaniladi. Bundan tashqari undan o't o'chirish vositalarini tayyorlashda ham foydalaniladi.

## Foydalanilgan adabiyotlar

1. Донченко Л.В., Н.В.Сокол, Е.В.Щербакова, Е.А.Красноселова. Пищевая химия. Добавки. 2-е издание, исправленное и дополненное. Москва. Юрайт. 2018

2. Савочкина И.В.. Пищевые добавки, применяемые в общественном питании. Учебное пособие/– Брянск: Мичуринский филиал ФГБОУ ВО Брянский ГАУ, 2015. – 128 с.

3. Тюрина Л.Е., Н.А.Табаков; Пищевые добавки: учеб. пособие / Л.Е. Тюрина, Н.А. Табаков; Краснояр. гос. аграр. ун-т. – Красноярск, 2008. – 92 с.


# ЮРАК МУСКУЛ ҲУЖАЙРАЛАРИДА RYR2 ФАОЛЛИГИГА БИОЛОГИК ФАОЛ МОДДАЛАРНИНГ ТАЪСИРИ


**Д.М. Юнусов – ўқитувчи*, Г.С. Исмаилова, Г.Т. Каримова- етакчи ўқитувчилар**, Э.Х.Юлдашев- катта ўқитувчи***.**

***Андижон тиббиёт институти, **Андижон ЖСТ, ***АнДУ**



***Аннотация:*** *$[Na^{+}]_{out}$=0 шароитда стимуляциясиз ҳолатда кофеин (20 мМ) папилляр мускул қисқариш кучини назоратга нисбатан 28±4,4% га оширишi тажрибаларда аниқланди. F–14 ва N–14 изохинолин алкалоидлари инкубацияси шароитида кофеин (20 мМ) таъсирида юзага келтирилган қисқариш кучи амплитудаси назоратга нисбатан камайтириши аниқланди. Ушбу изохинолин алкалоидларнинг манфий инотроп таъсири СР да $Ca^{2+}$ ионлари концентрацияси камайишидан далолат беради.*



***Калит сўзлар:*** *папилляр мускул, саркоплазматик ретикулум, изохинолин алкалоид.*



***Аннотация:*** *В экспериментах $[Ca^{2+}]_{out}$= 0 было обнаружено, что кофеин (20 мМ) в нестимулированном состоянии увеличивает сокращение папиллярных мышц на 28±4,4%. F-14 и N-14 изохинолиновые алкалоиды изовыявили снижение амплитуды кофеина (20 мМ) под контролем инкубации относительно контроля. Инотропный эффект этих изохолиновых алкалоидов свидетельствует о снижении концентрации ионов $Ca^{2+}$ в СР.*



***Ключевые слова:*** *папиллярная мышца, саркоплазматический ретикулум, изохинолиновый алкалоид.*



***Annotation:*** *In the experiments $[Ca^{2+}]_{out}$=0, it was found that caffeine (20 mM) in the unstimulated state increases the contraction of papillary muscles by 28 ± 4.4%. F-14 and N-14 isoquinoline alkaloids revealed a decrease in the amplitude of caffeine (20 mM) under the control of incubation relative to the control. The inotropic effect of these isocholine alkaloids indicates a decrease in the concentration of $Ca^{2+}$ ions in the CP.*



***Key words:*** *papillary muscle, sarcoplasmic reticulum, isoquinoline alkaloid.*

Кўпгина кардиоваскуляр патологиялар СР $Ca^{2+}$–транспорт тизимлари (RyR2, SERCA2a) функционал фаоллиги бузилиши билан боғлиқ. Шунинг учун БФМ ларнинг $Ca^{2+}$ динамикасига таъсирини ўрганиш патологик шароитда фармакологик коррекциялаш усулларини ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан долзарб аҳамиятга эга [**Meyer** et al., 2001].

Кардиомиоцитларни қўзғалиш механизмида RyR2 муҳим роль ўйнаши ва цитозолда $[Ca^{2+}]_{in}$ қийматини ортишини таъминлайди. Шунинг учун навбатдаги тажрибаларда ўрганилган F–14, N–14 изохинолин алкалоидларининг RyR2 фаоллигига таъсирини таҳлил қилдик.

**Материал ва методлар.** Тажрибалар оқ, зотсиз каламушлар (200–250 гр.) юраги ўнг қоринчасидан ажратиб олинган ҳамда махсус тажриба камерасига жойлаштирилган папилляр мускул препаратларида (диаметри 0,5–0,8 мм, узунлиги 1–3 мм) олиб борилди. Перфузиялаш учун қуйидаги таркибдаги Кребс эритмасидан фойдаланилди (мМ): NaCl–118; KCl–4,7; $CaCl_2$–2,5; $MgSO_4$–1,2; $KH_2PO_4$–1,1; глюкоза–5,5; $NaHCO_3$–25, pH–7,4. Эритмалар 35°С ҳароратда карбоген ($O_2$ – 95%, $CO_2$ – 5%) билан оксигенланган. Папилляр мускул препарати тажриба камерасига маҳкамланди ва иккинчи учи билан F30 изометрик датчиги (Hugo Sachs, Германия) илгагига боғланди. Мускул препарати ЭСЛ–2 стимулятори ва Pt–электродлар ёрдамида 0,5 Гц частотада, 10 мс давомийликдаги, поғона даражасидан 20% ортувчи ток кучи билан қўзғатилди. Мускуллар қисқаришини изометрик режимда кучайтиргич (ТАМ–А *Hugo Sachs Elektronik*, Германия) ва TZ 4620 самописеци (Чехия) ёрдамида қайд қилинди. Олиб борилган тадқиқотларни OriginPro 7.5 (*OriginLab Corporation*, США) статистик дастур асосида таҳлил қилинди.

**Тадқиқотнинг мақсади.** F–14, N–14 изохинолин алкалоидларининг саркоплазматик ретикулум $Ca^{2+}$–транспорт тизимларига (RyR2) таъсирини таҳлил қилишдан иборат.

**Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили.** Бунда дастлаб, RyR2 активацияси орқали таъминланувчи [Dibb et al., 2007], кофеин ёрдамида юзага келтирилган мускулнинг қисқариш кучига изохинолин қатори алкалоидларининг таъсири ўрганилди.

Кофеин (20 мМ) стимуляциясиз шароитда СР дан RyR2 орқали $Ca^{2+}$ чиқиши активацияси ҳисобига фазали якка қисқаришни келтириб чиқаради. Изометрик шароитда папилляр мускул препаратининг стимуляция частотасини тўхтатиш давомида инкубация муҳитига кофеин (20 мМ) қўшилиши таъсирида юзага келувчи якка қисқариш амплитудаси RyR2 орқали СР дан $Ca^{2+}$ ионлари билан боғлиқ бўлиб, $[Ca^{2+}]$СР миқдорини баҳолаш имконини беради. Ушбу шароитда ~15 мин. дан кейин 30 сек.

давомида тиним вақтида ПРП кузатилмайди, бу ҳолат кофеин (20 мМ) таъсирида [Ca2+]СР тўлиқ цитозолга чиқиши билан изоҳланади [Bouchard, 1990].

Шунингдек, $[Na^+]_{out}$=0 ҳолатда $Na^+/Ca^{2+}$–алмашувчининг функционал фаоллиги сусаяди ва диастола вақтида $[Ca^+]_{in}$ асосан SERCA2a ёрдамида меъёрийлаштирилади, бунда $[Ca^+]_{in}$ концентрацияси ортиб боради ва секин амалга ошувчи қисқариш юзага келади [Park et al., 2007].

Кофеин (20 мМ) таъсирида юзага келтирилган $[Ca^{2+}]$in концентрацияси ортиши $Na^+/Ca^{2+}$–алмашувчи функцияси орқали меъёрийлаштирилади [Maier et al., 2005] ва инкубация муҳитида $[Na^+]_{out}$=0 шароитда $Na^+/Ca^{2+}$–алмашувчининг $Ca^{2+}$ ионларини ҳужайрадан ташқарига ташиш функцияси блокланади ва ўз навбатида, кофеин (20 мкМ) таъсири шароитда $[Ca^{2+}]_{in}$ концентрацияси ва қисқариш кучи амплитудаси барқарор ҳолатда сақланади.

Тажрибаларда $[Na^+]_{out}$=0 шароитда стимуляциясиз ҳолатда кофеин (20 мМ) папилляр мускул қисқариш кучини назоратга нисбатан 28±4,4% га ошириши аниқланди. F–14 (40 мкМ), N–14 (30 мкМ) изохинолин алкалоидлари инкубацияси шароитида кофеин (20 мМ) таъсирида юзага келтирилган қисқариш кучи амплитудаси назоратга нисбатан мос равишда – 18±3,7% ва 35,6±4,1% га камайиши аниқланди.

Хулоса. Олинган натижалар F–14, N–14 изохинолин алкалоидларининг манфий инотроп таъсири шароитида СР да $Ca^{2+}$ ионлари концентрацияси камайишидан далолат беради

**Адабиёт:**


1. Meyer M., Trost S.U., Bluhm W.F., Knot H.J., Swanson E., Dillmann W.H. Impaired sarcoplasmic reticulum function leads to contractile dysfunction and cardiac hypertrophy // Am. J. Physiol. Heart Circ. Physiol. – 2001. – V.280(5). – P.H2046–H2052.
2. Dibb K.M., Eisner D.A., Trafford A.W. Regulation of systolic [Ca2+]in and cellular Ca2+ flux balance in rat ventricular myocytes by SR Ca2+, L–type Ca2+ current and diastolic [Ca2+]in // J. Physiol. – 2007. – V. 585(2). – P.579–592.
3. Bouchard R.A. Effegts of changes in the rate and rhythm of stimulation on excitation–contraction coupling in mammalian ventricular muscle // A Thesis Presented to the University of Manitoba ln partial fulfillment of the requirements for the degree of doctor of philosophy (Canada). – 1990. – P.280.
4. Park W.K., Kim M.H., Ahn D.S., Chae J.E., Jee Y.S., Chung N., Lynch C. Myocardial depressant effects of desflurane mechanical and electrophysiologic actions in vitro // Anesthesiology. – 2007. – V.106. – P.956–966.

5. Maier L.S., Wahl–Schott C., Horn W., Weichert S., Pagel C., Wagner S., Dybkova N., Müller O.J., Näbauer M., Franz W.–M., Pieske B. Increased SR Ca2+ cycling contributes to improved contractile performance in SERCA2a–overexpressing transgenic rats // Cardiovasc. Res. – 2005. – V.67(4). – P.636–646.

## АЙРИМ ИЗОХИНОЛИН АЛКАЛОИДЛАРНИНГ ИНОТРОП ФАОЛЛИГИНИНГ ТАЪСИР МЕХАНИЗМИНИ ЎРГАНИШ

**Д.М. Юнусов – ўқитувчи*, Г.С. Исмаилова, Г.Т. Каримова- етакчи ўқитувчилар**, Э.Х.Юлдашев- катта ўқитувчи***.**
***Андижон тиббиёт институти, **Андижон ЖСТ, ***АнДУ**

***Аннотация:****Кардиомиоцитлар функционал фаоллигида аденилатциклаза (АЦ) ва протеинкиназа А (ПКА) тизими муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. F-24, N-14, F-14 алкалоидларнинг манфий инотроп таъсири текширилганда АЦ га эхтимоллиги текширилди. Бунда N–14 ва F–14 алкалоидларнинг манфий инотроп таъсири АЦ фаоллиги модуляцияси билан боғлиқлиги аниқланди.*

***Калит сўзлар:*** *папилляр мускул, саркоплазматик ретикулум, изохинолин алкалоид.*

***Аннотация:*** *Система аденилатциклаза (АЦ) и протеинкиназа А (ПКА) играют важную роль в функциональной активности кардиомиоцитов. Алкалоиды F-24, N-14, F-14 были исследованы на вероятность АЦ при оценке отрицательного инотропного эффекта. Установлено отрицательное влияние алкалоидов N-14 и F-14 на модуляцию активности АЦ.*

***Ключевые слова:*** *папиллярная мышца, саркоплазматический ретикулум, изохинолиновый алкалоид.*

***Annotation:****The adenylate cyclase (AC) system and protein kinase A (PCA) play an important role in the functional activity of cardiomyocytes. Alkaloids F-24, N-14, F-14 were investigated for the probability of AC when evaluating the negative inotropic effect. The negative effect of alkaloids N-14 and F-14 on the modulation of AC activity has been established.*

***Key words:*** *papillary muscle, sarcoplasmic reticulum, isoquinoline alkaloid.*

Бугунги кунда кардиоваскуляр тизим касалликларини даволаш ва олдини олишда эришилган ютуқларга қарамасдан, дунёнинг турли мамлакатларида ушбу касалликлар ўлим сабаблари орасида етакчи ўриндалиги давом этмоқда. Изохинолин алкалоидлар асосида кўп сонли фармакологик воситалар кенг спектрдаги терапевтик самаралари билан тавсифланади. Ушбу структура асосида тиббиёт амалиётида гипотензив, спазмолитик ва яллиғланишга қарши кенг қўланиладиган бензоилизохинолин

алкалоидларнинг турли хил ҳосилалари ётади. Шунинг учун, турли касалликларни, юрак – қон томир тизими касалликларини даволаш учун янги изохинолин ҳосилалари синтез қилиш замонавий фармакология ва тиббиётнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Жумладан, изохинолин алкалоидлар юрак–қон томир тизими касалликларида антиаритмик ва кардиотроп таъсир кўрсатиши аниқланган [Zaima et al., 2012]. Шу сабабли, тадқиқотларнинг навбатдаги босқичида айрим изохинолин алкалоидларининг инотроп таъсир механизмларига аниқлик киритиш амалга оширилди.

**Тадқиқот мақсади.** F-24, N-14, F–14 алкалоидларнинг инотроп таъсирида АЦ (аденилатциклаза) нинг эҳтимолликдаги иштирокини ўрганиш.

**Материал ва методлар.** Тажрибалар каламуш юраги ўнг қоринчасидан ажратиб олинган ҳамда махсус тажриба камерасига жойлаштирилган папилляр мускул препаратида олиб борилди. Мускул препарати бир учи тажриба камерасига ва иккинчи учи билан F30 изометрик датчиги (Hugo Sachs, Германия) илгагига боғланди. Кребс эритмаси билан перфузияланди. (Кребс эритмаси (мМ): NaCl–118; KCl–4,7; $CaCl_2$–2,5; $MgSO_4$–1,2; $KH_2PO_4$–1,1; глюкоза–5,5; $NaHCO_3$–25, pH–7,4). Эритмалар 35°C ҳароратда карбоген ($O_2$ – 95%, $CO_2$ – 5%) билан оксигенланган. Мускул препарати ЭСЛ–2 стимулятори ва Pt–электродлар ёрдамида 0,5 Гц частотада, 10 мс давомийликдаги, поғона даражасидан 20% ортувчи ток кучи билан қўзғатилди. Мускуллар қисқаришини изометрик режимда кучайтиргич (ТАМ–А) ва TZ 4620 самописеци ёрдамида қайд қилинди.

**Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили.** Дастлабки тажрибаларда изохинолин алкалоидлари – F-24 (10-60 мкМ), F-14 (5-40 мкМ) ва N-14 (5-30 мкМ) каламуш юраги папилляр мускули қисқариш фаоллигига манфий инотроп таъсир кўрсатиши ва қисқариш кучини мос равишда – 92,4±6,4% ($IC_{50}$=15.1 мкМ), 66.3±2.9% ($IC_{50}$=23.9 мкМ) ва 72.4±3.7% ($IC_{50}$=18.6 мкМ) га камайтириши аниқланди.

Юқорида таъкидланганидек, инотроп таъсир юзага келишида кардиомиоцитларда $[Ca^{2+}]_{in}$ миқдори ўзгариши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади [Schwinger et al., 2000; Heubach et al., 2002]. Навбатдаги тажрибаларда F-24, N-14, F–14 алкалоидларнинг инотроп таъсирида АЦ (аденилатциклаза) нинг эҳтимолликдаги иштироки ўрганилди. Бунда F–24 ($IC_{50}$=15,1 мкМ), F-14 ($IC_{50}$=23.9 мкМ) ва N-14 ($IC_{50}$=18.6 мкМ) инкубацияси шароитида форсколиннинг ($EC_{50}$=6.3 мкМ) мусбат инотроп таъсири мос равишда – 8,1±2,4%, 39,3±6,4% ва 87,6±5,2% га камайиши аниқланди.

**Хулоса.** Олинган натижалар N–14 ва F–14 алкалоидларнинг манфий инотроп таъсири АЦ фаоллиги модуляцияси билан боғлиқлигини кўрсатади.

**Адабиёт:**


1. Zaima K., Takeyama Y., Koga I., Saito A., Tamamoto H., Azziz S.S., Mukhtar M.R., Awang K., Hadi A.H., Morita H. Vasorelaxant effect of isoquinoline derivatives from two species of *Popowia perakensis* and *Phaeanthus crassipetalus* on rat aortic artery // J. Nat. Med. – 2012. – V.66(3). – P.421–427.

2. Schwinger R.H., Pietsch M., Frank K., Brixius K. Crataegus special extract WS 1442 increases force of contraction in human myocardium cAMP–independently // J. Cardiovasc. Pharmacol. – 2000. – V.35. – P.700–707.
3. Heubach J.F., Rau T., Eschenhagen T., Ravens U., Kaumann A.J. Physiological antagonism between ventricular β1–adrenoceptors and α1–adrenoceptors but no evidence for β2– and β3–adrenoceptor function in murine heart // British Journal of Pharmacology. – 2002. – V.136. – P.217–229.


# УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИ ЎҚУВЧИЛАРИДА МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИ ЎРГАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ


**М. Холиқова – магистрант, А.Запаров - профессор, М.Шомирзаев - Dsc.**
**Андижон давлат университети, Термиз давлат университети**



***Аннотация:*** *Ушбу мақолада умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида миллий ҳунармандчиликни ўрганишга бўлган педагогик-психологик имкониятлар ишлаб чиқилган.*



***Калит сўзлар****: Халқ ҳунармандчилиги, амалий ва бадиий безак санъати, миллий ҳунармандчилик, Технология таълими, ахборот технологиялари, компьютер саводхонлиги, ахборот муҳити.*



***Аннотация:*** *В данной статье разработаны педагогические-психологические возможности изучечния национального ремесленничества учениками средних общеобразовательных школ .*



***Ключевые слова:*** *Народное ремесленничество, прикладное и художественное искусства, национальное ремесленничество, Технологическое обучение, информационные технологии, компьютерная грамотность, информационная среда.*


Умумтаълим мактабларида Халқ ҳунармандчилигини ўрганиш ўқувчиларда бадиий-эстетик дидни, меҳнатсеварликни ривожлантиришга ва

қатор фойдали кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга хизмат қилади, уларнинрг ижодий қобилиятларини аниқлаш ва ўстиришга ёрдам беради.

Ўқувчилар бу соҳани мукаммал эгаллашлари учун, энг аввало, халқ ҳунармандчилиги жараёни билан яқиндан танишишлари мақсадга мувофиқ.

Умумтаълим мактабларида амалий ва бадиий безак санъатини ўқитишнинг аҳволини ўрганиш билан бирга уни амалиётда қўллаш методикаси тажриба-синов ишлари жараёнида амалга оширилади. Ташкилий ва методик тайёргарлик ишларини бажариш мақсадида педагогик тажриба-синов ишларининг самарасини кафолатлайдиган режа ишлаб чиқилди. Бунда тажриба-синов ишларини сифатли амалга оширишга имкон берадиган тажриба-синов майдонлари, бу жараёнда иштирок этувчи синов ва назорат синфлари белгиланди ҳамда тажриба-синовга тақдим этиладиган дидактик мажмуа (дарс ишланмалари, ўқитувчилар учун методик кўрсатмалар, анкеталар ва ҳ.к.) ишлаб чиқилди.

Умумтаълим мактаблари ўқитувчилари нафақат фан асосларини, балки ахборот технологияларини ҳам эгаллаган бўлишлари, ўзларининг педагогик маҳоратларини тўхтовсиз ошириб боришлари талаб этилади. Ана шу мақсадда:

ўқитувчиларнинг халқ ҳунармандчилигидан назарий ва амалий машғулотларни ўтишда ахборот технологияларининг таълим тараққиётида ҳаракатланувчи куч эканлиги; замонавий педагогик технологияларнинг тарихий тараққиёт босқичлари; хорижий мамлакатлар таълим тизимида қўлланиб келинаётган интерфаол методлар; замонавий педагогик технологияларнинг миллий ҳунармандчиликка оид машғулотларда қўлланиш имкониятлари; халқ миллий ҳунармандчилиги машғулотларида ахборот – коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш, уни амалиётда қўллаш йўллари; ўқувчиларнинг билими, кўникма ва малакалари ҳамда ижодий иш натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш йўналишлари бўйича билимларини аниқлаш зарур.

Маълумки, таълим-тарбия самарадорлигига эришиш йўлида ўқитувчи ўқувчиларнинг билим олиш мотивларига бефарқ қараши асло мумкин эмас. Чунки билим эгаллашга бўлган муносабат ўқувчининг танланган касбига бўлган қизиқиши билан уйғунлашиб кетади. Шунга кўра, ўқувчининг халқ миллий ҳунармандчилигига бўлган қизиқиш мотивларига асосий эътибор қаратилди.

Педагогик тажриба-синов жараёнида ўқувчининг нақш композициялари тузиш учун дастлабки билими, кўникма ва малакаларини билиш мақсадида ўтказган суҳбатларимиз ва анкета саволларидан олган

жавобларидан маълум бўлдики, деярли 75% ўқувчида келажакда каштачилик санъатини эгаллаш хоҳиш-истаклари мавжуд.

Психологик жиҳатдан ўқувчиларда миллий ҳунармандчиликни ўрганишга бўлган қизиқишни шакллантиришда мустақил билимларни ўзлаштириш, ижодий фаолиятга киришиш, нақш композицияларини тузишда мантиқий фикрлаш, қўйилган муаммо ечимини топишга ўргатиш кабилар муҳим ҳисобланади. Бунда ўқувчиларда мустақил таълим эгаллаш йўлида ўз олдига янги талаблар қўя бошлайди. Бу жараён ўз-ўзини тарбиялаш заминида амалга ошади. Ана шунда таълим ижтимоий бурч даражасига кўтарила боради. Чунки таълим ўқувчини меҳнатга, касбий фаолиятга тайёрловчи омил вазифасини бажаради.

Тадқиқий кузатувлар асосида ўқувчиларнинг дастлабки бир ой давомидаги каштачилик ҳунарига бўлган қизиқиш мотивларини алоҳида ўрганиб чиқдик. Бу жараён икки йўналишда ўз ифодасини топди. Биринчиси – “янги жамоа”ни аста-секинлик билан ўзаро танишувидан иборат бўлиб, “жамоа” орасида фаолларнинг кўзга ташланиши, айниқса, каштачилик сирларидан тўла ёки бир оз хабардор бўлган ёш йигит ва қизлар оз бўлса-да, ўзларининг мазкур соҳа борасида амалий тажрибалари билан ажралиб турганлар, иккинчиси кимнингдир маслаҳатига кўра, ўқишга қабул қилинган ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги фаолиятлари ўрганилди.

Олиб борилган тадқиқий кузатувлар ижтимоий долзарб масалани талаблар даражасида эмаслигини кўрсатди. Бундай ёндашув асосида салбий омилларнинг шаклланиши ўқувчида дастлабки нотўғри тушунчаларни келтириб чиқариши мумкин.

Ҳозирги ёшларнинг илмий ва ижодий дунёқараши анча кенг бўлиб, буни уларнинг келажакда ким бўлиш ва касб танлаш мотивларидан ҳам билса бўлади. Айниқса, жамиятга фойда келтириш, танлаган касби бўйича уни давом эттириш, ўрганган касбини ёшларга ўргатиш, жамиятда шаклланиб келаётган ёшларнинг амалий санъатга бўлган қизиқишини ўз вақтида аниқлаб, унга тегишли ёрдам ва шарт-шароитлар яратиб бериш, ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Халқ ҳунармандчилиги турларини мукаммал эгаллаган шахснинг шарафли, масъулиятли ва жамият ривожида тутган ўрнини англаб етган шахс келажакда адашмайди. Чунки у жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий-тарбиявий ривожи ўсиб келаётган авлод қўлида эканлигини касб бурчи нуқтаи назардан таҳлил эта олади. Айниқса, ҳаётимни халқ ҳунармандчилигига бағишлаш орзусидаман деган ўқувчилар халқ миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришдек эзгу ишга ўз ҳиссаларини қўшиш истагида эканликларини билдиришдилар.

Тадқиқий кузатувларимизнинг кўрсатишича, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, умумтаълим мактабларида қуйидаги вазифаларнинг ҳал этилиши биринчи даражали аҳамият касб этади:

ўқувчиларнинг касб танлашида методик кўрсатма ва маслаҳатлар беришни кучайтириш; фан ўқитувчиларининг миллий ҳунармандчиликдан ўқув-методик ишларини режалаштириш; таълим жараёнининг илғор усулларидан, ўқитишнинг ташкилий шакллари ва воситаларидан оқилона фойдаланиш асосида ўқувчиларга миллий ҳунармандчиликдан таълим беришда инновацион методлардан фойдаланиш; таълим-тарбия жараёнининг мантиқий уйғунлигини ошириш, миллий ҳунармандчилик дарслари дастурий материалларнинг такрорланишига йўл қўймаслик, уларнинг мантиқий кетма-кетлиги, изчиллиги, узлуксизлиги ҳамда узвийлигини бўлажак миллий ҳунармандчилик усталарининг назарий билими, амалий кўникма ва малакаларини ривожлантириш нуқтаи назаридан таъминлаш; бўлажак халқ ҳунармандчилиги усталарининг мустақил таълим олиш фаолиятига методик раҳбарлик қилишни режалаштириш, такомиллаштириш, назорат қилишнинг оқилона шаклларини ишлаб чиқиш; технология таълими жараёнини зарур жиҳозлар, жумладан, техник ва кўргазмали воситалар, шунингдек, нақш композицияларини ишлашда компьютер дастурларидан фойдаланишни йўлга қўйиш; умумтаълим мактабларида технология фанидан халқ ҳунармандчилиги машғулотларида ўқувчиларнинг онги ва тафаккурини ривожлантириш, назарий билими, амалий кўникма ва малакаларини шакллантириш ўқувчилик бурчи ва мажбуриятларини англаб етишни ўргатиб боришда таълим-тарбиянинг турли метод ва воситаларидан кенг қамровда фойдаланишни назарда тутиш; ҳар бир дарс аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда, пухта режалаштирилган бўлиши, унинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларининг аҳамияти, дарс босқичлари, кўргазмали материаллардан фойдаланиш, ғоявий, мафкуравий мазмунига мос келиши, назариянинг амалиёт билан узвийлиги, кўргазмали воситалар билан жиҳозланиши, ўзига мос усул, метод ва воситалардан самарали фойдаланилган ҳолда ташкил этилиши, ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро фаол муносабатда бўлиши ҳисобга олиниши зарур.

Ўқувчиларни миллий ҳунармандчиликка ўргатишда таълимнинг замонавий методларидан фойдаланишга муҳим аҳамият берилган. Ўқувчиларда ўтилаётган мавзуга нисбатан қизиқиш уйғотиш, назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш, мавзуга оид дидактик ва тарқатма материалларни якка ва гуруҳ ҳолида ўзлаштириб олишлари учун суҳбат-мунозара ташкил этиш, тарқатма ва дидактик материаллар тайёрлаш кабиларнинг бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойиҳалаштирил-

ган ва кафолатланган натижа беришга қаратилган педагогик жараёнлар ишлаб чиқилган бўлиши керак.

Технология таълими жараёнида ахборот технологияларини қўллашнинг ўрни ва аҳамиятини изоҳлаб бериш, бўлажак технология таълими ўқитувчисини тайёрлашда умумкасбий фанларни ахборот технологиялари асосида ўқитишнинг дидактик имкониятлари, замонавий ўқитиш технологиялари ва воситалари асосида умумкасбий тайёргарлик фанларини ўқитишнинг концептуал асослари, умумкасбий тайёргарлик фанларини ўқитишда бўлажак технология таълими ўқитувчисини касбий тайёрлаш мазмуни ва унинг мантиқий-тузилмавий схемаси изоҳлаш таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ўқувчиларни ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланишга касбий тайёрлашнинг асосий йўналишлари аниқланди ва модели ишлаб чиқилди: ўқувчиларни педагогик фаолият жараёнида АТларидан фойдаланишга тайёрлаш ҳолати ўрганилиб, уларнинг технология таълими жараёнида ўқитишнинг ахборот технологияларини қўллаш кўникмалари ташхис қилинди.

Педагогик адабиётлар таҳлили асосида ва ўқувчининг касбий фаолиятида ахборот технологиялардан фойдаланиш талабларидан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот давомида қуйидаги мезонлар ажратиб кўрсатилди: мотивация ва касбий фаолиятда ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича билимларнинг эгалланганлик даражаси; ўқувчи ўқув фаолиятида ахборот технологиялардан фойдаланишда ижодкорлик кўникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражаси.

Технология таълими жараёнида ўқувчиларнинг ахборот технологияларидан фойдаланиш тузилмаси схемаси ишлаб чиқилди (1-расм). Технология таълими жараёнида ўқувчиларнинг ахборот технологияларидан педагогик тузилмасининг мақсад компоненти (жамиятнинг рақобатбардош технология таълими ўқитувчисини тайёрлашга ижтимоий буюртмасига кўра, Ўзбекистон Республикаси олий касбий таълимнинг ДТСлари асосида технология таълими ўқитувчисини ахборот технологиялари асосида тайёрлаш ва натижасини аниқлаш, ташкилий компоненти (вазифалар, таълим метод ва шакллари, таълим тамойилларини аниқлаш ва ишлаб чиқиш), мазмуний компоненти ("Халқ ҳунармандчилиги" фани бўйича ишлаб чиқилган дастурлар асосида – инновацион, компетенциявий, интегратив, шахсий-фаолиятли ёндашувларни қўллаб, амалий машғулотларни ташкил этиш орқали ўқувчилар фаолиятининг вариативлиги, субъективлиги, ижодий индивидуаллигини, шахсий имкониятларни ривожлантириш) дан иборат.

Илмий-тадқиқот ишларини ўрганиш натижасида амалий педагогик тажрибадан келиб чиқиб, бўлажак технология таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ИТНларидан фойдаланишнинг педагогик тузилмаси схемаси ва натижасини ташхис қилиш модели ишлаб чиқилди.

Технология фанини ўқитишда ўқувчиларнинг ахборот технология-ларидан турли даражадаги вазифаларни бажаришлари орқали амалга оширилди. Вазифаларни бажаришда фаолиятнинг хусусиятига қараб, ахборот технологиялар асосида касбий, педагогик кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг тўрт (интутив, репродуктив, продуктив, ижодий) даражаси белгиланди.

Технология фанини ўқитиш ўқувчиларнинг ахборот технологияларига қизиқиши тузилмаси илмийлик, узвийлик, кетма-кетлик, кўргазмалилик, фаоллик, фанлараро алоқадорлик тамойилларига асосланган, шунингдек, таълим натижасини аниқлаш учун баҳолаш мезонлари аниқланиб олинди.

Эксперт баҳолаш мезонларини белгилаш ва уларнинг объективлик, интегративлик, қайтар алоқа ўрнатиш, психологик мослашувчанлик каби ташкилий-функционал имкониятларини тизимлаштириш орқали бўлажак технология фани ўқитувчиларининг касбий фаолиятга тайёргарлик даражасини педагогик ташхис қилиш методлари (дарсни специфик таҳлил қилиш, ижодий топшириқ, амалий ишлар) такомиллаштирилди.

Ўқувчиларда касбий билим, кўникма ва малакаларни АТлари асосида шакллантириш жараёни вазиятни яратишда мазкур педагогик жараён иштирокчилари, яъни бўлажак технология фани ўқитувчилари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, унинг таркибий қисмлари мазмуни, компьютерни ўқувчининг фаолияти объекти сифатида жалб этиш ҳолатлари кузатилди. АТлари асосида ўқитишда ўрганилаётган педагогик ҳодиса ёки жараённинг ахборот модели ўқувчи фаолиятининг объекти ҳисобланади.

Ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни АТлар асосида шакллантириш педагогик таъминотининг зарурий шарти педагогнинг мазкур жараёнга тайёрлиги ҳисобланади. Ўқитувчи халқ ҳунармандчилиги ўқув фанини АТлардан фойдаланган ҳолда ўрганиш асосига методик тизим билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш дастурига эга бўлиши керак.

Умумтаълим мактабларида технология таълими йўналишлари битирувчилари Малака талаблари ва уларнинг касбий-педагогик тайёргарлик даражаларини ташхислашнинг таҳлилий, лойиҳалаш ва педагогик прогностик компонентлари функцияларини интенгратив мувофиқлаштириш асосида бўлажак технология таълими ўқитувчиларини АТлари асосида тайёрлашнинг концептуал асоси мазмуни такомиллаштирилди.

**Адабиёт**

1. Абдуллев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. - Т.: Янги аср авлоди, 2005. -Б. 214-215.
2. Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. -Тошкент: Меҳнат, 1991. -Б. 9
3. Гончарова П.А. Бухоро Зардўзлик санъати. -Тошкент: Ўзбекистон, 1986. -121 б.
4. Гюль Э. Жойнамоздаги рамзлар. // Халқ талими. –Тошкент. -1993. -5-сон. - Б.23.
5. Жаббаров И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. Монография. -Тошкент: Ўқитувчи, 2004. –Б. 13.
6. Йўлдошев Ж. Ғ. Таълимга инновацион ёндашув. // Халқ талими. – Тошкент. -2014. -3-сон. - Б.14.
7. Karimov I. Mehnat ta’limida o‘quvchilar ijodkorlik faoliyatini tashkil etishning uyg‘unlashgan texnologiyalari: Monografiya, uslubiy yo‘nalish. –T.: “Adabiyot uchqunlari”, 2015. – B. 66
8. Қўйсинов О.А., Шарипов Ш.С., Арипов М., Бегимқулов У. ва.б. Билим олишнинг интеллектуал тизимини ишлаб чиқиш назарияси ва амалиёти. Монография. Т.: “Фан”, 2011. -14 б.

# ИННОВАЦИОН ЁНДОШУВ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА ТЕХНОЛОГИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТЛАРИ

**Д. Холмирзаева – магистрант, А.Запаров – профессор, Л.Зарипов - PhD.**
**Андижон давлат университети, ЎзР ОЎМТВ**

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада инновацион ёндошув асосида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантиришнинг педагогик шартлари ишлаб чиқилган.*

***Калит сўзлар:*** *Инновация, инновацион жараёнлар, инновацион таълим, инновацион технологиялар, Технология таълими, ахборот технологиялари, компьютер саводхонлиги, ахборот муҳити.*

***Аннотация:*** *В данной статье разработаны педагогические-психологические возможности изучечния национального ремесленничества учениками средних общеобразовательных школ .*

***Ключевые слова:*** *Инновация, инновационные процессы, инновационное обучение, инновационные технологии, информационные технологии, компьютерная грамотность, информационная среда.*

Жамиятда таълим ролининг ўзгаришини кўп жиҳатдан инновацион жараёнлар белгилаб беради. Мактаб таълимини замонавий нуқтаи назардан инновацион ривожлантириш, юзаки қараганда анча осон туюлади, аммо бу

анча мураккаб иш бўлиб бунда “янги”, “янгилик”, “инновация”, “инновацион жараёнлар”, “инновацион таълим”, “инновацион технологиялар” каби тушунчаларни заонавий нуқтаи назардан пухта ўзлаштириш ва уларга таяниш зарур бўлади.

Республикамизда амалга оширилаётган чуқур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар мамлакат ва жамият ҳаётидаги, таълим соҳасидаги инновацион ёндашувлар билан узвий боғлиқ. Инновацион ёндашувлар бўлажак мутахассисларни инновацион фаолиятга тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади.

Инновацион технологиялар – бу ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро таъсирлашишининг принципиал жиҳатдан янги услуб ва методлари бўлиб, улар педагогик фаолиятда самарали натижаларга эришишни таъминлайди[1].

Ривожланиш инсон фаолиятининг ажралмас таркибий қисмидир. Инсон тажриба тўплагани сари ўз фаолияти услублари ва методларини такомиллаштиради, ақлий имкониятларини кенгайтиради ҳамда доимий равишда ўзи ҳам ривожланиб боради. Бу инсоннинг ҳар қандай фаолиятига, жумладан, педагогик фаолиятга ҳам тегишлидир. Дастлаб илмий тадқиқот ишимизнинг мавзусига доир “таълим” ва “инновация” атамалари мазмунига эътибор қаратамиз.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да кўрсатилишича, инновация тушунчаси қуйидаги маъноларни англатади: “Инновация (инглизча innovation – киритилган янгилик, ихтиро) –1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар; 2) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланиши”[2].

Ҳар қандай янгилик жамиятдаги ўзгаришлар туфайли ва илмий техника тараққиётининг мантиқий давоми сифатида пайдо бўлади. Фаолият соҳаларида янгиликлар бўлиши муқаррар. Илмий техника тараққиёти корхона ва ташкилотларнинг меҳнат фаолиятида муҳим ўзгаришларни тақозо этади.

Ўқитувчи инновацион ёндашув асосида ўқувчиларни технологик компетенциясини шакллантириш учун, энг аввало, педагогик инновациялар тўғрисида тушунчага эга бўлиши керак. Педагогик инновацион жараёнлар Ғарб давлатларида ўтган асрнинг 50 йиллари охирларидан бошлаб, мустақил Ўзбекистонда эса, кейинги 10 йилликда олимлар томонидан махсус ўрганила бошланган. Сўнгги йилларда мамлакатимиз олимлари томонидан инновация, инновацион тафаккур, инновацион фаолият, инновацион бозор, педагогик инновациялар ҳақида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда педагогик инновациянинг ривожланиши кенг жамоатчи-педагоглар ҳаракати мактабининг тез ривожланишига бўлган талаб ва уни педагогларнинг таъминлай олмасликлари натижасида юзага келган зиддиятлар билан боғлиқ. Эндиликда янгиликларни умумий қўллаш доираси анча кенгайди. Шу сабабли янги билимларга бўлган талаб, “янгилик”, “инновация”, “инновацион жараён”, “инновацион технологиялар”, “инновацион фаолият” тушунчалари маъносини англашга эътибор кучайди.

Замонавий ўқув дарсларида лойиҳалаш фаолиятини жорий этиш – инновацион усулни қўллаш дарс самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда, асосан, интерфаол услублардан фойдаланилади[3,4,5].

Тез ва шиддат билан ривожланаётган ахборот асрида ўқувчилар билимли, чуқур мушоҳада ва мулоҳаза асосида қарорлар қабул қилишга қодир, фаннинг сир-асрорларини пухта эгаллаган бўлишлари шарт. Бу эса, ўз навбатида, мустақил давлатимиз келажаги бўлмиш ёшларни тарбиялашда ва уларнинг баркамол инсон бўлиб шаклланишида ўқитувчилар, педагог олимлар, корхона раҳбарлари, бошқарув персоналлари зиммасига ўта масъулиятли вазифаларни юклайди.

Сўнгги йилларда таълим тизимидаги инновациялар долзарб бўлиб бормоқда. Зеро, айнан таълим инсон мавжудлигини белгилаб берувчи асосий соҳалардан ҳисобланади. Таълимнинг замонавий тизимида жамиятнинг асосий талабларидан бири ҳар томонлама ривожланган, мураккаб вазиятларда ностандарт ечимларни топишга, ижодий фикрлай оладиган ва бутун ҳаёти давомида узлуксиз таълим олишга қодир шахсни тарбиялаб вояга етказиш, шакллантиришдан иборат. Бу эса инновацион ёндашув асосида ўқувчиларни технологик компетенциясини шакллантиришни талаб қилади[6, 7].

Маънавий ва моддий қадриятлар соҳасида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий йўналишларидаги туб ўзгаришлар ҳозирги таълим ислоҳотлари шароитида ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш муаммоси уларда технологик компетенцияларни шакллантиришни сифат жиҳатдан мутлақо янги даражага кўтаришни талаб этмоқда.

Замонавий мактаблардаги технологик тайёрлаш босқичи ўқувчиларнинг ижтимоий эҳтиёжи ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда шахсий интилишлари ва қобилиятларини уйғунлаштиришга қаратилган. У ўқувчиларнинг ижтимоий муносабатларни билишига йўналтирилиши керак.

Ўқувчиларда технологик компетенцияни шакллантириш – ўқувчиларни технологик ҳаёт тарзига тайёрлашга, умумий фаровонлик йўлида ақлий ва

жисмоний меҳнатга, амалий ҳамда ахлоқий-психологик тайёрликни шакллантиришга йўналтирилган ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг яхлит узлуксиз жараёнидир.

Технологик компетенцияни шакллантиришнинг мақсади – турли йўналишларда ҳалол, ижодий меҳнатга тайёрликни шакллантириш, шахснинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама ривожланишига ёрдам беришдир.

Шахсни политехник таълим воситасида ривожлантириш ва ўқитишни ишлаб чиқариш, амалиёт билан боғлаш муаммоларининг назарий асослари П.Р.Атутов, С.Н.Скатин ва У.Нишоналиевлар томонидан тадқиқ этилган.

Н.Ш.Шодиев ва К.Давлатовларнинг изланишларида мамлакатимиздаги умумий ўрта таълим мактаблари ривожланишининг турли босқичларида меҳнат таълими, ижтимоий фойдали ва ишлаб чиқариш меҳнати жараёнида ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш ва тарбиялаш масаласи таҳлил этилган.

Етакчи педагог олимлар Ш.С.Шарипов, Н.А.Муслимов ва О.А.Қўйсиновларнинг тадқиқот ишларида ўқувчиларнинг умуммеҳнат кўникмалари, конструкторлик ва ижодий қобилиятларини шакллантириш, ижодий фаолиятининг асослари сифатида техник фикрлаши, билишга бўлган қизиқишлари ва технологик тайёргарлигини ривожантириш муаммолари ўрганилган.

Юқорида номлари тилга олинган олимлар изланишларининг илмий-педагогик таҳлилидан кўринадики, сўнгги йилларда педагогика фанида мактаб ўқувчилари шахсини ҳар томонлама ривожлантиришнинг муҳим воситаси сифатида уларда технологик компетенцияларни шакллантириш муаммосини ўрганишга эътибор кучайиб бормоқда. Бунга қуйидаги йўналишларни мисол қилиб келтириш мумкин:

–илмий-техника тараққиёти шароитида ўқитишни ишлаб чиқариш меҳнати билан бирлаштириш асосида мактаб ўқувчиси шахсини шакллантиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш;

–ўқитишни ижтимоий фойдали меҳнат билан боғлашнинг яхлит жараёнида ўқувчиларнинг таълим, меҳнат фаолияти, касб танлашга онгли муносабатини янада самарали шакллантириш;

–ўқитишнинг ишлаб чиқариш билан бирлиги жараёнининг асосий зиддиятлари ва уларни ҳал этиш усулларини аниқлаш.

“Технология” фанини инновацион ёндашув асосида ўқитишнинг долзарблигининг илмий асослари таълимни инсонпарварлаштириш концепциясини, ўқитишда муаллифлик стили, шахсга йўналтирилган таълимни жорий этиш, таълимда расмиятчиликни бартараф этиш, ўқувчиларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш шарт-

шароитларини яратиш, ҳозирги замон жамиятининг ижтимоий-маданий эҳтиёжларининг ўқувчиларнинг мустақил ижодий фаолиятига мослигини таъминлаш билан изоҳланади.

Мактаб амалиётида ўқувчиларнинг технологик компетенцияларини шакллантиришда қатор камчиликлар аниқланди: педагогик ходимларда инновацион ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларда меҳнат тарбияси ва технологик таълим мақсади ҳақида замонавий тасаввурлар мавжуд эмас; қишлоқ мактаблари ўқувчилари меҳнат тарбияси мазмуни бугунги кун талаблари асосида ишлаб чиқилмаган, ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари ва қизиқишлари етарли даражада ҳисобга олинмайди, меҳнат тарбияси атроф-муҳитнинг минтақавий ва миллий ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинмаган ҳолда умумий тарзда ташкил этилади; мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантиришни ташкил қилиш замонавий талабларга мос келмаслиги ҳоллари мавжуд; технологик таълим ва тарбия моддий-техник базасининг юқори эмаслиги ҳамда ушбу камчиликларнинг натижаси ўлароқ ўқувчиларда меҳнатга эҳтиёжнинг мавжуд эмаслиги.

Тажрибалардан аён бўладики, технологик компетенция алоҳида ажратилган компетенция эмас, балки бошқа таянч компетенцияларнинг элементи ҳисобланади. У кўп ҳолларда “Технология” ўқув фани доирасида шакллантириладиган компетенция сифатида талқин этилди. Технологик компетенцияни ўқувчиларнинг технологик амалларни изчил бажариш тартибига, технологик меъёрларга, техника хавфсизлик қоидаларига ва меҳнат муҳофазаси талабларига роия этган ҳолда, аниқ вазиятларда маҳсулотни тайёрлаш (ишлаб чиқиш) бўйича билимлари, кўникмалари, малакаларидан самарали фойдаланиш қобилияти сифатида таърифлаш мумкин.

Педагогик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, «компетенция» тушунчасининг моҳият - мазмуни унинг мажмуавий хусусиятида, яъни ўқув фаолиятини амалга ошириш учун ҳар бири тенг қийматли ва муҳим аҳамиятга эга бўлган билимлар, кўникмалар, қадриятлар, йўналишлар ва муносабатлар интеграциясида ўз ифодасини топади. Ташкилий-технологик компетенциялар меҳнат қуролларини танлаш, зарурурий материалларни излаш, уларни қайта ишлашнинг технологик усулларини аниқлаш, ишларни режалаштириш ва меҳнат жараёнини ўрганишдаги инновацион ёндашув билан узвий боғлиқ.

“Технология” фанини инновацион ёндашув асосида ўқитишнинг мақсади ўқувчиларнинг интеллектуал, коммуникатив, технологик ва ижодий қобиилятларини, фикрлаш усулларини ривожлантириш, сифатий билимлари, кўникма, малакалари, бир сўз билан айтганда технологик компетенцияларини шакллантиришдан иборат. Юқорида баён этилған мақсадлар асосида

“Технология” фанини инновацион ёндашув асосида ўқитишнинг қуйидаги вазифалари белгиланди: ўқув-тарбия жараёнини мақбуллаштириш, ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорлиги учун шарт-шароитлар яратиш, ўқувчиларда ўқишга доимий ижобий муносабат шакллантириш, уларни креатив фаолиятга жалб этиш, ўқув материалларни ва уни узатиш усулларини тўғри танлаш. “Технология” фанини инновацион ёндашув асосида ўқитишда ривожлантирувчи, муаммоли ўқитиш, танқидий фикрлашни ривожлантириш, ўқитишга дифференцион ёндашув, дарсда муваффақиятга эришиш учун шароит яратиш ва бошқалар ётади. Инновацион ёндашув асосида ўқитишнинг асосий тамойиллари креативлик (ижодкорликка йўналганлик); тизимдаги билимларни ўзлаштириш, дарсларнинг ноанъанавий шакллари, кўргазмалилик методидан фойдаланишдан иборат.

Технология фанини анъанавий ўқитишда асосан ўқувчиларга билим бериш, уларни меҳнат фаолиятига жалб этишга эътибор қаратилган, ўқувчилар нофаол, ўқитувчи эса фаол бўлган бўлса, “Технология” фанини ўқитишда инновацион методларни қўллаш – бу ўқувчи билан мулоқот қилишнинг янги методлари (STEAM, STEM, уйин технологиялари, лойиҳалаш, индивидуал таълим), улар билан ҳамкорлик позицияси, уларни бугунги замон муаммоларига жалб этишни тақозо этади. Инновацион методлар – бу ўқувчиларга ўз имкониятларини намоён этиш методларидир.

Умумтаълим мактабларида фанларни ўқитиш жараёнида фан-техника тараққиёти, инженерия, математика ва кундалик ҳаёт билан боғлаб ўрганишнинг STEAM (science, technology, engineering, art and mathematics) ёндашуви таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш долзарб масаладир. STEAM замон талаблари асосида халқаро миқёсида ўқувчиларга таълим-тарбия беришда умумтаълим фанлари бўйича фанлараро боғланиш ва амалий ёндашувни кучайтиришга қаратилган умумий режа. STEAM ўзига табиий фанлар, технология, инженерлик, санъат, ижодкорлик, математика фанларининг амалий жиҳатларини умумлаштириб интеграциялашни назарда тутади. STEAM-таълим илмий методлар, техник иловалар, математик моделлаштириш, муҳандислик дизайнини биргаликда қўллаш имконини яратади. Бу эса ўқувчининг инновацион фикрлашини, уларда технологик компетенцияларнинг шаклланишини таъминлайди.

**Адабиёт**

1. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантиришнинг назарий – методик асослари.: Автореф. дис. ... пед. фан. докт. – Т.: 2007. – 45 б.

2. Муслимов Н.А. Мутахассиснинг касбий шаклланишида масофавий таълимдан фойдаланиш йўллари // Ж. Infocom.UZ. -2004. -№ 5. –Б. 60-62.

3. Зарипов Л.Р. Инновацион таълим шароитида ўқувчиларни технологик тайёрлаш // Педагогика журнали. 2019 йил. № 5. - Б. 92-98.
4. Mangal S.K., Fundamentals of Educational Technology, Ludhiana: Tandon Publications, 1994.
5. Нишоналиев У.Н. Таълим стандартлари ва педагогик инновациялар – Т.; Халқ таълим, 1999, № 6. 28 – 31 бетлар.
6. Толипов Ў.Қ. Олий педагогик таълим тизимида умуммехнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари. Монография. Т.: "Фан". 2004. –168 с.
7. Шарипов Ш. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Дисс. ... пед. фан. док. – Т., 2012. – 307 б.

# ТЕХНОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА КОМПЪЮТЕР ДАСТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ДИДАКТИК ТАЛАБЛАР

**У.Тургунова – магистрант, А.Запаров - профессор,**
**А.Джумабоев - профессор.**
**Андижон давлат университети**

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада технология дарсларида компъютер дастурларидан фойдаланиш имкониятлари ва уларга қўйиладиган дидактик талаблар ишлаб чиқилган.*

***Калит сўзлар***: *Дидактик принциплар, компьютер соводхонлиги, ахборот технологиялар, компютер тизимлари, ахборот муҳити.*

***Аннотация:*** *В данной статье разработаны возможности и дидактические требования использования компютерных программ на занятиях технологии.*

***Ключевые слова:*** *Дидактические принципы, компьютерная грамотность, информационные технологии, компютерные системы, информационная среда.*

Жамиятимизни, хусусан ҳалқ таълими тизимини информатизициялаштириш ва компьютерлаштириш жараёнлари қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу муаммоларни ечилиши ва уларнинг муайян фаолияти соҳасида амалга ошириш бир қатор ўзига ҳос талаб ва шароитларга боғлиқ. Жумладан, таълим тизимига янги ахборот технологияларни – компьютер ва унинг асосида ишлайдиган тизимларни жорий қилиш ҳамда уларни қўллаш усулларини ишлаб чиқишни тақазо этмоқда. Ўқув жараёнига янги ахборот технологияларга эга бўлган ҳар хил дастурларнинг (компьютер тизимлари) киритилиши ўзига хос ахборот муҳитни шакллантирмоқда. Амалиётда бу жараён тартибсиз ҳарактерга эга бўлиб, ўқув жараёнига салбий таъсир

кўрсатиши мумкин. Шунинг учун компьютер ва ахборот муҳитини, шахсни ривожлантиришда салбий ва ижобий таъсир этиш эффектларини аниқ тасаввур қилиш билан биргаликда Олий таълимда ўқувчилар учун компьютерли ўқитиш дастурларини яратиш ва жорий этишда, уларни ҳисобга олиш лозим.

Шу муносабат билан ўқув жараёнига компьютер ва унинг асосида ишлайдиган тизимларни татбиқ қилиш, ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг психологик ва педагогик асосларини ишлаб чиқишни тақазо этмоқда[1].

Компьютерларни ақлий ривожлантириш ва интелектуал меҳнат дастурлар тизимида қўлланилиши, тарихий ораликда инсон имкониятларини кенгайтиришда сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтишини, ёзув ва китоб босиш усули пайдо бўлиши билангина таққослаш мумкин[2].

Ўқув жараёнини компьютерлаштириш сифат жиҳатидан катта ўзгаришларга олиб келади: У инсонда масалаларни "кўриш" кўникмаларини шакллантиришга, фаразни изоҳлаш ва (масалани ечиш жараёнида) уларни текширишга сезиларли даражада ёрдам бериши мумкин. Компьютер билан ишлаш инсонга масалаларни ечиш жараёнида бошқа одамлар томнидан яратилган тайёр амалларни "парча" сифатида киритишга имкон яратади. Қисқа қилиб айтганда, компьютер фикрлаш жараёни босқичларининг асосий амалларини қайта ишлашга ва уларни бир шаклдан бошқасига ўтишига сезиларли ёрдам бериши мумкин. Мактабларда фанларининг ўқув жиҳозлари тизимида компьютернинг тутган ўрни ва имкониятларини ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари кўрсатилади ва ўқитувчи томонидан унинг қўлланилиши қуйидагича таъминланади:

- ✓ Унинг ифодали тасвирий дастурлари ўқув ахборотини акслантиришни такомиллаштиришга ва сифат жиҳатидан ўзгартиришга ёрдам беради;
- ✓ Ўқувчиларнинг ўқиш эхтиёжини кучайтиради ва қизиқишини сезиларли даражада оширади. Бу фақатгина компьютернинг ўзига хос хусусиятлари билан таъминлайди, айни пайтда ўқув ахборотини кузатишни бошқариш йўллари билан ва ўқувчининг тайёргарлик даражаси ҳамда таклиф этилаётган ўқув материалини мураккаблигиги боғлиқ ҳолда у томонидан қайта ишланади;
- ✓ Ҳар бир ўқувчини воқеийликни ўрганиш жараёнида фаол ва тўлиқ иштирок эттиради. Анъанавий ўқитиш тизими эса бундай имкониятни таъминлай олмайди. Бу эса унинг ҳар томонлама ривожланишида таълимнинг кейинги босқичларида салбий таъсир кўрсатади;
- ✓ Тескари алоқа асосида таклиф қилинаётган ўқув масалалари турларини ва шаклларининг хилма-хиллигини таъминлайди, ҳамда уларнинг

ечимларини ифодалаб беради. Бунда ҳар хил ходиса, ҳолатларни ривожлантириш, моделлаштиришга қаратилган масалалар назарда тутилади, уларнинг оптималлигини назорат қилиш компьютерлар ёрдамида тескари алоқани ўрнатиш йўли билан амалга оширилади;

✓ Билиш жараёнини бошқариш асосида ўқувчиларнинг фаолиятини сифат жиҳатидан юқори савияда назорат қилишни таъминлайди. Анъанавий ўқитиш тизимининг асосий камчиликларидан бири шуки, ўқитувчи барча ўқувчиларни назорат қилиш имкониятининг йўқлиги ва зарурият бўлганда ўқиш фаолиятида ўқув материалини ўзлаштиришидаги динамик ўзгаришларни тўла равишда кузатишдан маҳрумдир;

✓ Ўқув жараёнида ўқувчи ўз фаолиятини тизимли равишда назорат қилиб боришини таъминлайди.

Шундай қилиб, компьютер ва унинг тизимларини техник қонунларни билиш асосида қўлланилганда инсонинг сезиш, қабул қилиш, хотира, тасаввур қилиш, фикрлаш жараёнлари орқали амалга ошириладиган қобилиятларни, ихчам қилиб айтганда, интелектини ривожлантириш дастурларини яратишда катта имкониятларни очиб беради. Барча дастурлар сингари компьютер ҳам ҳамма педагогик муаммоларни ҳал қила олмайди. Шунинг билан биргаликда унинг маълум салбий оқибатларини назарда тутиш лозим.

Дидактик принципларга асосланмаган дастурларнинг яратилишида муаллифларнинг педагогик-психологик тайргарлиги йўқлигидан келиб чиқидиган ҳар хил камчиликларни аниқ фарқлаш зарур. Бундан ташқари, компьютернинг етарли жорий этилмаганлиги ва унинг яратилишини маълум техник тизим сифатида қаралишидан келиб чиқадиган камчиликлар билан ҳам боғлиқдир. Компьютерлаштиришнинг психологик оқибати одатда қарама-қаршилик ҳарактерига эга мантиқий фикрлашнинг кучайтирилиши маълум даражада интуитив ҳарактерларни барбод қилишга олиб келади.

Шундай қилиб, компьютерлиштириш оқибатларини психологик тахлил қилиш билан мумкин бўлган ҳодисаларни коррекциялаш зарур.

Компьютер тизимлари асосида такомиллаштирилган ўқув технологияси қуйидагиларни талаб қилади:

- бутун ўқув жараёнида узлуксиз ҳисоблаш техникаси дастурларини қўллашнинг;
- ўқув жараёнини ҳар томонлама қамраб олишни;
- техникавий, дастурий, ташкилий ва ўқув-методик таъминотни бир типли ҳамда бир хиллигини;
- технология элементларини оммовийлаштириш мақсадида кўпайтиришни;

- ҳар хил шароитларга қўллашга мослаштиришни;

- юқори дидактик ва иқтисодий самарадорликни;

- янги принциплар асосида таълимни, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро муносабатларида интеграциялашни ҳамда мутахассисларнинг тайёргарлигини олдиндан илгарилаб кетишини таъминлашни.

Компьютерли ўқитиш тадқиқотчиларнинг фикрича педагогик фаолиятнинг тузилишидаги компъютернинг ролини ва ўрнини аниқлаш учун ўқув жараёнида ўқитувчи фаолиятини етарли асослаш орқали уни бу жараён мантиқи билан ўзаро мураккаб таъсирларини мослаштириш лозим. Бундай педагогик фаолиятни "дидактик масала" тушунчаси орқали амалга ошириш таклиф қилинади.

Барча дилактик масалалар учта асосий қисмларга бўлинади:

- ўқув жараёнининг элементлари бўйича; янги билимларни киритиш, уларни идрок қилиш, мустаҳкамлаш, фикрлаш, такрорлаш, умумлаштириш, назорат ва ўзлаштиришни текшириш;

- машғулотнинг тузилиш элементлари бўйича; мавзуни қўйиш, ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлигини текшириш, кейинги фаолиятга йўналтириш, янги билим ва тушунчаларни киритиш, билимларни текшириш, уларни масалалар ечишда ишлатиш, равон фаолиятга йўналтириш;

- шакллантирилаётган интелектуал амаллар ва кўникмалар бўйича хоссаларга ажратиш, солиштириш, таҳлил қилиш, сентезлаш, фараз қилиш ва ҳоказолар. Ўқув жараёнида компьютер дидактик масалалар мажмуасига боғлиқ ҳолда ҳар хил ўринни эгаллайди ва ўқитувчининг уларга нисбатан ижодий ёндошишига ёрдам беради. Шу билан бир қаторда дидактик масаслаларни компьютер дастурлар ёрдамида ечиш йўллари ҳам тўла назарий ва амалий ишлаб чиқилмаган. Бу методик муаммони ҳал қилишда қуйидагилар келиб чиқади:

- компьютер ёрдамида ҳал қилинадиган масалаларни қандай усул ва шакллар орқали ечиш ҳамда амалга оширишда ўқувчининг ўрни. Шулардан бири: Мактабда ўқувчилар компьютерлардан фойдаланиши мумкинми ёки йўқми?

Кўп педагоглар ушбу саволга қарши чиқишади. Айримлари фалсафий қаршилик кўрсатишади. Лекин ҳаммаси шуни тан олишадики, компьютер асрига ўтишда албатта қандайдир тайёргарлик бўлиши лозим. Ҳозирги замонда янги ахборот технологияларнинг асосини ташкил қилган коммуникацион ва компьютер сестемаларига ижобий ёндашилмокда.

Шунинг учун педагогларда компьютер саводхонлигига қизиқиши тобора ортиб бормокда.

Ахборот технологияларининг тез ривожланиши компьютерларнинг ўқув жараёнига киритишнинг яна бир сабабидир. Ўқувчиларнинг бир-бири билан кам мулоқатда бўлиши кўпроқ вақтни машина олдида ўтказиши салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолда ўқувчилар фақат компьютер билан мулоқотда бўлишга ўрганиб қолишади, бу эса маданий ва гумонитар фаолият учун керак бўладиган мулоқотларга катта таъсир кўрсатади[1].

Айтиб ўтилганларни инoботга олган ҳолда “компьютерлардан фойдаланиш ўқувчилар учун зарурми?” деган саволга жавоб бериш лозим. Кўпчилик ҳолларни эътиборга олмаган ҳолда “ҳа” деб жавоб беришимиз мумкин. Бу жавобни дунёда бўлаётган воқеалар учун силжиш реаксиясининг жавоби сифатида айтишимиз мумкин. Мактаб, ўрта таълимнинг ўз олдига қўйган катта ва энг муҳим қараб чиқиладиган масаслалари ҳам компьютерларнинг имкониятларини инобатга олган ҳолда, биз кўриб чиқаётган фаннинг ўқитиш мазмунига ўзгартиришлар киритиш керак.

Бизнинг мақсадимиз шундан иборатки, умумий компьютер саводхонлигига ёки компьютерлардан амалда қўллашга эришиш. Булар кейинчалик инсонларнинг жамиятда яшаши ва ривожланиши ҳамда ўзларининг интеллектуал потенциалини жамиятни ривожлантиришда тўларок намоён қилишлари учун керак бўлади. Биз айтиб ўтган дастур келажакда ҳисоблаш техникаси бўйича мутахассислар тайёрлаш ёки ўқувчиларни касб танлашда компьютер билан боғлиқ бўлиши лозим деб қўйилган мақсад эмас.

Дастурда кўриб ўтиладиган мақсадлар куйидагилардан иборат:

- Ўқитувчи ва ўқувчилар компьютерни қўллашда фойдаланиладиган соҳаларни кенгайтириш;
- Ўқувчилар ва ўқитувчиларни компьютердан у ёки бу аниқ ҳолларда фойдаланишга ўргатиш;
- Ўқувчилар ва ўқитувчиларда компьютерлар билан ишлашнинг имкониятларини ривожлантириш;
- Ўқувчилар ва ўқитувчиларга кўпчилик шахсларга компьютер орқали таъсир кўрсатиш малакаларини ўргатиш;
- Ўқувчилар ва ўқитувчиларга масалани ечишга керакли информацияни қайта ишлаш ҳақида тушунча бериш. Ҳисоблаш техникаси билан ишлаганда, ўқувчиларда алгоритмик фикрлаш қобилияти ўз фаолиятини билган ҳолда ривожлантириш ва ҳодисаларнинг моделларини кўра билиш шаклланиб боради. Ўқув жараёнига компьютер техникасини киритишда икки ҳолатни ҳисобга олиш зарур.

Биринчидан, ўқувчи қай бир тартибда компьютерда ишламасин, у албатта ўқитувчининг назорати остида бўлиши керак.

Иккинчидан, “умумий фикрлаш” қобилиятига эга бўлган ўқувчилар “инсон - компьютер" интеллектлари бажара олмаган масалаларни бажара олишлари лозим.

Умумий фикрлаш – бу ахборотни қабул қилиш ва тезлик билан масалани ечишга мослашган адаптацион тизимдир.

Юқорида айтилган жиҳатларни умумлаштириб, қуйидаги хулосаларни чикариш мумкин:

1. Компьютерли ўқитиш, замонавий дидактик ва аниқ услубларнинг ривожланиши ва уларни ўқув жараёнига жорий қилиш учун асос ҳисобланади.

2. Босқич ёки Умумий ўрта таълим мактаб муассасаларида, ҳисоблаш техникасининг кўп ёки камлигига қарамай, дарс мобайнида ўқитувчи асосий шахс ҳисобланади. У ўқитиш жараёнида компьютер саводхонлиги билан "ўқувчи -компьютер" тизимсини бошқаради.

3. Компьютерли ўқитиш усулари ва услубларига эга бўлиш, ўқитувчининг касб ва ихтисос тавсифномасида, унинг мутахассислигини инобатга олмаган ҳолда, биринчи талаб даражасига кириши керак.

4. Ҳисоблаш техникасини дарс ва дарсдан ташқари ишларда қўллаш, ҳар хил ҳисоблаш техникаси дастурлари ва ўқитишнинг компьютер дастурлари билан биргаликда ўқитиш, тарбиялаш ва ўқувчиларнинг онгини ривожлантириш масалалари ҳамда дарснинг мазмуни, мақсади ва унинг босқичларини инобатга олган ҳолда. Комплексли бўлиши керак.

5. Ўқувчиларнинг алгоритмик маданияти ҳар битта машинали ва машинасиз дарсларда амалга оширилишга, бунда, албатта бошқа алгоритмик схемали дарсларнинг тузилиши, алгоритмик шаклда тузилган конспектлар, масаланинг ечилиши ва тасаввур қилиниши, лаборатория ишлари ҳамда практикумларни олиб бориш жараёнларини ҳам эътиборга олиш лозим.

**Адабиёт**

1. Муслимов Н.А., Шарипов Ш.С. “Касб-ҳунар таълимида шахсни касбий-ижодий ривожланиш омиллари”. “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрларининг эхтиёжига асосланган малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими истиқболлари” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент, 2005.

2. Нишоналиев У.Н., Усмонов С.А. “Компьютер дастурларини таълимда қўллаш муаммолари”. “Замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммолари” Республика илмий-амалий анжумани (14-15 май, 2004 й.) материаллари. Жиззах, ЖизПИ. 2004 йил.

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯГА ОИД КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ**

**А.А. Запаров- проф.*, З.Р. Исақова –ўқитувчи**, М.К.Абдулхамидова –ўқитувчи***, М.А.Қодирова- талаба*.**
***Андижон давлат университети, **Қўқон ДПИ, ***Хўжаобод тумани 12 - умумтаълим мактаби.**

**Аннотация:** *Технология фани ўқитувчисининг умумий ўрта таълим мактабларида олиб бориладиган ўқув машғулотларида ўқувчиларнинг тайёргарликларнинг замонавий технологияга оид кўникмаларини шакллантириш методлари ўзига хос жиҳатлари ёритилган.*

***Калит сўзлар**: технология таълими, тасмали узатма, рейкали узатма, червиякли узатма, тишли узатма, кулочокли механизм, фрикцион редуктор.*

***Annotation:** In this article described and given information about the training sessions of a technology science teacher in general secondary schools as well as the peculiarities of the methods of training pupils in the formation of modern technological skills.*

***Keywords:** technology training, belt extension, rail extension, worm gear, gear extension, hub mechanism, friction reducer.*

Умумий ўрта таълим мактабларида Технология таълимига оид дарсларнинг асосий қисмини амалий машғулотлар ташкил этади. Шу сабабли амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш ҳар бир технология таълими ўқитувчисидан катта масъулиятни талаб этади. Чунки амалий машғулотларда турли асбоб-ускуналарни ишлатиш, иш амалларини ўргатиш ва буюм ясаш ишлари амалга оширилади. Бу эса ўқитувчи ва ўқувчлардан эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан ишлашни талаб қилади. Чунки агар бу талабларга риоя қилинмаса ўқувчи жароҳат олиши ёки материалларни исроф қилиши ёки асбобларни ишдан чиқариб қўйиши мумкин.

Одатда амалий машғулотларда намойиш қилиш, меҳнат кўникма малакаларини шакллантириш методларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Жумладан, технология таълимида намойиш қилиш орқали кўрсатмалилик таъминланади, бу эса ўқув жараёнини самарали ташкил қилиш имконини беради. Чунки, технология таълимининг мазмуни техник жараёнлар ва объектлар билан боғлиқдир. Ҳар бир дарсда кўрсатмалилик сифатида объектларнинг, жараёнларнинг ўзидан, уларнинг моделлари ва шартли тасвирларидан кенг фойдаланилади. Масалан, технология операцияларини ўргатишда ўқитувчи ўқувчиларга материалларга ишлов берадиган асбобларни тарқатади ва уларни шу асбобларни конструкцияси

билан таништиради. Бу ҳолда асбоб тарқатма материал бўлиб хизмат қилади. Ўқувчиларга асбоблардан ташқари уларнинг моделларини ҳам намойиш қилиш мумкин. Бунинг учун парма, кескич, штангенциркул, микрометр ва бошқа кесувчи ҳамда ўлчов асбобларининг моделларидан кенг фойдаланилади. Машинасозлик элементларини ўргатишда қўлда ясалган моделларни қўллаш ҳам кифоя қилади.

Мактаблар учун намунавий ўқув кўрсатмалари, қўлланмалар ва ўқув жиҳозлари рўйҳатига тасмали, рейкали, червиякли ва тишли узатмаларнинг, кулочокли механизм, фрикцион редукторларнинг моделлари киради. Ҳар бир мактаб ҳар хил ёғочлар, турли фанер, тунука, симлар, сортли металлар тўплами, яъни коллекцияларга эга бўлиши лозим. Бу коллекцияларни ўқувчиларнинг кучи билан қилса ҳам бўлади.

Намойиш қилиш методининг хусусияти, кўпинча ўқув материалларига иллюстрация сифатидагина эмас, балки уни ўзи билим манбаи бўлиб, кўп ҳолларда эса кўникма ва малакаларни шакллантириш усули бўлиб хизмат қилади. Масалан, электр двигатели ва бошқа жиҳозлар, асбоблар ва бошқа шу кабилар бир вақтнинг ўзида иллюстрация ва ўқув манбаси бўлиб хизмат қилади. Учинчи хусусияти тасвирлаш (технологик карта ва бошқалар)нинг ролидан келиб чиқади. Ўқитувчи чизмалардан фойдаланиб ўқувчиларга график билим ва малакаларни эгаллаб олишларига ёрдам беради.

Кўрсатмалиликдан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг муқим воситаларидан бири кино, видеофилмлар, слайдларни намойиш қилишдир. Масалан, қуйиш ва босим билан ишлов беришни тушунтиришда плакатлар ёрдамида ўрганиш ўқувчиларда тегишли жиҳозлар ва технология ҳақида тўла тасаввур ҳосил қила олмайди. Ҳамма мактаблар қуювчилик, металлургия ишлаб чиқаришига экскурсия қилиш имконига эга эмас. Бунда видео ёки кинофильмлар қўл келади.

Устахонадаги технология фани машғулотларида қисқа муддатли (10-15 минутли) фильмлар ёки айрим парчаларни кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Намойиш қилиш ўқитувчининг тушунтириши, суҳбати билан қўшиб олиб борилиши лозим.

Фильмни намойиш қилишда қуйидагиларга риоя қилиш лозим:

1. Фильмни намойиш қилишдан олдин тушунтириш (идрок қилишга йўналтириш). Агар фильмда анча қийин масалалар ифодаланса, кадрларда эса кичик деталлар учраса, ўқувчиларни ўқув кинофильмини масалан, металларнинг тузилиши ва уларнинг қотишмалари ҳақидаги фильмни кўришга тайёрлаш керак.

2. Фильмдан бирор парча кўрсатишни филмнинг ва ўқув материалининг мазмунини тушунтириш (суҳбат) билан олиб бориш. 10 минутли кино парча

намойиш қилишдан бошланади, сўнг плакат ёки моделдан фойдаланиб ўқитиш давом эттирилади.

3. Намойиш қилиш тушунтиришлар билан бирга олиб борилади. Фильмда бошловчи ёки диктор томонидан ўқиладиган тушунтириш матни муайян синф ёки аудитория учун ҳамма вақт мос келавермаслиги мумкин, шунда филмни шарҳлаш зарурати туғилади.

Технология таълими бўйича кўникма ва малакаларни шакллантириш технология таълими ўқитишда жуда муҳим ўрин тутади. Бу иш асосан асосий инструктаж бериш ва машқлар бажариш методлари орқали амалга оширилади.

Технология фани дарсларида ўқувчиларда меҳнат кўникмаларини ва малакаларини шакллантиришнинг ҳозирги қўлланилаётган методикаси жуда муҳим ўрин тутади. Унда ўқиш жараёни ўқитувчининг технология усулларини намойиш этиши ва ўқувчиларнинг унга тақлид қилиши асосида ташкил топади.

Илғор тажрибаларни ўрганиш технология фани дарсларида кўникма ва малакаларни шакллантириш учун қуйидаги шартларни эътиборга олиш зарурлигини кўрсатмоқда:

1) текширишнинг аниқлиги, унинг мақсади ва бажариш усуллари;

2) ўқувчиларда зарур билимларни мавжуд бўлиши;

3) таълим методларининг шакллантирилаётган кўникма ва малакаларининг хусусиятларига мослиги;

4) инструктаж усулини муайян шароитга мослаб ўтказиш;

5) машқларнинг етарли миқдорда бўлиши;

6) ўқувчиларнинг фаолиятини ўз вақтида ва объектив баҳолаш;

7) ўқувчилар фаолиятининг фаол кўринишда бўлиши.

**Адабиёт**


1. Давлатов К. Меҳнат ва касб таълим-тарбиясидан амалий машғулотлар .-Т.: Ўқитувчи,1995.-267 б

2. Давлатов К., Каримов И. Меҳнат ва касб таълими, тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикаси. -Т., Ўқитувчи, 1992.-321 б.

3. Zaparov A., Toychiev R., Khusanov U. Teaching technology in general secondary schools on the “stem” educational approach. «Экономика и социум» № 1(80) 2021.

4.Butaev A.A., Isakova Z.R. Zaparov A. The methods of developing modern technology skills among general secondary school pupils. «Экономика и социум» №2(81) ч.1 2021. 112-114 pp.

# “RUBIA TICTORIUM L” ЎСИМЛИГИ ИЛДИЗИ ЭКСТРАКТИ ТАРКИБИНИ ХРОМОТОГРАФИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

**Юсупов Б.А., У.К.Абдурахманова.**
**Гулистон давлат университети, Гулистон ш.**

***Аннотация:*** *Ушбу ишда “Rubia tictorium L” ўсимлиги илдизи экстракти олинди ва экстракт таркиби хромотографик таҳлил қилинди. Бунда ўсимлик илдизи экстракти 30-31% антрацен унумларидан антронни саклаши аниқланди.*

***Калит сўзлар:*** *илдиз экстракти, хромотографик таҳлил, антрацен, антрон.*

***Аннотация:*** *В этом исследовании был получен экстракт корня “Rubia tictorium L”, и состав экстракта был проанализирован хроматографически. Установлено, что экстракт корней растений удерживает антрон от 30-31% антраценовых продуктов.*

***Ключевые слова:*** *экстракт корня, хроматографический анализ, антрацен, антрон.*

***Abstract:*** *In this study, Rubia tictorium L root extract was obtained and the composition of the extract was chromatographically analyzed. It was found that the plant root extract retains anthron from 30-31% anthracene products.*

***Keywords:*** *root extract, chromatographic analysis, anthracene, anthrone.*

Кейинги вақтларда ўсимликлардан ажратиб олинган табиий бирикмалар, уларнинг хоссалари ва ҳосилаларини олишга доир тадқиқотларга қизиқиш ортиб бормоқда. Шуни ҳисобга олганда, ўсимлик моддаларининг кимёвий таркибини ўрганиш ва уларнинг хоссаларини тадқиқ қилишга қаратилган ушбу тадқиқот ишида ҳам “Rubia tictorium L” ўсимлиги илдизи экстракти таркибини хромотографик таҳлил қилиш мақсад қилиб олинган.

“Rubia tictorium L” ўсимлигининг қуруқ экстракти экстрактив моддалар йиғиндисидан иборат. Таркибида 8% га яқин антрацен унумлари бор. Экстракт - рангли кукун, нордон таъмли ва гигроскопик кўринишга эга. Ўсимликнинг ер остки кисмларидан тайёрланган қуруқ экстракт бой касал (подагра), буйракда тузлар йиғилишига қарши, фосфат, оксалат – тузларидан иборат тошларини парчаловчи препаратлар сифатида кўлланилади. Препарат таблетка кўринишида чиқарилади [1, 2, 3].

Тажрибаларимизда ўсимликнинг ер остки қисмидан олинган экстрактдан фойдаланилади. Илдизида 5-6% оксиметилантрахинонлар ва уларнинг унумлари мавжуд. Бундан ташқари илдизи ўз таркибида лимон, олма ва вино кислоталари, шакар, оксил, пектинли ва дубил моддаларни сақлайди.

“Rubia tictorium L” ўсимлигининг ер остки қисми яъни илдизини 2-3 мм гача майдаланади ва хомашё таркибидан антрацен унумларини экстракцияланди. Экстраксиялангандан кейин вакуум ёрдамида

ректификацион колонкага юборилди ва спиртда ректификация килинади. Колонкада қолган чикиндини қолдикга чиқариб ташланади.

*<u>Куюк екстрактни олиш.</u>* Бирлаштирилган спиртли экстрактларни вакуум - циркулясион буғлатиш аппаратида 50$^0$С да катта босимда 1/15 кисм қолгунча буғлатилди. Спиртли экстракт массаси кристаллизаторда 5$^0$С хароратда 24 соатга қолдирилади, 24 соатдан кейин нутч-фильтрда филтрланди ва сўнгра этанол билан ювилиб, хроматограммаси олинди.




| Peak | RT | Area | Height | Type | Width | FWHM | SNR |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 1.99 | 470084029.9 | 32853666.1 | | 0.683 | 0.197 | |
| 2 | 13.532 | 74655478.26 | 9671447.66 | | 0.295 | 0.114 | |
| 3 | 16.622 | 83529999.93 | 8752078 | | 0.352 | 0.135 | |
| 4 | 17.341 | 5837963147 | 462848425 | | 0.819 | 0.181 | |
| 5 | 18.139 | 375654225.7 | 33328091.8 | | 0.482 | 0.141 | |
| 6 | 19.576 | 59360460.96 | 6181538.56 | | 0.359 | 0.156 | |
| 7 | 20.108 | 590921461.4 | 53258014.7 | | 0.561 | 0.167 | |
| 8 | 21.15 | 195325196.6 | 11978556.8 | | 0.781 | 0.237 | |

Тахлил натижаларига кўра куюк экстракт 59-60% намлик ва 30-31% антрацен унумларидан антронни саклайди.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Blömeke B., Poginsky B., Schmutte C., Marquardt H., Westendorf J. Formation of genotoxic metabolites from anthraquinone glycosides present in Rubia tinctorum L. Mutat. Res. 1992;265: pp. 263–272.
2. Kalyoncu, Fatih; Cetin, Burcu; Saglam, Hüsniye (2006). "Antimicrobial activity of common madder (Rubia tinctorumL.)". Phytotherapy Research. 20 (6): pp. 490–492.
3. Bosáková Z., Peršl J., Jegorov A. Determination of lucidin in Rubia tinctorum agly-cones by an HPLC method with isocratic elution. J. high Resol. Chromatogr. 2000;23: pp. 600–602.

# ХЛОРОФИЛЛ БИОСИНТЕЗИДА ФИТОГАРМОНЛАРНИНГ РОЛИ

**Рустамова Гулузра Махаммаджоновна**
**Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, таянч-докторант,**
**Саидов Садриддин Мўйдинович**
**Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти докторант.**

***Аннотация:*** *Хлорофилл ўсимликнинг автотроф озиқланишининг калит омилидир. Хлорофилл синтезланиши икки боқичга бўлинади: қоронғулик ва ёруғлик босқичи. Қоронғилик босқичида протохлорофилид синтезланади, ёруғлик босқичида эса протофилиддан хлорофилл синтезланади. Хлорафилл синтезланиши ҳар икки босқичида ҳам генетик ва гормонал бошқарилади.*

***Калит сўзлар:*** *Хлорофилл, протохлорофилид, фиторегулятор, гиббереллин, ауксин, цитокинин, фитогармонлар, этиоляция*

***Аннотация:*** *Хорофилл- кючевой фактор автотрофного питания растении. Синтез хлорофилла делится на две стадии: темную светлой. В темной фазе синтезируется протохлорофилл, а в светлой фазе синтезируется хлорофилл из протохлорофиллида. Обе фази синтеза хлорофилла конролируются генетически и гормонально.*

***Ключевевые слова:*** *Хлорофилл, протохлорофилид, фиторегулятор, гиббереллин, ауксин, цитокинин, фитогармонлар, этиоляция*

***Annotation:*** *Chlorophyll, the keys for the plants autonomus life. The chlorofill biosynthesis at two stages: dark and light ways. Protochlorophylide is synthesis in the dark phase, and in the light phase , chlorophyll is synthesized from protochlorophyllide. Both stages of chlorophyll synthesis are controlled by genetical and hormonal.*

***Key words:*** *Chlorophyll, protochlorophyllide, phytoregulator, gibberellin acid, cytokinin, auxsin, plant hormones, etiolated.*

Фитогармон - ўсимликда кечадиган барча жараённи бошқаради ва тартибга солади. Уларни ўзига хос хусусияти, физиологик ва морфогенетик дастурни бошқаради [1].

Фитогармон кичик молкулаларяр тузилишга эга, спесефик ва юқори активликка эга бўлиб, жуда юқори активликка эга ва тинч холатдан актив холатга ўтказиш ва аксинча ингибирлаш хусусиятига эга. Фитогармон масофадан туриб бошқарилади, суюқлик орқали ўсимликни бутун танаси бўйлаб тарқалади. Физилогик нуқтаи назардан фитогармонларни харакати поливалент, нуклеин кислота ва оқсил синтезланишига, ферментлар

активлигига, нафас олиш интенсивлигига, ҳужайрани бўлиниши, ўсиши ва дифференцияланишига таъсир кўрсатади [1,2]

Фотосинтез жараёни юксак ўсимликлар хлоропластида ёруғлик таъсирида, сув, углерод тўрт оксиди ва хлорофилл иштирокида боради. Фақат хлорофилл пигменти иштирокидагина фотосинтез жараёни кечади. Шу сабабли хлорофилл пигментини синтезланиши ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши учун мухим аҳамиятга эга. Хлорофилл пигменти синтезланиши икки босқичда кечади: ёруғлик ва қоронғилик.

Юксак ўсимликларда хлорофиллни синтезланиши глутаматни синтезланишидан бошданади. Сўнгра ёндош тармоқли тетрапирол биосинтези йўли орқали глутаматдан 5-аминолевулин кислота синтезланади. 5-аминолевулин кислотадан протохлорофилид ҳосил бўлади.

Бу жараён этиопластларда юз беради. Сўнгра ёруғлик таъсирида этопластлар хлоропластларга айланади. Этиопласт, протопластларни хлоропластга айланиши учун хлорофилл пигменти синтезланиши зарур. Протохлорофиллиддан хлорофилл синтезланиши учун мухим омил бу нур талаб қилади ва ёруғлик таъсирида хлорофилл синтезланади. Хлорофилл а ва б шаккилланади ва тиллакоидларга тўғри киритилган хлорофилл фотосистемаларга боғланади ва ўз функциясини тўла амлага оширади, яъни хлоропластларда фотосинтез жараёни амалга ошади[3]

Қоронғида ўстирилган ўсимта ёруғлик таъсирида, НАДФ*Н протохлорофилид оксиредуктаза ферментини чекловчи тасирини чекловчи ферментларни фотоактивлайди ва протохлорофиллиддан хлорофилид хосил бўлишини катализлайди, кейинчалик хлорофиллид хлорофиллгача этирификатцияланади.[4]

Ўсимталарни деэтиоляцияланиш жараёни гиббереллин гармонини тамонидан ҳам бошқарилади,гиббереллинни қоронғилик босқичида сигнал бериши этиопластни фотоморфагенезини боқаради [5]. Этиопластда хусусий ултраструктуравий ўзгаришларга учрайди ва хлоропластларга айланади. Бу жараёнга цитокинин воситачилик қилади [6].

Цитокинин хлоропластни дифференциялланиини тартибга солади [7]. Баъзи фитогармонлар хлорофилл синтезланишига бевосита таъсир кўрсатмасада, ўсимталарни яшил тусга киришида мухим ахамиятга эга. Ауксин НУ5 протеинни ИАА аза ферментини синтезлашни жадаллаштириш орқали сусайтиради ва илдизчада АТФ синтезланишини тартибга солади[8].

Фитогармонлар ўсимликда кечаётган жараёнларни активлаштириш билан биргаликда ингибирлаш хусусиятига ҳам эга. Масалан цитокинин хлорофилл биогенези учун индикатор вазифасини бажаради, хлорофилл

синтезини сусайишини бошқаради.Сигиура *Phaseolus Vulgaris* ни бошланғич баргларини яшил тусга киришини кинеатин биолгик препарати стимуллашини ўз тадқиқотларида такидлаб ўтган [9]. Шунингдек абсиз кислота уруғни пишиши билан боғлиқ асосий жараёнларни бошқаради масалан, углеводларни синтез қилиш ва ташиш, захира озиқ моддаларни уруғ тўқималарида тўплашда иштирок этади. Ўз навбатида пишаётган уруғларда хлорофиллни дегидратцияланиши, яъни хлорофилларни парчаланишини ва ўсимликни органик тиним даврига ўтишини бошқаради [10].

Юқоридаги маълумотлардан шуни хулоса қилиш мумкинки фитогармонлар томонидан хлорофиллни синтезланишини ёруғлик сигналларини ташиш орқали, хлоропластни диферециялланиши ва хлорофилл синтезланишда иштирок этадиган ферментларни активлаштириш ёки сусайтириш орқали бошқарилади ва тартиб солинади.

Абсиз кислота ва цитокинин фитогармонлари хлорофилл пигментини парчаланишини тартибга солади ва уни синтезланишини ингибирлайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Кефели В.И., Прусакова Л.Д. / Химические регуляторы растений // Научно-популярная литература. -М.: Знание. 1985. -62с.

2. Pandey, R. N. Hormones in hortivulture / R.N. Pandey // Indian Farmer Times. -1990.-T.7/- №11.-P. 9-11.

3. Brown P., Tanksley S.D. Characterization and genetic mapping in simple sequence repeats in the tomato genome. // Mol. Gen. Genet., 1996, V.250, p. 3949.

4. Cekis C., Battey N.H., Wilkinson M.J. The potential of ISSR-PCR primer-pair combinations for genetic linkage analysis using the seasonal flowering lokus on fragaria as a model. // Theor Appl Genet, 2001, V. 103, P. 540 — 546.

5. Chandler S.F., Radolsky E., Pua E. Some morphogenetic effects of sodium sulfate in tobacco callus // Plant cell tissue organ cult., 1987, V.l 1, P. 141 -150.

6. Chauvin J.E., Marhadour S., Cohat J., Le Nard M. Effect of gelling agents on in vitro regeneration and kanamycin efficiency as a selective agents in plant transformation procedures // Plant cell tissue organ cult., 1999, V.58, P. 213 -217.

7. Afsaneh Bazaldeh, Abdolrazagh Danesh S., Seduqueh Beheshti. Effect of osmopriming germination characteristic of Valeriana offisinalis L. seed under droght stress// International Journal of Farming and Allied Sciences. № 6(3) 2017. P-72-49

8. Shirin Adel Pilerood, Jamuna Pakash. Nutritional and Medicinal properties of Valeriana (Valeriana offisinalis L) Herb: A Review// International Journal of Food Nutrition and Dietetics. № 1 2013.P-25-32

9. Максимов И.В. Оксидоредуктазы и фитогормоны в регуляции устойчивости пшеницы к фитопатогенным грибам //Автореф. дисс… д.б.н. –Уфа, 2005. -57 с.

10. Lichtenthaler H.K. (1987) Clorophylls and caratenoids: pigments of photosynthetic biomembranes. Methods in Enzymology, 148, 350-382

## ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ

**Б.У. Олимов – доцент*, И.Т. Улуханов доцент**,**
**М.О. Турғунпўлатов –талаба**.**
***НамДУ, **Қўқон ДПИ**

***Аннотация:*** *Мақолада узлуксиз таълим тизимининг умумий ўрта таълим мактаблари ва олийтаълим муассасаларида технология фанини ўқитишнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш масалалари ёритилган. Таълим сифатини оширишда таъсир этадиган омиллар борасида, уларнинг илмий аҳамияти очиб берилган. Умумий ўрта ваолий таълим муассасасининг технология фани бўйича долзарб муаммолар тизимли таҳлил қилинган*

***Калит сўзлар:*** *умумий ўрта таълим, олий таълим, узвийлик, узлуксизлик.*

***Аннотация:*** *В статье рассматриваются вопросы обеспечения преемственности и преемственности преподавания технологии в общеобразовательных средних школах и высших учебных заведениях системы непрерывного образования. Если говорить о факторах, влияющих на качество образования, то выявлена их научная значимость. Системный анализ актуальных проблем общего среднего и высшего учебного заведения в области технологии*

***Ключевые слова:*** *общее среднееобразование, высшее образование, преемственность, непрерывность.*

***Abstract:*** *The article deals with the issues of ensuring the continuity and continuity of technology teaching in general secondary schools and higher educational institutions of the system of continuing education. If we talk about the factors that affect the quality of education, their scientific significance is revealed. System analysis of actual problems of general secondary and higher educational institutions in the field of technology*

***Keywords:*** *general secondary education, higher education, coherence, continuity.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сонли Қарори, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли ҳамда 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли ва 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари, 2025 йилгача Ўзбекистон саноатининг ривожланиши концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884-сонли, 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-6108-сонли Қарорлари, “Мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида технологик таълимнинг узвийлигини таъминлаш концепцияси”да белгиланган вазифалар ижроси таъминлашда мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида технология фанини ўқитишни ривожлантириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шунингдек, таълим жараёнига татбиқ этилаётган инновациялар самараси технология фани узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашга бевосита боғлиқ. Ҳозирги вақтда технологик таълимнинг амалдаги жорий ҳолати ва тўпланган тажрибалар таҳлилини ўтказиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Президентимиз “Мактаб ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқув юкламалари ва фанларни қайта кўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш зарурлиги” ҳамда “Олий таълим стандартлари хорижий тажриба асосида такомиллаштирилиши, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанлар қайта кўриб чиқилиши зururлиги ҳамда мутахассисликка алоқаси бўлмаганфанлар сонини 2 баробарга қисқартириш” тўғрисида аниқ вазифаларни белгилаб берган эди[1].

Ўрганишлар натижасида узлуксиз таълим тизимида узвийликни таъминлаш борасида бир қатор муаммолар борлиги аниқланди:

мавзулар такрорланиши - узлуксиз таълим турлариаро босқичларида мавзуларнинг айнан ёки мазмунан такрорланишининг мавжудлиги;

айрим мавзуларга соат ҳажмининг кўплиги - таълим босқичларида айрим мавзуларга ортиқча вақт ажратилганлиги. Айниқса, назарий машғуцлотларга кўп вақт ажратилган;

вақтнинг бесамар сарфланиши - такрорланиш ва ортиқча вақт эвазига ўқитувчи ва ўқувчининг вақти бесамар сарфланиши;

узвийликнинг йўқлиги - узлуксиз таълим турлариаро фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда объект ва субъект танлови ва мазмунида номутаносибликлар мавжудлиги, халқаро тадқиқотлар бўйича мавзуларни киритилмаганлиги, STEAM ёндашувлар инобатга олинмаганлиги [2].

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашнинг асосий шарти ўсиб келаётган ёш авлодни бозор иқтисодиёти муносабатларида фаол иштирок этишга тайёрлаш барча турдаги таълим муаммолари олдида турган энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Таьлим сифати ва самарадорлигини оширишда ўқитишнинг замонавий усуллари, шакл ва воситалари ва муаммоли ўқитиш муҳим ўрин тутади. Бу эса ўқувчиларни тадбиркорлик фаолиятига маънавий жиҳатдан тайёрлашда замон талаблари асосида дастурлар ишлаб чиқиш ва уни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш усулларини такомиллаштириш борасида илмий-педогогик изланишлар олиб боришни тақозо этади. Мазккур муаммонинг долзарблигини таъкидловчи омиллар сифатида қуйидагича изоҳлаш мумкин.

Инновацион таълим муҳитида технология фани узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашнинг мазмуни ва методикаси ишлаб чиқилмаганлиги; технология фани узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашнинг самарали методларини белгилаб берувчи дидактик шарт-шароитлар яратишга етарлича эътибор қаратилмаганлиги; технологик ёндашув ҳамда уни амалиётга жорий этиш механизмини ишлаб чиқилмаганлигини, фандан такрорланган мавзулар сонининг кўплиги, узвийлиги таъминланмаган мавзуларнинг мавжудлиги, уларни олиб ташлашга таклиф этилаётганлари мавзуларнинг борлиги, янги киритишга ёки такомиллаштиришга таклиф этилаётган мавзуларнинг кераклиги, халқаро тадқиқотлар (PISA, PIRLS, TIMMS) бўйича киритиладиган мавзулар камлиги, таълим мазмунини белгилашга хизмат қилувчи, узлуксиз таълим тизимининг меъёрий ҳужжатлари, ўқув дастурларининг узвийлигини таҳлил қилиш, уларнинг фан бўйича босқичлар орасида такрорийлигининг олдини олиш бўйича ишлар ҳамда узвийлиги таъминланган фан дастурлари асосида дарсликлар мазмунини ҳам мувофиқлаштириш каби долзарб эканлигини эътироф этиш жоиз.

Технология фани дарслари жараёнида инновацион таълим муҳитида фанни ўқитишни умумтаълим мактаблари ва ОТМларида узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашни ташкил этиш масалалари ўрганилмаган. Бошқа кўпгина адабиётларда ҳам бу мазкур масаланинг ўзига хос хусусиятлари етарли очиб берилмаган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884-сонлиҚарори иловасининг 4-бандига кўра “Мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим ўқув дастурлари ва фанларнинг узлуксизлигини таъминлаш” вазифаси белгиланган.

Бунда технология фанидан такрорланган мавзулар сони  43 тани, узвийлиги таъминланмаган мавзулар сони 83 тани, олиб ташлашга таклиф этилаётганлари 65 тани, янги киритишга ёки такомиллаштиришга таклиф этилаётган мавзулар сони 93 тани ташкил этган бўлса, халқаро тадқиқотлар (PISA, PIRLS, TIMMS) бўйича киритиладиган мавзулар сони 95 тани ташкил этган. Технология фани дарслари жараёнида узвийлик ва узлуксизликни таъминлашда фанга оид мавзуларни тизимли ўқитишни, ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан  фойдаланишга қаратилган шарт-шароитларни, методларни назарда тутамиз. Чунки технология фани дарслари тизимли равишда умумий ўрта таълимдан бошлаб олий таълимгача узлуксиз давом эттирилсагина натижа кўрсатади[3].

Бундаги вазифалар сифатида бир қатор ишларни амалга ошириш режалаштириб олиниши белгиланди.

1. Умумий ўрта таълим мактабларида ўтиладиган технология ўқув фани дарсларининг мазмуни ва аҳамиятини ўрганиш.

2. Технология ўқув фани бўйича давлат таълим стандарти ҳамда ўқув дастурларининг асосий йўналишлари мазмуни ва уларнинг таҳлили.

3. Технология фани дарсларини ўқитишда узвийлик ва узлуксизлик тушунчаси, унинг турлари ва қўлланилишини асослаш.

4. Инновацион таълим муҳитида умумий ўрта таълим фанларини ўқитишдаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш ҳолатини ўрганиш.

5. Олий таълим фанларини ўқитишдаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш масалаларини ўрганиш.

6. Технологик таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш орқали инновацион инфратузилмани шакллантириш.

Хулоса ўрнида технология фанидан олиб бориладиган дарслар жараёнида узвийлик ва узлуксизлик муносабатларини таъминлаш бўйича ўқув материаллари ишлаб чиқиш, уларни қўллаш бўйича кўрсатма ва тавсиялар тайёрлаш ва амалда синаб кўриш орқали кутилаётган илмий

янгилик сифатида фандаги ўқитиш узвийлиги ва узлуксизлингини таминлашнинг мазмуни, шакл ва методларини аниқлашдан, янги мазмун билан бойитишдан, уларни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш ҳамда қўллаш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5712-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли Фармони.
3. Мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида технологик таълимнинг узвийлигини таъминлаш концепцияси. Т- 2020.
4. Сафин Р.С. и другие: Современные образовательные технологии в техническом вузе: монография., издательство: Изд-во Казанск. гос. архитектор.-строит. унив., г. Казань, Россия, 2014. –217 с.,
5. Қўйсинов О.А. Компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш технологиялари: Дисс. ... пед. фан. док. (DSc). -Тошкент, 2019. -146 б.


## ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР


**Мадрахимова Мухайё Кахрамоновна.**

**Андижон шаҳар ХТБ 1- Умумий ўрта таълим мактабининг Технология фани ўқитувчиси.**



***Аннотация:*** *В статье изложены стратегические задачи педагогических кадров развития качество эффективности учебной деятельности непрерывного образования.*



***Ключевые словаи понятия:*** *Непрерывное образование, эффективность, качество, стратегические задачи.*



***Abstract:*** *In this article ideas were given about strategic tasks of pedagogic personals in increasing the effectiveness and quality of continuous education, development of education and providing the quality.*



***Key words:*** *continuous education, quality, effectiveness, strategic tasks.*

Таълимнинг глобаллашуви ииновацион технологияларнинг жорий этилаётган таълим муассасаларида таълим сифатининг ошишига сабаб бўлмоқда. Маълумки, ҳар қандай технология таълимнинг янги мазмунини шакллантирувчи таълим тамойилларига асосланади. Таълим жараёнининг фаол субъектлари рахбар, педагог, ўқитувчи ва ўқувчилар бўлиб, уларнинг ҳамкорликдаги фаолиятлари стратегик вазифаларни белгилайди.

Замонавий таълим тизими олдига мустақил фикрлайдиган, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, ижтимоий фаол фуқароларни тарбиялаш вазифаси қўйилган бўлиб, ўқувчи шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш мазкур вазифаларни бажариш имконини беради. Узлуксиз таълим тизимида шахсга йўналтирилган ёндашувнинг асосий тамойиллари қуйдагилардан иборат:

- Ўқувчининг шахсий тажрибасидан фойдаланиш;
- Ўқув материалини ўзлаштиришнинг ўқувчилар учун ахамиятли усулларини мустақил танлаш ва қўллаш имкониятини яратиш;
- Билим, кўникма, малакаларни якуний натижа сифатида эмас, балки ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини намойиш этиш воситаси сифатида эгаллаш;
- Бахолашни ўқувчиларни ривожлантиришга йўналтириш.

Бола ҳар куни мактабда бўлиб мўжизакор олам янгиликлари билан танишади, ақлини, хис-туйғуларини бойитади, ирода ва характерини тарбиялайди, ўртоқлари, катта ёшдаги кишилар билан янгича, мураккаброқ мулоқотда бўлади. Ўқитувчи эндигина остона босиб кирган болага разм солар экан, унга алоҳида эътибор, узоқ йиллик сабр, садоқат лозимлигини тушуниб етади ва унинг ўзига хос бир дунё эканлиги, бир-бирига мутлоқ ўхшамайдиган заррин нурлардек хосиятли эканлигини, орадан маълум вақт ўтиб, мустақил ҳаётга қадам қўйгач, ким бўлиши, умид туйғусини ишғол этади, бетакрор ҳаёллар, эхтиросларга ошно этади. Педагог ўз ҳаёлида тарбияланувчининг тимсолини гавдалантирар экан, ўқитувчи ғайрат билан таълим бериб, ўқувчиларни ақлий қобилиятларини ривожлантириб, уларнинг иродасини мустахкамлаб, характерини таркиб топтира боради. Мамлакатимиздаги иқтисодий-сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаётдан ўрин олаётган янги-янги ютуқлар билан доимо таништириш борасида юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий-сиёсий ва маданий соҳалардаги ислоҳотларнинг асл мақсади жамиятимиз аҳолиси учун муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, билимли, маълумотли юксак интелектга эга шахсларнинг мавқеини ошириш, маънавий жиҳатдан баркамол ва мукаммал ривожланган инсонлар зиммасида эканлигини асослаб беради. Шу боис бугунги кунда Халқ таълими ходимлари педагог, тарбиячиларнинг ижтимоий

етуклиги, фаоллигини, юксак даражага кўтариш Мустақил Ўзбекистонимизнинг келажагини ҳал қилувчи муҳим стратегик мақсадлардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги замон ўқитувчиси ўқувчиларда ўзини-ўзи тўла намоён эта олиши учун, таълим мақсадларини амалга оширишда уларнинг педагогик-психологик табиатини диққат марказида тутиш ва таълим жараёнида инновацияга иш жараёнида қўлланиладиган янгиликга эътибор бериши, ўзаро ҳамкорлик асосида бахс-мунозарага имкон яратиши, ижобий фазилатларни шакллантириши, сабрлилик ҳарактерини тарбиялаши, иродани мустахкамлашга, муомалага, истедодни намоён этадиган факторларга асос солиши лозим. Миллий маънавиятимизга садоқат, ғурур ва қадриятларимиз манбааларини чуқур ва ҳар томонлама уйғунлаштириб ягона мақсадга йўналтириш, ёт ғояларга нисбатан нафрат туйғусини сингдириш лозим. Мактабни битирувчида ўз билим доирасини доим бойитиб бориш, ўқишга нисбатан онгли, масъулятли ва ижодий муносабатда бўлиш эҳтиёжлари ҳосил қилиниши мақсадга мувофиқдир. Педагогик жараёндаги ишларни ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш, жамоавий таълим, ўқиш ва ўқитиш ўртасидаги педагогик зиддиятларнинг ҳал қилишнинг янги-янги усул ва воситаларни қидириб топиш ва амалда қўллаш лозим.

Ана ўшандагина бугунги мактабни битирувчи, жамиятнинг маънавий тушунчалари, меъёрий талабларини яхши ўзлаштириб олган болагина эмас, албатта ўзининг бутун ҳаётида уларга сира оғишмай, авлодлар эзгу ниятлари, анъаналарига содиқлиги зарурлигини англаб етаётган, замонавий билимга эга бўлган, мустақил, эркин фикрлаш қобилияти ривожланиб бораётган, ўз олдига қўйган стратегик мақсадларга эриша олишга ишонч ҳосил қилган, маънавияти юксак, ҳар қандай мураккаб муаммоларни ҳам, зўравонлик ва адоватга берилмасдан ҳал этишга қодир интеллектуал салоҳиятли инсонлар бўлиб шаклланадилар.

“Таълим тарбия тизимидаги ислоҳатлар... орзу интилишларимиз бугуннниг ўзида ҳосилини бераётганини гувоҳи бўлмоқдамиз. Биз тарбия қилаётган соғлом ва баркамол авлоднинг сафимизга тобора илдам кириб бориши билан янада яққолроқ сезилмоқда”.

Мактабни битирувчида нафосат ҳис туйғуси ривожланган бўлиши керак, у табиатни билиши, қадрлаши ва эҳтиёт қилиши лозим, гўзалликни чуқур хис этишгандагина инсондан хақиқий гўзал нарсани ясашни кутиш мумкин. Бунинг учун унинг қизиқишларини доимий равишда кенгайтириб бориши ва ўзини адабиётга, санъатга, музикага бўлган ихлосини ривожлантиришга интилади.

Ҳар тарафлама ривожланган баркамол шахсни улғайтириш мураккаб жараён эканлиги бугунги кунда сир эмас. Маънавият мақсадининг муштараклиги, интеллектуал салоҳият, ижтимоий фаоллик каби хислатлар ва ўқувчида етук ахлоқий фазилатларни тарбиялайди, бу фазилатлар бурч, эҳтиёж, хоҳиш, ирода, имконият ва воқелик, манфаат, зарурият, сабаб ва оқибатнинг узвий боғлиқлиги, бирлиги асносида юзага чиқади.

Мактабнинг таълим-тарбия вазифаларини ҳал қилишда оммавий ахборот воситаларининг мактаб ҳаётига таъсири кучайган. Ўқувчига ҳаётий стратегияни тўғри танлашда ёрдам бераётир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълимдаги инновацион услублар мактабни таълим – тарбия ишларини йўналтирувчиси ва уюштирувчи кучига айланмоқда. Мазкур муаммоларни амалга оширишда Ҳаракатлар стратегиясини ҳар бир раҳбар ва педаголар атрофлича англаб етиши, таълим жараёнида пайдо бўлаётган муаммолар динамикасини ўрганиши, диагностика қилиши, қиёслаши, мониторинг даражаларни мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этилиши, билим, малака, юксак компетенцияси асосида фикр юритиш уларни амалиётда қўллаш, назария, эътиқод ва келажакка ишонч ўзаро бирикиб, педагогик фаолиятни ривожлантиришнинг энг қулай истиқболли йўли хисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни// “Баркамол авлод − Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” китобида. – Т.: Шарқ, 1997. − Б. 20-29.

4. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 24 б.

5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 138 б.

6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

7. Аҳлидинов Р.Ш. Умумий ўрта таълимни ташкиллаштиришнинг ташкилий педагогик асослари (бошқарув жиҳатлари): Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси – Т.: 1998. – 145 б.

8. Аҳлидинов Р.Ш. Умумий ўрта таълим сифатини бошқаришнинг ижтимоий-педагогик асослари (кадрлар тайёрлаш миллий дастури материаллари асосида): Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси – Т.: 2002. – 338 б.

9. Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Умумий ўрта таълим муассаларини бошқаришда менежментнинг асосий тушунчалари. – Т.: Фан, 2006. – 51 б.

10. Джураев Р.Ҳ., Турғунов С.Т. Таълим менежменти. – Т.: “Voris-Nashriyot” нашриёти, 2006. – 264 б.

# ЧИЗМА ГЕОМЕТРИЯ, МУҲАНДИСЛИК ВА КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА БЎЛАЖАК МУҲАНДИСЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**М.Х. Шомирзаев**
Термиз давлат университети профессори в.б.,
педагогика фанлари доктори, Термиз, ЎЗБЕКИСТОН
E-mail:shomirzaevm@tersu.uz
**Ж.Д. Авазов**
Тошкент давлат техника университети
Термиз филиали катта ўқитувчиси
Термиз, ЎЗБЕКИСТОН

***Аннотация.*** *Мақолада олий таълим муассасаларида бўлажак муҳандисларнинг интеллектуал қобилиятларини қўллаш билан боғлиқ бўлган касбий компентентлигининг баъзи жиҳатларининг мазмун-моҳияти ёритилган.*

***Калит сўзлар ва тушунчалар:*** *ёшлар, олий таълим, таълим, тарбия, бўлажак, касбий, муҳандислик графикаси, компьютер графикаси, лойиҳалаш, компентентлик, интеллектуал, интеграциялашув, интеллектуал, ижодий, когнитив, келажак, қобилият, самарадорлик.*

***Резюме.*** *В статье раскрыто содержание некоторых аспектов профессиональной компетентности будущих инженеров, связанных с применением интеллектуальных способностей в высших учебных заведениях.*

***Ключевые слова и понятия:*** *молодежь, высшее образование, обучение, образование, будущее, профессиональная, инженерная графика, компьютерная графика, дизайн, компетентность, интеллектуальная, интеграционная, интеллектуальная, творческая, познавательная, будущее, способности, эффективность.*

